

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Ҳ.Р.Раҳмонқулов С.С.Гулямов

КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим
вазирлигининг ўқув-услубий Кенгаши қарори билан
ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлари талабалари
учун дарслик сифатида тавсия этилган*

Тошкент – 2006

УДК 347.721

Р–33

Ҳ.Р.Раҳмонқулов, С.С.Гулямов.

Корпоратив ҳуқуқ. Ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2006. 474 б.

Муаллифлар: академик **Раҳмонқулов Ҳоджи-Акбар Раҳмонқулович.**

ТДЮИ Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси профессори в.б., юридик фанлар доктори **Гулямов Сайдилла Саидахарович.**

Масъул

муҳаррир:

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон ФА академиги, юридик фанлар доктори, профессор, "Халқаро хусусий ҳуқуқ" кафедраси мудири **Ҳ.Р.Раҳмонқулов.**

Такризчилар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор, ТДЮИ "Фуқаролик ҳуқуқи" кафедраси мудири **И.Б.Зокиров.**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Ҳуқуқий тадқиқотлар Маркази директори, юридик фанлар номзоди, доцент **З.С.Убайдуллаев.**

© **Ҳ.Р.Раҳмонқулов, С.С.Гулямов, 2006.**

© **Тошкент Давлат юридик институти, 2006.**

КИРИШ

Ҳуқуқий тизим ҳар бири ўзининг предметига ва ушбу предметнинг мазмунини ташкил этувчи муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос усулига эга бўлган бир қанча ҳуқуқ соҳаларидан ташкил топади. Ҳуқуқ соҳаси ўз навбатида биргаликда умумий ва махсус қисмни ташкил этадиган меъёрлар, институтлар, субинститутлар ва кичик тармоқларга бўлинади. Ҳуқуқ соҳаси ва унинг тузилиши ҳам бир вақтда шаклланмайди: давлат ва жамият ривожланишининг босқичидан келиб чиққан ҳолда уларнинг моҳияти ва қўлланилишида турли ўзгаришлар содир бўлади, янги ҳуқуқ соҳалари ва соҳа ости ҳуқуқлари пайдо бўлади, уларнинг айримлари эса ўз мавқеини йўқотади.

Лекин, янги соҳалар, ҳуқуқ ости тармоқлари ва ҳуқуқий институтларнинг шаклланиши субъектив қарашлардан эмас, балки объектив шарт-шароитлардан, яъни жамият ривожланишининг у ёки бу ривожланиш босқичидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан келиб чиққан ҳолда шаклланади.

1991 йил Ўзбекистон ҳаётида давлат қурилиши ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги, сифатли босқичига ўтиш билан боғлиқ юксак аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеалар юз берди. Республикамиз қадам қўйган жамият иқтисодда давлат мулкининг ҳукмронлиги рад этилганлиги, мулкчиликнинг турли шакллари мавжуд бўлиши ва бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг ривожланиши, маъмурий буйруқбозлик усулларида воз кечилиши ва жамиятни бошқариш тизимида демократик тамойиллардан фойдаланилиши кабилар билан характерланади.

Давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, ташқи сиёсат, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, республиканинг иқтисодий тизими, миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилиши, давлат ҳокимияти органлари тизими каби муҳим масалалар мустақил Ўзбекистон Конституциясида ўз ўрнини топди.

Янги давлат қурилишининг асосий хусусиятлари шу билан изоҳланадики, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети тамо-

йилларига содиқлигини эълон қилган ҳолда инсонпарвар ҳуқуқий давлат қурмоқда. Давлат ҳокимиятининг манбаи бўлиб, миллатидан қатъи назар фуқаролардан ташкил топган халқ ҳисобланади. Давлат ҳокимияти энди биринчи марта ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш тамойилига асосланади. Республикадаги ижтимоий ҳаёт мафкуралар, фикрлар ва сиёсий институтларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Олдинги ижтимоий тизимдан фарқли равишда, ҳеч бир мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас.

Бу ўзгаришлар ҳуқуқ моҳиятининг ўзгаришига олиб келди ва ҳуқуқий тизимга тўғридан-тўғри таъсир этди. Агар олдинги вақтларда ҳуқуқ ҳукмрон синфнинг иродасини мужассамлаштирган ва ижтимоий-синфий тартибга солиш функциясини бажарган бўлса, ҳозирги кунда у бутун халқнинг эркини ифода этади ва жамият манфаатларига хизмат қилади. Ҳуқуқ моҳиятининг олдинги тушунилишидан унинг ҳаётий заруратларга ва замонавий воқеликка тўлиқ жавоб бераётганлиги маълум бўлди.

Яхлит тарзда ҳуқуқий тизим тартибга солаётган муносабатларнинг характеридан келиб чиққан ҳолда икки асосий турга бўлинади – оммавий ҳуқуқий ва хусусий ҳуқуқий. Сўнгги йилларда ҳуқуқ тизимида, хусусан хусусий ҳуқуқ соҳасида, бир қанча ўзгаришлар юз берди ва натижада унинг таркибида янги ҳуқуқ соҳалари, тармоқ ости соҳалари ва институтлар пайдо бўлди. Булар қаторига банк ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, тижорат ҳуқуқи, халқаро савдо ҳуқуқи, шу жумладан корпоратив ҳуқуқ кабиларни мисол келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида хусусий мулкнинг ривожланиши ва унинг асосида бозор муносабатларининг амалга оширилиши хусусий ҳуқуқ мажмуасини ташкил этувчи ҳуқуқ соҳалари меъёрларининг моҳиятини қайта англашга жуда катта таъсир кўрсатди. Олдинги даврда хусусий ҳуқуқ меъёрларида оммавий ҳуқуқ унсурлари устун эди. Масалан, хусусий ҳуқуқнинг олдинги асосий манбаси ҳисобланган 1963 йилги Ўзбекистон Гражданлик кодексида хусусий тадбиркорлик фао-

лиятини чекловчи меъёрлар мавжуд эди, хусусий мулк ҳуқуқи мустаҳкамланмаган эди, чунки маркс-ленин таълимотига кўра хусусий мулк бошқалар меҳнатини эксплуатация қилиш манбаси сифатида қаралган, юридик шахслар давлат органларининг буйруғи ёки рухсати асосида ташкил этилган, ички ишларга давлатнинг аралашшига йўл қўйилган, шартнома эркинлиги деярли мавжуд бўлмаган, шартномалар қоида тариқасида давлатнинг режалаштириш актларига асосан тузилиши керак бўлган ва бошқалар. Хусусий секторга алоқадор деярли барча ҳуқуқ соҳалари манбаларининг меъёрлари ушбу тамойил асосида қурилган эди.

1997 йил 1 мартдан бошлаб амал қилаётган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси меъёрлари асосан хусусий ҳуқуқ тамойиллари асосида яратилган. Фуқаролик кодекси меъёрлари мазмуни ва тузилишини аниқлашнинг дастлабки асоси ФКнинг 1-моддасидаги қуйидаги қоидада келтирилган: "Фуқаролик қонун ҳужжатлари улар томонидан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини эътироф этишга, мулкнинг дахлсизлигига, шартноманинг эркинлигига, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқлари тўсқинликсиз амалга оширилишини, бузилган ҳуқуқлар тикланишини, уларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлигига асосланади". Ушбу асосий тамойиллар фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларини давлат қатъий тартибга солишидан озод этди. Улар "қонунда тақиқланмаган ҳамма нарса рухсат этилади" тамойилига асосан ўз фаолиятлари қоидаларини мустақил тарзда белгилаш имкониятига эга бўлдилар. Бу юридик шахс сифатида тан олинган, бирлашган маблағ асосида хўжалик ёки ижтимоий фойдали фаолият юритаётган корпорациялар – ташкилотларга ҳам тўлиқ тарзда тегишлидир.

Ҳуқуқ тизимида корпоратив ҳуқуқ мустақил тармоқ сифатида чиқмайди. У хусусий ҳуқуқ тизимидаги турли ҳуқуқ соҳалари: фуқаролик, молия, меҳнат, хўжалик, тадбиркорлик, муаллифлик ҳуқуқлари ва уларнинг институтлари, хўжалик ва корпоратив фаолиятни тартибга солувчи алоҳида ҳуқуқий актлар, шунингдек Ўзбекистон Рес-

публикасида тан олинган ва миллий ҳуқуқ тизимига киритилган хўжалик ва корпоратив фаолиятни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ меъёрларидан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Шу жиҳатдан корпоратив ҳуқуққа маълум маънода оммавий ва кўп жиҳатдан хусусий ҳуқуқ унсурларини ўзида мужассам этган фуқаролик ҳуқуқининг тармоғи сифатида қараш мумкин.

Корпорациялар билан бир қаторда барча юридик шахслар фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, шунингдек, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисидаги бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган. Шу билан бирга, муайян миқдордаги меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлигига қарамасдан, ҳали ҳам корпоратив ҳуқуқ соҳасида тартибга солинмаган муносабатлар мавжуд. Билим ва ахборотлар даражаси ҳозирча хусусий сектор ривожланиши ва ишлаб чиқариш имкониятлари кўлампидан орқада қолмоқда, ушбу бўшлиқлар муҳим тўхтатиб турувчи омил бўлиши мумкин. Амалиётдаги ҳуқуқшунослар корпорациялар фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш юзасидан иқтисодий самарадорлиги юксак бўлган ҳуқуқий ёндашишларни барча ҳолларда ҳам ишлаб чиқа олмайдилар. Судьялар корпорациялар фаолиятида юзага келган низоларнинг нозик жиҳатларини ҳуқуқ ва қонунчиликка асосан тўғри ва оқилона ҳал этишда қийинчиликларга дуч келишлари мумкин.

Миллий адабиётларда корпорацияларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар етарли тарзда ёритилмаган. Турли журнал ва даврий нашрларда чоп этилган мақолалар корпорациялар фаолияти ва уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг баъзи жиҳатларинигина қамраб олади. Талабалар ва амалиётдаги ҳуқуқшуносларнинг корпоратив ҳуқуқ соҳасидаги турли саволларига жавоб берадиган, улар мурожаат эта оладиган ягона ахборот манбаи мавжуд эмас.

Совет даври ҳуқуқ тизими ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлари ўқув дастурларида Корпоратив ҳуқуқ фанини ўқитиш назарда тутилмаган эди. У ўша пайтда хўжалик фаолияти тизимини тартибга солишда қўлланилган бошқаришнинг маъмурий усулларига мос эмас эди.

Ҳозир эса вазият ўзгарди. 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб, Тошкент Давлат юридик институтида Корпоратив ҳуқуқ фанини ўқитиш махсус курс сифатида киритилди. Бунда ҳуқуқшуносларнинг хусусий ҳуқуқ, шу жумладан Корпоратив ҳуқуқ фанини ўрганишга бўлган талаби ошаётганлиги инобатга олинди. Бу аввало, Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва давлат корхоналарини хусусийлаштириш натижасида хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, шу жумладан акционерлик жамиятларининг турли кўринишлари фаолият юритиши ва ривожланиш жараёнининг кучайиб бораётганлиги, шунинг учун корпоратив ҳуқуқ меъёрлари, уларнинг қўлланилиши ва корпоратив низоларни асосли ҳал этишни такомиллаштириш зарурати мавжудлиги кабилар билан изоҳланади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда талабалар, ўқитувчилар, корпоратив ташкилот раҳбарлари ва мутахассисларига корпоратив ҳуқуқнинг ҳуқуқий институтлари ва меъёрлар моҳияти ҳақидаги билимларни эгаллаш ҳамда уларни амалиётда самарали қўллаш жараёнида ёрдам бериш мақсадида ТДЮИ "Халқаро хусусий ҳуқуқ" кафедрасида "Корпоратив ҳуқуқ" дарслиги тайёрланди.

Муаллифлар ушбу ҳамкорликдаги меҳнат бўлажак ҳуқуқшуносларнинг корпоратив ҳуқуқ соҳасидаги билимларини оширишга хизмат қилишига ишонадилар. Шу билан бирга, ушбу дарсликнинг тақризчиларига ҳамда дарслик юзасидан ўзининг амалий фикр-мулоҳаза ва таклифлари билан кейинги нашрларда унинг сифатини оширишга ёрдам берган барча китобхонларга чуқур миннатдорчилик билдирадилар.

I БОБ

КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ

1-§. Корпоратив ҳуқуқ тушунчаси ва унинг хусусий ҳуқуқ tizимидаги ўрни

Ҳуқуқ ижтимоий ҳодиса сифатида ўз асосида инсоният жамияти таракқиёти давомида юзага келган, давлат томонидан у ёки бу ҳуқуқий шаклда рухсат берилган, мустаҳкамланган ёки тан олинган ахлоқ меъёрларини акс эттиради. Ҳуқуқ моҳияти тўғрисида ҳуқуқий адабиётларда турлича нуқтаи назарлар билдирилади. Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги ҳуқуққа жамиятнинг барча аъзолари, унинг алоҳида гуруҳ ва тузилмаларига қаратилган ҳамда ижро этилиши давлат томонидан таъминланадиган ва қўриқланадиган меъёрлар, яъни хулқ-атвор (юриш-туриш) қоидалари йиғиндиси сифатида қарайдилар. Ҳуқуқ меъёрлари меъёрий ҳужжатларда турли шаклларда мустаҳкамланади ва шу жиҳатдан уларга ахлоқ меъёрларидан фарқли равишда ҳуқуқ нормалари сифатида қаралади.

Ҳуқуқ меъёрлари фақат уларнинг йиғиндисидан ташкил топибгина қолмасдан, мантиқий жиҳатдан ўзаро боғлиқ элементларнинг муайян тармоқларга бўлинган тизимини ифода этади. Бундай тизимлилик ижтимоий муносабатларнинг хусусияти, уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос усуллари ва бошқа объектив асосларга қараб аниқланади. Ушбу меъёрларнинг кўпчилиги у ёки бу турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга ихтисослашади ва муайян мақсадларга (натижаларга) эришишни назарда тутаяди. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий тартибга солиш учун унинг доим алоҳида, фақат ҳуқуқ механизмига хос бўлган тарзда ижтимоий муносабатларни уларнинг статик (масалан, мулк ҳуқуқи ҳимоясини мустаҳкамлаш орқали) ёки динамик (мажбуриятлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш орқали) жиҳатлари воситасида тартибга солишнинг амалга оширилиши характерлидир. Ўз табиатида кўра меъёрий ташкилий таъсирга бериладиган ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароит бундай таъсирни талаб қиладиган, ҳуқуқий меъёр ва бошқа ҳуқуқий воситалар ёрдамида амалга оширилувчи, ҳуқуқий тартибга солиш механизмини ташкил этувчи иж-

тимой муносабатлар тартибга солиш предмети бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқ меъёрлари ўзининг ички бирлиги туфайли ижтимоий муносабатларни шахс, жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бир хиллик ва мақсадга йўналтирилган ҳолда тартибга солишнинг асоси ҳисобланган алоҳида тармоқлардан (конституциявий, маъмурий, фуқаролик, оила, меҳнат, ер, жиноят процесси, фуқаролик процесси ва бошқалар) ташкил топади. Шу билан бирга ҳуқуқ тармоқлари улар томонидан тартибга солинаётган ижтимоий муносабатларнинг хусусияти ва ушбу муносабатларда иштирок этувчи субъектларнинг ваколатлилигидан келиб чиқиб икки асосий туркумга бўлинади: оммавий-ҳуқуқий ва хусусий ҳуқуқий. Корпоратив ҳуқуқ маълум даражада оммавий ҳуқуқ ва асосан хусусий ҳуқуқ меъёрларидан ташкил топиб, фуқаролик ҳуқуқининг кичик тармоғи сифатида хусусий ҳуқуқ тизимида алоҳида ўрин эгаллайди.

Корпоратив тижорат фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солинишини ҳуқуқнинг муайян бир соҳасига киритиш жуда мураккаб масала бўлиб ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам оммавий ёки хусусий ҳуқуқ тизимидан қайси бирининг меъёрлари корпоратив фаолиятни тартибга солишда устунликка эга ва тегишинча корпоратив ҳуқуқ ушбу тизимлардан қайси бирининг тузилишидан ўрин эгаллайди.

Ушбу масалани ҳал қилиш учун иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг ривожланган механизми бусиз бўлмайдиган оммавий ва хусусий ҳуқуқ ўртасидаги энг мақбул ўзаро муносабатни аниқлаш лозим¹.

Давлат органлари томонидан чиқарилган оммавий-ҳуқуқ меъёрлари жамиятнинг барча аъзоларига (ижтимоий манфаатлар, умумий манфаатлар) тегишли масалаларни тартибга солганлиги туфайли жамият, халқ эркини ифода этади. Барча аъзоларнинг манфаатлари асосан давлат ҳокимиятининг тузилиши, шаклланиши ва амалга оширилиши солиқ, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, экология, одил судловни амалга ошириш каби масалалар доирасида жамланади. Оммавий ҳуқуққа асосан муносабат субъектлари ўзаро бўйсунуш ёки ҳокимият тарзида, бошқача қилиб айтганда "вертикаль муносабат"ларда бўлади.

Хусусий-ҳуқуқий меъёрлар – бу давлат томонидан қабул қилинган ва рухсат этилган фуқаролар ва ташкилотларнинг манфаатларини

¹ Яковлев В.Ф. Гражданский кодекс и государство // ВАСРФ. 1997. № 6. 136 б.

Ўз эрklarига мувофиқ ҳимоя этишлари учун улар мурожаат этишлари мумкин бўлган суд ва бошқа давлат органлари учун мажбурий бўлган ҳуқ-атвор (юриш-туриш) қоидалари йиғиндисиدير. Хусусий ҳуқуқ меъёрлари ўзаро тенглик ва мувофиқлик ("горизонтал муносабатлар") асосида муносабатга киришаётган субъектларнинг фақатгина алоҳида (хусусий) манфаатларини ифода этади. Хусусий ҳуқуқ характеридаги меъёрлар фақатгина ҳуқуқ субъектларининг эркига мувофиқ амалга оширилиб, фақат юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан амал қилади. Бундай меъёрларга нисбатан хусусий ҳуқуқ атамаси ишлатилади.

Оммавий ҳуқуқ ҳам хусусий ҳуқуқ ҳам ҳуқуқ тармоқларини билдирадиган ва уларнинг табиатини характерлайдиган, у ёки бу ҳуқуқ соҳасидаги меъёрларнинг мажмуасини ташкил этган тушунчаларнинг йиғиндисиدير. Ушбу ўзига хосликларни инобатга олган ҳолда оммавий ҳуқуқ тизимида конституциявий (давлат) ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ (молия, солиқ), экология ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, халқаро оммавий ҳуқуқ ва бўйсунув асосидаги муносабатларни тартибга солувчи бошқа ҳуқуқ тармоқлари киради. Хусусий ҳуқуқ тизимида фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи ва иштирокчилари тенг асосда муносабатга киришадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бошқа ҳуқуқ тармоқлари киради.

Кўриниб турганидек, ҳуқуқий тизим мажмуа тариқасида оммавий ва хусусий ҳуқуқдан ташкил топади. Корпоратив жамиятнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, унинг у ёки бу ҳуқуқ тармоғида ва тегишинча, ҳуқуқ тизимининг у ёки бу тузилишидаги ўрнини аниқлаш имкониятини яратади.

Корпоратив жамият – бу юридик шахс ҳуқуқида, таъсисчилари ёки муассислари томонидан тақдим этилган алоҳида мол-мулк капиталга, ўз номига эга бўлган ва ташқи корпоратив муносабатларда шу ном билан ҳаракат қиладиган, ўз мажбуриятлари юзасидан қонунга мувофиқ тарзда тақдим этилган ва рўйхатга олинган, махсус солиқ мақомига эга бўлган, ўзига қарашли мулк асосида мустақил жавоб берадиган, ташкилий-ҳуқуқий мажбуриятлар ва жамият мулкдорлари ҳақидаги маълумотларнинг сир тутилиши ҳақидаги алоҳида ижро тартибига эга бўлган фуқароларнинг бирлашмасидир.

Корпорация бирлашма, яъни фуқароларнинг иттифоқи сифатида оддий шерикчиликдан уюшган жамоа сифатида юридик шахс мақо-

мига эгаллиги билан фарқ қилади. Бундай тузилма таркибидаги аъзоларнинг эрки гуруҳий манфаатлар томонидан аниқланади. Ташқи ташкилий ва мулкӣ муносабатларда у ягона тузилма сифатида ўз номидан ҳаракат қилади. Корпорация иштирокчиларини умумий манфаатларга асосланган ишлар бирлаштиради. Оддий ширкат одатда якка тадбиркорлар томонидан юридик шахс (бошқарув органи) тузмаган ҳолда ташкил этилади ва бунда умумий ишларни юритиш иштирокчиларнинг барчаси номидан уларнинг бири ёки ҳар бири томонидан амалга оширилиши мумкин.

Иштирокчилар томонидан киритилган улуш, пай, акция ва бошқалар асосида шакллантирилган капитал корпорациялар ривожланишининг иқтисодий асоси бўлиб ҳисобланади. Ушбу капитал корпорацияни ташкил этиш ва фаолиятини юритиш учун моддий асос бўлиб хизмат қилади ва унга тўла равишда мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган муайян хўжалик-ишлаб чиқариш мажмуаси ёки бирор-бир аниқ мулк шаклида бўлиши мумкин. Корпорация иштирокчилари капиталдаги ўзларининг улушларига нисбатан қиймат шаклида мулкдор бўлиб қоладилар.

Корпорациянинг навбатдаги белгиларидан бири шуки, унинг иштирокчилари жамият ҳаётининг савдо, хизмат кўрсатиш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият каби турли соҳалари учун муҳим бўлган ижтимоий фойдали фаолиятни амалга ошириш учун бирлашади. Шунга қарамасдан корпорацияларнинг асосий диққатини у ёки бу моддий бойликлар шаклланадиган ишлаб чиқариш соҳаси жалб этади.

Корпорацияларнинг санаб ўтилган белгилари корпорация тушунчасининг юридик шахс тушунчасига мос келиши ва унинг хусусий ҳуқуқ субъекти сифатидаги ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилиги билан аниқланганлигини тасдиқлашга асос яратади.

Жамият таъсисчилари назарда тутадиган мақсадлар мутлақ корпоратив хусусият касб этади ва шу муносабат билан муайян шахсларнинг хусусий манфаатлари доирасида мавжуд бўлади, яъни хусусий ҳуқуқнинг тартибга солиш предметига тегишли бўлади. Шу билан бирга кўрсатиб ўтилган хусусий манфаатни амалга ошириш жамият томонидан тўланадиган солиқ ва шунга ўхшаш тўловлар сифатида тўланадиган иқтисодий воситаларни тежаш ҳисобидан келиб чиқади, бу эса оммавий ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинадиган давлат

билан бўладиган муносабатлар соҳаси ҳисобланади². Кўриниб турганидек, корпоратив жамиятлар фаолиятини тартибга солишда аралаш – ҳам фуқаролик ҳам маъмурий (солиқ) ҳуқуқи меъёрлари қўлланилади. Унда ушбу нормаларнинг қайси бири корпоратив фаолиятни тартибга солишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади? Бундай аҳамият фуқаролик ҳуқуқи меъёрларига тегишли деб ўйланади, чунки айнан шу нормалар корпоратив жамиятларни юридик шахс сифатида ташкил топиши ва фаолият юритиш асосларини, уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш шартларини белгилайди, солиқларни тўлаш мажбурияти эса бундай фаолиятга нисбатан ҳосила ҳисобланади. Шу муносабат билан корпоратив компаниялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масаласига цивилистика нуқтаи назаридан ёндашиш зарур, яъни бундай тартибга солишни оммавий ҳуқуқнинг эмас, балки хусусий ҳуқуқнинг таркибий қисми деб қараш лозим.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки унинг меъёрлари олий ҳуқуқий кучга эга бўлиб, бутун республика ҳудудида тўғридан-тўғри ҳаракатда бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига асосан "давлат иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини кафолатлайди...", 51-моддасида эса "Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар".

Кўриниб турибдики, тадбиркорлик фаолияти ва солиқ муносабатларини тартибга солиш борасидаги ёндашувлар бир-биридан фарқ қилади. Биринчи ҳолатда фуқаролик ҳуқуқининг "қонун билан таъқиқланмаган ҳамма нарса рухсат этилган" деган умум эътироф этилган тамойили амалга оширилиб хоҳлаган тадбиркорлик фаолияти эркинлиги давлат томонидан кафолатланса, иккинчи ҳолатда, солиқ тўлаш мажбуриятини аниқлаш борасида "қонун билан белгиланган" атамаси ишлатилади. Шундай экан, солиқ асосида тартибга солишда қонунда тўғридан-тўғри белгиланган, мустаҳкамланган тақиқ ва мажбурийлик усули амал қилади. Айнан шу мажбурий усул корпоратив жамиятнинг солиқ муносабатларида қўлланилади, корпорация жамияти фаолиятининг бошқа ҳоллари эса фуқаролик-ҳуқуқий, яъни

² Богатых Е. Гражданское и торговое право. М.: Юридическая фирма "Контракт", 2000. 9 б.

хусусий –ҳуқуқий усул билан тартибга солинади.

Ижтимоий муносабатларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, бир ҳуқуқ тармоғи меъёрларидан бошқа ҳуқуқ тармоғининг предметини ташкил этувчи муносабатларда фойдаланилиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради. Ёки бўлмаса, битта ҳуқуқий ҳужжатда характериға кўра турли хил бўлган бир қанча муносабатларни (маъмурий, фуқаролик, хўжалик, корпоратив каби) тартибга солиш назарда тугилади. Тартибга солишнинг бундай тури амалиётда жуда кўл келади ва жамиятнинг у ёки бу ижтимоий ҳаётидаги муносабатларни тўлиқ ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида махсус қонун ҳужжатларида фойдаланилади. Масалан, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунда вертикаль (оммавий-ҳуқуқий) ва горизонтал (хусусий-ҳуқуқий) муносабатларнинг тартибга солинишига дуч келамиз. Қонуннинг жамият низомининг тузилишини аниқлаб берувчи маълумотлар, уни рўйхатдан ўтказиш тартиби, жамиятнинг бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари ҳақидаги меъёрлари ўзида оммавий-ҳуқуқий элементларни акс эттиради, жамият таъсисчилари ва акциядорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги меъёрлар эса хусусий-ҳуқуқий характер касб этади. Мураккаблашган элементли бундай ҳуқуқий муносабатлар нафақат корпоратив фаолият субъекти ҳисобланган акциядорлик жамиятлари фаолиятида, балки бошқа хўжалик жамиятлари ва ширкатлари фаолиятида ҳам кузатилади.

Корпоратив фаолиятнинг хусусий-ҳуқуқий характерлиги нафақат Ўзбекистоннинг ички бозорида кўринади, балки хорижий шериклар билан бўладиган муносабатларда ҳам яққол намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган корпоратив ташкилотлар ўзларининг ташқи муносабатларида иқтисодий шериклари билан бўладиган муносабатларда ҳам, давлат органлари билан бўладиган муносабатларда ҳам миллий қонунчиликда ўрнатилган барча талабларга (рўйхатдан ўтиш, солиқ ҳисоби ва бошқалар) бўйсундилар. Шу маънода корпоратив фаолият чет эл компаниялари фаолиятининг шакл ва усулларида заррача ҳам фарқ қилмайди. Бундай ҳолларда корпоратив фаолият чет эл субъекти иштирокидаги корхона кўринишида юридик шахс тузиш орқали, хорижий юридик шахснинг филиал ёки ваколатхонасини ташкил этиш орқали, ташқи иқтисодий инвестиция шартномалари тузиш кабилар орқали амалга оширилиши мумкин.

Бундай турдаги корпоратив фаолият миллий ва халқаро хусусий ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, корпоратив фаолият фуқаролик ва пировард натижада хусусий ҳуқуққа тегишлидир. Корпоратив фаолиятни тартибга солишнинг хусусий-ҳуқуқий характери шунда кўринадики, корпоратив жамият ўзининг ички тузилишида (республикадаги филиал ва ваколатхоналари билан бўладиган муносабатларини ҳам инобатга олган ҳолда) рўйхатдан ўтган жой қонуни ва ички корпоратив ҳужжатларга асосланади. Ўзбекистон Республикасида корпоратив ташкилот сифатида хорижий субъект иштирокидаги юридик шахс тузиш ва унинг филиали (ваколатхонаси)ни рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро хусусий ҳуқуқ меъёрлари асосида амалга оширилади.

Ҳуқуқ тармоқлари нафақат уларнинг предметига кирувчи муносабатлар билан балки бу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш усули билан ҳам характерланади. Фуқаролик ҳуқуқи усуллари асосан хусусий ҳуқуқ усуллари билан бир хил. Фуқаролик ҳуқуқининг кичик тармоғи сифатида корпоратив ҳуқуққа тартибга солишнинг хусусий-ҳуқуқий усуллари хос. Давлат органларининг ижро-бошқарув фаолиятида бир томоннинг иккинчи томонга бўйсунуви асосида вужудга келадиган муносабатлар (шу жумладан мулкӣ муносабатлар) маъмурий ҳуқуқ усуллари билан тартибга солинади.

Тартибга солишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усулини, томонларнинг тенглиги, тартибга солинадиган муносабатларнинг муқобил-ҳақ бараварига амалга оширилиши, фуқаролар бундай муносабатларда ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида иштирок этишларини, ўз эрқларини ифода этиб, яъни ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатларини кўзлаб, "шартнома тузишнинг эркинлиги" тамойили асосида шартномавий муносабатларга киришишини таҳлил қилиб, корпоратив ҳуқуқий тартибга солиш тартибга солишнинг хусусий ҳуқуқий усулига тегишлилиги тўғрисидаги хулосага келиш мумкин.

2-§. Корпоратив ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқининг тармоғи сифатида

Ижтимоий муносабатларнинг турли кўринишлари (мулкӣ, шахсий, ташкилий, оилавий, меҳнат, хўжалик, молия ва бошқалар) умуман ҳуқуқий тартибга солинмасдан, қатъий белгиланган аниқ кўри-

нишда ёки маълум даражада ушбу кўринишга тегишли тарзда ҳуқуқий тартибга солинади. Уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятига ижтимоий муносабатларнинг элементлари-субъектларнинг ҳолати, объектларни фарқловчи хусусиятлари кабилар ҳам таъсир кўрсатади.

Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари унинг усулларида кўринади. Усуллар – бу муайян ижтимоий муносабатларда у ёки бу ҳуқуқий воситалар мажмуасини қўллашни, уларнинг бирлигини тавсифлайдиган ҳуқуқий таъсир кўрсатиш йўллари дир. Ижтимоий муносабатларнинг ҳар бир кўриниши, ҳар бир тури учун субъектларининг ҳуқуқий ҳолати (мақоми), ҳуқуқий муносабатларни ташкил топиш асослари, шунингдек уларнинг мазмунини аниқлаш усуллари ва ҳуқуқий чеклашларига қараб ўзининг алоҳида тартибга солиш усули хос дир. Ҳуқуқий тизим ижтимоий муносабатлар субъектларини у ёки бу ҳуқуқий ҳолатларда қўйиб, ушбу муносабатларда қўлланиладиган ҳуқуқий воситалар мажмуасининг ўзига хослигини, бу ердан эса ҳуқуқий тизим тузилмавий бўлинмаларининг алоҳида хусусиятларини аниқлайди.

Шундай қилиб, хусусиятига кўра бир турли муносабатларни тартибга солишни таъминлайдиган, муносабатнинг предмети ва меъёрларини, ушбу муносабатларни тартибга солиш усулларини ташкил этадиган меъёрлар йиғиндиси ҳуқуқ тармоғини ташкил этади. Шундай экан, ҳуқуқ тармоғи – бу инсонларнинг муайян соҳадаги фаолиятида (бошқарув, меҳнат, ишлаб чиқариш, корпоратив ва бошқалар) мавжуд ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар йиғиндиси. Ҳуқуқ тармоқлари ўз навбатида ўхшаш ва ўзаро боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар гуруҳи – ҳуқуқ институтлари (масалан, мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, мулк ижараси, суғурта институтлари ва бошқалар)га бўлинади.

Ҳар бир мамлакат ҳуқуқ тизими, шу жумладан фуқаролик ҳуқуқ тизими ҳам тузилишига кўра тўла ва ягона деб қаралса-да, нисбатан мустақил ва бир вақтнинг ўзида ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта ички қисмларга бўлинганлиги билан тавсифланади. Бунинг ҳаммаси объектив жараён сифатида мавжуд ижтимоий муносабатлар хусусияти ва ривожланиш даражасининг намоён бўлиши дир. Бозор муносабатлари шароитида бу жараён меъёрлар, институтлар, субинститутлар, тармоқлар, кичик тармоқлар ажратиладиган ҳуқуқ тузилишига ҳам зарур

таъсир кўрсатади. Улардан баъзилари (меъёрлар, институтлар, субинститутлар) ҳуқуқ тармоғининг ички тузилишини ташкил этса, бошқалари (ҳуқуқнинг кичик тармоқлари) нисбатан мустақил бўлиб, бир вақтнинг ўзида у ёки бу мустақил ҳуқуқ тармоғи билан бевосита боғлиқ бўлади.

Корпоратив ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқининг тармоғи бўлиб ҳисобланади. Бу аввало, тартибга солинадиган муносабатларнинг ўхшашлиги, у ёки бу ҳолатда мулкӣ хусусият касб этиши ҳамда муқобил – ҳақ бараварига тузилиш хусусиятига эга бўлиши билан изоҳланади. Лекин фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари умумий характерга эга бўлиб, субъектидан қатъи назар мулкӣ муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлса, корпоратив ҳуқуқ меъёрлари нисбий характерга эга бўлиб, корпорация иштирокчилари ва унинг ходимлари ўртасидаги муносабатларда амал қилади ҳамда фақат улар учун мажбурий ҳисобланади.

Умуман олганда фуқаролик ва корпоратив ҳуқуқи меъёрлари ўз моҳиятига кўра хусусий ҳуқуқ меъёрлари ҳисобланади ва хусусиятига кўра бир турдаги муносабатларни тартибга солишга қаратилади. Шунга кўра фуқаролик ва корпоратив ҳуқуқ меъёрлари ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқа ва боғлиқлик мавжуд. Масалан, корпоратив ташкилот томонидан шартномавий мажбуриятларнинг бузилганлиги учун фуқаролик-ҳуқуқий чоралар қўлланиладиган бўлса, корпоратив ташкилот доирасида белгиланган хулқ-атвор (юриш-туриш) қоидаларини бузганлик учун корпоратив ҳуқуқ меъёрларида кўрсатилган чоралар қўлланилади. Бундай ҳолларда муайян низони ҳал этишда корпоратив санкциялар етарли бўлмаган тақдирда, низони ҳал қилиш учун фуқаролик ҳуқуқи меъёрларида назарда тутилган санкциялар қўлланилади. Фуқаролик-ҳуқуқий санкцияларни қўллаш орқали корпоратив ташкилот ва унинг ҳар бир аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминланади.

Корпоратив ҳуқуқ меъёрларининг нисбийлиги шу билан изоҳланадики, улар корпорация иштирокчиларининг ўзлари томонидан, ўзлари учун, ўз манфаатларини кўзлаб, ўзларининг ички – ташкилий масалаларини тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилади. Ўзининг ички – ташкилий масалаларини мустақил тарзда тартибга солувчи ташкилотлар орасида турли ташкилотларни учратиш мумкин: хўжалик жамиятлари, ширкатлар, унитар корхоналар, кооперативлар, илмий, ўқув

муассасалари. Шунга кўра эркинлик, корпоратив тартибга солишга бўлган эҳтиёж ва унинг даражаси уларнинг ҳаммасида бир хил эмас. Акциядорлик жамияти фаолиятининг тўлиқ ва қисман ҳуқуқий корпоратив тартибга солинишининг муҳимлигини қайд қилган ҳолда Т.В. Кашанина "тадбиркорлик ҳуқуқининг кичик тармоғи сифатида акциядорлик ҳуқуқининг мавжуд эканлигини" асосли равишда тан олади³.

Ўзбекистонда тадбиркорлик ҳуқуқи ҳали унча катта тарихга эга эмас. "Тадбиркор" сўзининг пайдо бўлишининг ўзи иқтисодиёт тизимида бошқарувнинг демократик усул ва шаклларига ўтилиши ҳамда бунинг асосида иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ. Тадбиркорлик ҳуқуқи хўжалик ҳуқуқи асосида комплекс ҳуқуқ тармоғи сифатида вужудга келган бўлиб, ўқув муассасаларида мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида эмас, балки ўқув фани сифатида ўқитилади. Шунинг учун корпоратив (акциядорлик) ҳуқуқини тадбиркорлик ҳуқуқининг тармоғи сифатида тан олиш ҳозирча ҳуқуқ тизимини соҳаларга ажратиш талабига мос келмайди.

Корпоратив ташкилот асосан даромад олишга қаратилган (маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни айирбошлаш, хизмат кўрсатиш ва бошқа усуллар орқали), ижтимоий эҳтиёжни қондирадиган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Ўзининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида корпоратив ташкилотлар кўп жиҳатдан таваккал қилади. Уларнинг фаолияти натижалари учун ҳеч ким жавоб бермайди. Мулк ҳуқуқи субъекти сифатида корпоратив ташкилотлар ўз мажбуриятлари юзасидан фуқаролик ҳуқуқи меъёрларига мос равишда мустақил мулкий жавобгар бўладилар. Бундай ҳуқуқий мақом уларни охир-оқибатда фуқаролик ҳуқуқнинг тармоғи сифатида чиқадиган корпоратив ҳуқуқнинг йиғиндисини ташкил этувчи корпоратив-ҳуқуқий меъёрлар кўринишини оладиган ўзлари ва ходимлари учун хулқ-атвор (юриш-туриш) қоидаларини мустақил белгилаш жараёнига асос бўлиб хизмат қилади.

Ўз моҳиятига кўра корпоратив фаолият – баъзи ҳолларда фуқаролик ва баъзи ҳолларда корпоратив ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинадиган тадбиркорлик фаолиятидир. Ашёвий ва мажбурият ҳуқуқий муносабатларини тартибга солиш фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари

³ Кашанина Т.В. Корпоративное право: Учебник для вузов. –М., Изд. Норма-Инфра, 1999. 61 б.

томонидан амалга оширилса, ички корпоратив муносабатлар корпоратив ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинади. Лекин бундай ажратиш нисбий бўлиб, у тартибга солинадиган муносабатларнинг характери эмас, балки уларни тартибга солишнинг усулини қамраб олади.

Корпоратив ҳуқуқда ташкилий ҳуқуқий меъёрлар мавжуд бўлиб, булар қуйидагилардан иборат: корпоратив ташкилотнинг бошқарув органлари, уларнинг ваколатлари, ташкилотнинг низомини тасдиқлаш, таъсис шартномасини рўйхатдан ўтказиш, у ёки бу фаолият тури билан шуғулланиш учун лицензия бериш тартиби тўғрисидаги меъёрлар. Бундай меъёрлар ўзларида маълум даражада оммавий ҳуқуқ меъёрларининг элементларини акс эттирсаларда, уларга хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бундай меъёрлар кўп жиҳатдан хусусий ҳуқуқ элементларини ўзида мужассамлаштиради. Бунга асос бўлиб биринчидан, корпоратив ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 40-моддасига кўра, тижорат ташкилотлари сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши хизмат қилади. Тадбиркорлик – бу янги ақлий соҳа ва ресурсларни фойдали ишлатишни қидириш, ишлаб чиқаришда янги комбинацияларни қўллаш, янги бозорларга ҳаракат қилиш, янги маҳсулотлар яратишдир. У иқтисодиётнинг у ёки бу соҳасида муваффақият ва йўлбошчиликка эришиш асосида нисбатан тўлиқ қаноатлантириш йўли билан ўрта даражадан юқори даромад олишга қаратилган. Олдиндан кўриш, асосли таваккалчилик ва стратегик бошқарув тадбиркорлик фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва тузилишини аниқлаш, уларнинг мулкӣ муносабатларини тартибга солинишига фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети сифатида қараш лозим. Масалан, юридик шахслар ва уларнинг таъсис ҳужжатларини ташкил этиш тўғрисидаги меъёрлар (ФКнинг 44-моддаси), юридик шахснинг органлари ва унинг ваколатлари (ФКнинг 45-моддаси), юридик шахс фаолиятини лицензиялаш каби меъёрлар ташкилий ҳуқуқий характердаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Ўзида корпоратив муомаланинг умумий қоидаларини акс эттирган бу меъёрлар, фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети

ҳисобланган муносабатлар доирасини кенгайтиришга ёрдам берди. Улар тўла равишда корпоратив ҳуқуқ меъёрларида ўз аксини топди.

Тузилмаларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (хўжалик ширкатлари, жамиятлар, нодавлат ижтимоий жамғармалар ва бошқалар) ўз табиатига кўра фуқаролик-ҳуқуқий характерга эга бўлган мулкӣ муносабатларни ташкил этиш ва амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Бу ҳам корпоратив ҳуқуқнинг фуқаролик ҳуқуқининг тармоғи эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бундай тасдиқлаш ҳуқуқий манбаларнинг бирлиги билан ҳам асосланади. Турли кўринишдаги хўжалик тузилмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини амалга ошириш масалаларига тегишли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тўлиқ тарзда ва корпоратив-ҳуқуқий муносабатлари қисман Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа меъерий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Корпорация томонидан ишлаб чиқиладиган ва асосан мазкур корпорациянинг (хўжалик бирлашмалари, жамиятлар ва ширкатлар) иштирокчилари ва ходимлари учун амал қилувчи корпоратив ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар фуқаролик қонунчилигининг асосий қоидаларига умумий жиҳатдан мос бўлиши керак.

Шундай қилиб, корпоратив ҳуқуқ – бу: биринчидан, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи меъёрлар йиғиндисидан ташкил топган фуқаролик ҳуқуқининг тармоғи; иккинчидан, корхонанинг мулкдорлари ёки маъмурият томонидан турли ички корпоратив муносабатларни тартибга солиш мақсадида ўрнатилган қоидалар тизими.

3-§. Корпоратив ҳуқуқнинг предмети ва тартибга солиш усули

Модомики, корпоратив ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқининг тармоғи сифатида тан олинар экан, фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг предмети ва усули белгилари корпоратив ҳуқуққа ҳам тегишлидир. Лекин муайян фарқлар ҳам мавжуд. Улар тартибга солишнинг предмети ва усулига тегишли бўлмасдан, фуқаролик-ҳуқуқий ёки корпоратив-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи шахслар доирасига ва объект таркибига тегишлидир. Шу муносабат билан қуйидагиларни таъкидлаш жоиз.

Фуқаролик ҳуқуқи предмети мулкӣ ва шахсий номулкий муносабатларни қамраб олиб, ўз таркибига кўра жуда кенг ва хилма-хилдир. Лекин бу чегара эмас. Предмет таркиби шунингдек, қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, мулк билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий муносабатларни ҳам ўз ичига қамраб олиши мумкин. Бундай ҳолларда ушбу муносабатларда ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлган нафақат Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ёки юридик шахслари, балки бошқа давлатларнинг ҳам шахслари иштирок этишлари мумкин. Фуқаролик ҳуқуқидан фарқли равишда корпоратив ҳуқуқ предмети ўз таркибига кўра бевосита корпоратив ташкилотнинг ўзида унинг аъзолари ва ходимлари иштирокида пайдо бўладиган иқтисодий, ижтимоий-маданий ва ижтимоий-маиший муносабатлардан ташкил топади. Ушбу муносабатлар биргаликда корпоратив ҳуқуқ предмети моҳиятини аниқлаб беради ва жамият аъзоларининг акцияларга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқида, корпорация низомида назарда тутилган нисбатан муҳим масалаларни ҳал этиш борасида уларнинг умумий йиғилишда иштирок этишида, жамиятнинг фойдасидан тегишли улушини олишда, жамият фаолияти ҳақида ҳақиқатга тўғри келадиган ахборот олиш ва жамият аъзоларининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларида ўз аксини топади.

Ҳуқуқий тартибга солиш предмети шунингдек, корпоратив жамиятни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49-моддасида назарда тутилган шаклларда қайта ташкил этиш, тугатилаётган жамиятнинг мулкани акциядорлар ўртасида тақсимлаш навбати, жамият томонидан акция ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш тартиби ва нархлари, жамият томонидан акция ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштиришда акциядорларнинг ҳуқуқлари, жамият томонидан дивидендларнинг тўланиш тартиби, жамиятни, умумий йиғилишни бошқариш масалалари, жамиятнинг бошқа бошқарув органларини (директорлар кенгаши, кузатув кенгаши), ижро этувчи ва назорат органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти, жамият томонидан жойлаштирилган акцияларни сотиб олиш ва қайта сотиб олиш, бажарилишидан акциядорлик жамияти манфаатдор бўлган битимлар ва йирик битимларнинг тузилиши, жамият ҳақида маълумот бериш тартиби каби муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

Адабиётларда корпоратив муносабатлар "ички фирма муносабатлари" деб юритилади. Бу муносабатлар нафақат тузилмалар (филиал-

лар, ваколатхоналар) орасидаги мулкӣй ва хўжалик-ташкилий муносабатларидан, балки, аввало ягона ва тўлиқ тузилма сифатида корпорация ичида унинг аъзолари, бошқарувчилари ва ёлланма ходимлари ўртасидаги муносабатлардан ҳам иборат бўлади⁴.

Корпоратив ҳуқуқ предмети доирасига (фуқаролик ҳуқуқи предмети доирасига тўлиқ кирганидек) нафақат корпорациянинг ичидаги ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар, балки унинг ташқарисидagi, яъни ҳамкорлари билан бўладиган муносабатлар ҳам киради. Ички ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар корпорацияларнинг бошқарув органлари зиммасига юклатилган мажбуриятлар, унинг тузилмавий бўлинмалари томонидан ўз функцияларининг низомларига, ички тартиб қоидаларига асосан бажаришларига ва бошқалар билан боғлиқдир. Ташқи ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар корпорация ва унинг тузилмавий бўлинмалари ўртасидаги муносабатлардан, давлат органлари ва бошқа корпорациялар билан бўладиган муносабатлардан, шунингдек, тадбиркорлар билан иқтисодиёт ва хўжалик ҳаётининг турли соҳаларида бўладиган муносабатлардан ташкил топади. Бундай ҳолларда ички мулкӣй ва ижтимоий-иқтисодий характердаги муносабатлар корпорациянинг ўзи томонидан ишлаб чиқилган меъёрлар билан ташқи мулкӣй ва ижтимоий-иқтисодий характердаги муносабатлар, ушбу муносабатларнинг характеридан келиб чиққан ҳолда фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади.

Шундай қилиб, корпоратив ҳуқуқ предмети фуқаролик ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган корпорациянинг ички ва ташқи ҳаётида вужудга келадиган муносабатлар ташкил этади.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасида корпорацияларнинг ўз ҳамкорлари билан бўладиган муносабатларида шартнома кенг қўлланилади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишга оид муносабатлар мулкӣй муносабатлар ичида фуқаролик ҳуқуқининг марказий институтларидан бири бўлган шартнома асосида вужудга келади ва тартибга солинади. Шу билан бирга фуқаролик-ҳуқуқий шартномага мулкӣй муносабатларни ташкил этиш билан боғлиқ функциялар ҳам киритилади. Фуқаролик ҳуқуқи мутахассислари мустақил ҳуқуқ тармоғи сифатида "хўжалик ҳуқуқини" ташкил этишга қарши фикрлар билдирган ўша вақтларда, О.А.Красавчиков мулкӣй шартномалар қаторида ташкилий-

⁴ Кашанина Т.В. Указ. соч. 49 б.

ҳуқуқий шартномалар борлиги ҳақидаги фикрни илгари сурган эди⁵. Шундан кейин у "иштирокчиларнинг дастлабки тенглиги асосида қурилган баъзи ташкилий муносабатлар"га фуқаролик ҳуқуқининг предмети сифатида қарашни таклиф қилди⁶. Шартнома фуқаролик ҳуқуқи институтларидан бири бўлиб ҳисобланади ва кўпгина ҳолларда фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши учун асос бўлади. Шартноманинг мулкӣ муносабатларнинг ташкилотчиси сифатида тан олиншидан шундай ҳулосага келиш мумкинки, фуқаролик ҳуқуқи предмети мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабатлар билан бир қаторда ташкилий-ҳуқуқий муносабатлардан ҳам ташкил топади.

Корпоратив ташкилотларнинг тадбиркорлик фаолияти амалиётида бир қанча ташкилий-ҳуқуқий шартномалар маълум. Булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– таъсис шартномалари (турли хўжалик бирлашмалари, ширкат, шу жумладан корпорация кўринишида юридик шахсларни ташкил этиш тўғрисида);

– қайта ташкил этиш тўғрисидаги шартномалар (кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш);

– ҳамкорликда фаолият юритиш тўғрисидаги шартномалар;

– дастлабки шартномалар (дастлабки шартномада кўрсатилган шартлар асосида мулк топшириш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш тўғрисидаги асосий шартномалар);

– корпорация тузилишининг ўзидаги ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар;

– узоқ хўжалик алоқаларини ўрнатишга мўлжалланган шартномалар;

– фуқаролик ҳуқуқининг предметиға кирадиган, корпоратив ташкилотларнинг фаолиятида фойдаланилиши мумкин бўлган бошқа шартномалар.

Шундай қилиб, корпоратив ҳуқуқ предмети ўз моҳиятиға кўра фуқаролик ҳуқуқи предметидан фарқ қилади ва мазкур корпоратив ташкилот доирасида келиб чиқадиган ҳамда корпорациянинг аъзолари ва ходимлари учун мажбурий бўлган корпоратив ҳуқуқ меъёрлари

⁵ Красавчиков О.А. Гражданские организационно-правовые отношения // Сов. гос. и право. 1966. № 10. 55–56 б.

⁶ Советское гражданское право. Т.1: Учебник/Под редакцией проф. Красавчикова О.А. М.: Изд. "Высшая школа", 1968. 8 б.

билан тартибга солинадиган мулкӣ, ижтимоӣ-иқтисодӣ ҳамда ташкилий муносабатлардан ташкил топади. Корпорациянинг ташқи муносабатлари, уларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда маъмурий ёки фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади. Ташкилий-ҳуқуқий шартномалар хўжалик жамиятлари, ширкатлар, шу жумладан корпорациялар иштирок этадиган турли кўринишдаги мажбуриятларнинг вужудга келиши учун асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Ҳар бир ҳуқуқ тармоғи (тармоқ ости ҳуқуқи) ўз предмети доирасига кирадиган муносабатларни тартибга солиш усулига эга. У ёки бу ҳуқуқ тармоғи (тармоқ ости ҳуқуқи)да қўлланиладиган ҳуқуқий тартибга солиш усули деганда ҳуқуқий тартибга солиш предметининг ўзига хос жиҳатлари туфайли субъектлар ўртасида пайдо бўлган муносабатларни тартибга солишда қўлланиладиган йўл ва усуллар йиғиндиси тушунилади. Ҳуқуқ тармоғининг предметини ташкил этувчи ижтимоӣ муносабатларнинг ҳар бир соҳасида қуйидаги элементларни ажратиш мумкин: а) субъектлар; б) хулқ-атвор, юриш-туриш, ҳаракат; в) инсонлар ўзаро муносабатга киришадиган объектлар (ижтимоӣ бойликлар); г) муайян муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи ижтимоӣ фактлар (воқеалар, ҳолатлар)⁷. Натижада бу элементлар муносабатларнинг мазмунини ташкил этади ва уларни тартибга солиш усуллари аниқлашда асос бўлиб хизмат қилади.

Корпорация субъектлари у ёки бу ички корпоратив масалаларни ҳал қилиш мақсадида мустақил (автоном) қарорлар ҳам қабул қилишлари мумкин.

Корпоратив ҳуқуқнинг автоном усули (ёки ўз-ўзини тартибга солиш усули) қоида тариқасида хусусий-ҳуқуқий усул ҳисобланади, лекин корпорациялар доирасида маъмурий-бошқарув масалалар вужудга келгани ва ҳал этилиши туфайли ўз ичига оммавий ҳуқуқ усуллари элементларини ҳам қамраб олади. Масалан, кузатув кенгаши корпоратив бошқарувнинг муҳим босқичи бўлиб ҳисобланади. Унга бунчалик катта аҳамият берилишининг сабаби шундаки, кузатув кенгашининг аъзолари бир томондан акциядорлар вакиллари бўлиб, улар

⁷ Матузов Н.И. Система права // Теория государства и права: Курс лекций. Саратов, 1995. 300 б.

жамиятнинг муваффақиятли фаолияти учун акциядорлар олдида жавобгар бўлади. Жамиятни бошқаришнинг умумий йиғилиш ваколатига киритилмаган муҳим масалалари бўйича ҳал қилувчи қарорни айнан кузатув кенгаши қабул қилади. Иккинчи томондан кузатув кенгаши ижро органларининг фаолиятини бевосита назорат қилади. Ижро органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги масалалар хорижий корпоратив бошқариш кодекслари ва шунга ўхшаш ҳужжатлар учун муҳим ҳисобланмайди. Ўзбекистон Республикасида ижро органлари корпоратив хулқ-атворнинг ҳақиқий ҳокимиятга эга бўлган элементи ҳисобланади ва уларнинг фаолияти акциядорлар ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари, кузатув кенгаши суст бўлган кўпгина жамиятларда жамиятни бошқариш билан боғлиқ деярли барча ишларни, шу жумладан ички ва ташқи корпоратив масалаларни ҳал этиш ижро органига тўғри келади.

Бир ташкилотнинг бошқа ташкилот билан, шунингдек турли кўринишдаги хўжалик жамиятлари ва ширкатлар билан бўладиган ташқи корпоратив муносабатлари турли масалалар: мулк топшириш, айрибошлаш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш кабилар юзасидан келиб чиқади. Тенг ҳуқуқли субъектларнинг бундай муносабатлари корпоратив ҳуқуқ меъёрлари билан эмас, балки фуқаролик ҳуқуқи меъёрлари билан тартибга солинади.

Ташқи корпоратив муносабатлардаги фуқаролик-ҳуқуқий усулга баъзи ҳолларда тавсиявий, айрим ҳолларда эса шартномавий сифатида қараш мумкин. Тавсиявий, яъни ижро этиш учун мажбурий бўлмаган меъёрлар корпоратив ташкилот томонидан муайян ҳолатда самарали бўлган ҳоллардагина қўлланилади; шартномавий (диспозитив) усулдан ташқи корпоратив муносабатлар келишув асосида аниқланган ҳолларда қўлланилади.

Ташқи корпоратив муносабатларда ҳамкорлик қилишни хоҳлаган томон иқтисодий мустақил субъект сифатида чиқади ва улар ўзаро тенг муносабатларга киришадилар. Бу ерда автоном усулини қўллаб бўлмайди, чунки, ҳамкорлик масалалари биргаликдаги ҳаракат ва иккинчи томоннинг эркини инобатга олишни назарда тутаяди.

Автоном бошқариш усули корпорациялар фаолиятида асосий ўрин эгаллайди. Агар корпорациянинг ички фаолияти тегишли тартибда қурилган бўлса, томонлар манфаати ҳисобланган шартномавий мажбуриятларни мақбул равишда бажаришда шартномавий усул ҳам

кам аҳамият касб этмайди. Автоном ва шартномавий усул тартибга солишнинг ўзаро боғланган йўллариدير. Автоном усулни қўллашнинг муваффақияти ва самарадорлигидан шартномавий усулни муваффақиятли қўллаш имконияти келиб чиқади, яъни шартномавий усулдан оқилона фойдаланиб, ўз ташаббусига кўра ва ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда шартномавий муносабатларни ўрнатиш, яъни корхоналар, ташкилотлар, истеъмолчилар билан шартномавий муносабатларни кенгайтириш, корпорациянинг иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Шартнома ҳозирги кунда тартибга солишнинг қиймат шаклларини фаоллаштириш шароитларида усул сифатида бошқача сифат касб этди. Олдин у режали вазифаларни амалга ошириш воситаси сифатида, яъни мажбуриятлар пайдо бўлишининг юридик факти сифатида қаралган бўлса, ҳозир тизимда иқтисоднинг демократик тамойиллари ва бошқарув шаклларини қўллаш натижасида у ҳуқуқий акт сифатида баҳоланмоқда. Корпорациялар ва бошқа кўринишдаги хўжалик бирлашмалари ҳамда ширкатлар билан тузилган шартнома томонларнинг хулқ-атвори (юриш-туриши)ни тартибга солиш воситаси бўлиб хизмат қилади, тегишли ҳуқуқий оқибатларни назарда тутган ҳолларда уларнинг зиммаларига шартнома мажбуриятларининг мақбул тарзда ижро этилиши вазифасини юклайди.

Шундай қилиб, автоном усул ҳам, шартномавий усул ҳам фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг турли кўринишдаги усуллари бўлиб ҳисобланади ва корпоратив ташкилотлар фаолиятини амалга оширишда қўлланилади.

4-§. Корпоратив ҳуқуқнинг асосий тамойиллари

Корпоратив бошқарув тамойиллари Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) томонидан ишлаб чиқилган ва 1999 йил 26-27 май кунлари ушбу ташкилот кенгаши томонидан тасдиқланган эди. Шу вақтдан бошлаб бу тамойиллардан турли давлатлар қонунчилигини такомиллаштириш ва нисбатан яхши корпоратив хулқ-атворни шакллантириш мақсадида фойдаланилади.

ИХТТ ҳужжатида бешта асосий тамойиллар кўрсатилган ва тушунтириб берилган: 1) акциядорларнинг ҳуқуқлари; 2) акциядорларга нисбатан тенг муносабат; 3) корпорацияларни бошқаришда манфаат-

дор шахсларнинг роли; 4) маълумотни ошкор этиш ва ошкоралик; 5) директорлар кенгашининг мажбуриятлари. Ҳар бир тамойил унинг мазмунини тушуниш имкониятини берадиган қисқача шарҳ билан таъминланган. Ушбу ҳужжатнинг асосий мақсади – акциядорлар ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоялаш механизмларини ишлаб чиқиш, акциядорлар учун тенг муносабатларни таъминлаш, компания ҳақида ўз вақтида ва аниқ маълумотлар (унинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотни инобатга олган ҳолда) билан таъминлашдан иборат.

ИХТТ тамойилларида мустаҳкамланган қоидалар асосан акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Бунга турли йўллар орқали эришилади: директорлар кенгаши (кузатув кенгашлари) ролини ошириш, жамият ҳақида максимал миқдордаги ҳақиқатга тўғри келадиган ахборот билан таъминлаш, жамият ижро этувчи органлари фаолиятини назорат қилиш, дивидендлар эълон қилинган ҳолларда жамиятнинг дивидендлар тўлаш билан боғлиқ мажбуриятининг мақбул даражада бажарилиши, акциядорлар билан жамиятнинг мансабдор шахслари ҳамда органлари ўртасида доимий ва самарали алоқани таъминлайдиган корпоратив котиб мансабини жорий этиш.

ИХТТ корпоратив ҳуқ-атвор тамойилларига асосан 2001 йил декабр ойида Россия Федерацияси ҳукумати томонидан Россиядаги жамиятлар томонидан қўлланиладиган ва тавсиявий характерга эга бўлган корпоратив ҳуқ-атвор кодекси қабул қилинди⁸. Ушбу кодексни 1994 йилда Хусусий ҳуқуқни бир хиллаштиришнинг халқаро институти (УНИДРУА) томонидан тайёрланган Халқаро савдо шартномалари Тамойиллари ҳужжати каби халқаро тавсиявий ҳужжатлар билан қиёслаш мумкин. Маълумки, бундай турдаги ҳужжатлардан улар мўлжалланган шахсларнинг улардан ўзларининг муносабатларида фойдаланиш эрklarини ифода этган ҳоллардагина фойдаланилади. Корпоратив ҳуқ-атвор қоидаларини қўллашга биринчи навбатда халқаро фонд бозорларига чиқадиган йирик турдаги очиқ акциядорлик жамиятлари, шунингдек улардан фойдаланишни истаган бошқа хўжалик жамиятлари муҳтождирлар.

Хусусий ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари фуқаролик ҳуқуқининг моҳиятини ва тегишинча хўжалик жамиятлари ишти-

⁸ Государство и право. 2002. №5. 36 б.

рокчиларининг хулқ-атворини ташкил этади. ИХТТ кенгаши томонидан таклиф этилган корпоратив ҳуқуқ тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1-моддасида назарда тутилган ва қуйидаги қоидаларда ўз ифодасини топадиган фуқаролик ҳуқуқининг асосий қоидаларига ўхшашдир:

– **Акциядорлар ҳуқуқлари.** Ушбу тамойил хўжалик жамиятлари акциядорлари ва аъзоларининг ўз ҳуқуқларини амалга оширишларининг ҳақиқий имкониятини ифодалайди. Корпоратив хулқ-атвор амалиёти акциядорларга – оддий ва имтиёзли акциялар эгаларига, шунингдек, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар эгаларига жамиятда иштирок этиш билан боғлиқ ўз ҳуқуқларини амалга оширишнинг ҳақиқий имкониятини таъминлаши керак.

Ушбу тамойил доирасида акцияга бўлган ҳуқуқ рўйхатга олинади. Масалан, жамиятнинг умумий йиғилишида унинг ваколатига кирувчи барча масалалар юзасидан овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш, дивиденд олиш ҳуқуқи ва жамият тугатилган ҳолларда унга тегишли мулкнинг бир қисмини олиш каби ҳуқуқларни инобатга олган ҳолда жамият ҳар бир оддий акция эгасига муайян ҳажмдаги ҳуқуқлар беради.

Бошқарувчилар фаолиятини назорат қилиш механизми сифатида акциядорлар овоз беришининг қиммати улар қарор қабул қиладиган масала юзасидан уларнинг маълумот билан таъминланганлик даражасидан келиб чиқади. Шу муносабат билан жамият фаолияти ҳақида ҳақиқатга тўғри келадиган маълумотни олиш акциядорларнинг ажралмас ҳуқуқи бўлиб ҳисобланади. Амалиётда акциядорлик жамиятлари ўзларининг молиявий ҳолатлари ва бошқа масалалар юзасидан чекланган ахборотларнигина тақдим этишади. Баъзи акциядорлик жамиятлари ўзларининг ҳақиқий молиявий ҳисоботларини аудиторлардан яширадилар, акциядорлар эса бундай ҳолатга қарши чиқишмайди, чунки аудитордан яшириб қолинган даромад солиқ идорасидан ҳам яширилган даромад ҳисобланади.

Ҳуқуқларни амалга оширишнинг ҳақиқий имконияти тамойили акциядорларга ўзларининг ҳуқуқларини суиистеъмол қилишларига йўл қўймасликни назарда тутди. Бу деярли умумфуқаровий хулқ-атвор қоидаси бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 9-моддаси 3-қисмига асосан "фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун

билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан ҳаракат қилиши назарда тутилади". Бошқача қилиб айтганда, акциядорлар жамиятга зиён етказиш ёки ўз ҳуқуқларини бошқача шаклларда суистеъмол қилиш истаги билан ҳаракат қилмасликлари лозим;

– **Акциядорларга нисбатан тенг муносабатлар.** Бу тамойил бир хил турдаги акциядан бир хил миқдорда эгаллаган акциядорларга нисбатан тенг муносабатни амалиётда таъминлашни ифодалайди. Шунга асосан ИХТТнинг тамойилларида куйидагилар тавсия этилади: 1) акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш; 2) инсайдерлик маълумотидан фойдаланишни тақиқлаш; 3) бошқарув аъзолари ёки бош директорнинг битим тузишдан манфаатдорлигини маълум қилиш мажбурияти.

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тартиби ва жараёни акциядорларга ўз фикрларини билдириш ва ўзларини қизиқтирган саволларни бериш имкониятини таъминлаши керак. Жамият фаолиятини амалга ошириш жараёнида инсайдерлик ва сир тутилган маълумотлардан фойдаланиш тақиқланган бўлиши керак, бош директор, бошқарув аъзолари ва битим тузилишидан манфаатдор бошқа шахслар эса ўзларининг манфаатдорликлари ҳақида хабар қилишга мажбурдирлар.

Акциядорларга тенг муносабатларни таъминлаш, шунингдек куйидагиларда ҳам ўз ифодасини топиши керак: 1) жамият тақдири учун муҳим бўлган масалаларни ҳал қилиш юзасидан (масалан, жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш, йирик битимлар тузиш) жамият органлари томонидан кўриладиган муҳим ҳаракатлар ҳақида акциядорларни хабардор қилиш; 2) директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) ва бошқарув таркибига, аъзолар ҳамда бош директор сайлаш зарурати бўлганда, акциядорларни ушбу шахслар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар билан таъминлаш; 3) корпоратив тўкнашувларни тартибга солишда.

Жамият органлари томонидан қабул қилинадиган барча ҳаракатлар тўғрисида акциядорларни максимал даражада маълумот билан таъминлаш зарурати, шунингдек, директорлар кенгаши (кузатув кенгаши), бошқарув ва бош директор сайловларининг ошкора ўтказилишининг таъминланганлиги кўп жиҳатдан жамият ривожланиш стратегиясини тўғри танлашга ёрдам беради.

Жамият фаолиятида акциядорларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш кўп жиҳатдан уларнинг корпоратив тўқнашувларни ҳал этишда фаол иштирок этишларидан келиб чиқади. Бу ерда корпоратив тўқнашувлар деганда қуйидаги икки турдаги тўқнашувлар тушунилади: 1) жамият органлари ва акциядорлар ўртасидаги; 2) акциядорлар ўртасидаги (агар тўқнашув жамият манфаатларига дахлдор бўладиган бўлса). Жамият низоларни ҳал этишнинг ўз жараён ва механизмларини ишлаб чиққан бўлса, кўпгина низолар суднинг аралашувисиз ҳал этилиши мумкин;

–**Директорлар кенгашининг (кузатув кенгашининг) мажбуриятлари.** Ушбу тамойил тўрт асосий тавсияларни ўз ичига олади: 1) директорлар кенгаши жамиятнинг ривожланиш стратегиясини белгилайди; 2) директорлар кенгашининг таркиби унга юклатилган функцияларни ижро этишни таъминлаши керак; 3) директорлар кенгаши мунтазам равишда йиғилишлар ўтказиб туриши ҳамда ўз фаолиятининг нисбатан муҳим йўналишлари бўйича қўмиталар тузиши керак; 4) директорлар кенгаши ижро органларининг фаолиятини таъминлайди ва назорат қилади. Жамиятнинг ривожланиш стратегиясини аниқлаш масаласи чуқур таҳлилни талаб этади. У бозор талаблари, тўлиқ равишда жамият талаблари ва қисман акциядорларнинг талабларини ўрганган ҳолда амалга оширилиши керак. Директорлар кенгашининг таркиби жамият муаммоларини ҳолисона ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Директорлар кенгаши таркибига профессионал мустақил қарорлар чиқарилишини таъминлайдиган мустақил директорлар (кузатув кенгаши аъзолари)нинг киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Директорлар кенгаши унинг йиғилишларида директорлар кенгашининг (кузатув кенгаши) барча аъзолари иштирок этишини таъминлайдиган тегишли қоидаларни ишлаб чиқиши ва директорлар кенгаши аъзоларини қарор қабул қилиш учун зарур материаллар билан таъминлаши керак. Демак, корпоратив хулқ-атвор амалиёти шундай қурилган бўлиши керакки, унда директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) томонидан жамиятни стратегик бошқариш ва ижро органлари устидан самарали назорат қилиш, шунингдек директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) аъзоларининг жамият акциядорлари олдида ҳисобдорлиги таъминланган бўлиши керак;

–**Корпорацияларни бошқаришда шахсларнинг манфаатдорлиги.** Ушбу тамойил ўз моҳиятига кўра ИХТТнинг учинчи тамойи-

лига мос келади ва жамиятнинг ходимлар ва ижро органи вакиллари билан бўладиган ўзаро муносабатларининг характерини белгилашда ифодаланади. Жамиятнинг ижро этувчи органи унинг жорий фаолияти устидан раҳбарликни амалга оширади. Ижро органининг ваколатлари "Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида"ги қонунда белгилангандан кўра расмий равишда кенгроқ, у жамиятнинг умумий йиғилиш ва директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) ваколатига кирмаган барча ваколатларни амалга оширишни ўз ичига олади. Жамиятнинг муваффақияти ва омадсизликлари маълум маънода ходимлар ва ижро органи ходимларининг ўз мажбуриятларини ижро этишга бўлган муносабатидан келиб чиқади. Шунинг учун ИХТТ тамойилларида таркибига жамиятнинг ходимлари кирадиган манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқларини ҳисобга олиш ва жамият активларини, акциялар қийматини ошириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш мақсадида уларни рағбатлантиришнинг зарурлигини назарда тутилади;

– **Ахборотни ошкор этиш ва ошкоралик.** Ушбу тамойилга кўра корпоратив хулқ-атвор (юриш-туриш) амалиёти акциядорлар ва инвесторлар асосли қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлишлари учун жамият ҳақида, шу жумладан унинг молиявий ҳолати, иқтисодий кўрсаткичлари, мулкчилик тузилиши ва бошқаруви ҳақида ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмдаги ҳақиқатга тўғри келадиган ахборотнинг ошкор этилишини таъминлаши керак.

Акциядорлар ва инвесторлар учун ўз вақтида, ишончли, солиштириб бўладиган ва етарли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи жуда муҳим. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"ги қонунда "қимматли қоғозлар ва уларнинг эмитентларига доир ахборотнинг тўла ошкор этилишини, ошкораликни ва бу ахборотдан барча қатнашчилар фойдалана олишини таъминлаш" қимматли қоғозлар бозорида савдо қилишнинг асосий тамойиллари сифатида кўрсатилган (6-модда). Ушбу қонуннинг 26-моддаси эмитент зиммасига ўз қимматли қоғозлари ва молиявий хўжалик фаолияти тўғрисида тегишли шаклдаги ахборотни ошкор қилиш мажбуриятини юклайди; 31-моддаси эса эмитентлар ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги ахборотни эълон қилмаганлиги ёки ўз вақтида эълон қилмаганлиги учун жавобгарликни назарда тутди. 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қи-

лиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 92-моддасида очик акциядорлик жамиятлари барча манфаатдор шахсларга ошкор этишга мажбур бўлган ахборотлар рўйхати келтирилади.

1996 йил 27 декабрда қабул қилинган "Маҳсулот бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11-моддасига асосан давлат монополияга қарши кураш органининг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъект ҳудудига кириш ва сўров асосида зарур ҳужжатлар ҳамда ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига доир ахборотни ошкор этиш масаласида ҳар кимнинг эркин ва ҳеч қандай тўсиқларсиз ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни тартибга соладиган, 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган "Ахборот олишга бўлган ҳуқуқнинг кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида мустақамланган умумий қоида ҳам мавжуд.

Корпоратив ҳулқ-атвор (юриш-туриш)нинг юқорида кўрсатилган тамойиллари ички корпоратив фаолиятни ташкил этиш масалалари билан бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга юридик шахс сифатида корпоратив ташкилот турли хилдаги фуқаролик – ҳуқуқий муносабатларга киришади.

Корпоратив ҳулқ-атвор меъёрларини аниқлайдиган тамойиллар ўз табиатига кўра фуқаролик ҳуқуқининг асосий қоидаларига ўхшайди ва ўз моҳиятига кўра хусусий ҳуқуқ тамойилларига мос келади.

Ижтимоий муносабатлар соҳасидаги ички корпоратив фаолият охир-оқибат маҳсулот ишлаб чиқариш ва айрибошлаш, турли хилдаги хизматлар кўрсатиш, ижодий (интеллектуал) фаолият маҳсулини яратиш кабиларга қаратилиши мумкин. Шундай қилиб, ички корпоратив фаолият ташқи корпоратив фаолияти пайдо бўлиш зарурати билан чамбарчас боғлиқ. Бундай фаолиятнинг моҳияти ва мазмуни фуқаролик ҳуқуқининг қуйидаги тамойиллари орқали аниқланадиган меъёрлар билан тартибга солинади:

– **ҳуқуқий жиҳатдан тенглик.** Акциядорларга нисбатан тенг муносабатда бўлиш жамият аъзоси сифатида уларнинг тенглиги, шунингдек фуқаролик–ҳуқуқий муносабатлари субъекти сифатида корпоратив ташкилотнинг тенглигини назарда тутди. Ички корпоратив

фаолиятда иштирок этувчи шахслар ҳуқуқий ҳолатининг дастлабки мажбурий шарти ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда корпорациянинг фаолияти сифатида уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган, мулкнинг алоҳидалигига асосланган ҳуқуқий мустақиллиги тан олинади. Фуқаролар, фуқароларнинг бирлашмалари, юридик шахсларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглиги улар юритаётган фаолият турининг мулкчилик шаклидан қатъи назар тан олинади. Бу ҳолатда корпоратив муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқий жиҳатдан тенглиги уларнинг субъектив фуқаролик ёки корпоратив ҳуқуқларининг тенглигини билдирмайди, балки ҳуқуқларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ва бекор бўлиши, шунингдек, жавобгарлик масалалари келиб чиқишида тенгликни назарда тутди;

– Корпорация ва корпорация аъзолари **мулкнинг дахлсизлиги**. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (53-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (164,166-моддалар) хусусий, давлат ва маҳаллий мулкнинг тенглигини тан олади ва ҳимоя қилади. Давлат истеъмолчилар ҳуқуқи устунлигини эътиборга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин. Амалдаги қонунлар ва қонунчилик ҳужжатларининг меъёрлари, шунингдек давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ушбу асосий тамойиллар орқали аниқланади. Улар тўлиқ равишда корпоратив ҳуқуқ меъёрларининг мазмун-моҳиятини аниқлаб беради;

– **шартнома тузиш эркинлиги**. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 354-моддасига асосан фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди, шартнома тузиш бурчи Фуқаролик кодекси, бошқа қонунда ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин.

Субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш жараёнида ҳуқуқий жиҳатдан нисбий тенглик билан бир қаторда ҳар бир фуқаролик-ҳуқуқий, шу жумладан корпоратив ҳуқуқий муносабат иштирокчиси шах-

сининг ҳуқуқий жиҳатдан эркинлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бошқа ҳуқуқий муносабатлардан фарқли равишда фуқаролик ҳуқуқи соҳиби қонун чегараси доирасида ўз манфаатидан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилишда ҳақиқий эркинлик билан таъминланган.

Корпоратив ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нафақат шартномалардан, балки битимлардан ҳам келиб чиқади. Аммо, ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлишининг ўзига хос хусусиятлари айнан шартнома билан боғланади. Корпоратив муносабатларда томонларнинг эркинлиги, ташаббускорлигини ифода этадиган шартнома тузиш эркинлиги бозор шартлари асосида тартибга солинадиган муносабатларда фуқаролик (корпоратив) ҳуқуқининг бошланғич ҳал қилувчи омили сифатида чиқади. Шартнома корпоратив ташкилотлар фаолияти ва ҳўжалик алоқаларини тартибга солишнинг асосий шакли ва усули ҳисобланади;

– **корпоратив ташкилотнинг ҳар қандай шахсий ишларига ўзбошимчалик билан аралашишга йўл қўйилмаслиги.** Давлат ҳокимияти ва бошқарув, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунда кўрсатилмаган ҳолларда ва шартларда корпоратив ташкилотлар фаолиятига ҳар қандай кўринишдаги аралашиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тегишли қарорларида корпоратив ташкилотлар фаолияти устидан контрол ва назорат қилишнинг зарурати ҳамда қоидалари назарда тутилади;

– **корпоратив ташкилот томонидан ўз ҳуқуқларини ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга ошириш зарурати.** Корпоратив ташкилотлар ҳуқуқларини улар фаолиятини амалга ошириш жараёнида асоссиз тақиқлаш ёки чеклаш қонунни бузиш деб топилади. Фуқаролик қонунчилиги тадбиркорлик фаолияти иштирокчиларининг эркинлиги ва ташаббускорлигини диспозитив меъёрлар орқали таъминлашнинг ўхшаш қоидаларига эга (ФКнинг 354-моддаси). Фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш усулининг ушбу муҳим бошланғич босқичи корпоратив фаолият соҳасидаги муносабатларнинг меъёр даражасида ривожланишини таъминлайди. Диспозитивлик корпоратив ташкилотлар шартномани тузиш ёки тузмаслик борасида эркинликларида кўринади. Улар шунингдек, шартнома тарафларини танлашда ҳам эркин бўлиб ҳисобланадилар. ФКнинг 1-моддаси 2-қисмига асосан "Фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқларига ўз эрк-

ларига мувофиқ эга бўладилар ва бу ҳуқуқларини ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар. Улар шартнома асосида ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини аниқлашда эркиндирлар" ва бу ҳуқуқларни амалга оширишда ҳеч ким тўсқинлик қилмаслиги керак;

– **корпоратив ташкилотнинг маҳсулотлари, хизматлари ва молиявий воситалари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида эркин ҳаракатда бўлади.**

Кўриниб турганидек, давлат эркин иқтисодий фаолиятда рақобатни кўллаб-қувватлаб, тадбиркорларга уларнинг маҳсулот ва хизматларининг эркин ҳаракат қилиш имкониятини бериш орқали Республикада ягона иқтисодий ҳудуд амал қилишини кафолатлайди. Маҳсулотларни топшириш, хизматлар кўрсатиш ёки молиявий воситалар билан боғлиқ муносабатлар алоҳида олинган ҳудуднинг бирор-бир соҳасини ташкил этиши мумкин эмас. Улар тўла равишда жамиятда ҳаракатда бўлади.

ФКнинг 1-моддаси 4-қисми бундай ҳаракатни фақат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган ҳолларда чеклаш мумкинлигига йўл қўяди. ФКда бундай йўналишдаги қонунларни қабул қилишда эътиборга олиниши лозим бўлган қуйидаги ҳолатлар келтирилади: хавфсизликни таъминлаш, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, табиатни ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш;

– **корпоратив ташкилотнинг бузилган ҳуқуқларининг тикланишини таъминлаш.** Корпоратив ташкилотнинг бузилган мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлари тикланади ва уларнинг бузилиши натижасида етказилган зарар қопланади (ФКнинг 10-15-моддалари).

Корпоратив ташкилот ва аъзоларининг фуқаролик ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш умумий судлар ва хўжалик судларида амалга оширилади. Иқтисодий низолар ҳакамлар судида ҳам ҳал этилиши мумкин.

Корпоратив ташкилот ва аъзоларининг фуқаролик ҳуқуқ ва манфаатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ёки бошқа қонунларда кўрсатилган – кўрсатилмаганлигидан қатъи назар суд томонидан ҳимоя қилинади. Ушбу қоидадан истисно сифатида фуқаролик ҳуқуқларини маъмурий тартибда ҳимоя қилиш фақат қонун билан ўрнатилиши мумкин. Бундай ҳолда суд маъмурий тартибда чиқарилган қарорнинг қонунийлигини назорат қилади. ФКнинг 12-моддасига асосан маъмурий органнинг қарори устидан судга шикоят қилиш

мумкин. Қонун субъектга ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун суд ёки бошқа давлат органига мурожаат этиш имкониятини берган ҳолларда, ҳимояланиш усулини танлаш фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчисига тегишли бўлади. Суд бузилган ҳуқуқни ҳам, низоли ҳуқуқни ҳам ҳимоя қилади.

Корпоратив ташкилотлар иштирокидаги ишларнинг судга тааллуқлилиги масаласи процессуал қонунчилик билан аниқланади. Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнида судларнинг ваколатларини аниқ чегаралаш мақсадида процессуал қонунчилик икки асосий мезонни қўллайди: низолашаётган томонларнинг субъектив таркиби ёки низо келиб чиққан муносабат характери. Одатда, низоли муносабатлар субъектлари низонинг тааллуқлигини олдиндан аниқлайдилар. Корпоратив хўжалик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ўртасидаги ҳамда бир томонда якка тадбиркорлар иштирок этаётган низолар хўжалик судида кўрилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги фуқаролик ҳуқуқининг тармоғи сифатида корпоратив ҳуқуқнинг моҳиятини, уни амалга ошириш ва ҳимоя қилишнинг асосий тамойилларини аниқлаб беради ва замонавий Ўзбекистонда корпорацияларнинг самарали фаолият олиб боришлари учун муҳим ҳуқуқий асос яратади.

Назорат учун саволлар

1. Корпоратив ҳуқуқ нима?
2. Корпоратив ҳуқуқнинг тузилиши қандай?
3. Корпоратив ҳуқуқнинг хусусий ҳуқуқ тузилишидаги ўрни қандай?
4. Фуқаролик ҳуқуқи тизимида корпоратив ҳуқуқнинг ҳолатини қай йўсинда аниқлайди?
5. Корпоратив ҳуқуқнинг предмети нима?
6. Корпоратив ҳуқуқни тартибга солиш усули деганда нима тушунилади?
7. Корпоратив ҳуқуқнинг тамойиллари қандай?
8. Ташқи корпоратив муносабатлар қайси ҳуқуқ соҳаси меъёрлари билан тартибга солинади?
9. Қандай қилиб корпоратив ҳуқуқ тамойиллари акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилади?
10. Корпоратив ҳуқуқнинг оммавий ҳуқуқ билан муносабати қандай?

II БОБ КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҚИЁСИЙ ВА ТАРИХИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1-§. Корпоратив ҳуқуқнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи

Ҳуқуқий институт сифатидаги ширкат ҳақида инсоният билимларининг пайдо бўлиши эраизгача бўлган даврларга бориб тақалади. Шу ўринда эраиздан аввалги 1792-1750 йилларда Бобилда мавжуд бўлган Хамураппи қонунларининг 282 та моддасидан 8 таси ширкат муносабатларини тартибга солишга қаратилганлигидан унинг бу соҳада муҳим аҳамият касб этганлигини кўриш мумкин.

Корпоратив муносабатларнинг куртаклари, етарли даражада ташкилий ички тузилмага эга бўлган бир неча кўринишдаги ширкатлар Қадимги Римда ҳам кузатиларди. Буни Рим хусусий ҳуқуқида ширкат шартномасининг батафсил тартибга солинганини ҳам исботлайди. Гай институтлари (эр.авв. III аср), ўша даврнинг буюк ҳуқуқшунослари ҳисобланган Павел ва Улпианнинг шарҳлари, Юстиниан Дигестлари кабиларнинг (эр.авв. VI аср) салмоқли қисмлари ширкат шартномаларига бағишланган эди (шунга қарамасдан, олимлар ўртасида корпорациялар савдо ва денгиз алоқаларининг ривожланиши натижасида ривожланган буюк иқтисодий ўзгаришлар даврида (XIV–XVII асрлар), яъни ўрта асрларда Европада вужудга келган деган фикрлар ҳам мавжуд).

Рим хусусий ҳуқуқида ширкат дейилганда ўз мулки, шахсий фаолияти ёки мулкӣ бадали орқали умумий ишда иштирок этадиган, умумий ишларни юритиш асосида олинган даромад ёки зарарни шартномада кўрсатилган тартибда улушли ёки тенг равишда тақсимлайдиган икки ёки ундан ортиқ шахснинг рухсат этилган хўжалик фаолиятини ҳамкорликда амалга ошириш мақсадида бирлашиши тушунилган. Гарчи бу ширкатлар корпорацияларнинг барча белгиларини ўзларида акс эттирмаган бўлса-да, кейинчалик субъектлар жамоаси – компаниянинг вужудга келиши учун намуна бўлиб хизмат қилди.

Умумий тан олинган фикрга кўра, дастлабки ўрта асрларда пайдо

бўлган савдо гильдиялари (Gilde-немис тилидан олинган бўлиб корпорация деган маънони билдиради), яъни савдогарлар иттифоқи корпорацияларнинг бошланишига тамал тошини қўйди ва Европа ичида ҳамда Буюк ипак йўлида қуруқликдаги савдо ривожланган XII–XV асрларда анча ривожланди. Вақт ўтиши билан савдо гильдиялари ҳамкорликдаги фаолиятнинг муайян қоидаларини ишлаб чиқишнинг расмийлаштириладиган тадбирлар сифатида ўтказадиган амалиётига эга бўла борди.

Маҳсулотларни денгиз орқали ташиш имкониятини берган денгиз йўлининг очилиши денгиз савдосининг ривожланиши ва денгиз ширкатларининг вужудга келишига катта таъсир кўрсатди. Ушбу ширкатларда энди капитал соҳасидаги муносабатлар биринчи ўринга чиқарилиб, шахсий муносабатлар нисбатан камая бошлади. Ширкат иштирокчиларининг капитали асосан кемани қуриш учун йиғиларди. Қурилишнинг ташаббускори (патрон) кеманинг ўлчамлари, улушларнинг миқдори ва нархини эълон қиларди.

Корпоратив ҳуқуқнинг ташкил топишида **тоғ ширкатлари** ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Бу ширкатларда ишларни бошқаришнинг асосий масалалари умумий йиғилишда кўпчилик овоз билан ҳал қилинар эди. Улардаги улуш миқдори ва шериклар сони денгиз ширкатларига қараганда анча кўп эди. Эркин тарзда, лекин кўчмас мулкни бегоналаштириш қоидаларига асосланган ҳолда бегоналаштирилган улушларни сотиб олган ҳар бир шахс ширкатнинг иштирокчиси бўлиши мумкин эди.

Италияда аҳоли томонидан сотиб олинган давлат қарзлари (заёмлари) асосида Венеция, Генуя, Флоренция шаҳарларида вужудга келган ўзига хос банклар – генуялик маонлар пайдо бўла бошлади. Бундай қарз шартномасини тузиш вақтида фуқароларга уларнинг омонатга қўйган маблағларини тўлиқ қайтаргунча муайян фоизлар тўланиб борилиши ваъда қилинарди. Ташкилий тузилишининг ривожланиши ва мустақамланиши даражасидан келиб чиққан ҳолда маонлар бошқа фаолият турлари билан ҳам шуғуллана бошлади. Бошқа фаолият туридан олинган даромад кредиторлар ўртасида уларнинг қўйган маблағига мутаносиб тарзда тақсимланарди. Маонлар қўлида йирик капиталнинг тўпланиши уларга давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳамда ҳукуматига сезиларли даражада таъсир этиш имкониятини берарди.

Турли мамлакатларда улардаги савдо-иқтисодий муносабатлар ривожланишининг у ёки бу босқичи даврида корпорацияларнинг пайдо бўлиши ўзининг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган. Шу билан бирга давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларнинг кенгайиши корпоратив фаолият шакллари ривожланишида умумий фикрларнинг келиб чиқишини тақозо этади.

Денгиз савдосининг тез суръатлар билан ривожланиши Ҳиндистон, Африка, Бразилия каби узоқ мамлакатлар билан савдо алоқалари ўрнатишга интилувчи тадбиркорларни рағбатлантирган янги мамлакатлар ва янги савдо йўлларининг очилишига олиб келди. Лекин бу йўлларда тадбиркорларни қароқчилар ҳужуми, табиий офатлар каби бир қанча тўсиқлар кутиб турар эди. Тарқоқ компаниялар бегона маҳсулотларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотларини сотишда ягона нарх масаласида ҳеч келиша олмасдилар. Шу ва бир қанча бошқа сабаблар туфайли қандайдир савдо қоидалари ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Натижада XVI аср охирида турли савдогарлик гилдиялари ва денгиз ширкатлари ягона Нидерландия Ост-Индия компаниясини ташкил этишади. Дастлаб компания аъзолари капиталларининг қисми нотенг эди, лекин тез орада ҳар бир иштирокчининг улуши биржа оборотининг предмети ҳисобланган тенг миқдордаги акцияларга тақсимланди. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши мавжуд эмас эди, компаниянинг ишлари юзасидан олий бошқарув органи кенгаш ҳисобланар эди. Лекин 1602 йилдаги биринчи корпоратив Низомга асосан компаниянинг олий органи биринчи 10 йиллик ўтиши билан компания фаолияти ҳақида ҳисобот бериши керак эди. Ҳисобот билан танишиш учун барча акциядорларга мўлжалланган алоҳида нашрлар керак эди.

Лекин Англияда корпоратив фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш сезиларли даражада Голландияни ортда қолдирди. 1496 йил қирол Генрих VII Россиядан Ҳиндистонгача бўлган шимолий шарқдаги барча мамлакатлар билан савдо алоқаларини йўлга қўйишга рухсат берди. Тадбиркор Кабот томонидан ташкил этилган компания "Ороллар, эгаликдаги ва номаълум ерларни очишни мақсад қилиб қўйган саргузашт қидирувчи савдогарлар" деб аталарди. Кейинчалик у Russia Company номи билан қайта номланди. Иван Грозный билан савдо келишуви тузилди. Компания Волга дарёсидан Каспий денгизигача бўлган ҳудудлардаги осийлик савдогарлар билан савдо алоқаларини ўрнатди.

Рус компанияси ўзининг ташкилий даражасига кўра Голландиянинг Ост-Индия компаниясига етмасди, лекин корпоратив тамойиллар ривожланишида муҳим аҳамият касб этган унинг тамойиллари 1599 йилда Англия Ост-Индия компаниясини ташкил этиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Компаниянинг ҳар бир аъзоси 100 дан 3000 фунт стерлинггача бўлган турли йирик битимларни имзолаш орқали ўз иштирокининг миқдорини мустақил ҳал қилар эди. Бадални тўлаган ҳар бир иштирокчига унинг иштирокини ва компания даромадининг тегишли қисмига нисбатан бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома тақдим этиларди.

Компания ўзининг ички корпоратив масалаларини ҳукуматнинг аралашувисиз мустақил ҳал этарди. Дастлаб умумий йиғилишларни ўтказишнинг қуйидаги қоидалари ўрнатилди: умумий йиғилишлар барчага маълум жойда ўтказилиши керак эди; бир иштирокчи фақат битта овозга эга эди; йиғилишда иштирок этиш мажбурий бўлиб, келмаганларга нисбатан жарима солинар эди. Йиғилишлар навбатдаги ва навбатдан ташқари гуруҳларга бўлинарди. Айнан шу қоидаларга кўра аъзоларнинг иштирок этиш шакллари ва миқдори ҳамда даромадларни тақсимлаш каби масалалар ҳал этилар эди. Кўриниб турибдики, корпорациялар вужудга келишининг айнан мана шу босқичида биргалликдаги капиталга асосланган фаолиятни тартибга солувчи корпоратив низом ва бошқа корпоратив ҳужжатлар кўринишидаги корпоратив ҳуқуқнинг ёзма асослари вужудга келди.

Англияда корпоратив тизим шаклланиши ва ривожланишида ўз қоида ва одатларига кўра амал қиладиган, компания ва давлатдан мустақил бўлган биржа катта аҳамиятга эга бўлди. Қонун чиқарувчи томонидан компаниянинг юқори даражадаги ошкоралигини таъминлайдиган ва суиистеъмолчиликларнинг олдини олишга имконият берадиган, улар содир бўлган ва бошқа акциядорлар қўллаб-қувватламаган ҳолларда эса акциядорнинг судга мурожаат этиши мумкинлиги ҳақидаги қоидаларнинг киритилиши инглиз корпоратив ҳуқуқидаги муҳим янгилик бўлиб ҳисобланди.

Бегона тажрибадан, авваламбор, Голландия тажрибасидан фойдаланган Франция ҳам фаол тарзда хусусий тадбиркорликни кирита бошлади. Корпорациялар ташкил этишда ҳукуматнинг ҳаддан ташқари аралашishi ва Ҳиндистонга экспедицияларнинг юборилиши (1601, 1604, 1611, 1615 йилларда) муваффақиятсиз яқун топди. Ушбу ҳолат-

ни яхшилаш мақсадида француз ҳукумати 1791 йил 2 мартда хунармандчиликнинг эркинлигини эълон қилган ва акциядорлик жамиятлари фаолиятининг тартибга солиниши масаласи очик қолдирилган қонунни қабул қилди. Низом жамғармаси эркин бериладиган акцияларга бўлинган жамият тузиш қонунда тақиқланди. Компанияларни ташкил этишга фақат Қонунчилик йиғилишининг розилиги билангина йўл кўйилар эди.

1802 йили Савдо кодексининг қабул қилиниши мавжуд қоидаларга бир қанча ўзгартиришлар киритди. Кодекс савдо ҳуқуқи тизимини акциядорлик жамияти сингари янги ҳуқуқий институт билан таъминлади. Кодексада ушбу жамиятлар ҳукумат розилиги билан тузилиши мумкинлиги ҳақидаги қоида сақланиб қолган бўлса-да, шу кундан бошлаб улар қонунийлаштирилди.

1856 йилги коммандит компаниялар тўғрисидаги Франция қонуни билан компаниянинг ташкил этилганлиги ундаги капиталнинг ҳаммаси учун обуна бўлинганда ва умумий капиталнинг чорак қисми тўланган ҳолатда қонуний ҳисобланиши тўғрисидаги қоида киритилди. Фақатгина шундай тўловдан кейин эгаси ёзилган акциялар чиқаришга рухсат этилар, акцияларнинг учдан икки қисм қиймати тўланмагунча улар бегоналаштирилмас эди. Ушбу қонун учинчи шахсларга кафолат берди ва компанияларнинг барқарорлигини таъминлади.

1863 йилги Франция қонуни тўлиқ равишда олдинги қонуннинг асосий қоидаларини тартибга солди. Унда келажакда компаниялар сонининг ошишига хизмат қилувчи компаниялар фаолияти асосий қоидаларининг синчковлик билан қайта ишланганлиги ҳамда ҳукумат кафолатларининг қонуний мустаҳкамланганлиги назарда тутилган эди. Шу билан бирга ҳаддан ташқари тартибга солиш хусусий ташаббус ва эркин тадбиркорлик руҳини бўғиб қўйган эди. 1867 йилги қонун компаниялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг баъзи жиҳатларини енгиллаштирди. 1884 ва 1893 йилларда қабул қилинган компаниялар тўғрисидаги қонунлар тадбиркорлик ташаббусини сиқиб турган бир қатор тўсиқларни олиб ташлаш орқали корпорацияларнинг ўзини ўзи бошқариш соҳасини янада кенгайтди. Жумладан, ушбу қонунларга асосан акциялар нархининг максимал қиймати пасайтирилди, компания ҳақиқий эмас деб топиладиган ҳолатлар сони қисқартирилди, номи ёзилган акцияларни тақдим этувчига деб берилган акцияларга айлантиришда акциялар қийматини тўлиқ тўлаш маж-

бурияти олиб ташланди, низом жамғармасининг минимал миқдори камайтирилди ва бошқалар.

Шундай қилиб, Францияда корпоратив қурилиш ҳукуматнинг бевосита ва фаол иштироки асосида вужудга келди. Деярли уч аср мобайнида ҳукумат корпорацияларнинг ҳуқуқий ҳолатини қонуний жиҳатдан тартибга солиш орқали уларнинг фаолиятига аралашиб келди. Амалиёт тадбиркорликнинг фақат эркин шароитлар асосидагина муваффақиятли ривожланиши мумкинлигини кўрсатди. Лекин бошқа томондан, Франция тажрибаси корпоратив қурилиш шаклланаётган босқичда компаниялар фаолиятининг давлат томонидан меъёрий-ҳуқуқий тартибга солиниши нафақат мумкин, балки зарурлигини, чунки у хулқ-атвор (юриш-туриш) қоидаларининг маданиятли ишлаб чиқиши ва мустаҳкамланишига ёрдам беришини кўрсатди.

Германияда корпорациялар XVIII асрда, яъни Голландия, Англия ва Францияда бутун дунёда амал қилган, иқтисодий асоси корпорациялар ҳисобланган колониал тизим ривожланган вақтдагина ташкил этила бошланди. Германияда ҳам худди Франция сингари корпорацияларни шакллантириш билан ҳукумат шуғуллана бошлади.

Осиё компанияси деб номланадиган биринчи герман компанияси 1750 йилдагина ташкил этилди. Унда акциялар ҳали мустақил ҳужжат аҳамиятига эга эмас эди. Осиёлик ва бошқа компаниялар кейинчалик янги иштирокчиларни олиш орқали кўпайиши мумкин бўлган жамғарма тузиш учун ҳукумат розилигини ола бошладилар. Улушлар бегоналаштириладиган эди: компаниялар пайдо бўлиш вақтида улар тенг, лекин унинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин эди. Жавобгарлик тўлиқ, овозлар эса капиталдаги улушга қараб тақсимланар эди.

XIX асрнинг 30-йилларида Германия темир йўллар қуришга киришди ва шу муносабат билан ҳолат бирданига ўзгарди. Темир йўл қуриш қимматга тушадиган иш бўлса-да, ҳукумат темир йўл акциядорлик корхоналарининг асосий масалаларини ҳуқуқий тартибга соладиган темир йўл корхоналари тўғрисидаги қонунни қабул қилиш (1838 йил) орқали ташаббусни хусусий тадбиркорларга берди. Айнан мана шу қонун келажакда тўлиқ корпоратив ҳуқуқ шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

1843 йилги акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунда асосий эътибор низом жамғармасини шакллантириш қоидаларига қара-

тилади. Корпорациялар фаолиятининг ушбу жиҳати энг муҳимлигини инобатга олиб, қонун чиқарувчи корпорацияларнинг бу масалада ўзини ўзи бошқариши мумкин эмас деган адолатли хулосага келди. Акциядорлик жамиятларини бошқаришнинг кўпгина масалаларини қонун чиқарувчи уларнинг ўзларига ҳавола этди. Лекин акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши тўғрисидаги ушбу қонунда назарда тутилмаган қоидалар 1856 йилги махсус қонунда ўз аксини топди. Бошқарув органлари тўғрисидаги қоидалар 1861 йилги Савдо низомида янада мукамал тартибга солинди. Айнан шу низомда корпорацияларни ташкил этишнинг концессиявий тизими тўлиқ қонунийлаштирилди.

Корпорациялар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш акциядорларнинг ўзларида қолдирилди. Давлат ўзида фақат ташкил этиладиган корпорацияларни мажбурий рўйхатга олиш ҳуқуқинигина қолдирди. 1884 йилги қонунга асосан акциядорлик жамиятининг низом жамғармаси тўлиқ тўланиши кераклиги ва акцияларнинг минимал қиймати оширилганлиги мустаҳкамланди. Айнан шу қонунга кўра таъсисчилар тушунчаси киритилди, улар ҳаракатларининг тўғрелигини аниқлаш тартиби соддалаштирилди, кузатув кенгашининг функциялари аниқ белгиланди, корпорация ҳаётидаги барча масалаларни ҳал қилишда етакчи ўрин умумий йиғилишга берилди.

Тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш борасидаги ҳукумат фаолияти ўзининг самарали натижаларини берди. Германия тез орада йўқотилган вақтнинг ўрнини қоплаб, қисқа муддат ичида кучли ва мустаҳкам корпоратив тизимни ташкил этди. 1897 йилдаги Фуқаролик уложениясида (низомда) акциядорлик компаниясининг мустақиллиги ғояси ўз аксини топди. Шундай қилиб, Германия қонунчилиги замонавий корпоратив ҳуқуқ шаклланишида сезиларли ҳисса қўшди.

1776 йилда мустақил давлат – Америка Қўшма Штатлари ташкил топган вақтда Шимолий Америкада аллақачон инглиз савдо компанияларининг бўлинмалари мавжуд эди. Бундан ташқари, бу ерда сув таъминоти, суғурта ва қирғоқлардан фойдаланиш ҳамда бошқа фаолият турлари билан шуғуллунаётган маҳаллий корпорациялар ҳам мавжуд эди. Унча узоқ давом этмаган сукунатдан кейин корпорациялар ташкил этишнинг фаол жараёни бошланди ва 1802 йил уларнинг сони 335 тагача етди.

АҚШда корпоратив қурилишнинг шаклланиш жараёни узоқ вақт инглиз компаниялари анъана ва одатлари таъсири остида кечди. Инглизлардан ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг акциядорлик жамияти кўриниши ва корпорацияларни ташкил этишнинг рухсат бериш тартиби ўзлаштириб олинди. Рухсат тегишли штатнинг қонунчилик ёки федерал органлари томонидан корпорациянинг низомини тасдиқлаш шаклида берилар эди. Кейинчалик тадбиркорларнинг талабига кўра рухсат бериш усули рўйхатга олиш тизимига алмаштирилди. Бу борада ягона чеклов корпорация капиталининг умумий ҳажмига тегишли эди, яъни агар корпорация капиталининг умумий ҳажми белгиланган миқдордан кўп бўлса, рухсат олиш талаб этилар эди. Кейинчалик, корпорациялар якка хўжалик юритишга нисбатан ўзининг самарадорлигини исботлагач, барча штатлар корпорацияларни ташкил этишнинг рўйхатга олиш усулига ўтишди. Корпорация тўғрисидаги қонунчиликка корпорацияларга кўпроқ ҳуқуқ беришни назарда тутувчи қуйидаги ўзгартиришларни босқичма-босқич киритиш жараёни бошланди: низом жамғармаси миқдорига нисбатан чекловлар деярли тўлиқ олиб ташланди; директор ва бошқарувчилар корпорацияни бошқариш соҳасида кенг ҳуқуқларга эга бўлишди; қарз олиш ва акция чиқаришда корпорацияларнинг молиявий имкониятлари сезиларли даражада оширилди.

АҚШда корпорациялар пайдо бўлиш жараёнининг Франция ва Германиядагидан фарқи, бу ерда ишлаб чиқаришнинг корпоратив шаклини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган корпорацияларни ривожлантириш билан боғлиқ давлат сиёсатини ҳукумат эмас, балки суд амалга оширарди. Ўзларига берилган қонунни шарҳлар ҳуқуқидан моҳирлик билан фойдаланган ҳолда судлар, янги прецедентлар ташкил қилган ҳолда умумий ҳуқуқ меъёрларини кенг қўллардилар. Шундай қилиб, айнан суд қарорларига кўра корпорациялар умумий ҳуқуқ лаёқатини қўлга киритди ва даромад келтирадиган деярли барча фаолият билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди.

Корпорацияларнинг муваффақиятли ривожланиши учун барча шароитларнинг яратилиши тўла маънода ижобий ҳал этилган бўлсада, лекин бу эркин рақобат ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи монополиянинг унга ҳамроҳлигини келтириб чиқарди. Бу унга қарши курашишни, яъни монополияга қарши қонунчиликни яратиш истагини уйғотди ва натижада АҚШ Конгресси 1890 йил 2 июлда чет эл

давлатлари иштирокидаги штатлараро муносабатларда эркин рақобат ва савдони чеклашга қаратиб тузилган трест ёки бошқа шаклдаги, шунингдек яширин тил бириктириш шаклидаги бирлашмалар ноқонуний деб топилиши ва бундай ҳолат суд томонидан таъқиб қилинишини назарда тутган Трестларга қарши Шерман Қонунини қабул қилди. Шерман Қонунига 1944 йилги Клейтон Қонуни билан баъзи муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Эркин рақобат ва савдони чеклаш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар аниқ кўрсатилди. Клейтон қонунининг умумий мазмуни йирик корпорацияларни йўқотмасдан, уларни огоҳлантириш ва улар фаолиятидаги эркин рақобатни чеклашга қаратилган номақбул ҳодисаларга чек қўйиш каби қоидаларда кўринарди.

Шундай қилиб, АҚШда корпорациялар фаолиятини қонуний тартибга солиш биринчи навбатда эркин рақобат ва савдо соҳасидаги ҳар қандай тўсиқларни олиб ташлаш, ички корпоратив муносабатларни тартибга солишнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини кенгайтириш ва даромад келтирадиган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш учун максимал даражада имконият бериш масалаларига йўналтирилди.

2-§. Континентал ва англосаксон ҳуқуқ тизимида корпорациялар

Континентал ҳуқуқ тизимида корпорация деганда акциядорлик жамиятлари билан бир қаторда бошқа юридик шахслар масалан, турли кўринишдаги ширкатлар (тўлик, коммандит), хўжалик жамиятлари (масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли), хўжалик бирлашмалари (концерн, ассоциация, холдинг кабилар), ишлаб чиқариш ва истеъмол кооперативлари тушунилади. Англосаксон ҳуқуқ тизимида корпорацияларга континентал ҳуқуқ тизимида юридик шахс ва тегишинча корпорация сифатида тан олинмайдиган тузилмалар ҳам киряди (Бу ерда сўз бошқарув фаолияти билан шуғулланадиган давлат органлари ҳақида кетаяпди). Шундай қилиб, агар континентал ҳуқуқ тизимида корпорациялар асосан хусусий ҳуқуқ субъектлари сифатида қаралса, англосаксон ҳуқуқ тизимида улар (Англия, АҚШ) нафақат хусусий, балки оммавий ҳуқуқнинг ҳам субъекти ҳисобланади.

Барча корпорациялар, масалан АҚШда тўрт гуруҳга бўлинади: оммавий (public), ярим оммавий (quasi-public), тижоратчи (business),

нотижорат (non-profit)⁹. Оммавий корпорацияларга давлат ва маҳаллий органлар киради. Ярим оммавий корпорациялар сифатида аҳолининг умумий эҳтиёжларини (масалан, газ, сув, электр энергияси билан таъминлаш) инобатга оладиган корпорациялар тушунилади. Диний ташкилотлар, таълим соҳасидаги корпорациялар (мактаблар, коллежлар, университетлар каби), хайрия жамғармалари кабилар нотижорат корпорациялар бўлиб ҳисобланади. Тижоратчи (тадбиркорликка асосланган) корпорацияларга даромад олиш мақсадида тузилган барча корпорациялар киради. Улар юқорида санаб ўтилган корпорациялар орасида ўзларининг иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлганликлари билан улардан ажралиб туради. Бундай корпорацияларнинг сиёсий таъсири ҳам сезиларли даражани ташкил этади. Тижоратчи ташкилотлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ўз ичига ғоят мураккаб тизимни (оммавий ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусий ҳуқуқий тартибга солиш билан бирикиши) қамраб олади ва корпорацияларнинг бошқа турларига нисбатан батафсил тартибга солинган ҳисобланади.

Агар тижоратчи корпорациялар тушунчасининг ҳақиқий моҳияти нуқтаи назаридан келиб чиқиладиган бўлса, шу нарса аён бўладики, корпорациялар тушунчаси Англия ва АҚШ ҳуқуқий тизимиغا нисбатан Европада аниқ ва кенгроқ тушунилади.

Қонунга кўра ширкатлар Англияда ҳам АҚШда ҳам юридик шахс мақомига эга бўладиган корпорациялар таркибига киритилмайди. Умумий ҳуқуқнинг анъанавий тамойилларига асосан ширкат шахсларнинг йиғиндиси ҳисобланиб, юридик шахс сифатида тан олинмайди. Тижоратчи корпорациялар қаторига фақат акциядорлик капитали асосида ташкил этилган, яъни ўзининг ҳуқуқий ҳолати бўйича континентал ҳуқуқ тизимидаги давлатлар акциядорлик жамиятларини эслатадиган корпорациялар киради.

Англия ва АҚШда давлат корхоналари Европага нисбатан анча кам, шу билан бирга англосаксон ҳуқуқ тизимида улар корпоратив ташкилотлар сифатида тан олинади. Европадаги континентал ҳуқуқ тизимиغا асосан давлат корхоналарига нисбатан корпорацияларнинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланган капиталнинг бирлашиши, қўлланилмаслиги ва улар давлатга тегишли бўлган мулкдан ташкил

⁹ Сыродоева О.Н. Акционерное право США и России. М., 1996. 17 б.

этилиши ҳамда хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқи субъектлари сифатида ўзининг хўжалик-ташкилий фаолиятини юритиши сабабли бундай корпорациялар сифатида тан олинмайди. Улар ўртасида келиб чиқадиган мулк муносабатлар мулк ҳуқуқининг ўтиши билан боғлиқ эмас.

Таъсисчилар ёки иштирокчилар ҳисобидан ихтиёрийлик асосида улуш қўшиш, акция сотиб олиш орқали бирлаштирилган капиталнинг мавжудлиги корпорациянинг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Корпорациялар фаолиятини ташкил этиш учун ўз капиталини қўядиган шахслар доираси ва улар улушининг миқдори корпорациялар мавжуд бўлишининг хоҳлаган вақтида қатъий белгиланиши мумкин. Давлат корхоналари бундай белгиларга эга бўлмаганлиги учун континентал ҳуқуқий тизимда корпорациялар сифатида тан олинмайди.

Яқин кунларгача Ўзбекистонда давлат корхоналари мутлақ кўпчиликни ташкил этган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони анча камайди. Кўп корхоналар акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Лекин, ташкил этилган акциядорлик жамиятларининг кўпчилигида акциялар назорат пакетининг муҳим қисми давлатга тегишли бўлиб қолмоқда. Континентал Европа мамлакатларида давлат корхоналарининг улуши унча катта бўлмаса-да, ҳали ҳам мавжуд. Ўзбекистонда давлат корхоналари аҳолининг барча қисмига хизмат қиладиган хўжалик соҳаларида (транспорт, алоқа, информатика, ёқилғи-энергетика каби) ёки бутун мамлакат вазифаларини амалга оширишда ёрдам берадиган соҳада (мудофаа корхоналари) ёхуд фақат давлат молиялаштира оладиган соҳаларда (тоғ-кон ва нефтни қайта ишлаш саноати каби) ташкил этилади ва фаолият юритади.

Континентал ҳуқуқ тизимида корпорация иштирокчилари ўртасида нисбатан мустаҳкам алоқалар кузатилади. Бу ҳар бир иштирокчининг бевосита ва ўз шахсий меҳнати билан иштирокини назарда тутовчи фаолиятининг ўзига хос хусусияти орқали ширкатнинг корпорациялар орасида муҳим ўрин тутиши билан тушунтирилади. Лекин, шахсий иштирок мутлақо зарур бўлмаган, ҳатто акциядорлик жамиятларида ҳам, акциядорлар умумий мажлиси аҳамиятининг ошишига хизмат қиладиган иштирокчиларнинг жипслашганлик хусусияти кузатилади (АҚШдаги акциядорлардан ташқари). Ишга бундай ёндашиш акциядорларнинг индивидуал манфаатлари билан корпоратив манфаатларни, яъни барча аъзолар учун умумий бўлган манфаат-

ларни боғлаш имкониятини яратади. Капиталнинг тўпланиши муҳим ўрин тутадиган АҚШда нисбий кудрати доим ошиб борадиган йирик корпорациялар тегишли бошқарув технологиясидан фойдаланган ҳоллардагина самарали ташкил этилишлари мумкин.

Акциядорларга уларнинг корпорация ишига қандай бўлмасин таъсир этиш борасида берилган имконият континентал ҳуқуқ тизимида акциядорларнинг ҳуқуқий ҳолати ўзининг эркинлиги ва тенглиги билан ажралиб туришидан далолат беради. Англо-американ корпорацияларда ички корпоратив муносабатлар шундайки, у ерда акциядорларнинг ҳуқуқий ҳолати корпорация ишларини юритишда акциядорларнинг бевоситалиги ва четлаштирилганлиги билан характерланади. Ғалати туюлсада, шунини таъкидлаш жоизки, бу ижобий ҳолат бўлиб, корпорациянинг муваффақиятли фаолият юритиши учун шароит сифатида хизмат қилади, чунки акциядорларнинг эрки билан боғланмаган бошқарувчилар кўпгина масалаларни тез ва самарали ҳал қилади ҳамда умумий ва индивидуал манфаатларни ифода этиш орқали корпорациянинг самардорлигини, унинг даромадини оширишга эришади.

Америка ва Англия корпорациялари фаолияти нисбатан эркин амалга оширилса, Европа корпорацияларининг фаолияти сезиларли даражада давлат томонидан тартибга солинади. Дастлабки босқичларда европа давлатлари корпорацияларнинг фақатгина ташқи муносабатларини, уларнинг бошқа ҳуқуқ субъектлари билан ўзаро алоқаларини (солиқ тўлаш, рақобат, истеъмолчилар билан бўладиган муносабатлар, ходимларга пенсия ва нафақалар тўлаш каби) тартибга солишга интилишар эди. Бугунги кунга келиб эса корпорация ичидаги муносабатлар (акциядорлар реестри, бухгалтерлик ҳисоби, банк орқали амалга ошириладиган молиявий ҳисоб-китобларни юритиш каби) ҳам давлат томонидан тартибга солинадиган бўлди.

Англосаксон ҳуқуқида корпорацияларнинг ҳуқуқ лаёқати дастлаб жуда махсус эди. Олий қонун чиқарувчи ёки ижро этувчи органлар муайян фаолият турининг мавжуд бўлиши ҳақида рухсатнома берардилар. Бугунги кунда умумий ҳуқуқ тизимидан фойдаланувчи кўпгина мамлакатлар корпорацияга давлат томонидан рухсат этилган тадбиркорлик фаолиятининг хоҳлаган тури билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи умумий ҳуқуқ лаёқатини ўрнатишга ўтишди. 1984 йилда қабул қилинган тадбиркорлик корпорациялари тўғрисидаги намунавий АҚШ қонунига асосан корпорацияларнинг ўз низомида кўрсатилган

фаолияти билан бир қаторда келажакда ишлаб чиқариш ва савдо муносабатларида маълум алоқага эга бўлган ёки унинг асосий соҳаси билан умуман боғлиқ бўлмаган фаолият билан шуғулланишига рухсат берилди. Шунинг учун ҳар қандай корпорация тадбиркорликнинг қайси тури билан шуғулланишидан қатъи назар ўз фаолиятида амалий жиҳатдан чекланмагандир.

Намунавий Қонунда назарда тутилмаган ҳуқуқларни ҳам корпорация иштирокчилари томонидан унинг низомида назарда тутилишига йўл қўйилади. Низомда назарда тутилган ушбу барча ҳуқуқлар очик ифода этилган ҳуқуқлар дейилади. Агар баъзи ҳуқуқлар у ёки бу сабабларга кўра низомда кўрсатилмай қолган бўлса, улар назарда тутилган ҳуқуқлар деб ҳисобланиб, корпорациялар томонидан очик ифода этилган ҳуқуқлар билан бир қаторда қўлланилиши мумкин (масалан, хайрия, ҳомийлик фаолияти каби).

Шундай қилиб, корпорациянинг низоми доираси ёки унинг ҳуқуқлари чегарасидан четга чиқиб тузилган битимларнинг ҳақиқий эмас деб топилиши тўғрисидаги қоида ўз аҳамиятини йўқотди. Тадбиркорлик корпорациялари тўғрисидаги АҚШ Намунавий Қонунида корпорация томонидан содир этилган ҳаракатларнинг реаллигини корпорациянинг бундан содир этишга ҳуқуқи бўлмаган ёки ҳуқуқи мавжуд эмас деган асос билан рад этиш мумкин эмаслиги тўғрисида аниқ кўрсатма назарда тутилди. Бу ҳолда биринчидан, фақат низом доирасида битим тузиш талаби корпорация фаоллигининг ривожланишига халақит берганлиги; иккинчидан, низомдан чекинишнинг тақиқланиши корпорацияга бозор конъюктурасига тез мослашиш ва капитални хўжаликнинг нисбатан истиқболли соҳасига жалб этишга ва ниҳоят, корпорация хўжалик фаолиятининг барқарорлигини таъминлашга халақит берадиган, корпорация номидан амалга ошириладиган кўпгина операцияларнинг қонунийлигини шубҳа остига қўйилиши инобатга олинади.

Белгиланган ҳолатларда корпорациялар фаолиятига ҳукуматнинг аралашishi ўзбошимчаликка, корпорацияларни ташкил этиш жараёнида муайян фаолият соҳалари билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш каби ҳолларда эса коррупцияга айланиб кетиши мумкинлиги шубҳасиздир. Лекин шунга қарамасдан, шундан олиш зарурки, давлатнинг корпорациялар ҳаётига аралашшининг кучайиши нафақат Европа, балки жаҳон тажрибаси ҳамдир. Бундай аралашishi

нафақат хусусий ҳуқуқий, балки шу билан бир қаторда оммавий ҳуқуқий характер ҳам касб этади. Шу билан бирга континентал ҳуқуқ тизимида оммавийлик элементи англосаксон ҳуқуқ тизимига нисбатан аниқроқ ифодаланган. Айниқса, бозор иқтисодиёти ва корпоратив қурилишга ўтаётган мамлакатлар учун корпоратив фаолиятни амалга оширишда амалдаги қонунчиликка асосан давлатнинг аралашуви жуда зарур.

3-§. Туркистондаги корпорациялар

Совет ҳокимияти ўрнатилгунга қадар Туркистонда корпорацияларнинг пайдо бўлиши ва ҳуқуқий мақоми ислом ҳуқуқи ҳамда Россия империясининг фуқаролик қонунчилиги билан, Совет даврида эса Совет давлатининг қонунчилиги билан тартибга солинган.

Шарқ мусулмон дунёси, шу жумладан Туркистондаги корпоратив ҳуқуқнинг асосий фарқловчи жиҳатлари шундан иборат эдики, ўлканинг Россия империясига қўшилишига қадар у шариат қонунлари, Қуръон ва сунна асосида, қўшилгандан кейин эса Россия империяси қонунчилиги бўйича тартибга солинарди.

Ўрта аср мусулмон давлатларининг барчасида бўлгани каби Моварауннаҳр ҳуқуқий тизими ҳам кўп меъёрларни маҳаллий одат ҳуқуқидан олди. Шариат меъёрлари ва одат қоидалари нуфузли дин пешволари (фақиҳлар) томонидан ҳар кунги ҳуқуқий амалиётдан келиб чиққан ҳолда тизимлаштирилган ва тушунтирилган ислом ҳуқуқининг турли қўлланма ва шарҳларида берилди.

Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги муносабатлар, турли ишларда иштирок этувчи мулкдорларнинг ўзаро муносабатлари, ўша вақтда пайдо бўлган савдо корхоналарининг фаолияти шариат, сунна ва одат меъёрлари билан етарли даражада тартибга солинган бўлса, уларда назарда тутилмаган ҳаёт соҳалари ҳуқуқ меъёрлари тўплами бўлмиш мусулмон ҳуқуқшуносларининг биргаликдаги қарорлари (ижмоъ) асосида тартибга солинган. Ушбу қарорларнинг кучи шунчалик нуфузли эдики, улар бутун мусулмон дунёсида иқтисодий ва савдо муносабатларининг ривожланишига ёрдам берган ва бир неча даврлар мобайнида ҳаётда қўлланилиб келинган.

"Фикҳ илми" деб номланадиган ислом ҳуқуқида худди романо-герман ҳуқуқ тизимидаги пандектлар сингари қатъий ҳуқуқий тизим

мавжуд бўлмаган. "Фикҳ илми" черков ҳуқуқидан ташқари бизнинг замонавий тушунчамиздаги деярли барча ҳуқуқ соҳаларини (давлат, молия, ер-сув, фуқаролик процессуал, жиноят, жиноят-процессуал ва фуқаролик) қамраб олади.

Демак, агар ислом ҳуқуқи асосий манбаларидан бири ҳисобланган, Ўрта Осиё хонликлари ва совет ҳокимияти ўрнатилгунга қадар Туркистонда ҳамда Ўрта ва Яқин шарқдаги кўпгина давлатларда фуқаролик ишларини ҳал этишда раҳбарий қўлланма ҳисобланган "Ҳидоя" (аниқроқ қилиб айтганда "Ал-Ҳидоя")¹⁰ асарига эътибор қаратадиган бўлсак, тўртта катта жилдлардан ташкил топган ушбу асарнинг куйидаги муносабатларни тартибга солганлигини кўришимиз мумкин: биринчи томда – гаров ҳуқуқи, никоҳ-оила ва процессуал ҳуқуқ меъёрларига оид қоидалар; иккинчи томда – жиноят ҳуқуқи (жазолар, ўғрилик ҳақидаги), фуқаролик ҳуқуқи (топилма, бедарак йўқолиш, ширкатлар, вақф, олди-сотди, қарзларни ўтказиш тўғрисидаги), фуқаролик процессуал ҳуқуқи (гувоҳ кўрсатмалари ва кўпгина бошқа процессуал ҳолатлар)га тегишли қоидалар; учинчи томда – фуқаролик ҳуқуқи (ишончнома, келишувлар, қўриқлаш, қарз, ҳадя, ижара), фуқаролик процессуал ҳуқуқи (даъво, тан олиш), оила ҳуқуқига (ҳомий ҳақидаги ва бошқа масалалар) тегишли қоидалар; тўртинчи томда – фуқаролик ҳуқуқи (гаров, васият ва бошқалар ҳақида), жиноят ҳуқуқига (шахсга қарши жиноятлар ва бошқалар) оид кўпгина муносабатлар. Ислом ҳуқуқининг ўзига хос шарҳи ҳисобланган ушбу асарда бутун бир китоб (XIV китоб "Ширкатлар тўғрисида") ширкатлар фаолиятини тартибга солишга қаратилган. Унда ширкат иштирокчилари ўртасидаги мулкӣ муносабатлар, савдо компанияларини ташкил этишнинг амалий жиҳатлари, савдо ёки бошқа корхоналарни ташкил этиш учун маблағ қўйиш, иштирокчиларнинг жавобгарлиги каби қоидалар назарда тутилган.

Олдин айтилганидек, корпорацияларнинг илк куртаклари оддий ширкат шаклида бўлиб, савдо фаол ривожланган жойларда пайдо бўла бошлаган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон (олдин Туркистон) жойлашган Ўрта Осиё ҳудуди ҳам бундан истисно эмас эди.

Бу ерда ширкатларнинг пайдо бўлиши чуқур тарихга бориб тақа-

¹⁰ Муаллиф Бурохониддин ибн Абу Бакр ибн Абдужалил Ал-Фарғоний Ал-Марғиноний Ал-Риштоний (1123–1197 йиллар).

лади. Ёзма манбалар ва археологлар тадқиқодларининг гувоҳлик беришича, ушбу ҳудудда шаклланган бир қанча давлатлар айнан қадимги савдо йўлари кесишган жойда жойлашганликлари туфайли ривожланган. Қадимги Сўғдиёна ва Хоразм, шунингдек, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар ва Темурийлар давлатларида савдо улар қудратининг иқтисодий асоси, маданий ривожланишининг асосий йўлларида бири ҳисобланарди. Буюк Ипак йўли орқали Хитой, Ҳиндистон ва Моварауннаҳрдан Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига юзлаб карвонлар қатнардди.

Карвон савдосининг ривожланиши албатта савдо тадбиркорлари кучларининг бирлашишини талаб этарди. Савдогарлар карвон ташкил этиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш учун ўз маҳсулот ва маблағларини бирлаштирардилар. Одатда бундай савдо корхоналарида бир неча савдогарлар иштирок этардилар, лекин баъзи пайтларда ўз маҳсулотларини юздан ортиқ туяларда ташийдиган ўнлаб иштирокчилардан ташкил топган йирик компаниялар ҳам тузиларди, чунки узоқ ва давомли саёҳатларнинг қийинчиликлари ҳамда хавфлилиги, йўлда маҳсулотларни ташиш ва қўриқлаш учун маълум даражадаги кишилар ресурсларининг бирлашишини талаб этарди. Ушбу савдо компаниялари иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари оддий ширкат тамоийллари (улар ўртасида савдо таваккалчиликлари тенг, даромад тенг ёки маҳсулотга қўйилган маблағга мутаносиб тарзда тақсимланарди) асосида қурилган эди. Иштирокчилар ўртасидаги шартномалар одатда оғзаки шаклда тузиларди.

Ислом ҳуқуқи хусусий мулкнинг илоҳийлиги ва дахлсизлиги тамойилидан келиб чиқарди. Вақф, жамоа, ширкат ва бошқа турли жамиятлар кўринишидаги бир қанча хусусий савдо, ҳунармандчилик ва ноҳунармандчилик жамоаларининг фаолият юритишига қарамасдан уларнинг фаолияти махсус қонунчилик билан тартибга солинмаган эди. Цехлардаги ҳунармандлар корпорацияларининг фаолияти кўп йиллар давомида шаклланиб келган, уста, унинг ёрдамчиси ва шогирднинг хулқ-атворини тартибга солишга қаратилган умумий қоидалар киритилган цех низомларига (рисолалари) асосан тартибга солинган.

Корпорацияларнинг турли кўринишлари ширкат шартномаси тузиш орқали вужудга келарди. Бундай шартнома икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг муайян умумий мақсадга эришишини кўзлаб тузиларди.

Ширкат шартномалари икки турга бўлинарди: "ширкати милик", яъни икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг умумий мулкка биргаликда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этишига асосланган ширкат ва "ширкати ақид", яъни битим асосидаги ширкат. Битим асосидаги ширкат ўз навбатида қуйидаги тўрт турга бўлинган:

1. "Ширкати мувафазот", яъни шартномада назарда тутилган мақсадга эришиш мақсадида иштирокчиларнинг ўз маблағ ва қарз мажбуриятларини тенг равишда бирлаштиришини назарда тутувчи ўзароликка асосланган ширкат.

Шерикларнинг ҳар бири бошқасининг эркини ижро этувчи ва ўринбосари бўлиб, уларнинг бири томонидан ўз ваколатлари доирасида тузилган битим бошқа шерик учун ҳуқуқ ва мажбурият келтириб чиқарарди. Шундай қилиб бу ширкат, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шунингдек имтиёзлар масаласида ҳам тўлиқ тенгликка асосланиб қурилиши лозим эди, чунки, "Ҳидоя"да айтилишича, "агар улардан бири бошқасида мавжуд бўлмаган имтиёзларга эга бўлса, бундай шериклар ўртасида тўлиқ тенгликнинг бўлиши мумкин эмас"¹¹. Бундай ширкатларда ўз мулки ва маблағларини корпорациянинг умумий мақсадлари учун бирлаштириш имкониятига эга бўлган мулкдорлар иштирок этишган.

2. "Ширкати инон", яъни шериклар мулкининг бир қисми савдо муносабатларини амалга ошириш мақсадида бирлашадиган, шартнома асосида тузиладиган савдо ширкати.

Бундай шартнома шартларига кўра ширкатнинг ҳар бир аъзоси бошқасининг кафили бўлмаган ҳолда унинг ишонган шахси бўлиб ҳисобланади. Ширкатга қўйилган маблағлар тенг бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Даромад шерикнинг қўшган ҳиссаси миқдори ва ширкат ишларидаги шахсий иштирокидан қатъи назар шартнома шартлари-га кўра тақсимланган. Шерик бошқа шерикларнинг мажбуриятлари учун жавоб бермаган. Зарарлар шартнома шартларига асосан қопланган.

3. "Ширкати вужух", яъни, шериклардан ҳар бирининг ўз шахсий кредитига маҳсулот олиши, сотишни эса ҳамкорликда амалга оширишини назарда тутадиган шахсий кредит ёки ишончга асосланган ширкат. Бу шартномага кўра шартноманинг ҳар бир иштирокчиси

¹¹ Ҳидоя. Т.2. 99. б.

бир вақтнинг ўзида бошқа шерикнинг ишончли вакили ва кафили ҳисобланган. Шартнома иштирокчиларининг даромад ва зарарлари уларнинг ҳиссалари ва ширкатда иштирок этишларига мутаносиб тарзда белгиланар эди.

4. "Ширкати саноия", яъни муайян ишни бажариш ёки ҳунармандчилик билан шуғулланиш мақсадида муайян муддатга тузиладиган ҳунармандлар ширкати. Бундай ширкат шартномаси шартларига кўра шерикларнинг бир жойда, айнан бир хил фаолият тури билан шуғулланишлари талаб этилмас эди. Биргаликдаги (солидар) жавобгарлик ўрнатилган бўлиб, даромадларни нотенг тақсимлашга рухсат этиларди.

Қишлоқ жойларида ширкат шартномаси асосида "тенг шерик" деб номланган ширкатлар тузилиб, унга кўра ҳар бир шерик ўзининг ҳиссаси сифатида тенг миқдордаги ерни кўшарди ва олинган ҳосил улар ўртасида тенг тақсимланарди. Агар баъзи шериклар ҳисса сифатида ўз меҳнاتини кўшган бўлса, уларга ширкат шартномаси асосида олинган ҳосилнинг 1/3 қисми тегарди¹².

Юқорида кўрсатиб ўтилган ширкатлар юридик шахс мақомига эга эмас эди. Улар тадбиркорлик фаолияти юритиш ёки иттифоқ ташкил этиш мақсадида муайян миқдордаги шахслар томонидан тузиладиган шартномалар асосида ташкил этиларди. Ширкатни ширкат шартномаси ёки бундай шартномани тегишли муассаса томонидан рўйхатга олиш шаклида юридик шахс сифатида тан олиш зарурати тўғрисидаги махсус меъёрлар шариат меъёрларида назарда тутилмаган эди, кўп ҳолларда шартномалар оғзаки шаклда тузилиб, унинг шартлари тарафлар томонидан белгиланарди. Демак, ўша вақтдаги фуқаролик ҳуқуқи шартномаларида "la forme emporte le fond" ("шакл мазмунни белгилайди") тамойили қўлланилмас эди. Юқорида билдирилган фикрлар Туркистонда фаолият юритган турли кўринишдаги ширкатлар фаолиятини шакллантириш ва ташкил этиш ўзида корпоратив характердаги элементларни мужассамлаштирганлигини тасдиқлаш учун асос бўлади.

Туркистоннинг бой табиий ва иқтисодий салоҳияти Россиянинг ҳам эътиборини ўзига жалб этди. Рус ҳукумати Ўрта Осиё хонликла-

¹² Материалы к истории советского государства и права Узбекистана. Тошкент, 1958. 90, 91 б.

ри билан савдо алоқаларини ривожлантиришга янада кўпроқ аҳамият бера бошлади. XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб Россияни ушбу хонликлар билан бирлаштириб турувчи асосий савдо йўллари пайдо бўлди. Россияда саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши истеъмол бозорларини эгаллаш ва янги ҳудудлар табиий бойликларини мустамлака тарзида ўзлаштириш мақсадида подшоҳлик ва янги ҳудудларни босиб олишга ундарди. Айнан мана шу интилишлар XIX асрнинг 50-70 йилларида Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олишига олиб келди. Қўшинлар изидан Туркистон ўлкасига Россия саноати ва банк капитали кириб келди. Ўлкада маҳаллий истеъмол бозорлари ва хом ашёларни фаол тарзда эгаллашни бошлаган турли акциядорлик жамиятлари, савдо-саноат компаниялар, синдикатлар, фирмалар кўпая бошлади.

Улар фаолиятининг асосий соҳалари бўлиб, биринчи навбатда пахтани қайта ишлаш (пахта тозалаш ва ёғ заводлари), темир йўллар қуриш, ипакчилик саноати, саноат маҳсулотларини олиб келиш ва сотиш каби соҳалар ҳисобланди. Кейинчалик пахтачиликнинг ривожланиши ва шу мақсадда янги ерларнинг ўзлаштирилиши муносабати билан улар фаол тарзда ирригация-муҳандислик қурилмаларини қуришга киришиб кетдилар. XIX асрнинг охири XX аср бошларида минерал хом ашё ресурсларини ўзлаштириш ва тоғ-кон саноати қурилишига ихтисослашган корхоналар ташкил этила бошланди. Лекин шунга қарамасдан, саноат соҳасида ҳам, молия соҳасида ҳам асосий эътибор биринчи навбатда пахтачиликка қаратилди.

Шуниси эътиборга лойиқки, 1916 йил Туркистонда 58 та пахта тозалаш ва 15 та ёғ заводларига эга бўлган 9 та йирик савдо-саноат фирмалари фаолият юритарди. Булар орасида қуйидаги нисбатан муҳимларини кўрсатиш мумкин: 1) 30 та пахта тозалаш ва 5 та ёғ заво­дига эга бўлган Андрей ширкати – Вадьяевлар савдо уйи; 2) Катта Ярославль мануфактураси, Москва савдо-саноат ширкати, Эрон ва Ўрта Осиё ўртасидаги савдо ширкати, "Братья Шлосберг" савдо уйи ва "Владимир Алексеев" ширкатидан ташкил топган "Беш-Бош" пахтачилик фирмаси; 3) "Братья Крафт" савдо уйи; 4) "Потеляхов" фирмаси; 5) "Симхаев" фирмаси¹³.

¹³ Аминов А.М., Бабаходжаев А.Х. Экономические и политические последствия присоединения Средней Азии к России. – Т., 1966. С.85.

Ушбу йирик пахтачилик фирмаларидан ташқари Туркистонда бошқа соҳаларга ихтисослашган қатор ширкатлар ва акциядорлик жамиятлари фаолият юритган. Бундай жамиятлар қаторига Қимматбаҳо нарсаларни ташишга ихтисослашган Шарқ жамияти, Москва савдо-саноат ширкати, И.К.Познан жамияти, "Братья Нобель" ширкати каби жамиятлар кирган. Улар юкларни ташиш, мануфактура савдоси, ипак ишлаб чиқариш, кўмир, нефть қазиб олиш, кўчмас мулк сотиб олиш, концессия асосида берилган ер майдонларида гидротехника қурилмалари қуриш кабилар билан шуғулланган.

Санаб ўтилган компаниялар асосан икки хил етакчи шаклда фаолият юритарди: шахслар ширкати (тўлиқ ширкат) ва капиталлар ширкати (акциядорлик жамияти). Акциядорлик жамиятлари ва ширкатлар улушларида эгаси ёзилган қоғозлар (акциялар, улушлар) ёки эгаси ёзилмаган акцияларга эга эди¹⁴.

Дастлаб ушбу корпорацияларнинг таъсисчилари ҳам иштирокчилари ҳам фақат Россия савдо-молия капитали вакилларидан иборат эди. Лекин XX асрнинг бошларидан бошлаб уларни шакллантириш жараёнида маҳаллий бойлар ва чет элликлар иштирок эта бошлади. Чет эл капитали асосан тоғ-кон ва нефтни қайта ишлаш саноатига киритиларди. Компаниянинг маҳаллий иштирокчилари пахтачилик, ёғ саноати, савдо ва унчалик катта маблағ талаб қилмайдиган соҳаларда ўз имкониятларини амалга оширар эдилар.

Шундай қилиб, Туркистон ҳудудида совет ҳокимиятининг ўрнатилишига қадар подшо ҳокимияти, рус савдогарлари, фабрикантлари, заводчилари ва бошқа тадбиркорлар вакилларидан иборат бўлган бир қанча юридик шахслар ташкил топган эди. Тегишли ширкат ва жамиятлар турли ташкилот ва муассаса кўринишларида шакллантирилди. Улар фаолияти Россия империясининг фуқаролик қонунчилиги билан белгиланарди ва тартибга солинарди.

Туркистонда 1917 йилга қадар корпоратив қурилиш ва ҳуқуқнинг шаклланиш тарихи ва ривожланиши борасидаги қисқача таҳлилнинг якуни сифатида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Туркистонда компанияларнинг куртаклари қадимги даврлардан вужудга келган. Улар асосан турли ширкат кўринишларида амал қи-

¹⁴ Доклады Кокандского биржевого комитета ревизирующему по Высочайшему повелению Туркестанский край сенатору графу Палену. – Т., Кокандский биржевой комитет, 1908. С.7.

либ, у ёки бу корхонани ташкил этиш мақсадида куч ва маблағни бирлаштириш орқали бир ёки бир неча шахс томонидан тузиларди. Одатда, бу савдо мақсадларида ҳамкорликда саёхат қилиш учун бирлашган савдогарларнинг ассоциацияларидан иборат бўларди;

2. савдо жамиятлари ўзининг корпоратив ҳамкорлик фаолияти ва шакллари сезиларли даражада кенг ҳудудларда карвон йўллари-нинг хавфсизлиги таъминланган ва савдонинг ягона қонун-қоидалари амал қилган йирик империялар даврида нисбатан муваффақиятли ривожлантирганлар;

3. ўрта асрларда мусулмон давлатларидаги корпоратив ҳуқуқнинг фарқли хусусияти шундаки, улар Европадаги сингари ҳукуматнинг қонуний ҳужжатлари ва низомда назарда тутилган қоидаларга асосланмаган, балки кейинчалик нуфузли фақиҳлар томонидан шарҳланган шариат ва одат қоидалари ҳамда фақиҳлар томонидан умумий келишув асосида ишлаб чиқилган ижмоъ асосида тартибга солинган. Ҳамкорликдаги фаолиятнинг (киритиладиган ҳиссаларнинг миқдори, даромадни тақсимлаш, умумий харажатларда иштирок этиш каби) хусусий масалаларини ҳал этиш иштирокчилар томонидан оғзаки ёки ёзма шаклда шартномалар тузиш вақтида аниқланган;

4. Ўзбекистон ҳудудида замонавий маънодаги корпорациялар XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинишидан кейин пайдо бўлди. Компаниялар икки асосий: шахслар ширкати (тўлиқ ширкат) ва капиталлар ширкати (акциядорлик жамиятлари) шаклларда тузиларди. Акциядорлик жамиятлари дастлаб эгаси ёзилган акциялар чиқарардилар, лекин кейинчалик нисбатан кенг қамровли лойиҳаларни ишлаб чиқариш заруриятининг пайдо бўлиши билан эгаси ёзилмаган акциялар чиқарувчи компаниялар ташкил этила бошланди;

5. компаниялардаги ички корпоратив муносабатлар низомлар асосида тартибга солинган. Лекин бу низомлар подшоҳ ҳукумати томонидан чиқарилган ва тадбиркорликнинг эркинлигини чеклашга қаратилган бир қатор меъёрий ҳужжатларга асосланган. Савдо, Саноат, кредит низомлари ҳамда акциядорлик жамиятининг эркин низоми каби низомлар шулар жумласидан эди. Акциядорлик жамиятлари тузишга унинг фаолияти мустамлакачилик сиёсатига зид бўлмаган, низоми ҳукумат томонидан тасдиқланган ва қимматли қоғозлар эмиссияси масаласи Молия вазирлиги томонидан кўриб чиқилгандан ке-

йингина рухсат этиларди. Фақат христиан рус фуқароси бўлган шахсларгина компаниянинг иштирокчилари бўлиши мумкин эди. Маҳаллий аҳоли вакилларида бўлган мусулмонлардан ташқари бошқа чет элликларнинг акциядорлик жамиятлари фаолиятида эгаси ёзилган акцияларни сотиб олиш орқали иштирок этиши тақиқланган;

6. юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкинки, инқилобга қадар Туркистонда корпоратив қурилишининг нисбатан ривожланиши капиталнинг бирлашиши асосида турли юридик шахслар тузилган XX асрнинг бошларига тўғри келади. Корпорацияларнинг фаолияти маълум маънода ўлка саноатининг ривожланишига ёрдам берган бўлса-да, лекин у бир томонлама йўнал-тирилган ва Туркистонни хом-ашё базасига айлантирган фақат мус-тамлакачиларнинг манфаатларига қаратилган эди.

Корпорацияларнинг Туркистон ўлкасининг тадбиркорлик ҳаёти ва ҳудудда эркин рақобат руҳининг пайдо бўлишига қўшган ҳиссаси борасидаги ижобий томонлари ҳам Туркистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий тизимида янги даврни бошлаб берган Совет ҳокимияти даврида бутунлай йўқотилди.

Туркистон автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР) Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг (РСФСР) бир қисми деб эълон қилингандан кейин РСФСРнинг корпорациялар тўғрисидаги декрет ва меъёрий ҳужжатлари ТАССРнинг бутун ҳудудида Марказий ижро қўмитаси (МИК) ёки Халқ Комиссарлари Кенгашининг (ХКК) махсус қарорлари билан амалга киритиларди. 1918 йилги ТАССР Конституциясига кўра кенгашларнинг ўлка съездлари республиканинг маҳаллий хўжалик ва маиший хусусиятларидан келиб чиқиб "марказ"нинг баъзи Декретларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга эди.

Совет Туркистонининг қонунчилиги эски ишлаб чиқариш муносабатларини йўқ қилиш ва янги сиёсий ва иқтисодий тизимларни мустақамлашга йўналтирилган эди. У ўша даврда республиканинг хўжалик тизимида қуйидаги 5 та шаклнинг мавжудлигидан келиб чиқарди: патриархат хўжалик, кичик маҳсулотларни ишлаб чиқариш хўжалиги, хусусий хўжалик иқтисодиётига асосланган хўжалик, давлат капитализми ва ижтимоий соҳа хўжаликлари.

Патриархат шахсий меҳнатга асосланган деҳқон ва чорвадорлик хўжаликлари асосан ўз эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқарарди-

лар ва совет ҳокимияти деярли мавжуд бўлмаган республиканинг узоқ туманларида яшардилар. Уларнинг фаолияти шариат ва маҳаллий аҳолининг одатлари асосида тартибга солинарди. Вақт ўтиши билан кичик маҳсулот ишлаб чиқарувчи – камбағал ва ўртаҳол деҳқонлар, чорвадорлар, косиб ва ҳунармандлар фаолияти бошқача тарзда тартибга солина бошланди.

Хусусий хўжалик капитали вакиллари – кичик ва ўрта саноат корхоналари мулкдорлари, турли хилдаги савдогарлар, шунингдек ўша пайтда рухсат этилган давлат-капиталистик саноат ва савдо бирлашмалари, ширкатлар ва жамиятлар фаолияти давлат манфаатларига риоя қилинган қонунчилик билан тартибга солинарди.

Туркистоннинг биринчи совет хўжалик ташкилотлари Ўлка кенгаши ишлаб чиқариши таркибида бирлашган корхоналар бўлиб, уларнинг фаолияти устидан давлат контроли ва назорати ўрнатилган. Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1918 йил 8 майдаги буйруғига асосан шу пайтга қадар жамоат бирлашмалари деб ҳисобланган завод-фабрика ва назорат қўмиталари давлат органлари сифатида қайта ташкил этилди. Завод, фабрика, устахона ва бошқа саноат, шунингдек савдо корхоналарининг мулкӣ ва ишлаб чиқариш ҳолати юзасидан жавобгарлик улар зиммасига юкланди¹⁵.

Республикадаги миллийлаштирилган корхоналарни бошқариш мақсадида Туркистон ўлкаси халқ хўжалик кенгаши доирасида ўлка миқёсида вилоят халқ хўжалик кенгашлари ташкил этилди. Қайта ташкил этилган давлат корхона ва муассасалари қабул қилинган низом ва қоидаларга асосан юридик шахс сифатида ҳаракат қилардилар.

Шунингдек, қайта ташкил этилган қишлоқ хўжалик кооператив ташкилотлари – ерга биргаликда ишлов бериш юзасидан тузилган қишлоқ хўжалик коммуналари, артеллари ва ширкатлари ҳам юридик шахс сифатида тан олинардилар. Ушбу янги кооператив ташкилотлар давлат еридан фойдаланишлари, Совет ҳокимияти органлари раҳбарлиги остида ер ости бойликларини қазиб олиш ишларини амалга оширишлари, ўзлари томонидан ташкил этилаган савдо дўконлари ва омбохоналарни маҳаллий аҳолининг турли хом ашёлари билан таъминлашлари, саноат корхоналари ва ўз маҳсулотларини сотишни ташкил этишлари мумкин эди.

¹⁵ ЎзР МДА, ф.Р-25, оп.1, д.73, л.208.

Хусусий-капиталистик секторга тегишли ташкилотлар (хусусий суғурта жамиятлари, савдо ва саноат ширкатлари, компаниялари каби) хусусий юридик шахслар ҳисобланган. Уларнинг айримлари совет ҳокимияти ўрнатилгунга қадар қабул қилинган низом ва қоидалар асосида фаолият юритардилар.

Ер давлат мулкига ўтказилгандан кейин, РСФСР Халқ Комиссарлари Кенгашининг 1918 йил 28 июндаги Декретига асосан барча йирик саноат корхоналари, шунингдек, темир йўл транспорти корхоналари давлат мулкига айлантирилди. Туркистонда саноатни национализация қилиш бўйича тадбирлар 1918 йилги РСФСР ХККнинг Декрети қабул қилингунга қадар ҳам амалга оширила бошланган эди. Шундан келиб чиқиб, Туркистон ўлкаси ХККси ўзининг 1918 йил 5 мартдаги Декрети орқали пахтачилик, ёғ, совун ва пахтани қайта ишлаш саноатини ҳамда фабрика маҳсулотларини сотувчи савдо корхоналарини национализация қилинишини (давлат мулкига ўтказилишини) эълон қилди¹⁶. 1918 йил 16 мартда нефть ва тошқўмир саноати корхоналарини национализация қилиш тўғрисидаги Туркистон ХККсининг Декрети қабул қилинди¹⁷.

Шундай қилиб, национализация қилиш орқали ишлаб чиқаришнинг барча асосий қурол ва воситалари: ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, завод ва фабрикалар, шахталар, конлар, темир йўл, сув ва бошқа асосий транспорт турлари, банклар, алоқа воситалари, давлат томонидан ташкил этилган қишлоқ хўжалик ва коммунал корхоналар ҳамда шаҳар ва шаҳар типидagi посёлкалардаги асосий турар жой жамғармасига нисбатан давлат мулки ўрнатилди. Бошқа ҳар қандай мулк ҳам давлат мулки объекти бўлиши мумкин эди. Кўриб чиқилаётган вақтдан бошлаб бу объектлар фуқаролик муомаласидан чиқарилган бўлиб, уларни бегоналаштиришга йўл қўйилмасди.

Давлат мулки ҳуқуқи билан бир қаторда истеъмол маҳсулотларига нисбатан шахсий мулк ҳуқуқи ҳам вужудга келди. Ушбу даврда худди Совет ҳокимиятига қадар бўлган даврда бўлгани сингари кичик маҳсулот ишлаб чиқарувчилар – косиб ва хунармандлар, деҳқонларнинг ишлаб чиқариш қурол ва воситаларига нисбатан хусусий мулки ҳам мавжуд эди.

¹⁶ СУ РСФСР, 1918. № 47. Ст. 559.

¹⁷ ЎзР МДА, ф. Р-25, оп.1, д.49, л.54.

XX асрнинг 20 йилларида "Қўшчилар иттифоқи" номи остида ташкил этилган ишчи деҳқонлар иттифоқи корпорацияларнинг тимсоли бўлиб ҳисобланарди. Унинг низомига кўра, "Қўшчилар иттифоқи" юридик шахс ҳисобланарди ва унинг барча ҳуқуқий белгиларига эга бўларди. Хусусан, ташкилий бирлик белгиси уни бошқарув томонидан бошқариладиган орган сифатида белгилади. "Қўшчилар иттифоқи"нинг мулки аъзолик бадаллари ҳисобидан ташкил этилиб, давлат ва бошқа корхоналарнинг мулкидан ажратилган эди, ўз мажбуриятлари юзасидан у мустақил тарзда ўз мулки билан жавоб берарди.

Бу даврда Туркистон фуқароларига ҳунармандчилик билан шуғулланиш, шунингдек, кичик саноат корхоналари (20 нафаргача ходим ишлайдиган) ташкил этиш ҳуқуқи берилган эди. Чорвачилик кўчманчи ва ўтроқ аҳолининг мустақил машғулоти ҳисобланиб, бирор-бир тарзда чекланмасди.

Хўжалик юретишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири бу трестлар ҳисобланарди (1923 йил). Ўрнатилган қоидаларга кўра, юридик шахс мақомини олиш учун барча трестлар ўз низомларини ишлаб чиқишлари, уларни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиб, тасдиқлашлари лозим эди. Кўриб чиқиладиган даврда ТАССР йирик саноатининг деярли барчаси трестлардан иборат эди. Трестлар ўз фаолиятларини хўжалик юретиш шаклида амалга ошириб, зиммаларига юкланган хўжалик вазифаларини амалга оширишда корхоналарни эркин ҳаракат ва ташаббус билан таъминлардилар. Агар дастлабки пайтларда биринчи ўринга трестларнинг хўжалик мустақиллиги масаласи чиққан бўлса, 1927 йилдан бошлаб улар режавий вазифаларни амалга оширувчи давлат органлари сифатида тан олинди.

Трестнинг ҳуқуқий моҳияти ўзгарди, лекин бу эски шаклларни янги хўжалик шароитларига моҳирона мослаштириш деб қараларди. Акциядорлик жамиятларидан фарқли равишда трест, гарчи унда корпоративлик тамойили элементлари мавжуд бўлса-да, бундай тамойил остида қурилмаган эди. Унда давлат мулкига айланган, ишончли органлар томонидан бошқариладиган мулк тўпланган эди. Шунинг учун давлат корхоналарининг барча ўзига хос хусусиятлари трестнинг ички ташкилий соҳасига ўтказилди.

Кўриб чиқиладиган даврда Туркистонда турли кўринишдаги (истеъмолчилар, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги каби) корпорация-

лар шакллантириллар ёки қайта ташкил этиларди.

Истеъмолчилар корпорациялари ишчи ва деҳқонларга зарур бўлган маҳсулотларни етказиб бериш мақсадида тузилган ишчи ва деҳқонларнинг бирлашмаси эди. Истеъмолчилар жамиятлари ва уларнинг туман, вилоятларидаги иттифоқлари "Турксоюз" номи остида республика миқёсида бирлашган эди.

Хунармандчилик корпорацияларига биргаликда ишлаб чиқаришни амалга ошириш ва ҳамкорликда меҳнатни ташкил этиш мақсадида хунармандчилик кооператив ширкатлари ёки артеллар ташкил этиш ҳуқуқи берилган эди. Юридик шахс сифатида хунармандчилик кооперативлари битим тузиш, мажбуриятларга киришиш, даъво қилиш ҳуқуқига ва ўз мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли мулк билан жавоб мажбуриятига эга эди.

Қишлоқ хўжалик корпорациялари (артеллар, ширкатлар, иттифоқлар) нафақат биргаликда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини амалга ошириш учун, балки ўз аъзоларининг меҳнатини ташкил этиш, ўз хўжалигини зарур хом ашёлар билан таъминлаш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳамкорликда сотиш учун ҳам ташкил этиларди. Улар тўғрисидаги низомга асосан қишлоқ хўжалик кооператив бирлашмалари ва уларнинг иттифоқлари юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланган. Республика миқёсида улар "Турксельхозсоюз" ва унинг жойларидаги органлари ҳисобланган "Облсельхозсоюз", "Уездсельхозсоюз" ларга бирлашган.

Бундан ташқари, кредит-кооператив ширкатлар фаолият юритарди. "Кредит кооперациялари тўғрисида"ги Низомга асосан ТАССР фуқаролари ўз аъзоларининг хўжалик эҳтиёжларини қондириш (хўжалик юритишлари учун зарур бўлган хом-ашё ва ускуналарни сотиб олиш) учун ссуда-омонат ва кредит-кооператив ширкатларини тузишлари мумкин эди. Бундай кооперативларга омонат, ссуда, гаров, қарз, савдо воситачилик ва комиссия операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи бериларди. Кооператив ширкатлар ва уларнинг иттифоқлари уларнинг низомлари ТАССР Халқ Комиссарлари молия органларида рўйхатга олинган кундан эътиборан юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланарди.

Шунингдек, машинасозлик, уруғчилик, чорвачилик, мелиорация каби бошқа турдаги кооператив ширкатлар ҳам ташкил этилди.

ТАССРда "Туркшелк" ("Туркипак"), "Хлопковое товарищество"

("Пахтачилик ширкати"), "Азиахлеб" ("Осиёнон") каби турли акционерлик жамиятлари ва ширкатлари фаолият юритган.

Капиталнинг жамланиши ва акциядорларнинг ўз улуш бадалларини эркин тасарруф этиши акциядорлик жамиятларининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб ҳисобланади. Лекин режали тартиб хўжалик юритишнинг бу соҳасига кириб борди. Буни биз имтиёзли акцияларни чиқариш, бошқарувда маълум жойни давлат органлари учун ажратиб қўйиш, акциядорлик жамияти мулкининг муайян қисмига нисбатан "қарзлар бўйича масъулиятсизлик" тамойилининг қўлланилиши каби фактларда кўришимиз мумкин. Натижада акциядорлик жамиятларининг сезиларли даражадаги қисми давлат тузилмаларига айланиб қолди. Акциядорлик жамиятларига давлат корхоналари фаолиятини тартибга солишга қаратилган барча меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли эди.

Турли кўринишдаги ширкатлар ўз моҳиятига кўра давлатга тегишли эди. Улар худди акциядорлик жамиятлари сингари ташкил этилса-да, улар ўртасида қуйидаги баъзи муҳим фарқлар мавжуд эди: уларда қандай бўлмасин таъсисчиларнинг энг кам сони чекланмаган эди, умумий йиғилиш ва бошқарув аъзолари мавжуд эмас эди. Умуман бошқарув тартиби ўзининг соддалиги билан ажралиб турарди. Ушбу давлат ширкатлари трестлардан нимаси билан фарқ қилиши жумбоқ бўлиб қолган эди.

Шундай қилиб, ТАССРда фаолият юритган турли кўринишдаги хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра ҳам хусусий ҳуқуқий, ҳам оммавий ҳуқуқий характер касб этган. Уларнинг айримлари корпорацияларга хос бўлган ўзининг ташкилий-ҳуқуқий белгиларига эга эди. Янги иқтисодий сиёсатнинг (ЯИС) амалга оширилиши даврида Совет Туркистони қонунчилиги хусусий-хўжалик фаолияти юритишга рухсат этарди, лекин кейинчалик хўжаликни тартибга солишнинг режали тартибини ҳар томонлама, фаол киритиш орқали у Совет қурилишининг иқтисодий асосларини ва давлат мулкани ишлаб чиқаришнинг қурол ва воситаларини мустаҳкамлаш мақсадига хизмат қиларди. Давлат мулкчилигига асосланган социалистик хўжалик юритиш тизими хусусий тадбиркорликни сиқиб чиқарди ва бу билан ЯИСни амалга оширишнинг дастлабки йилларида мавжуд бўлган турли кўринишдаги компаниялар, бирлашмалар, ширкатлар, акциядорлик жамиятларининг ривожланишига тў-

сиқ бўлди. Янги иқтисодий сиёсатдан воз кечиш орқали хусусий мулкчилик, бозор муносабатлари ва тегишли корпоратив тузилмалар фаолиятига нуқта қўйилди.

4-§. Ўзбекистондаги корпорациялар

Ўзбекистонда корпорацияларнинг ривожланишини икки босқичга, яъни Совет давридаги ва Совет давридан кейинги корпорациялар ривожланишига бўлиш мумкин. Совет даври босқичи 1924 йилда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (ЎзССР) ташкил этилган вақтдан бошланиб, 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан якунланади. Совет давридан кейинги давр босқичи 1991 йил 31 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги қонунига асос бўлган 1990 йил 20 июнда "Мустақиллик Декларацияси" эълон қилинган вақтдан бошланади.

Дастлабки босқичларда Совет Ўзбекистонининг хўжалик ҳаётида Совет Туркистони даврида шаклланган корпоратив тизимнинг сарқитлари сақланиб қолган эди, чунки бу пайтда инқилоблар натижасида тўла барбод бўлган мамлакат иқтисодини қайта тиклаш зарурати мавжуд эди. Лекин, шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ЎзССРнинг ташкил этилиши вақтига келиб, олдинги кўринишдаги корпорациялар тугатилган, трестлар, синдикатлар, акциядорлик жамиятлари каби янги иқтисодий сиёсат даврида (1920-1924 йиллар) фойдаланилган корпорациялар эса давлат корхоналари ҳисобланар эди.

1928 йилнинг охирига қадар ЎзССР ҳудудидаги мулкрий ва хўжалик муносабатлари асосан РСФСР Гражданлик кодекси билан тартибга солинган. Хўжаликнинг давлат секторини бошқаришдаги ўзининг ривожланиш йўлини топган ушбу Кодекс 1929 йилнинг бошларида ЎзССР Гражданлик кодекси деб номланди.

ЎзССРнинг Гражданлик кодекси 21-моддаси изоҳида "ерга нисбатан хусусий мулкнинг йўқ қилиниши билан мулкни кўчар ва кўчмас мулкларга бўлиш ҳам барҳам топди" деб кўрсатилган эди. Хусусий оборотдан олинган предметлар рўйхати 22-моддада батафсил ёритилган. Унга национализация қилинган деярли барча корхоналар киритилган.

ЎзССРнинг Гражданлик кодекси 52-моддаси мулкни қуйидаги

турларга бўлади: а) национализация қилинган ва муниципаллаштирилган давлат мулки; б) кооператив мулк; в) хусусий мулк. 54-моддасида хусусий мулк предметлари қаторига демунипализация қилинган бинолар, қонунчиликда белгиланган миқдордан кўп бўлмаган ёлланма ишчиларга эга бўлган савдо, саноат корхоналари, ишлаб чиқаришнинг қурол ва воситалари, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо нарсалар, шу жумладан, олтин, кумуш тангалар ва хорижий валюта, уй-рўзғор буюмлари, хўжалик ва шахсий истеъмол буюмлари, сотилиши қонун билан тақиқланмаган маҳсулотлар ва хусусий муомаладан чиқарилмаган барча мулклар киритилган.

Хўжалик юритишнинг социалистик тизимининг кенгайиши ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларини умумийлаштириш, хўжалик юритишнинг хусусий сектори ҳамда ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан хусусий мулкчиликни қисқартириш орқали давлат мулкчилигининг ҳар томонлама ўсишини таъминлашга имконият яратди. 1927 йилги ЎзССР Конституциясининг 19-моддаси республика иқтисодиётида давлат мулкчилигининг бўлинмас ҳукмронлигини ўрнатди.

Хўжалик юритиш ва мулк ҳуқуқининг социалистик табиати ЎзССРнинг 1937 йилги Конституциясида ўзининг янада аниқ ва батафсил ифодасини топди. У Ўзбекистон иқтисодиётининг асосини социалистик мулк ташкил этиши тўғрисидаги қонун қатъий мустаҳкамлади (4-модда). Биринчи марта ушбу мулкни давлат ва колхоз-кооператив шаклида аниқлаб берди (5-модда). 6, 7-моддалар эса биринчи марта "шахсий мулк" тушунчасини киритган ҳолда ушбу мулкчилик шакллариининг объектларини кўрсатиб берди.

Фуқароларнинг меҳнат даромадлари, банкдаги омонатлари, турар жойлари, ёрдамчи хўжаликлари, уй-рўзғор буюмлари, шахсий истеъмол буюмлари, мерос тариқасида олинган мулклари шахсий мулки объектлари бўлиб ҳисобланган. Шахсий мулк, биринчидан, доим социалистик мулкчиликдан ёки шахснинг социалистик ишлаб чиқаришда иштирок этиши орқали унинг шахсий меҳнатидан келиб чиққан бўлиши; иккинчидан, истеъмол характериға эга бўлиши, яъни фуқаронинг шахсий моддий ва маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган бўлиши лозим эди. Хусусий мулк асосида ҳар қандай ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа шунга ўхшаш фаолият билан шуғулланишни ташкил этиш ва юритиш имконияти умуман мавжуд эмас эди.

1978 йилги ЎзССРнинг Конституцияси социалистик ижтимоий муносабатларнинг тамойилларини мустаҳкамлади. Олдинги конституциялардан фарқли равишда бу Конституцияда "Иқтисодий тизим"га бевосита бағишланган мустақил боб киритилди. Унинг 11-моддасида жамият иқтисодий тизимида давлатнинг ролини оширишга хизмат қилувчи давлат мулкнинг "социалистик мулкнинг асосий шакли" эканлиги мустаҳкамланди. Колхоз-кооператив ташкилотлари ўз низомларида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган мулкларга эга бўлишлари мумкин эди. Масалан, пахтачиликка асосланган колхоз ўз низомига асосан тегирмонга эга бўлиши мумкин эмас эди. Шунинг учун колхозлардаги барча тегирмонлар йўқ қилинди. Олиб борилган иқтисодий сиёсатга асосан "давлат колхоз-кооператив мулкчилигининг ривожланиши ва унинг давлат мулкига яқинлашишига кўмаклашади" (12-модда).

1978 йилги ЎзССР Конституциясига асосан фуқароларнинг шахсий мулки борасида бирор-бир муҳим ўзгаришлар назарда тутилмади. Лекин, фақатгина мулкдорнинг шахсий меҳнати асосида орттирилган мулк шахсий мулк объектлари бўлиши мумкин, деган қоида кучая бошлади ва бу 13-модданинг 3-қисмида ўз ифодасини топди. Унга асосан "фуқаролар эгаллиги ёки фойдаланишидаги шахсий мулклар меҳнатга оид бўлмаган даромаддан келиши ва улардан жамият манфаатларига зарар етказадиган тарзда фойдаланишга хизмат қилмаслиги керак".

1978 йилги Конституциянинг 17-моддасида фуқаролар ва улар оила аъзоларига уларнинг шахсий меҳнатига асосланган хунармандчилик, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш каби яқка меҳнат фаолияти билан шуғулланишларига рухсат этилган эди. Бундай фаолиятни тартибга солиш давлат томонидан амалга оширилди эди.

Мамлакат иқтисодий тизимида давлат мулкнинг ҳукмронлиги хўжалик муносабатлари соҳасида марказлаштирилган режалаштириш тизимини қўллашни олдиндан белгилаб берди. Давлатнинг мулк ҳуқуқи субъекти ва сиёсий ҳокимият органи сифатидаги ҳукмрон мавқеи хўжалик фаолияти соҳасида бошқаришнинг маъмурий-буйруқ-бозлик усулларида фойдаланишда асос бўлиб хизмат қилди. Бундай шароитларда хўжалик фаолиятини юритишни корпоратив ҳуқуқи тамойиллари асосида ташкил этишнинг имконияти мавжуд эмас эди. Барча қарорлар "юқоридаги" – ҳукумат, вазирликлар томонидан қабул қилиниб, корхоналар томонидан фақат ижро этиларди. Улар ўзларининг ички ишларини мустақил ҳал этиш ҳуқуқига эга эмас эди,

уларнинг бутун фаолияти тегишли меъёрий ёки қонун ости ҳужжатлари билан аниқ белгилаб қўйилган эди.

Ҳокимият тепасига Н.С.Хрущевнинг келиши билан корхоналарнинг мустақиллигини ошириш борасида силжишлар бошланди. Асосий мақсади корхоналарнинг мустақиллиги ва ташаббускорлигини оширишдан иборат бўлган, 1965 йилда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, корхоналарга корпоратив меъёрларни қайта тиклаш борасида қонуний имконият яратди. Давлат корхоналарга баъзи ҳуқуқ ижодкорлик ваколатларини бера бошлади. Дастлаб ишлаб чиқариш меъёрлари, сменалар графигини ўрнатиш, мансаб йўриқномаларини ишлаб чиқиш, ички ҳаётнинг бошқа майда масалаларини ҳал этишга рухсат берилди. Кейинчалик, уларга келишув масалаларини мустақил ҳал этиш, баҳслашиш шартларини тасдиқлаш каби ҳуқуқлар берилди. Лекин, бошқа масалаларнинг барчаси олдингидек марказий тарзда тартибга солинарди. Қонунчилик, айниқса, корхоналарнинг бўйсунуви борасидаги ҳуқуқ ижодкорлиги, ижтимоий ривожланиш йўлига тўсиқ бўлиб қолган, қалашиб кетган ва ўзгартириш қийин бўлган тизимга айланиб қолди.

80-йилларнинг иккинчи ярмида иқтисодиёт ва ҳуқуқ тизими соҳасида ўтказилган ислохотлар ва М.С.Горбачев томонидан эълон қилинган жамият ҳаётини "қайта қуриш", гарчи унда корхоналарнинг мустақиллиги ва ташаббускорлигини ошириш масаласи устувор йўналиш сифатида илгари сурилган бўлса-да, кутилган натижаларни бермади. Ушбу мақсадга эришишга йўналтирилган ва бир қатор корпоратив меъёрларни тасдиқлаган бир қанча қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Лекин, қонун чиқарувчи қандай эзгу ниятларда қонун қабул қилмасин, уларни холисона тарзда амалга ошириш мумкин эмас эди, чунки, давлат мулкчилиги тизимининг мустаҳкамлиги ва халқ хўжалиги барча тармоқларининг марказлаштирилганлиги бунга йўл қўймасди. Шундай қилиб, "қайта қуриш" даври ҳам корпоратив ҳуқуқ соҳасида ҳеч қандай ижобий натижалар олиб келмади. Фақатгина бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан мамлакатда корпоратив ҳуқуқнинг ривожланишига имконият яратилди.

Бозор муносабатларининг моҳияти жамиятда жамиятнинг иқтисодий тизимида ягона мулк шакли, яъни давлат мулки ҳукмронлик қилган, ишлаб чиқариш ва моддий неъматларни тақсимлашнинг режали тарзда марказлаштирилган тартиби амалда бўлган пайтларда ривожлана олмайдиган товар-пул муносабатларининг тўла амал қилишини назарда тутди.

1990 йил 31 октябрда Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган "Мулкчилик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши ва бозор муносабатларига ўтилишини таъминлаган биринчи муҳим меъёрий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланди. Бу боради 1991 йил 15 февралда қабул қилинган "Корхоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, шунингдек шу йилда қабул қилинган "Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида"ги, "Кооперациялар тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунлари ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қонунларда 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида назарда тутилган асосий қоидалар ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига асосан Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат барча мулк шакллариининг тенглиги ва баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк узоқ йиллардан кейин биринчи марта конституциявий мақомга эга бўлди. Агар 1927 йилги ЎзССР Конституциясига кўра хусусий мулкка истисно тариқасида йўл қўйилган бўлса, 1937 йилги ЎзССР Конституциясида у яқка истеъмол характерида эга бўлган шахсий нарсалар сифатида ўзгартирилди, лекин ҳозир у давлат мулки билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тизимининг негизини ташкил этади.

Мулк бу жамиятни ривожлантиришнинг ҳаракатдаги моддий асосидир. Моддий бойликларнинг мулк ҳуқуқи асосида кимга тегишлилигига қараб, жамиятнинг табиати, давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми, турли тузилмавий бирлашмадаги ташкилотлар ва инсонлар ўртасидаги муносабатлар аниқланади. Хусусий мулкчиликни олиб кирмасдан туриб, бозор муносабатларига ўтиш мумкин бўлмас эди.

Турли мулк шакллариининг тенглигига асосланган бозор муносабатлари ушбу муносабатлар субъектларининг ташаббускорлик ва эркин тадбиркорлик фаолиятини намоён этишлари учун асос сифатида хизмат қилади. "Мулкчилик тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддаси 2-қисмида мулкдорнинг "мулкдан қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай хўжалик ёки бошқа фаолиятни амалга оширишда фойдаланиши мумкин"лиги ҳуқуқи назарда тутилган. "Корхоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддаси, 3-қисмида ҳам шу маънодаги қуйидаги меъёр белгиланган: "Корхона хўжалик фаолиятининг ҳар қандай турларини, агар улар Ўзбекистон

Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқлаб қўйилган бўлмаса ва корхона Низомида кўзда тутилган мақсадлар ва вазифаларига мувофиқ келса, амалга ошириш ҳуқуқига эга". Кўриниб турибдики, биринчи ҳолатда ҳам, иккинчи ҳолатда ҳам гап корхонанинг низомига мувофиқ ҳар қандай хўжалик фаолиятини юритиш имконияти ҳақида кетмоқда. Бу албатта, корхонанинг ҳар бир фаолияти қонун томонидан аниқлаб берилган олдинги қонунчилик амалиётига нисбатан қонунчилик соҳасидаги катта тўнтариш ҳисобланади.

Бозор муносабатларига ўтиш ушбу муносабатларнинг мазмунига тўғри келадиган, ўз маблағларини жалб қилиш орқали ўз фаолиятини мустақил тарзда ташкил этадиган шахсларнинг бирлашувини ташкил этишга кўмаклашувчи қонун ҳужжатларини қабул қилишдек мураккаб вазифани қўйди. 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни шундай мазмундаги ҳужжат бўлди. Ушбу қонуннинг 1-моддаси хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тушунчасини қуйидагича ифодалади: "Хўжалик ёки тадбиркорлик фаолиятини юритиш мақсадида юридик шахсларнинг, юридик шахслар билан жисмоний шахсларнинг ҳамда жисмоний шахсларнинг ўртасида ўз ҳиссаларини ва мол-мулкни бирлаштириш асосида ўзаро ихтиёрий келишувига мувофиқ тузиладиган корхоналар хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ҳисобланади".

Мазкур қонунга асосан хўжалик жамиятлари ва ширкатлари қаторига қуйидагилар киритилди: акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар, тўлиқ ва коммандит хўжалик ширкатлари. Буларнинг ҳар бирининг ҳуқуқий ҳолати алоҳида қонунларда ўз аксини топди. Уларни ташкил этиш тартиби, ташкил этиш ва фаолият юритишининг ўзига хос хусусиятлари ушбу жамият ва ширкатларнинг корпоративлигидан далолат беради.

Ҳуқуқий ҳолатига кўра, корпоратив ташкилотлар хўжалик жамиятлари ва ширкатлари қаторида юридик шахс ҳисобланадилар. Фуқаролик кодексининг 40-моддасида юридик шахсларнинг қуйидаги тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган турлари келтирилади:

– ўз фаолиятида фойда олишни асосий мақсад қилиб қўйган ташкилотлар. Бундай ташкилотлар тижоратчи ташкилотлар ҳисобланади. Ташкилотни ташкил этишда иштирок этишган унинг таъсисчилари (муассислари) ўзлари томонидан ташкил этилган юридик шахсга нисбатан мажбурият ёки унинг мулкига нисбатан ашёвий ҳуқуққа эга бўлишлари мумкин;

– ўз фаолиятида фойда олишни асосий мақсад қилиб қўймаган ташкилотлар. Бундай ташкилотлар тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ҳисобланади. Бундай ташкилотнинг таъсисчилари (муассислари) юридик шахс мулкига нисбатан ҳуқуқларга эга бўлмайди.

Тижоратчи ташкилотлар хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, ишлаб чиқариш коорпоративлари, унитар корхоналар (давлат ва муниципал) каби шаклларда ташкил этилиши мумкин. Бу ташкилотлар бошқа манбалар (масалан, ихтиёрий бадаллар, хайрия, инвестициялар каби) жалб қилиш имкони бўлса-да, асосий фаолиятини ўз фаолияти натижасида олинган даромад юзасидан амалга оширади.

Жамият тугатилаётган ёки таъсисчилар (муассислар)нинг жамият таркибидан чиқиши ҳолларида таъсисчилар (муассислар)нинг мулкдаги улушига нисбатан алоҳида қоидалар қўлланилади. Уларнинг ўзларига тегишли улушларини сўраб қилган талаблари улар жамият таркибидан чиқаётган ҳолда даромаднинг тегишли қисмини ёки юридик шахс тугатилаётган ҳолда мулкнинг бир қисмини бериш (ажратиш) орқали қондирилиши мумкин. Таъсисчилар (муассислар)нинг ўзлари таъсис этган юридик шахсларга нисбатан мажбурият ҳуқуқлари ана шунда кўринади.

Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, ижтимоий жамғармалар каби шаклларда ташкил этилиши мумкин. Бундай жамоат бирлашмаларига шунингдек, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, хайрия ташкилотлари ва бошқалар ҳам киради. Улар фақат ўз низомларида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган хўжалик фаолияти турлари билан шуғулланиши мумкин. Бундай ташкилотлар ёки иттифоқлар ўз низомларида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида мустақил юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотларини тузишлари мумкин.

Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар қаторига шунингдек ташкилий-бошқарув, ижтимоий-маданий, ижтимоий-маиший ва таълим каби соҳаларда фаолият юритадиган ташкилотлар ҳам киради. Бундай ташкилотлар даромад олишни ўз фаолиятларининг асосий мақсади сифатида қўймайдилар, балки ўз эътиборларини у ёки бу номоддий эҳтиёжларни қондиришга қаратадилар. Бундай фаолият одатда жамоат бирлашмасининг бюджети ёки ихтиёрий бадаллар ва хайриялар ҳисобидан молиялаштирилади.

Юридик шахсларнинг яна бир тури мавжудки, уларнинг таъсисчилари ушбу юридик шахснинг мулкига нисбатан мулк ёки ашёвий

ҳуқуққа эга бўлади. Фуқаролик кодексининг 40-моддасида бундай юридик шахслар юридик шахсларнинг турлари қаторида назарда тутилмайди. Россия Федерацияси Гражданлик кодексининг 48-моддасида эса бундай юридик шахслар қаторига бевосита давлат ёки муниципалларга тегишли бўлган унитар корхоналар киритилади. Шу билан бирга улар давлат ёки муниципал мулкка ёхуд хўжалик юритиш, оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундан ташқари, бу ерга бошқарув, ижтимоий-маданий ёки тижоратга оид бўлмаган бошқа функцияларни амалга оширувчи мулкдор томонидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган муассасалар ҳам киради.

Шундай қилиб, ҳуқуқий ҳолатнинг характери ва амалга оширадиган фаолият турига қараб баъзи юридик шахслар тижоратчи, баъзилари эса тижоратчи бўлмаган юридик шахслар ҳисобланади. Бу ташкилотларнинг барчаси юридик шахс ҳисобланса-да, лекин уларнинг ҳам-маси ҳам корпорация ҳисобланмайди. Масалан, унитар корхоналар ва муассасалар корпорация ҳисобланмайди. Ўзи корпорациялар орасида тижоратчи ёки тадбиркорлик корпорациялари муҳим аҳамият касб этади.

Назорат учун саволлар

1. XIX асрга қадар корпоратив ҳуқуқ қандай ривожланган?
2. XIX асрда корпоратив ҳуқуқ ривожланишининг асосий даврлари қандай?
3. Континентал ҳуқуқ тизимида корпоратив ҳуқуқ қандай тартибга солинади?
4. Англосаксон ҳуқуқ тизимида корпоратив ҳуқуқ қандай тартибга солинади?
5. Туркистон мустамлакага айлангунга қадар ушбу ҳудудда корпоратив ташкилотлар ҳуқуқ меъёрлари билан қандай тартибга солинган?
6. Туркистонда 1917 йилга қадар корпорациялар фаолияти қандай тартибга солинган?
7. Собиқ СССР даврида Ўзбекистондаги корпорациялар қандай шароитларда ривожланди?
8. Ўзбекистоннинг мустақиллиги даврида корпорациялар қандай ҳуқуқий асосларга эга бўлди?

III БОБ МУСУЛМОН МАМЛАКАТЛАРИДАГИ КОРПОРАТИВ ТАШКИЛОТЛАР

1-§. Муслмон давлатлари корпоратив ташкилотларининг ҳуқуқий асослари ҳақида

Замонавий муслмон мамлакатлари хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг ҳуқуқий ҳолати ушбу мамлакатларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда у ёки бу даврларда қабул қилинган уларнинг Фуқаролик, Савдо кодекслари, компаниялар тўғрисидаги қонунлари ва бошқа тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Жазоирнинг хусусий ҳуқуқи аралаш хусусиятга эга бўлиб, унда романо-герман ва ислом ҳуқуқий тизими унсурларининг бирикиши кузатилади. 1975 йилга қадар Жазоирда Франциянинг 1804 йилги Фуқаролик кодекси амал қилган. 1975 йилда эса Жазоир тўрт китоб, 1003 моддадан иборат ўзининг Фуқаролик кодексини қабул қилди. Кодексда юридик шахсларга бор йўғи тўртта модда ажратилган. 49-моддада бундай шахслар доирасига кирувчи шахсларнинг қуйидаги рўйхати келтирилади: давлат, вилоятлар, коммуналар, корхоналар, баъзи муассасалар, кооперативлар, қонун томонидан юридик шахс сифатида тан олинган шахсларнинг бирлашмалари. Хусусий секторга нисбатан Францияда Савдо кодекси қўлланилади. Хусусий инвестициялар 1966 йилги Инвеситиция кодекси билан тартибга солинади.

XX асрнинг 80-йиллари охирларида Жазоир хўжаликни бозор иқтисодиётига ўткази бошлади. 1988 йилги давлат иқтисодий корхоналари тўғрисидаги қонун давлат корхоналарини акционерлик жамиятлари ва хусусий мулк сифатида беришни назарда тутди. Хорижий маблағларни фаол тарзда иқтисодиётга киритиш сиёсати амалга оширилмоқда. Чет эл инвестицияларига нисбатан чекловлар олиб ташланган, уларга олган даромадларини олиб чиқиб кетиш ҳуқуқи берилган, шунингдек, нефть ва газ саноати соҳасига хорижий маблағни киритишга рухсат этилган.

XIX асрнинг охирларида **Миср**да романо-герман ҳуқуқини андоза қилиб ола бошлади. Хусусан, 1875 йил қабул қилинган Фуқаролик ко-

декси француз ҳуқуқий доктринасининг кучли таъсири кузатилади. Миллий фуқаролик ҳуқуқи асосларини шакллантиришга бўлган интилиш 1948 йилда янги Фуқаролик кодексининг қабул қилинишига олиб келди. У ислом ҳуқуқининг бир қатор меъёр ва институтларини мустақамлаган бўлса-да, асосан Европа қонунчилиги, айниқса, Франциянинг 1804 йилдаги Фуқаролик кодексини ўзлаштирди. Мисрда савдо ҳуқуқининг асосий манбаи бўлиб, 1883 йилда француз модели асосида қабул қилинган Савдо кодекси ҳисобланади. Шу билан биргаликда қуйидаги бир қатор йирик қонунлар ҳам амал қилади: 1998 йилги компаниялар тўғрисидаги қонун, 1983 йилги Лизинг тўғрисидаги қонун, 1995 йилги Лизинг тўғрисидаги қонун, 1949 йилги Патент тўғрисидаги қонун, 1992 йилги Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонун, 1939 йилги Савдо маркалари тўғрисидаги қонун ва бошқалар.

XX асрнинг 90-йилларида Миср ҳукумати миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш борасидаги ислохотларни давом эттирди. 1991 йилги жамоат корхоналари тўғрисидаги қонун турли кўринишдаги тўлиқ ёки коммандит шаклидаги ширкатлар, шунингдек, акционерлик жамиятларини тузишга ёрдам берган, жамоат корхоналарининг акцияларини сотиб олиш ҳуқуқини хусусий, шу жумладан хорижий инвесторларга бериш орқали кенг камровли хусусийлаштиришнинг амалга оширилишига олиб келди. 1997 йилда чет эл инвестицияларини рағбатлантириш ва уларнинг кафолатлари тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Қонун чет элликларга Миср банклари акцияларини сотиб олишга рухсат берди ва улар томонидан бир қанча жамоат банкларини хусусийлаштирилишига йўл қўйди. 1995 йилги суғурта тўғрисидаги қонун суғурта компаниялари капиталларида чет элликларнинг улуши чегараси (49%)ни олиб ташлади ва давлат суғурта ташкилотларини хусусийлаштиришга рухсат берди.

Иорданияда аралаш ҳуқуқ тизими мавжуд бўлиб, унинг асосий қисми Европа давлатлари ҳуқуқ тизимларидан ўзлаштирилган ҳуқуқларга асосланади, шахсий мақом масалалари (никоҳ, оила, мерос) эса ислом ҳуқуқи билан тартибга солинади. Фуқаролик ҳуқуқининг муҳим манбаи сифатида 1976 йилда Миср Фуқаролик кодекси намунаси асосида қабул қилинган Фуқаролик кодекси амал қилади. У кириш қисми ва тўртта китобдан иборат. Иқтисодий қонунлар хусусий тадбиркорлик ва чет эл инвестициясини рағбатлантиришга йўналтирилган. 1995 йилда маҳаллий ва чет эл инвесторлари учун қўшимча рағ-

батлар ва солиқ имтиёзларини назарда тутадиган инвестицияларни рағбатлантириш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. 1930 йилда ширкат тўғрисидаги, 1962 йилда эса савдо тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Иқтисодиёт хусусий секторининг ривожланиши барча турдаги компаниялар (хўжалик жамиятлари ва ширкатлари)ни қамраб олган 1989 йилги "Компаниялар тўғрисида"ги қонунни қабул қилишни талаб этарди. Уларда бошқа араб мамлакатлари ўхшаш қонунларининг меъёрлари қабул қилинган.

Ироқнинг фуқаролик ҳуқуқи унинг ҳуқуқий тизимининг аралаш характерда эканлигини яққол намоён этади. 1951 йилда қабул қилинган ва 1953 йилда кучга кирган Фуқаролик кодекси тўла маънода романо-герман ҳуқуқи қоидаларига асосланиб, ўз моддаларида ислом ҳуқуқининг бир қатор қоидаларини акс эттирди. Ушбу кодекс фақат мулк ҳуқуқи ва мажбуриятларга тегишли меъёрларни ўз ичига олади. 1984 йилги Савдо кодекси комерсантнинг мақомини белгилайди, савдо компаниялари фаолиятини, савдо битимларини, банкротлик, қимматли қоғозлар ва бошқа масалаларни тартибга солади. Бундан ташқари, 1970 йилда савдони ташкил этиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Ҳозирги кунда турли хилдаги тижорат ташкилотларининг (акционерлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар каби) ҳуқуқий мақомини белгилайдиган 1983 йилда қабул қилинган "Компаниялар тўғрисида"ги қонун амал қилади.

Эроннинг фуқаролик ҳуқуқи унинг ҳуқуқий тизими каби тўлиқ равишда аралаш хусусият касб этади. Шахсий мақом масалалари (никоҳ-оила ва ворислик муносабатлари) ислом ҳуқуқи, қолган муносабатлар эса француз модели асосидаги романо-герман ҳуқуқ тизими анъаналари билан тартибга солинади. Романо-герман фуқаролик ҳуқуқининг Эрон ҳуқуқига кириб келиши XX асрнинг 20-йиллари охирларида бошланди. Фуқаролик қонунчилигининг асосий манбаси 1929-1935 йилларда қабул қилинган Фуқаролик кодекси ҳисобланади. Эрон савдо ҳуқуқи ва иқтисодий қонунчиликнинг ривожланишида Европа мамлакатларининг қонунчилик сиёсати кенг қўлланилган. Савдо кодекси 1932 йилда француз намунасига асосан қабул қилинди. У билан бирга 1931 йилда қабул қилинган патент ва савдо маркалари тўғрисидаги ҳамда компанияларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари амал қилади.

Эронда хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидаги хорижий инвестициялар рағбатлантирилади, 1955 йилда қабул қилинган чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунга асосан хорижлик инвесторларга анча кенг ҳуқуқлар берилган, улар тадбиркорлик фаолияти ва саноат ишлаб чиқаришини юритиш учун мулкка, шу жумладан кўчмас мулкка эгалик қилиши ёки ижарага олиши мумкин. 1957 йилда Нефть ва кон қазииш ишига оид, 1960 йилда банк тўғрисидаги, 1974 йилда эса нефть ҳақидаги янги қонун қабул қилинди. Эронда хорижлик инвесторлар иштирокидаги хўжалик жамиятлари ва ширкатлари фаолият юритадиган бир нечта эркин савдо ва саноат ҳудудлари ташкил этилган бўлиб, бу ҳудудларда чет эл банкларининг оффшор банк муассасаларини ташкил этишларига йўл қўйилган, ушбу ҳудудларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга нисбатан сезиларли даражадаги солиқ имтиёзлари ўрнатилган. Хорижий инвесторлар турли фаолият соҳаларида Эронлик шериклар билан ҳамкорликда ҳаракат қилишлари мумкин.

Малайзия ўзида аралаш ҳуқуқий тизимининг ёрқин намунасини ифодалайди. Ўз асосига кўра у собиқ Британия мустамлакаси ва Ҳамдўстлик мамлакатлари аъзоси сифатида инглиз умумий ҳуқуқи ва адолат ҳуқуқи меъёрларига, шунингдек, одат ҳуқуқи меъёрларига таянади. Лекин, булар билан бир қаторда аҳолининг алоҳида гуруҳлари – малайзияликлар, индуслар, хитойликларнинг шахсий мақомларини тартибга солишда тегишли равишда ислом, индус ҳуқуқлари ёки анъанавий конфуан меъёрлари қўлланилади.

Савдо ва маълум маънода фуқаролик муносабатларини тартибга солиш ҳудудий хусусиятга эга бўлиб, асосан инлиз умумий ҳуқуқига асосланади. Савдо ва фуқаролик ҳуқуқи алоҳида тармоқлар ва институтлар (масалан, шартнома ҳуқуқи-1950 йилдаги шартларномалар тўғрисидаги қонунда) даражасида кодификациялаштирилган. Бозор муносабатларини ривожлантириш, хусусий сектор ва чет эл инвестицияларини рағбатлантириш борасида фаол ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакат иқтисодий қонунчилигининг негизини 1975 йилда қабул қилинган саноат координацияси тўғрисидаги, 1968 йилда қабул қилинган чет эл инвестициялари тўғрисидаги, 1986 йилда қабул қилинган координацияни рағбатлантириш тўғрисидаги ва 1974 йилда қабул қилинган нефть соҳасини ривожлантириш тўғрисидаги қонунлар ташкил этади. 1958 йилда қабул қилинган Марказий банк тўғрисидаги Ордонанс,

1989 йилда қабул қилинган банк ва молия институтлари тўғрисидаги қонун, шунингдек, оффшор банк фаолияти тўғрисидаги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари банк соҳасини тартибга солувчи ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Марокко хусусий ҳуқуқи аралаш хусусиятга эга бўлиб, ўзида романо-герман (француз) ва ислом ҳуқуқи унсурларининг бирикишини ифода этади. Мажбурият ва савдо ҳуқуқи француз ҳуқуқидаги билан деярли бир хил. 1913 йилдан бошлаб бу ерда мажбурият ва шартнома ҳуқуқи кодекси амал қилади. У 1804 йилги француз Фуқаролик кодекси тегишли бобларининг маҳаллий шароитларга мослаштирилган вариантини ўзида ифода этади.

Марокконинг замонавий иқтисодий қонунчилиги хўжалик муносабатларини эркинлаштириш, хусусий тадбиркорлик ва хорижий инвестицияларни рағбатлантириш меъёрларини назарда тутаяди. Ҳозирги кунда у ерда хусусийлаштириш дастури амалга оширилмоқда, шунингдек, солиқ тизими, Савдо ва Инвестиция кодеклари ҳамда амалдаги акционерлик жамиятларининг ҳуқуқлари масалалари қайта кўриб чиқилмоқда.

Покистондаги хусусий-ҳуқуқий муносабатлар турли ҳуқуқ тизимлари билан тартибга солинади. Хусусий мақом масалалари – диний шахсий ҳуқуқ билан, қолган муносабатлар эса инглиз умумий ҳуқуқи асосида ташкил топган ҳудудий ҳуқуқ билан тартибга солинади.

Покистон Савдо ҳуқуқи қонунчилиққа ва Англия ҳамда Британия Ҳиндистонининг прецедент ҳуқуқига асосланади. Шартномалар тўғрисидаги қонун ўз моҳиятига кўра инглиз шартнома ҳуқуқи кодификациясини ифода қилади. Покистон 1913 йилги Ҳиндистоннинг компаниялар тўғрисидаги қонунини ўз кучида қолдирди. Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳам инглиз моделидан келиб чиқади. Фонд бозори 1969 йилда қабул қилинган қимматли қоғозлар ва фонд бозорлари тўғрисидаги Ордананс билан тартибга солинади. 1984 йилги Компаниялар тўғрисидаги Ордананс хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг фаолиятини, акцияларнинг муомалада бўлиш қоидаларини ўрнатиш орқали уларнинг оборотини тартибга солади.

Ҳозирги кунда Покистон иқтисодиёти давлат томонидан тартибга солишдан эркин бозор муносабатларига ўтиш даврини бошидан кечирмоқда. Давлат секторини хусусийлаштириш фаол тарзда амалга

оширилмоқда. Иқтисоднинг қишлоқ хўжалиги, хизматлар кўрсатиш ва ижтимоий сектор каби соҳаларига чет эл инвестициялари киритилмоқда. 1976 йилги чет эл хусусий инвестициялари тўғрисидаги қонун ва икки томонлама халқаро келишувларга кўра тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар экспорцияциядан ҳимоя қилинган.

Саудия Арабистони фуқаролик ҳуқуқида марказий ўрин ислом ҳуқуқи ва шариат қоидалари (Қуръон ва Сунна)га зид бўлмаган низомларга (мамлакатда амал қилувчи ҳуқуқий актлар) тегишлидир.

Ислом ҳуқуқи хусусий мулк ҳуқуқини қаттиқ ҳимоя остига олиб, тузилган шартноманинг муқаддаслиги тамойилини ўрнатади. Шу билан бир вақтда кредитлар юзасидан фоизлар олинишини тақиқлай-ди. Тижорат соҳасида ислом ҳуқуқининг асосий қоидаларига мос тарзда хориж тажрибасини ҳисобга олиб қабул қилинган бир қатор низомлар амал қилади. Жумладан, ўз моҳиятига кўра Савдо кодекси-ни ифодалайдиган ва негизини 1850 йилда француз Савдо кодексига асосан қабул қилинган ислом Савдо кодекси ташкил этадиган 1930 йилда қабул қилинган Савдо суди тўғрисидаги низом амал қилади. Бундан ташқари, Савдо ҳуқуқи соҳасида компаниялар ва тижорат қўғозлари тўғрисидаги қонунлар амал қилади. Вексел қонунчилиги Женева вексел қонунига асосланади. 1996 йилда Банкротлик тўғрисидаги низом қабул қилинди.

Чет эл инвестициялари тўғрисидаги низом эса 1978 йилда қабул қилинган эди. Хорижий ва маҳаллий тадбиркорлар мустақил тарзда хусусий корхоналар ташкил этиш, қонунда тақиқланмаган ёки махсус рухсат олишни талаб этмайдиган ҳар қандай хўжалик фаолият тури билан эркин шуғулланиш ҳуқуқига эга. Саудиялик бўлмаган фуқаролар баъзи кам учрайдиган ҳолатларни инобатга олмаганда, кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлишмайди. Чет эл инвестициялар, айниқса кўшма корхоналар ташкил этилиши рағбатлантирилади. Саудиялик шерик бундай корхоналарда камида 25% капиталга эга бўлиши лозим. Хўжалик ҳаётининг замонавий шакллари вужудга келмоқда. 1985 йилда Қиролликда шахсий фонд бозори пайдо бўлди. 1997 йилдан бошлаб эса унга хорижликларнинг ҳам иштирокига рухсат этилди.

Сурия хусусий ҳуқуқи мамлакат ҳуқуқий тизимининг романо-герман ва ислом ҳуқуқи маданияти унсурлари билан бирикиб кетганлигини кўрсатади.

Суриянинг ашъвий ва мажбурият ҳуқуқини биринчи навбатда, Миср Фуқаролик кодексидан кўчирилган, 1949 йилда қабул қилинган Фуқаролик кодекси тартибга солади. У қабул қилингунига қадар мамлакатда фуқаролик ҳуқуқининг асосий манбаси бўлиб ислом ҳуқуқининг машҳур турк кодификацияси "Мажалла" ҳисобланган.

Сурияда ҳозирги кунда иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш сиёсати амалга оширилмоқда. 1991 йилги "САРда инвестициялар тўғрисида"ги қонуни мамлакат иқтисодининг муҳим соҳаларига маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган. Мазкур қонунга асосан компаниялар директорлар кенгашидаги чет элликларнинг энг кўп сони чегараси янада оширилди. У холдинг компаниялар ва шунга ўхшаш юридик шахслар ташкил этишда амал қилади. 1949 йилга қадар Сурияда Франциянинг 1807 йилги Савдо кодексидан кўчирилган 1856 йилги усмонийлар Савдо кодекси амал қилган. 1949 йилда қабул қилинган амалдаги Савдо кодекси Сурия тижорат ҳуқуқининг асосий манбаси бўлиб ҳисобланади.

Суданда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш мақсадида 1889 йилдан бошлаб инглиз "Умумий ҳуқуқи" қўлланила бошланди. Унинг таъсир доираси фуқаролик ҳуқуқининг кўпгина институтлари ва тўла равишда савдо ҳуқуқини қамраб олган. 1971 йилда кўпгина араб мамлакатлари Фуқаролик кодексларининг асоси бўлган Миср вариантыдаги француз Фуқаролик кодекси моделидан андоза олишга ҳаракат қилинди. 1974 йилга келиб Судан "Умумий ҳуқуқ" тизимига махсус қайтди. 1984 йилда эълон қилинган ҳуқуқий тизимни исломлаштириш курсига асосан инглиз ҳуқуқи тегишли тамойилларининг кодификациясини ташкил этувчи бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар (1974 йилги шартномалар, савдо, вакиллик тўғрисидаги ва бошқа қонунлар) бекор қилинди ва ислом мажбурият ҳуқуқи тамойилларини ўзида акс эттирган фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Шундай қилиб, кўпгина замонавий мусулмон мамлакатларида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш одатда аралаш ҳуқуқ тизими асосида амалга оширилади. Баъзи мамлакатларда ислом ҳуқуқий тизими устунлик қилса, баъзиларида романо-герман ҳуқуқ тизими етакчи мавқега эга бўлади. Шундай мамлакатлар ҳам борки, уларда иккала ҳуқуқ тизими ҳам бир меъёрда амал қилади.

Алоҳида мамлакатларда "Умумий ҳуқуқ", яъни англо-американ ҳуқуқ тизимининг ҳам иштироки кўринади. Бундай аралаш моҳият айниқса, шахсий ҳуқуқий мақом, яъни фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини аниқлаш, никоҳ-оила, аёллар ҳуқуқлари, ашёвий-ҳуқуқий муносабатларда кўринади. Компаниялар, тижорат, савдо ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосан романо-герман ҳуқуқ тизими қоидалари, алоҳида ҳолларда эса "Умумий ҳуқуқ" тамойилларига асосланади.

2-§. Араб мамлакатлари корпоратив ташкилотларининг баъзи ўзига хос хусусиятлари

Турли кўринишдаги корпорацияларнинг, шу жумладан араб мамлакатлари корпоратив ташкилотларининг ривожланиши ўзининг алоҳида хусусиятларига эга. Дастлаб оддий ширкат шаклида пайдо бўлиб, кейинчалик савдо-иқтисодий муносабатларнинг ўсиши ва ҳар томонлама ривожланиши натижасида хўжалик жамиятлари ва ширкатлари кўринишидаги мураккаб ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга бўлган юридик шахс даражасигача етади.

Шахсларнинг биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида тузадиган бирлашмаси шакли сифатида ширкат ҳақида инсоният эрамиздан аввалги вақтларда ҳам билган. Араб мамлакатлари бундай фаолият юритиш шаклини исломга қадар ҳам билишган. Шундай ширкатлар шаклларида бири сифатида бир шахснинг иккинчи бир шахсга даромадни тенг тақсимлаш шарти асосида савдо ёки бошқа хунармандчилик фаолияти билан шуғулланиш учун фоизсиз қарз беришини мисол келтириш мумкин.

Араб мамлакатлари қонунчилигининг қиёсий таҳлили хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ўз табиатига кўра кўпгина умумий белгиларга эгаллиги, фарқлари эса улар фаолиятини тартибга солишнинг меъёрий манбалари, ҳуқуқий шакллари ва усулларида кўринишини тасдиқлаш учун асос яратди. Баъзи мамлакатларда меъёрий манбалар Фуқаролик ва Савдо кодекслари ҳисобланса, баъзиларида фуқаролик ва компаниялар тўғрисидаги қонунчилик, бошқаларида эса алоҳида меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади. Лекин ушбу фарқланишларга қарамасдан бу мамлакатларда қонунчиликни унинг мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда бир хиллаштириш жараёни давом этмоқда.

Араб мамлакатлари қонунчилиги бўйича ширкат ҳар бири умумий маблағ ва мулкни шакллантириш, даромад ва харажатларни тақсимлашда иштирок шарт бўлган, ҳамкорликда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи бир неча шахсларнинг шартномавий бирлашуви сифатида тушунилади. У бир-бирини билган ва бир-бирига ишонган (яъни, ширкат иштирокчиларнинг шахсий муносабатлари, шу жумладан улар ўртасидаги ишончга ҳам таянади) икки ёки ундан ортиқ шахслар, аксарият ҳолларда қариндошлар ёки дўстларнинг бирлашиши натижасида пайдо шакллантирилади.

Араб мамлакатлари қонунчилигида биринчи марта ширкат шартномасининг шакли борасида талаб қўйилмади. Шартномалар кўп ҳолларда оғзаки шаклда тузиларди. Шунга қарамасдан, шартнома иштирокчилари шартнома асосида олган мажбуриятларини бажарардилар. Ширкат шартномаларини ёзма шаклда тузиш савдо-иқтисодий муносабатларининг ривожланиши билан амалга оширила бошланди. Қонунчиликда шартнома иштирокчиларини ҳимоя қилишда, айниқса, ширкат шартномаси ҳақиқий эмас деб топилиши керак бўлган ҳолларда қатор қийинчиликларни келтириб чиқарадиган шартномаларни рўйхатдан ўтказиш борасида ҳам ҳеч қандай талаб йўқ эди. Буларнинг ҳаммаси араб мамлакатлари қонунчилиги шартномаларни рўйхатга олишнинг тегишли тартибни назарда тутишига олиб келди. Ширкатнинг умумий ва мажбурий асосий шартларидан бири бу даромад ва зарарларни тақсимлашнинг асоси ҳисобланадиган, ҳар бир шерикнинг низом жамғармасида ўз улуши билан иштирок этишидир. Шунингдек, шартномани ҳақиқий деб топиш учун муҳим бўлган хусусий шартлар ҳам назарда тутилади. Шариатга асосан ширкат иштирокчиларининг сони икки кишидан кам бўлмаслиги шундай шартлардан биридир. Иштирокчилар сонининг юқори чегараси ширкатнинг туридан келиб чиқади. Тўлиқ ширкатда аъзолар сони 20 кишидан ошмаслиги керак.

Миср Фуқаролик кодекси ва Йорданиянинг "Компаниялар тўғрисида"ги қонунига асосан ширкат низом жамғармасида ҳар бир иштирокчининг улуши аниқ кўрсатилиши керак. Бунда барча улушлар бир хил шаклда бўлиши талаб этилмайди, яъни улушлар пул, нарсалар ёки меҳнат шаклида бўлиши мумкин. Низом жамғармасидаги улушлар қуйидагича аниқланади:

- а) низом жамғармасидаги иштирокчининг нарсаси сифатидаги

улушини белгиланган муддат ичида тўланиши керак бўлган муайян миқдордаги пул ташкил этади. Ўз улушини тўлай олмаган иштирокчи ширкатнинг қарздори бўлиб ҳисобланади ва унга нисбатан мажбурият ҳуқуқи қоидалари қўлланилади. Жамият иштирокчидан нафақат қарзини, балки тўловни кечиктирганлик учун маълум фоизларни, шунингдек, белгиланган вақтда тўланмаганлиги учун иштирокчиларга етказилган маънавий зарарни ҳам қоплашни талаб қилиши мумкин;

б) низом жамғармасидаги иштирокчининг нарсаси сифатидаги улуши кўчар ёки кўчмас мулкдан иборат бўлиши мумкин. Масалан, ускуна, маҳсулот, маҳсулот белгиси, ихтиро каби. Шерикнинг иштирок этиши жамиятга мулк ҳуқуқи асосида берилиши мумкин бўлган мулк шаклидаги улушни беришда ифодаланади. Бундай ҳолда ширкат иштирокчига тегишли мулкка иштирокчи ширкатга ўзининг улушини берган вақтдагидек эгалик қилади. Лекин бу битимга олди-сотди шартномаси сифатида қаралмайди, агарда шундай бўлганда эди, топширилган мулк учун муқобил ижро амалга оширилар, иштирокчи ширкат фойдасидан даромад олиш ва ширкат тугатилган вақтда бирор бир талаб билан чиқиш ҳуқуқидан маҳрум бўларди. Нарса сифатидаги иштирокчининг улуши ширкатнинг мулки ҳисобланади ва иштирокчи ширкат таркибидан чиққан ёки ширкат тугатилган ҳолларда, иштирокчи ушбу улушнинг мулкдори сифатида эмас, балки мажбурият ҳуқуқи меъёрларига асосан даъво тартибида унинг қийматини ундириш ҳуқуқини сақлаб қолади. Улуш сифатида берилган ихтиро ва маҳсулот белгиларига нисбатан ижара қоидалари қўлланилади;

в) улуш иштирокчининг меҳнати, унинг касбий тажрибаси ва билими, бошқарув борасидаги малакаси (бундай ҳолда иштирокчининг ҳокимият ёки сиёсий обрўйи ҳеч қандай тарзда улуш сифатида инобатга олинмайди) шаклида ҳам бўлиши мумкин.

Иштирокчига бўлиши мумкин бўлган ғирром рақобат туфайли ўзининг ёки бошқа шахсларнинг манфаатини кўзлаб, ширкат чегарасидан чиққан ҳолда ўз вазифасини амалга ошириш тақиқланади. Одатда ширкат иштирокчилари иштирокчининг фаолият тури ва чегарасини келишиб олишади ва у ширкатнинг барча талабларини бажаришга мажбур бўлади ҳамда ўз меҳнати учун ширкат даромадидан унинг улушини бекор қилишгача тўлиқ жавобгар бўлади.

3-§. Тўлиқ ширкат

а) Тўлиқ ширкат тушунчаси ҳақида.

Араб мамлакатлари қонунчилигида тўлиқ ширкат тушунчасининг аниқ таърифи келтирилмайди, келтирилган таърифлар эса тўлиқ ширкатнинг барча муҳим томонларини қамраб олмайди.

Мисрнинг Савдо тўғрисидаги қонунининг 20-моддасида қуйидаги меъёр мустаҳкамланган: "Икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан биргаликда тадбиркорлик фаолияти юритиш мақсадида тузилган ва муайян ном остида ҳаракат қилувчи ҳар қандай компания компания сифатида тан олинади". Иордания, Ироқ ва Қувайтнинг компаниялар тўғрисидаги қонунларида тўлиқ ширкатнинг тушунчасига дахлдор моддалар мавжуд эмас. Лекин ушбу қонунларнинг баъзи моддалари мазмунидан шундай хулосага келса бўладики, тўлиқ ширкат бу икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан биргаликда тадбиркорлик фаолияти юритиш мақсадида тузилган, муайян ном остида ҳаракат қилувчи ва иштирокчилари ўз мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли бўлган мулк билан шахсан ва тенг равишда жавобгар бўладиган компания. Бу таърифда тўлиқ ширкатни бошқа ширкатлардан ажратиб турувчи энг муҳим белгиларидан бири бўлган ширкат иштирокчиларининг унинг мажбуриятлари бўйича биргаликдаги жавобгарлиги масаласи мавжуд эмас.

Тўлиқ ширкат иштирокчиларининг сони турли мамлакатларда турлича белгиланади. Масалан, Миср ва Иордания қонунларига кўра у камида 2 ва кўпи билан 20 кишидан иборат бўлиши керак. Ироқнинг "Компаниялар тўғрисида"ги қонунига асосан тўлиқ ширкат иштирокчиларининг сони камида 2 ва кўпи билан 10 нафар кишини, бунинг устига ушбу шахслар ҳақиқий шахслардан (натуральные лица) иборат бўлиши керак, бу шу билан изоҳланадики, ширкат фаолиятида иштирокчи шахсининг роли ва ширкат томонидан мижозлар ишончининг қозонилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан қонунчилик тўлиқ ширкат номида унинг барча иштирокчиларининг ёки бир, ёхуд бир неча иштирокчиларнинг номи кўрсатилиши кераклигини мустаҳкамлайди. Одатда ширкат номида тадбиркорлик соҳасида нисбатан муҳим ва таниш бўлган иштирокчиларнинг номи кўрсатилади. Мижозларнинг иштирокчилар шахси ҳақида маълумотга эга бўли-

ши, ширкатнинг улар олдидаги мажбуриятини бажарилишининг кафолати деб тушунилади. Ироқнинг Компаниялар тўғрисидаги қонунининг 10-моддаси ва Қувайтнинг компаниялар тўғрисидаги қонунининг 8-моддасига асосан агар кафолат ҳосил қилиш ва бошқаларнинг ишончини қозониш мақсадида иштирокчининг номи ширкат номига унинг розилигисиз киритилса, бу қилмиш қонунни бузиш деб ҳисобланади ва жиноят жазосини қўллашни назарда тутадиган. Исми ширкат номига унинг розилигисиз киритилган шахс умумий қоидаларга кўра ўзига етказилган зарарни ундиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Тўлиқ ширкат аъзоларининг жавобгарлиги масаласи Мисрнинг савдо тўғрисидаги қонунининг 22-моддаси, Ироқнинг компаниялар тўғрисидаги қонунининг 37-моддаси, Иорданиянинг компаниялар тўғрисидаги қонунининг 26-моддасида келтирилган. Ушбу ва бошқа араб мамлакатлари қонунларида тўлиқ ширкат аъзоларининг жавобгарлиги масаласи деярли бир хил ҳал этилади: ҳар бир иштирокчи жамият кредиторлари олдида нафақат қўшган улуши доирасида, балки ўзининг бутун мол-мулки билан шахсан жавобгар бўлади. Демак, кредитор олдида иккита қарздор мавжуд – юридик шахс сифатида ширкат ва жисмоний шахс сифатида унинг иштирокчиси.

Ироқнинг компаниялар тўғрисидаги қонунининг 37-моддасига асосан "тўлиқ ширкат кредиторлари ширкатга ёки мажбурият келиб чиққан вақтда ширкат аъзоси ҳисобланган унинг ҳар бир аъзосига нисбатан суд тартибида даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга; иштирокчилар ушбу мажбуриятлар бўйича биргаликда ва қўшимча жавобгар бўладилар". Кўриниб турибдики, тўлиқ ширкат мажбуриятлари бўйича унинг иштирокчиларининг биргаликдаги жавобгарлигини назарда тутувчи қоида ўрнатилган. Иштирокчини ширкат мажбуриятлари бўйича жавоб беришга мажбур қилиш фақатгина ширкатни огоҳлантиригандан кейингина амалга оширилади.

Қарзни тўлаш ҳақида ширкатни огоҳлантиришнинг зарурлиги бошқа бир қанча араб мамлакатлари қонунчилигида ҳам ўз аксини топган.

б) Иштирокчининг ширкат таркибидан чиқиш шартлари ва янги иштирокчининг мажбуриятлари.

Иштирокчининг ширкат таркибидан чиқиши мумкинлиги тўлиқ ширкатнинг фаолият юритиш муддатидан келиб чиқади. Агар у бирор бир муддат билан чегараланмаган бўлса, иштирокчи компания бошқа-

рувчисига ариза бериш орқали ширкат таркибидан ўз эркига кўра чиқиш ҳуқуқига эга бўлади. Ширкат таркибидан чиқиш бошқарувчининг иштирокчи ҳисобидан камида иккита маҳаллий газетада иштирокчининг чиқиши ҳақида эълон қилган вақтдан бошлаб ҳақиқий ҳисобланади.

Ширкат фаолияти муайян муддат билан чегараланган ҳолларда иштирокчи ушбу муддат тугагунга қадар ширкат таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Фаолият муддати шартноманинг шартларидан бири бўлиб, бу шартга ҳар бир иштирокчининг амал қилиши талаб этилади. Лекин бу иштирокчини ширкатдан чиқиш масаласини ҳал этиш учун судга муурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Чиқиб кетаётган иштирокчи ширкатнинг мажбуриятлари бўйича, агар бу мажбуриятлар унинг ширкатдаги иштироки давомида вужудга келган бўлса, биргаликда қўшимча тарзда жавоб беришга мажбур. Чиқиб кетаётган иштирокчининг ширкатдаги иштироки давом этаётган бўлса, масалан, агар унинг исми ширкат номи ва ҳужжатларида сақланган бўлса, у жавобгарликдан озод этилмайди. Қонун чиқарувчи иштирокчининг ширкат таркибидан чиқиб кетиш ҳолатини тегишли тартибда шартнома ва бошқа ҳужжатларга, шунингдек, ширкат номига ўзгартириш киритиш орқали расмийлаштиришни талаб этади.

Иштирокчи ўзининг ширкатдан чиқиши натижасида ширкат кўрган зарарни қоплашга мажбур. Иорданиянинг компаниялар тўғрисидаги қонунининг 28-моддасига асосан "у ширкат ва унинг аъзолари олдида ўзининг ширкат таркибидан чиқиши натижасида етказилган зарарни қоплашга мажбур". Кўпгина араб мамлакатлари қонунчилигида ушбу масала худди шундай тарзда ҳал этилади.

Ушбу мамлакатлар қонунчилиги тўлиқ ширкат таркибига янги иштирокчининг қабул қилинишини истисно этмайди. Бундай ҳолда янги иштирокчининг у ширкатнинг иштирокчиси бўлмаган вақтда вужудга келган ширкат мажбуриятлари бўйича жавоб бериши асосий шартлардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки, у ширкатнинг мажбуриятлари, уларнинг ижобий ва салбий томонларини билган ва шунга қарамасдан унинг таркибига киришга рози бўлган деб ҳисобланади. Шу билан бирга янги иштирокчи ширкатнинг у киргунга қадар вужудга келган мажбуриятлари бўйича жавоб бермаслик ҳуқуқи билан ҳам ширкат таркибига кириши мумкин. Бу шарт шартномада назарда тутилган бўлиши керак ва у белгиланган тартибда махсус реестрда

рўйхатга олингандан кейин ҳақиқий ҳисобланади.

Ширкат фаолияти иштирокчиларнинг шахси мезонига, яъни улар ўртасидаги ўзаро ишончли муносабатга асосланар экан, уларни янги, ҳеч қайсилари билмайдиган ва ишонмайдиган иштирокчини қабул қилишга мажбурлаш мумкин эмас. Шунинг учун янги иштирокчини қабул қилишда ширкатнинг барча аъзолари розилиги шарт қўйилади.

в) Ширкат иштирокчиси улушининг ўтиши шартлари.

Араб мамлакатларининг компаниялар тўғрисидаги қонунчилигига асосан ширкатнинг барча иштирокчилари розилигисиз бир иштирокчи улушининг бошқа шахсга ўтишига йўл қўйилмайди. Иштирокчи улушининг ўтиши барча иштирокчилар амал қилиши лозим бўлган шартномага ўзгартириш киритишни талаб этади. Шу асосга кўра, иштирокчилардан бири вафот этган тақдирда, меросхўрлар унинг ширкатдаги ўрнини эгаллай олмайди, чунки, собиқ иштирокчига бўлган ишонч унинг меросхўрларига нисбатан татбиқ этилмайди. Лекин, улушнинг ўтишига йўл қўймаслик умумий қоида бўлиб ҳисобланмайди. Улушнинг ўтиши шартномада назарда тутилган ҳолларда, муомалага лаёқатли меросхўрларга нисбатан амалга оширилишига йўл қўйилади.

Барча иштирокчиларнинг розилиги асосида, ўрнатилган қоидаларга амал қилган ҳолда улушнинг бошқа шахсга ўтишида бу ҳақда компания бошқарувчисига хабар қилингандан кейин бошқарувчининг иштирокчи ҳисобидан камида иккита маҳаллий газетада бу ҳақда берган эълони чиққан куннинг эртасидан бошлаб ҳақиқий саналади.

Иштирокчи ўзининг улушига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга уларнинг ўрталарида тузилган шартнома асосида бериши мумкин. Лекин бу шартнома ширкат ва бошқа шахслар олдида ҳеч қандай кучга эга бўлмасдан, фақат шартнома тузган шахсларгагина тегишли бўлади. Ширкатнинг иштирокчиси ҳисобланмаган бошқа шахс компаньон (шерик) деб юритилиб, ширкат мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди, шунингдек у ширкатдан иштирокчининг улушини талаб қилиш, ширкатни бошқариш ишларида иштирок этиш, ширкат ишларига аралашиб ёки унинг ҳужжатлари билан танишиб чиқиш каби ҳуқуқларга эга бўлмайди. Ширкат ўзининг зарарлари юзасидан компаньонга нисбатан иштирокчининг улушини тўлаш ёки асосий иштирокчининг улушини киритишни тўғридан-тўғри равишда даъво қилиш орқали

талаб қилишга ҳақли эмас. Лекин ширкат эгри даъво қилиш орқали унинг иштирокчиси томонидан етказилган зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин. Ўз навбатида компаньон ҳам эгри даъво қилиш орқали ширкатдан кредитор сифатида унга тегишли бўлган даромадни тўлашни талаб қилиши мумкин.

4-§. Тўлиқ ширкат ишларини бошқариш

Белгиланган тартибда рўйхатга олингандан кейин ширкат юридик шахс ҳуқуқини кўлга киритади ва турли муносабатларда мустақил иштирок этади. Тўлиқ ширкат ишларини бошқариш барча иштирокчиларнинг розилиги асосида амалга оширилади. Таъсисчиларнинг кўплиги сабабли ширкат ишларини бошқариш вазифаси унинг иштирокчилари томонидан уларнинг бири ёки бир нечасига топширилади. Иорданиянинг компаниялар тўғрисидаги қонунининг 17-моддасига асосан "ҳар бир иштирокчи ширкатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга, таъсис шартномасида ширкат ишларини бошқарадиган ва имзо ҳуқуқига эга бўлган иштирокчиларнинг исмлари, вакилларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган бўлиши керак. Вакиллар бу иши учун иш ҳақи олишга ҳақли эмас. Бундай ишлар учун иш ҳақи фақат ширкатнинг барча иштирокчилари розилиги билан тўланиши мумкин". Бошқа араб мамлакатлари қонунчилигида ҳам шунга ўхшаш меъёрларни учратиш мумкин.

Қонунчиликда кўрсатилишича, вакил (директор деб ҳам юритилади) иштирокчилар ёки бегона шахслар томонидан сайланмайди, балки тайинланади. Кўп ҳолларда бу иштирокчиларнинг бири бўлади, чунки, ширкатнинг бегона шахс томонидан бошқарилиши унинг фаол фаолиятини, бу шахснинг ширкат ишлари учун на шахсий ва на моддий жавобгар бўлмаганлиги сабабли ўз мажбуриятларига нисбатан виждонан муносабатда бўлишини кафолатламайди. Директорнинг тайинланиши таъсис шартномаси ёки махсус қўшимча шартнома орқали амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам таъсис шартномасида бўлгани сингари оддий кўпчилик овоз эмас, балки барча иштирокчиларнинг розилиги талаб этилади.

Ширкат директорини ишдан олиш масаласи турлича ҳал этилади. Агар ширкат иштирокчиси ва у ушбу мансабга таъсис шартномаси асосида тайинланган бўлса, уни ишдан олиш нафақат барча иштирок-

чиларнинг, балки унинг ўзининг ҳам розилигини талаб этади, чунки, директорнинг тайинланиши таъсис шартномаси орқали шартлашилган бўлади. Лекин зарур сабаблар бўлган ҳолларда хоҳлаган иштирокчи ёки уларнинг ҳаммаси директорни ишдан олиш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат этишлари мумкин. Суд бу талабни қаноатлантириши ёки асослантирилмаганлиги учун қаноатлантирмаслиги мумкин.

Агар директор таъсис шартномаси билан эмас, балки ширкат иштирокчиларининг қарорига асосан тайинланган бўлса, иштирокчиларнинг кўпчилик овози билан уни ишдан олиш мумкин. Агар у ўзини ишдан олиш тўғрисидаги қарорни адолатсиз деб ҳисобласа, асоссиз равишда ишдан олингани ёки бошқа адолатсиз сабабларга кўра, етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Қайси йўл билан (таъсис шартномаси, иштирокчиларнинг келишуви, қўшимча шартнома) тайинланганидан қатъи назар директор унга ширкат фаолиятига раҳбарлик қилишга имкон берадиган барча ваколатларга эга бўлади. Агар унинг ваколатлари шартномада белгиланмаган бўлса, унинг ҳаракатлари тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мос бўлиши керак.

Директор баъзи ҳаракатларни фақат махсус ваколатларга эга бўлган ҳолдагина амалга ошириши мумкин. Буларга ширкатнинг кўчмас мулкни сотиш ва уни гаровга қўйиш, ширкат ҳуқуқларини бошқа шахсларга ўтказиш каби ҳолатлар киради. Бу ҳаракатлар шартномада келишилмаган бўлса-да, уларни содир этиш тақиқланган. Директорнинг ширкат манфаатларига қарши бўлган ўзининг ёки бошқа шахсларнинг манфаатини кўзловчи фаолият билан шуғулланиши, шунингдек, бир вақтнинг ўзида бошқа ширкатни бошқариш ёки унинг аъзоси бўлиши тақиқланади. Лекин у бошқа ширкатларга омонат сифатида пул қўйиши мумкин, чунки, унинг пул омонатлари унга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Директорга шунингдек, бошқа иштирокчиларнинг розилигисиз шартнома шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги иштирокчиларни киритиш ва эскиларини ишдан бўшатиш, иштирокчилар улушларини бегона шахсга ўтказиш тақиқланади. Иорданиянинг компаниялар тўғрисидаги қонунининг 18-моддасига асосан директор ширкат фойдасига ҳалол ва виждонан ишлаш ҳамда иштирокчиларга ширкат ишлари ҳақида мунтазам равишда ва уларнинг талабига кўра ҳисобот тақдим этишга мажбур. Ах-

лоқий ва ҳуқуқий мажбуриятларини бузганлик учун директор жиной жавобгарликка тортилади. Иорданиянинг компаниялар тўғрисидаги қонунининг 19-моддасига асосан "директор томонидан мажбуриятларининг бузилиши уни жиной жазо назарда тутилган ҳар бир Иордания қонуни бўйича жавобгарликка тортишга асос бўлади".

Араб мамлакатлари қонунчилигига асосан тўлиқ ширкат ишларини бошқаришни бир неча директорлар амалга ошириши ва бундай ҳолларда уларнинг ҳар бирининг ваколати асосий шартномада назарда тутилиши мумкин. Қонунларда ширкатнинг бир неча директорлар томонидан бошқарилиши мумкинлиги назарда тутилсада, уларнинг ваколатлари махсус тартибга солинмайди. Масалан, Миср Фуқаролик кодексининг 594-моддаси бу масалани қуйидагича ҳал этади: "1) директорларнинг кўп сонлигига йўл қўйилади; 2) бундай ҳолда уларнинг ҳар бирининг ваколатлари келишилган ва аниқланган бўлиши керак". Бундан агар бошқарув директорлар томонидан амалга ошириладиган бўлса, уларнинг фаолият соҳаси аниқ белгиланган бўлиши (масалан, бир маҳсулотни сотиш билан боғлиқ ишларни бажарса, бири сотиб олиш, бошқаси эса умумий ишларни бажариши мумкин) керак деган хулосага келиш мумкин. Директорлар фаолиятини аниқ белгиланмаган ҳолда улар ҳамкорликда ишлашга мажбурдирлар.

Директорлар ўртасида турли фикрларнинг бўлиши уларни ширкатнинг бошқа аъзолари олдида жавобгарликдан озод этмайди. Бир директор томонидан бошқасининг қарорини бекор қилиш тартиби ва уларни тартибга солиш усуллари барча араб мамлакатлари қонунчилигида ҳам назарда тутилмаган. Лекин бу умумий анъанавий қоида бўлганлиги учун у араб мамлакатларида деярли бир хил ҳал этилади.

Агар бошқарув директорлар томонидан ҳамкорликда амалга оширилса, қарор директорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бу қоида қўшимча муҳокамани талаб этадиган ёки масалани ҳал қилишни кечиктириш ширкат фаолиятига зарар етказиши мумкин бўлган ҳолларга татбиқ этилмайди. Бу ҳолда масала улушидан қатъи назар ширкат иштирокчиларининг кўпчилик овози билан ҳал этилади.

Директорларнинг кўплиги уларга директорлардан бирини муайян ишни бажариш ҳақида ёзма хабар қилишга ҳалақит бермайди. Бу ҳолда ушбу директорнинг қарори бутун директорлар номидан чиқарилган деб ҳисобланади ва ширкат бу қарор учун жавобгар бўлади. Шир-

кат унинг номидан фаолият юритувчи ҳар бир шахснинг фаолияти (унинг ширкат иштирокчиси ёки иштирокчи эмаслигидан қатъи назар) ва у томонидан ширкат номидан имзоланган ҳар бир ҳужжат учун жавоб беради. Ширкат директорнинг ўз ваколатларини ғараз мақсадларда суиистеъмол қилиши учун жавоб бермаса-да, директорнинг виждонсизлик қилганини исботлаб бериши керак. Баъзи мамлакатлар қонунчилиги бўйича ширкат директорнинг ноқонуний ҳаракатлари учун агар у рақобат манфаатларини кўзлаб амалга оширилган бўлса жавоб беради, агар улар жиноий жавобгарликка тортиш характерига эга бўлса, ширкат бу ҳаракатлар учун жавоб бермайди.

Директорнинг жавобгарлиги ширкат аъзоси сифатида унинг иш ҳақи олмаслиги ёки бегона шахс сифатида ҳақ олишидан келиб чиқади. Қонунчилик ҳақ олмайдиган директорни шахсий манфаатларда қилган ҳаракатлари учун жавоб беришни, ҳақ оладиган директорни эса масъул мансабдор шахс сифатида жавобгарликка тортишни назарда тутди.

Тадбиркорлик жавобгарлиги муддати 10 йилгача давом этса-да, қонун чиқарувчи директорнинг ширкат олдидаги жавобгарлигини у директорлик лавозимидан бўшагандан кейин 5 йил муддат билан чегаралаб қўйди. Директорлар кўп бўлган ҳолларда улар ширкат олдида тенг равишда жавобгар бўладилар.

Ширкат директори жавобгарлигининг муайян шартлари мавжуд. Масалан, Йорданиянинг компаниялар тўғрисидаги қонунининг 286-моддасига асосан директор ширкат аъзоларидан ширкат фаолиятига дахлдор ахборотни, шу жумладан ширкатнинг даромадлари ва зарарлари тўғрисидаги маълумотларни яширишган бўлса, унга нисбатан 10000 динордан кам бўлмаган миқдордаги жарима ёки 1 йилдан 3 йилгача жиноий жазо қўлланилиши мумкин.

Қонун чиқарувчи одатда директор бўлмаган иштирокчиларга ширкат ишларини бошқаришда иштирок этишни тақиқлайди. Лекин, бу уларни ширкат фаолиятини кузатиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Миср Фуқаролик кодексининг 519-моддасига кўра, "директор ҳисобланмаган иштирокчиларга ширкат ишларини бошқариш тақиқланади, лекин улар ширкатнинг ҳужжатлари билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эгадирлар; иштирокчиларни ушбу ҳуқуқдан маҳрум қилишни назарда тутувчи ҳар қандай шартнома ҳақиқий эмас деб топилади".

5-§. Коммандит ширкат

Бир қатор араб мамлакатлари қонунчилиги меъёрлари коммандит ширкат ва унинг тушунчасига бағишланган. Мисрнинг Савдо тўғрисидаги қонунининг 23-моддаси коммандит ширкатни қуйидаги тартибда ифодалайди: "Биргаликда қўшимча жавобгарликка эга бўлувчи бир ёки бир неча шахс томонидан тузилган ширкат капитали таркибида ширкат фаолиятида аралашини ҳуқуқига эга бўлмаган бошқа бир ёки бир неча томонидан қўшилган ҳисса (ҳиссалар) мавжуд бўлса, бундай ширкат коммандит ширкат деб топилади". Иорданиянинг компаниялар тўғрисидаги қонунининг 41-моддасига асосан "коммандит ширкат номлари таъсис шартномасида кўрсатиладиган икки тоифадаги иштирокчиларга эга бўлади".

Хўжалик жамиятлари қуйидаги икки тоифадаги иштирокчилардан ташкил топади: ширкат мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулки билан биргаликда ва қўшимча жавобгар бўлувчи тўлиқ шериклар ҳамда ширкат мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдиган ҳисса қўшувчи (коммандитчи). Коммандит ширкат тушунчасини аниқлашда асосий мезон бўлиб биринчидан, унда коммандитчи ширкатни бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаслиги ва иккинчидан, у ширкат мажбуриятлари бўйича низом жамғармасидаги ўз улуши доирасида жавобгар бўлиши ҳисобланади.

Коммандитчи белгиланган муддат ичида низом жамғармасига ўз улушини киритиши керак. Ширкат ундан ўз улушини киритишни талаб қилишга ҳақли. Ширкат кредиторлари ўз талабини низом жамғармасидаги коммандитчининг улушига ҳам қаратиши мумкин, чунки, барча иштирокчиларнинг (улар тўлиқ шерик ёки коммандитчи бўлишидан қатъи назар) улушлари ширкат кафолати сифатида хизмат қилади, фақат бу ерда кредитор коммандитчининг улушига нисбатан ушбу улуш миқдорида талаб қўйиш ҳуқуқига эга бўлади.

Коммандитчи ширкатдаги ҳиссасидан даромад олган ҳолда кредитор унга тўғридан-тўғри даъво билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга, чунки, бу даромад ўз моҳиятига кўра ўз навбатида кредитор учун кафолат ҳисобланган капиталнинг бир қисми ҳисобланади. Коммандит ширкат пайдо бўлган вақтда коммандитчилар ўз номини яширган ҳолда (аноним) ҳаракат қилади, кейинчалик уларнинг номлари шарт-

номада кўрсатилган ва ҳар бирининг улуши аниқ белгилангандан кейин улар қонуний ҳаракат қилади. Уларнинг кредитор олдидаги тўғридан-тўғри жавоб бериши шу билан тушунтирилади.

Ширкат таркибга кирган коммандитчи тадбиркор ҳисобланмайди. Фақат тўлиқ шерик тадбиркор бўлиши мумкин. Ширкатнинг банкротлиги умуман ширкатнинг банкротлигини келтириб чиқаради. Коммандитчи банкрот бўлиши мумкин эмас, чунки у тадбиркорлик билан шуғулланмайди. Шундай бўлса-да, коммандитчининг ширкат мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги унинг ширкатнинг тадбиркорлик фаолияти учун жавоб бериши сифатида қаралади, чунки ширкат фаолиятида иштирок этадими демак, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади.

Коммандитчи томонидан ўзининг улушини бошқа шахсга берилиши араб мамлакатлари қонунчилигида турлича ҳал этилади. Иорданиянинг компаниялар тўғрисидаги қонунининг 44-моддасига асосан "коммандитчи ўз эркига кўра ўзига тегишли улушни (агар тўлиқ шериклар унинг тўлиқ шерик сифатида иштирок этишига келишиб олмаган бўлса) коммандитчи бўладиган бошқа шахсларга бериши мумкин". Деярли шунга ўхшаш қоида Мисрнинг компаниялар тўғрисидаги қонунида мустаҳкамланган. Бошқа араб мамлакатлари қонунлари иштирокчиларнинг тўлиқ шерик ёки коммандитчи эканлигидан қатъи назар, ҳар бир иштирокчининг шахсига эътибор қаратади. Шартномада бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, иштирокчининг улушини бошқа шахсга барча иштирокчиларнинг розилигисиз бериш мумкин эмас. Агар шартномада улушнинг бошқа шахсга ўтиши мумкинлиги назарда тутилган бўлса, бу ҳолда қонун билан ўрнатилган тартибга риоя этиш талаб этилади.

Коммандитчининг исми одатда ширкат номида кўрсатилмайди. Агар коммандитчининг исми ширкат номига ўзининг розилиги асосида киритилган бўлса, у ширкат мажбуриятлари бўйича тўлиқ шерик сифатида жавоб беришга мажбур. Ўз исми киритилишига розилик берган коммандитчи тадбиркор белгисини қўлга киритади ва ширкатнинг банкротлиги унинг ҳам банкротлигини келтириб чиқаради.

Агар коммандитчининг исми ширкат номига унинг розилигисиз ёки унга хабар қилмаган ҳолда киритилган бўлса, ширкат олдидаги унинг жавобгарлиги олдингидек, яъни ўз улуши доирасида қолади. Бундай ҳолда коммандитчи ушбу ҳаракат унинг розилигисиз содир

этилганлигини исботлаши ва унинг исмини ширкат номидан чиқариш билан боғлиқ чора-тадбирларни кўриши керак. Бундай коммандитчи унинг исмидан виждонсизларча фойдаланилиши натижасида ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Коммандитчининг коммандит ширкат таркибидан чиқиши одатда ширкатни тугатишга олиб келмайди. Мисрнинг компаниялар тўғрисидаги қонунининг 32/1-моддасига асосан коммандитчи вафот этган, муомала лаёқатини йўқотган ёки банкрот бўлган ҳолларда коммандит ширкати тугатилмайди. Шу билан бирга коммандитчининг ширкатни тугатиш ҳақидаги аризаси кўриб чиқилади. Ширкатни тугатиш масаласи тўлиқ шериклар томонидан ҳал этилади.

Коммандит ширкатни бошқаришда коммандитчининг иштироки бир қанча ўзига хосликларга эга. Коммандит ширкатни бошқариш унинг таъсис шартномасида назарда тутилган тўлиқ шерик ёки тўлиқ шериклар томонидан амалга оширилади. Шунингдек, худди тўлиқ ширкатда бўлгани каби ширкатни бошқариш учун бегона шахс ҳам таклиф этилиши мумкин.

Коммандит ширкатнинг ишларини бошқариш тўлиқ ширкатнинг ишларини бошқариш тамойиллари ва ҳуқуқий асосларига кўра амалга оширилади. Бошқарувчини тайинлаш ва ишдан олиш, унинг ширкат иштирокчилари ва бошқа шахслар билан муносабатлари, ўз фаолияти учун жавобгарлиги масалалари худди тўлиқ ширкатдагидек ҳал этилади. Лекин, умумий қоидага кўра, коммандитчи ширкат ишларини бошқариш ёки ширкатни бошқариш масалаларига аралашиб ҳуқуқига эга бўлмайди. Кўпгина араб мамлакатлари қонунчилиги ҳам бу масалани шу нуқтаи назардан ҳал этади. Шу билан бирга бу мамлакатлар қонунчилиги коммандитчига бухгалтерлик китоблари ва ширкатнинг бошқа ҳужжатлари билан танишиб чиқиш, ширкатнинг молиявий ва иш ҳолати билан қизиқиш, бу борада бошқа ширкатнинг иштирокчилари билан мунозаралар ўтказиш ҳуқуқини чекламайди. Масалан, Миср Фуқаролик кодексининг 519-моддасида бу масала қуйидагича ҳал этилган: "Иштирокчиларга коммандит иштирокчининг ширкат ҳужжатлари билан танишиб чиқиш ҳуқуқини чеклаш ҳақида келишиб таққиланади, чунки у иштирокчи сифатида бу ҳуқуқдан фойдаланади". Коммандитчига бундай ҳуқуқнинг берилишига қарамасдан, унинг жавобгарлиги низом жамғармасидаги улуши доирасида чекланади. Мисрнинг компаниялар тўғрисидаги қонунининг 31-

моддасига асосан "агар коммандитчи ширкатнинг фаолияти бўйича таклиф киритган, танбеҳ берган ёки кузатув олиб борган бўлса, бу учун у ҳеч қандай жавобгарликка тортилмайди". Бу ерда коммандитчининг ширкат мажбуриятлари юзасидан ўз улуши доирасидаги жавобгарлиги эмас, балки унинг берган маслаҳат ва таклифлар юзасидан жавобгарлиги назарда тутилади.

6-§. Ширкат фаолиятини тўхтатиш

Араб мамлакатлари қонунчилиги бўйича тўлиқ ширкат фаолиятини тугатишнинг асослари ва сабаблари муҳим фарқларга эга эмас. Бу сабаб ва асослар қуйидагилардан иборат:

- ширкат фаолиятини тўхтатиш ёки уни қайта ташкил этиш тўғрисида барча иштирокчиларнинг қарори;
- ширкат фаолият юритишининг муддати ўтиши. Бунда муддатнинг шартномага кўра асосий ёки иштирокчилар қарорига кўра узайтирилган муддат эканлиги аҳамиятга эга эмас;
- ширкатни тузиш вақтида кўзланган мақсадга эришилиши;
- ширкатда фақат бир нафар иштирокчи қолган ҳолда;
- ширкат иштирокчилари банкрот деб топилган ҳолда;
- иштирокчилардан бирининг банкротликка учраб, ўз мулкини олган ҳолда, агар бошқа иштирокчилар асосий шартномага кўра ширкат фаолиятини давом эттириш тўғрисида келишмаган бўлишса;
- суд қарорига кўра;
- ширкатни рўйхатдан ўтказиш ҳақиқий эмас деб топилган ҳолда ва бошқалар.

Кўриниб турибдики, тўлиқ ширкат фаолиятини тўхтатишнинг баъзи асослари ҳар бир юридик шахс фаолиятини тўхтатиш учун умумий бўлса, баъзилари иштирокчининг шахси мезонига таянган ҳолда юридик шахс сифатида фақат ширкатга тегишли бўлиб ҳисобланади.

Иштирокчилар тўлиқ ширкат фаолиятини тўхтатиш масаласини унинг муддати ўтган ёки ўтмаганлигидан қатъи назар, ҳал этиш ҳуқуқига эга бўладилар. Лекин Миср Фуқаролик кодексининг 528-моддаси, Саудия Арабистонининг компаниялар тўғрисидаги қонунининг 35-моддасида назарда тутилишича, бундай тўхтатиш учун ширкатнинг барча иштирокчиларининг розилиги олиниши керак. Бу қоида коммандит ширкат фаолиятини тўхтатишга ҳам татбиқ этилади.

Ширкатни қайта ташкил этиш ҳам агар асосий шартномада бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, барча иштирокчиларнинг розилиги асосида амалга оширилади.

Барча араб мамлакатлари қонунчилиги ҳам ширкат фаолият юриши муддатининг тегишли ҳужжатларида белгиланишини талаб этмайди. Ширкатнинг фаолият юриши муддати одатда ширкат олдида қўйилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда кўпинча асосий шартномада белгиланади. Шунинг учун муддатнинг ўтганлиги ва мақсадга эришилганлиги фаолиятни тўхтатиш асос бўлиб ҳисобланади. Агар муддат мақсадга эришилгунга қадар ўтган бўлса, уни узайтиришга, шунингдек, муддат ўтгандан кейин ҳам белгиланган мақсадга эришиш учун фаолият юришига йўл қўйилади. Охириги ҳолатда ширкатга янги тузилма сифатида қаралади ва асосий шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш талаб этилади.

Ширкат тузилаётган вақтида унинг олдида қўйилган мақсадга эришилиши билан у ўз моҳиятини йўқотади ва шу сабабдан бу ҳолат унинг фаолиятини тўхтатилишига хизмат қилади. Агар муддат ўтгандан кейин ҳам ширкат белгиланган мақсадга эришиш учун ўз фаолиятини давом эттираётган бўлса, Йордания Фуқаролик кодексининг 602/3-моддасига асосан томонларнинг сукут сақлаши шартномани узайтириш розилиги сифатида қаралади. Суд қарорига асосан ширкатга берилган лицензиянинг бекор қилиниши натижасида ширкатнинг олдида қўйган мақсадга эришиш мумкин бўлмай қолган ҳолда, ширкат ўз фаолиятини тўхтатади.

Кўпгина араб мамлакатлари қонунчилиги бир шахс иштирокидаги ширкатнинг мавжуд бўлишига йўл қўймайди. Агар бошқа иштирокчиларнинг вафот этиши натижасида низом жамғармасидаги барча улушлар бир шахсга тегишли бўлиб қолса, қонунга асосан бундай ширкат ўз фаолиятини тўхтатади. Ширкат шартномавий тузилма сифатида қаралади, шартноманинг бир шахс билан тузилиши мумкин эмас.

Баъзи мамлакатларда ширкат таркиби қисқарган ҳолларда унинг фаолиятини тугатиш талаб этилмайди. Масалан, Миср Фуқаролик кодексининг 528-моддаси (компаниялар тўғрисидаги француз қонунининг 9-моддаси) ширкат фаолиятини давом эттириш учун бир йил давомида зарур миқдордаги иштирокчиларга эга бўлишни назарда ту-

тади. Иорданиянинг компаниялар тўғрисидаги қонунининг 28/4-моддаси эса иштирокчиларнинг бундай зарур қабул қилиниши учун 3 ойлик муддат ўрнатади.

Тўлиқ ёки коммандит ширкатнинг банкротлиги уларнинг бекор бўлишига олиб келади. Ширкатнинг банкротлигига унинг барча тўлиқ шерикларининг банкротлиги сифатида қаралади. Коммандит ширкатда коммандитчининг банкротлиги ширкатнинг тўлиқ банкротлигини келтириб чиқармайди.

Қонунга асосан тўлиқ ширкат иштирокчилардан мулк ундирилганда ёки банкрот деб эълон қилинган вақтда ўз фаолиятини тугатади, чунки бундай ҳолда ширкат шахсий хусусиятини, яъни ташкил этилаётган вақтда у таянган асосий мезонни йўқотади. Лекин бир иштирокчи банкрот бўлган ёки ундирув унинг мулкига қаратилган ҳолларда бошқа асосий шартнома иштирокчилари келишиб ширкат фаолиятини давом эттириш тўғрисида қарор чиқаришлари мумкин. Бундай ҳолларда Иорданиянинг компаниялар тўғрисидаги қонунининг 32/6-моддаси асосий шартномага тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишни талаб этади.

Ширкат фаолиятининг суд қарорига асосан тугатилишига қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

– иштирокчилардан бири ўз фаолиятида қўпол қоидабузарликка йўл қўйса ёки ўзининг доимий янглишишлари ёхуд ширкат ишларини масъулиятсизлик билан бажариши ҳамда ширкатнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга етарли даражада эътибор бермаганлиги туфайли ширкатга йирик миқдорда зиён етказган ҳолларда;

– у ёки бу сабабларга кўра ширкат зарар кўриб фаолият юритаётган ҳолларда;

– ширкатнинг келгусидаги фаолиятини фойдасиз қилувчи унинг бутун маблағи ёки катта қисми йўқотилган тақдирда;

– ширкатнинг келгусида ўз фаолиятини юритишга имкон бермайдиган даражада иштирокчилар ўртасида ҳал этиб бўлмайдиган низолар келиб чиққан ҳолларда;

– иштирокчилардан бири ширкатда фаолият юритиш ва унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бериш лаёқатини тўлиқ йўқотган ҳолларда.

Ширкат фаолиятини суд тартибида тугатишга асос бўлувчи бошқа сабаблар ҳам мавжуд. Лекин улар араб мамлакатлари қонунчили-

гида тўлиқ маънода, бир хил даража ва кетма-кетликда ўз аксини топган эмас.

Санаб ўтилган ҳолатлар ва сабаблардан исталганининг келиб чиқиши судга ширкат фаолиятини тугатиш масаласини узил-кесил ҳал қилиш мажбурияти юкланмайди, балки унга ширкат фаолиятини давом эттириш ёки тугатиш масаласи ҳақида қарор чиқаришга имкон берадиган вужудга келган ҳолатни ўрганиш юзасидан тўлиқ ва мутлақ ҳуқуқ беради. Суд ширкатга ўз фаолиятини етарли шароитларда амалга ошириш имкониятини яратган ҳолда бир ёки бир нечта иштирокчиларнинг ширкат таркибидан мажбурий чиқарилиши ҳақида қарор чиқариши мумкин.

7-§. Ширкат фаолиятини тугатиш

Ширкат фаолиятининг тўхтатилиши билан уни юридик шахс сифатида тугатиш зарур бўлади. Тугатилаётган ширкат у тугатилаётган вақтга қадар ўзининг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақоми ва тугатиш учун муҳим бўлган ваколатларини сақлаб қолади. Ширкат ишлари бошқарувчисининг ваколатлари унинг ширкат иштирокчиси ёки жалб этилган шахс бўлишидан қатъи назар, тугатилади.

Ширкатни тугатиш ширкатга ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятларини бажариш, ўзига тегишли бўлган мулкнинг барчасини ёки унинг бир қисмини сотиш имкониятини берадиган тугатиш комиссияси томонидан амалга оширилади. Сақланиб қолинадиган юридик шахс тугатиш балансини тузади. Тугатиш комиссияси фақат ширкатни тугатиш жараёни билан шуғулланиб, ширкат номидан бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Ширкат томонидан юридик шахс ҳуқуқининг сақланиши қуйидаги оқибатларни келтириб чиқаради:

- ширкатга суд орқали даъво қўзғатишда имконият яратадиган ширкат (унинг бош маркази) жойлашган жойнинг сақланиши;
- ўз номи ёки маҳсулот белгисининг "тугатилиши лозим" деган сўзлар билан сақланиши;
- молиявий мустақиллик ва кредиторларга қарзларни биринчи навбатда ширкат мулкидан тўлашнинг сақланиши;
- ширкат вакили сифатида тугатиш комиссияси иштирокчилардан уларнинг қарзларини тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга;

– ширкат эгалигида бўлган ҳар бир иштирокчининг улуши кўчар мулк деб ҳисобланади;

– ширкатни тугатиш даврида агар у ўз қарзларини тўлаш имкониятига эга бўлмаса, банкрот деб эълон қилиш имкониятининг мавжудлиги.

Ширкатни тугатиш ширкат иштирокчиларининг хоҳишига кўра ихтиёрий равишда амалга оширилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда расмий равишда тугатиш комиссияси тайинлангунга қадар ширкат иштирокчиларга нисбатан тугатиш комиссиясининг вазифасини бажариб туриши мумкин. Тугатиш комиссиясининг тайинланиши асосий шартномада назарда тутилган бўлиши ёки бу ҳақда қўшимча шартнома тузилиши мумкин. Тугатиш комиссияси, шунингдек суд қарорига кўра ҳам тайинланиши мумкин.

Тугатиш комиссиясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ширкат шартномаси ва суд қарорига кўра белгиланади. У ширкатни тугатиш учун зарур бўлган барча қарорларни чиқариш ҳуқуқига эга. Масалан, ширкат мулкни аниқлаш, унинг қарзларини кредиторларга қайтариш тўғрисидаги, яъни тугатиш балансини тузиш, қолган мулкни қонунчиликка мувофиқ иштирокчилар ўртасида тақсимлаш жараёнларида зарур бўлган қарорлар. Иорданиянинг компаниялар тўғрисидаги қонунининг 40-моддасида бу масалада қуйидагича меъёр мустаҳкамланган: "тугатувчи ушбу қонуннинг тўлиқ ширкатни тугатишни назарда тутувчи меъёрларига ҳамда шундай тугатишни назарда тутувчи ҳар қандай бошқа қонунга амал қилиши лозим".

Тугатиш комиссиясига ширкатни тугатиш жараёнида унинг вакили сифатида қаралади. Шунинг учун Миср апелляция судининг 17 апрель 1978 йилдаги қарорида шундай дейилади: "Тугатувчи кредиторнинг эмас, балки ширкатнинг вакили ҳисобланади, у ўзининг ҳақ тўланмайдиган мансаби учун ширкат олдида ва ҳар бир хато қарори учун кредиторлар олдида, агар бу ҳаракатлари оқибатида уларга зиён етказса жавоб беради".

Тугатувчи ширкат иштирокчиларнинг қарзини тўлашни рад этган ҳолларда, уларнинг биринчи навбатда қарзларини олишлари кераклигини билган ҳолда ширкатнинг ҳақиқий ҳолатини ошкор этганлик учун жавобгар бўлади. Миср апелляция судининг қарорига асосан "ширкатнинг собиқ директоридек тугатувчи ҳам содир этган хатолари учун жавобгар бўлиши керак. У шунингдек қонунга хилоф

равишда ишдан бўшатиш ва ширкат тугатилгунга қадар суднинг қарорига асосан ишга қайта тикланган ходимнинг иш ҳақини тўламаганлик учун ҳам жавобгар бўлади". Миср апелляция судининг қарорига асосан "Ўз иши учун иш ҳақи олган тугатувчи ширкат шартномаси моддаларидаги тушунмовчиликлар сабабли қарзларни ўз вақтида тўламаганлик учун жавобгар бўлмайди".

Тугатувчилар кўп сонли бўлганда (комиссия) агар уларни тайинлаш тўғрисидаги шартномада бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, қарор унинг барча аъзолари номидан чиқарилади. Тугатувчи томонидан тугатиш баланси ширкат иштирокчилари эътиборига имзоланган учун тақдим этилганидан кейин тугатувчининг иштирокчилар олдидаги жавобгарлиги ўз кучини йўқотади, лекин бу тугатиш балансини тузишда иштирок этмаган кредиторларнинг ҳуқуқларига таъсир кўрсатмайди. Улар тугатувчидан қарзни тўламаганлик учун ўзларига етазилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Тугатувчи ширкат мулкни кредиторларнинг қарзларини тўлагунга қадар тақсимлаган ҳолларда, ширкатнинг ҳар бир иштирокчиси ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Тўлиқ ёки коммандит ширкатнинг тугатувчиси тугатиш давридаги ўз фаолияти учун шахсан жавоб беради.

Қатъий тугатиш баланси тузилган, ширкатнинг барча қарзлари тўланган ва қолган мол-мулк ширкат иштирокчилари ўртасида тақсимлангандан кейин тугатиш тамом бўлган ҳисобланади.

Тугатиш комиссиясининг фаолияти ширкат тугатилганлиги ҳақида матбуотда эълон қилинган ва ширкат юридик шахс сифатида корхоналарнинг ягона давлат реестрдан чиқарилгандан бошлаб тамом бўлган ҳисобланади.

8-§. Тугатилаётган ширкатнинг мол-мулкни тақсимлаш

Араб мамлакатлари қонунчилигида тугатилаётган ширкат мулкнинг унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланиши масаласи деярли ўхшаш тарзда тартибга солинади. Ширкатни тугатиш якунланган ва у юридик шахс сифатида ўз фаолиятини тўхтатгандан кейин ширкатнинг қолган мол-мулкни унинг иштирокчиларининг умумий мулкни ҳисобланади ва бу мол-мулк улар ўртасида тақсимланади. Мол-мулкни

тақсимлаш ҳар бир иштирокчининг умумий мулкдаги хусусий мулк ҳуқуқи асосидаги улушини аниқлашни назарда тутди.

Миср Фуқаролик кодексининг 843-моддасига асосан "иштирокчи умумий мулкдаги ўз улушига умумий мулкни ташкил этишдаги унинг иштирокидан бошлаб эгалик қилади ва бошқа улушларга нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқларга эга бўлмайди" Иордания Фуқаролик кодексининг 609-моддаси эса унинг табиатидан қатъи назар, ширкат мулкни тақсимлаш мулкни тақсимлашнинг умумий қоидаларига асосан амалга оширилиши лозимлигини назарда тутди.

Мулкни тақсимлаш томонларнинг келишуви ёки суд тартибида амалга оширилиши мумкин. Умумий мулкни барча муомалага лаёқатли иштирокчилар иштирокида тақсимлаш иштирокчилар келишуви (шартнома) асосидаги тақсимлаш дейилса, иштирокчилар иштирок этмаган ёки иштирокчилардан бири ёки ундан ортиғи муомалага лаёқатсиз бўлган ва мулкни тақсимлашда иштирокчилар ўртасида турли фикрлар бўлган ҳолда мулкни тақсимлаш – суд тартибида мулкни тақсимлаш дейилади.

Агар ширкатнинг мулки кўчмас мулк бўлса, тақсимлаш натижаларини тегишли давлат органида рўйхатдан ўтказиш лозим. Келишувга кўра, мулкни тақсимлашда иштирокчилар бутун мулк ёки унинг маълум бир қисмини тақсимлаш ёки оммавий тартибда сотиш ва тушган маблағни ўзаро тақсимлаш, шунингдек, ўз хоҳишларига кўра тақсимлашнинг бошқа усуллари танлашлари мумкин.

Мулкни тақсимлашнинг суд тартиби иштирокчилар ўртасида келишув бўлмаган, улар ўртасида низо мавжуд бўлиб, иштирокчилардан бири мулкни тақсимланганлигидан норози бўлган ҳолларда қўлланилади. Иштирокчи суд орқали мулкни қайта тақсимлашни сўраши мумкин, бундай ҳолларда қолган барча иштирокчилар ёки улардан бирортаси жавобгар бўлади.

Суд тартиби, шунингдек мулкни тақсимлашда иштирокчи иштирок этмаган ёки муомалага лаёқатсиз бўлган ҳолларда ҳам қўлланилади. Бундай ҳолларда тақсимлашда иштирок этмаган ёки муомалага лаёқатсиз бўлган иштирокчиларнинг вакиллари ёки ҳомийлари уларнинг номидан ҳаракат қилади. Умумий мулкни тақсимлаш тўғрисидаги суднинг қарори қатъий бўлиб, унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас. Бунда суд ишнинг барча ҳолатлари ва ширкат иштирокчиларининг ҳуқуқлари поймол бўлишининг олдини олувчи барча чора-

ларни кўрган деб ҳисобланади.

Тақсимланиши керак бўлган мулк бу ширкатнинг қарзлари тўлангандан кейин қолган мулкдир. Унинг таркибига кўчар ва кўчмас мулклар, бошқа шахсларнинг ширкатга бериши керак бўлган қарзлари, савдо дўконлар, ширкатнинг кўчмас мулкни ижарага беришдан келган маблағлар, иштирокчининг ширкат олдидаги қарзлари кабилар кирати. Умумий мулкдан ширкатни тугатиш ва унинг мулкни тақсимлаш билан боғлиқ харажатлар чиқариб ташланади. Патент, савдо белгиси ва бошқа интеллектуал мулк объектлари тақсимланмасдан ўз мулкдорларига қайтарилади.

Иштирокчиларга низом жамғармасидаги уларнинг улушларини қайтариб беришнинг ўзига хос тартиби мавжуд. Ҳар бир иштирокчига низом жамғармасидаги унинг улушига мувофиқ пул суммаси берилади. Агар низом жамғармасидаги иштирокчи улуши бажарилган ишдан ташкил топса, у ширкатнинг даромадлари ва зарарларида иштироки сифатида баҳоланади. Агар низом жамғармасидаги иштирокчи улуши у томонидан ширкатнинг фойдаланишига берилган нарса, ускуна ва бошқалардан иборат бўлса, ушбу нарсалар иштирокчига қиймати ҳисобланган ва уларнинг ширкат даромад ва зарарларида иштирок этган даражасини ҳисобга олган ҳолда қайтарилади. Агар нарса йўқотилган бўлса, иштирокчига унинг қиймати тўланади.

Мулкни тақсимлашда иштирокчининг ширкат зарарларидаги иштироки инобатга олинади. Агар қолган мулк барча иштирокчиларнинг улушини қопламаса, ширкат зарар кўрган ҳисобланади. Ҳар бир иштирокчи ўз улуши билан ширкат зарарини қоплаши лозим, бундан бошқача қондан назарда тутувчи шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Лекин, агар иштирокчининг улуши бажарилган ишдан иборат бўлса ёки иштирокчининг зарардаги иштироки кам бўлса, бундай ҳолларда иштирокчини зарарни қоплашда иштирок этишдан озод этишга йўл қўйилади.

Ширкатнинг қарзлари тўлангандан ва иштирокчилар улушлари қайтарилгандан кейин қолган мулк, таркибига заҳира жамғармаси ва иштирокчилар улушидан қолган сумма киратиган соф фойда ҳисобланади. Соф фойда умумий мулк ҳисобланиб, ширкат иштирокчилари, шу жумладан ўз меҳнати билан иштирок этган иштирокчилар ўртасида тақсимланади. Агар шартномада фойдани тақсимлаш шакли назарда тутилмаган бўлса, у иштирокчилар ўртасида уларнинг низом

жамғармасидаги улушларига мутаносиб тарзда тақсимланади. Қолган мулк пул суммасидан иборат бўлган ҳолда уни тақсимлаш иштирокчиларнинг улушидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Агар мулк кўчар ёки кўчмас мулкдан иборат бўлса, иштирокчилар уни тақсимлашнинг усули ҳақида келишишлари мумкин, яъни агар мулкни бўлиб олиш мумкин бўлса, натура тарзида ўзаро бўлиб олишлари, агар мулкни бўлиб олиш мумкин бўлмаса, мулкни оммавий савдода сотиш ва тушган маблағни ўзаро тақсимлашлари мумкин.

Ширкат мулкнинг адолатли тақсимланиши учун унинг ҳар бир иштирокчиси бошқа иштирокчига тақсимлаш вақтида қоидабузарликларга йўл қўйилмаслиги, бир-бирларининг ҳуқуқлари бузилмаслиги ва бунинг натижасида ноҳуш оқибатлар келиб чиқмаслигининг кафолатини бериши керак. Масалан, Миср Фуқаролик кодексининг 844-моддасига асосан "1. Тақсимлаш иштирокчилари бир бирларига олдинги тақсимлашга нисбатан қонуний шикоят қилиш учун асос бўладиган оқибатлар келиб чиқмаслигининг кафолатини бериши керак. Кафолатга муҳтож кишига етказилган зарар юзасидан уларнинг ҳар бири ўз улушлари доирасида жавоб берадилар, иштирокчи кафолат бўйича жавоб бера олмайдиган ҳолларда унинг улуши қолган барча иштирокчилар, шу жумладан кафолатга муҳтож иштирокчи ўртасида тақсимланади; 2. Кафолат мажбуриятини бир ёки бир неча иштирокчилар зиммасидан соқит қилиш юзасидан келишувга эришишга йўл қўйилади, яъни қонуний шикоятнинг сабаби мулкни тақсимлаш жараёнида йўл қўйилган хато бўлган ҳолларда кафолат қўлланилмайди".

Умумий мулкни тақсимлаш адолат ва тугатилаётган ширкат иштирокчилари ҳуқуқининг тенглиги тамойиллари асосида амалга оширилади. Мулк адолатсиз тақсимланган ҳолларда, иштирокчи тақсимлаш натижаларини қайта кўриб чиқишни талаб қилишга ҳақли. Тақсимлашни қайта кўриб чиқишга мулкни тақсимлаш иштирокчиларнинг келишуви асосида амалга оширилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Мулкни тақсимлаш натижалари суд тартибида қайта кўриб чиқиши мумкин. Ширкатнинг ҳуқуқлари бузилган иштирокчиси бундай қайта кўриб чиқиш ҳақидаги даъво аризаси билан мулкни тақсимлаш тўғрисида шартнома тузилган вақтдан бошлаб бир йил давомида судга мурожаат этиши мумкин. Суд иштирокчининг даъвосини қаноатлантириш ва тақсимлашни қайта кўриб чиқиш ҳақида қарор чиқариши мумкин. Суд адолатли тақсимлашни кафолатлаганлиги учун унинг қарорини қайта кўриб чиқишга йўл қўйилмайди.

Назорат учун саволлар

1. Мусулмон мамлакатлари корпоратив ташкилотларининг ҳуқуқий асослари қандай?
2. Мусулмон мамлакатлари корпоратив ташкилотлари ҳуқуқий асосларида Романо-герман ва англосаксон ҳуқуқ тизимлари меъёрлари қандай ўз аксини топади?
3. Мусулмон мамлакатлари корпоратив ташкилотларини ҳуқуқий тартибга солишнинг замонавий йўналишлари қандай?
4. Мусулмон мамлакатлари корпоратив ташкилотларининг муҳим ўзига хос хусусиятлари нимада?
5. Мусулмон давлатларида тўлиқ ширкатлар ҳуқуқ томонидан қандай тартибга солинади?
6. Уларда ишларни бошқариш қандай ташкил этилган?
7. Араб мамлакатларидаги коммандит ширкатларнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
8. Мусулмон мамлакатларида ширкат фаолиятини тўхтатиш ҳуқуқ меъёрларида қандай тартибга солинади?
9. Мусулмон мамлакатларида ширкат фаолиятини тугатиш ҳуқуқ меъёрларида қандай тартибга солинади?
10. Мусулмон мамлакатлари қонунчилигига кўра тугатилаётган ширкат мол-мулки қандай тақсимланади?

IV БОБ КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ

1-§. Корпоратив ҳуқуқнинг субъектлари. Уларнинг умумий тавсифи

Барча корпорациялар даромад олиш мақсадини кўзлаши ёки бундай мақсадни кўзламаслигига қараб икки гуруҳга – тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган корпорацияларга бўлинади. Бу ерда эътибор уларнинг асосий мақсадига қаратилади. Олинган даромаддан фойдаланиш тартиби ҳам бундай тартибда гуруҳларга бўлишнинг мезони ҳисобланади. Тижоратчи ташкилотнинг асосий мақсади даромад олиш ва уни таъсисчилар (иштирокчилар) ўртасида тақсимлашдан иборат. Тижоратчи бўлмаган корпорация одатда ижтимоий масалаларни ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Агар тижоратчи бўлмаган ташкилот тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланса, бундай фаолият натижасидан олинган даромад унинг иштирокчилари (аъзолари) ўртасида тақсимланмайди, балки ижтимоий фойдали масалаларни ҳал этишга сарфланади.

Корпоратив ҳуқуқ субъектлари хўжалик юритувчи субъектлар қаторига киради. Ўзбекистонда бу миллий ва чет эл тижорат ташкилотлари ва уларнинг бирлашмалари (иттифоқи ёки ассоциациялари), тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган тижоратчи бўлмаган ташкилотлардир. Ўзбекистон Республикаси ва унинг жойлардаги тузилмалари фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинадиган фуқаролар ва юридик шахслар билан ўзаро тенгликка асосланган тижорат муносабатларига киришадилар. Республика ва унинг маҳаллий тузилмалари номидан тижорат муносабатларида ҳуқуқ субъекти сифатида ўз ваколатларига кўра фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлувчи ва уларни амалга оширувчи давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари чиқади.

Корпоратив субъектлар қаторига тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативлари кабиларни киритиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси юридик шахс ҳисобланиб, ўз

хўжалик юритувидаги мулкка эга бўлади ва ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб беради, ўз номидан мулк ва шахсий номулк хуқуқларга эга бўлади, судда даъвогар ва жавобгар бўлади, мустақил баланс ва сметага эга бўлади.

ФКнинг 39-моддасида юридик шахс мулкнинг алоҳидалиги ифодаланган ҳуқуқий шакл ва ҳуқуқлари назарда тутилган. Шунингдек, мазкур моддада юридик шахснинг ушбу мулк билан жавоб бериши кўрсатилган. Лекин шуни ҳам назардан четда қолдирмаслик лозимки, юридик шахснинг мулк бу билан чегараланмайди. Амалда юридик шахснинг қарзларини ундириш объекти бошқа мулк бўлиши ҳам мумкин. Одатда бу ширкат ва жамиятларнинг банкдаги воситалари бўлади. Юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича айнан мана шу воситалар (мулк) билан жавоб беради.

Корпорациянинг мустақил баланс ва сметасининг мавжудлиги уни мустақил юридик шахс деб топишнинг зарурий белгисидир. Мустақил баланс ва сметага эга эканлигини кўрсатувчи тегишли ҳужжатларнинг мавжудлиги юридик шахснинг мулк мустақиллигини ифодалайди ва маълум маънода таъминлайди.

Ягона хўжалик мақсадига эришиш учун корпоратив ташкилот иштирокчиларининг ўзларининг воситаларини бирлаштирадilar. Ширкат, кўп ҳолларда иштирокчиларнинг шахсий сифатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган шахсларнинг бирлашмаси бўлиб, унда иштирокчиларнинг нисбатан жипсроқ шахсий муносабатлари кузатилади. Жамиятларда иштирокчиларнинг шахсий сифатлари улар ўртасидаги муносабатларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмасдан, биринчи ўринда маблағнинг жамланиши масаласи чиқади.

Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари хўжалик юритиш учун бирлашган субъектлар эркига кўра ташкил этилади. Фуқаролар ва юридик шахслар, уларнинг таъсисчилари (иштирокчилари) бўлиши мумкин. Хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг иштирокчилари ўзлари томонидан ташкил этилган юридик шахсга нисбатан мажбурият ҳуқуқига эга бўлади. Бу шу билан изоҳланадики, таъсисчилар (иштирокчилар, шу жумладан акциядорлар) ширкат ёки жамият мулкка нисбатан улушли мулк ҳуқуқи субъекти бўлиб ҳисобланмайди, ширкат ёки жамиятнинг мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи юридик шахсга тегишли бўлади.

Якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаролар уш-

бу фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган битимлар тузиш ва бошқа ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни ўз номидан, таваккалчилик асосида амалга оширади. Кредиторлар олдида у ўзининг фақатгина тадбиркорлик фаолиятини юритишда фойдаланаётган мулки билан эмас, балки бутун мол-мулки билан жавоб беради.

Фуқаролар ва юридик шахслар корпоратив ташкилот (хўжалик ширкати ёки жамияти) шаклидаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга бўлган ҳуқуқини амалга оширар экан, улар корпорациялар билан боғлиқ муайян ҳуқуқларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Ҳар бир иштирокчи корпорация (ширкат ва жамият) фаолиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ширкат ёки жамиятнинг туридан келиб чиққан ҳолда уни бошқариш ишида иштирок этиш ҳуқуқи бевосита бошқарув қарорлари чиқариш (масалан, тўлиқ ширкатда) ёки акциядорлик жамиятлардагидек бошқарув ва назорат органларини ташкил этиш шаклида амалга оширилиши мумкин.

Тўлиқ ширкат иштирокчиси бўлган коммандитчи уни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас. Акциядорлик жамияти низомида акциядорлик жамиятини бошқариш ишларида акциядорларнинг иштирок этиши чеклаб қўйилиши мумкин.

2-§. Хўжалик жамиятлари

а) Хўжалик жамияти таркибидаги акциядорлик жамияти.

Акциядорлик жамиятини ташкил этиш, унинг ҳуқуқий ҳолати, акциядорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий меъёрлар Фуқаролик кодекси (64-модда), 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект акциядорлик жамияти деб ҳисобланади. Акциядорлар ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида жамиятнинг мажбуриятлари билан боғлиқ зарарлар бўйича таваккал қиладилар ва жавобгар бўладилар. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулки-

га эга бўлади. У ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк юзасидан жавоб беради.

Акциядорлик жамиятининг низом жамғармаси акциядорлар томонидан акция учун тўланган тўловдан шакллантирилади. Акция ҳақини ўз вақтида тўламаслик низомида кўрсатилган маблағи мавжуд бўлмаган акциядорлик жамиятининг хўжалик фаолиятини қийинлаштириб қўйиши мумкин. Акция пули акциядорлар томонидан ўз вақтида тўланиши учун қатъий қоида ўрнатилган, бу қоидага кўра акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Акциядорлар жамиятининг ҳуқуқий ҳолати жамият мулки акциядорларнинг умумий мулки эканлиги ҳақида хулоса чиқариш учун асос бўлади. Фуқаролик кодексининг 216-моддасига кўра, мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган (улушли мулк) ёки бундай улушлар аниқлаб қўйилмаган (биргалликдаги мулк) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин.

Ҳар бир акциядор унинг улушини умумий мулкдан ажратиб бўлмаслиги сабабли алоҳида ҳолда жамият мулкига нисбатан ҳуқуққа эга бўлмайди, шунинг учун акциядор фақат мажбурият ҳуқуқларига эга бўлганлиги боис жамият тугатилаётган вақтда мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида чиқа олмайди ҳамда ўз улушини талаб қила олмайди. Лекин кейинги ҳолатда акциядор кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган мулкдан ўз улушини талаб қилиш ҳуқуқини йўқотмайди.

Фуқаролик кодексининг 58-моддасига кўра фаолиятининг асосий мақсади даромад олишдан иборат бўлган жамиятлар хўжалик жамиятлари сифатида тан олинади. Лекин шуни ҳам назарда тутиш керакки, акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолияти биринчи навбатда жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган. Шундай экан, даромад олиш ундан ҳам олий мақсад – эҳтиёжларни қондиришга бўйсунган. Эҳтиёжлар қондирилмас экан, даромад ҳам бўлмайди.

Акциядорлик ишининг моҳияти олинган даромадни қайта инвестиция қилиш орқали ишлаб чиқаришнинг ривожланишини тезлаштириш мақсадида, инвесторлар (акциядорлар)нинг воситаларини жалб этишдан иборат. Шунинг учун акциядорлик жамияти капиталининг

ўсиши олинган даромаднинг қайта инвестиция қилингани ва йиғилганида кўринади, деган формула акциядорлик жамиятларининг асосий мақсадларидан бирини нисбатан тўлиқ ифодалайди. Бу мақсад бош вазифа – жамиятнинг муайян турдаги маҳсулот ва хизматга бўлган эҳтиёжларини қондиришга бўйсундирилган.

б) Очиқ ва ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари.

Очиқ акциядорлик жамияти ўзи чиқараётган акцияларга очиқ обуна ўтказишга, акциядорлар эса ўзларига тегишли акцияларини ўзга акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши мумкин. Очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг сони чегараланмайди. Акциядорлик жамиятининг очиқлиги унинг ҳар йили йиллик ҳисобот, бухгалтерлик баланси, даромад ва харажатлар ҳақидаги маълумотларни чоп этиши кераклигида кўринади.

Чоп этиш маҳаллий ва марказий матбуотда амалга оширилиши мумкин. Чоп этиш учун қайси нашрнинг танланиши акциядорлик жамияти акцияларининг тарқалган ҳудудига ҳам боғлиқ.

Ёпиқ акциядорлик жамиятида акциялар фақат ўз муассислари ёки олдиндан белгиланган доирадаги шахслар орасида тақсимланади. Бундай жамиятларда акциядорлар сони қонун билан чекланади. 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни бундай акциядорларнинг сони эллик нафардан ошиши мумкин эмаслигини белгилайди. Акс ҳолда акциядорлик жамияти бир йил ичида очиқ акциядорлик жамиятига айлантириши ёки суд тартибида бекор қилиниши керак. Бир йил ичида акциядорлар сони қонунда белгиланган миқдорга келтирилган ҳолларда бу оқибатлар келиб чиқмайди.

Ёпиқ акциядорлик жамияти акциядорлари ушбу жамиятнинг бошқа акциядорлари сотаётган акцияларни ўзга шахсга таклиф этилаётган нархда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар. Бундай ҳолларда акциялар учинчи шахс билан тузилган битим асосидаги шартлар асосида сотиб олинади. Жамият низомида очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари чоп этадиган маълумотларни чоп этиш ҳоллари назарда тутилиши мумкин.

Жамият низомида, шунингдек ўзининг акциядорлари томонидан сотиладиган акцияларни сотиб олишда акциядорлар ўзларининг имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган ҳолларда бундай ҳуқуққа жа-

миятнинг эга бўлиши белгиланиши мумкин. Акциядорлар сотаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тартиби, муддати жамият уставида белгилаб қўйилади. Имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш муддати акциялар савдога қўйилган пайтдан бошлаб 30 кундан кам ва 60 кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

в) Акциядорлик жамиятининг филиаллари ва ваколатхоналари.

Акциядорлик жамиятлари филиаллар ташкил этиши ҳамда ваколатхоналар очиши мумкин. Улар ўзларини ташкил этган жамият томонидан мол-мулк билан таъминланади ва шу жамият тасдиқлаган низомлар асосида иш кўради.

Филиал ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият томонидан тайинланади ва жамият берган ишончнома асосида иш кўради. Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни тузган жамият зиммасида бўлади.

Жамият уставида унинг филиаллари ҳамда ваколатхоналари тўғрисида маълумотлар берилган бўлиши керак. Жамиятнинг филиаллари ҳамда ваколатхоналарига доир маълумотлар ўзгариши муносабати билан унинг уставига киритилган ўзгартишлар тўғрисидаги ахборот юридик шахсларни давлат рўйхатига олувчи органга маълумот тарзида тақдим этилади. Жамият уставидаги мазкур ўзгартишлар маълум қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга киради.

г) Шўъба хўжалик жамияти.

Асосий ва шўъба жамияти ўртасида иқтисодий қарамлик даражаси муҳим ўрин тутди. Агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шўъба хўжалик жамияти ҳисобланади (ФКнинг 67-моддаси 1-қисми).

Шўъба хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади. Асосий жамият (ширкат) айби билан шўъба хўжалик жамияти ночор (банкрот) бўлиб қолган тақдирда, асосий жамият (ширкат) унинг қарзлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади. Шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти (ширкати)нинг қарзлари бўйича жавоб бермайди.

Асосий жамиятнинг айби шўъба хўжалик жамиятини унинг фао-

лиятида қўллаб бўлмайдиган ҳаракатларни содир этишга мажбур қилиш шаклида ифодаланиши мумкин. Асосий жамиятнинг мажбурий кўрсатмаларини бажариш зарарга олиб келса, акциядорлар асосий жамиятдан ушбу зарарларни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шўъба хўжалик жамияти банкротликка тушиб қолишининг олдини олиш учун зарарларни ундириш талабини ўз вақтида амалга ошириши лозим.

Асосий жамият мажбурий кўрсатмаларни бераётган вақтда улар шўъба хўжалик жамиятини инқирозга олиб келишини билган ҳолатдагина шўъба хўжалик жамиятига зарар етказишда субсидиар жавобгар бўлади.

д) Қарам хўжалик жамияти.

Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига қарашли овоз берадиган акцияларнинг йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлса, бундай хўжалик жамияти қарам жамият деб ҳисобланади (ФКнинг 68-моддаси 1-қисми). Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият қарам жамият устав фондининг тегишли қисмини қўлга киритиб олганлиги ҳақидаги маълумотларни қонунда назарда тутилган тартибда дарҳол эълон қилиши шарт.

Хўжалик жамиятлари бир-бирларининг устав фондларида ўзаро қатнашишининг чегараси ва бундай жамиятлардан бири бошқа жамият иштирокчилари ёки акциядорларининг умумий йиғилишида фойдаланиши мумкин бўлган овозлар сони қонунда белгилаб қўйилади.

Қарам жамиятлар устун жамият билан бўладиган муносабатларда эҳтиёткор бўлиши лозим. Чунки устун жамиятда йигирма фоиз овоз берувчи акцияларнинг мавжудлиги унга акциядорларнинг учдан тўрт қисм овозини талаб этадиган қуйидаги масалаларни ўзи хоҳлаганча ҳал этиш имкониятини беради:

- уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уставнинг янги таҳририни тасдиқлаш;
- жамиятни тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг чегара миқдорини белгилаш;
- йирик битимлар тузиш.

Қонун акциядорлик жамиятларига бундай ҳолатларнинг олдини олишининг қуйидаги имкониятини яратади: жамият уставида бир нафар акциядорга (юримдик ёки жисмоний шахсга) тегишли бўлиши

мумкин бўлган акцияларнинг миқдори ёки қиймати, шунингдек, бир нафар акциядор эга бўла оладиган энг кўп овоз миқдори чегараланиши мумкин.

Бир жамиятнинг иккинчисига қарамлиги даражаси хўжалик муносабатларининг субъекти сифатида қарам жамиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Масалан, бундай жамият билан йирик битим тузишда ушбу битим қарам жамият томонидан қай даражада қўллаб-қувватланишини баҳолаш лозим бўлади.

Қарам жамият юридик шахс бўлиб, унга тегишли ҳуқуқларга эга бўлади ҳамда ўз мажбуриятлари бўйича мустақил тарзда жавобгар бўлади.

3-§. Хўжалик ширкатлари

а) Хўжалик жамиятлари тизимида тўлиқ ширкат

Иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат тўлиқ ширкат ҳисобланади (ФКнинг 60-моддаси 1-қисми).

Ширкат тўлиқ ширкат сифатида тан олинishi учун унинг таркибида ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини юритадиган камида икки нафар иштирокчи бўлиши керак. Тўлиқ ширкат аъзоларининг ширкат мажбуриятлари юзасидан чекланмаган тарзда солидар жавобгар бўлиши унинг яна бир асосий белгиларидан биридир. Юқори даражадаги ўзаро ишонч, тадбиркорлик фаолияти соҳасида тан олиш кабилар тўлиқ ширкат иштирокчиларига хос хусусиятлардан ҳисобланади. Тўлиқ ширкатда ҳар бир иштирокчи ширкат ишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар тўлиқ ширкат иштирокчилари бўлиши мумкин, лекин бир шахс фақат битта тўлиқ ширкатнинг иштирокчиси бўлиши мумкин. Хўжалик жамияти ёки бошқа ширкатга омонатга пул қўйган шахс бир вақтнинг ўзида тўлиқ ширкат иштирокчиси бўлиши мумкин.

Тўлиқ ширкат юридик шахс бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳолда тижорат ташкилоти сифатида у фирма номига эга бўлиши керак. Фирма номида ширкат фаолиятининг характерини кўрсатиш талаб

этилмайди, лекин унда ташкилий-ҳуқуқий шакли, яъни "тўлиқ ширкат" сўзи киритилган бўлиши лозим. Бу ширкат билан муносабатга киришмоқчи бўлган шахслар учун муҳимдир.

Тўлиқ ширкат бундай турдаги хўжалик ширкатларига хос бўлган ягона таъсис ҳужжати – таъсис шартномаси асосида ташкил этилади ва фаолият юритади. Таъсис шартномаси тўлиқ ширкат тузмоқчи бўлган шахсларнинг ўзаро муносабатлари ва уларнинг аниқ ширкат хусусиятлари борасидаги эркини ифода этиш учун зарур ва етарли шакл бўлиб ҳисобланади.

б) Коммандит хўжалик ширкати.

Коммандит ширкат ҳам ишончга асосланган ширкат бўлиб ҳисобланади. Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат коммандит ширкат ҳисобланади (ФКнинг 61-моддаси).

Кўриниб турганидек, коммандит ширкат (ишончга асосланган ширкат) ширкатда турли мавқега ва шунга қараб турли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган икки тоифадаги иштирокчилардан ташкил топади. Коммандит ширкат фаолияти унинг тўлиқ иштирокчилари томонидан белгиланади. Уларнинг мақоми тўлиқ ширкат иштирокчиларининг мақоми билан бир хил. Ширкатнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этувчи иккинчи тоифа ҳисса қўшувчилар бўлиб, улар ўзлари киритган сумма миқдори доирасидагина таваккал қиладилар. Шундай қилиб, коммандит ширкат фаолиятида ҳисса қўшувчиларнинг иштироки ушбу фаолиятни молиявий таъминлаш учун восита ва маблағни бериш билан чегараланади.

Коммандит ширкатнинг ҳуқуқий ҳолати ташкилот характери ҳақида маълумотни ўзида акс эттирган унинг фирма номи билан аниқланади. Фирма номига ҳисса қўшувчининг исми фақат унинг розилиги билан киритилиши мумкин. Акс ҳолда ҳисса қўшувчига тўлиқ шерикнинг мажбурият ва масъулиятларини юклаш учинчи шахслар учун ижобий ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди ва бу ҳолат

суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Тўлиқ шериклар томонидан имзоланадиган таъсис шартномаси коммандит ширкатнинг пайдо бўлиши ва фаолият юритишининг асоси бўлиб ҳисобланади. Ҳисса қўшувчиларга таъсис шартномасини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш жараёнида иштирок этиш тақиқланмайди. Ҳисса қўшувчиларнинг ширкат ҳужжатларини муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқи таъсис шартномасида назарда тутилиши мумкин. Таъсис шартномасида шунингдек, ҳисса қўшувчилар томонидан киритиладиган ҳиссанинг умумий миқдори кўрсатилиши керак. Киритиладиган ҳиссалар тенг бўлмаслиги ҳам мумкин, лекин таъсис шартномасида уларни тенг миқдорда киритиш белгиланган бўлиши мумкин. Таъсис шартномасида қонун талабларига зид бўлмаган бошқа шартлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

4-§. Корпоратив ҳуқуқ объектлари. Уларнинг умумий тавсифи

Корпоратив ҳуқуқнинг асосий объекти бўлиб тадбиркорлик ҳисобланади. Ташаббускорлик ва таваккалчиликка асосланган ҳолда даромад (фойда) олишга қаратилган фаолият сифатида тадбиркорлик дастлаб хусусий мулк шаклида вужудга келди. Хусусий мулк, бозор муносабатлари, тадбиркорлик – бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳодисадир. Хусусий мулк негизида пайдо бўлган бозор муносабатлари тадбиркорлик воситасида амал қилади. Хусусий мулк негизида бозор муносабатларининг амалга оширилиши, тадбиркорликнинг ривожланиши иқтисодий муносабатлар тизимида бошқарувнинг демократик шакл ва усулларини киритишни тақозо этади. Бозор муносабатлари фақат хусусий мулк субъектига хос бўлган эркин, ташаббускор тадбиркорлик фаолиятини талаб этади. Хусусий мулк нафақат иқтисодий эркинликнинг, шахс эркинлигининг ҳам асоси бўлиб ҳисобланади. Хусусий мулк ва унга асосланган шахс эркинлиги ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида, шу жумладан тадбиркорлик соҳасида ҳам ижодий ва ташаббускор фаолиятни амалга ошириш учун зарур шароит яратади.

Тадбиркорлик – ресурслардан оқилона фойдаланишнинг янги соҳаларини қидириш ва уларни фойдали жойлаштириш, ишлаб чиқаришнинг янги комбинацияларини амалга ошириш, янги бозорлар са-

ри кадам қўйиш, янги маҳсулотлар яратишдир. У иқтисодий ҳаёт ва ишлаб чиқариш технологиялари, турли хилдаги хизмат кўрсатишнинг у ёки бу соҳасида муваффақиятга эришиш асосида эҳтиёжларни нисбатан тўлиқ қондириш орқали даромад олишга йўналтирилган. Олдиндан кўра билиш, асосли таваккалчилик ва стратегик бошқарув тадбиркорликнинг ажралмас қисмлари бўлиб ҳисобланади. Шунинг ёрдамида тадбиркорлик иқтисодни ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг фаол омилига айланади¹⁸.

Тадбиркорлик билан шуғулланаётган корхонанинг асосий мақсади технологик ва ташкилий характердаги фаолият соҳасида ривожланишга бўлган узлуксиз интилиш натижасида эришиладиган даромад имкониятларини ошириш бўлиб ҳисобланади. Бунга даромад олиш эҳтимолини баҳолаш ва бошқарув сифатини ошириш, ижод ва ташаббусни рағбатлантириш, оқилона таваккалчилик ҳаракатларига йўл қўйиш, яратувчилик таваккалчилигига тайёр туриш, корхонанинг муамоларини инобатга олган ҳолда мослашувчан ташкилий тузилма ташкил этиш кабилар орқали эришилади.

Тадбиркорлик фаолияти билан юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фуқаролар шуғулланишлари мумкин. Ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш ҳамда тадбиркорларнинг (юридик шахслар) манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида ассоциация, иттифоқ шаклларидаги бирлашмалар ташкил этилиши мумкин. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар биргалликда фаолият олиб боришлари учун хўжалик бирлашмалари ва ширкатларини ташкил этишлари мумкин.

Юридик шахс ҳисобланган тадбиркорлар ассоциациялари (иттифоқлари) концерн, корпорация ва хўжалик бирлашмаларининг бошқа шакллари сифатида қайта ташкил этилиши мумкин. Иштирокчилар қарорига кўра ассоциация зиммасига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш юкланганда бундай қайта ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Корпорациялар юридик шахс сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Юридик шахснинг асосий белгилари ФКнинг 39-моддасида белгиланган. Унга асосан у ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлиши ҳамда

¹⁸ Круглова Н.Ю. Коммерческое право: Учебник. М., 2000. 59 б.

ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб бериши, ўз номидан мулкӣ ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла олиши ва уларни амалга ошира олиши, мажбуриятларни бажара олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўла олиши лозим.

Юридик шахснинг алоҳида мол-мулки унга мулк ҳуқуқи (ФКнинг 208-моддаси), хўжалик юритиш (ФКнинг 176-моддаси) ёки оператив бошқариш (ФКнинг 178-моддаси) ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзининг алоҳида мол-мулки билан ушбу мол-мулкка нисбатан қандай ҳуқуқ, яъни мулк ҳуқуқи, хўжалик юритиш ҳуқуқи, оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бошқаришидан қатъи назар жавоб беради. Тижорат ташкилоти сифатида корпорациянинг мол-мулки кўп ҳолларда унга тегишли алоҳида мулк сифатида қаралмайди. Шунинг учун корпоратив ташкилот ўзининг мажбуриятлари бўйича фақат бу мулк билан жавоб бермайди. Амалиётда умуман бошқача, мулк ундирувни қаратиш объекти ҳисобланади. Одатда бу ташкилотга мажбурият ҳуқуқи асосида тегишли бўлган банк ҳисобварағларидаги воситалари бўлади.

Корпорацияларнинг тижоратчи ташкилот ҳисобланиши ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши туфайли улар фаолиятига қуйидаги асосий белгилар хос бўлади: 1) мулкӣ муносабатларда даромад олишга йўналтирилганлик; 2) бундай фаолият мунтазам равишда, яъни доимий асосда амалга оширилиши керак; 3) бу фаолият белгиланган тартибда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Корпоратив ташкилотнинг тадбиркорлик фаолияти ҳар доим тижорат характериға эга бўлади. Бундай фаолият одатда тижорат ташкилоти ва маҳсулот сотиш ёки хизмат кўрсатиш бўйича унинг мажбуриятларини ўрнатадиган шахс ўртасида тузиладиган оммавий шартнома асосида амалга оширилади (ФКнинг 358-моддаси) бундай шартнома қуйидаги белгиларға эга бўлади: 1) у фақат тижорат ташкилоти, яъни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот билангина тузилиши мумкин; 2) бундай шартнома бўйича фаолият ўз характериға кўра оммавий бўлиши керак, яъни коммерсант шартнома тузиш таклифи билан шартнома тузиш истагини билдирган ҳар бир шахсға мурожаат этиши керак.

Оммавий шартнома бўйича тижорат ташкилотига қуйидаги мажбуриятлар юкланади: 1) умумий қоидага кўра у шартнома тузаётган вақтда бир шахснинг олдида бошқасига афзалликлар беришга ҳақли эмас; 2) маҳсулот нархи ва оммавий шартноманинг бошқа шартлари барча учун бир хил бўлиши керак; 3) истеъмолчини маҳсулот ёки хизмат билан таъминлаш имконияти бўлганда ташкилот шартнома тузишни рад этишга ҳақли эмас; 4) шартнома тузиш асоссиз равишда рад этилган ҳолларда ФКнинг 377-моддаси 6-қисмида назарда тутилган қоида қўлланилади. Унга асосан шартнома суд тартибида тузилиши ёки шартнома тузишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарар қопланиши мумкин.

Корпоратив ташкилот томонидан самарали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун олдиндан кўра билиш, тадқиқод ва ижод муҳим ҳисобланади. Ушбу усуллар узок муддатли муҳим оқибатларга эга бўлган ва тадбиркорлик фаолиятининг ҳаётийлиги ва даромадлилигини мустаҳкамлайдиган қарорлар қабул қилиш ва амалга оширишнинг ўзига хос моделларини қўллашни талаб этади.

Стратегик режалаштириш, рақобатда стратегик позицияни танлаш, аниқ ва мақсадли белгиланган стратегик вазифаларни белгилаш орқали ҳамда тадбиркорлик корпоратив ташкилоти тузилмаси ваколатлари доирасида намунали бошқариш қарорлар қабул қилишнинг нисбатан ўзига хос модели ҳисобланади. Рақобатда корпоратив ташкилотнинг стратегик позицияни танлаш модели даромадни қисқа фурсатда ва узок муддатга кўпайтириш учун асосий модел бўлиб ҳисобланади. Стратегик позициянинг тўғри танланиши бозор иқтисодиёти шароитида корпоратив ташкилотнинг муваффақияти ва ривожланишининг асосий шarti бўлиб ҳисобланади.

5-§. Тадбиркорлик фаолияти турлари корпоратив ҳуқуқ объекти сифатида

Тадбиркорлик фаолияти умумий вазифа – ишлаб чиқариш, савдо ва аҳолига хизмат кўрсатишни ривожлантириш, жамият аъзолари эҳтиёжларининг қондирилишига эришишга йўналтирилган тегишли фаолиятлар йиғиндисидан ташкил топади. Ишлаб чиқариш фаолияти саноат соҳасида техника, ускуна тайёрлаш, қурилиш соҳасида бино ва иншоотлар қуриш, қишлоқ хўжалик соҳасида маҳсулотларни

етиштириш ва ишлаб чиқариш кабиларга йўналтирилган бўлиши мумкин. Савдо соҳасидаги фаолият маҳсулотларни улгуржи ва чакана шаклларда сотиш орқали амалга оширилиши мумкин. Хизмат кўрсатиш фаолияти кенг соҳа бўлиб, ўз ичига турли хилдаги транспорт воситаларида йўловчи, юк ва багаж ташиш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш кабиларни қамраб олади. Тадбиркорлик фаолияти турларига шунингдек, молия, ҳисоб-кредит операциялари ўтказиш, фуқаролар шахси, мулкни ҳамда ташкилотларни суғурта қилиш кабилар ҳам киради. Тадбиркорлик фаолияти турли кўринишдаги – иқтисодий, техник, молиявий, илмий, ҳуқуқий каби маслаҳатлар бериш шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Санаб ўтилган тадбиркорлик фаолияти турлари бутуннинг бир қисми сифатида бир-бирини тўлдиради ва бир-биридан келиб чиқади. Маълумки, ишлаб чиқарувчилар хом-ашё олиш ва ўз маҳсулотларини сотиш учун воситачи хизматига муҳтож бўлишади, хизмат кўрсатувчи фирмалар эса ёрдамчи ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотиш мақсадида ташкил этилади. Айниқса ательелар, тузатиш устахоналари, соғлиқни сақлаш муассасалари, хусусий мактаблар, меҳмонхоналар каби маданий-маиший хизмат соҳаси жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу тури бу озиқ-овқат, уй-жой, техника, илмий ва тажрибага асосланган билимларни, информацион ва бошқа хизматларни, бир сўз билан айтганда, моддий ва маънавий ишлаб чиқаришда яратиладиган, истеъмол хусусиятларига эга бўлган ва инсонларнинг турли эҳтиёжларини қондира оладиган барча маҳсулотларни яратиш ва ишлаб чиқариш ҳамда уларни реализация қилишнинг иқтисодий жараёнидир.

Тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турлари қонунчиликка асосан лизенцияланади. 2003 йил 25 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 13-моддасига асосан, тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини лицензиялаш тартиби қонунда кўрсатилган ҳоллардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

2000 йил 25 майда қабул қилинган "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

– лицензияловчи органларни ва фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартибини белгилаш, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лицензиялар реестрини юритиш тартибини белгилаш;

– фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларига лицензияловчи органларнинг риоя этишларини назорат қилиш;

– лицензиялашнинг айрим турларини амалга ошириш.

Лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига асосан белгиланади. "Корхоналар (ташкilotлар) фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосида шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари тўғрисида"ги Қарор дастлаб 1992 йил 14 январда қабул қилинган эди. Кейинчалик бу қарорга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Лицензияланиши лозим бўлган фаолият турлари рўйхати белгиланган амалдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори 2001 йил 12 майда қабул қилинган.

Амалдаги рўйхат тадбиркорлар лицензия асосида шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турларининг қанчалик кенг ва турли-туманлигини кўрсатди. Қурол ва ўқ-дориларни ишлаб чиқариш, тузатиш, қайта ишлаш ва сотиш билан бир қаторда бу рўйхатга ов ва спорт ўқ отар қуролларини ишлаб чиқариш, тузатиш ва реализация қилиш; илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш; магистрал газ, нефть қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, тузатиш; банк, ветеринария, тиббиёт, суғурта, аудиторлик, адвокатлик, нотариал, ноширлик, биржа, туристик ва бошқа фаолият турлари киритилган. Рўйхатда шунингдек, маҳаллий ва халқаро йўналишлари, шунингдек маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича темир йўл, автомобиль ва сув транспортида йўловчи ва юкларни ташиш; телекоммуникациялари, кўчма радиотелефон алоқаси тармоқларининг халқа-ро тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш; нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш; нодавлат таълим муасса-саларининг фаолияти; бадий ва хроникал-ҳужжатли, илмий-омма-боп, тасвирий, мультипликацион

киновидеофильмлар ҳамда дастур-лар ишлаб чиқариш каби бир қатор фаолият турлари назарда тутилган.

Тадбиркорлик фаолиятининг турли кўринишлари умумсаноат ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ. Маҳсулотлар режалаштириш вақтида бўлганидек, ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи ва истеъмомчигача тасдиқлаш, тақсимлаш орқали етказиб берилмайди. Бозор муносабатлари шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш муносабатлари тадбиркорлар томонидан тузиладиган тегишли шартномаларни тузиш орқали амалга оширилади. Ҳатто аҳолининг ижтимоий эҳтиёжлари учун муҳим бўлган давлатнинг озиқ-овқат, ёқилғи-энергетика ва хом ашёларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида буюртмачи ва етказиб берувчилар билан давлат шартномаси тузилади. Давлат шартномаси ижро этилганидан кейин корхоналар (фермер хўжаликлари) тусарруфида қолган маҳсулотларни реализация қилиш мол-хом ашё биржалари иштирокида улгуржи савдо ярмаркаларини ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг корхона, ташкилот ва фирмалари маҳсулотларни импорт ва экспорт қилиш юзасидан хорижий шериклар билан самарали фаолият юритмоқдалар. Мол-хом ашё биржалари иштирокида улгуржи савдо ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш орқали маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасидан четга чиқаришда, тасдиқловчи ҳужжатларга бўлган ҳолда бундай фаолият лицензияланмайди ва бундай маҳсулотлардан божхона божлари олинмайди. Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган маҳсулотларнинг айрим турларига божхона божларининг ўрнатилиши Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган муддатларда амалга оширилади. Шу билан бирга зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати вақтинча Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши ва ундан олиб чиқилиши мумкин бўлмаган маҳсулотларнинг рўйхатини белгилаши мумкин.

Республикада ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш механизмини содда-лаштириш, чет эл инвестициялари кириб келиши ва озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилишда рақобат муҳити шакллантирилишини рағбатлантириш борасида қизғин жараён кетмоқда. Ташқи савдо тарифли ва тарифсиз тартибга солиш орқали амалга оширилади, бунинг

устига квоталанадиган ва лицензияланадиган маҳсулотлар рўйхатини маълум даражада қисқартириш назарда тутилган. Давлат эҳтиёжлари учун озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш тендер асосида но-давлат мулк шаклига асосланган ҳолда ташкил этилган ташқи иқтисодий фирмалар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан юридик шахс ташкил этмаган ҳолда яқка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларнинг қонунда белгиланган баъзи алоҳида фаолият турлари билан шуғулланиши тақиқлаб қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилган давлат унитар корхоналари ва муассасалари, башарти уларни ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатларда фаолиятнинг мазкур турини амалга ошириш назарда тутилган бўлса, фаолиятнинг лицензияланадиган турини тегишли лицензияни олмасдан амалга оширишга ҳақлидир. Мазкур қоида кўрсатилган корхоналар ва муассасаларни лицензия талаблари ва шартларини, шунингдек фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш билан боғлиқ, қонун ҳужжатларига мувофиқ қўйиладиган бошқа талабларни бажаришдан озод этмайди.

Бугун Ўзбекистон Республикаси корпорациялари томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти жамиятнинг фаровонлигини, ишсизлик муаммосини ҳал этишда янги усулларнинг яратилишини таъминлайди. Бугун айнан тадбиркорлик ўзининг тўлаётган солиқлари билан давлатни таъминламоқда. Корпорация даромадининг солиқ кўринишида умумий манфаатларга тушиши ҳисобидан фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳалар ривожланади.

6-§. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун лицензия тушунчаси, турлари ва ҳаракати

Лицензия тушунчаси ва турлари ҳақида билимларга эга бўлиш нафақат корпоратив ҳуқуқни ўрганувчилар, балки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар учун ҳам муҳимдир.

а) Лицензия тушунчаси:

Лицензия – лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, лицензия талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома (ҳуқуқ);

фаолиятнинг лицензияланаётган тури – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган фаолият тури;

лицензиялаш – лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва кўриб чиқиш, лицензияни қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш жараёни билан боғлиқ тадбирлар комплекси;

лицензия талаблари ва шартлари – фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошираётганда лицензиат томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартларнинг мажмуи;

лицензияловчи органлар – қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялашни амалга оширувчи махсус ваколатли органлар; 1994 йил 21 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан бундай органлар қаторига қуйидагилар киради:

1. Вазирлар Маҳкамаси;
2. Адлия вазирлиги;
3. Молия вазирлиги;
4. Марказий банк;
5. Ички ишлар вазирлиги;
6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
7. Халқ таълими вазирлиги.

лицензия даъвогари – лицензияловчи органга фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган юридик ёки жисмоний шахс;

лицензиат – фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш лицензияси бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

лицензия шартномаси – фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензиатнинг лицензия олиши ва ундан фойдаланиши борасидаги лицензияловчи орган билан лицензия даъвогари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган ва улар ўртасида тузиладиган шартнома;

лицензиялар реестри – берилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган лицензиялар, шунингдек амал қилиши тугатилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган лицензияловчи органларнинг маълумотлар

базалари мажмуи.

б) Лицензиялар намунавий (оддий) ва якка тартибдаги бўлиши мумкин.

Намунавий (оддий) лицензиялар жумласига чекланмаган доирадаги юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган лицензиялар киради, агар ушбу шахслар тегишли фаолият турини амалга оширишга нисбатан қўйиладиган ягона шартлар ва талабларга жавоб берсалар.

Якка тартибдаги лицензиялар жумласига юридик ва жисмоний шахсларга алоҳида талаблар ва шартлар асосида бериладиган, лицензиатларга фаолиятнинг мазкур турини амалга оширишда мутлақ ҳуқуқлар берувчи, миқдорий чекланган лицензиялар киради. Якка тартибдаги лицензиялар амал қилиш ҳудуди, фаолият объекти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган бошқа асосларга кўра миқдорий чекланади.

Якка тартибдаги лицензияларни бериш, қоида тариқасида, танлов (тендер) асосида амалга оширилади. Якка тартибдаги лицензияларни бериш тартиби ва шартлари, шу жумладан танловларни (тендерларни) ўтказиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

в) Лицензия ҳар бир лицензияланадиган фаолият тури учун алоҳида берилади.

Лицензия даъвогарининг аризасига мувофиқ лицензия лицензияланаётган фаолият турининг бир қисмига (қисмларига) берилиши мумкин.

Амалга оширилиши учун лицензия олинган фаолият тури фақат лицензияни олган юридик ёки жисмоний шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Лицензияларни ёки уларга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

Амалга оширилиши учун лицензия берилган фаолият, агар лицензия талаблари ва шартларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилиши мумкин.

г) Лицензиянинг амал қилиш муддати, қоида тариқасида, чекланмайди.

Лицензия – лицензия даъвогарининг аризасида кўрсатилган муддатга берилади. Қонун ҳужжатлари билан лицензиянинг чекланган амал қилиш муддати белгиланиши мумкин, лекин бу муддат беш йил-

дан кам бўлмаслиги лозим. Лицензия фақат лицензия даъвогарининг аризасига кўра беш йилдан кам муддатга берилиши мумкин.

Фаолиятнинг айрим турини амалга оширишга доир давлат монополияси жорий этилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лицензиянинг амал қилиш муддати беш йилдан камроқ этиб белгиланиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилиш муддати тугагач, у лицензиатнинг аризасига биноан узайтирилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати тугашидан камида икки ой олдин берилиши лозим. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензияни берувчи учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Кўриниб турганидек, ҳар бир лицензия муайян тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун мўлжалланган. Ҳар бир лицензиянинг мазмуни у ёки бу фаолият туридан келиб чиқиб белгиланади. Лицензияда назарда тутилган талаб ва шартлар лицензиат, яъни ўз фаолиятини амалга ошираётган тадбиркор учун мажбурий ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятини лицензиялаш борасидаги қонун талабларининг бузилиши жавобгарликка тортишгача бўлган салбий оқибатларга олиб келади.

Назорат учун саволлар

1. "Корпоратив ҳуқуқ субъекти"нинг таърифини беринг.
2. Корпоратив ҳуқуқ субъектлари доирасига кимлар киради?
3. Хўжалик жамиятларини корпоратив ҳуқуқ субъекти сифатида тавсифланг.
4. АЖнинг филиал ва ваколатхоналари корпоратив ҳуқуқ субъекти сифатида ўзида нимани ифода этади?
5. Хўжалик ширкати нима?
6. Коммандит ширкатни тавсифланг.
7. Корпоратив ҳуқуқ объектининг таърифини беринг.
8. Мазкур объектларнинг таснифланишини айтинг.
9. Тадбиркорликнинг қайси турлари ушбу объектларга тегишли?
10. Тадбиркорлик фаолияти борасидаги лицензиялар ҳақида нималарни биласиз?

V БОБ КОРПОРАЦИЯЛАРНИ ТАЪСИС ЭТИШ ВА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ

1-§. Корпорацияларни таъсис этиш: иштирокчилар ва таъсисчилар, таъсис ҳужжатлари

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига асосан, акциядорлик жамиятларини таъсис этиш ва қайта ташкил этиш усуллари орқали шакллантирилади. Ушбу бобда акциядорлик жамиятларини таъсис этиш ҳақида сўз боради.

Акциядорлик жамияти очик ва ёпиқ турда ташкил этилиши мумкин. Қатнашчилари ўзларига тегишли акцияларини ўзга акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши мумкин бўлган акциядорлик жамияти очик акциядорлик жамияти деб ҳисобланади. Акциялари фақат ўз муассислари ёки олдиндан белгиланган доирадаги шахслар орасида тақсимланадиган акциядорлик жамияти ёпиқ акциядорлик жамияти деб ҳисобланади. Очик акциядорлик жамияти акциядорларининг энг кам сони чегараланмаган, ёпиқ акциядорлик жамиятлари акциядорларининг сони эса камида уч нафар қилиб белгиланган. Агар жамият аъзоларининг сони қонунда белгиланган миқдоргача камайтирилмаган бўлса, жамиятнинг ҳар бир таъсисчиси акциядор бўлиши керак.

Очик акциядорлик жамияти ўзи чиқараётган акцияларга очик обуна ўтказишга ва қонун ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда уларни эркин сотишга ҳақлидир. Бунда унинг акциядорлари сони чекланмаган бўлиши мумкин.

Бундай жамият ўзи чиқараётган акцияларга очик обуна ўтказишга ёхуд уларни чекланмаган доирадаги шахсларга сотиб олиш учун бошқача тарзда таклиф этишга ҳақли эмас. Ёпиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг сони эллик нафардан зиёд бўлиши мумкин эмас. Белгиланган чегарадан ортиб кетган тақдирда у ёпиқ акциядорлик жамиятлари учун миқдори акциядорларнинг чегараланган лимитидан ортиб кетган шахслар акциядорлар реестрида рўйхатга олинган кундан эътиборан олти ой ичида очик акциядорлик жамиятига айлан-

тирилиши, ушбу муддат тугагач, суд тартибида тугатилиши лозим.

Жамиятни таъсис этиш орқали тузиш юридик ёки жисмоний шахс бўлган ва уни тузиш ҳақидаги таъсис шартномасини имзолаган таъсисчилар қарорига асосан амалга оширилади. Акциядорлик жамиятини тузувчи юридик шахс сифатида ҳар қандай бошқа акциядорлик жамияти таъсисчи бўлиши мумкин. Янги жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни тегишли жамиятнинг кузатув кенгаши қабул қилади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши фақат жамиятнинг холдинг компаниялари, молия-саноат гуруҳлари ва бошқа тижорат ташкилотлари бирлашмаларида иштироки масаласини кўриб чиқади. Бундай қарорлар акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида назарда тутилган бўлиши лозим.

Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор таъсис йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият бир шахс томонидан ташкил этиладиган ҳолларда, уни таъсис этиш тўғрисидаги қарор ушбу шахс томонидан якка ҳолда қабул қилинади. Таъсис йиғилиши қуйидаги учта асосий масалани ҳал этиши лозим: жамиятни ташкил этиш, унинг низомини тасдиқлаш, жамиятни бошқариш органларини сайлаш. Бунда қарор айнан кўрсатилган кетма-кетликда қабул қилиниши керак. Овоз бериш натижалари таъсис йиғилиш баённомасида қайд этилиши лозим.

Таъсисчилар бир нечта бўлган ҳолларда улар ўртасида жамиятни ташкил этиш юзасидан ҳамкорликдаги фаолиятни таъминлашга қаратилган таъсис шартномаси тузилади. Бундай ҳолларда жамиятни ташкил этиш, улар томонидан биргаликдаги ҳаракатларни амалга ошириш тартиби, жамият устав фондининг миқдори, таъсисчилар ўртасида тақсимланадиган акцияларнинг турлари ва шакллари, жамиятни ташкил этиш бўйича таъсисчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби масалалар келишиб олинади.

Зарур бўлган ҳолларда таъсисчилар шартномада қонунга зид бўлмаган ҳар қандай қоидаларни киритишлари мумкин. Ҳамкорликдаги фаолият тартиби ҳақидаги шартлар таъсисчилар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, масалан, уларнинг бирига жамият учун бино қидириш топширилса, бошқасига давлат органларида тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, яна бирига эса мулкӣ бадал ва акция тўловларини ҳолис экспертиза қилиш каби масалалар топширилиши мумкин. Таъсисчилар ўртасида улар ўз зиммасига олган вазифаларни бажармаган

ҳолларда мулкӣ жазоларнинг қўлланилиши назарда тутилиши мумкин бўлган шартнома тузилишига йўл қўйилади.

Акциядорлик жамиятини ташкил этиш вақтида муассислар жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ битимлар тузадилар ва бошқа мажбуриятларга киришадилар. Бунда улар ўз номларидан ҳаракат қиладилар, чунки рўйхатдан ўтмагунга қадар акциядорлик жамияти субъект сифатида мавжуд бўлмайди. Бундай мажбуриятлар бўйича муассислар солидар тарзда жавобгар бўладилар.

Акциядорлик жамияти бир шахс томонидан қарор чиқариш орқали таъсис этиладиган ҳолларда бир неча таъсисчилар томонидан тузиладиган акционерлик жамиятига ўхшаб деярли бир хил мазмун касб этиши керак. Бундай ҳолларда якка тартибда қабул қилинган ҳужжат – "қарор" таъсисчининг очиқ жамият тузиш ва унинг низомини тасдиқлаш ҳақидаги эркини ифода этади.

Жамиятни таъсис этиш, унинг низоми, қимматли қоғозларнинг қиймати ҳамда пул баҳосига эга бўлган акциядор томонидан жамият акциясини сотиб олиш натижасида келиб чиқадиган бошқа мулкӣ ҳуқуқларни тасдиқлаш каби муҳим масалалар юзасидан қарорлар таъсисчилар томонидан яқдиллик билан қабул қилинади. Бундай ҳолда ҳеч бўлмаса бир нафар таъсисчининг норозилиги қарорни қабул қилиб бўлмаслик ҳолатини келтириб чиқаради.

Жамият иштирокчиларини унинг таъсисчиларидан фарқлай билиш керак. Иштирокчилар деганда жамият устав фондиди ташкил этишда ўзининг воситалари (кўп ҳолларда маблағлари) билан иштирок этадиган юридик ва жисмоний шахслар тушунилади. Бундай ҳолда улар юридик шахс сифатида акциядорлик жамиятининг келгусида мавжуд бўлишининг моддий асоси бўладиган алоҳида мулкани шакллантирадилар.

Акциядорлик жамиятининг иштирокчилари акциядорлар деб аталади. Жамият устав фондига ўз мулкларини киритиш орқали акциядорлар акциядорлик жамияти мулкига нисбатан ўзларининг мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат – акцияга эга бўладилар. Шу маънода "акция" тушунчаси "мулк" маъносида эмас, балки "мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат" сифатида тушунилади. Шундай қилиб, таъсисчилар бу жамиятни таъсис этиш ташаббуси билан чиқадиган шахслар бўлса, иштирокчилар унинг моддий базасини шакллантириш учун ўз мулкларини киритган шахслар ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб,

бир шахс бир вақтнинг ўзида жамиятнинг таъсисчиси ва иштирокчиси бўлиши мумкин.

Жамиятни ташкил этиш ўзида фуқаролик ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлган шахс (шахслар) – таъсисчи (таъсисчилар)нинг эркини ифода этади. Таъсис йиғилиши ёки конференция акциядорлар эркини бирлаштириш усули ҳисобланади.

Таъсис йиғилиши:

– акциядорлик жамиятини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва унинг уставини тасдиқлайди;

– акцияларга ортиқча обунани қабул қилади ёки рад этади. Акцияларга ортиқча обуна қабул қилинган тақдирда устав фонди тегишли равишда кўпайтирилади;

– таъсис этиш жараёнида муассислар томонидан тузилган шартномаларни тасдиқлайди;

– чиқарилаётган акциялар хиллари ва турларини ҳамда уларнинг сонини белгилайди;

– жамиятнинг кузатув кенгашини, тафтиш комиссиясини сайлайди.

Таъсис йиғилишида (конференциясида) овоз бериш муассислар кўшган ҳиссаларга мувофиқ ўтказилади. Таъсис йиғилиши (конференцияси) қарорларини оддий кўпчилик овоз билан қабул қилади. Таъсис шартномасини ўзгартириш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётган ҳоллар бундан мустаснодир, бунда барча муассисларнинг розилиги талаб этилади.

Устав ёки таъсис шартномаси ва устав ёхуд таъсисчиларнинг таъсис йиғилиши қарори билан тасдиқланган, фақат таъсис шартномаси жамиятнинг таъсис ҳужжатлари бўлиши мумкин.

Устав ва жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги шартноманинг фарқи шундаки, устав барча акциядорлар ва акциядорлик жамиятининг органлари учун мажбурий саналади, шартнома эса фақат уни имзолаган таъсисчилар учун мажбурий ҳисобланади.

Устав тегишли жамият фаолияти ва унинг муҳим ташкилий масалалари билан боғлиқ ҳолатларни тартибга солувчи локал меъёрий ҳуқуқий ҳужжатдир. Бу ҳужжатнинг ҳуқуқий кучи, унинг барча акциядорлар учун мажбурийлиги нафақат уставнинг таъсисчилар томонидан тасдиқланиши фактига, балки кейинчалик жамиятни давлат рўйхатидан ўтказишга ҳам асосланади. Жамиятнинг уставида қуйидаги маълумот-

лар бўлиши лозим: акциядорлик жамиятининг тўлик ва қисқартирилган номи ҳамда жойлашган ери (почта манзили); фаолият соҳаси, мақсади ва муддатлари; устав фондининг миқдори; устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш тартиби; чиқарилаётган акциялар турлари, уларнинг номинал қиймати, ҳар хил турдаги акцияларнинг нисбати; даромад (фойда)ни, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби; заҳира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби; жамият қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; жамият бошқарувининг тузилиши, ижроия ва назорат органлари аъзоларининг сони, уларни сайлаш тартиби, бу органларнинг ваколатлари; йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби; жамиятни қайта тузиш ва тугатиш тартиби.

Бу жамиятнинг уставида назарда тутилиш керак бўлган энг кам маълумотлар ҳисобланади. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида "агар жамият уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса" – деган қоида кўп ишлатилади. Шундан келиб чиқиб, жамиятнинг устави ҳар бир акциядорлик жамияти олиб борадиган сиёсатидан келиб чиққан ҳолда қонунда белгиланган қоидалардан кенг-роқ бўлиши мумкин. Лекин ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаслиги керак. Ўз вақтида бу шундан далолат берадики, тажрибали ҳуқуқшунос жамият уставини тузаётганда фақатгина қонунда белгиланган қоидалар билан чекланиб қолмайди. Масалан, бир акциядорга тегишли бўлиши мумкин бўлган энг кўп акцияларнинг сони ва қиймати жамият устави билан белгиланиши мумкин. Бу қоиданинг мақсади компанияни бошқаришда монополиянинг олдини олиш бўлиб, у бир шахс томонидан катта миқдордаги акцияларнинг сотиб олинishi йўли билан жамият устидан мутлақ назорат қилиш ҳамда бошқа акциядорларни бошқарувдан четлаштириш имконияти берилишига йўл қўймайди.

Устав турли кўринишдаги акцияларнинг эгаси ҳисобланган акциядорларнинг ҳуқуқларини ўзида акс эттириши керак. Жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, бошқарув органлари тизими, уларни ташкил этиш ва фаолият юритиш тартиби, ҳар бир органнинг ваколати айнан уставда мустаҳкамланади.

Уставни ишлаб чиқишда таъсисчилар билан бир қаторда таклиф этилган мутахассислар ҳам иштирок этиши мумкин. Кўп ҳолларда

ушбу соҳада кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассислар (одатда ҳуқуқшунослар) таклиф этилади. Агар жамият бир шахс томонидан ташкил этилаётган бўлса, табиий равишда у томонидан тасдиқланади. Уставда жамиятни тузиш тўғрисидаги таъсис шартномасида кўрсатилган, устав таъсисчилар томонидан тасдиқлангандан кейин кучга кирадиган қоидалар назарда тутилиши мумкин.

Қонун акциядорлик жамиятининг олий органи ҳисобланган умумий йиғилишнинг ваколатлари ва фаолият тартибини мукаммал тартибга солишнинг зарурлигига алоҳида эътибор қаратади. Фақатгина яқдиллик билан қабул қилинадиган уставдагина бир акциядорга тегишли бўлиши мумкин бўлган акцияларнинг сони ва қийматига нисбатан чекловлар бўлиши мумкин. Шунингдек, акциядорда мавжуд бўлган акциялар сони ва миқдоридан қатъи назар бир акциядор эга бўлиши мумкин бўлган энг кўп овозлар сонини ҳам чеклашга йўл қўйилади. Бундай чеклов нисбатан кам миқдордаги акциядорларнинг жамият ишларига ҳаддан ташқари таъсир этишининг олдини олиш мақсадида назарда тутилиши мумкин.

Манфаатдор шахснинг уставдан оладиган маълумоти унга фуқаролик субъекти сифатида жамият, унинг асосий фаолият йўналишлари, мулкнинг ҳолати ҳақида тўлиқ таасурот бериши керак. Қонун акциядорлар умумий йиғилиши ваколати ва фаолият тартиби мукаммал тартибга солиниши лозимлигига алоҳида эътибор қаратади.

Устав унга нисбатан қонуний манфаатга эга бўлган шахслар учун очиқ оммавий ҳужжат ҳисобланади. Акциядор, аудитор ёки хоҳлаган манфаатдор шахснинг талаби билан жамият уставида кўрсатилган муддатларда устав ҳамда унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиши лозим. Жамият акциядорга унинг талабига биноан амалдаги устав нусхасини тақдим этишга мажбур.

Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уставнинг янги таҳририни тасдиқлаш умумий йиғилишда иштирок этган акциядорларнинг кўпчилиги (учдан тўрт қисми)нинг овози билан қабул қилинган умумий йиғилиш қарорига асосан амалга оширилади. Уставга қўшимча акциялар жойлаштириш орқали устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорларнинг оддий кўпчилиги овози билан киритилади. Агар устав ёки умумий мажлис қарорида ушбу масалани кўриб чиқиш кузатув кенгаши вако-

латига киритилган бўлса, бу органнинг қарори уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун асос бўлади ва бу бир овоздан билан қабул қилиниши керак.

Уставдаги ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчалар акциядор ва контрагентлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни устав рўйхатдан ўтказилган тартибда рўйхатдан ўтказиш зарур. Агар акциядорлик жамияти устави матбуотда эълон қилинган бўлса, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ёки уставнинг янги таҳририни ҳам ўша матбуотда эълон қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу маълумотларнинг ҳақиқатга яқинлигини таъминлаш мақсадида улар рўйхатга ўтказилгандан кейин чоп этилади.

2-§. Корпорациянинг устав фонди, уни ташкил этиш ва миқдорини ўзгартириш

Фуқаролик ҳуқуқи назарияси анъанавий тарзда юридик шахсни фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида қарашга ёрдам берадиган асосий белгиларни аниқлайди. Бу бир қанча шахсларга бир ташкилотга бирлашиш орқали фуқаролик муомаласида битта шахс сифатида чиқиш имконини берадиган ташкилий бирлик; ташкилотга ўзининг моддий базаси ва фаолиятини ташкил этишга имкон берадиган алоҳида мол-мулк; Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 39-моддасида назарда тутилган мустақил фуқаролик-ҳуқуқий жавобарлик тамойили.

Кўриниб турибдики, алоҳида мол-мулкка катта эътибор қаратилади, у жамиятнинг хўжалик фаолиятини бошлашда ҳам жамиятни тугатиш вақтида кредиторлар ҳуқуқларининг кафолати сифатида ҳам талаб этилади. Тижорат ташкилоти, шу жумладан акциядорлик жамиятининг дастлабки алоҳида мол-мулки устав фондиди ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Жамиятнинг устав фонди акциядорлар томонидан сотиб олинган акцияларнинг номинал қийматидан ташкил топади. Бошқача қилиб айтганда, акциядорлик жамияти устав фондиди ташкил этишнинг асосий манбаи бўлиб, акция сотишдан тушган маблағлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам юридик шахснинг бу тури акциядорлик жамияти, деб аталади.

Иқтисодий маънода устав фонди ташкилот таъсисчилари (ишти-

рокчилари) томонидан киритилган улушлар (акциялар, бадаллар, пайлар) йиғиндисидан иборат.

Устав фонди ўз моҳиятига кўра, жамият томонидан ўз фаолиятини бошлаши учун ажратиладиган, миқдори устав ва таъсис шартномаси билан белгиланадиган асосий мулк ҳисобланади. Устав фонди шунингдек, акцияларни сотишдан келган маблағдан, хусусий капитал киритишдан, давлат воситаларидан, ноу-хау қийматидан, лицензия ва бошқалардан ташкил этилиши мумкин. Устав фондини ташкил этиш, унинг таркиби ва миқдорини белгилаш таъсисчиларнинг эркидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги юридик шахс ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли мулк доирасида жавоб бериши тўғрисидаги умумий қоидадан келиб чиққан ҳолда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 19-моддаси 2-қисмида жамиятнинг устав фондини унинг мол-мулкининг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилашини мустаҳкамлади. Жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарзини ундиришнинг объекти бўлиб, устав фондидан ташкил топадиган унинг мулки ҳисобланади, жамият акциядорлари эса фақат чекланган ҳоллардагина жавобгар бўладилар.

Устав фондининг қуйидаги функцияларини алоҳида кўрсатиш мумкин:

1. Устав фонди жамият ташкил этилган вақтда унинг ўз фаолиятини бошлаши ва кейинчалик давом эттириши учун моддий база бўлиб ҳисобланади, бошқача қилиб айтганда устав фонди тадбиркорлик фаолияти учун капитал айланиши ролини бажаради;

2. Устав фонди (аниқроғи унинг миқдори) жамият даромадларини тақсимлашда ҳар бир акциядорнинг улушини устав фондида мустаҳкамлаш орқали унинг иштирок этиш улушини белгилайди. Бутун устав капитали ҳар бири номинал қийматга эга бўлган бир неча қисмларга бўлинади. Бир шахсга тегишли бўлган барча акцияларнинг суммаси капиталнинг йириклигига нисбатан акциядорнинг улуши ва жамиятдаги ҳолатини аниқлаб беради. Акцияларнинг номинал баҳоси қанча кам бўлса, кенг доирадаги тижорат ташкилотларини жалб этиш ва йирик маблағ воситаларини тўплашга шунча кўп имконият пайдо бўлади;

3. Устав фонди акциядорлик жамияти хўжалик фаолияти самарадорлигининг ўзига хос индикатори ҳисобланади.

Акциядорлик жамияти фаолияти давомида акциядорлар ўзлари қўшган маблағни бозор ёки фонд биржасида қайтариб олиш имкониятига эга бўлишади. Лекин бунда улар бой беришлари ҳам мумкин, чунки сотилаётган вақтда акцияларнинг нархи олинган вақтдаги нархга нисбатан анча паст бўлиши мумкин. Улушнинг ҳақиқий баҳо-си нафақат устав капитали миқдоридан, балки ташкилотнинг бутун мол-мулкани баҳолашдан ҳам келиб чиқади. Одатда меъёрий ҳолда фаолият юритаётган тижорат ташкилоти устав капитали миқдоридан кўп миқдордаги мол-мулкка эга бўлади. Иштирокчининг ташкилот устав капиталидаги дастлабки улуши унга ташкилотнинг бутун мулкига нисбатан муайян (мажбурият ва корпоратив) ҳуқуқларни бериши туфайли ташкилот мулкнинг кўпайиши бунга мутаносиб тарзда улушнинг ҳам кўпайишини билдиради.

Устав фондининг моҳиятига англаб етиш тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида акциядорлик жамиятининг табиатини тушунишга ёрдам беради. Чунки, акциядорлар жамият устав фондига ўз улушларини киритиш орқали акциядорлик жамияти билан ашёвий эмас, балки мажбурият ҳуқуқий муносабатларига киришадилар.

Акциядорлик жамияти ўз мулкида алоҳида мол-мулкка, шу жумладан акциядорлар томонидан акция сотиб олиш натижасида берилган мулкка эга бўлади. Акциядорлар эса масъулияти чекланган жамиятларда бўлганидек, бутун жамият мулкига нисбатан эмас, балки ўзларига тегишли акцияга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлишади. Шунинг учун акциядорлар жамият мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарлар юзасидан ўзларига тегишли акциялар доирасида таваккалчилик қиладилар.

Устав фонди жамиятнинг барча мулкидан эмас, балки минимал даражадаги муҳим мулкидан ташкил топади. Шундан келиб чиққан ҳолда, "устав фонди" ва "акциядорлик жамияти мол-мулки" тушунчаларини бир-биридан фарқлаш лозим. Акциядорлик жамияти унга акциядорлар томонидан берилган, хўжалик фаолияти юритиш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг, олинган даромадлар ва қонунчиликка зид бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланиш натижасида олинган мулкларнинг мулкдори ҳисобланади. Акциядорлик жа-

миятининг мол-мулки асосий фонд ва айланма воситалардан, шунингдек баҳоси жамиятнинг мустақил балансида кўрсатиладиган қимматликлардан иборат бўлади.

Масалан, акциядорлик жамияти балансида турувчи барча мол-мулк 120 минг АҚШ долларини ташкил этса, устав фонди 75 минг АҚШ долларини ташкил этиши мумкин. Қоидага кўра бунда корпорациянинг мол-мулки миқдори 75 минг АҚШ долларидан кам бўлмаслиги керак, акс ҳолда уставда назарда тутилган устав фонди миқдорини тегишли корпорациянинг мол-мулки миқдоригача пасайтириш лозим бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, устав фондининг иккита асосий хусусиятини ажратиш мумкин:

1) унинг кўплиги нафақат балансида акс этирилади, балки акциядорлик жамиятининг ҳар қандай бошқа пул эквиваленти сифатида жамиятнинг таъсис ҳужжати ҳисобланган уставда ҳам назарда тутилади, шунинг учун "устав фонди" дейилади;

2) устав фондини ташкил этиш усули сифатида қонун чиқарувчи акциядорлик жамиятининг акцияларини чиқариш ва жойлаштиришни белгилади.

Агар, дастлаб акциядорлик жамиятининг барқарорлиги унинг устав фондининг юқорилиги билан белгиланадиган бўлса, кейинчалик у жамиятнинг соф активлари миқдори билан ҳам боғланади. Жамиятнинг муваффақиятли фаолиятида унинг соф активлари қоида тариқасида унинг устав фонди миқдорини оширади. Устав фонди билан соф активларни солиштириш уставда назарда тутилган устав фонди миқдорининг ҳақиқий мавжуд ёки мавжуд эмаслигини кўрсатади. Соф активлар – бу акциядорлик жамияти активлари суммасидан, мажбуриятларининг ҳисоб-китобини чегириб ташлаш орқали аниқланадиган миқдор. Жамиятнинг соф активлари қиймати бухгалтерлик ҳисоби маълумотлари асосида белгиланган тартибда баҳоланади. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумот-лари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин жа-мият акциядорлари тасдиғига тақдим этилган йиллик бухгалтерия ба-лансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига кўра, жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан оз бўлиб чиқса, жа-мият ўз устав фондининг соф активлари

қийматидан ошиб кетмайди-ган миқдоргача камайтиришини эълон қилиши шарт. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин жамият акциядорлари тасдиғига тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати қонунчиликда кўрсатилган устав фонди-нинг энг кам миқдоридан оз бўлиб чиқса, жамият ўзини тугатиш ҳа-қида қарор қабул қилиши шарт. Тугатиш акциядорлар, кредиторлар ва ваколатли давлат органларининг талабига кўра суд тартибида амалга оширилиши мумкин.

Соф активлар ва устав фонди миқдорларининг мос келиш параметрлари акциядорларнинг умумий йиллик йиғилиши томонидан кўриб чиқилади. Улар тасдиқлаш учун тақлиф этилган йиллик бухгалтерлик баланси билан биргаликда кўрсатилади.

Жамият соф активлари қийматининг йўл қўйиб бўлмайдиган даражада паст бўлиши биринчидан, хўжалик юритишнинг самарсизлиги, иккинчидан, ноқулай иқтисодий конъюктуранинг натижаси бўлиши мумкин. Иқтисодий жиҳатдан самарасиз корхона эртами кечми барибир банкрот деб топилади. Бу эса, кўп ҳолларда мулкнинг янада омилкор мулкдорга ўтишига олиб келади. Тугатишда ҳам худди шундай бўлади, яъни компаниянинг мол-мулки сотилиши натижасида ушбу мол-мулкни фойдали мақсадга йўналтирувчи янги мулкдор пайдо бўлади.

Дунё тажрибасига асосан, акциядорлик жамиятини мажбурий равишда суд тартибида тугатиш уларнинг қонунчилик талабларини қўпол равишда бузганликлари учун санкция сифатида қаралади ва бу акциядорларни бундай ҳолатларнинг олдини олишга ундайди.

Устав фондини ташкил этиш учун банкда таъсисчилар томонидан акцияларни сотиб олиш орқали киритилган воситаларни ҳисобга ўтказиш мақсадида вақтинчалик ҳисобрақамлари очилади. Натижада жамиятни рўйхатдан ўтказиш тугатилаётган вақтга келиб устав фондига улуш киритиш, дивидендларни тўлаш каби таъсисчилар билан бўладиган барча ҳисоб-китоблар жамият томонидан очиладиган маҳсус ҳисобрақамига ўтказилади. Бунда қонунчилик очик ва ёпиқ турдаги жамиятлар устав фондининг энг кам миқдорини чеклашини инобатга олиш лозим. Бундай энг кам миқдор романо-герман ҳуқуқ тизимидаги кўпгина давлатлар қонунчилигида назарда тутилган. У акциядорлик жамиятнинг шаклидан келиб чиққан ҳолда (очик жамият ту-

рида у ёпиқ жамиятга нисбатан кўпроқ бўлади) фарқ қилиши мумкин. АҚШда устав фондининг энг кам миқдори қонунда назарда тутилмайди. Фонднинг миқдори, унинг жойлаштирилган ва тўланган қисмлари, акциядорлик жамияти фаолиятининг бошқа муҳим жиҳатлари таъсис ҳужжатларида назарда тутилади. Қонунга асосан, агар қонунчиликда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, таъсис ҳужжатларида белгиланган устав фондини шакллантириш жамият давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак.

Қатор тижорат ташкилотлари, масалан, тижорат банкларига нисбатан қонунчиликда устав капиталнинг нисбатан кўп минимал миқдори, шунингдек кредиторларининг мулкӣ манфаатларини таъминлайдиган бошқа талаблар (масалан, ўзининг ва қарзга олинган капиталлари миқдорининг мос келиши) ўрнатилган.

Акциядорлик жамиятини таъсис этиш жараёнида устав фондини шакллантиришда унинг барча акцияларнинг таъсисчилар ўртасида тақсимланиши бу акцияларнинг эгаси ёзилган акциялар эканлигидан далолат беради. Жамиятни ташкил этиш вақтида таъсисчилар томонидан сотиб олинган акциялардан ташқари, акциялар уларнинг тўлиқ қиймати тўланмагунга қадар овоз бериш ҳуқуқини бермайди.

Ўзининг барқарорлик кучи туфайли устав фонди одатда ер, кўчмас мулк, ускуна каби тез пулга айланадиган активларни (ликвид активлар) қоплайди. Акцияларни (устав капиталини) сотишдан келиб тушган маблағлардан янги акциядорлик жамияти тузилган ҳолларда дастлаб сотиш учун мўлжалланмаган активлар, яъни бино, қурилмалар, машина ва ускуналар, ҳисоблаш техникалари каби асосий воситалар сотиб олинади. Улардан ўзгартирилмаган натурал шаклда узок муддат давомида, яъни уларнинг қиймати қисмларга бўлиб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга юклангунга қадар фойдаланилади. Ўз ичига нақд пул ва ишлаб чиқариш жараёнида тез пулга айланадиган активларни оладиган акциядорлик жамиятининг айланма воситалари қоида тариқасида тенг қоплама – вексел ёки банк кредити кўринишидаги қисқа муддатли қарзларга эга бўлади. Бундан ташқари, хўжалик фаолияти натижаларига кўра жамият даромад олиши мумкин. У дивидендлар тўлаш ёки ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ёхуд бир вақтнинг ўзида ҳар иккаласига ҳам белгиланган миқдорда йўналтирилиши мумкин.

Жамият томонидан жойлаштириладиган акциялар оддий ва им-

тиёзли акцияларга бўлинади. Бир хил номинал қийматга эга бўлган ва ўз эгаларига бир хил ҳуқуқ берувчи оддий акциялардан фарқли равишда бир жамиятнинг имтиёзли акциялари қиймати ва ўз эгаларига берадиган ҳуқуқлари ҳажмига қараб бир неча турларга бўлиниши мумкин. Лекин имтиёзли акцияларнинг бир тури доирасида уларнинг қиймати ва ўз эгаларига берадиган ҳуқуқлар ҳажми тенг бўлиши керак. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг йигирма фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Акция қимматли қоғоз бўлиб, белгиланган шакл ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тақдим этилганда ҳақиқий саналадиган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Устав фондига пул ёки мулк киритиш орқали акциядор бу мулкка нисбатан ўзининг мулк ҳуқуқини акция олиш орқали жамиятга топширган ҳисобланади. Жамиятнинг таъсисчилари сифатида чиқаётган ёки акцияни кейинчалик ёхуд такрорий қимматли қоғозлар бозорида сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар акциянинг эгалари бўлиши мумкин.

Жойлаштирилган ва эълон қилинган акцияларнинг мавжудлигини кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга.

Жойлаштирилган акциялар – акциядорлар томонидан сотиб олинган акциядорлик жамияти устави билан белгиланган акцияларнинг миқдор ва номинал қиймати.

Эълон қилинган акциялар – жойлаштирилган акцияларга қўшимча тарзда жамият жошлаштириши мумкин бўлган акциядорлик жамияти устави билан белгиланган акцияларнинг миқдор ва номинал қиймати. Жамиятнинг уставида акциядорлар сотиб олган акцияларнинг (жойлаштирилган акцияларнинг) сони ва номинал қиймати белгилаб қўйилиши лозим. Жамиятнинг уставида эълон қилинган акцияларни жамият томонидан жойлаштириш тартиби ва шартлари, шунингдек жамият жойлаштираётган акцияларнинг ҳар бир хили берадиган ҳуқуқлар белгилаб қўйилиши мумкин. Кўрсатиб ўтилган қоғозлар уставда бўлмаса, жамият ана шундай хилдаги қўшимча акцияларни жойлаштиришга ҳақли эмас.

Фикримизча, жойлаштирилган акциялар дастлабки устав фондини шакллантириш учун мўлжалланган бўлса, эълон қилинган акциялар устав фондини кўпайтириш мақсадини кўзлайди.

Акциядор таъсис йиғилишида (конференциясида) белгиланган муддат ичида, аммо жамият рўйхатдан ўтказилганидан кейин кўпи

билан бир йил ичида акцияларни тўлиқ сотиб олиши лозим. Акцияларни сотиб олиш муддати ўтганидан кейин акциядорлик жамияти бу акцияларни ўз хоҳишига кўра реализация қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз ҳуқуқини бермайди, овозларни ҳисоблаб чиқиш вақтида инобатга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ёзилмайди. Бундай акциялар жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан кўпи билан бир йил ичида реализация қилиниши лозим, акс ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилиши кўрсатиб ўтилган акцияларни муомаладан чиқариш орқали жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

Жамиятнинг қўшимча акцияларига уларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорга мувофиқ белгиланган муддат ичида, бироқ улар сотиб олинган (жойлаштирилган) пайтдан эътиборан кўпи билан бир йил ичида ҳақ тўланиши лозим. Жамият уставида акциялар ҳақини тўлаш мажбуриятини бажармаганлик учун неустойка (жарима, пеня) ундириш назарда тутилиши мумкин.

Жамиятни таъсис этиш чоғида унинг акцияларига ҳақ тўлаш шакли жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги шартномада (қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорда) ёки жамият уставида белгилаб қўйилади. Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан ашёвий ҳуқуқлар) воситасида амалга оширилади. Бундай ҳолда мустақил нархловчи чиқариши керак. Жамият уставида унинг акциялари ва бошқа эгаси ёзилган қимматли қоғозлари ҳақи сифатида топшириладиган мол-мулк турлари чеклаб қўйилиши мумкин.

Давлат корхоналари акциядорлик жамиятларига айлантирилганида акциялар ҳақини тўлаш тартибини давлат мулкни тасарруф этишга ваколат берилган орган белгилайди.

Жамият акцияларининг ҳақини тўлаш пул билан бир қаторда қимматли қоғозлар билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Қимматли қоғоз деганда белгиланган шакл ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тақдим этилгандагина мулкӣ ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжат тушунилади. Қимматли қоғоз топширилиши билан у тасдиқлайдиган барча ҳуқуқлар мажмуа сифатида ўтади. Қимматли қоғозларга облигациялар, вексель, чек, депозит ва омонат сертификатлари, банк омонат дафттарчалари, коносамент, акциялар, хусусийлаштирилган қимматли қо-

ғозлар ва қонунчиликда қимматли қоғозлар қаторига киритилган бошқа ҳужжатлар киради.

Қуйида акциядорлик жамиятининг акциясини сотиб олишда қимматли қоғоз эгалари ҳуқуқларининг ўтишига мисол келтирилади. Эгаси ёзилмаган қимматли қоғозлар бўйича ҳуқуқларнинг ўтиши ордер (бўйрук) қоғозининг топширилиши ва қоғозга топшириш ёзуви (индоссамент)нинг киритилиши орқали амалга оширилади. Эгаси ёзилган қимматли қоғоз бўйича ҳуқуқларнинг ўтиши акция (бошқа қимматли қоғоз) олувчи томонидан тузилган битимлар асосида амалга оширилади.

Шундай қилиб, устав фондига киритиладиган улушнинг асосий белгиси унинг пулда баҳоланишидир. Жамият давлат мулки негизида ташкил этилганда унинг устав фонди миқдорини қонунда белгиланган ҳолда аниқланган корхона (мулк)нинг бозор қиймати ташкил этади.

Дастлабки устав фонди миқдори ва уни шакллантиришнинг аниқ муддати белгилангач, қонун чиқарувчи таъсисчиларга, кейинчалик акциядорлик жамияти иштирокчиларига жойлаштирилган акцияларнинг ҳақини тўлаш қандай амалга оширилишини ҳал этишни ўзларига қўйиб беради.

Бу қарорни таъсисчилар жамиятни таъсис этиш вақтида қабул қиладилар ва у акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида ўз аксини топгандан кейингина жамият уставида мустаҳкамланади. Акцияларнинг ҳақини тўлаш пул, қимматли қоғоз ёки бошқа нарсалар ёхуд пул қийматига эга бўлган бошқа мулкӣ ҳуқуқлар асосида бўлишини таъсисчиларнинг ўзи белгилайди. Лекин уставда муайян мулкни акциянинг ҳақи сифатида олишга чеклашлар қўйилиши мумкин.

Устав фонди миқдори кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин, бундай ҳолларда уставга ўзгартиришлар киритилади. Умумий қоидаларга асосан уставга ўзгартиришлар киритиш акциядорлар умумий мажлисининг ваколатига киради. Лекин, устав фонди кўпайтирилдиган ҳолларда уставга ўзгартириш киритиш кузатув кенгаши томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу фақатгина кузатув кенгашининг бундай ҳуқуққа эгалиги жамият устави ёки акциядорларнинг умумий йиғилиш қарорида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Устав фондининг ўзгартирилиши акциядорлик жамиятларининг

уставлари билан тартибга солинади. Уставда биринчидан, акциядорлар томонидан сотиб олинган (жойлаштирилган) акцияларнинг сони ва номинал қиймати; иккинчидан, жамият уставда кейинчалик устав фондининг оширилиши назарда тутилиб, жойлаштирилган акцияларга қўшимча сифатида ушбу акциялар эгаларининг ҳуқуқларини кўрсатган ҳолда эълон қилинган акцияларни жойлаштириши ҳам белгиланиши мумкин.

Уставда, шунингдек эълон қилинган акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари ҳам назарда тутилиши мумкин. Акс ҳолда жамият қўшимча акцияларни жойлаштириш ҳуқуқига эга бўлмайди. Устав фондини кўпайтириш унинг қиймати тўланган ва жамият зарарлари тўлиқ қоплангандан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Акциядорлик жамияти уставига устав фондини ўзгартириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки унинг янги таҳририни тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этган овоз берувчи акция эгалари акциядорларнинг $3/4$ қисми кўпчилик овози билан қабул қилинган қарори асосида, шунингдек, устав фонди жамият томонидан қўшимча акциялар жойлаштириш орқали кўпайтирилганда эса, умумий йиғилишда иштирок этган овоз берувчи акция эгалари – акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарор ёки бир овоздан қабул қилинган кузатув кенгаши қарори асосида амалга оширилади.

Бу қарорлар ихтиёрий ёки мажбурий бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда жамият ўз ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда ташаббус асосида устав фондини ўзгартирса, иккинчи ҳолатда эса муайян ҳолатлар, масалан, соф активлар ва устав миқдори бир-бирига мос келмай қолиши натижасида вужудга келган мажбуриятни бажаради.

Жамиятнинг устав фонди акцияларга бўлинади ва унинг миқдори жойлаштирилган акцияларнинг номинал қиймати суммасига мос келади. Устав фондини кўпайтириш акциялар номинал қийматини ошириш ёки жамият уставда назарда тутилган, эълон қилинган акциялар сони доирасида қўшимча акциялар чиқариш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Эълон қилинган акциялар деганда, жамият келгусида чиқаришни режалаштираётган акциялар тушунилади.

Устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш орқали кўпайтириш фақат акцияларни сотишдан келган эмиссион даромад, асосий жамғармаларни қайта баҳолашдан келган воситалар, тақ-

симланмаган фойда каби жамиятнинг ички манбалари ҳисобидангина амалга оширилиши мумкин. Устав фонди акциялар номинал қийматини кўпайтириш орқали оширилганда, унинг қиймати жамиятнинг соф активлари, устав фонди ва захира фонди ўртасидаги фарқдан ошиб кетмаслиги керак.

Акцияларнинг номинал қийматини ошириш орқали устав фондини кўпайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартириш киритиш ҳақидаги қарор умумий йиғилиш ёки агар бундай ҳуқуққа эга бўлса, кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Чиқарилган акцияларнинг номинал қийматини ошириш олдин чиқарилган акцияларнинг давлат рўйхатидан ўтишини бекор қилиш учун асос бўлиб, янги номинал қийматдаги акцияларни рўйхатдан ўтказишни талаб этади. Акцияларнинг номинал қийматини ошириш шунингдек, сотилган акцияларни (нақд шаклда чиқарилган ҳолларда) ва акциялар сертификатларини (нақд бўлмаган шаклда чиқарилган ҳолларда) қайтариб олиш ва уларни янги акция ва сертификатларга алмаштиришни келтириб чиқаради.

Қўшимча акциялар чиқариш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1) қимматли қоғозларни жойлаштириш ҳақида қарор қабул қилиш;

2) қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорнинг акциядорлик жамиятининг ваколатли органи томонидан тасдиқланиши;

3) қўшимча акцияларни чиқаришга тайёргарлик (уларни рўйхатдан ўтказиш лозим бўлган ҳолларда);

4) акциялар чиқариш ва эмиссия маълумотномасини давлат рўйхатидан ўтказиш;

5) акциялар сертификатларини тайёрлаш (қўшимча акциялар ҳужжат шаклида чиқарилган ҳолларда);

6) акциялар билан биргаликда уларнинг эмиссия маълумотномаси ҳам рўйхатга олинган ҳолларда акциялар эмиссия маълумотномасидаги ахборотларни ошкор этиш, конвертация ҳолларини истисно этган ҳолларда. Акцияларни конвертация йўли орқали жойлаштиришда ахборотни ошкор этиш акция чиқариш яқунлари ҳақидаги ҳисобот рўйхатга олингандан кейингина амалга оширилади;

7) акцияларни жойлаштириш акциядорлар ўртасида тақсимлаш орқали амалга оширилиши назарда тутилганда, уларни тақсимлаш,

акцияларни жойлаштириш, акцияларга очик ёки ёпик обуна бўлиш орқали тақсимлаш назарда тутилганда, уларга обуна бўлиш, акцияларни қимматли қоғозларга айирбошлаш орқали тақсимлаш назарда тутилган ҳолларда, айирбошлаш орқали амалга оширилади;

8) акция чиқариш яқунлари ҳақидаги ҳисоботни рўйхатдан ўтказиш;

9) қўшимча акция чиқариш яқунлари ҳақидаги ҳисоботдаги ахборотларни эълон қилиш (агар қўшимча акциялар чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш эмиссия маълумотномасини рўйхатдан ўтказиш билан бирга амалга оширилган бўлса).

Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий (одатдаги) акцияларнинг ва эълон қилинган миқдорлари (улушлари) доирасида ҳар бир турдаги имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари, шу жумладан мазкур қонунга мувофиқ жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган акциядорлар учун жамиятнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш баҳоси белгиланган бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишида йигирма беш фоиздан кўп овозларга эга бўлган акциялар пакети давлатга тегишли бўлган ҳолларда, қўшимча акциялар чиқариш орқали устав фондини кўпайтириш Давлат мулк қўмитасининг мутлақ ваколати ҳисобланади.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан, жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

Шуни ҳам инобатга олиш лозимки, устав фондини ҳар қандай кўринишда камайтириш ҳар бир акциядорнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли бўлган мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун қонун чиқарувчи ушбу масалани ҳал этишни фақат акциядорларнинг умумий мажлиси ихтиёрида қолдиради. Устав фондини ўзгартириш акциядорларнинг манфаати билан бир қаторда кредиторларнинг манфаатларига ҳам тегишли бўлганлиги учун қонун чиқарувчи амалдаги қонунчиликда назарда тутилган тегишли қуйидаги чораларни қабул қилди:

– агар устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори жамиятнинг уставига киритилган тегишли ўзгартишларни рўйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган жамият устав фондининг энг кам миқдоридан қонун ҳужжатларида белгиланганидан камайиб кетадиган бўлса, жамият устав фондини камайтиришга ҳақли эмас;

– устав фондини камайтириш тўғрисида қабул қилинган қарор хусусида ўз кредиторларини хабардор қилиш зарурлиги;

– акциядорлар устав фондини камайтиришга қарши овоз берган бўлсалар ёки овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлсалар, ўзларига қарашли акцияларнинг ҳаммаси ёки муайян қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Қонуннинг 23-моддасига асосан, устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан бошлаб жамият узоғи билан 30 кун муддат ичида бу қарор хусусида ўз кредиторларини ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига хабарнома юборилган санадан эътиборан узоғи билан 30 кун муддат ичида жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этишни ва устав фондининг камайрилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Номинал қийматни камайтириш барча акцияларга ёки уларнинг баъзи, алоҳида турларига, лекин ҳар бир тур ёки шаклда тегишли доирада бир хил бўлиши мумкин. Бундай ҳолда жамият устав фондини камайтириш ва акцияларнинг бир қисмини муомаладан чиқариш, агар жамият уставига назарда тутилган бўлса, йўл қўйилади. Баъзи акциядорлик жамиятлари жамиятни таъсис этиш вақтидаёқ келгусида зарурат бўлганда устав фондини камайтириш ҳолларини назарда туттади.

Агар устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори жамиятнинг уставига киритилган тегишли ўзгартишларни рўйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган жамият устав фондининг энг кам миқдоридан қонун ҳужжатларида белгиланганидан камайиб кетадиган бўлса, жамият устав фондини камайтиришга ҳақли эмас. Устав фондини камайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши фондни камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди. Устав фон-

дини камайтириш вақтида жамият тугатилганида назарда тутилган акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя этилиши зарур.

Қонунда кўрсатилишича, акциядорлик жамияти кейинчалик қайта сотиш, ўз ходимлари орасида тарқатиш ёки бекор қилиш мақсадида акциядорлардан уларга қарашли акцияларни сотиб олишга ҳақли. Тегишинча, бекор қилиш устав фондини камайтиришни билдиради. Чунки, акциядорлик жамияти устав фонди миқдори чиқарилган барча акциялар номинал қийматининг бирлашмасидан ташкил топади. Кўрсатиб ўтилган акциялар кўпи билан бир йил ичида реализация қилиниши лозим. Ана шу давр ичида дивидендларни тақсимлаш, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ва кворумни аниқлаш жамият сотиб олган ўз акцияларини ҳисобга олмаган ҳолда ўтказилади. Жамият томонидан ўз акцияларини сотиб олиш мустақил равишда ёки инвестиция институтлари орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3-§. Корпорация мол-мулкнинг ҳуқуқий ҳолати

Акциядорлик жамиятларининг пайдо бўлиши ишлаб чиқариш кўламининг кенгайиши ва майда алоҳида капитал учун хос бўлмаган корхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришни тартибга солишнинг доираси кенгаймоқда. Ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришнинг барча унсурлари сифатли равишда ўзгармоқда, бегона капитални тасарруф этишнинг янги механизми ташкил этилмоқда. Акциялар овоз бериши орқали қарор қабул қилинадиган акциядорлик жамиятларида назорат пакетининг эгалари ҳақиқий капитал ҳаракатини худди ўзларининг мулкларидек бошқарадилар. Капитални тасарруф этиш, яъни муҳим қарорлар қабул қилиш ва шунинг асосида бошқалар меҳнати натижаларини ўзлаштириш мулкнинг ажралмас бўлаги сифатида ишлаб чиқариш шартларини ўзлаштиришдан фарқ қилади.

ФКнинг 169-моддасига асосан фуқаролик ҳуқуқида мулк деганда ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, хонадонлар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек ин-

теллектуал мулк объектлари тушунилади. Мулк акциядорлик жамиятига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида тегишли бўлиши мумкин. Юридик шахсининг асосий белгиларидан бири бу унинг алоҳида мол-мулкка ва бу мол-мулк баҳосини ифодаловчи мустақил балансга эга бўлишидир. Лекин мулкнинг баъзи турлари, хусусан фирма номи ёки маҳсулот белгисига бўлган ҳуқуқ аниқ белгиланган баҳога эга бўлмасдан, ҳар бир ҳолатда алоҳида белгиланади. Шундан келиб чиқиб, улар ҳар доим ҳам бухгалтерия балансларида кўрсатилмайди, лекин бу уларнинг мавжуд эмаслигидан далолат бермайди.

Акция ва бошқа қимматли қоғозларни сотишдан келган ҳамда жамият томонидан унинг фаолияти давомида ишлаб чиқарилган ва сотиб олинган мулк унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Шундай экан, акциядорлик жамияти ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида субъекти, яъни юридик шахс бўлиб, унинг мол-мулки хусусий ҳисобланади.

Юридик шахс тушунчаси тадбиркорлик фаолиятининг жамоавий кўриниши ва мулкӣ муносабатларни ташкил этиш орқали маҳсулот ишлаб чиқарувчи тушунчасининг иқтисодий маъносини беради. Юридик шахс сифатида акциядорлик жамияти ўз мулкнинг ягона ва ваколатли мулкдори ҳисобланади.

Мулк ҳуқуқини ФКнинг 164-моддасига асосан, жамиятда ўз мулкига ўз хоҳишига кўра эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи мутлақ ҳуқуқ деб атаса бўлади. Акциядорлик жамияти билан муносабатга киришаётган барча контрагентлар учун унинг акциялари кимга тегишли эканлигини билиш муҳим эмас, чунки акциядорлар жамиятнинг мулкига нисбатан мулк ҳуқуқи эмас, балки акциядорлар томонидан жамиятнинг мулкни олишга қаратилган фақатгина иккита имконият берувчи мажбурият ҳуқуқига эга бўладилар. Буларнинг биринчиси жамият тугатилаётган вақт бўлиб, унда кредиторлар манфаатларини қондиришдан қолган мулк иштирокчилар ўртасида тақсимланади. Акциядорлик жамияти мулкни олишнинг иккинчи ҳолати акциядорлар ўзаро акцияларига қараб дивиденд шаклида тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлик жамиятининг хўжалик фаолияти натижасида олинган даромадлари ҳисобланади. Ю.Г.Басиннинг фикрича, акциядорлар мулк ҳуқуқининг асосий унсури бу сотиш, мерос қилиб қолдириш, гаровга қўйиш ва бошқа шаклларда тасарруф

қилиш мумкин бўлган акцияларга бўлган мулк ҳуқуқидир. Лекин бу унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари иштирокчилар олдида акцияларни сотиб олиш бўйича ҳеч қандай мажбуриятларга, шу жумладан пул мажбуриятларига эга бўлмаган акциядорлик жамиятига эмас, балки акциянинг янги эгасига ўтганлигини характерлайди².

Давлат корхоналари (давлатга тегишли юридик шахслар), шу жумладан, низом жамғармасида давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларига мулк хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш асосида тегишли бўлиши мумкин. Бу ҳуқуқлар давлат мулкидан ажралмайдиган ҳуқуқлар ҳисобланади.

ФКнинг 176-моддасига асосан, хўжалик юритиш ҳуқуқи ихтиёрида мулкдор сифатида давлатнинг мулки мавжуд бўлган, бу мол-мулкка Фуқаролик кодекси ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган доирада эгаллик қиладиган, ундан фойдаланадиган ва уни тасарруф этадиган акциядорлик жамиятининг ашёвий ҳуқуқи саналади. ФКнинг 178-моддасига асосан, оператив бошқариш ҳуқуқи давлат корхонаси, шунингдек муассасаси ўзларига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуққа эга бўлиб, қонунда белгилаб қўйилган доирада ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ҳамда мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолда эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширади. Қайсидир давлат юридик шахси томонидан у ёки бу мулкнинг эгалланиши, унда ушбу мулкка нисбатан хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқини, давлатга эса мулк ҳуқуқини вужудга келтиради.

Акциядорлик жамиятларининг давлатга тегишли акциялар пакетларини бошқариш учун давлатнинг ишончли вакиллари белгиланган тартибда тайинланиши ҳолларидан ташқари, давлат манфаатларини ифода этиш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларга ишончли бошқаришга берилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз қарорларида акцияларнинг давлат пакети ишончли бошқаришга берилиши лозим бўлган корхоналарни кўрсатади. Тегишли қарорларда белгиланмаган давлатга тегишли бўлган акциялар пакети Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан

² Басин Ю.Г. Юридические лица по ГК РУ. Понятие и общая характеристика. Алматы, 1996.19. б.

танлов асосида ишончли бошқаришга берилади.

Давлатнинг акциялар пакети малакали кадрларга, менежмент ва маркетинг соҳасида муҳим касбий малака ва тажрибага эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга ишончли бошқаришга берилиши мумкин. Ишончли бошқарувчини тайинлаш ва у билан давлат номидан ишончли бошқариш шартномасини тузиш Давлат мулк қўмитаси томонидан ташкил этилган танлов комиссиясининг қарори асосида амалга оширилади. Ишончли бошқарув шартномаси одатда узайтириш имконияти билан 5 йил муддатга тузилади ва шартнома иштирокчилари таркиби, шартнома предмети, акциялар пакети тавсифлари, шартноманинг амал қилиш муддати ва уни узайтириш имкониятлари, давлатнинг акциялар пакетини бериш тартиби, ишончли бошқарувчининг мақоми каби муҳим қоидаларни ўзида акс эттиради.

Акциядорлик жамиятининг давлат акциялар пакетини ишончли бошқарувчиси жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси ҳисобланади ва уни акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайлаш (қайта сайлаш) мумкин эмас. У ишончли бошқарув шартномаларининг лозим даражада ижро этилиши ҳамда корxonанинг молия-хўжалик ҳолати мониторингини олиб борувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ва Молия вазирлигига ўзининг фаолияти тўғрисида ҳар чоракда ҳисобот бериб туради. Ишончли бошқарувчи ўз ваколатларини амалга ошириш вақтида ишончли бошқарувга олинган давлат акциялар пакетига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ишончли бошқарув шартномаси шартларига асосан мол-мулкни бегоналаштириш ва гаровга қўйишдан ташқари барча юридик ва фактик ҳаракатларни амалга ошириш, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси ва ишончли бошқаришга берилган давлат акциялар пакетига мувофиқ умумий йиғилиш иштирокчиси сифатида ўзининг барча ваколатларидан фойдаланиш, шартнома шартлари ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ҳақ олиш каби ҳуқуқларга эга. Унинг мажбуриятлари жумласига қуйидагилар киради: ишончли бошқарув шартномасига кўра, фойданинг эгаси ҳисобланган давлат манфаатларини ифода этиш; амалдаги қонунчилик ва берилган давлат акциялар пакети берадиган ҳуқуқлар асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳаракат қилиш; корxonанинг молия-хўжалик фаолиятини яхшилашга йўналтирилган ягона стратегияни амалга ошириш ва корхона бошқарувчиси томонидан корxonани барча босқичдаги бюджет-

лар олдида иш ҳақи ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш юзасидан қарздор бўлиб қолишига йўл қўймаслик.

Мулк акциядорлик жамияти фаолияти мустақиллигининг моддий асоси ва кредиторлар олдида унинг қарзларини тўлаш манбаи бўлиб хизмат қилади. Ўз мажбуриятлари бўйича жамият нафақат ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мулки билан, балки унинг барча мажбурият ваколатлари, масалан, бошқа юридик шахсларнинг унга тўлаши керак бўлган қарзлари, пул воситалари билан ҳам жавоб беради. Бу қоидадан истисно ҳоллари қонун ҳужжатларида белгиланади. Ундирув акциядорлик жамияти томонидан вақтинчалик фойдаланиш учун олинган мол-мулкка нисбатан қаратиш мумкин эмас. Лекин мулкдан вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқи (масалан, ердан фойдаланиш) бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқ бўлса, унга нисбатан ундирув қаратилиши мумкин.

Қонунчилик ҳужжатлари ва акциядорлик жамиятининг уставида акция ҳақи учун тўланадиган мол-мулк турига чеклашлар ўрнатилиши мумкин. Акциядор жамиятга мулкни нафақат мулк ҳуқуқи шаклида, балки фойдаланиш учун ҳам бериши мумкин. Бундай ҳолда иштирокчининг улуши ушбу мулкдан фойдаланишнинг бутун даврида ундан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақнинг миқдориغا қараб аниқланади.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида англосаксон ҳуқуқ тизимидаги устав фонди (капитали)ни белгилашнинг баъзи унсурлари кириб келди. АҚШ ва Англияда устав фондининг қуйидаги 3 тури фарқланади: номинал капитал, чиқарилган (жойлаштирилган) капитал ва тўланган капитал. Номинал ёки эълон қилинган капитал бу – жамият акция чиқариш ҳуқуқига эга бўлган капиталнинг умумий суммаси. Чиқарилган (жойлаштирилган) капитал бу – акция чиқарилган (жойлаштирилган) номинал капиталнинг бир қисми. Тўланган капитал бу – акциядорлар томонидан тўлиқ тўланган чиқарилган (жойлаштирилган) капиталнинг бир қисми.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 26-моддасига асосан, устав капитали икки қисмдан: эълон қилинган ва жойлаштирилган (тўланган) капиталдан ташкил топади. Жамиятнинг эълон қилинган устав капи-

тали миқдори чиқаришга эълон қилинган барча акцияларнинг номинал қийматига тенг. Жамият чиқаришга эълон қилинган акцияларнинг бир қисмини ёки ҳаммасини чиқариши ва жойлаштириши мумкин. Англосаксон ҳуқуқ тизимида эълон қилинган капитал номинал капиталга мос келади, жойлаштирилган (тўланган) капитал эса чиқарилган ва тўланган капитални ўз ичига олади.

Чиқарилган (тўланган) устав капиталининг юқорилиги қандайдир маънода акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолатини белгилаб беради ва унинг акциядорлари ҳамда кредиторларини қизиқтириши мумкин. Чиқарилган капиталнинг миқдори доимий юқорилик ҳисобланмайди ва акциядорлик жамияти фаолияти давомида янги акциялар чиқариш ёки чиқарилган акцияларни бекор қилиш орқали ўзгариши мумкин.

Акциядорлик жамиятлари капитални ўз фаолиятларига турли йўллар билан жалб этиши мумкин. Бундай жалб этишнинг нисбатан кенг тарқалган тури бу қимматли қоғозлар чиқариш ҳисобланади. Ҳозирги кунда акциядорлик жамияти қимматли қоғозларига акция, облигация¹⁹ ва коносамент киради. Лекин ФК қимматли қоғозларнинг ушбу рўйхати қимматли қоғозлар тўғрисидаги ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кенгайтирилиши мумкинлигини назарда тутлади.

4-§. Давлат рўйхатидан ўтказиш

Акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтгандан кейин ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинади. Жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш янги юридик шахс пайдо бўлиши жараёнини яқунлайди. Шу фурсатдан бошлаб таъсисчилар акциядор ҳисобланади, умумий мажлис эса жамиятни ташкил этиш бўйича таъсисчиларнинг ҳаракатларини тасдиқлаш ва ушбу ҳаракатлар юзасидан ўзига мажбурият олиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу фурсатдан бошлаб таъсис йиғилиши ўз фаолиятини тугатади ва акциядорларнинг умумий мажлиси кузатув кенгаши ва ижро органи каби органларни тайинлайди.

Акциядорлик жамиятларини рўйхатга олиш худди бошқа тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тартибидек 1996 йил 26 апрел-

¹⁹ АЖнинг акция ва облигациялари ҳақида батафсил қаранг § 1. VII боб.

да қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги 357-сонли қарори ва ушбу қарорнинг 1-илоvasи билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорида тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, расмийлаштиришнинг босқичма-босқич рўйхатдан ўтказиш принципига ўтиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида қуйидагилар қарор қилинганлиги кўрсатилади:

1. Қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра тадбиркорлик фаолияти субъектларини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказишда:

биринчидан, розилик берувчи ташкилотлар сони кескин қисқартирилиши;

иккинчидан, барча келишиб олиш тартиботлари тадбиркорлик субъектларини амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда рўйхатдан ўтказадиган фақат битта ташкилот доирасида амалга оширилиши таъминланади.

2. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринларда "Инспекция" деб аталади) ташкил этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари зиммасига Инспекциялар самарали фаолият кўрсатиши, рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда бюрократия ва сансалорлик ҳолларининг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилиши юкланган.

Қуйидагилар янги ташкил этилаётган Инспекцияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мўлжаллаётган

ариза берувчининг ҳужжатларини ҳамда бунинг учун зарур бўлган асосларни қабул қилиш ва экспертизадан ўтказиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида муҳандислик коммуникацияларига (газ билан таъминлаш, энергия билан таъминлаш, сув билан таъминлаш, канализация, иссиқлик билан таъминлаш, телефон алоқаси тармоқлари) уланиш, турар-жойларни нотурар-жой тоифасига ўтказиш, объектларни қуриш ва реконструкция қилишга техник шартларни белгиланган тартибда расмийлаштириш учун, шунингдек муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома олиш учун уларнинг ваколатлари доирасида мажбурий тартибда келишиладиган ва рухсат олинадиган тегишли ташкилотларни аниқлаш;

юқорида кўрсатилган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришни ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, реестрни юритиш, шунингдек уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш;

ариза берувчига барча рухсат берувчи ҳужжатлар билан унинг тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш.

Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш ва тегишли ҳужжатларни тақдим этиш бу ҳақда ариза берган кундан бошлаб қийинлиги, кўп меҳнат талаб этиши ва техник шароитларни инобатга олиб 7 иш кунидан бир ойгача бўлган муддат ичида амалга оширилиши мумкин.

"Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом:

- тадбиркорлик субъектларини айна пайтда давлат солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоят адлия бошқармаларида, туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида (кейинги ўринларда матнда "рўйхатдан ўтказувчи органлар деб" юритилади) давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатларини;

- объектларни қуриш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни, шу жумладан муҳандислик коммуникацияларига (газ билан таъминлаш, энергия билан таъминлаш, сув би-

лан таъминлаш, канализация, иссиқлик билан таъминлаш, телефон алоқаси) уланиш учун техник шартларни ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида расмийлаштириш, тадбиркорлик фаолияти учун турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказишни расмийлаштириш тартиби ва муддатларини белгилайди.

Давлат солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтказиш:

- аудиторлик ва суғурта ташкилотлари, биржалар, шунингдек хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган бозорлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиладиган бозорлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар – Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармалари томонидан;

- барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар, ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хат бошида кўрсатилганлардан ташқари – туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринларда матнда "Инспекция" деб юритилади) томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш муассисларнинг ихтиёрига кўра:

- муассисларнинг ўзлари томонидан;

- шартнома асосида – Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳузуридаги ахборот-маслаҳат марказлари ёхуд бошқа консалтинг фирмалари, бошқа шахслар томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун Низомда назарда тутилган давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланади.

Ариза берувчи (тадбиркорлик субъекти ёки унинг муассиси) Инспекцияга тадбиркорлик субъектини, айти пайтда рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда, давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб муурожаат этиши мумкин.

Тадбиркорлик субъекти бўлмаган ва объектлардан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш ниятида бўлмаган шахслар ҳам рухсат берувчи тартиб-қоидалардан ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида ўтадилар, шу жумладан муҳандислик коммуникацияларига уланиш (газ, энергия, сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, телефон алоқаси) учун техник шартлар олиш, объектларни қуриш ва реконструкция қилиш, мазкур Низомга мувофиқ турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказишни расмийлаштириш, Инспекцияга муурожаат қилиш билан боғлиқ нормалар бундан мустасно.

Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга (шахсан келиб ёки почта орқали) мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза тақдим этилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага:

- таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси (давлат корхоналари негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини рўйхатдан ўтказиш учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилмайди);

- тадбиркорлик субъектининг почта манзилени тасдиқловчи ҳужжат (фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно);

- давлат божининг ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати (деҳқон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно);

- белгиланган тартибда шаҳарлар (туманлар) статистика органлари томонидан берилган фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;

- муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада илова қилинади.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда:

а) бозорларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун – уни ташкил этишга шаҳар (туман) ҳокимлигининг розилиги (ёки қарори);

б) хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун:

- хорижий муассис тўғрисида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан кўчирма ва Ўзбекистон Республикасининг

консуллик муассасаси томонидан белгиланган тартибда легализация қилинган, булар мавжуд бўлмаган тақдирда, муассис рўйхатдан ўтказилган давлат Ташқи ишлар вазирлигида, мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида легализация қилинган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармасида тасдиқланган банкнинг тавсия хати тақдим этилади (Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган жисмоний шахслар банкнинг тавсия хати ва ўз паспортларига оид маълумотлар нусхасини тақдим этади). Агар хорижий муассиснинг корхона (ташкilot) устав фондига улуши интеллектуал мулк ҳисобланса, у ҳолда ариза берувчи баҳоловчи томонида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган баҳолаш тўғрисидаги ҳулосасини тақдим этиши керак;

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонанинг устав фонди 20 млн. АҚШ долларини ёки ундан ортиқни ташкил этган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ташкил этиш тўғрисидаги қарорининг нусхаси;

- ҳар бир муассис томонидан корхона устав фондидаги улуши миқдорининг 30 фоизи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (вақтинчалик сўмлардаги ва валютадаги жамловчи ҳисоб рақамларига пул маблағлари тўланганлиги тўғрисида банк маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига мол-мулк олиб келинганлигини тасдиқловчи божхона ҳужжати, мол-мулкни топшириш-қабул қилиш далолатномаси, мол-мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, қўшилаётган мол-мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар);

в) бир шахсдан ортиқ шахс томонидан ташкил этилаётган акциядорлик жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун таъсис йиғилиши (конференция) баённомаси;

г) чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларни ва хўжалик ширкатларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳар бир муассис томонидан устав фондига таъсис ҳужжатларида кўрсатилган ўз улушининг 30 фоизи тўланганлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси тақдим этилади. Агар тадбиркорлик субъекти устав фонди ёки унинг бир қисми мулк улуш (кўчмас мулк, асбоб-ускуна ва бошқалар) ёки интеллектуал мулк ҳисобига шакллантирилган тақдирда банк маълум-

мотномаси талаб қилинмайди, таъсис ҳужжатларидаги устав фондини шакллантириш манбаларига кўрсатма муассислар ниятини тасдиқлайди;

д) деҳқон хўжалиги (юридик шахслар)ни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг ёки юқори бошқарув органининг ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги кооперативи иш берувчиси (маъмурияти)нинг хўжаликни ташкил этиш тўғрисидаги қарори ва туман ҳокимининг ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори;

е) фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун:

туман ҳокимининг ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори;

ҳокимликлар томонидан ташкил этиладиган танлов комиссиясининг ер участкаси бериш тўғрисидаги баённомаси, товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш бизнес-режаси нусхаси;

ж) юридик шахсларни қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун:

- қайта ташкил этилаётган юридик шахсларга маълум бўлган барча кредиторлар ёзма равишда хабардор қилинганлигини ва оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш тўғрисида ахборот эълон қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг уларнинг барча кредиторлари ва қарздорларига, шу жумладан томонлар даъволашаётган мажбуриятларга нисбатан барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис тўғрисидаги қоидалар кўрсатилган топшириш далолатномаси (қўшиб юборишда ва ўзгартиришда) ёки бўлиш қайдномаси (бўлишда ва ажратиб чиқаришда);

- рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, ўзгартирилаётган юридик шахснинг муҳри ва штамп (юридик шахсни ўзгартириш йўли билан ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказишда тақдим этилади).

Тадбиркорлик субъектининг Устави, масъулияти чекланган ва қўшимча мажбуриятли жамиятлар учун – таъсис шартномаси ва устав, тўлиқ ва коммандит ширкатлар учун эса фақат таъсис шартномаси тадбиркорлик субъекти – юридик шахс томонидан рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис ҳужжати ҳисобланади.

Муассислардан бири томонидан тегишли бинони (шу жумладан

турар жойни) тадбиркорлик субъектининг почта манзили сифатида фойдаланишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (мулкчилик ҳуқуқига бўлган далолатнома, бинони сотиб олишга, ижарага олишга шартнома ёки ижарага берувчининг бино ижараси тўғрисидаги қафолат хати, шунингдек яшаш жойидан берилган маълумотнома) тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Фирма номи тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун тадбиркорлик субъекти муассиси туман (шаҳар) статистика органларига мурожаат қилади.

Аризани кўриб чиқиш ва фирма номи тўғрисидаги гувоҳномани ёки шунга ўхшаш фирма номи мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни бериш муддати уч иш кунидан ошмаслиги керак.

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан рўйхатдан ўтказиш ёки асосланган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарор зарур ҳужжатлар илова қилинган рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб:

- якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари бўйича – 2 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда;

- юридик шахс сифатидаги барча тадбиркорлик субъектлари бўйича 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органнинг қароридан, унинг мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) норози бўлган ёки рўйхатдан ўтказиш муддатлари бузилган тақдирда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан юридик шахсни ташкил этган барча тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар юридик шахсларнинг давлат реестрига киритилади.

Низомда шунингдек, турли объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва қайта қуриш, турар жойларни нотураржойлар тоифасига ўтказиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ҳам белгиланган.

Зарур рўйхатдан ўтказиш ва рухсат бериш тартиб-қоидалари тугагандан кейин рўйхатдан ўтказувчи орган белгиланган муддат ичида

рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани беради.

Низом тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини ҳам ўрнатади.

Тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтгач, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун мажбурий тартибда:

- банкларга – ўз фаолияти учун зарур бўлган ҳисоб рақамлари очиш учун (якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари ҳисоб рақами очиш учун ўз хоҳишига кўра мурожаат қиладилар);

- ваколатли давлат органларига – тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензиялар (ёки рухсатномалар) олиш учун мурожаат қиладилар.

Банкда ҳисоб рақамлари очиш учун тадбиркорлик субъекти томонидан банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- тадбиркорлик субъекти фаолият жойи манзили ва очиладиган ҳисоб рақамлари турлари кўрсатилган ҳолда ариза; давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

- раҳбар ва бош ҳисобчи имзоларининг нотариал тасдиқланган намуналари (деҳқон хўжалиги бошлиғи ва якка тартибдаги тадбиркор ўз имзолари намуналарини тақдим этади) ва юмалоқ муҳр оттискининг икки нусхаси.

Тадбиркорлик субъектлари, шунингдек муҳандислик алоқаларига уланиш учун рухсат берадиган газ таъминоти, электр таъминоти, сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, канализация, телефон алоқаси каби ташкилотларга мурожаат этишлари зарур.

Низомга асосан тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда тегишли қарор расмийлаштирилгандан кейин бир ҳафта муддат ичида уларни рўйхатдан ўтказган органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;

- тадбиркорлик субъектини бошқаришга ваколатли бўлган органнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори;

- ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган матнининг тадбиркор-

лик субъекти муҳри билан тасдиқланган икки нусхаси;

- номи ўзгарган тақдирда – алмаштириладиган муҳр ва штамп рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, шунингдек муҳр ва штамп янги намуналарининг уч нусхадаги эскизи;

- давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисида банк тўлов ҳужжати;

- устав фонди кўпайтирилган тақдирда – жорий устав фонди шакллантирилганлиги тўғрисида солиқ органлари томонидан берилган ҳужжат;

- устав фонди камайтирилган тақдирда – уларга маълум барча кредиторлар устав фонди миқдори камайганлиги ва унинг янги миқдори тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинганлигини ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

- тадбиркорлик субъекти ажратиб чиқариш ва қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилган тақдирда – тегишли равишда бўлиш баланси ва бериш ҳужжати, уларда юридик шахсларнинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан, шу жумладан томонлар даъволашаётган мажбуриятларга нисбатан қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар мавжуд бўлади.

Таъсис ҳужжатларига устав фондининг камайиши билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга уларга маълум барча кредиторлар устав фонди миқдори камайганлиги ва унинг янги миқдори тўғрисида ёзма равишда хабардор қилингандан ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон берилгандан кейин бир ҳафта муддат ичида тақдим этилади.

Киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни, шунингдек тадбиркорлик субъектларини тегишли органларда ҳисобга қўйиш билан боғлиқ ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, янги намунадаги муҳр ва штампларни тайёрлашга рухсатномаларни расмийлаштириш мазкур Низомда белгиланган давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

Таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун белгиланган миқдорда тўлов

ундирилади.

Тадбиркорлик субъектлари ўз почта манзили ўзгарган тақдирда ўн кун муддат ичида бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

Тадбиркорлик субъекти фаолиятининг тури ва унда ишловчиларнинг ўртача йиллик сони ўзгариши муносабати билан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат реестрига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда статистика органлари бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органни, солиқ органини ҳамда тадбиркорлик субъектини хабардор қилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар уларга берилган давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган фаолият жойи ва тури ўзгарган тақдирда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органни ва солиқ органини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Рўйхатдан ўтказувчи орган ва солиқ органи кўрсатиб ўтилган ўзгаришлар олингандан кейин уч кун муддатда якка тартибдаги тадбиркорни улар томонидан рўйхатдан ўтказувчи ва ҳисобга олиш ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида ёзма равишда маълум қилишлари шарт.

Низомнинг якуний қоидалари мазкур Низом бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беришларини назарда тутди.

Назорат учун саволлар

1. Очиқ акциядорлик жамияти нима?
2. Ёпиқ акциядорлик жамияти нима? Кимлар уларнинг иштирокчилари ва таъсисчилари бўлиши мумкин?
3. Корпорацияларни таъсис этишнинг тартиби қандай? Уларнинг иштирокчилари ва таъсисчилари кимлар ҳисобланади?
4. Таъсис ҳужжатлари таркибини тушунтириб беринг.
5. Корпорациянинг устав фонди ўз ичига нималарни олади?
6. Устав фондини ташкил этиш ва ўзгартириш қандай амалга оширилади?
7. Корпорациялар мол-мулкининг ҳуқуқий ҳолати қандай?
8. Акциялар давлат пакетининг ҳуқуқий мақоми қандай?
9. Корпорацияларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби қандай?

VI БОБ КОРПОРАТИВ МОЛИЯЛАР

1-§. Корпорациянинг молиялари: тушунчаси ва таснифланиши

Корпоратив молияларнинг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлари-ни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси-нинг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

1.1. Молиялар тушунчаси ва турлари

"Молиялар" атамаси французча "finances" (лотинча financia – нақдлик, даромад) сўзидан олинган бўлиб, пул воситалари деган маънони билдиради.

Молиялар бу – жамғармалар, шу жумладан корпорацияларнинг марказлашган ва марказлашмаган пул воситаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар тизимидир. Бошқача қилиб айтганда, бу корхона харажатлари, унинг пул воситалари, шунингдек уларни шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишнинг асосий манбаидир. Молияларга корхонанинг бюджети, яъни ушбу корхонанинг баланс ва бухгалтерлик ҳужжатларида акс этадиган даромад ва харажатлари йиғиндиси деб қараса ҳам бўлади.

Умуман олганда молиялар ўз ичига марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул жамғармаларини олади. Марказлаштирилган молиялар давлат органлари томонидан тўпланса, марказлаштирилмаган молиялар эса корхонанинг ҳисоб рақамида мавжуд бўлган пул воситалари ҳисобланади. Айнан шулар корпоратив тартибга солишнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Ҳар қандай корпорацияни, хоҳ у кичик савдо дўкони бўлсин ёки йирик саноат мажмуаси, қаердан пул топиш ва ундан қандай қилиб самарали фойдаланиш масаласи ўйлантиради. Пул уларга биринчи навбатда "бизнес"ни йўлга қўйиш учун керак. Бу учун одатда ўзларининг пуллари етарли бўлмайди ва қарз олишга тўғри келади. Воситаларни ўзлаштириш тадбиркорнинг имконияларини оширади. Лекин у

даромадни ошириш билан бир қаторда (қарзга олинган воситаларга нисбатан даромад меъёри қарз учун тўланиши керак бўлган фоиздан ошиб кетган ҳолларда) зарар ҳам олиб келиши мумкин. Лекин ҳатто муваффақиятли фаолият юритаётган корхона учун ҳам қўшимча молиялаштириш манбаидан қутилиши қийин, чунки вақт ўтиши билан таназзул ҳоллари ёки ишлаб чиқариш қуввати ва ускуналарни янгилаш, баъзида эса муайян соҳага сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришни жалб этиш зарурати каби ҳолатлар келиб чиқади.

Ҳар қандай ҳолда ҳам бир қанча молия манбаларини излаш ва жалб этишга тўғри келади. Бундай молия манбалари сифатида қуйидагилар бўлиши мумкин:

- ўзига тегишли воситалар;
- банк ссудалари;
- маҳсулот етказиб берувчилар кредитлари ва уларнинг захирадаги маҳсулотлари;
- хусусий инвесторлар;
- венчур ("таваккалчи") капиталистлар бу – ўз инвестицияларидан фойда кўриш мақсадида янги шакл ёки лойиҳалар учун воситалар тақдим этиш орқали корхонанинг мулкида иштирок этадиган капитал қўйиш бўйича мутахассислар;
- инвестиция компаниялари;
- кичик корхоналарга кириб борадиган йирик корпорациялар (бунда улар одатда янги технологияларга рухсат олиш ёки ушбу фирмани сотиб олишни хоҳлайдилар);
- давлат органлари (маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бўлиши ҳам мумкин) дастурлари;
- акцияларни очик бозорда сотиш.

Бизнеснинг асосий мақсади корхона нархининг ўсишига имкон бериш, яъни тадбиркорнинг бойлигини оширишдан иборат. Лекин даромадлар ва харажатлар ўртасида, уларда бир қанча бўлимлар мавжуд шароитларда баланс топиш кераклиги, сабабли буни амалга ошириш осон эмас.

Қонунга асосан жамоанинг давлат ва кредиторлар билан ҳисобкитоб қилиб бўлгандан кейин қолган пул воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи мутлақ ҳисобланади. Ишлаб топилган молия воситаларидан қандай фойдаланишни (жамғармалар ташкил этиш, йўналишларни

аниқлаш ва бошқа усулда сарфлаш) корхонанинг ўзи мустақил равишда ҳал этади. Улар шаклининг давлат ва корпоратив ҳужжатлар билан тартибга солиш зарурати ушбу масалаларнинг барчаси корхона ва ҳар бир ходим учун муҳимлигидан далолат беради.

Молияларнинг базавий ролидан келиб чиққан ҳолда корпоратив меъёрий ҳужжатлар ниҳоятда аниқлиги билан ажралиб туради ва одатда бундай ҳужжатлар акциядорлик жамиятининг олий бошқарув органининг умумий йиғилиши ёки баъзи ҳолларда кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Ушбу барча ҳужжатларни тўртта асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) устав капиталини тартибга солувчи ҳужжатлар;
- 2) жамғарма ва захираларни ўрнатувчи, шунингдек, даромадни тақсимлаш тартибини аниқловчи ҳужжатлар;
- 3) солиқ режалаштирилишини амалга оширишга йўл қўювчи ҳужжатлар;
- 4) ҳисобдорликни ташкил этишни тартибга солувчи ҳужжатлар.

Одатда корпорациялар комплекс ҳужжатларни қабул қилишга ҳаракат қилишади, лекин бунда улар ушбу ҳужжатни турли бўлимларга (масалан, устав капиталини ошириш тўғрисидаги Низом, устав капиталини камайтириш тўғрисидаги Низом, АЖнинг захиралари тўғрисидаги Низом, облигация жамғармаси тўғрисидаги Низом ва бошқалар) бўлади. Лекин биринчи навбатда корпорациянинг устав капитали меъёрий тартибга солиниши муҳим бўлиб ҳисобланади.

1.2. Корпорациянинг устав капитали

Устав капиталининг тушунчаси ва вазифаси. Корпорациянинг мулкӣ асосини уставда қайд этилган устав капитали ташкил этади.

Устав капитали ушбу жамиятнинг таъсисчилари томонидан улуш (пул, қимматли қоғоз, пул қийматиға эға бўлган бошқа ашёвий ва мулк ҳуқуқлари кўринишида) киритиш орқали корпорациянинг хўжалик ва бошқа фаолиятини таъминлаш мақсадида ташкил этилади. Кейинчалик жамиятнинг мол-мулкини унга акциядорлар томонидан берилган мулк билан биргаликда жамиятнинг хўжалик фаолияти жараёнида ишлаб чиқарилган маҳсулот, шунингдек, жамият томонидан қонуний фаолият натижасида олинган бошқа мулк ва даромадлар ҳам ташкил этади. Ушбу мол-мулк умумий ҳолда жамиятнинг балансида

акс этган асосий жамғармалар, айланма воситалари ва бошқа қимматликларни ташкил этади.

Устав капитали амалий жиҳатдан бир неча функцияларни бажарган ҳолда акциядорлик жамиятининг воситалари орасида алоҳида ўрин тутаяди.

Унинг биринчи функцияси акциядорлар томонидан киритилган мулкнинг акциядорлик жамияти савдо-ишлаб чиқариш фаолиятининг моддий асосини шакллантиришида кўринади. Унда корпорация иштирокчиларининг хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи ўз аксини топади. Устав фонди жамият уставида корпорация иштирокчилари томонидан мустақил тадбиркорлик фаолияти юритиш учун мустаҳкамланган моддий базанинг мавжудлигини акс эттиради. Бу жамиятнинг келгусидаги фаолияти учун туртки вазифасини бажарадиган капиталнинг бошланғич юқорилигидир. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 19-моддасига асосан жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

Жамиятнинг устав фонди унинг мол-мулкнинг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди. Жамият давлат мулки негизида тузилганда корхона (мол-мулк)нинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланган бозор баҳоси жамият устав фондининг суммасини ташкил этади (Ўзбекистон Республикаси 29.08.1998 й. N 681-I-сон Қонунига мувофиқ киритилган қисм).

Жамият оддий акцияларни, шунингдек бир ёки бир неча турдаги имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фондининг йигирма фоизидан ошмаслиги лозим.

Жамият таъсис этилаётганда унинг барча акциялари муассислар ўртасида жойлаштирилган бўлиши керак.

Қонуннинг 20-моддаси очиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз баравари ёпиқ акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори эса, жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ой-

лик иш ҳақининг икки юз баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

Жамият устав фондини таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим (Ўзбекистон Республикаси 20.08.1999 й. N 832-I-сон Қонунига мувофиқ киритилган қисм).

Устав капиталининг **иккинчи функцияси** бу кафолат функцияси бўлиб, у жамиятнинг мажбуриятлари бўйича кредиторлар олдида ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беришида кўринадди.

Ўз моҳиятига кўра, акциядорлик капитали бу – кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланган корпорация мулкнинг бир қисми бўлиб, бу барча вақтда мавжуд бўлиши талаб этиладиган энг кам воситалар ҳисобланади. Қонун чиқарувчининг ҳаракатлари бежиз биринчидан, акциядорлик капиталини ҳақиқий (амалда) шакллантириш, иккинчидан, жамият мулки миқдорини ҳеч бўлмаганда унинг уставида назарда тутилган миқдорда ушлаб туришга қаратилмаган. Биринчи мақсадга эришиш, яъни капитални ташкил этиш мақсадида қонун чиқарувчи устав капиталини тўлиқ шакллантиргунга қадар акцияларга очик обуна бўлишни тақиқловчи меъёрни киритди. Иккинчи мақсадга эришиш, яъни мол-мулкни уставда назарда тутилган миқдорда ушлаб туриш мақсадида қонун чиқарувчи устав капитали тўлиқ шакллантирилган ҳоллардагина дивидендлар тўланиши мумкин эмаслиги, шунингдек, агар жамият мол-мулки уставда белгиланган акциядорлик капиталидан ошиб кетса ёки унинг миқдоридан камаймаса дивидендлар тўланиши тўғрисидаги меъёрларни киритди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, акциядорлик капитали корпорация балансида доимо пассив бўлим сифатида қаралади. Активлар билан жамиятнинг қарзлари ҳамда акциядорлик капитали ўртасидаги фарқни ташкил этувчи фақат соф фойдагина дивиденд сифатида тақсимланиши мумкин. Агар жамиятнинг фаолияти зарар кўрилишига ва бунинг натижасида мулк қийматининг устав капиталидан камайишига олиб келса, келгуси йилда олинган фойда биринчи навбатда жамият мулкнинг устав капитали билан фарқли қисмини тўлдиришга сарфланиши лозим.

Қонунга асосан акциядорлик капиталга нисбатан мулк ҳуқуқи

корпорацияга тегишли бўлади. Акциядорлар ўзлари киритган мулкка нисбатан унинг мулкдори бўлиб қолаверадилар, корпорацияга нисбатан эса унинг иштирокчиси ҳолатида туриб, эҳтимолий зарарлар юзасидан таваккал қиладилар.

Устав капиталининг **учинчи функцияси** у орқали ҳар бир акциядорнинг ушбу жамиятда ва унинг даромадларида иштирок этиш улуши аниқланишида кўринади. Бутун капитал ҳар бири номинал қийматга эга бўлган бир неча қисмларга бўлинади. Акциядорларга тегишли акциялар номинал қийматининг устав капиталига муносабати ҳар бир акциядорнинг корпорация фаолиятидаги улушини кўрсатади. Акциядор ҳолатининг кўрсатгичи бўлиб, устав капиталидаги унга тегишли қисмлар сони ҳисобланади. Агар капиталнинг бир қисми номинал қийматга эга бўлмаса, у ҳолда акциядорнинг улуши акциядорлик капитали миқдори унинг қисмлари сонига нисбатан аниқланади.

Шуни ҳам инобатга олиш лозимки, акциянинг номинал қиймати қанча кичик бўлса, жамиятга кенг доирадаги шахсларни жалб этиш ва охир-оқибат сезиларли даражадаги капиталнинг йиғилиши имконияти шунча юқори бўлади.

Акциядорлик жамияти ўзига тегишли мол-мулкнинг таркиби ва миқдорини ўзгартиришга ҳақли. Унинг устав капитали масалан, чиқарилган акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки кўшимча акцияларни чиқариш орқали кўпайтирилиши мумкин.

Корпорацияларнинг самарали фаолият юритиши жараёнида акциядорлар бозор ёки фонд биржаси орқали ўз капиталларининг қийматини қайтаришлари мумкин. Бу ҳолда акцияларни сотиш натижасида олинadиган маблағ одатда уларни сотиб олишда сарфланган суммага мос келмайди, чунки акциянинг баҳоси ўзгарувчан бўлиб, бозор орқали аниқланади.

Устав капиталининг мавжудлиги корпорацияларни ташкил этишнинг асосий шартларидан бири ҳисоблансада, **устав капитали** категорияси ўзида нисбий тушунчани акс эттиради. Биринчидан, устав капиталига киритилаётган мол-мулкни баҳолаш таъсисчилар ва акциядорлар ўртасида шартнома орқали амалга оширилади. Иккинчидан, акциядорлик жамиятини рўйхатдан ўтказгунга қадар унинг уставиди устав капиталининг миқдори кўрсатилса-да, унда ҳали мол-мулк мавжуд бўлмайди. Учинчидан, корпорациянинг уставини рўйхатдан ўтказгандан кейин устав капитали муомалага киритилган ҳисобланади

ва у оширилиши ёки камайтирилиши мумкин. Тўртинчидан, тўланган капитал, яъни акция учун олинган ҳақиқий маблағ ва тўланмаган капитал, яъни акция пули обуна бўлгандан кейин киритиладиган ҳолатларни ҳам фарқлаш лозим.

Кўриниб турганидек, устав капиталининг ҳақиқий миқдорини аниқлаш кўпинча қийин бўлади. Шу хусусияти билан устав капитали ўзининг биринчи навбатдаги вазифаси – кредиторлар талаблари қондирилишининг кафолати бўлишлигини маълум маънода йўқотади.

Шу билан бирга тадбиркорликнинг психологиясини (таваккалчилик, баҳс бойлаш ва бошқалар) ҳам инобатга олишга тўғри келади. Шунинг учун баъзи мамлакатлар (масалан, АҚШ)да устав капиталининг муайян миқдорини мажбурий қўллаб-қувватлаш талабидан воз кечишди. Лекин, унинг лозим даражада сақланиши ғояси ҳозирча бутун дунёда устун турибди ва бу корпоратив ҳуқуқнинг қуйидаги учта ўзга хос қоидаларини вужудга келтирди:

– акциядорлик жамиятининг ўз акцияларини сотиб олишига унча қаттиқ бўлмаса-да, тақиқлаб қўйилиши;

– устав капиталини ташкил этадиган воситалардан дивидендлар тўланишининг чекланиши;

– устав капитали ва жорий харажатларнинг аниқ ажратилганлиги.

Устав капиталининг тузилиши. Устав фонди: ширкатлар ва масъулияти чекланган жамиятлар учун таъсисчиларнинг бадаллари (улушлари)дан; акциядорлик жамиятлари учун таъсисчилар ва жамиятда иштирок этишда улар томонидан таклиф этилган пул ва мулк бадалларини акцияларга алмаштириш йўли билан ташкил этилади.

Қонунга асосан, таъсисчилар ва акциядорлар ўз бадалларини қуйидаги кўринишларда киритишлари мумкин:

– пул воситалари (сўм ва чет эл валютаси);

– турли кўринишдаги мол-мулк (бино, иншоот, ускуна ва бошқалар);

– ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан, шунингдек бино, иншоот, ускунадан фойдаланиш ҳуқуқлари;

– бошқа мулкӣ ҳуқуқлар, шу жумладан, ноу-хау, санъат асарига бўлган муаллифлик ҳуқуқи (масалан, сценарий, қўлёзма, китоб ва бошқалар). Улуш сифатида киритилаётган мулкӣ ҳуқуқ бегоналаштириладиган, яъни кредиторларнинг талабларини қондириш мақсадида бериладиган, сотиладиган бўлиши лозим.

Киритилаётган мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқнинг ҳақиқий қиймати жамият иштирокчиларининг ҳамкорликдаги қарори асосида ҳал этилади. Қўшимча акциялар ва жамиятнинг бошқа қимматли қоғозлари ҳақини ушбу воситалар билан тўлашда уларнинг пулдаги қийматини аниқлаш жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунда назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Баҳолаш қоидаларининг корпоратив ҳужжатларда янада мукамал тартибга солиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Иштирокчи жамиятга мулкни мулк ҳуқуқи асосида эмас, балки фойдаланиш учун ҳам бериши мумкин. Бундай ҳолда улуш миқдори бутун давр ёки таъсис ҳужжатларида кўрсатилган бошқа муддат мобайнида шу мулкдан фойдаланганлик учун тўланган ижара ҳақига қараб аниқланади. Ижара муддати акциядорлик жамияти фаолияти муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

Турли кўринишдаги сохтагарчиликнинг олдини олиш мақсадида эълон қилинган устав капиталининг суммаси жамият таъсисчилари томонидан у рўйхатдан ўтказилгунига қадар тақсимланган бўлиши керак. Ушбу вақтда очиқ обуна орқали тарқатилишга мўлжалланган акцияларнинг мавжуд бўлишига йўл қўйилмайди. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига асосан устав капитали акциядорлик жамиятини рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида вақтинчалик гувоҳнома берилган вақтдан бошлаб 30 кун муддат ичида 50 фоиз тўланиши, акциядорлик жамияти ўз фаолиятини бошлагандан кейин бир йил ичида (агар юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса) тўлиқ шакллантирилиши керак; акс ҳолда жамият тўловга қобилиятсиз деб тан олинади ёки устав фонди унинг ҳақиқий миқдоригача камайтирилади.

Жамиятнинг қўшимча акциялар ҳақи уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган муддатда, лекин чиқарилган вақтдан бошлаб 1 йилдан кеч бўлмаган муддатда тўланиши лозим. Агар акцияларнинг ҳақини тўлаш шакли уни таъсис этиш вақтида таъсис шартномаси ёки устав асосида тартибга солинадиган бўлса, у ҳолда қўшимча акциялар ёки бошқа қимматли қоғозлар ҳақини тўлаш шакли уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда назарда тутилади.

Қўшимча акцияларнинг ҳақи пул билан тўланган ҳолларда улар

номинал қийматининг камида 25 фоизи тўланиши, пулсиз шаклда тўланадиган ҳолларда эса (жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги шартнома ёки қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса) акция ва бошқа қимматли қоғозлар ҳақи тўлиқ тўланиши керак²⁰.

Ўзининг барқарорлиги туфайли устав фонди одатда нисбатан ликвид активлар ҳисобланган ер, кўчмас мулк, ускуна кабиларни қоплайди. Акцияларни (устав капиталини) сотишдан келган воситаларга янги акциядорлик жамияти ташкил этилган вақтда дастлаб бино, иншоот, машина ва ускуналар, ҳисоблаш техникаси ва сотишга мўлжалланмаган бошқа активлар каби асосий воситалар олинади. Улардан ўзгартирилмаган натурал шаклда, қиймати ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга ўтказиладиган узоқ муддатга фойдаланилади.

Акциядорлик жамиятининг нақд пуллари ва активлар шаклида уларни ўз ичига оладиган айланма воситалари қоида тариқасида ишлаб чиқариш жараёнида вексел ёки банк кредити кўринишидаги қисқа муддатли қарзга – мос қопловчи воситага тез ўзгаради. Бундан ташқари, ўз хўжалик фаолияти юритиши натижаларига кўра жамият дивидендлар тўлашда ёки ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ёхуд бир вақтнинг ўзида иккаласидан ҳам фойдаланиладиган даромад олиши мумкин.

Даромадларни тақсимлаш одатда корпорациянинг устав капиталига таъсир этмайди.

Устав капиталини ошириш. Бу масалада қонунчиликда фақат асосий жиҳатлари билан тартибга солинган бўлиб, унинг батафсил тартибга солиниши одатда "устав капиталини ошириш (камайтириш) тўғрисида"ги Низом деб номланувчи махсус корпоратив меъёрий ҳужжатда ўз аксини топади.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг 21-моддасига асосан, жамиятнинг устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартиш-

²⁰ Корпорация акциялари ҳақида батафсил 7-бобга қаранг.

лар киритиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки, агар жамият уставида ёхуд акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ жамиятнинг кузатув кенгашига шундай қарорни қабул қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Қўшимча акциялар жамият томонидан жамият уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки, бундай қарор қабул қилиш ҳуқуқи жамиятнинг уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан жамиятнинг кузатув кенгашига берилган бўлса, кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий (одатдаги) акцияларнинг ва эълон қилинган миқдорлари (улушлари) доирасида ҳар бир турдаги имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари, шу жумладан, мазкур қонунга мувофиқ жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган акциядорлар учун жамиятнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш баҳоси белгиланган бўлиши лозим.

Жамият устав фондини давлатга тегишли акциялар миқдори йигирма беш фоиздан кўп бўлган ҳолларда қўшимча акциялар чиқариш орқали кўпайтириш Давлат мулк қўмитасининг мутлақ ваколати ҳисобланади.

Амалиётда устав капиталини ошириш турли мақсадларда амалга оширилиши мумкин. Биринчидан, у қўшимча воситаларни жалб қилишга йўналтирилган бўлиши мумкин. Иккинчидан, акциядорлик капитали ва ҳақиқий мулк ўртасидаги ҳаддан ташқари катта фарқни йўқотиш учун чиқарилиши мумкин. Бундай фарқ даромад ва акциялар учун тўланадиган дивидендларни оширишдан дарак бериб, солиқ юкини янада оғирлаштирганлиги сабабли мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига асосан, устав капиталини кўпайтириш ва камайитириш ваколати ак-

циядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киради, лекин акциядорлик жамиятининг устави ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан бу ваколат кузатув кенгашига берилиши мумкин.

Устав капиталини кўпайтириш акциядорнинг янги акциялар сотиб олиш ёки уни эскисига алмаштириш билан боғлиқ имтиёзли ҳуқуқи даражасида амалга оширилиши лозим. Капиталнинг бундай кўпайтирилиши ҳар доим ҳам амалга оширилмасдан, облигациялар бўйича кредиторларга кафолатни, ходимлар томонидан янги акциялар сотиб олинишида имтиёзли ҳуқуқни таъминлаш каби ҳолларда қўлланилади. Бошқача қилиб айтганда, устав капиталини шартли равишда кўпайтириш акциядорлик жамиятини имтиёз билан таъминлаш мақсадида бозордан юқори нархлардаги янги акциялар сотиб олиш заруратидан озод этади.

Рухсат этилган капитал деганда сўз "янги акциялар чиқариш орқали устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ бўлган бошқарувнинг ваколатлари" ҳақида кетмоқда. Бошқарувга бу ҳуқуқ муайян муддатга берилади. Ушбу ҳуқуқ унга белгиланган муддат давомида капитал бозоридаги қулай ҳолатдан тезкорлик билан умумий йиғилиш томонидан рухсат этилган капитални оширмасдан фойдаланиш имкониятини беради. Бундан ташқари, уставда рухсат этилган капитал воситасида АЖ ходимлари учун янги акциялар чиқарилиши назарда тутилиши мумкин.

Капитални жамият воситалари ҳисобига кўпайтириш устав капиталини улушлар ҳисобидан оширишга йўл қўймасдан, фақат устав капиталидаги капитал фондлари ва даромад фондларининг номинал қийматининг оширилишини таъминлайди.

Капитал самарали кўпайтирилган ҳолларда акциядорлар учун уларнинг акциялари қадрсизланишидан ўзларининг улушлари доирасида муҳофаза қиладиган янги акцияларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Шуни ҳам инобатга олиш жоизки, жамиятнинг асосий фондларини қайта баҳолаш унинг устав капиталини кўпайтиришнинг мажбурийлигини келтириб чиқармайди. Бундай қарор жамият томонидан ўз хоҳишига кўра қабул қилинади. Устав капиталини кўпайтириш мақсадида асосий фондларнинг қайта тақсимланиши натижаларига кўра чиқарилган акциялар акциядорлар реестрида қайд этилган, устав капитали миқдорини ўзгартириш тўғрисида қарор чиқарувчи акциядор-

лар ўртасида уларнинг жамият устав капиталидаги улуши ва эгаллаб турган акцияларининг турига қараб тақсимланади.

Устав капиталини камайтириш одатда тўланадиган ортиқча дивидендлардан қутилиш ва зарарларни ҳисобдан чиқариш мақсадларида амалга оширилади.

Биринчи ҳолатда сўз қандайдир сабабларга кўра устав капитали энг кўп миқдоридан ошиб кетган ҳоллар ҳақида кетмоқда. Капиталнинг ортиб қолган қисмини акциядорлар ўртасида тақсимлаш мумкин эмас, чунки, улушларни қайтадан тўлашга йўл қўйилмайди, лекин устав капиталини камайтириш орқали мана шу ортиқча қисмидан озод қилиш ва уларни дивидендлар тўлаш ҳамда захира фондига ўтказиш орқали тасарруф этиш мумкин.

Иккинчи мақсади эса жамият зарар кўриб фаолият юритаётган ҳолларда, акциядорлар капитали билан ҳақиқий мулк ўртасидаги фарқлар яққол намоён бўлган вақтда устав капиталини камайтиришни назарда тутади. Бу биринчидан, жамиятнинг мажбурий тугатилишига олиб келиши мумкин, чунки, жамият устав капиталининг миқдори қонунда белгиланган миқдордан пасайиб кетиши жамиятни мажбурий тугатиш учун асос бўлади. Иккинчидан, акциядорлик капитали юқорилигининг ўзгартирилмаган ҳолда етказилган зарарлар, мол-мулк миқдори устав капиталида кўрсатилган миқдорга мос бўлмагунга қадар олинган даромадни тақсимлаш имкониятидан маҳрум этади.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 22-моддасига асосан жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва муомаладан чиқариш орқали камайтиришга, агар бундай имконият жамиятнинг уставида назарда тутилган бўлса, йўл қўйилади.

Агар устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори жамиятнинг уставига киритилган тегишли ўзгартишларни рўйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган жамият устав фондининг энг кам миқдоридан қонун ҳужжатларида белгиланганидан камайиб кетадиган бўл-

са, жамият устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

Устав фондини камайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши фондни камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

Одатда юқорида кўрсатилган усуллардан акциядорлар тенг ҳолатда бўладиган биринчиси мақсадга мувофиқ ҳисобланади. **Иккинчи усулда** умумий йиғилиш қанча белгиласа, ҳар бир акциядор шунча акция олади. Бунда кичик акциядорлар (улуш кўшувчилар)нинг ҳуқуқлари чекланади. Акциялар амортизация қилинганда акциядорларнинг формал тенглиги тамойилига амал қилинмасдан, фақат муайян акцияларгина бекор қилинади. Агар устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори жамият устав фондининг энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, жамият устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

Устав капиталини камайтириш кредиторлар ва акциядорларнинг манфаатига тегишли бўлганлиги сабабли, бу масала қонунчиликда ўз аксини топади. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 23-моддасига асосан, устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан бошлаб жамият кечи билан 30 кун муддат ичида бу қарор хусусида ўз кредиторларини ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига хабарнома юборилган санадан эътиборан кечи билан 30 кун муддат ичида жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этишни ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Умуман олганда устав капиталининг ўзгариши муносабати билан жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмдан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинган акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан амалга оширилади (Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қо-

нунининг 16-моддаси).

Жамият устав фондини кўпайтиришга у тўлиқ тўланган ва жамият зарарлари қопланган ҳолларда йўл қўйилади. Агар акциядорлик жамиятида давлат устунлик мавқеига эга бўлса, ушбу жамият устав капиталини ошириш учун тегишли давлат ҳужжати қабул қилиниши лозим. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори жамият рўйхатдан ўтказилган вақтдагидан камайиб қоладиган бўлса, устав капиталини камайтириш мумкин эмас.

1.3. Корпорациянинг жамғармалари ва заҳиралари

Амалиётда пул воситалари жамғармаларини ташкил этиш акциядорлик жамиятлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки бу масала ўта муҳим бўлиб, бу бўйича қарор умумий йиғилиш томонидан қабул қилиниши керак. Якуний кўринишда бу – одатда "Махсус молия жамғармалари ва заҳираларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги корпоратив ҳужжатга айланади. Кўпинча ушбу масала кузатув кенгаши тасдиғига киритилади, чунки бу ерда ҳар бир акциядор эга бўла олмайдиган малака талаб этилади. Акциядорлик жамиятининг жамғармалар ва заҳиралар тўғрисидаги Низоми қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Акциядорлик жамиятининг даромади. Даромад бу акциядорлик жамияти фаолиятининг асосий натижасидир. Баланс (эълон қилинган) даромаднинг умумий суммаси маҳсулотларни реализация қилишдан келган ва реализация билан боғлиқ бўлмаган фаолиятдан келган даромаддан харажатлар ва зарарларни ажратган ҳолдаги фойдадан ташкил топади.

Маҳсулотларни (иш ва хизматларни) реализация қилишдан келган даромадга амал қилувчи нархлардан тушган даромад (ҚҚС ва акцизларсиз) билан харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида қаралади.

Реализация қилинган молиявий натижалар бу – Ўзбекистон ҳудуди ва унинг ташқарисидаги бошқа корхоналар фаолиятида улушли иштирок этиш; мол-мулкни ижарага бериш; жамиятга тегишли акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлардан келадиган даромадлар; ишончсиз қарзларни чиқариб ташлашдан келадиган зарарлар ва олдин ишончсиз деб чиқарилган қарзлардан келадиган тушумлар; санкция кўринишида олинган ёки тўланган маблағлар; валюта ҳисоб-

варақларидаги курс фарқлари ва чет эл валютасидаги операциялар каби маҳсулотларни (иш ва хизмат) реализация қилиш босқичи билан боғлиқ бўлмаган даромад, харажат ва зарарлардир (йўқотишлар).

Баланс даромаддан солиқ суммалари чиқариб ташлангандан кейин қоладиган соф фойда акциядорлик жамиятининг тўлиқ тасарруфига ўтади.

2. Акциядорлик жамияти жамғармалари. Соф фойда ҳисобидан жамиятда одатда қуйидаги жамғармалар ташкил этилади:

- ишлаб чиқаришни ривожлантириш;
- ходимлар;
- тақсимланадиган даромадлар;
- ходимларнинг даромадларда иштирок этиши;
- ижтимоий-суғурта таъминоти;
- облигациявий;
- заҳира.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш жамғармаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат)нинг рақобатбардошлилигини, хўжалик ишлаб чиқариши ўсишининг истикболини, капитал қўйилмаларнинг самарадорлигини, жамият даромади ва акцияларининг муомаласини оширишни таъминлаш учун фойдаланилади.

Ходимларни ривожлантириш жамғармаси ходимларни ўз вазифаларини лозим даражада бажаришларига бўлган манфаатдорликларини, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатлари, корпоратив актлар ва индивидуал шартномаларда назарда тутилган кафолат ва имтиёзларга нисбатан ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлайди.

Тақсимланадиган даромад жамғармаси акциялар бўйича дивиденд тўлашнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Унинг мутлақ миқдори ва даромаддаги улуши умумий йиғилиш ва кенгаш қарорига асосан аниқланади.

Ходимларнинг даромадда иштирок этиши жамғармаси одатда ходимларнинг иш ҳақиға мутаносиб тарзда ташкил этилади. Унинг воситалари акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларга қўйилиши, дивиденд кўринишида тўланиши ёки муайян муддат давомида ҳар бир ходимнинг ҳисобварағида сақланиши мумкин.

Ижтимоий-суғурта таъминоти жамғармасидан қуйидагиларни молиялаш учун фойдаланилади:

- ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизликлари дав-

рида уларга қонунда назарда тутилган тўловлардан юқори, қўшимча тўловлар тўлашда;

– ходимларнинг кафолатли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларда;

– ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санатория, профилактория, пансионат ва бошқа соғломлаштириш муассасаларида даволашнишлари учун йўлланмаларнинг ҳақини тўлашда;

– қонунда белгиланган мажбурий суғурта билан биргаликда ходимлар ҳаёти ва соғлиғини қўшимча суғурта қилиш.

Облигация жамғармаси жамият томонидан облигация чиқарилган ҳолларда ташкил этилади. Унинг миқдори облигация эгаларига тўланиши керак бўлган фоизларнинг камида 50 фоизини таъминлаши керак.

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 34-моддасига асосан жамият уставида назарда тутилган, аммо устав фондининг ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамият заҳира фонди тузилади. Жамиятнинг заҳира фонди жамиятнинг устав фондида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори жамият уставида назарда тутилади, аммо бу миқдор жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Жамиятнинг заҳира фонди кўрилган зарарни қоплаш, жамият облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва ушбу Қонунга мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади.

Заҳира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади²¹.

²¹ 1999 йилги инвестиция фондининг соф активларини баҳолаш тўғрисидаги Низомга асосан "Инвестиция фондининг соф активлари деганда, инвестиция фондининг активлар суммасидан унинг мажбуриятларини чиқариш орқали аниқланадиган, унинг тасарруфида бўлган ва амалда ташкил этилган капиталнинг миқдори тушунилади" (1.5). Низом соф активларни баҳолаш ўтказилишининг давомийлиги, уларнинг нархини белгилаш ва баҳолаш тартиби, шунингдек, инвестиция фондининг соф активлари ва уларнинг назорати (аудиторлик текшируви) борасидаги ҳисобдорлик қоидаларини мустаҳкамлайди.

Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин жамият акциядорлари тасдиғига тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига кўра жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан оз бўлиб чиқса, жамият ўз устав фондини соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтиришини эълон қилиши шарт.

Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин жамият акциядорлари тасдиғига тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижаларига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати ушбу Қонуннинг 20-моддасида кўрсатилган устав фондининг энг кам миқдоридан оз бўлиб чиқса, жамият ўзини тугатиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

Жамиятнинг устав фондини камайтириш ёки жамиятни тугатиш тўғрисидаги қарори қабул қилинмаса, унинг акциядорлари, кредиторлари, шунингдек давлат томонидан ваколат берилган органлар жамиятни суд тартибида тугатишни талаб қилишга ҳақли.

Қонунга асосан корпорациялар қонунга зид бўлмаган, ўзлари лозим деб топган бошқа жамғармаларни ташкил этишлари ҳам мумкин.

Жамиятнинг жорий бюджети қуйидаги таркиблардан ташкил топади:

- интервалнинг бошланишига нисбатан касса қолдиғи;
- тушадиган пул воситалари;
- нақд пулга сотиш ва дебиторлик қарзларини йиғиш;
- суғуртадан тушадиган тушум;
- дивидендлар ва фоизлар;
- қўйилмалар ва қимматли қоғозлардан келадиган тушумлар;
- пул воситаларининг тушуми, жами;
- пул воситаларининг мавжудлиги, жами;
- харажатлар;
- бажарилган иш учун тўланадиган ҳақ;
- ойлик маош;
- хом ашё ва материаллар;
- дивидендлар;
- даромад солиғи;
- мажбуриятларни бажариш;
- кредит линияси бўйича;

- янги ускуна;
- харажатлар, жами;
- интервал охирида мавжуд пул воситаларининг мавжудлиги;
- минимал касса қолдиғи;
- тез реализация қилинадиган қимматли қоғозларга қўйилмалар;
- қисқа муддатли ссудалар.

Жамиятнинг пул даромадлари ва харажатлари балансининг максимал ижобий ҳолати унга акциядорларнинг оддий, имтиёзли акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари бўйича тақсимланадиган сезиларли даражада даромад олиш имкониятини беради.

2-§. Даромадни бошқариш ва тақсимлаш

2.1. Корхонанинг молияларини бошқариш

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича корхонанинг молияларини бошқариш уни тасарруф қилишда мустақиллик тамойилига асосланган ҳолда амалга оширилади. Давлат барча корхоналар учун умумий ва ижтимоий манфаатларга тегишли бўлган (масалан, солиқлар тўлаш, бухгалтерлик ҳисоби, молиявий ҳисобот, банклар билан ҳисоб-китоб қилиш каби) молиявий масалаларни бир хилда ҳал этишга қаратилган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Молияларга тегишли барча масалалар корпорацияларнинг алоҳида ҳуқуқи ҳисобланади. Корпорациянинг молияларини бошқариш молия бошқарувини ташкил этадиган, айнан шу мақсадда ташкил этиладиган қоидалар асосида амалга оширилади.

Молия бошқаруви деганда, корпорациянинг молия ресурсларини бошқаришни тартибга солувчи ва улардан нисбатан самарали фойдаланишга қаратилган қоидалар йиғиндиси тушунилади.

Молиявий қарорлар мезонлари компания эгаларининг келажакдаги даромадларига таянади. Уларнинг асосий мақсади муайян таваккалчиликни инобатга олган ҳолда инвестицияларнинг бозор нархи ошиши ҳисобидан бойликларини кўпайтириш ҳисобланади. Бунда пул воситалари оқимининг катталиги, даромад олиш эҳтимоллиги каби мезонлар ишлатилади. Умумий қоида эса таваккалчиликнинг ушбу босқичида мулкдорлар даромадини энг юқори даражада оширишдан иборат. Бу ишлаб чиқариш активларини бозорда сотишда уларнинг

нархини энг юқори даражага кўтариш учун таваккалчилик ва даромадни тенглаштиришни назарда тутди. Уларнинг даромадлилиги кўп жиҳатдан акциядорлик жамиятида молияларни бошқаришнинг даражасига боғлиқ бўлади.

1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"га қонунга асосан акциядорлик жамиятининг барча ишларини, шу жумладан унинг молия ресурслари ва уларнинг тақсимланишини (хусусан, даромадларни тақсимлаш) бошқариш амалдаги қонунчиликка асосан акциядорлик жамияти акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижро органи (директор, бошқарувчи, бошқарув, дирекция, молия бўлими, яъни молия бошқарувчилари хизмати) томонидан амалга оширилади. Акциядорлик жамиятини бошқаришнинг аниқ тартиби, хусусан устав фондининг параметрлари, акциялар чиқаришни кўпайтириш ёки камайтириш тартиби, захира ва бошқа жамғармаларни шакллантириш, даромад (фойдани) ва дивидендларни тақсимлаш каби қоидалар ушбу жамиятнинг уставда аниқ мустаҳкамланиши лозим (Қонуннинг 15-, 29- ва бошқа моддалари).

Умуман олганда молияларни бошқариш тизимида қарор чиқаришнинг қуйидаги учта асосий соҳаларини ажратиш мумкин: 1) инвестициявий қарорлар; 2) молиявий қарорлар; 3) дивидендлар тўғрисидаги қарорлар. Реал активларни (яъни маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ишлаб чиқариш воситаларини) аниқлаш, танлаш ва бошқариш инвестициявий қарорларнинг предмети бўлиб ҳисобланади. Компаниянинг фаолиятини молиялаштириш учун зарур бўлган, жалб этиладиган капитал воситасида акция ва облигациялар портфелининг энг мақбул таркибини аниқлаш молиявий қарорларнинг предмети ташкил этади. Акциядорларга жўнатиладиган даромад улуши ва инвестиция қилиш учун фойдаланиладиган даромаднинг қолган қисмини аниқлаш дивидендлар ҳақидаги қарорнинг натижаси бўлиб ҳисобланади.

Жамиятнинг молиявий ишларини, шу жумладан даромадни тақсимлаш билан боғлиқ қарорларни бошқариш ниҳоятда масъулиятли ва жамият, унинг таъсисчи ва акциядорлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган жуда мураккаб масала бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун у акциядорлик жамияти ҳолати, унинг фаолияти, молиявий аҳволи, рақобатбардошлилиги, бозор, шу жумладан биржа конъюнктураси, креди-

торлар талаблари ҳисоби, молия, солиқ, банк ва бошқа қонунчиликларидоги ўзгартириш ва қўшимчаларнинг чуқур таҳлили асосида мукамал режалаштиришни талаб этади. Шу асосда ушбу жамиятнинг келажакдаги истиқболлари ва табиий равишда жамиятнинг яқин ва узоқ даврдаги фаолияти олдиндан ҳисоблаб чиқилади.

Бу ердан жамият бутун фаолияти, шу жумладан унинг молиявий, инвестициявий, дивиденд сиёсати, даромадни тўғри тақсимлаш каби-ларнинг яхши ўйлаб режалаштирилганлигининг аҳамияти ва зарурияти келиб чиқади. Бунда олдиндан кўришнинг аниқлиги жуда муҳим ҳисобланади, чунки айнан шунга қараб нақд пул тизимини реализация қилишнинг фойдали эканлигини ўзида акс эттирадиган смета ва пул воситалари оқими ишлаб чиқилади.

Молиявий режалаштириш.

Молиявий режалаштириш ўзида асосан дивиденд, молия ва инвестициявий сиёсат юритиш, уларнинг натижаларини олдиндан кўриш, компаниянинг иқтисодий муҳитига таъсир этиш ҳамда йўл қўйиб бўладиган таваккалчилик даражаси ва лойиҳалар танлови ҳақида қарор чиқариш жараёнини намоён этади. Шундай экан молиявий режалаштириш моделларини нисбатан олдиндан аниқ кўриш, хусусан, инвестициялар, қимматли қоғозлар чиқариш, дивиденд, жамғармалар ташкил этиш тўғрисидаги қарорларнинг ўзаро алоқасини тушунтиришни ўзида мужассамлаштиради.

Молиявий режалаштириш жараёнининг қуйидаги асосий вазифаларини кўрсатиш мумкин:

- 1) иқтисодий, ҳуқуқий, ҳисоб-китоб, бозор ахборотлари, шунингдек, компания сиёсати ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш;
- 2) дивидендлар, молиялаштириш ва инвестициялар тўғрисидаги қарорларнинг эҳтимолий ўзаро алоқаларини таҳлил этиш;
- 3) кутилмаган ҳодисаларнинг юз беришига йўл қўймаслик ҳамда жорий ва келажакдаги қарорларнинг ўзаро муносабатини янада яхшироқ тушуниш учун қабул қилинган қарорларнинг келажакдаги оқибатларини олдиндан кўриш;
- 4) амалга ошириш шартлари молия режасида назарда тутилган қарорларни танлаш;
- 5) танланган қарорларнинг натижаларини баҳолаш ва уларни молия режасида мустаҳкамланган мақсадларга мувофиқлигини солиштириш.

Ҳар бир молия моделининг самарадорлиги унинг қай даражада тузилганлиги ва қурилганлигидан келиб чиқади. Модел ёрдамида олинадиган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғрилиги модел асосида ётувчи молия назариясининг дастлабки ва асосий тахминларига, шунингдек, режалаштираётган шахснинг уни қай даражада билишига боғ-лиқ бўлади. Молиявий режалаштириш моделини жуда эҳтиётлик би-лан синчиклаб танлаш керак, чунки молиявий режалаштириш жараё-ни ва компаниянинг келажагида ушбу танловнинг таъсири жуда катта бўлади. Молиявий режалаштиришнинг яхши модели қуйидаги хусу-сиятларга эга бўлиши лозим:

- 1) натижалар ва дастлабки тахминлар ишончли бўлиши керак;
- 2) модел, унинг турли ҳолатларда ишлатиш имконияти мавжуд-лигини таъминлайдиган ўзгарувчанлик (мослашувчанлик) хусусияти-га эга бўлиши керак;
- 3) модел иш амалиётининг янги ва ривожланган имкониятларини ўзида акс эттириши керак;
- 4) дастлабки ахборот ва олинадиган натижалар фойдаланувчига тушунарли бўлиши керак.

Режалаштириш янги ҳолатлар вужудга келган вақтларда прогноз-ни янгилаш ва ўзгартириш имкониятини яратадиган қайта алоқанинг мавжуд бўлишини назарда тутати. Ушбу жараён пул воситалари ҳа-ракатини бошқаришнинг муҳим жиҳати бўлиб ҳисобланади. Якуний режа догма бўлиб қолмаслиги керак. У фақат ҳаракат йўналишини танлаш учун хизмат қилади ва доимий қайта кўриб чиқишга муҳтож бўлади. Кўп ҳолларда корпорация фаолиятининг умумий натижала-рига таъсир этадиган муаммони ҳал этишнинг бир неча йўллари ора-сидан танлашга тўғри келади.

Молиявий режа корпорация бизнес режасининг муҳим унсури эканлигини ҳам назардан қочирмаслик зарур. Уни алоҳида кўрсаткич-лар бўйича топшириқ, шунингдек, корпорациянинг мавжуд ресурслар билан алоқасини, қайта ишлаб чиқариш жараёнида иштирок ётувчи воситаларни умумий баҳолаш ва фойдаланилаётган пул капиталининг ўзаро алоқаси таъминловчи молиявий ҳужжат.

Молиявий режалаштиришнинг дастлабки вазифаларидан бири бу зарур молиялаштириш манбалари орқали меъёр даражасидаги қайта ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш ҳисобланади.

Иккинчи вазифаси – акциядорлик жамияти мулкдорлари, акция-

дорлар ва бошқа инвесторларнинг манфаатларига риоя этиш.

Учинчи вазифаси – корхонанинг бюджет, банк ва кредиторлар олдидаги мажбуриятлари бажарилишини кафолатлаш.

Тўртинчи вазифаси – бошқа даромадларни самарали ишлатиш мақсадида захираларни аниқлаш ва ресурсларни сафарбар этиш.

Бешинчи вазифаси – корхонанинг молиявий аҳволи, тўловга қобилиятлилиги устидан назоратни амалга ошириш.

Молияларни режелаштириш даромад ва харажат балансларини бошқариш, турли манбалар ҳисобидан молия ресурсларининг тушиш режаси, шунингдек, воситалардан фойдаланишни тартибга солиш орқали амалга оширилади.

Молиявий режалар стратегик, жорий ва оператив каби турларга бўлинади.

Стратегик молиявий режа қайта ишлаб чиқаришнинг муҳим кўрсаткичлари, кенгайтириш суръатлари ва мутаносиблигини белгилайди. У мақсадли қурилмалар, стратегик инвестициялар ва назарда тутилаётган жамғармаларни реализация қилишнинг асосий шакли бўлиб ҳисобланади ва албатта у корпорациянинг тижорат сирини ташкил этади.

Жорий молия режалари истиқболли режалар асосида аниқлаштириш ва батафсил текшириш йўли билан ишлаб чиқилади. Шу мақсадда одатда пул воситалари жамғармаларини ташкил этиш ва сарфлаш сметаларидан фойдаланилади. Бу муҳим тадбирларни молиялаштиришни назорат қилиш, жамғармаларни тўлдириш ва ресурсларни киритишнинг энг мақбул манбаларини танлаш учун зарур бўлиб ҳисобланади.

Молиявий режалаштириш жараёнида қўйилмалар ёки чегирмалар ва улар манбаларининг ҳар бири тури аниқ боғлиқлилигини амалга оширилади. Бунинг учун молиявий режага текшириш жадвали тузилади. Унда вертикал йўналиш бўйича молиявий ва унга тенглаштирилган воситаларнинг ишлатиш йўналишлари кўрсатилади. Бундай жадвал молиявий ресурслардан фойдаланиш, даромад ва харажатларни моддалар бўйича баланслаштириш ҳамда пул воситалари жамғармаларини ташкил этиш, захираларини аниқлашнинг мақсадли хусусиятини очиб беради.

Оператив (тезкор) молиявий режалаштириш тўлов календаридан ташкил топади. Бу молиявий ҳужжат ўзида корпорация пул муомала-

сини нисбатан тўлиқ акс эттиради. Бутун пул муомаласи ҳисоб-китоб, жорий, валюта, ссуда ва корхонанинг банкдаги бошқа ҳисобрақамларидан ўтиши туфайли тўлов календариди пул воситаларининг тушиши ва харажат қилиши бўйича ҳаракати акс эттирилган. Банклар томонидан бериладиган ҳисобрақами ҳолати тўғрисидаги кўчирма ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, тўлов молиявий режа жорий молиявий режани аниқлаштиради ва батафсил текширади, кўрсаткичларни ойдинлаштиради, корпорация молия ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш учун барча мавжуд заҳираларни ҳаракатга келтиришга имкон беради. Таҳлил этилаётган вақтда тўлов ва ҳисоб-китоблар ҳолати ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишга имконият беради.

Тўлов календарини тузиш вақтида молиявий бошқарув хизмати бухгалтерлик хизмати билан мустаҳкам алоқада бўлиши жуда муҳим. Бухгалтерия корпорациянинг ҳисобрақамлари бўйича амалга оширилган операциялар, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, муддатли ва текширув ссудалари, солиқларнинг тўланиши, ҳамкорлар билан ҳисоб-китоб қилиш ҳақида маълумотлар тўпланишини таъминлайди. Чорак тўлов календарлари корпорация фаолиятидаги йўналиш ва муаммоларни аниқлашга имконият яратади. Таҳлил натижалари навбатдаги жорий режани ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Молиявий ресурслардан мақсадли ва самарали фойдаланиш тузиладиган режалар ҳамда пул воситалари ташкил этиш ва сарфлаш ҳақидаги ҳисобот сметалари асосида назорат қилинади. Дунё тажрибасида корхона бюджетлари кенг тарқалди. Бюджет режалаштириш функциясини бажаришга имкон беради. У корпорацияга пул воситалари керак бўлган вақтда бундай воситаларнинг унда мавжуд бўлишига ишонтирган ҳолда дастлабки назорат воситаси ҳисобланади. Бюджетлар харажатларнинг чегарасини ўрнатади ва бу билан корпорациянинг у ёки бу бўлимига ўзининг барча воситаларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратади. Бюджетларни тузишнинг асосий моҳияти корхонанинг ҳар бир бўлими ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва маҳсулотларни реализация қилиш эҳтиёжлари билан ресурслар ҳажмини мос келтиришида кўринади. Ҳар бир бўлимнинг таклифи бошқарувнинг юқори турувчи тузилмаси томонидан кўриб чиқилади ва умумий манфаатлар ва имкониятларга мослаштирилади.

2.2. Қимматли қоғозлар портфелини бошқариш

Маълумки, қимматли қоғозлар бозори ниҳоятда ўзгарувчан бўлади, шу сабабли портфел таркиби ва унинг тузилиши бозор талабларига жавоб бериши учун унинг лозим даражада бошқарилишини таъминлаш лозим. Портфелни бошқариш деганда, турли кўринишдаги қимматли қоғозлар мажмуасига қуйидагиларни таъминловчи усул ва технологик имкониятларни қўллаш тушунилади:

- дастлаб инвестиция қилинган воситаларни сақлаб қолиш;
- даромаднинг энг юқори даражасига эришиш;
- портфелнинг инвестициявий йўналтирилганлигини таъминлаш.

Шундай қилиб, бошқариш жараёни портфелнинг асосий инвестициявий хусусияти ва унинг эгаси манфаатларига хизмат қиладиган хоссаларни сақлаб қолишга йўналтирилган. Бу ердан портфел тузилишини, унинг таркибий қисмларида ўзгартиришларга олиб келиши мумкин бўлган омилларни кузатиш асосида жорий тузатиш зарурлиги келиб чиқади.

Портфелга нисбатан қўлланиладиган усул ва технологик имкониятларнинг бутун мажмуаси актив ва пассив сифатида характерланадиган бошқарув усулини ўзида акс эттиради.

Бошқарувнинг жуда муҳим, шу билан биргаликда нисбатан қиммат ва кўп меҳнат талаб қиладиган унсурларидан бири узлуксиз батафсил таҳлилни ўзида мужассам этадиган кузатуви (мониторинг) бўлиб ҳисобланади. Бу:

- фонд бозори ва унинг ривожланиш йўналишларининг кузатуви;
- фонд бозори секторларининг кузатуви;
- фирманинг – қимматли қоғозлар эмитентининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари кузатуви;
- қимматли қоғозларнинг инвестициявий сифатларининг кузатуви кабилардан иборат бўлади.

Кузатувнинг пировард мақсади қимматли хусусиятларга эга бўлган, бозор талаблари ва портфелнинг тегишли типига мос бўлган қимматли қоғозларни танлаш бўлиб ҳисобланади.

Кузатуви (мониторинг) бу – актив ва пассив бошқарув усулининг асосидир. Бошқаришнинг актив модели портфелнинг инвестициявий, шунингдек, портфел таркибига кирадиган фонд қуролларининг тез

ўзгариши талабларига жавоб берадиган қуролларни батафсил ўрганиш ва кечиктирмасдан сотиб олишни назарда тутди.

Қимматли қоғозлар муомаласининг тез-тез ўзгариб туриши, жараёнларнинг жўшқинлиги, юқори даражадаги таваккалчиликнинг мавжудлиги, портфелни бошқаришни нисбатан самарали қиладиган кузатувнинг актив моделидан фойдаланилиши фонд бозорининг хусусиятларини ташкил этади.

Актив бошқаришни амалга ошира туриб, нисбатан истиқболли қимматли қоғозларни излаш ва сотиб олиш, шу билан бир вақтда кичик даромадли активлардан тезда кутила билиш лозим. Бунда портфел қийматининг тушиб кетиши ва унинг инвестициявий хусусиятларининг йўқолиб кетишига йўл қўймаслик керак. Шундан келиб чиқиб, янги сотиб олинган ва сотилган кам даромадли қимматли қоғозларни инобатга олган ҳолда "янги" портфелнинг нархи, даромадлилиги, таваккалчилиги ва бошқа инвестициявий хусусиятларини "эски" портфелнинг худди шундай хусусиятлари билан солиштириб кўриш лозим.

Бунда қандайдир маънода портфелнинг ўзгариш кўламига боғлиқ бўлган, ўзгариш туфайли қилинган харажатларни ҳам инобатга олиш лозим.

Қимматли қоғозлар бозори ҳисоб ставкасининг барқарор эмаслиги унинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Шунинг учун ҳисоб ставкасини олдиндан кўриш усулини қўллаш лозим. У ҳисоб ставкалари пасайган вақтда портфелнинг амал қилиш муддатини узайтиришга, фонд бозори конъюнктураси юқори бўлганда эса портфел амал қилиши муддатини қисқартиришга интилиш заруратига асосланади. Портфелнинг амал қилиш муддати қанча узоқ бўлса, ҳисоб ставкаларининг ўзгариши натижасида унинг қиймати шунча тасдиқланган ҳисобланади.

Шунинг учун қимматли қоғозлар портфелини бошқариш жараёни даражаси ҳисоб ставкасини олдиндан кўришга ҳам боғлиқ бўлган уни доимий ривожлантиришга олиб келади.

Портфелни пасив бошқариш деганда, узоқ муддатга мўлжалланган, олдиндан белгилаган таваккалчилик даражаси билан яхши портфелни ташкил этиш тушунилади. Бозор сифатли қимматли қоғозлар билан тўла бўлган вақтда бундай ёндашиш самара бериши мумкин. Портфелнинг амал қилиш давомийлиги фонд бозоридаги барқарор-

ликка боғлиқ бўлади. Инфляция шароитларида, бозорда асосан қисқа муддатли қимматли қоғозлар мавжуд бўлган вақтларда, шунингдек, фонд бозори барқарор бўлмаган шароитларда пассив бошқариш кам самарали ҳисобланади.

Бир томондан пассив бошқариш фақат кичик даромадли қимматли қоғозлардан ташкил топган портфелга нисбатан самарали бўлса, иккинчи томондан, портфел узок муддат ўзгармаган ҳолатда туриши учун қимматли қоғозлар узок муддатли бўлишини таъминлаш лозим.

Бу пассив бошқаришнинг асосий афзалликларини (яъни, қўшимча харажатларнинг камлигини) амалга ошириш имкониятини беради. Бозорнинг жўшқинлиги портфелга кичик ҳажмдаги қимматли қоғозлар муомаласига эга бўлишга йўл қўймайди, чунки бунда нафақат даромад, балки нархни йўқотиш эҳтимоли юқори бўлади.

Индекс фонди сингари пассив бошқариш усули ҳам кенг қўлланилмайди. Индекс фонди бу – қимматли қоғозлар бозорининг бутун ҳолатини характерлайдиган, танланган биржа индекси ҳаракатини ўзида акс эттирадиган портфел. Агар инвестор портфел бозорининг ҳолатини акс эттиришини хоҳласа, у портфелда индексни ҳисоблаб чиқишнинг таркибини ташкил этадиган қимматли қоғозларга эга бўлиши лозим. Ҳозирча, умуман олганда қимматли қоғозлар бозорининг кам самарали бўлаётганлиги сабабли индекс усулининг қўлланилиши кутилаётган ижобий натижа ўрнига зарар олиб келиши мумкин.

Портфелни ушлаб туриш усулини қўллашда ҳам кўпгина қийинчиликлар вужудга келади.

Пассив бошқариш усули самарасиз қимматли қоғозларни инвестиция қилиш билан боғлиқ бўлади. Бунда кейинчалик биржада олиб-сотарлик операцияларини амалга оширишдан даромад олиш имконини берадиган нархи ва даромади мос бўлмаган акциялар танланади. Лекин, бозорнинг барқарор эмаслиги бундай кафолатларни бермайди. Шунинг учун амалиётда ҳар бир корпорация пассив портфелни бошқаришнинг ўз моделини ишлаб чиқади.

Портфелнинг энг кам зарурий даромад келтириши қарз воситаларининг ўртача баҳоси ёки ўз воситаларидан фойдаланишнинг меъёрий самарадорлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Ундан кейин кам таваккалчилик талаб этадиган ва кафолатланган даромадли қимматли қоғозлар мониторинг асосида портфели танланади.

Шаклланган портфелни ўзгартириш фаол бошқарув ҳолатидагидек бозордаги ўзгаришларга эмас, балки портфел даромад келтиришининг энг кам таваккалчилик даражасидан тушишига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, даромад келтиришлик портфелни "қайта силкинувчи" индикатор бўлиб ҳисобланади.

Портфелни бошқариш маҳорати портфелнинг шаклига ҳам боғлиқ бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда агрессив портфелга нисбатан "пассив" бошқарув тактикасини қўллашдан сезиларли даражадаги ютуқ кутиш қийин бўлиб ҳисобланади. Масалан, мунтазам даромад келтирувчи портфелни фаол бошқариш учун сарфланган харажатлар эҳтимоли қопланади.

Амалий жиҳатдан олганда бошқариш тактикаси инвесторнинг қимматли қоғозларни танлаш ва бозор ҳолатини таҳлил этиш маҳоратига ҳам боғлиқ бўлади. Агар инвестор қимматли қоғозларни танлаш ёки вақтни ҳисобга олишни етарли даражада билмаса, у ҳолда унинг диверсиялашган портфелга эга бўлиб, таваккалчиликни кутилган даражада сақлаши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Агар инвестор бозорнинг ҳолатини олдиндан айтиб беришига ишонса, у ҳолда портфели таркибини бозордаги ўзгаришлар ва у томонидан танланган бошқарув туридан келиб чиққан ҳолда ўзгартириши лозим.

Инвесторнинг ўз олдига қўйган мақсадга энг мақбул йўл билан эришиши учун у томонидан муайян маблағни турли хилдаги қўйилмаларга (акциялар, облигациялар, нақд пуллар каби) тақсимлаши қимматли қоғозлар портфелини шакллантиришдаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Авваламбор, инвестор акциялар, дивидендларнинг курси қулай ўзгариши, қатъий фоизлар олиш ҳисобидан максимал даражадаги даромад олишга интилади. Лекин ҳар бир маблағ қўйиш нафақат даромад олишни кутиш, балки доимий равишдаги ютқазин хавфи билан боғланган, бу эса қимматли қоғозлар портфелини танлашда таваккалчиликни ҳисобга олиш асосий вазифалардан бири эканлигидан далолат беради.

Корпорациянинг айланма капиталини бошқариш. Албатта маблағнинг кўпайиши бизнес учун жуда муҳим, лекин уни тасарруф этиш ундан ҳам масъулиятлироқ вазифа бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун тадбиркорлик эътиборининг асосий қисми корпорациянинг айланма капиталини бошқаришга қаратилади. Бу ерда пировард мақсад

дебиторлар ҳисоб-рақамлари ва товар-моддий захираларда тўланмай йиғилиб қолган маблағларни энг кам даражага олиб келишдан иборат. Асосийси, воситаларнинг келиши ва кетиши ҳажмини мослашти-ра билишликдир.

Нақд пуллар ва қимматли қоғозларни бошқариш. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, корхонада, айниқса мавсумли ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарда эҳтиёждан ортиқча нақд пуллар йиғилиб қолади. Бу ерда молияларни бошқариш учун жавоб берувчи ходимларнинг биринчи навбатдаги вазифаси зарур бўлган ҳолларда қайтариб олиш имконияти билан бу пулларни даромад келтиришга "мажбур" қилиш бўлиб ҳисобланади. Қисқа муддатли инвестицияларнинг бир нечта турлари мана шу мақсадларга жавоб беради:

- давлат хазина мажбуриятлари;
- депозит сертификатлари;
- уй-жой сертификатлари;
- корхоналар томонидан чиқариладиган тижорат векселлари.

Инвестиция портфелини тез реализация қилинадиган қимматли қоғозлар билан тўлдиришда даромаднинг ишончилиги, ликвидлиги, энг кўп меъёри борасида мувозанатни топиш мумкин.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқариш. Одатда даромадлар ҳар дозим ҳам ҳисоб-рақамларга тўланиши зарур бўлган ҳажмларда тушмайди. Шунинг учун фирмага мижозлар бериши керак бўлган маблағларни ҳушёрлик билан кузатишга тўғри келади. Бу бизнес ҳамкорларнинг қайси бирига кредит бериш, қайсисига эса бермаслик, ҳисоб-рақамига пул ўтказиши учун мижозларга қанча муддат бериш, умуман шундай муддат бериш керакми каби саволлар бўйича тезлик билан қарор қабул қилиш имкониятини беради.

Лекин корпорация тўлаши керак бўлган ҳисоб рақамлари устидан ҳам кузатувни сусайтирмаслик керак, чунки ишончсиз ҳамкор билан келажакда бирор кишининг ишлаши даргумон бўлиб ҳисобланади. Бу ерда мақсад одатда тўловни энг охирги муддатгача чўзишдан иборат бўлади, чунки кредиторлар ҳисоб-рақамлари ўз моҳиятига кўра етказиб берувчиларнинг фоизсиз ссудасини ифода этади.

Маҳсулот ва моддий захираларни бошқариш. Маълумки, пештахталарда сақланадиган маҳсулотлар даромад келтирмайдиган капитал ҳисобланади. Бундан ташқари, корпорация бундай капитални сақлаш, яъни уларни кўриқлаш, саралаш, суғурталаш, солиқлар тўлаш

учун анчагина маблағлар сарфлайди. Бунинг устига заҳираларни тайёр маҳсулотга айлантириб сотишгача бўлган даврда уларнинг эскириш таваккалчилиги ҳам мавжуд бўлади.

Шундай экан, буюртмаларни ўз вақтида бажариш ва харажатларни камайтириш мақсадида қандай маҳсулот қимматликлари заҳирасига эга бўлишни аниқ ҳисоблаб чиқиш корпорациянинг вазифаси бўлиб ҳисобланади. Ғарб фирмалари заҳираларни бошқаришнинг "аниқ муддатида" тамойили асосида бошқаришга аллақачон ўтиб олишди. Компьютерлар орқали улар ўзларининг етказиб берувчилари ва мижозлари билан боғланган, бу уларга муайян вақтда керакли бўлган тур ва ҳажмдаги маҳсулотга буюртмани тезлик билан жўнатиш имконини беради.

Юқорида таъкидланганлардан кўриниб турганидек, корхонадаги молиявий муносабатлар энг мураккаб муносабатлардан бири бўлиб ҳисобланади. Уларнинг аҳамиятига келадиган бўлсак, улар бошқа турдаги муносабатлар ичида, ушбу муносабатларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда биринчи ўринда туради. Тадбиркорлик корпорациясининг мақсади даромад олиш экан, ушбу даромадни олдиндан айтиш, ҳисоблаш, кўпайтириш ва камайтириш корпорациянинг барча иштирокчилари, шунингдек, у ёки бу маънода унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган кредиторлар ва бошқа субъектларни қизиқтиради. Корпорациянинг молияларини бошқариш учун жавобгар шахслар бевосита молиявий бошқарувчилар – ушбу йўналиш бўйича у ёки бу ишни амалга ошириш топшириладиган молия соҳасидаги мутахассислар ҳисобланади.

2.3. Молиявий бошқарувчи: унинг ҳуқуқий мақоми ва функциялари

Барча босқичларни бошқарадиган ҳар қандай корпорацияда молиявий қарорлар чиқаришга тўғри келади. Шунинг учун қарор чиқариш вақтида улар томонидан молияларни бошқаришнинг назария ва амалиётида танланган тамойилларига таянишлари муҳим бўлиб ҳисобланади. Молиявий муаммоларни ҳал этиш, айниқса молиявий оқимларни режалаштириш ва бошқаришда молиялар назарияси, таҳлил техникаси ва молиявий моделлар жуда фойдалидир. Лекин уларни ҳар бир ҳолатда танлашда аниқ ҳолатнинг ўзига хос хусусиятлари

таъсир этади. Бу иқтисодий муносабатларни уларнинг аниқ борлигида тасаввур этиш имкониятини беради. Молияларни бошқариш ликвидлик, ўсиш, бозор улуши, даромадлилик ёки акциядорларнинг бойлиги каби кўрсаткичларни энг мақбул даражага келтириш мақсадида ушбу муносабатларни манипуляция қилишга қаратилган. Ҳисобга олиш модели ташкилот фаолиятининг барча ҳақиқий тавсифлари ҳақидаги ҳисобот ва таҳлилни аниқлашда қўлланиладиган қоида ва келишувлар асосида қурилган.

Молиявий таҳлил ҳаракатларни танлашни назарда тутувчи молиявий қарорлар чиқарилиш жараёнининг бир қисми бўлиб ҳисобланади.

Молиявий қарорларни қабул қилиш учун жавобгар бўлган бошқарувчи молиявий таҳлилга таяниши лозим. Ҳатто, молиявий қарор қабул қилиш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган бошқарувчилар ҳам молиявий таҳлил, молиявий назариялар ва молиявий бошқарув мақсадларининг қурол ва техникаларини тушуниши ҳамда уларни қўллай билиши лозим, чунки одатда ушбу қарорлар акциядорлик жамияти ҳаётининг бошқа барча томонларига ҳам таъсир этади.

Бошқарувчининг ҳуқуқий мақоми. Молиявий бошқарувчиларнинг фаолияти жуда серқирра бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ваколатларига устав капиталини шакллантириш, акциялар чиқариш, инвестициялар билан бўладиган операциялар, солиқ режалаштирилиши, даромадни олдиндан ҳисоблаб чиқиш ва уни тақсимлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, ҳисобдорликни таҳлил этиш, фирманинг бирлашиши ва қўшиб олиниши операцияларини баҳолаш кабилар қиради.

Шуни инобатга олиш лозимки, молиявий аҳвол комплекс тушунча бўлиб, акциядорлик жамиятининг ҳақиқий имкониятлари ва восита-ларнинг мавжудлиги ва жойлаштирилишини ифода этувчи кўрсаткич-лар тизимини тавсифлайди. У муайян аниқ санага қараб аниқланади.

Энг мақбул молиявий аҳвол бу – мустаҳкам тўлов қобилияти, хусусий айланма воситалар билан етарли даражада таъминланганлик ва хўжалик мақсадида улардан мақсадли фойдаланиш, ҳисоб-китобларнинг аниқ ташкил этилганлиги, даромадлар ошишини таъминловчи мустаҳкам молиявий базанинг мавжудлиги.

Молиявий аҳволнинг қаноатлантирадиган белгилари билан бир қаторда уни ёмонлаштирувчи, унинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фао-

лиятига, даромадларига ноқулай таъсир кўрсатувчи белгиларнинг ҳам мавжуд бўлиши корпорациянинг молиявий аҳволи етарли даражада танг бўлишига олиб келиши мумкин.

Ҳал қилинадиган масалалар доираси билан бир қаторда молиявий бошқарувчининг ҳуқуқий мақоми, яъни унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг жами ҳам аниқланади. Молиявий бошқарувчининг асосий мажбуриятлари қаторига қуйидагилар киради: корхона воситаларининг тўлов қобилияти ва ликвидлигини таъминлаш, молиявий фаолият натижалари тўғрисида мулк эгаси олдида у билан келишилган муддатларда мунтазам равишда ҳисобот топшириш, тижорат сирига риоя қилиш, ахборотнинг сирлигини таъминлаш, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган тартиб ва миқдорда солиқлар ва бошқа йиғимларни тўлашни инобатга олган ҳолда тўлов ва ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш; солиқ органлари, банклар, статистика органлари, давлат ҳокимияти органларига бухгалтерлик ва молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш; рекламада ёрдам бериш ва бошқалар.

Одатда унча катта бўлмаган корпорацияда молиявий бошқарувчи функциясини тадбиркорнинг ўзи бажаради, бундай ҳолларда унинг мажбуриятлари доираси нисбатан кенг бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- корхона бўлимларининг ҳамкорликдаги самарали ишини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш;
- жорий ва стратегик режали вазифаларнинг бажарилишини ташкиллаштириш;
- молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида мулкдорга у билан келишилган муддатларда мунтазам равишда ҳисобот тақдим этиш;
- корхона фаолиятида қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш;
- корпорациянинг фаолиятига тааллуқли тижорат сирини сақлаш ва ахборотнинг сирлилигига риоя қилиш;
- солиқ органлари, банк, статистика ва давлат ҳокимияти органларига бухгалтерлик ва молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш;
- амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиб ва миқдорда солиқ мажбуриятларини бажариш;

- рекламага ёрдам бериш;
- устав, таъсис шартномаси ва шартномага асосан корхона зиммасига юкланган бошқа мажбуриятларни бажариш.

Тадбиркорлик жараёнини таҳлили этиш унинг қуйидаги тўрт асосий босқичдан ташкил топишишни кўрсатди: 1) янги ғояни излаш ва уни баҳолаш; 2) бизнес-режа тузиш; 3) зарур ресурсларни қидириш; 4) тузилган корхонани бошқариш. Шунинг учун бир вақтнинг ўзида молиявий бошқарувчининг ҳам вазифаларини бажарувчи тадбиркор нисбатан кўпроқ ҳуқуқларга ҳам эга бўлади:

- корхона номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш;
- унинг манфаатларини барча ҳокимият ва бошқарув органлари, фирма ва компанияларда ҳимоя қилиш;
- барча маъмурий фаолиятни амалга ошириш, корхона номидан иш юритиш, хат ёзиш ва жавоб бериш;
- битим ва шартномалар тузиш;
- банкларда жорий ва валюта ҳисобрақамларини очиш;
- корхонанинг фаолияти билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш учун унинг пул воситаларидан фойдаланиш.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам корхона ва бошқарувчига қўйиладиган асосий талаб бу асосий молиявий концепцияни ишлаб чиқиш бўлиб ҳисобланади. Умумий ёндашиш қўйилган мақсадларга эришишни, корхонанинг маблағ айланмаларининг самарали бошқаришни, пул воситаларининг фондларини шакллантириш, молиявий ресурслардан мақсадли фойдаланиш ва пировард натижада даромаднинг ошишини таъминловчи молиявий ривожланишнинг стратегиясини аниқлашдан иборат.

Ҳар қандай ҳолларда қарор қабул қилиш тадбиркорнинг нуқтаи назарини инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Турли даражадаги бошқарувчилар молиявий қарорларга турлича тушунишади. Олий бошқарувчилар одатда узоқ муддатга мўлжалланган стратегик режалаштиришга мослашган бўлиб, бу уларнинг молиявий қарорларнинг мезонларини танлашларида кўринади. Кузатув кенгаши томонидан дивидендларнинг юқорилиги тўғрисида чиқариладиган қарор узоқ вақт тўловлар юқорилигининг акция курслари, фирманинг инвестициявий қарорлари ва унинг ҳаётийлигига таъсирини назарда тутаяди.

Ўрта босқичдаги бошқарувчилар кўпроқ қисқа муддатли мақсадларни кўзлайдилар ва асосан ушбу мақсадларнинг кутилаётган нати-

жалари учун қарорлар қабул қиладилар.

Ўз моҳиятига кўра, молиявий бошқарувчи молиявий қарор чиқарадиган, молиявий таҳлилчи эса унга тавсия берадиган шахс ҳисобланади. Баъзи ҳолларда молиявий бошқарувчи бир вақтнинг ўзида молиявий таҳлилчи ҳам ҳисобланади. Сўнгги йилларда молиявий бошқарувчиларнинг роли бирданига ўсиб кетгани сабабли бугунги кунда кўпгина корпорацияларда бош молиячи ёки молия масалалари бўйича директор бош бошқарувчи ёки президентдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди ва қисман унинг вориси ҳисобланади.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, бошқарувчи молияларни бошқариш тамойиллари, таҳлил этиш қуроли сифатида мавжуд маълумотлар базасидан фойдаланиш имконини берадиган компьютерда операцияларни амалга ошира олиш, мураккаб молиявий моделлар ва тезлик билан қарор қабул қилишга тайёрланиш усуллари, режалаштириш ва назорат қилишни яхши билиши керак.

Шуни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керакки, тадбиркор ва молиявий бошқарувчи ўртасида уларнинг фаолият мақсади, иш ҳажмлари ва бошқа хусусиятлари юзасидан муайян жиддий фарқлар мавжуд. Бу фарқлар қуйидагилардан иборат. Стратегик мўлжал: тадбиркорда – пайдо бўлаётган имкониятдан фойдаланиш; бошқарувчида – мавжуд ресурслардан фойдаланиш. Ниятни амалга ошириш, тадбиркорда тез натижага эришишга қаратилган. Яъни: революциявий; бошқарувчида эса узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, яъни эволюциявий. Ресурсларни ишга солиш: тадбиркорда – кўпрежали, имкони борича ўзида эркин иш юритишни сақлаб қолиш; бошқарувчида эса бир кадамли, яъни қўйилган вазифани бажариш учун барча жамғармаларни сақлаб қолиш хоҳиши. Жалб қилиш ва сотиб олиш шакли: тадбиркорда – ижара, талаб этилаётган ресурсларни мулкчиликка жалб этиш ва улар сонини оширишнинг бошқа шакллари; бошқарувчида эса даромад олишга имкон берадиган воситаларни вақтинчалик жалб этиш. Ташкилий тузилиши: тадбиркорда – горизонтал, норасмий алоқалардан фойдаланиш; бошқарувчида эса бир шаклга келтирилган, иерархик.

Қуйидагилар замонавий бошқарувчининг ўзига хос хусусиятлари бўлиши керак:

- стратегик мулоҳаза;
- халқаро рақобат муҳитидан хабардорлик;

- компьютерни яхши билиши;
- замонавий технологияларни билиши;
- новаторлик;
- шахсий пешқадамлик.

Шуни таъкидлаш жоизки, молиявий бошқарувчи нафақат тадбиркордан, балки ўзининг стратегик мулоҳазаси билан корхона ҳисобчисидан ҳам ажралиб туради. Молиявий бошқарувчи мажбуриятларини стратегик мулоҳазасиз бошқариб бўлмайди. Гарчи кўпгина раҳбарлар тижоратдаги барча муваффақият ҳисобчига хос деб ҳисоблашса-да, фикрлашнинг бундай шакли одатда ҳисобчиларга хос бўлмайди.

Кичик корпорацияларда молиявий бошқарувчи вазифалари тадбиркорнинг ўзи томонидан, ўрта корпорацияларда эса молияларни бошқариш алоҳида фаолият соҳасига ажратилади ва уни шу мақсадда қабул қилинадиган молиявий бошқарувчи амалга оширади. Йирик корпорациялар молиявий бошқарувчилар хизмати, яъни молия бўлимига эга бўлишади. Унга капитал режалаштириш, кредит, чиқимларни ҳисобга олиш, ишлаб чиқариш заҳиралари, молиявий ҳисобот, солиқ ва бошқа секторлар киради.

Бу бўлимнинг асосий вазифаси ҳар қандай фурсатда моддий ресурслар ва капиталнинг мувозанатини таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Истеъмолчиларнинг манфаатлари корпорация молиячиларининг назаридан четда қолмайди, чунки пулнинг айланиши ва корпорациянинг даромадлилиги айнан уларга боғлиқ бўлади. Молиявий бошқарувчилар фаолиятида ишлаб чиқариш манфаатлари ҳам нарх кўрсаткичлари ва пул натижалари кўринишида ўз ифодасини топади. Шунинг учун молиявий бошқарувчилар фирманинг стратегик мақсадларини ҳамма нарсадан устун қўйишади. Уларнинг амалга оширилиши капиталнинг тўпланишига бўйсундирилган.

Амалиётда молиявий бошқарувчиларнинг мулкдор ва корпорациянинг бошқа бошқарув органлари билан ўзаро муносабати ўз моҳиятига кўра корпоратив ҳужжат ҳисобланадиган шартнома ва мансаб йўриқномаси асосида курилади.

Молиявий бошқарувчига қўйиладиган асосий талабларни ўзида акс эттирган ушбу корпоратив ҳужжатларнинг асосий моҳиятини қуйидаги формула кўринишида тасаввур этиш мумкин: корхонанинг пул айланмаларини самарали бошқариш; пул воситалари даромадларини шакллантириш; молиявий ресурслардан фойдаланиш.

Молиявий бошқарувчининг функциялари. Корхонада одатда қуйидагилар бошқарув объектлари бўлиб ҳисобланади:

- мол-мулк (кўчар ва кўчмас);
- мулкӣ ҳуқуқлар;
- ишлар ва хизматлар;
- ахборот;
- интеллектуал фаолият натижалари;
- номоддий неъматлар.

Бошқарув объектларининг ушбу барча турлари мазкур корхона доирасида ажратилган бўлиб, қиймат шаклидаги ифодасига эга бўлади. Моддий ёки номоддий объектларга қўйилган пул воситалари улардан фойдалашни тақозо этади. Тўлиқ ёки қисман ажратилган ҳолда уларнинг айланмаси молиявий бошқарувнинг асосини ташкил этади. Ҳақиқӣ пул айланмаси бу – қийматнинг ҳаракатини ифодаловчи ва пул тўловлари ҳамда ҳисоб-китоблари оқими билан бирга амалга оширилувчи иқтисодӣ жараёнدير.

Шу муносабат билан айнан молиявий бошқарувчи фойда ва бошқа даромадларни киритилган қўйилмалар ва корпорациянинг бошқа иштирокчилари томонидан тўланган бадалларнинг миқдори ва шартига мос равишда тақсимланишини таъминлаши, шунингдек, ўзининг ҳаракатларини мулкдорлар билан келишиб амалга ошириши, уларнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши, ўз фаолиятининг натижалари тўғрисида уларга ҳисобот тақдим этиши лозим.

Капитални бошқариш жараёнида молиявий бошқарувчи вазифаларининг мажмуи амалга оширилади. Бу ерда унинг учта асосӣ функцияларини алоҳида кўрсатиш мумкин:

- қайта ишлаб чиқариш;
- тақсимлаш;
- назорат қилиш.

Молиявий бошқарувчининг қайта ишлаб чиқариш функцияси корхона активларининг даромадлилигини таъминлашга қаратилган. Молиявий ресурсларни самарали бошқариш даромадлиликни оширишга имкон беради, узоқ муддатли инвестицияларни таъминлайди. Юқори даромадлилик ва ликвидликни таъминлашда хусусӣ ва жалб қилинган капиталларни бошқариш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Акцияларнинг бозор нархини тартибга солиш ва қўшимча акцияларни нисбатан қиммат нархларда сотиш имконини берувчи дивиден-

денд сиёсати хусусий воситаларни бошқаришнинг самарали қуроли бўлиб ҳисобланади. Даромадларни дивиденд тўлашга ва корпорациянинг хусусий капиталини оширишга оқилона йўналтирилишини таъминлаш муҳимдир. Молиявий бошқарувчининг вазифаси меъёр даражасидаги қайта ишлаб чиқариш жараёни ва корхона даромадининг ошишини ҳисобга олган ҳолда инвестициявий фаолиятни таъминловчи нисбатан қулай вариант ва молиялаштириш манбасини танлаш бўлиб ҳисобланади.

Молиявий бошқарувчининг тақсимлаш функцияси пул жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, корхона капиталининг самарали тузилишини сақлаб туриш кабиларда ўз ифодасини топади. Тақсимлаш қайта ишлаб чиқариш ва амортизацияга кетган харажатларни қопловчи жойлаштириш жамғармаси шакллантирилган вақтдан бошланади.

Молиявий бошқарувчининг назорат қилиш функцияси ҳақиқий пул айланмаси устидан назорат қилишда кўринади. У қуйидаги икки шаклда амалга оширилиши мумкин:

- молиявий кўрсаткичлардаги ўзгаришлар, тўлов ва ҳисоб-китоблар ҳолати;
- молиялаштириш стратегиясининг амалга оширилиши устидан назорат.

Мазкур функция молиявий бошқарувчининг қуйидаги ҳаракатлари орқали намоён бўлади:

- а) олинаётган даромадларнинг даражаси, шунингдек, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини ошириш вазифалари бўйича ҳисобга олинган пул воситалари жамғармаларининг тузилишини аниқлайди;
- б) пул ва моддий ресурслардан фойдаланишда вужудга келган корхонанинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги тафовутларни мослаштиради.

Назорат қилиш шакли аввало қабул қилинаётган қарорнинг муҳимлигига боғлиқ бўлади. Агар корпорация эндигина ташкил этилган бўлса, кўп ишларни йирик пайчи ҳисобланган тадбиркорларнинг ўзлари бошқаради. Фирманинг ривожланиш даражасига қараб хўжалик бошқаруви ва мулкни тасарруф этиш функцияларининг бўлиниши бошланади. Акциядорлар ўзларига яқин кишиларни кузатув кенгашига сайлаш орқали фирма сиёсатига эгри таъсир кўрсатишлари мумкин. Олий бошқарувчиларнинг тайинланишида иштирок этиш орқали

кузатув кенгашининг бу аъзолари, корхона фаолияти ва унинг молиявий фаолиятини бошқаришга таъсир кўрсатадилар.

Қуйидагилар молиявий бошқарувчилар фаолиятининг тамойиллари ҳисобланади:

– биринчидан, режалилик ва тизимлилик. Молиявий бошқарувчи моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар режалаштирилишини, уларнинг мувозанатини таъминлаган ҳолда бирлаштиради;

– иккинчидан, мақсадли йўналтирилганлик. Ҳар хил мақсад ва рағбатлар устунлик қилиши мумкин. Масалан, рентабеллик, ишлаб чиқариш қуввати, жамият олдидаги жавобгарлик, янгилик киритиш, бозордаги ҳолат, муайян моддий ва молиявий ресурслар, раҳбариятнинг кўрсатмаларини бажариш ва тегишли натижаларга эришиш. Лекин пировард натижада барча тадбиркорларда умумий мақсадлар мавжуд. Бу, авваламбор мустаҳкам даромадлар, сотиш бозори ва таъсир кўрсатиш доирасини кенгайтиришдир. Айнан шулар асосий мўлжал ва назорат қилувчи омил бўлиб ҳисобланади;

– учинчидан, диверсиялаштирилганлик. Бу икки жиҳатдан мавжуд бўлади, яъни пулни турли қимматли қоғозлар, объектлар ва тадбиркорлик фаолиятининг бир қанча турлари билан шуғулланувчи кўпсоҳали корхонага инвестиция қилиш. Лекин диверсиялаштирилганлик рентабелликнинг ошишини таъминлаган ҳолда молиявий ресурсларни сезиларли даражада жалб қилиш билан боғлиқ. Бу молиявий бошқарувчи томонидан алоҳида эътиборни талаб этади;

– тўртинчидан, стратегик мўлжалланганлик. Бу ерда ишлаб чиқариш ва молиявий манбаларни ривожлантиришнинг кўпгина вариантларини ишлаб чиқиш дастурларининг тузилиши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Буларнинг барчаси бошқарувчи ўрнининг қанчалик аҳамиятли эканлигини кўрсатади ва ундан керакли билим, тажриба ҳамда ишга нисбатан маъсулият билан ёндашишни талаб этади.

2.4. Даромадларни тақсимлаш

Тадбиркорлар ва корпорация барча иштирокчиларининг асосий мақсади бу – даромад олиш бўлиб, бу ерда кўп нарса даромадларни тўғри тақсимлашга боғлиқ бўлади.

Соф фойдани тақсимлаш тамойиллари. Корхонанинг баланс

даромади даромадларни тақсимлаш объекти бўлиб ҳисобланади. Унинг тақсимланиши деганда, даромадни бюджетга ва фойдаланишга кўра корхонага йўналтириш тушунилади. Даромадларни тақсимлаш тамойилларини қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

1) даромад корхона ҳамда солиқ ва йиғимлар ставкасини ўрнатадиган давлат ўртасида тақсимланади;

2) даромаднинг бир қисми кредитлар ва уларнинг фоизларини тўлашга ажратилади;

3) корхонада қоладиган даромаднинг юқорилиги унинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва ишлаб чиқариш, хўжалик ҳамда молиявий фаолият натижаларини яхшилаш борасидаги манфаатларини пайсайтеирмаслиги керак;

4) корхона тасарруфида қолган даромад биринчи навбатда келгусидаги ривожланишни таъминлаш учун захира, суғурта жамғармаларида йиғилиши ва ундан қолган қисмигина истеъмолга қолдирилиши керак. Бунда биринчи навбатда облигация ва акциялар бўйича тўловлар, шунингдек моддий рағбатлантириш жамғармасини назарда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қонунчилик даромадларни тақсимлашнинг ҳеч қандай меъёрларини ўрнатмайди, лекин солиқ имтиёзлари берилиши тартиби орқали даромадни капитал қўйилмалар, хайрия мақсадлари, табиатни асраш тадбирларини молиялаш, ижтимоий характердаги объектларни таъминлашга қаратилган соҳаларга йўналтирилишини рағбатлантиради. Шу билан бирга захирани шакллантириш шакли ҳам қонун билан тартибга солинади.

Қонунга асосан даромадларни тақсимлаш тартиби корхонанинг уставида белгиланади. Шу мақсадда махсус корпоратив ҳужжат ҳам қабул қилиниши мумкин.

Даромадни тақсимлаш йўналишлари. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунига асосан даромадларни тақсимлаш акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киради. Одатда уларга биринчи навбатда икки рақобатчи жамғармадан (ишлаб чиқаришни ривожлантириш жамғармаси ва дивидендлар тўлашга қаратиладиган жамғарма) қайси бирига устунлик бериш масаласини ҳал этишга тўғри келади.

Албатта, ишлаб чиқаришни ривожлантириш – объектив қонуният, лекин бизда ҳозирча акциядорларнинг турмуш даражаси унча-

лик юқори бўлмаганлиги сабабли акциядорлик жамиятлари ўз воситаларининг сезиларли қисмини истеъмолга йўналтирадilar. Ички инвестициялар ишни кенгайтиш билан боғлиқ харажатларни унчалик ҳам қопламайди. Шунинг учун ҳозирги босқичда банк кредитларидан фойдаланиш қоидага айланиб қолган.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш жамғармаси облигациявий жамғарма ва тақсимланаётган даромад жамғармаси шакллантирилгандан кейин қолган соф фойда маблағларидан шакллантирилади. Корпоратив ҳужжатда ушбу жамғармани шакллантириш мақсадлари назарда тутилиши мумкин. Мазкур ҳужжатда унинг воситаларини қайси йўналишларда фойдаланишнинг кўрсатилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки бу ушбу жамғарма воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ акциядорларнинг назорати ва бошқарувчиларнинг ишини енгиллаштиради. Бу воситалар қуйидагиларга йўналтирилиши мумкин:

- техникавий қайта қуролланиш, амалдаги ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш ва кенгайтириш ҳамда янгиларини ўзлаштириш;
- самарали технологиялар, янги ва замонавий маҳсулотлар (хизматлар), тажрибали намуналарни ўзлаштириш;
- илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва лойиҳавий ишларни амалга ошириш, шундай ишлар учун ускуна, асбоб ва бошқа моддий қимматликларни сотиб олиш;
- табиатни асраш тадбирлари;
- бино, иншоот ёки ишлаб чиқариш – техник характердаги бошқа мол-мулкларни қуриш ёки сотиб олиш ва ҳоказолар.

Одатда акциядорлар билан жамият ўртасида бўладиган низоларнинг сезиларли даражадаги қисми кўпчиликнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш жамғармасини ошириш учун даромадни тақсимлаш жамғармасини камайтиришга норози эканлиги билан боғлиқ. Шунинг учун корпоратив ҳужжатда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириладиган энг кам воситалар (фоизларда) кўрсатилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш муаммолари шу қадар мураккабки, ҳатто, акциядорлар умумий йиғилиши фақат ишлаб чиқариш ривожланишининг жорий ва истиқболдаги вазифаларинигина аниқлаши мумкин. Аниқ қарорлар мутахассислар ва бошқарувчилар томонидан ишлаб чиқилиб, бошқармага

таклиф этилади. Бош директор бошқарма номидан мазкур таклифни кузатув кенгашига тақдим этади. Ушбу таклиф бизнес-режа, харажатларнинг техник-иқтисодий асоси, турли таҳлилий ахборот, танланган йўналишларда молиялаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини (самарадорлигини) тасдиқловчи экспертиза материаллари кабиларни ўз ичига олади. Кузатув кенгаши ўз қарорини акциядорларнинг умумий йиғилишида чиқаради.

Қоида бўйича акциядорлик жамияти ҳар бир жамғармасининг воситалари қатъий мақсад бўйича сарфланиши лозим. Кўп ҳолларда қандайдир тадбирлар ўтказиш қарз воситаларини талаб этади. Бундай ҳолларда вақтинчалик бўш жамғармалардан ўз вақтида тўлиқ қайтариш шарти билан олиш мумкин. Чунки, олинган воситалар ўз вақтида, тўлиқ қайтарилмаса жамиятда молиявий воситаларнинг бетартиб аралашмаси пайдо бўлиб, жамғармалар ва заҳиралар тўғрисидаги Низом ўз моҳиятини йўқотади. Воситаларни жамғармалар ўртасидаги олди-берди масалаларини кузатув кенгаши ҳал этади.

Умуман жамғармалар ва заҳиралардан фойдаланиш кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси ваколатларига киради. Тегишли маълумотлар ўтаётган молия йили ҳисоботида кўрсатилиши керак. Агар ҳисобот акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланганлиги акциядорларнинг акциядорлик жамиятининг ушбу соҳадаги фаолиятини назорат қилганликлари ва тасдиқланганликларини билдиради.

Корпорация иштирокчилари ўртасида даромадларни тақсимлаш. Тўлиқ ширкат фаолиятининг молиявий натижалари бухгалтерлик баланси билан аниқланади. Бундай турдаги корпорация иштирокчилари ўртасида даромад унинг иштирокчилари улуши белгиланган таъсис шартномаси асосида тақсимланади.

Тўлиқ ширкат даромадининг бир қисмига эга бўлган ҳар бир иштирокчи уни ўзининг баланс даромади таркибидаги ишлатилмаган даромад сифатида ҳисоблайди ва ундан белгиланган тартибда бюджетга ўтказиладиган солиқлар ажратади. Агар иштирокчи жисмоний шахс бўлса, олинган даромад улушидан у даромад солиғи тўлайди.

Коммандит ширкатда баланс даромаднинг умумий суммасидан биринчи навбатда бюджетга даромад солиғи тўланади. Ундан кейин даромаднинг бир қисми омонатчиларга уларнинг ширкат капиталидаги қўйилмалари фоизига мос равишда йўналтирилади, кейинги нав-

батда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва бошқа мақсадларга тақсимланади. Даромаднинг қолган қисми ҳақиқий аъзолар (тўлиқ шериклар) орасида тақсимланади.

Салбий молиявий натижалар бўлган вақтда тўлиқ шериклар ширкат мол-мулкини сотиш орқали (таъсис шартномасида бошқача ҳолат назарда тутилиши ҳам мумкин) омонатчиларга уларнинг улушларини беришлари керак. Даромад етмайдиган тақдирда омонатчилар ўз кўйилмаларига камроқ фоиз олишлари мумкин (лекин шартномада бу масалани ҳал этишнинг бошқа усуллари ҳам назарда тутилиши мумкин, масалан, даромаднинг етишмаган қисмини кейинги йилда тўлаш каби).

Масъулияти чекланган жамиятнинг даромади солиққа тортилади ва юридик шахсларга хос бўлган умумий қоидалар асосида тақсимланади. МЧЖ хўжалик фаолиятининг ҳар йиллик яқунларини ҳисоблаш жараёнида ҳар бир иштирокчига унинг устав капиталидаги улушига муносиб тарзда даромад улуши тўланади, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин даромад ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

Таъсис ҳужжатларида пайчилар ўртасида даромад тақсимлашнинг бошқача тартиби (масалан, ҳар бир иштирокчининг шахсий кўйилмасини ҳисобга олган ҳолда) белгиланиши мумкин. Даромад етишмаган тақдирда пайчиларга даромад тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

Ёпиқ акциядорлик жамиятида гарчи даромадларни тақсимлаш ташқи кўринишидан МЧЖдагига ўхшасада, лекин ҳақиқатдан олиб қараганда ундан жиддий фарқ қилади. МЧЖ мол-мулки унинг иштирокчиларига ҳар бир иштирокчига тегишли бўлган муайян улушларни ўзида акс эттирувчи умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Демак, муайян шароитларда ушбу улуш устав капиталидан чиқарилиши мумкин. ЁАЖнинг мол-мулки ҳам улушли бўлиши мумкин. Акциядорда устав капиталидаги унинг улушини расмийлаштирувчи, унинг дивиденд олиш ҳуқуқини белгиловчи акцияга эга бўлиш ҳуқуқи мавжуд бўлади. Акциядор ЁАЖ мол-мулкидан тегишли акция қиймати улушини ажратишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Агар МЧЖда улуш бўлинса, АЖда акция бўлинмайди. Акциядор акцияга эгалик қилиб турган вақтда ўзига тегишли акциянинг ягона эгаси бўлиб ҳисобланади, ва ниҳоят, МЧЖ акция чиқариш ҳу-

қуқига эга бўлмайди. Унда иштирокчига ўзи киритган улушини тасдиқловчи, қимматли қоғоз ҳисобланмаган гувоҳнома берилади. Демак, ЁАЖда МЧЖга нисбатан акциялар борасида бошқача муносабатлар шаклланади. Айнан шунинг учун ЁАЖ пайларга бўлинмайди-ган нисбатан мустаҳкам тузилма ҳисобланади. Даромадларни тақсимлаш, акция ва облигациялар бўйича дивидендлар тўлаш ЁАЖда ҳам МЧЖда бир хил тартибда амалга оширилади.

Ушбу барча талабларга қатъий риоя этиш корпорация даромадини қонуний ва адолатли тақсимлашни таъминлайди ҳамда пировард натижада ҳам корхонанинг, ҳам унинг эгаларининг, шунингдек кредиторларнинг манфаатларига хизмат қилади.

3-§. Дивидендлар: тушунчаси, турлари, сиёсати

"Дивиденд" сўзи лотинча *dividendus* сўзидан келиб чиққан бўлиб, бўлиниш маъносини билдиради (*division*-бўлиниш сўзида). Дивиденд бу – акциядорлик жамияти томонидан ҳисобот даврида олинган, турли хилдаги акциялар эгаларига мунтазам равишда тўланадиган, даромаднинг бир қисмидир. Бошқача қилиб айтганда, дивиденд акция эгалари ўртасида уларнинг улушига мутаносиб тарзда тақсимланадиган акциядорлик жамиятининг жорий йилдаги даромадидан ташкил топади, яъни дивиденд орқали акциядорнинг акциядорлик жамияти даромадида иштирок этиш ҳуқуқи амалга оширилади. Акциядор каби белгиланган тартибда жамиятнинг акциядорлари реестри таркибига киритилган акцияларнинг номиналини сақловчилар ҳам дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистонда дивидендлар масаласи бир қатор қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Буларга, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида"ги қонуни, 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизмлари тўғрисида"ги қонуни, шунингдек, 1998 йилда қабул қиланган "Хусусий инвестиция фондини чиқаришнинг намунавий лойиҳаси", Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 майда қабул қи-

линган "Инвестиция фондлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва бошқалар киради.

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 10 моддадан (53-62) иборат бўлган VI бўлими "Дивидендлар" деб номланади. 53-моддада кўрсатилишича, "дивиденд фойданинг солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта инвестиция амалга оширилганидан сўнг акциядорлар жамияти ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисми".

Кейинги навбатда дивидендларни тўлаш тартиби белгиланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги акциядорлик жамиятларига нафақат АЖнинг устави, балки дивидендлар тўлаш тартиби кўрсатилиши мажбурий бўлган инвестиция фондининг ҳам устави мавжуд бўлишини назарда тутаяди (Инвестиция фондлари тўғрисидаги низомнинг 11-банди, 1998 йил 25 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг 2-иловаси²²).

Дивидендлар тўлаш тартиби, шунингдек "Хусусий инвестиция фондини чиқаришнинг намунавий лойиҳаси"нинг XII бўлимида ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида дивидендлар тўлаш тартибининг бундай батафсил тартибга солиниши бежиз эмас, чунки акциядорлар учун дивидендлар акциядорлик жамияти ишидан асосий ва кўпчилик ҳолларда ягона даромад олиш шакли ҳисобланади. Дивидендлар олишнинг ўзи уларнинг акциядорлик жамиятида иштирок этиш мақсади бўлиб ҳисобланади.

Дивидендларнинг қуйидаги уч асосий турлари фарқланади:

– пул шаклида тўланадиган. Булар амалиётда нисбатан кенг тарқалган бўлиб, ҳар бир акцияга акциядорлик жамиятининг даромадидан келиб чиққан ҳолда шу жамиятнинг ўзи томонидан белгиланадиган суммада тўланади;

²² Хусусийлаштирилган инвестиция фондининг Намунавий устави Давлат мулк қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилади (1996 йил 18 июнда қабул қилинган "Инвестиция фондлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг 2-банди).

– мулк шаклида тўланадиган. Бу ҳозирги вақтда аҳолида пул воситалари тақчиллиги муаммоси мавжуд бир пайтда кенг тарқалмаган;

– акциядорлик жамиятининг акцияси шаклида тўланадиган. Бу ўзининг тарқалган даражасига кўра пул билан тўланадиган дивидендлардан кейин иккинчи ўринда туради.

Агар дивидендлар АЖнинг ўз акциялари билан тўланадиган бўлса, бундай амалиёт "даромадларни капиталлаштириш" ёки қайта инвестициялаш деб номланади. Назария нуқтаи назаридан акциялар билан даромад тўлаш дивиденд деб ҳисобланиши мумкин эмас, чунки соф фойданинг бир қисмини ташкил этмайди. Лекин шунга қарамасдан, дунё амалиётида дивидендларни ўзининг акциялари билан тўлаш кенг тарқалган. Бунда дивиденд бир дона акцияга нисбатан фоизларда ёки маълум акцияларнинг сотиб олиниш санасини ҳисобга олган ҳолда уларнинг сонига мутаносиб тарзда белгиланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, акциядорлик жамиятнинг дивиденд тўлаш ҳуқуқи мутлақ ҳисобланмайди. У кредиторлар ва жамиятнинг имтиёзли акциядорлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида чекланган бўлади. Акс ҳолда барча таваккалчиликлар кредиторлар зиммасига юкланиб, имтиёзли акциядорларнинг ҳам ҳуқуқлари бузилган бўларди.

Дивидендлар тўлаш қуйидаги ҳолларда қонуний ҳисобланади: биринчидан, жамият устав фондининг ҳаммаси тўлаб бўлинганда; иккинчидан, жамиятнинг барча акциялари сотиб олинганда; учинчидан, дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари бўлган ҳолда; тўртинчидан, жамият соф активлари қиймати унинг устав капитали ва захира фонди қийматидан юқори бўлган ҳолда.

Акциядорлик жамияти агар унинг активлари пассивларидан юқори бўлса даромадга эга ҳисобланади. Даромад олиш манбалари турлича бўлиши мумкин: АЖ хўжалик фаолияти натижаларидан, акцияларни номинал қийматидан юқори сотишдан, жамият активларини қайта баҳолашдан, унинг устав капиталини камайтириш кабилардан.

Молиялаштириш манбалари муаммолари ҳар бир компания учун жуда муҳим бўлиб ҳисобланади. Воситаларни тақсимланмаган даромадлар жамғармасидан олиш ёки янги акцияларни сотиш орқали жалб қилиш мумкин. Лекин акцияларни чиқариш ва жойлаштириш эмитентнинг комиссиялари, ҳисоб-китоб, ҳуқуқий хизматлар ва

бошқаларни ўзида акс эттирувчи уларни жойлаштириш чиқимларини келтириб чиқаради. Агар жойлаштириш чиқимлари одатда кичик компанияларда бўлгани каби юқори бўлса, у ҳолда лойиҳани оддий акциялар чиқариш йўли билан эмас, балки тақсимланмаган фойда ҳисобидан молиялаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг устига унча катта бўлмаган компанияларда янги акцияларни чиқариш компания устидан назоратни йўқотиш хавфини келтириб чиқаради. Шунинг билан олиб, компания хусусий воситалардан максимал даражада фойдаланиш йўлини танлаши мумкин.

Молиялаштириш манбалари масалаларини ҳал этиш жараёнида қарз ва акциялар ўртасида ҳам танлашга тўғри келади. Агар қарз воситаларини жалб қилиш чиқимлари унча катта бўлмаса, компания дивиденд тўловларининг доимий даражасини сақлаб туриш ва кредит жалб қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Баъзи ҳолларда акциядорлик жамияти бутун соф фойдани захира фондига йўналтиради ёки ишлаб чиқаришни ривожлантиришга киришиш учун тақсимламасдан қолдиради. Бундай ҳолда дивиденд деярли нол миқдорда бўлади. Бу акциядор учун ёмон, у акциялар бўйича даромад олмайди, лекин бу мазкур АЖ сотиш бозорини кенгайтиришга, унинг ҳолатини мустаҳкамлашга ва натижада акциялар курсининг ошишига олиб келиши мумкин.

Қонунга асосан дивидендлар тўлаш ва унинг миқдори тўғрисидаги қарор молиявий йил якунларига кўра, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан АЖ кузатув кенгаши тақдимида кўра, оралик дивидендларни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.

Дивидендлар тўлашнинг аниқ муддатлари акциядорлик жамияти томонидан ўрнатилади. Улар йиллик, чораклик ёки ярим йиллик бўлиши мумкин. Йиллик дивидендларни тўлаш, унинг миқдори ва тўлаш шакли тўғрисидаги қарор дивидендларнинг ҳар бир категорияси бўйича кузатув кенгаши тавсиясига кўра акциядорлар умумий йиғилиши томонидан, оралик дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарор эса кузатув кенгаши томонидан мустақил равишда қабул қилинади.

Шунинг билан олиб, лозимки, дивидендлар тўлашда муайян устуворликка риоя қилинади. Биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ўрнатилади; улардан тўғри имтиёзли акциялар бўйича дивиденд олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган имтиёзли акциялар биринчи ўринда, дивиденд миқдори белгиланмаган имтиёзли ак-

циялар бўйича дивидендлар охирги ўринда туради.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор чиқарилади.

Акция сақловчиларнинг қўлларида мавжуд бўлган акциялар учунгина дивидендлар ҳисобланади. Акциядорлик жамияти балансида мавжуд бўлган сақловчилардан сотиб олинган ёки жойлаштирилмаган акциялар дивидендлар ўрнатилаётган вақтда инобатга олинмайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, йиллик дивиденд миқдори кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши ва тўланган оралиқ дивидендлар миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас. Умумий йиғилиш дивидендларни қисман (тўлиқ бўлмаган миқдорда) тўлаш ёки дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар миқдори олдиндан, яъни улар чиқарилаётган вақтда белгиланади. Бундай акциялар бўйича дивидендларни тўлаш учун етарли даромад бўлган ҳолларда жамият ушбу акция эгаларига дивиденд тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Даромад етарли бўлмаган ёки АЖ зарар кўрган ҳолларда дивидендлар тўлаш фақат жамиятнинг шу мақсадда тузилган махсус жамғармалари ҳисобидан ва уларнинг миқдори доирасида тўланиши мумкин. Заҳира фондидан дивидендлар тўлашга йўл қўйилмайди.

Дивиденд ҳисоблаш амалий жиҳатдан ҳар чоракда, ҳар ярим йилда ёки йилда бир марта амалга оширилиши мумкин. Унинг юқорилиги пул кўрсаткичида ёки акциянинг номинал қийматига нисбатан фоиз ҳисобида ифодаланади. Кўпгина акциядорлик жамиятлари дивидендлар тўлашни акцияларнинг номинал қийматига қараб эълон қилса, аксарияти акцияларнинг уларнинг бозор нархи бўйича сотиб олади. Шунинг учун мазкур акциянинг даромадлилиги даражасини ҳисоблаш вақтида олинган дивидендлар юқорилиги акциянинг бозор нархи билан солиштирилади. Олинган фоиз ҳисобидаги натижа дивиденд ҳисобидан даромадлилик даражасини кўрсатади.

АЖ жамият томонидан эълон қилинган дивидендларни тўлашни рад этган ҳолларда акциядорлар уларнинг тўланишини суд орқали талаб қилишлари мумкин. Агар жамиятнинг дивиденд тўлаш учун даромади бўлмаса, у ҳолда уни тугатиш натижаси билан тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги масала қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 58-моддасига мувофиқ, эмитент акциядорларининг умумий йиғилиши белгилаган муддатларда дивидендларни ўз айби билан тўламаган тақдирда тўланмаган ва тўлиқ олинмаган дивидендлар юзасидан Марказий банк белгилаган такрор молиялаш ставкалари бўйича пеня ёзилади.

Акциядорлик жамияти эълон қилган дивидендларни тўлашни акциядор суд тартибида талаб қилишга ҳақлидир. Рад этилган тақдирда, жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот бўлган деб эълон қилиш тадбири қўлланилади.

Қонуннинг 59-моддаси ўз акциядорларига тўланмаган дивидендлар тарзида қарзлари бўлган акциядорлик жамияти ўз фаолиятини қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органи васийлигида олиб бориши мумкин. Акциядорлик жамиятига васийлик белгиланиши ва уни санация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Бунда қарздор акциядорлик жамияти инвесторларга бир йил ичида қорхонани санациялаш (молиявий жиҳатдан соғломлаштириш) ва қайта ташкил этишнинг асосланган режасини тақдим этмоғи шарт. Мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ қорхонани банкрот деб эълон қилиш тадбири амалга оширилади²³.

Акциялар ҳақи қисман тўланган тақдирда дивидендлар ҳам акцияларнинг тўланган қисмига мутаносиб тарзда қисман тўланади (АЖ уставида бошқача тартиб ҳам белгиланиши мумкин). Дивиденд тўлаш тўғрисида эълон қилинган санадан камида 30 кун олдин акция сотиб олган шахслар дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 62-моддасига мувофиқ дивидендлар қонун ҳужжатларига мувофиқ солиққа тортилади. Давлат қимматли қоғозлар бозорини ривожланти-

²³ Эълон қилинган дивидендларнинг акциядорларга ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши тартиби устидан кузатиш инвестиция фондининг бошқарувчи компанияси зиммасига юклатилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 сентябрдаги қарорининг 4-илоvasи "Инвестиция фондининг бошқарувчи компанияси тўғрисида"ги Низомнинг 28-моддаси).

ришни рағбатлантириш мақсадида дивидендлардан солиқ олишда вақтинчалик имтиёзлар белгилаши мумкин.

Дивидендлар банк-агент ёки жамиятнинг ўзи томонидан тўланади. Дивидендлар уларга солинадиган солиқларни ҳисобга олмасдан эълон қилинсада, банк-агент ёки жамият уларнинг солиқларини инобатга олган ҳолда тўлайди. Жисмоний шахс – қимматли қоғозлар сақловчисининг дивиденд кўринишидаги даромади унинг умумий даромадига қўшилиб, умумий даромад солиғи олинади. Очиқ турдаги акциядорлик жамияти дивидендлар тўланишига қадар камида 31 календарь кун қолганда тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этади.

Агар мижознинг топшириғига кўра, акцияларни бошқариш инвестиция институти томонидан амалга оширилса, у ҳолда акцияларнинг дивидендлари акциядор сақловчисига миқдори мижоз билан тузиладиган шартномада белгиланадиган, инвестиция институтининг ҳақини сақлаб қолган ҳолда тўланади.

Акцияларнинг бозор қиймати (курси) дивиденд миқдорларига ҳам боғлиқ бўлади. Акциядорнинг даромади акцияга бўлган дивиденд ва унинг бозор қийматидаги ўзгаришидан ташкил топади. Бозор нархи акциянинг курси бўлиб, у дивиденд юқорилигига нисбатан тўғри мутаносиб ва ссуда фоизига нисбатан эса тескари мутаносибликда бўлади.

Акцияларнинг бозор қийматини ошириш учун компаниянинг акциядорлик капиталининг ошиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, акция курсининг юқорилигига ссуда фоизининг ставкаси ҳам таъсир кўрсатади: у қанча юқори бўлса, инвестор учун акциядан кўра банкка пулни қўйиш афзал бўлади. Биржа савдоси амалиётида доимо қимматли қоғознинг номинал қиймати билан солиштирилади. Агар акциянинг курси унинг номиналидан ошиб кетса, ушбу ошган миқдор "ажио" деб, курснинг номиналдан пасайиб кетган миқдори эса "дизажио" деб аталади. Биржа фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичи бу ушбу қимматли қоғозлар билан охирги марта битим тузилган унинг курси – нархи бўлиб ҳисобланади.

1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида биржада ва биржадан ташқари савдодаги қимматли қоғозлар

нархи умумий равишда қимматли қоғозлар талаб ва таклифи ўртасидаги мувозанатни акс эттирувчи нархларни ўзида ифода этади (қонуннинг 17-моддасига қаранг). Қимматли қоғозлар нарhini котировкалаш фонд биржалари томонидан марказлаштирилган тартибда, шунингдек биржадан ташқари бозорда дилерлар томонидан амалга оширилади. Нархларни эмитентларнинг ўзлари котировкалашига йўл қўйилмайди (1996 йил 25 апрелда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизмлари тўғрисида"ги қонуннинг 23-моддаси).

Ҳар бир биржада акцияларнинг курси мустақил ёки агар улар биржалараро тизимга кирса, хусусий битимлар ва асосида дунёнинг бошқа биржалари битимлари асосида шаклланади.

Қимматли қоғозларнинг турли индекслари фонд бозорида акциялар ҳолатининг кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Улар акцияларнинг ўтган баҳосига нисбатан ҳозирги баҳосини кўрсатиб туради; бошқалари муайян акцияларнинг бозор қиймати суммасини, баъзи ҳолларда бошқа жамиятлар акцияларининг таъсири остида ўзгартирилганлигини ўзида акс эттиради.

Умуман акцияларнинг бозор қиймати бир қатор омиллар ёрдамида аниқланади:

- қимматли қоғознинг тури билан: облигацияга нисбатан акцияга капитал киритишнинг таваккалчилик даражаси юқори бўлади;
- даромаднинг юқорилиги: акциянинг бозор нархи ундан келадиган даромадга нисбатан тўғри мутаносибликда бўлади;
- ссуда фоизи миқдори билан: банкдаги депозит фоизи қанча юқори бўлса, акцияларга пулни инвестиция қилиш шунчалик кам бўлади;
- инфляция даражаси билан: инфляция даромадлар инвестициянинг қийматининг тушишига олиб келади; бундан ташқари, инфляциянинг ўсиши банкларни ссуда фоизи даражасини оширишга, демак кредит тизимига воситаларни кўпроқ жалб қилишга мажбур қилади;
- иқтисодий цикл фазаси билан. Кўтарилиши фазасида инвестицияга бўлган талаб бирданига ошади, бу акциялар бўйича даромадларда ўз аксини топади; тушиш фазасида капиталларни бошқа шаклларга қўйиш кучаяди;
- бозорнинг жорий конъюнктураси билан талаб ва таклифнинг таъсири остида;
- фонд бозорини давлат томонидан тартибга солиш усуллари би-

лан, хусусан қимматли қоғозлар билан бўлган операциялардан келган даромадни солиққа тортиш билан. Солиқнинг ошиши капитални бошқа соҳаларга йўналтиришга мажбур қилади;

– акция эмитенти фаолиятининг даромадлилиги, яъни унинг дивидендлар тўлаш қобилияти, шунингдек дивидендлар миқдори;

– эмитент фаолиятининг ишончлилиги ва мустаҳкамлилиги. Бу мустаҳкам даромад олишнинг барқарорлиги ва акцияларнинг юқори ликвидлиги, яъни уларни тезда сотиб, қўйилган пулни олиш имкониятини кафолатлайди;

– қимматли қоғозларнинг ҳар бир тури бўйича таваккалчилик даражаси билан. Бу рейтинг ёрдамида баҳоланади. Фонд биржаларида махсус рейтинг агентликлари бўлиб, улар алоҳида ҳақ эвазига акцияларнинг мўйаян таваккалчилик кўрсаткичини аниқлаб беради.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, дивиденд сиёсати биринчи навбатда дивиденд тўлаш керакми ёки даромадларни тақсимламасдан қолдириш керакми, агар дивиденд тўлаш керак бўлса, қандай миқдор ва муддатларда буни амалга ошириш керак каби масалаларни ўз ичига олади. Шунинг эътибордан четда қолдирмаслик лозимки, дивидендларнинг ўсиши билан тақсимланмаган даромаднинг миқдори қисқаради ва даромадлар ўсиш тезлиги пасаяди. Бу эса акция курсининг пасайишига олиб келади. Демак, энг мақбул дивиденд сиёсати ушбу икки омилни мувозанатга келтира олиши керак.

Дивиденд сиёсати қуйидаги икки гуруҳ омилларини алоҳида эътиборга олиши лозим: биринчидан, бозор кучлари ва давлат сиёсати таъсири остида бўлган компаниянинг молиявий аҳволи; иккинчидан, инвестор ва акциядорларнинг афзалликлари.

Агар компания банкдан кредит олса ёки облигациялар чиқарса, одатда унга соф фойда ҳисобидан дивиденд тўлаш мажбуриятини юклайди. Кўпгина кредит келишувлари фоизлар ва кредитларни қоплаш коэффиценти каби баъзи хавфсиз хусусиятлар таъминлангандан кейингина дивидендлар тўлашни назарда тутаяди.

Кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш қуроли бўлиб, "кучсизланиш" қоидасининг амалга оширилиши ҳисобланади. У дивиденд тўловларининг суммаси тақсимланмаган даромаднинг суммасидан ошмаслигини талаб этади ва шу йўл билан компаниянинг қонуний талабларни қондириш учун воситаларга эга бўлишини назарда тутаяди.

Дивидендларни пул билан тўлаш ликвид воситалар билан боғлиқ

қийинчиликларни бошидан кечираётган компания учун муаммо бўлиши мумкин. Шундай ҳолатлар ҳам бўлиши мумкинки, даромадли корхоналар ҳам ликвидлик муаммоси туфайли дивидендларни тўлай олмайдилар.

Компанияда дивидендлар тўланишини кечиктириш ёки тезлаштириш имкониятининг мавжудлиги унинг сиёсатининг мослашувчанлигини оширади.

Корпорациянинг дивиденд сиёсати алоҳида оқилона ёндашувни талаб этади. Агар корпорация юқори рентабелликка эга бўлса, у тақсимланмаган даромад ҳисобидан ҳажми жиҳатдан сезиларли даражада катта бўлган захирани ташкил этиши мумкин. Уларни асосий воситалар, замонавий технологиялар, инвестиция лойиҳаларига киритиш жараёнида капиталнинг ошиши, яъни тўланадиган дивидендлар миқдорининг ортиши амалга ошади.

АЖ томонидан дивидендлар тўланиши билан боғлиқ масалани таҳлил этиш аниқ ҳолатни, ҳозирги ҳолда молиялар, компания даромадлари ва харажатлари, инфляция, солиқ, кредитлаш шартлари, ишлаб чиқаришни янгилаш зарурати каби ҳолатларни батафсил инобатга олишни талаб этади. Демак, инфляция дивидендлар тўлаш имкониятини камайтиради. Дивидендларнинг ўсиши одатда АЖнинг ҳолати яхши эканлигини кўрсатади ва акциялар курсининг ошишига олиб келади, лекин акцияларнинг ҳаддан ташқари ўсиб кетиши, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қарзларни узиш учун муҳим бўлган воситалар ҳажмини қисқартиришга олиб келади. Дивидендлар миқдорининг пасайиши ушбу жамият акциялари курсининг пасайишига олиб келади ёки ундаги жиддий молиявий-иқтисодий муаммолардан дарак беради.

Ушбу барча ҳолатларни инобатга олган ҳолда АЖ ва унинг раҳбар органлари томонидан дивиденд сиёсати тан олинади. АЖнинг ушбу барча масалалари (қачон, қанча миқдорда, қайси турдаги қимматли қоғозларни чиқариш, уларни қимлар орасида жойлаштириш, жамиятнинг у ёки бу даври мобайнида қимматли қоғозларнинг қайси тури устун ҳисобланади ва бошқалар) жамият томонидан мустақил, лекин қонун ва қимматли қоғозлар бозори конъюнктураси талабларига мос равишда ҳал этилиши лозим.

Назорат учун саволлар

1. "Корпоратив молиялар" тушунчасининг таърифини беринг ва унинг турларини тавсифланг.
2. Устав капитали нима ва унинг функциялари қандай?
3. Устав капитали тузилиши қандай?
4. Устав капиталини кўпайтириш ёки камайитириш қандай амалга оширилади?
5. Корпорациянинг жамғармалари ва захиралари қандай?
6. Корпорациянинг молияларини бошқариш нимани билдиради?
7. Молиявий режалаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти қандай?
8. Корпорациянинг қимматли қоғозлар портфелини бошқариш нималардан ташкил топади?
9. Молиявий бошқарувчи ким? Унинг ҳуқуқий мақоми ва функциялари қандай?
10. Корпорация даромадларини тақсимлашнинг асосий тамойиллари ва йўналишлари қандай?
11. Дивидендлар нима? Уларнинг қандай турлари мавжуд?
12. Дивидендларни ҳисоблаш ва уларнинг устуворлиги.
13. АЖнинг дивиденд сиёсати нима?

VII БОБ КОРПОРАТИВ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

1-§. Корпоратив қимматли қоғозларнинг ҳуқуқий табиати ва таснифланиши

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодексида (ФКнинг 169-моддаси) мулк ҳуқуқи объектлари қаторида қимматли қоғозлар ҳам санаб ўтилади. Уларнинг моҳияти, таснифланиши, реквизи́тлари, чиқариш шартлари ва бошқа ҳолатларини, уларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги ҳаракати сингари Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги бир қатор қонун ҳужжатлари белгилайди: 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида"ги, 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"ги, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлар ва бир қатор қонун ости ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг амалдаги меъёрларига мувофиқ қимматли қоғоз деганда, белгиланган шакл ва мажбурий реквизи́тларга амал қилган ҳолда тақдим этилгандагина мулкӣ ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжат тушунилади. Қимматли қоғоз топширилиши билан у тасдиқлайдиган барча ҳуқуқлар мажмуа сифатида ўтади. Қимматли қоғознинг йўқотилиши одатда унда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга ошириш имкониятидан маҳрум этади.

Қимматли қоғозларнинг алоҳида белгилари: 1) булар ҳужжатлардир; 2) улар белгиланган шакл ва мажбурий реквизи́тларга эга бўлади; 3) улар мулкӣ ҳуқуқларни тасдиқлайди; 4) мулкӣ ҳуқуқларни амалга ошириш ёки беришга фақат ушбу ҳужжатларни тақдим этган ҳолдагина йўл қўйилади.

Қимматли қоғозларга давлат облигациялари, облигациялар, векселлар, чеклар, депозит ва омонат сертификатлари, эгаси ёзилган банк омонат дафтарчалари, коносаментлар, акциялар, қонун ҳужжатларида қимматли қоғозлар таркибига киритилган хусусийлаштирилган қимматли қоғозлар ва бошқа ҳужжатлар.

Кўриниб турганидек, тегишли ресурсларга бўлган ҳуқуқларни ўзида акс эттирувчи қимматли қоғозлар таркибига турли кўринишдаги ҳужжатлар киради. Демак, акциялар кўчмас мулкка мос келса, корпорацияларнинг облигациялари, давлат қимматли қоғозлари, депозит ва омонат сертификатлари қарз муносабатларини акс эттиради, коносамент, вексел, чеклар эса маҳсулотларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлади.

Қимматли қоғозлар моҳиятини тўлиқ англаб етиш учун уларнинг қўшимча сифатларига эътибор қаратиш лозим, чунки бу сифатларсиз ҳужжат қимматли қоғоз ҳисобланмайди.

1. Қимматли қоғозлар **мулк титули** (корпорациянинг акциялари, хусусийлаштириладиган қимматли қоғозлар, чеклар, коносаментлар каби) шаклида мулк ҳуқуқини ёки **қарз ҳужжати эгасининг ушбу ҳужжатни чиқарган шахсга муносабати** (корпорациялар ва давлатнинг облигациялари, векселлар каби) сифатидаги мулк ҳуқуқини тасдиқловчи пул ҳужжатларини ўзида акс эттиради.

2. Қимматли қоғозлар воситаларнинг инвестиция қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида чиқади. Бу айниқса, қимматли қоғозларнинг иқтисодий моҳияти ва ролини тушунишда жуда муҳим. Инвестициянинг олий шакли сифатида улар катта роль ўйнайди, ҳатто, пул даромади мавжуд бўлмаган вақтда ҳам (даромад тўлаш қимматли қоғозлар шартларида назарда тутилмаган) у қандайдир устунлик, имтиёз ёки бошқача тарздаги моддий фойда сифатида мавжуд бўлади. Даромадлилик кўрсаткичи кенг кўламда ўзгариши мумкин.

3. Қимматли қоғозлар бу – ҳақиқий активларга бўлган (акциялар, чеклар, хусусийлаштириладиган ҳужжатлар, коносаментлар, уй-жой сертификатлари каби) талаб акс этадиган ҳужжатлардир.

4. Қимматли қоғозларнинг даромад келтиришлиги уларнинг иқтисодий моҳиятини тушунишдаги муҳим жиҳатидир. Бу уларни мулкдорлар учун капиталга айлантиради. Лекин, бундай капитал ҳақиқий капиталдан ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашмаслиги билан жиддий фарқ қилади.

Демак, ўзига хос тарзда капиталнинг иккига бўлиниши вужудга келади. Бир томондан реал капитал мавжуд бўлса, иккинчи томондан у қимматли қоғозларда акс этади. Реал капитал ишлаб чиқариш жараёнида амалда бўлса, қимматли қоғозлар бозорда мустақил ҳаракатда бўлади. Амалиётда реал капитал ҳали тўлиқ айланмаган бўлган вақтда ҳам қимматли қоғоз эгаси масалан, ўз акциясини бозорда сотиши орқали ўзининг пулини қайтариб олиши мумкин. Қимматли қоғозларнинг пулга айланиши реал капиталнинг айланиши билан бевоқифликдир. Шу билан бирга қимматли қоғозларнинг пайдо бўлиши реал капитал асосида амалга ошади. Агар реал капитал даромад келтирмаганда эди, у вужудга келмас ва қимматли қоғозларда ривожланмас эди. Шундан келиб чиқиб, реал капиталнинг ўзи қимматли қоғозларни шакллантирмайди.

Қимматли қоғозларнинг тез пулга айланиши (ликвидлиги), муомалада бўлиши, бозор хусусиятига эгаллиги, стандартлилиги, сериялилиги, фуқаролик муомаласида иштирок этиши каби сифатларини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ликвидлилиги бу – бозорда сотиш орқали қимматли қоғозларнинг пул воситаларига айланиш қобилиятидир. **Муомалада бўлишлиги** бу – қимматли қоғозларнинг олди-сотди предмети ёки тўлов қуроли сифатида чиқиш орқали бозордаги бошқа маҳсулотлар (чеклар, векселлар, коносаментлар, хусусийлаштирилган ҳужжатлар)нинг муомаласида восита бўлиш лаёқати дур.

Барча қимматли қоғозлар уни ташкил этиш ва у билан ишлаш қоидаларини ўзида акс эттирувчи ўз бозорига эга бўлган алоҳида маҳсулот сифатида мавжуд бўлади. Лекин, бу реал капитал эмас, фақат даромад олиш ҳуқуқини берувчи мулк титули бўлганлиги учун алоҳида турдаги маҳсулотлар ҳисобланади.

Қўшилган қиймат дивидендлар тўлашда база сифатида ҳам расмий ҳисоб тушунчасига эга бўлади ва фоизлар келгуси ҳисоб-китобларда фойдаланилади. **Эмиссия баҳоси** қимматли қоғозлар биринчи марта жойлаштирилганда сотилиш баҳосини билдиради. У қимматли қоғозларнинг даромадлилиги ва ссудаларнинг фоизига қараб аниқланади. **Бозор баҳоси** қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорда қайта сотилганда муомалада бўладиган (сотиладиган ва сотиб олинadиган) баҳоси. Унинг юқориликка бозорда қимматли қоғозларга бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати таъсир кўрсатади.

Сериялилик қимматли қоғозларни сериялар – бир хил гуруҳлар билан чиқаришни билдиради. У **стандартлилик** билан жуда боғлиқ, чунки, бир хил типдаги қимматли қоғозлар бир хил мазмунга (стандарт шакл, ҳаракат таъсирларининг бир хиллиги) эга бўлиши керак. Стандартлилик қимматли қоғозларни оммавий бир хил типдаги маҳсулотга айлантиради.

Қимматли қоғозларнинг маҳсулот сифатида фуқаролик муомаласида **иштирок этиши** нафақат уларнинг олди-сотди предмети бўлиш қобилиятида кўринади, балки бошқа мулкый муносабатларда (битимлар, гаров, сақлаш, ҳадя, комиссия, қарз, мерос каби) объект сифатида чиқишида ҳам намоён бўлади.

Тартибга солинишлик, давлат томонидан тан олинислик, таваккалчилик, ҳужжатлилик, ишончлилик ҳам қимматли қоғозларнинг кўшимчалар белгилари бўлса-да, ажратиб турувчи белги-лар ҳисобланади.

Қонун қимматли қоғозлар билан тасдиқланадиган ҳуқуқларни, қимматли қоғозларнинг мажбурий реквизит шакллари, чиқариш тартибини ва улар муомаласининг бошқа параметрларини тартибга солади.

Барча қимматли қоғозлар давлат томонидан қимматли қоғозлар сифатида тан олиниси керак. Бу уларнинг фаолиятини ва инвесторларнинг унга нисбатан ишончини таъминлайди.

Қимматли қоғозлар томонидан келадиган даромад муносабатнинг хусусиятига қараб бир неча омилларга боғлиқ бўлади. Бу қимматли қоғозларга киритиладиган инвестицияларнинг таваккалчилигини кўрсатади.

Қимматли қоғозларга ҳуқуқларни ҳужжатда мустаҳкамлаш хусусияти хос. Шу билан бир вақтда амалиётда "ҳужжатсиз қимматли қоғозлар" кенг қўлланилади. Улар билан бўладиган операциялар ҳуқуқларни расмий равишда рўйхатга оладиган шахсга мурожаат этиш вақтида амалга ошади. Шунинг учун қимматли қоғозларнинг ҳужжатсиз шакли ҳақида сўз кетганда, қимматли қоғозлар томондан бериладиган ҳуқуқларни қайд қилишнинг усули ўзгарганлиги тушунилади. Лекин, ҳар қандай ҳолатда ҳам қимматли қоғозлар бу – ҳужжат шаклидаги ёки "депо" ҳисобида уларнинг мазмунини тасдиқлайдиган, оддий ёки компьютерда ёзилган ҳужжат бериш орқали қимматли қоғозлар реестрида сақланадиган тегишли ёзув кўринишидаги ҳужжатлардир.

Ҳужжат ёки ҳужжат кўринишида бўлмаган қимматли қоғозлар қонунчиликда белгиланган барча реквизитларга эга бўлиши лозим. Ушбу реквизитлардан ҳатто бирининг ҳам бўлмаслиги ёки нотўғри расмийлаштирилганлиги, ўша ҳужжатнинг қимматли қоғознинг муайян тури сифатида ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Қимматли қоғознинг жиддий иқтисодий хусусияти унинг ишончлилиги, яъни узоқ муддат давомида функцияларни бажариш қобилиятида кўринади.

Демак, қимматли қоғозлар бу – хўжалик фаолиятида фойдаланиладиган кенг турдаги ҳужжатлардир. Улар бир белги, яъни уларда акс этган ҳуқуқларни амалга ошириш учун уларни тақдим этиш зарурлиги белгиси остида бирлашади.

1.1. Қимматли қоғозларнинг таснифланиши

Қимматли қоғозларнинг қонунда назарда тутилган бир қанча кўринишларининг мавжудлиги уларни таснифлашнинг бир қанча мезонларини белгилайди.

Одатда қимматли қоғозлар улар томонидан тасдиқланадиган ҳуқуқларнинг тегишилиги турларга бўлинади. Шундан келиб чиққан ҳолда қимматли қоғозларнинг эгаси ёзилган, эгаси ёзилмаган ва ордерли қимматли қоғозларга бўлиш мумкин.

Эгаси ёзилмаган қимматли қоғозлар эгасининг шахсини аниқлашни, уни рўйхатдан ўтказишни талаб этмайди. У томонидан тасдиқланадиган ҳуқуқлар қимматли қоғозларни оддий топшириш орқали ўтади.

Эгаси ёзилган қимматли қоғозлар муайян шахснинг номига ёзилади. Уни берувчи шахс тегишли талабнинг ижро этилмаганлиги учун эмас, балки ҳақиқий эмаслиги учун жавоб беради.

Ордерли қимматли қоғозлар биринчи сотиб олган шахснинг номига ёзиладиган қимматли қоғозлардир. Унда назарда тутилган ҳуқуқлар қоғозда топшириш ёзуви – индоссаментнинг ёзилиши билан ўтказилади.

Баъзи ҳолларда эгаси ёзилган ва ордерли қимматли қоғозлар биринчи ҳуқуқ субъектининг номи кўрсатиладиган қимматли қоғозларнинг нисбатан умумий турига бирлашадилар.

Қимматли қоғозлар вазифаси ёки чиқариш мақсадига кўра **пули**

қисқа муддатли бозор қимматли қоғозлари ва бозор капиталли (инвестициялари) каби турлаги бўлинади. Пул бозорида бир кундан бир йилгача муомалада бўладиган қисқа муддатли қимматли қоғозлар (тижорат, банк, хазина векселлари, чеклар, депозит ва омонат сертификатлари каби) сотилади ва сотиб олинади.

Улар қарз муносабатларига асосланган. Уларни чиқаришдан мақсад тўлов ва пул муомаласида узлуксизликни таъминлашдан иборат.

Инвестициялар бозори капиталлар ҳаракатини акс эттиради ва одатда ўрта муддатли (5 йилгача) ҳамда узоқ муддатли (5 йилдан кўп), шунингдек, муддатсиз фонд қадриятларини акс эттиради. Охиригида (акциялар, муддатсиз облигациялар) бекор қилишнинг бирор муддатди белгиланмаган бўлади.

Инвестициявий қоғозларни шунингдек, яна икки гуруҳга бўлиш мумкин: 1) қарз муносабатларига асосланган ва эмитентнинг фоиз тўлаши ҳамда асосий қарзни келишилган муддатларда қайтариш мажбуриятини ўзида мужассам этадиган **қарз қимматли қоғозлари**; 2) **мулкчиликнинг муносабатини ифода** этадиган ва корпорация капиталида (акциясида) мулкдорнинг қарзи мавжудлигини гувоҳлантирадиган қимматли қоғозлар.

Баъзи қимматли қоғозлар, уларнинг муомалада бўлиш муддати бир йилдан кам бўлса-да, пул бозорида эмас, балки капитал бозорида (масалан, опционлар) фаолият кўрсатади.

Қайси битимлар учун чиқарилишига қараб, қимматли қоғозлар, фонд қимматли қоғозлари (акция, облигациялар) ва савдо қимматли қоғозларига (тижорат векселлари, чеклар, коносаментлар, гаров гувоҳномалари каби) бўлинади.

Фонд қимматли қоғозлари уларни чиқаришнинг оммавийлиги билан ажралиб туради ва фонд биржаларида муомалада бўлади.

Савдо қимматли қоғозлари асосан тижорат йўналишига қаратилади. Улар тижорат операцияларини ҳисоб-китоб қилиш ва маҳсулотлар кўчиши давомида хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

Қимматли қоғоз чиқарувчининг ҳуқуқий ҳолати, инвестициявий ва кредит таваккалчиликлари даражаси, инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва бошқа омилларига қараб фонд қимматли қоғозлари уч гуруҳга бўлинади: **давлат, муниципал (маҳаллий) ва нодавлат**. Давлат қимматли қоғозлари ичида Хазина векселлари, хазина мажбуриятлари, давлат облигациялари ва омонат қарзлари

нисбатан кенг тарқалган. Муниципал (маҳаллий) қимматли қоғозларга маҳаллий ҳоқимият органларининг қарз мажбуриятлари киради. Нодавлат қимматли қоғозлар корпоратив ва хусусий молия қуролилари томонидан тақдим этилади. Корпоратив қимматли қоғозларга корхона, ташкилот ва банкларнинг мажбуриятлари киради. Жисмоний шахслар томонидан чиқариладиган вексел, чек кабилар хусусий қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

Қимматли қоғозларнинг бозорда муомалада бўлиш характери уларни **бозор қимматли қоғозлари** (муомалада бўладиган қимматли қоғозлар) ва **бозордан ташқари қимматли қоғозлар** (муомалада бўлмайдиган қимматли қоғозлар) каби турларга бўлинишини белгилайди.

Бозор қимматли қоғозлари биржа ва биржадан ташқари иккиламчи бозорда эркин сотилиши ва сотиб олиниши мумкин.

Улар чиқарилгандан кейин муддатидан олдин эмитентга тақдим этилиши мумкин эмас.

Бозордан ташқари қимматли қоғозлар эркин равишда қўлдан қўлга ўтмайди, яъни иккиламчи муомалада бўлмайди. Улар сотилиши мумкин эмас ва фақатгина эмитентнинг ўзи томонидан сотиб олинади. Шунингдек муомаласи чекланган қимматли қоғозларни (ёпиқ акциядорлик жамиятларининг акциялари) ҳам алоҳида ажратиш мумкин.

Ўз аҳамиятига кўра қимматли қоғозлар **асосий** (акция ва облигациялар), **ёрдамчи** (чеклар, векселлар, сертификатлар) ва асосий қимматли қоғозлар сотилган ёки сотиб олинганлигига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи **ҳосила қимматли қоғозларга** (варрантлар, опционлар, молиявий фючерслар, имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқлари каби) бўлинади. Улар қўшимча имтиёзлар бериши, қимматли қоғозлар курсини башорат қилиш билан боғлиқ бўлиши (масалан, биржа индексидаги опционлар), хорижий фонд бозорларида асосий қимматли қоғозларнинг пайдо бўлиши (депозитар ёзишувлар) кабиларни таъминлаши мумкин. Ўзининг оралиқ хусусиятига кўра уларга молиявий қуролилари сифатида қаралади.

Қимматли қоғозларнинг кўпгина турлари эмиссия предметини ташкил этади. **Эмиссиявий қимматли қоғозлар** бу ҳар қандай, шу жумладан, ноҳужжат шаклидаги қимматли қоғозлардир. Улар қуйидаги белгиларга эга бўлади:

– қонунда белгиланган шакл ва тартибда тасдиқланиши, берилиши ва амалга оширилиши керак бўлган мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқ-

ларнинг йиғиндисини мустақкамлайди;

– мажбуриятларнинг бекор бўлиш муддатига қараб (мажбурият тақдим этиш орқали бажариладиган, бекор бўлиш муддати аниқ кўрсатилган муддатли қимматли қоғозлар) тушуниладиган қимматли қоғозлар йиғиндисини чиқаришлар (эмиссия) орқали жойлаштиради.

Қимматли қоғозларни бошқа белгиларига кўра (хужжат ва но-хужжат кўринишдаги, чақириб олинмайдиган ва чақириб олинмайдиган, қатъий белгиланган ва ўзгарувчан даромадли каби) ҳам таснифлаш мумкин. Қимматли қоғозларни гуруҳларга ажратишда доимо уларни таснифлашнинг мақсадини инобатга олиш лозим.

Ишлаб чиқаришнинг зарурий эҳтиёжи сифатида Ўзбекистонда қимматли қоғозларнинг муҳим турлари ҳисобланган акция ва корпоратив облигацияларнинг пайдо бўлиши реал капиталларни марказлаштиришда муҳим қурол бўлиб хизмат қилади. Шу билан биргаликда, корпоратив қимматли қоғозлардан фойдаланиш аҳолини бозор муносабатларига жалб этиш, ишлаб чиқаришнинг ривожланшига бўлган манфаатдорликни босқичма-босқич шакллантириш, аҳолида иқтисодий муомала маданиятини тарбиялаш ва умуман мамлакат иқтисодини юксалтиришга катта ҳисса қўшади.

Ўзбекистон иқтисодида қимматли қоғозларга баҳо берган ҳолда уларнинг қуйидаги муҳим жиҳатларини алоҳида кўрсатиш мумкин. Биринчидан, қимматли қоғозлар юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул воситаларини инвестиция қилишнинг мос қуроли сифатида чиқади. Иккинчидан, қимматли қоғозларни жойлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни ривожлантириш учун ресурсларни сафарбар этишнинг самарали усули ҳисобланади. Учинчидан, қимматли қоғозлар маҳсулот ва пул муомаласида фаол иштирок этади. Тўртинчидан, қимматли қоғозлар бозорида, аввало, фонд биржаларида қимматли қоғозларнинг курслари ҳосил бўлади. Бу курслар мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги ҳар қандай ўзгартиришларнинг "барометри" бўлиб хизмат қилади.

1.2. Корпоратив қимматли қоғозлар турлари

Корпоратив қимматли қоғозлар бу акциядорлик жамиятлари, корхоналар ва турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ташкилотлар, шунингдек, банклар, инвестиция компаниялари ва фондлари эмитентлари бўладиган қонунда назарда тутилган қимматли қоғозлардир. Улар қарз,

улушли, ҳосила қимматли қоғозлар каби турларга бўлинади.

Қарз қимматли қоғозлари, пул воситалари ушбу воситалардан фойдаланганлик учун олдиндан белгиланган фоизларни тўлаш ва қайтарилиш шарти билан муайян муддатга фойдаланишга бериладиган кредит муносабатларини қамраб олади. Бу турдаги қимматли қоғозларга облигациялар, векселлар, депозитлар ва банкларнинг омонат сертификатлари кабилар мисол бўлади.

Улушли қимматли қоғозларни сотиб олиш орқали унинг мулкдори корхонанинг улушли эгаси, мулкдори бўлиб қолади. Улар акция эгасининг акциядорлик жамиятининг аниқ мулкига нисбатан ҳуқуқини гувоҳлантиради.

Ҳосила қимматли қоғозлар – опционлар, варрантлар, фьючерс шартномалари, акция ва облигациялардан ташкил топган инвестицияларнинг анъанавий портфелига қўшимча сифатида хизмат қилади.

Корпоратив қимматли қоғозлар:

- акциядорлик жамиятини таъсис этиш ва акцияларни таъсисчилар ўртасида жойлаштиришда;
- жамиятнинг устав капитали миқдорини оширишда;
- облигациялар чиқариш йўли билан қарз капитали жалб этишда чиқарилади.

1.2.1. Акциялар

1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси "Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида"ги қонунининг 4-моддасига асосан, акция – акциядорлик жамиятининг устав фондига юридик ёки жисмоний шахс муайян ҳисса қўшганидан гувоҳлик берувчи, акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи ҳамда унга дивиденд олиш ва қоида тариқасида, ушбу жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғоздир.

Акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор акциядорлик жамияти муассислари томонидан ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Сотиб олинган акция уни чиқарган акциядорлик жамиятига, башарти бу нарса жамият уставида назарда тутилмаган бўлса, сотилиши мумкин эмас.

Давлат корхонаси очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантис-

рилганда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси билан биргаликда эмиссия рисоласини тасдиқлаши акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси 22.12.1995 й. 179-І-сон Қонуни тахриридаги қисм).

Демак, акция унинг эгасига тегишли бўлган акциядорлик жамияти даромадининг бир қисмини дивиденд сифатида олиш, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этиш ва у тугатилгандан кейин акциядорлик жамиятига тегишли мулкнинг бир қисмига эга бўлиш каби ҳуқуқларини мустақамлайдиган чиқариладиган қимматли қоғоздир. Акция акциядорларнинг акциядорлик жамияти устав капиталидаги қўйилмаларини гувоҳлантиради. Акциядор акциядорлик жамиятининг хўжалик соҳасидаги омадсизликлари ҳолларида ўзига тегишли акциялар миқдорида таваккалчилик қилади.

Акция уларни чиқарган жамият мавжуд бўлганча амалда бўлади. Ушбу давр мобайнида бир акция нисбатан мулкдорлар бир неча марта ўзгариши мумкин.

Акцияда кўрсатилган пул суммаси акциянинг номинал қиймати ҳисобланади. Номиналини, яъни битта акцияга тўғри келадиган, унинг устав капиталида акс этадиган нархини кўрсатган ҳолда акция чиқарган жамият ҳали унинг ҳақиқий қийматини (қадрини) кафолатламайди. Бундай қийматни (қадрни) фақатгина бозор белгилайди. Акция сотиладиган (сотиб олинадиган) нарх акциянинг **курс баҳоси** деб номланади. Бу нарх акциянинг ўзида кўрсатилган нархдан фарқ қилади, яъни у номинал қийматдан юқори ёки паст бўлиши ҳам мумкин.

Шундай экан, акцияларнинг номинал қиймати уларнинг эмиссиявий ва бозор нархларини ҳамда дивидендлар миқдорини аниқлашда ўзига хос мўлжал вазифасини ўтайди. Акциядорлик жамияти бекор бўладиган ҳолларда унинг акциядорларига тегишли бўладиган улушлар ҳисоб-китоби акцияларнинг сони ва номиналига мутаносиб тарзда амалга оширилади.

Акциядорлик жамияти таъсис этилганда унинг акциялари таъсисчилар ўртасида жойлаштирилади. Ушбу жамиятни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик ва жисмоний шахслар таъсисчилар бўлиши мумкин.

Қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари жамиятнинг таъсисчилари сифатида чиқиши мумкин эмас. Акциядорлик жамияти бир шахс томонидан ҳам тузилиши мумкин, лекин бунда у бир таъсисчидан ташкил топган бошқа хўжалик жамиятига эга бўла олмайди. Акциядорлик жамияти бир шахс томонидан ташкил этилган ҳолларда, унинг барча акциялари шу шахс томонидан сотиб олинishi керак.

Жамиятни ташкил этиш вақтда акциялар ҳақи унинг уставида кўрсатилган муддатда тўланган бўлиши лозим. Лекин, устав капиталининг камида 50 фоизи жамиятни рўйхатдан ўтказиш вақтига қадар тўланган бўлиши керак. Акцияларнинг ҳақини тўлаш шакллари акциядорлик жамиятини таъсис этиш тўғрисидаги шартнома ёки унинг уставида назарда тутилади.

Акцияларнинг ҳақини тўлаш нафақат пул ва қимматли қоғозлар билан, балки мулк қийматга эга бўлган бошқа нарса ва мулк ҳуқуқлар билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Акциялар сотиб олинаётганда уларнинг ҳақи пулсиз воситалар билан тўланганда, агар жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги шартномада бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ тўланади. Қонун инвесторнинг хоҳишига кўра очик эмиссия қилинган акцияларнинг ҳақини пул ёки пул шаклида бўлмаган воситалар билан тўлашга имконият беради. Акция жойлаштирилганда инвестор томонидан унинг ҳақи тўнмагунга қадар ва акция чиқариш ҳисоботлари рўйхатга олинмагунча қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши ва улар билан битимлар тузилиши тақиқланади.

Жамият томонидан чиқариладиган ва ҳақи пул билан тўланадиган қўшимча акциялар сотиб олинаётганда улар номинал қийматининг камида 25 фоизи тўланиши керак.

Олди-сотди шартномасида назарда тутилган муддатларда сотиб олувчи акцияларни сотиб олиш билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаса, олди-сотди шартномасида акс этганидан кейин сотиб олувчининг шахсий ҳисобварағига ўтказилган акциялар яна эминтентнинг тасарруфига ўтиб, жамият балансига қайтарилади. Акциядорлар реестрида тегишли тартибда қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича мажбурият бажарилмаганлиги тўғрисида қайд этилади.

Бу акциялар қонунда белгиланган устав капиталини шакллантириш учун эмиссия рисоласида кўрсатилган муддатда янги эгаларга сотилиши ёки агар гап қўшимча акциялар ҳақида кетганда, улар жа-

мият тасарруфига ўтган вақтдан бошлаб бир йил ичида реализация қилиниши мумкин.

Юқорида кўрсатилган муддатларда эгалланмаган акциялар жамият томонидан бекор қилинади. Бундай ҳолларда жамият умумий йиғилиши устав капиталини реализация қилинмаган акциялар миқдориға қисқартириш тўғрисида қарор чиқаради.

Акцияларни чиқариш акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилади.

ОАЖнинг акцияларини реализация қилиш тартиби 1997 йил 18 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Акциялар пакетларини жойлаштиришни такомиллаштириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган.

Очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари ўзларига ушбу жамиятнинг бошқа акциядорлари розилигисиз тегишли акцияларни эркин сотиш ёки ҳада тариқасида бошқа шахсларга мулк қилиб беришлари мумкин.

Очиқ акциядорлик жамияти чиқараётган акциясига очиқ обуна билан бир қаторда ёпиқ обуна ўтказиш имконияти жамият устави билан ёки ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига кўра чегараланган ҳоллардан ташқари ёпиқ обуна ҳам ўтказиши мумкин. Акция ва уларга ёпиқ обуна орқали акцияларга алмаштириладиган қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилишининг малакавий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Акциядорлик жамияти ёпиқ обуна ўтказадиган рақибларидан уларнинг акцияларини сотиб олишга мажбур.

Ёпиқ акциядорлик жамияти акциялари фақат ўз муассислари ёки олдиндан белгиланган доирадаги шахслар орасида тақсимланади.

Устав фондининг жамиятни рўйхатдан ўтказиш миқдори қонунда белгиланган санада энг кам ойлик иш ҳақининг камида юз баравари миқдорида бўлса, бу жамият чиқараётган акцияларига нисбатан очиқ обуна эълон қилиши мумкин эмас.

Корхоналар, инвестиция компаниялари ва фондлари, банклар ва фирмалар, яъни акциядорлик жамияти сифатда ташкил этиладиган тузилмалар акцияларнинг эмитентлари бўлиб чиқишлари мумкин.

Акциялар эмиссияси:

– акциядорлик жамиятини ташкил этиш ва унинг акцияларини таъсисчилар ўртасида тақсимлашда;

– дастлабки устав капитали миқдорини ошириш, яъни кейинчалик акция чиқариш вақтида амалга оширилади.

Биринчи ҳолатда биз жойлаштирилган акциялар билан муносабатда бўламиз. Уларнинг сони ва номинал қиймати жамият устави билан белгиланади. Бу сотилган акциялар бўлиб, уларнинг миқдори жамият устав капитали миқдорининг юқорилигини ташкил этади. Уставда акциядорлик жамияти жойлаштирилган акцияларга қўшимча тарзда чиқариши мумкин бўлган акциялар миқдори кўрсатилиши мумкин. Иккинчи ҳолатда устав капитали эълон қилинган акциялар доирасида якуний қўшимча акцияларнинг рўйхатга олиниши ва тасдиқланиши эълон қилингандан кейин қўшимча чиқарилган акцияларнинг номинал қиймати миқдорида кўпайтирилади.

Жамиятни ташкил этишда таъсисчилар ўртасида тақсимланган акциялар чиқаришдан ташқари жамият устав капитали тўлиқ тўланмагунга қадар ва олдин чиқарилган акциялар якуни эълон қилинмагунга қадар ҳамда акциядорлик жамияти уставига ўзгартиришлар киритилмагунга қадар қўшимча акциялар чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш мумкин эмас.

Акциядорлик жамиятлари оддий ва имтиёзли акциялар чиқаришлари мумкин. Уларнинг асосий фарқи даромад олиш (оддий акциялар эгалари корпоратив ва имтиёзли акциялар ўртасида тақсимлашдан қолган даромаддан дивиденд оладилар) ва акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишда кўринади.

Жамиятнинг барча акциялари эгаси ёзилган акциялар ҳисобланади. Акция эгалари уларнинг шахси, уларга тегишли акцияларнинг сони ва категорияси ҳамда акцияни сотиб олган санаси кўрсатиладиган акциядорларнинг реестрида рўйхатга олинади.

Акциядорлар реестри акция чиқарадиган ва жойлаштирадиган жамият ёки махсус регистраторда сақланади.

Эгаси ёзилган акцияларни чиқариш акциядорлар капиталининг ҳаракати ва акциядорлар эгалигидаги қимматли қоғозлар бирлашини назорат қилиш имкоиятини беради.

Оддий акция унинг эгасига жамият йиғилишида унинг ваколатига кирувчи барча масалалар юзасидан овоз бериш орқали иштирок этиш дивиденд, шунингдек, акциядорлик жамияти тугатилган ҳоллар-

да унинг мулкини олиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоз. Оддий акцияларнинг эгалари қонунда баъзи ҳолларда имтиёзли акциялар эгалари учун истисно қилинса-да, амалий жиҳатдан олиб қараганда сайлов овози ҳуқуқига эга бўлган ягона қимматли қоғознинг эгаси ҳисобланадилар.

Жамиятнинг ҳақи тўлиқ тўлангандан кейин эгасига овозга қўйилган масалани ҳал қилишда овоз бериш ҳуқуқини берувчи акцияси овоз берувчи оддий акция сифатида чиқади.

Оддий акция эгаларининг яна бир ҳуқуқи бу жамият муваффақиятли фаолият юритган даврда дивиденд олиш билан боғлиқ ҳуқуқдир.

Дивидендлар жорий йилдаги жамиятнинг соф фойдасидан тўланади.

Юқорида таъкидланганидек, оддий акциялар билан бир қаторда акциядорлик жамиятлари миқдори акциядорлик жамияти устав фонднинг 25 фоиз миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда **имтиёзли акциялар** ҳам жойлаштириши мумкин. Бундай акцияларнинг эгалари оддий акцияларнинг эгаларига нисбатан бир қатор имтиёзларга эга бўлишади. Акциянинг ҳар бир турига қараб имтиёзлар мазмуни жамиятнинг уставида белгиланади. Имтиёзларнинг берилишига уларнинг эгалари одатда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаганлиги учун тўланадиган ўзига хос компенсация сифатида қаралади²⁴.

Имтиёзли акциялар бўйича жамият уставида дивиденд миқдори ва пул суммасидаги ёки акция номинал қийматига нисбатан фоиздаги тугатиш қиймати белгиланган бўлиши керак. Бунда жамият уставида имтиёзли акцияларнинг ҳар бир турига нисбатан дивидендлар ва тугатиш қийматини тўлашнинг навбати белгиланган бўлиши керак.

Стандарт шакл ва мазмундаги имтиёзли акциялар мавжуд эмас. Улардаги бирдан-бир умумий жиҳат бу уларнинг эгаларига биринчи навбатда дивиденд тўлаш ва жамият тугатилган вақтда акциядорлик жамиятининг кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлгандан кейин ва акциядорлик жамияти сотиб олиши керак бўлган акциялар бўйича талаблар қондирилгандан кейин қолган фондларни тақсимлашда иштирок этишнинг кафолатланишидир.

Имтиёзли акциялар: кумулятив ва кумулятив бўлмаган; эркин

²⁴ Баъзи имтиёзли акцияларнинг эгалари муайян ҳолларда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

айирбошланадиган ва эркин айирбошланмайдиган; даромад келтирадиган (уларни иштирок этиш ҳуқуқини берадиган акциялар ҳам деб атайдилар) ва қатъий белгиланган дивидендлардан ташқари жамиятнинг оладиган даромадида иштирок этмайдиган; кечиктириладиган дивидендли; қайтариладиган ва қайтарилмайдиган; ўзгарувчан курсли каби бир неча турларга бўлинади.

Кумулятив имтиёзли акциялар имтиёзли акциялар ичида нисбатан кенг тарқалган. Уларни чиқаришда улар бўйича уставда белгиланган миқдордаги тўлиқ тўланмаган дивиденд йиғилиши ва муайян муддатдан кейин тўланиши назарда тутилади. Бундай акциялар бўйича навбатдаги дивидендларнинг тўланмаслиги эмитент томонидан мажбуриятнинг бузилиши ҳисобланмайди.

Кумулятив бўлмаган имтиёзли акциялар тўланмаган дивидендларнинг тўпланишига йўл қўймайди. Агар акциядорлик жамияти уларнинг тўланишини эълон қилмаган бўлса, ушбу акцияларнинг эгалари ҳеч қандай қоплашларсиз ушбу акциялардан оладиган дивидендларни йўқотадилар.

Эркин айирбошланадиган имтиёзли акциялар жамият уставида белгиланган ҳолларда оддий ёки имтиёзли акцияларнинг бошқа турларига айирбошланади. Айирбошлаш шартлари ушбу акцияларни чиқариш жараёнида ишлаб чиқилади.

Эркин айирбошланмайдиган имтиёзли акциялар оддий ёки имтиёзли акцияларнинг бошқа турига айирбошланиши мумкин эмас.

Даромад олишда иштирок этмайдиган акцияларнинг эгалари акциядорлик жамияти томонидан олдиндан белгиланган суммадан юқори дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлишмайди.

Кечиктирилган дивидендли акциялар фақатгина жамиятнинг таъсисчилари учун чиқарилади. Оддий акциялар бўйича энг юқори белгиланган дивидендга эришилмагунга қадар (агар бу акциядорлик жамиятининг уставида назарда тутилган бўлса), ушбу акциялар бўйича дивидендлар тўланмайди. Оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлангандан кейин даромаднинг қолган қисми тўлиқ ёки қисман равишда кечиктирилган дивидендли акциялар эгалари ўртасида тақсимланади.

Қайтарилиш хусусиятига кўра (гарчи акциялар бекор бўлиш муддатига эга бўлмаган қимматли қоғоз бўлса-да), имтиёзли акциялар қайтариладиган (чақириб олинадиган) ва қайтарилмайдиган акция-

ларга бўлинади.

Қайтариладиган имтиёзли акциялар эмитент томонидан очик бозорда ёки ушбу акциялар эгаларидан сотиб олиши мумкин, бунинг устига, эмитент томонидан ушбу акциялар номинал қийматининг маълум фоизларидан келиб чиққан ҳолда қўшимча мукофот тўланади.

Қайтариладиган акцияларни муомаладан чиқариш учун акциядорлик жамиятида кечиктирилган ва сотиб олинган махсус фондлар ташкил этилади. Агар имтиёзли акциялар иккиламчи бозорда олдиндан белгиланган нарх бўйича сотиб олинган бўлса, у ҳолда сотиб олинган фонд воситалари қўлланилади. Кечиктирилган фонд ҳам, иккиламчи бозор ҳам бевосита акция эгасидан сотиб олинган имтиёзли акцияларни муддатидан олдин муомаладан чиқаришга мўлжалланган.

Қайтарилмайдиган имтиёзли акциялар жамият томонидан муомаладан чиқарилиши мумкин эмас.

Ўзгарувчан курсли имтиёзли акцияларнинг дивидендлари одатда банк депозит ставкалари ёки кредит учун фоиз нормаларига боғлиқ бўлади. Фоиз миқдори сезиларли даражада кўтарилган ҳолларда эмитент юқори дивиденд тўлашга мажбур бўлса, фоиз тушиб кетган ҳолларда эса, дивидендлар ҳам қисқаради.

1.2.2. Облигациялар

Акциядорлик жамияти ўз фаолиятини нафақат акциялар чиқариш, балки облигациялар жойлаштириш орқали ҳам молиялаштириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси "Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида"ги қонунининг 5-моддасида облигация – унинг эгаси пул маблағлари берганлигини тасдиқловчи ва қимматли қоғозларнинг белгиланган қийматини унда кўрсатилган муддатда, қайд этилган фоиз тўланган ҳолда, башарти облигацияларни чиқариш шартларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоз сифатида таъриф берилади.

Қуйидаги турлардаги облигациялар чиқарилади:

- республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларнинг облигациялари;
- корхоналарнинг облигациялари.

Облигациялар оддий ва ютуқли, фоизли ва фоизсиз (мақсадли), эркин муомалада юритиладиган ёки муомала доираси чекланган қилиб чиқарилиши мумкин. Мақсадли облигацияларнинг реквизити облигациялар қайси моллар (хизматлар) учун чиқарилган бўлса, шу моллар (хизматлар)ни акс эттириши шарт.

Республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларнинг облигациялари тақдим этувчига тегишли қилиб чиқарилади. Республика ички заёмларининг ва маҳаллий заёмларнинг облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан қабул қилинади. Қарорда эмитент, облигацияларни чиқариш шартлари ва уларни тарқатиш тартиби белгилаб қўйилиши лозим.

Корхоналарнинг облигациялари мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб корхоналар томонидан чиқарилиши мумкин. Облигациялар ўз эгаларига корхона бошқарувида қатнашиш ҳуқуқини бермайди.

Корхоналар ва акциядорлик жамиятларининг облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор тегишинча маъмурият ва ижроия органи (бошқаруви) томонидан қабул қилинади ҳамда баённома билан расмийлаштирилади.

Корхоналарнинг облигацияларини эмитентларнинг устав фондини шакллантириш ва тўлдириш учун, шунингдек уларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларни қоплаш учун чиқаришга йўл қўйилмайди.

Акциядорлик жамияти томонидан чиқарилган барча облигацияларнинг номинал қиймати жамиятнинг шакллантирилган устав фонди миқдоридан ошиб кетмаслиги лозим. Жамият томонидан облигациялар чиқаришга фақат жамият устав фонди тўлиқ тўланганидан кейин йўл қўйилади (Ўзбекистон Республикаси 13.12.2002 й. 447-П-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (Олдинги таҳририга қаранг).

Бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг облигацияларини чиқариш суммаси миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади (Ўзбекистон Республикаси 13.12.2002 й. 447-П-сон Қонуни таҳриридаги қисм).

Демак, облигация унинг эгасининг муайян муддатдан сўнг ушбу облигация эмитентидан унинг номинал қиймати ва унда назарда тутилган фоиз ёки бошқа мулкӣ эквивалентни олишга бўлган ҳуқуқини мустаҳкамловчи қимматли қоғоз бўлиб ҳисобланади. Облигация

эғасига қонунда тақиқланмаган бошқа мулкый ҳуқуқлар ҳам тегиш-ли бўлиши мумкин.

Облигацияларни дастлаб нархи номинал қийматидан фарқ қилган ҳолда жойлаштириш мумкин. Сотиб олувчи бундай облигацияни дисконт, яъни чегирма билан сотиб олади. Облигациянинг номинал қиймати билан унинг сотилиш нархи ўртасидаги фарқни ташкил этувчи чегирма суммаси облигация эғасига унинг муддати тугаши ёки у муомаладан чиқарилгунга қадар тўланади. У бундай облигация бўйича ўзига хос фоиз тўлашни акс эттиради (дастлабки жойлаштирилиши номиналидан паст қийматда амалга ошириладиган облигациялар деб, номинал қиймати бўйича муомаладан чиқариш эса – нол купонли облигациялар деб аталади).

Облигациялар капитал қарзи шаклида чиқарилади ва облигацияни сотиб олувчи белгиланган муддатда белгиланган миқдордаги фоизларни ва белгиланган муддат ўтгандан кейин унинг номинал қийматини оладиган кредитор сифатида чиқади.

Облигация эғаси овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди, акциядорлар йиғилиши ва жамиятни бошқаришда иштирок этмайди.

Облигацияларни чиқаришга жамият устав фонди тўлиқ тўланган ва олдинги чиқарилган облигациялар ҳақидаги ҳисобот рўйхатга олингандан кейин йўл қўйилади.

Миқдори муомаладаги облигациялар билан биргаликда эмитент устав капитали миқдоридан ёки чиқариш мақсадларида учинчи шахсларга тақдим этилган таъминот миқдоридан ошадиган миқдордаги облигацияларни давлат рўйхатидан ўтказиш тақиқланади.

Облигациялар директорлар кенгашининг қарорига асосан жойлаштирилади. Қарорда уларни чиқариш шартлари (қарз мажбуриятининг тури, номинал суммадан шартлашилган фоиз каби), облигациянинг шакли, муомалада бўлиш шартлари ва муддати кўрсатилиши керак.

Облигациялар пул ёки мулк шаклида ёхуд бир вақтнинг ўзида ҳар иккала шаклда ёки сериялар бўйича муомаладан чиқарилади. Акциядорлик жамияти даромади етишмаган ҳолларда облигациялар акциядорлик жамияти йиллик даромадининг 5 фоизи миқдорида ўтказиш орқали тузилган захира фонди ҳисобидан муомаладан чиқарилади.

Облигациялар эғаси ёзилган ва тақдим этувчига тегишли бўлиши мумкин.

Эгаси ёзилган облигацияларни чиқариш вақтида жамият бундай облигациялар эгаларининг реестрини юритишга мажбур. Тақдим этувчига тегишли бўлган облигацияларни чиқаришда жамият облигациялар эгаларининг реестрини юритмайди ва уларнинг номлари эмитент томонидан рўйхатга олинмайди. Эгаси ёзилган облигация бир неча купонлардан иборат бўлган ва шулар асосида одатда фоизлар тўланадиган купон қоғоздан ташкил топади. Купон фоиз ставкаси муҳрланган, қирқиб олинадиган ҳужжатни (талонни) ўзида акс эттиради.

Облигация эмитенти тўлаши ва облигация эгаси олиши керак бўлган купон ставкаси, яъни номинал қийматдан олдиндан белгиланган фоиз эмитент томонидан бир йил ҳисобида белгиланади. Шу билан бирга купон ставкаси ҳар ярим йилда бир марта ёки ҳар чоракда бир марта каби, бундан қисқа муддатда тўланиши ҳам мумкин.

Даромад тўлаш усулига қараб:

– қатъий белгиланган даромадли, яъни облигация номинал қийматининг бир қисми сифатида қараладиган, олдиндан ўрнатилган фоизли облигациялар;

– даромади пул бозори ставкаларига қараб ўзгариб турадиган ўзгарувчан фоизли облигациялар;

– нол купонли облигациялар (номиналгача бўлган ҳар қандай дисконт билан реализация қилинади ва муддат охирида номинал бўйича муомаладан чиқарилади).

Облигациялар фоизларини тўлаш пул шаклида, шунингдек, қимматли қоғоз ёки мулк шаклида амалга оширилиши мумкин.

Облигациялар бўйича фоизлар тўлаш жамиятнинг ҳуқуқий мажбурияти бўлиб, бу тўловларни тўлашдан бош тортиш унинг тўловга қобилиятсиз ва тугатилиши лозим бўлган жамият деб эълон қилинишига олиб келади.

Корпоратив облигациялар улар турларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Акциядорлик жамияти томонидан чиқариладиган гаров облигацияси эмитентнинг мулки ҳисобидан таъминланади. У жамият ўз мажбуриятларини бажармаган ва жамият тугатилаётган ҳолларда облигация эгасининг бир қисм мулкка бўлган ҳуқуқини назарда тутади. Биринчи гаров остида деб номланадиган гаров облигацияларига кўра талаблар биринчи навбатда қаноатлантирилади. Уларни жамиятнинг

ЭНГ катта қимматли қоғозлари деб ҳам аташади.

Биринчи гаров остидаги облигациялардан ташқари куйидаги облигациялар мавжуд:

– иккинчи гаров остидаги корпоратив облигациялар. Булар бўйича талаблар биринчи гаров остидаги облигациялар эгалари билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қондирилади. Иккинчи гаровли облигациялар (биринчи гаров остидаги облигацияларга нисбатан паст сифатдаги облигациялар) ЭНГ катта қимматли қоғозларга нисбатан юқори фоизни таъминлайди;

– жамиятнинг молиявий активлари гарови остидаги облигациялар. Облигацияларнинг бу тури жамиятга тегишли мулк билан эмас, балки қимматли қоғозлар билан таъминланади. Гаровга қўйилган қимматли қоғозлар ушбу облигация қарзига асосан ишончли шахслар сақланадиган жойда бошқариш ишонч билдирилувчига берилади. Эмитент томонидан қарз чиқарилган вақтда олинган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, ишонч билдирилувчи шахс қимматли қоғозлардан фойдаланган ҳолда облигация эгалари билан ҳисоб-китоб қилади.

Облигациялар ушбу мақсадларда учинчи шахсларга тақдим этилган таъминот остида ҳам чиқарилиши мумкин.

Гаровсиз ёки таъминланмаган облигацияларни таъминлаш учун жамиятнинг умумий тўловга қобилиятлилиги хизмат қилади. Бу тўғри қарз мажбуриятлари сифатида гаровсиз облигациялар унинг эгасига эмитент томонидан мажбурият бажарилмаган тақдирда унга тегишли мулкнинг бир қисмига нисбатан ҳуқуқ билан таъминлашини билдиради.

Муомаладан чиқариш усулига қараб облигациялар кечиктирилган фондли ва сотиб олинмаган фондли облигацияларга бўлинади. Акциядорлик жамияти кечиктирилган ва сотиб олинмаган фондларни тузишни даромаддан маълум қисмини ажратиш орқали амалга оширади.

Кечиктирилган фонд облигация эгаларига тўғридан–тўғри мурожаат қилиш орқали облигацияларнинг номинал қийматида қараб облигация фондини (унинг бир қисми ёки барча суммасини) муомаладан чиқаришга мўлжалланади.

Сотиб олиш фонди облигациявий қарзнинг бир қисмини бозорда олдиндан белгиланган нарх бўйича (ёки агар мумкин бўлса, ундан

паст нархда) сотиб олишга мўлжалланади.

Чақириб олинадиган облигациялар эгасининг хоҳишига кўра муддати тугамасдан муомаладан чиқариш имкониятини назарда тутди. Бунда облигация чиқариш тўғрисидаги қарорда облигациялар муддатидан олдин муомаладан чиқарилиши мумкин бўлмаган муддат ва унинг муомаладан чиқарилиши қиймати белгиланади.

Чақириб олинмайдиган облигациялар жамият томонидан ўрнатилган муддатда номинали бўйича, яъни облигациянинг устки қисмида кўрсатилган сумма бўйича муомаладан чиқарилади.

Корпоратив акция ва облигациялар қимматли қоғозларнинг икки синфига мансуб бўлса-да, бир-бири билан мустаҳкам алоқада бўлади. Улар универсал молиявий қурол сифатида кўпгина ташкилотлар учун қулай бўлган айирбошлаш муносабатларининг объекти бўлиши мумкин.

Корпоратив облигациялар эркин айирбошланадиган ва эркин айирбошланмайдиган облигацияларга бўлинади.

Эркин айирбошланадиган облигациялар эркин айирбошланадиган имтиёзли акциялар сингари айирбошланиши мумкин. Уларнинг ўз эгаларига белгиланган нарх ва муайян муддатга ўша эмитентнинг акцияларига айирбошлаш имкониятини бериши, инвесторлар янада жалб қилдирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Эркин айирбошланмайдиган облигацияларнинг эгалари бундай ҳуқуққа эга бўлишмайди.

Айирбошланадиган облигациялар корпоратив облигацияларнинг бир тури сифатида ўз эгаларига қатъий белгиланган нарх бўйича бошқа жамиятларнинг оддий акцияларини сотиб олиш ҳуқуқини беради. Бунда акцияларнинг ўзи эмитент томонидан мажбуриятлар бажарилишининг гарови бўлиб ҳисобланади.

2-§. Қимматли қоғозлар эмиссияси ва уларни ҳуқуқий тартибга солишининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар эмиссияси 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида"ги, 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"ги, 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади²⁵.

Қонунга асосан қимматли қоғозларни чиқариш акциядорлик жамиятини таъсис этиш ва унинг устав капитали миқдорини акциялар чиқариш орқали ошириш вақтида, шунингдек, облигация ва бошқа қарз мажбуриятлари чиқариш орқали эмитентлар томонидан қарз капиталини жалб этиш жараёнида амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар эмиссияси бу қонунда белгиланган, эмитентнинг қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича ҳаракатлар кетма-кетлигидир. Қимматли қоғозларда мустаҳкамланган ҳуқуқларни реализация қилиш юзасидан уларнинг эгалари олдида ўз номидан мажбуриятларга эга бўладиган юридик шахслар, ижро ҳокимияти ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари қимматли қоғозларнинг эмитентлари сифатида чиқишлари мумкин. Қимматли қоғозлар унга мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган шахслар қимматли қоғозларнинг эгалари бўлиши мумкин. Қимматли қоғозлар бир эгадан бошқасига иккиламчи бозорда муомалада бўлиш натижасида ўтади.

Қимматли қоғозларнинг муомаласи деганда, қимматли қоғозларга нисбатан мулк ҳуқуқининг ўтишини назарда тутувчи фуқаролик-ҳуқуқий битимларнинг тузилиши тушунилади.

Қимматли қоғозларни чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиш тартиби қонун билан белгиланади. Қонун эмитентларнинг тури, қимматли қоғозлар бозорини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг профессионал иштирокчилари фаолиятдан қатъи назар, қимматли қоғозларни чиқариш ва уларнинг муомалада бўлишидаги муносабатларни тартибга солади.

Қонун эмитент томонидан қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатиладиган қимматли қоғозда назарда тутилган ҳуқуқларни тасдиқлаш, бериш ва амалга ошириш шакл ва тартибини белгилайди.

Эмиссиявий қимматли қоғозлар қуйидаги шакллардан бирида чиқарилиши мумкин:

- эгаси ёзилган, ҳужжат шаклидаги қимматли қоғозлар (эгаси

²⁵ Қаранг, масалан: 1999 йил 19 февралда қабул қилинган хусусийлаштирилган инвестиция фондининг Намунавий эмиссия рисоласи.

ёзилган ҳужжатли қимматли қоғозлар);

– ҳужжат шаклида бўлмаган эгаси ёзилган қимматли қоғозлар (эгаси ёзилган ҳужжатсиз қимматли қоғозлар);

– ҳужжат шаклидаги тақдим этувчига деб берилган қимматли қоғозлар (тақдим этувчига деб берилган ҳужжатли қимматли қоғозлар).

Эмитент томонидан танланган қимматли қоғозларнинг шакли, унинг таъсис ҳужжатлари ва (ёки) қимматли қоғозларни чиқариш ва уларнинг эмиссия рисоласи тўғрисидаги қарорда қатъий белгиланган бўлиши керак. Эмитент томонидан кўрсатилган талабларнинг бажарилмаслиги қимматли қоғозлар чиқаришни рўйхатга олишни рад этиш учун асос бўлади.

Қимматли қоғозлар ҳужжат шаклида чиқарилган ҳолларда уларнинг эгаларига барча сотиб олинган қимматли қоғозлар учун уларнинг умумий миқдори, тури ва номинал қиймати кўрсатилган битта сертификат берилиши мумкин. Ушбу эгаси ёзилган қимматли қоғозлар эгаси ёки унинг номиналини сақловчи сертификат олишни рад этиш мумкин. Сертификат олишни рад этганлик факти реестр юритиш тизимида акс эттирилиши керак.

Агар битта эмиссиявий қимматли қоғоз фақат битта сертификат орқали гувоҳлантирилиши мумкин бўлса, у ҳолда битта сертификат бир давлат рўйхат рақами остидаги бир ёки бир нечта ёхуд барча эмиссиявий қимматли қоғозларни гувоҳлантириши мумкин. Эмитент томонидан чиқарилган барча сертификатларда қайд этилган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг умумий сони эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган сондан ошиб кетмаслиги керак.

Ҳужжат шаклидаги эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор чиқариш вақтида эмитент чиқарилаётган сертификат эгаларининг қўлига топширилиши (мажбурий бўлмаган марказий сақлаш) ёки барча эгаларга топширилмасдан депозитарийларда мажбурий сақланиши (марказлаштирилган мажбурий сақлаш) мумкинлигини белгилаши мумкин.

Акциядорлик жамиятлари ҳужжат ва ноҳужжат шаклида чиқарилган акциялари учун қимматли қоғозларнинг марказлаштирилган мажбурий сақланишини киритиш мумкин эмас.

Марказий мажбурий сақлашни киритиш тўғрисида қарор чиқаргунга қадар чиқарилган барча қимматли қоғозлар депозитарийлар ми-

жозларига сотилган ҳоллардагина эмитент марказлаштирилган мажбурий сақлашсиз ҳужжат шаклидаги эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш учун марказлаштирилган мажбурий сақлаш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Мажбурий бўлмаган марказлаштирилган сақлаш учун эмиссиявий қимматли қоғозлар сертификатлари шартнома асосида депозитарийларда сақлаш учун топширилиши мумкин.

Тақдим этувчига деб берилган эмиссиявий қимматли қоғозлар фақат ҳужжат шаклида чиқарилиши мумкин. Эгаси ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар эса ҳам ҳужжатли ҳам ноҳужжат шаклларда чиқарилиши мумкин. Бир давлат рўйхат рақамига эга бўлган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг барча эгалари розилиги асосида қабул қилинадиган ва бундай қарорни ваколатли давлат органида рўйхатдан ўтказгандан кейин, эмитентнинг бошқарув органи томонидан ўзгартирилиши мумкин бўлган ягона шаклда чиқарилади.

Ҳужжатли ва ноҳужжат шаклда мустақамланган барча мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, агар уларнинг пайдо бўлиш ва муомалада бўлиш шартлари уларнинг белгилари йиғиндисига мос бўлса, номланишидан қатъи назар, эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

Эмитент амалдаги қонунчиликка асосан мустақил равишда қимматли қоғозларни чиқариши мумкин, лекин кўпчилик эмитентлар учун бундай жараён мураккаб бўлиб, улар учун бу хусусият хос эмас. Шунинг учун кўпгина эмитентлар уларнинг барча ёки келишилган муддатда жойлаштирилмаган қимматли қоғозларини кейинчалик инвесторларга сотиш учун белгиланган нарх бўйича ўз ҳисобидан сотиб оладиган воситачилар – қимматли қоғозлар бозори профессионаллари хизматига ошиқадилар. Воситачилар шунингдек, чиқарилган қимматли қоғозларнинг жойлаштирилмаган қисмини сотиб олиш мажбуриятисиз эмитент номидан сотиш мажбуриятини олиши ҳам мумкин. Эмиссия бошлангунига қадар ҳар бир эмитент қимматли қоғозларни муомалага чиқаришда воситачиларнинг иштирок этиши зарурлиги ва даражасини белгилаши керак.

Қимматли қоғозларни чиқариш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- эмитент томонидан қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор чиқариш;
- қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш;
- қимматли қоғозлар сертификатларини тайёрлаш (ҳужжатли

шаклдаги қимматли қоғозлар учун);

– қимматли қоғозларни жойлаштириш;

– қимматли қоғозлар чиқариш якунлари ҳақидаги ҳисоботни рўйхатдан ўтказиш.

Қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

– эмитентнинг тўлиқ номи ва унинг ҳуқуқий манзили;

– қарор чиқарилган сана;

– эмитентнинг қарорини чиқарган ваколатли органнинг номи;

– чиқариладиган қимматли қоғозлар тури;

– давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қайд ва давлат рўйхатидан ўтказиш рақами;

– бир қимматли қоғозда мустаҳкамланган унинг эгасининг ҳуқуқлари;

– чиқарилган қимматли қоғозларни жойлаштириш тартиби;

– қимматли қоғозлар эгаси томонидан унда кўрсатилган ҳуқуқларини қонунда белгиланган тартибда амалга оширишдаги эмитентнинг мажбуриятлари;

– чиқариладиган қимматли қоғозлар сони;

– давлат рўйхатидан ўтказилган рақами ва номинал қиймати билан биргаликдаги қимматли қоғозларнинг умумий сони;

– чиқариладиган қимматли қоғозларнинг шакли (ҳужжатли ёки ноҳужжат, эгаси ёзилган ёки тақдим этувчига деб берилган);

– эмитентнинг муҳри ва эмитент бошлиғининг имзоси;

– аниқ турдаги қимматли қоғозларнинг қонунда белгиланган бошқа реквизитлари.

Ҳужжат шаклида қимматли қоғозлар чиқаришда эмитент юқоридагиларга қўшимча тарзда сертификат тавсифини (намунасини) тақдим этиши керак.

Эмитент қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги рўйхатга олинган қарорнинг қимматли қоғозлар бўйича бериладиган ҳуқуқларнинг ҳажми тўғрисидаги қисмини ўзгартиришга ҳақли эмас.

Ҳар бир қимматли қоғозлар чиқарилиши алоҳида қарорда рўйхатга олиниши керак.

Қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор рўйхатдан ўтказиш органида тасдиқланадиган икки ёки уч нусхада қабул қилинади. Бир нусхаси рўйхатдан ўтказувчи органга, иккинчиси эмитентга,

учинчи нусхаси эса реестр юритувчи регистраторга (агар мавжуд бўлса) сақлаш учун топширилади. Қарорнинг нусхалари мазмунида фарқлар келиб чиқса, қарорнинг рўйхатдан ўтказувчи органдаги нусхаси ҳақиқий ҳисобланади. Қимматли қоғозлар эгаларининг эмитент ёки рўйхатга олувчи органда сақланадиган, рўйхатга олинган қарорларнинг асл нусхаси билан танишиб чиқиш ҳуқуқини чеклаш тақиқланади.

Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор чиқарилгандан кейин у рўйхатдан ўтказувчи органда рўйхатдан ўтказилади ва (ҳужжатли қимматли қоғозлар чиқариладиган ҳолларда) қимматли қоғозда мустаҳкамланган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларни тайрлашга киришилади²⁶.

Чиқарилган қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш учун эмитент куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

- рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза;
- қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор;
- эмиссия рисоласи (агар қимматли қоғозлар чиқаришни рўйхатдан ўтказиш эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш билан бир вақтда амалга оширилаётган бўлса);
- таъсис ҳужжатлари нусхаси (акциядорлик жамияти ташкил этиш учун акциялар чиқарилганда);
- ижро ҳоқимияти ваколатли органининг қимматли қоғозлар чиқаришга рухсат берганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (бундай рухсат олиш қонунчиликда белгиланган ҳолларда).

Эмитент ва унинг устав ёки ички тартиб қоидаларида юқорида кўрсатилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрили-

²⁶ Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатга олиш тартиби 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1995 йил 7 сентябрда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 1995 йил 7 сентябрда қабул қилинган "Республикада қимматли қоғозлар бозорининг фаолият юритиши ва келгусидаги ривожланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 1998 йил 5 мартда қабул қилинган, "Тошкент" Республика фонд биржасининг экспорт ва биржадаги савдо комиссияси тўғрисида"ги Низоми, 1999 йил 10 декабрда қабул қилинган "Ваколатли давлат органининг қимматли қоғозлар марказий депозитарийси билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида"ги Қоидалари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

ги учун жавоб бериш мажбурияти юкланган мансабдор шахслари ушбу мажбуриятларни бажариш юзасидан қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Қимматли қоғозлар эмиссиясини рўйхатдан ўтказишда чиқарилган қимматли қоғозларга рўйхатдан ўтказиш рақами берилади. Рақамларни бериш тартиби рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ҳал этилади. Рўйхатдан ўтказувчи орган ҳужжатларни олгандан кейин 30 кундан кечиктирмасдан чиқарилган қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш ёки уларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида асослантирилган қарор чиқариши керак.

Қуйидагилар чиқарилган қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказишни рад қилиш учун асос бўлади:

– эмитент томонидан қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиши, шу жумладан, тақдим этилган ҳужжатларда қимматли қоғозларни чиқариш ва муомалада бўлиш шартларининг қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчиликка зид эканлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон берувчи маълумотларнинг мавжудлиги;

– тақдим этилган ҳужжатлар ва уларда акс этган маълумотларнинг қонун талабларига мос эмаслиги;

– эмиссия рисоласи ёки қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор ва қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш учун асос бўладиган бошқа ҳужжатларда ёлғон ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг мавжудлиги.

Чиқарилган қимматли қоғозлар ва эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан судга мурожаат этиш мумкин.

Ноҳужжат шаклида қимматли қоғозлар чиқарилганда қимматли қоғозда мустаҳкамланган ҳуқуқларни тасдиқловчи ягона ҳужжат бўлиб, қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор ҳисобланади. Лекин, қимматли қоғозлар ҳужжат шаклида чиқарилган ҳолларда қонун қимматли қоғозда назарда тутилган ҳуқуқларни тасдиқловчи яна бир ҳужжат – **чиқарилган қимматли қоғозлар сертификатини** тайёрлашни назарда тутлади. Бундай сертификатда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- эмитентнинг тўлиқ номи ва унинг ҳуқуқий манзили;
- қимматли қоғозлар тури;

- давлат рўйхатидан ўтказиш рақами;
- чиқарилган қимматли қоғозларни жойлаштириш тартиби;
- қимматли қоғозлар эгаси томонидан қонунчилик талаблари ба- жарилган ҳолларда эмитентнинг қимматли қоғозда назарда тутилган унинг эгаси ҳуқуқларини таъминлаш мажбурияти;
 - ушбу сертификат орқали гувоҳлантириладиган чиқарилган қим- матли қоғозлар сони;
 - давлат рўйхатидан ўтганлик рақами билан биргаликда чиқарил- ган қимматли қоғозларнинг умумий сони;
 - мажбурий марказлаштирилган сақлашга бериладиган ҳужжат шаклидаги ёки мажбурий бўлмаган марказлаштирилган сақлашга бериладиган ҳужжат шаклидаги қимматли қоғозларнинг чиқарил- ганлиги;
 - чиқарилган қимматли қоғозларнинг эгаси ёзилган ёки тақдим этувчига деб берилган қимматли қоғоз эканлиги;
 - эмитентнинг муҳри;
 - эмитент раҳбарлари ва сертификатни берган шахслар имзоси;
 - қимматли қоғозларнинг аниқ тури учун қонунда белгиланган бошқа реквизитлари.

Эгаси ёзилган қимматли қоғоз эгасининг номи кўрсатилиши бун- дай қимматли қоғозда белгиланган ҳуқуқни тасдиқловчи сертификат- нинг мажбурий реквизити ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор ва чиқарилган қимматли қоғознинг сертификати матнида фарқлар вужудга келган тақдирда, ушбу қимматли қоғоз эгаси сертификатда назарда тутилган ҳажмдаги ҳуқуқларни амалга оширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Қимматли қоғозлар сертификати мазмуни учун эмитент қо- нунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Чиқарилган қимматли қоғозлар рўйхатдан ўтказилгандан кейин уларни бозорда жойлаштириш лозим. Бунда жойлаштириладиган қимматли қоғозлар сони таъсис ҳужжатлари ва уларни чиқариш ри- соласида кўрсатилган миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

Эмитент эмиссия рисоласида назарда тутилган миқдордан кам миқдордаги қимматли қоғозларни жойлаштириши мумкин. Амалда жойлаштирилган қимматли қоғозлар сони рўйхатдан ўтказишга тақ- дим этиладиган қимматли қоғозлар чиқариш якунлари тўғрисидаги ҳисоботда қайд этилиши керак. Жойлаштирилган қимматли қоғоз-

ларнинг жойлаштирилмаган ҳисобланадиган улуши қимматли қоғозлар бозори бўйича махсус комиссия томонидан белгиланади.

Эмиссия амалга оширилмаган деб топилган ҳолларда инвесторлар воситаларини қайтариш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар қонунчиликда чиқарилган қимматли қоғозларни жойлаштиришнинг бошқа муддати белгиланмаган бўлса, эмитент қимматли қоғозлар чиқарилган кундан бошлаб 1 йил ичида уларни жойлаштиришни яқунлаши керак.

Навбатдаги янги қимматли қоғозлар чиқаришдан икки ҳафта олдин барча қимматли қоғоз эгаларининг қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот билан танишишларига йўл қўймасдан янги қимматли қоғозларни жойлаштириш тақиқланади. Қимматли қоғозларнинг жойлаштириш нархи тўғрисидаги ахборот қимматли қоғозларни жойлаштириш куни бошланишида ошкор этилиши мумкин.

Оммавий жойлаштириш ёки чиқарилган қимматли қоғозлар билан муомала қилишда бир қимматли қоғоз эгасини иккинчисидан устун қўйиш тақиқланади. Ушбу қоида фақат қуйидаги ҳолларда қўлланилмайди:

- давлат қимматли қоғозлари чиқарилган вақтда;
- акциядорлик жамияти акциядорларига эмиссия тўғрисида қарор чиқарилган вақтда уларнинг эгаллигида бўлган қимматли қоғозлар миқдоридан янги чиқарилган қимматли қоғозларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи берилганда;
- эмитент томонидан норезидент шахслар томонидан қимматли қоғозларни сотиб олишга чекловлар қўйилганда.

Эмитент томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар жойлаштирилганидан кейин 30 кундан кечикмасдан рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этиладиган қимматли қоғозлар чиқарилиши якуни тўғрисидаги **ҳисоботни рўйхатдан ўтказиш** – қимматли қоғозлар чиқариш жараёнининг яқунловчи босқичи бўлиб ҳисобланади. Қимматли қоғозлар чиқарилиши якуни тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- жойлаштиришнинг бошланган ва яқунланган саналари;
- амалдаги жойлаштириш нархи (чиқарилган қимматли қоғозлар доирасидаги қимматли қоғозлар тури бўйича);
- жойлаштирилган қимматли қоғозлар сони;

– жойлаштирилган қимматли қоғозлар ҳисобидан келган тушумнинг умумий ҳажми, шу жумладан:

а) жойлаштирилган қимматли қоғозлар учун тўланган сўмдаги пул воситалари ҳажми;

б) жойлаштирилган қимматли қоғозлар учун ўша вақтдаги Марказий Банк тасдиқлаган курс бўйича тўланган чет эл валютасидаги пул воситалари ҳажми;

в) жойлаштирилган қимматли қоғозлар ҳақи сифатида киритилган, сўмда акс эттирилган моддий ва номоддий активлар ҳажми.

Қимматли қоғозлар чиқарилиши якуни тўғрисидаги ҳисоботда акциялар учун қўшимча тарзда миқдори қонун билан белгиланадиган, чиқарилган қимматли қоғозлар пакети эгалари рўйхати киритилади.

Рўйхатга олувчи орган қимматли қоғозлар чиқарилиши якуни тўғрисидаги ҳисоботни икки ҳафталик мудатда кўриб чиқади ва қонун бузилиш ҳоллари бўлмаган тақдирда уни рўйхатдан ўтказди. У рўйхатга олинган ҳисоботнинг тўлиқлиги учун жавоб беради.

Қимматли қоғозлар эмиссия қуйидаги шаклларда амалга оширилиш мумкин:

– хусусий жойлаштириш, яъни чиқарилган қимматли қоғозларни оммавий эълон қилмасдан, эмиссия рисоласини тайёрламасдан ва уни рўйхатдан ўтказмасдан, реклама қилмасдан ва эмиссия якуни тўғрисидаги ҳисоботдаги ахборотни ошкор этмасдан рўйхатга олиш;

– очик сотиш орқали, яъни эмиссия якуни тўғрисидаги ҳисоботдаги ахборотни ошкор этишни назарда тутувчи чиқарилган қимматли қоғозлар ва эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш орқали. Қимматли қоғозларни сотишнинг бундай тартиби қимматли қоғозлар чекланмаган ёки миқдори олдиндан маълум бўлган эгалар ўртасида жойлаштирилган ҳолларда мажбурий ҳисобланади.

Қимматли қоғозларни очик сотишнинг хусусий жойлаштиришдан фарқи шундаки, очик сотишда эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш, эмиссия рисоласи ва қимматли қоғозлар чиқариш якуни тўғрисидаги ҳисоботда мавжуд бўлган барча ахборотни ошкор этиш мажбурий бўлади. Шунинг натижасида қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилганда уларнинг эмиссияси:

- қимматли қоғозлар эмиссия рисоласини тайёрлаш;
- эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш;
- эмиссия рисоласидаги барча ахборотни ошкор этиш;

– қимматли қоғозлар чиқариш якунлари тўғрисидаги ҳисоботда мавжуд барча ахборотни ошкор этиш билан тўлдирилади.

Рисолани рўйхатдан ўтказишдан олдин эмитент қимматли қоғозлар эмиссияси рисоласини тайёрлайди²⁷. Рисолада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

– эмитент ҳақидаги маълумотлар;

– эмитентнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар (бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахсни қайта ташкил этиш орқали ташкил этиладиган ҳоллардан ташқари акциядорлик жамиятини ташкил этишда бу маълумотлар кўрсатилмайди);

– келажакда чиқарилиши режалаштирилаётган қимматли қоғозлар ҳақидаги маълумотлар.

Эмитент ҳақидаги маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) эмитентнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи ёки таъсисчиларнинг номлари;

б) эмитентнинг ҳуқуқий манзили;

в) юридик шахс сифатида рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг рақами ва рўйхатга олинган сана;

г) эмитент устав капиталининг камида 5 фоиз улушига эга бўлган шахслар ҳақида маълумот;

д) эмитентнинг таъсис ҳужжатларида қабул қилинган раҳбарий органи тузилиши, шу жумладан, директорлар кенгаши ёки қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтда унинг ваколатларини амалга оширган бошқарув ёки бошқарув органи барча аъзоларининг исми-шарифи, ҳар бир аъзонинг ҳозирги вақтдаги ва охириги беш йил ичида эгаллаган мансаби, шунингдек, агар иштирокчи бўлса, эмитент устав капиталидаги улуши каби маълумотлар кўрсатилган рўйхати;

е) эмитент устав капиталининг 5 фоизидан кўп улушга эга бўлган барча юридик шахслар рўйхати;

ж) эмитентнинг барча филиал ва ваколатхоналари тўлиқ номи, рўйхатдан ўтган вақти ва жойи, ҳуқуқий манзили, раҳбарининг исми-шарифи кўрсатилган рўйхати.

²⁷ Бундай рисоланинг намунаси 1999 йил 19 февралда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган хусусийлаштирилган эмиссия фондининг намунавий эмиссия рисоласида берилди.

"Г" – "ж" бандларида назарда тутилган маълумотлар бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахсни қайта ташкил этиш орқали ташкил этиладиган ҳоллардан ташқари акциядорлик жамиятини ташкил этишда кўрсатилмайди.

Эмитентнинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– бухгалтерлик баланслари (эмитент банк бўлган ҳолларда иккинчи тартибдаги ҳисобрақамлари бўйича бухгалтерлик баланслари) ва тугаган сўнгги 3 йил ёки агар ушбу муддат 3 йилдан кам бўлса, ҳар бир яқунланган йил учун белгиланган шаклдаги эмитентнинг молиявий фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботлар;

– эмитентнинг қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор чиқарилишидан олдинги охириги чорак яқунлари бўйича бухгалтерлик баланси;

– охириги 3 йил ичида заҳира фондини ташкил этиш ва унинг воқиталаридан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот;

– эмитентнинг қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор чиқарилиши санасида кредиторлар ва бюджет олдидаги узайтирилган қарзининг миқдори;

– эмитентнинг устав капитали ҳақида маълумотлар (устав капиталининг миқдори, қимматли қоғозлар сони ва уларнинг номинал қиймати, улуши антимонопол қонунчиликда белгиланган меъёрлардан ошадиган қимматли қоғозларнинг эгалари ҳақидаги маълумотлар);

– чиқарилган қимматли қоғозларнинг турлари, давлат рўйхатидан ўтказиш санаси ва рақами, чиқарилиши ҳажми, чиқарилган қимматли қоғозлар сони, даромадларни тўлаш шартлари ва эгаларнинг бошқа ҳуқуқлари кўрсатилган олдинги чиқарилган қимматли қоғозлар ҳақидаги ҳисоботлар.

Келгусида чиқариладиган қимматли қоғозлар ҳақидаги маълумотлар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

– қимматли қоғозлар ҳақида (сақланиш тартиби ва қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқни ҳисобини кўрсатган ҳолда уларнинг шакли ва тури), чиқариладиган барча қимматли қоғозларнинг ҳажми ва сони;

– қимматли қоғозлар эмиссияси ҳақида (чиқариш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинган санаси, ушбу қарорни қабул қилган орган номи, эгаларга нисбатан қўйиладиган чекловлар, қимматли қоғозлар

сертификатлари депозитарийларда сақланган ҳолда қимматли қоғозлар сотиб олинадиган жой, депозитарийнинг номи ва ҳуқуқий манзили);

– чиқарилган қимматли қоғозлар жойлаштирилишининг бошланиши ва тугаш муддатлари ҳақида;

– эгалар томондан сотиб олинадиган қимматли қоғозлар нархи ва уларни тўлаш тартиби ҳақида;

– эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш вақтида қимматли қоғозларни жойлаштиришда иштирок этишга жалб қилиш назарда тутилган қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари (ёки уларнинг бирлашмалари) ҳақида (номи, ҳуқуқий манзили, қимматли қоғозларни жойлаштиришдаги функцияси);

– чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича олинадиган даромад ҳақида (чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича даромадларни тўлаш тартиби ва даромадлар миқдорини белгилаш усули);

– чиқарилган қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказган орган номи.

Эмиссия рисоласини тайёрлагандан кейин эмитент уни рўйхатдан ўтказувчи органда рўйхатдан ўтказиши ва даврий матбуот нашрида ундаги маълумотларни ошкор этиш тартиби тўғрисида хабарнома бериши, шунингдек ушбу маълумотлар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши лозим.

Қимматли қоғозлар жойлаштирилишини амалга ошираётган эмитент ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари қимматли қоғозларни сотиб олгунга қадар ҳар бир потенциал эгага ундаги маълумотлар ошкор этилиши таъминлаб беришлари шарт.

Гарчи алоҳида чиқарилган қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш эмиссия рисоласи билан биргаликда амалга оширилган бўлса, эмитент эмиссия рисоласидаги маълумотлар, ўзининг қимматли қоғозлари ва молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги маълумотларни қуйидаги шаклда ошкор қилишга мажбур:

– эмитентнинг чораклик ҳисоботи;

– эмитент молиявий-хўжалик фаолиятига дахлдор муҳим фактлар ҳақидаги хабари.

Эмитентнинг чораклик ҳисоботи қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

– эмитент молиявий-хўжалик фаолиятига дахлдор муҳим фактлар ҳақидаги хабарларга рўйхатга олувчи орган томонидан берилган

кодлар;

– эмитент молиявий-хўжалик фаолиятига оид маълумотлар: бухгалтерлик баланси, ҳисобот топшириладиган чорак якуни ҳолатига кўра даромад ва харажатлар ҳисоби;

– ҳисобот топшириладиган чорак якуни ҳолатига кўра даромад ва харажатлар ошишига таъсир кўрсатган фактлар;

– эминетнинг заҳира ва бошқа махсус фондларини ташкил этиш ва уларнинг воситаларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар.

Чораклик ҳисобот ҳар бир якунланган чоракнинг натижалари бўйича, у якунлангандан кейин 30 календар кундан кечиктирмаган муддатда тузилади. Чораклик ҳисобот эмитентнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланиши керак.

Эмитент молиявий-хўжалик фаолиятига дахлдор муҳим фактлар ҳақидаги хабарлар сифатида куйидаги маълумотлар тан олинади:

– эмитентнинг бошқарув органига кирувчи шахслар рўйхати ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумот (масъулияти чекланган жамиятларда иштирокчиларнинг умумий йиғилиши ва акциядорлик жамиятларида акциядорларнинг умумий йиғилишидан ташқари);

– эмитентнинг бошқарув органига кирувчи шахсларнинг эмитент устав капитали, шунингдек, унинг шўъба ва қарам жамиятлари ва бошқа юридик шахсларнинг устав капиталидаги иштирок этиш улуши миқдори ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

– эмитентнинг эгалари (акциядорлари) рўйхатидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар;

– эмитент ўзининг иштирок этиш улуши орқали эгалик қиладиган юридик шахслар рўйхатидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар;

– эмитентнинг, унинг шўъба ва қарам жамиятларининг қайта ташкил этилиши тўғрисидаги маълумотлар;

– эмитентнинг қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган ва (ёки) тўланадиган даромадлар тўғрисидаги маълумотлар;

– қимматли қоғозларни муомаладан чиқариш тўғрисидаги маълумотлар;

– чиқарилган, тўхтатилган ёки мавжуд бўлмаган деб тан олинган қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотлар;

– эмитент реестрида унинг хоҳлаган қимматли қоғозини эгаси бўлган янги шахснинг пайдо бўлиши тўғрисидаги маълумотлар.

Қиммат қоғозларни оммавий жойлаштириш (очик сотиш) ҳолларида уларни чиқариш чиқарилган қимматли қоғозлар якунлари тўғрисидаги ҳисоботда назарда тутиладиган **барча ахборотнинг ошкор этилиши** билан якунланади. Шундан кейин қимматли қоғозлар чиқарилган ҳисобланади.

Қимматли қоғозларни чиқаришни уларни чиқариш мақсадга мувофиқ эмас, деган асос билан рад этишга йўл қўйилмайди. Рўйхатга олувчи орган қимматли қоғозлар чиқарилишини фақат инсофсиз эмиссия ҳолатидаги ҳақиқий эмас деб топиши мумкин. Инсофсиз эмиссия дейилганда, эмиссия жараёни бузилувчи ва қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатга олишни рад этиш, уни тузилмаган деб тан олиш ва қимматли қоғозлар эмиссиясини тўхтатиш учун асос бўлувчи ҳаракатларни содир этиш тушунилади.

Қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлган ҳолда қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан олиш рад этилиши мумкин. Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши рўйхатга олувчи орган эмитент томонидан эмиссия жараёнида қонунчилик талаблари бузилганлиги ёки рўйхатга олишда асос қилиб олинган ҳужжатларда ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборотнинг мавжудлигини аниқлаган ҳолларда тўхтатилиши ёки тузилмаган деб тан олиниши мумкин²⁸.

Эмиссиянинг ўрнатилган жараёни қоидалари бузилиши аниқланган ҳолда рўйхатдан ўтказувчи орган қимматли қоғозларни жойлаштириш муддати давомида камчиликлар бартараф қилинганга қадар эмиссияни тўхтатиб туриши мумкин. Эмиссия рўйхатга олувчи органнинг махсус рухсатномаси асосидагина қайта тикланади.

Чиқарилган қимматли қоғозлар ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда ушбу чиқаришда чиқарилган барча қимматли қоғозлар эмитентга, ҳақиқий эмас деб топилган қимматли қоғозларни жойлаштириш натижасида олинган воситалар эса эгалари қайтарилади. Бунда барча харажатлар (чиқимлар) эмитент ҳисобидан қопланади.

²⁸ Қимматли қоғозлар чиқаришга чекловлар ва уни тўхтатиш ҳақида қаранг: 1996 йил 25 сентябрда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 25, 31-моддалари; 1995 йил 7 сентябрда қабул қилинган "Республикада қимматли қоғозлар бозорининг фаолият юритиши ва келгусидаги ривожланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 1999 йил 12 февралда қабул қилинган хусусийлаштирилган инвестиция фондининг Намунавий эмиссия рисоласи ва бошқалар.

Эмиссия жараёни қоидалари эмиссия рисоласида назарда тутилганидан кўп миқдорда қимматли қоғозлар чиқариш орқали бузилган бўлса, эмитент уларни сотиб олиш ва муомаладан чиқаришга мажбур. Агар эмитент икки ой ичида ортиқча чиқарилган қимматли қоғозларни сотиб олиш ва муомаладан чиқаришни таъминламаса, эмитент томонидан асоссиз олинган воситаларни ундириш масаласи суд томонидан ҳал этилади.

Эмитент томонидан эмиссия жараёнини муваффақиятли тугатилиши деганда, қимматли қоғозлар қимматли қоғозлар бозорига уларнинг келгусида муомалада бўлиши учун тушиши тушунилади.

3-§. Қимматли қоғозлар бозори: унинг иштирокчилари, турлари ва тартибга солишнинг асосий тамойиллари

3.1. Қимматли қоғозлар бозори: унинг моҳияти ва тутган ўрни

Бозор иқтисодиёти уни ривожлантиришнинг муҳим манбаи ҳисобланган молиявий бозор имкониятларидан фойдаланишни талаб этади. Молиявий бозор бу – доимий ҳаракатда, яъни иқтисодиётнинг турли субъектлари томонидан ушбу ресурсларга бўлган талаб ва таклифнинг ўзгариши таъсирида тақсимлаш ва қайта тақсимлашда бўлган барча пул ресурслари йиғиндисидир. Унинг кўлами ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳолати ва миқдорига, авваламбор, мамлакатнинг мустақил фаолият юритадиган аҳолиси сонига боғлиқ бўлади.

Ўз тузилишига кўра молиявий бозор бири-бири билан боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб турувчи 3 та бозордан ташкил топади:

1) нақд пул муомалалари амалга ошириладиган ва қисқа муддатли тўлов воситалари (векселлар, чеклар каби) функциялари амалга ошириладиган бозор;

2) ссуда капиталли – банк кредити бозори;

3) қимматли қоғозлар бозори.

Ўзбекистон Республикаси "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"ги қонунининг 2-моддасига асосан, қимматли қоғозлар бозори – жисмоний ва юридик шахсларнинг қимматли қоғозлар чиқариш, уларнинг муомалада бўлиши ва ҳақини тўлаш билан боғлиқ муносабатлари тизимидир. Қимматли қоғозлар

бозори қатнашчилари – қимматли қоғозларнинг эмитентлари, инвесторлар, инвестиция институтлари, шунингдек уларнинг бирлашмалари (уюшмалари), фонд биржалари (биржаларнинг фонд бўлимлари), давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини бошқариш ва мувофиқлаштириш ваколати берилган органлар ва бошқалардан иборатдир.

Қимматли қоғозлар бозори иқтисодиётнинг барча субъектлари учун зарур бўлган пул воситаларини олишларида уларнинг имкониятларини кенгайтиради ва осонлаштиради. Акциялар чиқариш молиявий ресурсларни корхона фаолиятининг якунигача бепул ва муддатсиз олиш имкониятини беради; облигациялар чиқариш банк-монополистарига нисбатан қулай шартларда кредит олиш имкониятини беради; бу қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига ёрдам беради.

Қимматли қоғозлар бозори бошқа бозорлар, авваламбор, маҳсулотнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Қимматли қоғоз – ўз қийматига эга бўлмаган маҳсулот (қимматли қоғоз нархи қимматли қоғоз сифатида унча катта бўлмайди), юқори бозор нархида сотилиши мумкин. Бу шу билан тушунтириладики, қимматли қоғоз ўзининг номиналига эга бўлган ҳолда масалан, саноат корхонасига киритилган реал капиталнинг муайян миқдорини ўзида акс эттиради. Агар қимматли қоғозга бўлган бозор талаби таклифдан ошиб кетса, унинг нархи номинални ошириши мумкин (бунинг акси ҳам бўлиши мумкин). Қимматли қоғознинг бозор нархи унинг номиналидан жиддий фарқ қилиши сабабли, у ўзида "қалбаки капитал"ни акс эттиради.

Қалбаки капитал – саноат капиталининг барча ўзига хос функционал шакллари (савдо, ссуда) ўзида акс эттирган реал капиталнинг қоғоздаги кўринишидир. Қалбаки капиталнинг нархи қуйидаги икки ҳолат бўйича аниқланади: а) капиталга бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати; б) қимматли қоғозлар бўйича капиталга айлантирилган даромаднинг юқорилиги. У капиталга талабнинг ошиши ва қимматли қоғоздан келадиган даромаднинг юқорилигига нисбатан тўғри мутаносибдир. Шу билан бирга капиталга бўлган таклифнинг талаб ва мамлакатдаги банк фоизи даражасидан устун бўлишига нисбатан тескари мутаносибдир.

Қалбаки капиталнинг нархи бу – тез-тез ўзгаришларга дучор бўладиган бозор нарх категорияси. Реал ва қалбаки капиталнинг мос

келмаслиги, уларнинг қарама-қарши томонларга ҳаракатланиши – қимматли қоғозлар бозорининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қимматли қоғозлар бозори ўзида ҳақиқий мавжуд капитални (пул ва бошқа моддий қимматликлар) акс эттиради.

Капитал бозорининг ривожланиши индивидуал ва ижтимоий капитални қайта ишлаб чиқариш жараёни, шу жумладан, турли кўринишдаги маҳсулот бозорининг конъюнктура ҳолатини белгилайдиган даврий ўзгаришлар таъсири остида бўлади.

Қонунга асосан қимматли қоғозлар бозорининг асосий функциялар куйидагилардан иборат:

– инвестициявий функция, яъни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва техник юксалиш учун инвестиция фондларини ташкил этиш ва тақсимлаш;

– қимматли қоғозлар пакети (энг аввало акциялар) ёрдамидан фойдаланган ҳолда мулкчиликни қайта тақсимлаш;

– иштирокчилари навбат билан таваккалчиликни ўз бўйнига оладиган "қарама-қарши" битимлар воситасида қалбаки капитални олди-сотдиси орқали таваккалчиликларни қайта тақсимлаш;

– бозор субъектларига юқори даромад олиш учун ўз капитали билан таваккал қилиш имкониятини берувчи "венчур капитални жалб этиш" функцияси;

– қарз (шу жумладан давлат қарзи)нинг ликвидлигини ошириш, уларни қимматли қоғозлар чиқариш орқали қоплаш.

Қимматли қоғозлар бозори – бозор иқтисодиёти жараёнида тартибсиз кечадиган кўпгина муносабатларнинг тартибга солувчисидир. Бунга капитални инвестиция қилиш жараёни ҳам киради. Капитални инвестиция қилиш капитални капитал миграцияси у зарур бўлган жойларга жалб этишни ва шу билан биргаликда капитал кўп бўлган ишлаб чиқариш тармоқларидан капитал кам бўлган тармоқларга кўчиришни таъминлайди.

Миграция механизми эса маълум: қандайдир маҳсулот (хизмат)ларга талаб кўпаяди – уларнинг нархи ошади – эркин капиталлар кам даромадли ишлаб чиқариш соҳасидан кўп даромадли шундай соҳалар талпинадиган уларни ишлаб чиқаришдан келадиган даромадлар ошади. Қимматли қоғозлар капиталнинг миграция механизми ишлаши учун восита бўлиб хизмат қилади. Улар қимматли қоғозлар олди-сот-

диси орқали вақтинчалик бўш капитални ўзига сингдириш йўли билан уларни керакли йўналишга ташлашга ёрдам беради.

Амалиётда эса бу бозор иқтисодиётида капитал жамият учун зарур бўлган ишлаб чиқаришларда жойлашишига олиб келади. Натижада ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг мақбул тузилиши вужудга келади, яъни у ижтимоий талабга мос кела бошлайди. Ривожланган бозор иқтисодиётининг муҳим устунлиги мана шунда кўринади.

3.2. Бозор иштирокчилари

Қонун меъёрларига асосан эмитент ва трейдерлар билан ишлайдиган қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларини тўрт асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

1. қимматли қоғозлар бозорининг бош иштирокчилари – давлат, маҳаллий органлар, йирик ва халқаро компаниялар. Бу иштирокчилар юқори обрўга эга бўлганлиги сабабли улар томонидан қимматли қоғозлар чиқариш ва реализация қилиш сезиларли меҳнат талаб этмайди, бозорни ҳар доим катта миқдорда уларни қабул қилишга тайёр бўлади. Лекин, юқори даражадаги ишончга эга бўлса-да, бу қимматли қоғозлар ҳар доим ҳам юқори даромадлар билан таъминламайди. Шунга қарамасдан, айнан уларнинг ишончлилиги сабабли аҳолининг баъзи қатламлари (нафақахўрлар, ёлғиз кимсалар, боқувчисини йўқотган оилалар каби) таваккал қилмасдан, ўзларининг маблағларини айнан шундай қоғозларга қўйишни афзал деб билишади;

2. институционал инвесторлар, яъни қимматли қоғозлар билан операциялар амалга оширувчи турли кўринишдаги молия-кредит институтлари (тижорат ва инвестиция банклари, суғурта жамиятлари, пенсия жамғармалари ва бошқалар). Уларнинг кўпчилиги турли инвесторлар (юримдик ва жисмоний шахслар)нинг воситаларини бирлаштиради ва уларни қўйиш учун даромад келтирувчи қимматли қоғозларни қидиради. Улар акцияларнинг назорат пакетини қўлга киритиш ёки таваккалчиликдан қочиш мақсадида ўз капиталларини хўжаликнинг турли соҳаларига киритишга интилишади. Тижорат банкларига қўйилган аҳоли воситаларининг сезиларли даражадаги қисми миллионлаб инсонлар фойдаланадиган уларнинг ишонч-бўлимларида тўпланади. Бу воситаларнинг лозим даражада сақланишини таъминлаш, банкротликка йўл қўймаслик мақсадида давлат қимматли қоғоз-

лар бозорида институционал инвесторларнинг фаолиятини тартибга солади;

3. индивидуал инвесторлар – турли хусусий шахслар, шу жумладан унча катта бўлмаган венчур бизнес корхоналарининг эгалари. Кичик корхоналарнинг қимматли қоғозлари доим кичик таваккалчиликка эга бўлади. Шу билан бир вақтда баъзи кичик корхоналар жуда истиқболли ва даромадли ҳисобланади: масалан, электрон-ҳисоблаш техникаси, ракеталар, кўпгина маиший жиҳозларни ишлаб чиқариш айнан кичик корхоналарда бошланган. Баъзи кичик корхоналар экспорт операциялари билан муваффақиятли шуғулланиши мумкин (масалан, жун ва тери маҳсулотлари, атторлик молларини ишлаб чиқариш ва бошқалар). Шунинг учун таваккалчиликка мойил бўлган аҳолининг иқтисодий жиҳатдан фаол қисми юқори дивидендлар ҳисобида шундай корхоналарнинг акцияларини сотиб олади.

4. Қимматли қоғозлар бозори профессионаллари – брокерлар ва дилерлар. Уларнинг зарур ахборот ва алоқаларга эгалиги уларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларини осонлаштиради. Дилерлар сезиларли даражада капиталга эга бўлганлиги сабабли бундай операцияларни нисбатан қийинчиликсиз амалга оширадилар. Одатда брокерлар ва дилерлар сотиб олинган қимматли қоғозларни ўзида кўп ушлаб турмасдан бозор конъюнктураси кўнгилдагидек бўлган ҳолларда сотишади.

Ҳар бир мамлакатда қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари доираси, шунингдек, уларнинг бозор ишида иштирок этиш шартлари давлат томонидан белгиланади. Ушбу соҳадаги давлат қонунчилиги ушбу мамлакат ишлаб чиқариши ва молиясининг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Қимматли қоғозлар бозорининг потенциал ва амалдаги иштирокчилари сифатида кўп ҳолларда хусусийлаштирилган корхоналар негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятлари чиқади. Янги ташкил этилган акциядорлик жамиятларининг раҳбарияти эмиссия устидан назоратни йўқотмаслик учун уни ушлаб туриши сабабли уларнинг эмиссиявий фаолликлари давлат мулкини хусусийлаштириш натижасида ташкил топган акциядорлик жамиятлари эмиссиявий фаолликларига нисбатан анча юқори. Кўпгина акциядорлик жамиятлари ўз активларининг юқори ликвидлигига эга бўлади (нефть-газ, металлургия, энергетика, алоқа, ўрмон саноати корхоналари ва бошқалар).

Тижорат банклари (универсал банклар ўзида тижорат ва инвестицион фаолиятни бирлаштиради), молиявий брокер, инвестицион банк ва инвестицион маслаҳатчи лицензияларига эга бўлган банк бўлмаган инвестицион институтлар ҳам қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ҳисобланишади.

Депозитар – клиринг тизимида кирувчи ташкилотлар ҳам қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ҳисобланишади. Қимматли қоғозлар бозорининг барча иштирокчилари доимо унинг ҳолати ҳақидаги ахборотга муҳтож бўлади. Ахборотни тўплаш ва тарқатиш мажбурияти қимматли қоғозлар бозорининг барча иштирокчилари зиммасига юклатилади. Лекин улар тижорат сирини бузмайдиган очиқ ахборотни тарқатишлари мумкин. Асосий вазифа эса бозорнинг барча иштирокчиларини ушбу ахборотга эга бўлиш имконияти (ахборот учун тўланадиган ҳақ уни тарқатиш нархидан ошмаслиги керак) билан таъминлашдан иборат.

Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари уни макро ва ҳудудий тартибга солишда иштирок этишлари шарт.

Қимматли қоғозлар бозоридаги ишларнинг ҳолатини тартибга солиш мақсадида мижозлар топшириғи ёки уларнинг воситаларини жалб қилиш ҳисобидан қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи, шунингдек, консалтинг хизматларини кўрсатиш билан шуғулланувчи барча юридик шахсларнинг давлат томонидан лицензияланиши тизими киритилган. Инвестиция компанияларининг мутахассислари, молиявий брокерлар ва инвестиция маслаҳатчилари сифатида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи фуқаролар давлат имтиҳони топшириши ва қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш учун малакавий гувоҳнома олишлари керак.

Биржа бозори давлатнинг назорати остида бўлади: фонд биржалари, маҳсулот ва валюта биржаларининг фонд бўлимлари тегишли лицензия олгандан кейингина (лицензия ушбу корхоналар фаолият юритмаган ёки улар томонидан қонунчилик талаблари бузилган ҳолларда олиб қўйилиши мумкин) биржа фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қимматли қоғозларни чоп этиш ҳуқуқига эга бўлган полиграфия саноати корхоналари давлат томонидан белгиланган.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, қимматли қоғозлар бо-

зори барча мамлакатларда иқтисодиётнинг энг жўшқин соҳаси бўлиб ҳисобланади. Унинг аҳамияти икки муҳим ҳолат билан белгиланади: биринчидан, унинг инвестиция жараёнида тутган ўрни; иккинчидан, ушбу бозор ва унинг молиявий институтлари ҳозирги Ўзбекистондагидек эркинлик ва давлат томонидан тартибга солиш тамойиллари ўзаро ҳаракат қиладиган, бозор иқтисодиёти тараққиётининг асосий ютуқлари билан боғлиқ бўлган моддий ишлаб чиқариш қуролининг самарали бошқариш қуроли сифатида хизмат қилади.

3.3. Бозор профессионаллари

Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият юритиши унга хизмат қиладиган ва унинг вазифаларини ҳал этадиган бозор профессионаллари амалга ошмайди. Уларнинг фаолияти нарх шаклланиши ва ахборот тарқатиш жараёнини таъминловчи мураккаб компьютер техникасини талаб этади. Замонавий шароитларда қимматли қоғозлар бозори профессионаллари умуқиқтисодий ва техник жиҳат билан биргалликда бозорда вужудга келадиган кескин психологик жиҳатларга ҳам олдиндан тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Қимматли қоғозлар бозори профессионаллари фаолиятида тажриба ва сезгирлик ҳам катта аҳамиятга эга бўлади.

Қимматли қоғозлар бозорининг асосий профессионаллари қуйидагилардан иборат: брокерлар (ўзи иштирок этмасдан битимлар тузилишида воситачи бўлган шахслар); дилерлар (битимларда ўз капитали билан иштирок этувчи воситачилар); бошқарувчилар (ўзларига берилган қимматли қоғозларни тасарруф этувчи шахслар); клиринглар (ўзаро мажбуриятларни аниқлаш билан шуғулланувчи ташкилотлар); депозитарийлар (қимматли қоғозларни сақлаш бўйича хизмат кўрсатади); регистраторлар (қимматли қоғозлар реестрини юритади); қимматли қоғозлар бозорида савдони ташкил этувчилар (қимматли қоғозлар билан битимлар тузилишида хизмат кўрсатади, ёрдам беради) ва жобберлар (қимматли қоғозлар бозори конъюнктураси бўйича мутахассислар). Булар билан бир қаторда молиявий бозор учун зарур бўлган қонун ижодкорлиги ва назоратни таъминлайдиган банк хизматчилари, инвестиция фондлари ходимлари, шунингдек, давлатнинг мансабдор шахслари ва ҳуқуқшунослар қимматли қоғозлар бозорига хизмат кўрсатишади.

1998 йил 29 августда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан қимматли қоғозлар депозитарийлари бу – қимматли қоғозларни сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш бўйича фаолият юритувчи қимматли қоғозлар бозори институтларидир.

Қонун депозитарийлар ва уларнинг филиалларини ташкил этиш тартиби, улар фаолиятининг лицензияланиши, депозитарийлар ва марказий депозитарийнинг функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, улар томонидан ўз мажбуриятлари ва қонун меъёрларини бузганлик учун жавобгарлик каби масалаларни батафсил белгилайди²⁹.

Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги қонунининг 22-24-моддаларида назарда тутилган депозитарийлар фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли орган қарорига асосан амалга оширилади. Депозитарийга лицензия асосида берилган фаолиятни тўхтатиш (тугатиш ёки бекор қилиш) тўғрисидага қарорни олгандан кейин депозитарий амалга оширадиган ҳаракатлар 2002 йил 13 мартда қабул қилинган "Депозитар фаолиятни тўхтатиш ва тугатиш ҳолларидаги ҳаракат тартиби тўғрисида"ги Низомда батафсил ёритилган.

Депозитарий депонентларнинг ҳисобрақамлари ва ҳисобрақамлар орқали амалга оширилган операциялар ҳақида, ушбу ҳисобрақамлар ёпилгунига қадар ахборот олишга йўл қўядиган ахборотларни лозим даражада сақламаганлиги учун жавобгар бўлади (2002 йил 13 мартда қабул қилинган "Депозитар фаолиятни тўхтатиш ва тугатиш ҳолларидаги ҳаракат тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 30 банди).

Депозитар фаолиятни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бошқа талаблари 1999 йил 27 августда қабул қилинган "Депозитар фаолиятни амалга ошириш юзасидан қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги Низомда белгилаган. Низомда юридик шахс фақат давлатнинг ваколатли органи томонидан берилган лицензия асосидагина Ўзбекистон Республикасида депозитар фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкинлиги алоҳида

²⁹ Қаранг, шунингдек, депозитарийлар ва депозитар фаолият тўғрисида "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият юритиш механизмлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 13-моддаси.

кўрсатилган.

2002 йил 7 февралда қабул қилинган "Инвестиция воситачилари тўғрисида"ги Низомга асосан брокерлик фаолияти – инвестиция воситачиси томонидан топшириқ ёки комиссия шартномалари ёхуд бундай битимларни амалга ошириш учун ишончнома асосида фаолият кўрсатувчи ишончли шахс ёки комиссияонер сифатида қимматли қоғозлар бозорида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги битимларнинг амалга оширилиши.

Брокерлар томонидан битимлар тузишилишини фақат бошқа брокерларга топширишга (агар шартномада келишилган бўлса) йўл қўйилади. Брокер одатда ўзининг мижозлари топшириқларини уларнинг келиб тушиш навбати бўйича бажаради. Мижозлар топшириқларига асосан тузиладиган битимлар ҳамма вақт брокернинг ўзи томонидан тузилган битимларга нисбатан имтиёзли ижро этилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар брокер комиссияонер сифатида ҳаракат қилса, у мижознинг қимматли қоғозлар сотиб олиш учун мўлжалланган ёки уларни сотиш натижасида олинган пул воситаларини ўзининг ҳисобрақамида улар мижозга қайтарилгунга қадар шартнома шартларига кўра сақлаши ва фойдаланиши мумкин. Ушбу воситалардан фойдаланиш натижасида келган ва брокер тасарруфида қоладиган даромаднинг бир қисми шартномага асосан мижозга ўтказилади. Брокернинг фаолияти натижасида мижозга етказилган барча зарарлар қонунда белгиланган тартибда брокер томонидан қопланади.

Қимматли қоғозлар бозоридаги брокерлар юридик шахс мақомига эга бўлган махсус фирмалар сифатида тушунилади. Улар одатда масъулияти чекланган ширкат шаклида фаолият юритади. Уларнинг устав капитали кичик корхоналар қонунчилигига мос тушиш ва солиқ имтиёзлари олиш учун унчалик ҳам катта эмас. Шу билан биргаликда фирмалар ўзларининг ва қарз капиталларини оширишга, мижозлари сонини кенгайтиришга интилишади.

Ўз тузилишига кўра одатдаги брокерлик фирмаси дирекция, маъмурий гуруҳ (секретариат, бухгалтерия), маслаҳат бўлими, қимматли қоғозлар билан савдо қилиш ва ахборот-техник бўлимидан иборат бўлади. Фирмада ҳаммаси бўлиб 15-25 киши иш билан банд бўлиши мумкин.

Брокерлик фирмаси фаолият доирасига консалтинг хизматлари

кўрсатиш, бирламчи ва иккиламчи бозорларда қимматли қоғозларни жойлаштириш, инвестиция фондларини ташкил этиш ва уларни бошқариш каби хизматлар киради. Бундан ташқари, брокерлар одатда молиявий бозорда бир қатор алоҳида хизматлар кўрсатадилар: масалан, банк кредити олишда воситачилик қилиш, битимларни, шу жумладан биржа битимлари, қимматли қоғозлар иштирокидаги битимларни суғурталашда ёрдам бериш кабилар.

Брокерлик идоралари хусусийлаштирилган корхоналарнинг аризалари ўртасида танлов ўтказиш орқали 1997 йил 18 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Акциялар пакетини жойлаштириш ва давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорларнинг ролини оширишни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган қоидалар асосида уларнинг акцияларини сотиш ҳуқуқини олади.

Бозор муносабатлари шароитида брокерлик фирмаларининг ўрни ниҳоятда муҳим. Улар корхоналарни акциядорлик мулк шаклига айлантиришда ёрдам беради, корхоналар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига облигациялар чиқаришда кўмаклашади, давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришда иштирок этади ва ҳоказолар. Брокерлик фирмаларининг фаолияти муваффақиятли бўлиши учун улар ахборот тармоқларига қўшилишлари, миллий ва халқаро брокерлик фирмалари Ассоциациясига бирлашишлари лозим.

Брокерлар ўз фаолиятини қуйидаги қоидалар асосида амалга оширадилар:

1. мижоз брокерлик фирмаси билан топшириқнинг барча турлари, шу жумладан қимматли қоғозларни қаердан олиш (фонд биржаси ёки биржадан ташқари бозордан) масалалари келишилган шартнома тузади;

2. брокер мижоз берган сумма доирасида қимматли қоғозлар танлаш ҳуқуқини ўзида сақлаган ҳолда ҳаракат қилади;

3. мижоз брокерга топширган барча битимларни бекор қилиш буйруғини бериши мумкин;

4. брокер шартномада белгиланган топшириқни бажаргач, ўз вақтида мижозни бу ҳақда хабардор этиши ва қимматли қоғозларни сотишдан келган воситаларни (комиссион воситаларни чиқариб ташлаган ҳолда) унга кўчириши шарт;

5. битим брокер томонидан алоҳида китобда рўйхатдан ўтказилиши лозим ва мижоз ушбу китобдан кўчирма беришни талаб қилишга ҳақли.

Брокерлик фирмаси ва мижоз ўртасидаги муносабатлар битим тузиш учун масъул бўлган шахсларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатини назарда тутлади. Барча келишувлар, ҳатто улар дастлаб оғзаки шаклда тузилган бўлса-да, ёзма равишда тузилади ва қонуний кучга эга бўлади.

Ўз мижозларидан топшириқ олган брокерлик фирмаси айниқса мижоз сотувчи сифатида чиқадиган ҳолларда кафолатга муҳтож бўлади. Бундай ҳолларда қуйидагилар кафолат бўлиши мумкин: битимнинг бутун суммаси миқдорига берилган вексел, брокер ҳисобига берилган гаров, брокер учун очиқ бўлган жорий ҳисобрақам, брокерга берилган суғурта полиси ва ҳоказолар.

Брокерлик фирмаси унинг контрагенти бераётган кафолатлар ҳақида ўз мижозини хабардор қилиши керак. Шу билан бирга брокерлик фирмаси мижозга кредит берган ҳолда битим тузиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз ҳисобидан амалга ошириши ва барча таваккалчиликларни ўз зиммасига олиши мумкинлиги ҳам истисно этилмаган. Бундай ҳолда унинг даромади нафақат комисион ҳақ ва кредит фоизларини, балки таваккалчилик учун ҳақни ҳам ўз ичига олади. Шундай бўлса ҳам, бу ҳолатда брокерлик фирмасининг ўзининг воситачилик функциялари доирасидан чиқади ва ўз фаолияти характериға кўра дилерлик фирмаларига яқинлашади.

Дилерлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция воситачилари тўғрисидаги Низоми билан белгиланган бўлиб, унга кўра дилерлик фаолияти бу – инвестиция воситачиси томонидан маълум қимматли қоғозларнинг харид ва (ёки) сотиш нархларини ошқора эълон қилиш йўли билан, ушбу қимматли қоғозларни эълон қилинган нархлар бўйича харид қилиш ва (ёки) сотиш мажбуриятини олган ҳолда ўз номидан ва ўз ҳисобига қимматли қоғозлар олди-сотди битимларининг амалга оширилиши.

Фақат тижорат ташкилоти ҳисобланган юридик шахсина дилер бўлиши мумкин. Дилер шунингдек, қимматли қоғозлар олди-сотди битимларининг жиддий шартларини (сотиладиган ёки сотиб олинадиган қимматли қоғозларнинг энг кўп ва энг кам миқдорини, шунингдек, эълон қилинган нархларнинг амал қилиш муддатини) эълон қи-

лиш ҳуқуқига ҳам эга.

Дилерларнинг брокерлардан фарқи шундаки, битим тузишда дилерлар ўз капиталларидан фойдаланадилар.

Қимматли қоғозлар операцияларига ихтисослашган дилерларни масъулияти чекланган дилерлар дейилади, чунки қимматли қоғозлар олди-сотдиси жараёнида уларнинг таваккалчилиги эмитент ва инвесторларга нисбатан кичик бўлади. Дилерлар куйидаги функцияларни амалга оширадилар:

- қимматли қоғозлар чиқарилганлиги, уларнинг курси ва сифати тўғрисидаги ахборотни таъминлайди;
- мижозларнинг топшириқларини бажарувчи агентлар сифатида ҳаракат қилади (баъзида шу мақсадларда брокерларни жалб этади);
- сотувчи олувчларни олиб келиш орқали қимматли қоғозлар бозори ҳолатини кузатиб турадилар (бозор катализаторлари сифатида ҳаракат қиладилар).

Қимматли қоғозлар бозоридаги дилерлар ҳаракати брокерлар ҳаракатига қараганда кенг кўламлилиги билан ажралиб туради. Дилерлик фирмалари комиссия ҳақи ва инвестиция қилинадиган капитал натижасида олинадиган даромад ҳисобидан йирик капиталларга эга бўлишади. Дилерлик фирмалари брокерлик фирмаларига нисбатан кўпроқ даражада ўзларининг касбий ассоциацияларига бирлашишлари ҳамда миллий ва халқаро ахборот тармоқларига қўшилишлари шарт³⁰.

Бошқарувчилар белгиланган муддатда мукофотланиш шарти билан ўз номидан мижоз манфаатларини кўзлаб қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини олади. Ишончли бошқаришга, шунингдек қимматли қоғозларга инвестиция қилиш учун мўлжалланган воситалар ҳам берилиши мумкин. Юридик шахслар ёки якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар бошқарувчилар бўлиши мумкин. Бошқарувчининг қимматли қоғозлар билан боғлиқ фаолияти, ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчилик ва шартномада белгиланади. Бошқарувчининг ҳаракатлари унинг мижозларига зарар етказган ҳолларда, бошқарув-чилар уни қоплашга мажбурдирлар.

³⁰ Брокерлик ва дилерлик фаолиятларини амалга ошириш қоидалари тўғрисида қаранг: 2002 йил 7 февралда қабул қилинган инвестиция воситачилари тўғрисидаги Низом.

Клиринглар қимматли қоғозларни етказиб бериш ва уларни ҳисоб-китоб қилиш юзасидан (қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимларни йиғиш, текшириш, ахборотларни тўғрилаш, у бўйича бухгалтерлик ҳужжатларини тайёрлаш) ўзаро ҳолатларни белгилайдилар³¹.

Қимматли қоғозлар бўйича клирингни амалга ошираётган корхоналар қимматли қоғозлар билан боғлиқ ҳисоб-китоблар туфайли қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари ўртасида тузилган шартнома асосида ўзаро ҳолатларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бухгалтерлик ҳужжатларини ижро этишга киришади. Клиринг ташкилоти қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимларнинг ижро этилмаслигининг таваккалчилигини пасайтириш учун махсус фондларни тузиши керак.

Депозитарийлар қимматли қоғозлар сертификатларини сақлаш, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг ўтиши ва ҳисобини юритиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатади. Фақат юридик шахсларгина депозитарий бўлиши мумкин³².

Регистраторлар (қимматли қоғозлар реестрини сақловчилар) қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини юритади, қимматли қоғозлар эгаси реестри тизимини ташкил этувчи маълумотларни йиғади, қайта ишлайди, сақлайди ва тақдим этади. Реестр юритиш фаолияти билан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган юридик шахслар шуғулланиши мумкин³³.

Қимматли қоғозлар эгалари реестрини юритиш тизими деганда, қоғоз ва электрон базада қайд этилган маълумотлар йиғиндиси тушунилади. Бу тизим қонунда белгиланган муддатда қимматли қоғозлар эгалари реестрини юритиш тизимига ўзгартириш ва қўшимчалар кири-

³¹ Клиринглар ҳақида батафсил қаранг: 2003 йил 29 апрелда қабул қилинган қимматли қоғозлар бозоридаги ҳисоб-китоб клиринг палаталари тўғрисидаги Низом.

³² Депозитарийлар ҳақида батафсил қаранг: "Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият юритиш механизмлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, 2003 йил 29 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси депозитарий тизимида депонентларнинг ягона базаси тизими тўғрисида Низом ва ҳоказолар.

³³ Қимматли қоғозлар регистраторлари ҳақида қаранг: 1997 йил 12 мартда қабул қилинган битимлар реестри тўғрисидаги Низом, 1999 йил 10 декабрда қабул қилинган ваколатли давлат органининг Марказий депозитарий билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги Қоидалар, 1996 йил 27 августда қабул қилинган фонд савдо дўконлари ташкил этиш ва улар томонидан қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимлар тузилиши ва рўйхатдан ўтказилиши тўғрисидаги Низом.

тишга ва ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш юзасидан сақловчининг барча ҳаракатларига сабаб бўладиган барча факт ва ҳужжатларнинг йиғилиши ва сақланишини таъминлаши лозим. Тақдим этувчига деб бериладиган қимматли қоғозлар учун реестр юритилмайди.

Қимматли қоғозларнинг эгалари ва номинал сақловчилари реестр юритиш тизимида ахборот бериш қоидаларига риоя қилишлари шарт. Эмитент ёки эмитентнинг топшириғи асосида ҳаракат қилувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси реестр сақловчиси бўлиши мумкин.

Реестр юритиш тўғрисидаги шартнома фақат битта юридик шахс билан тузилади. Регистратор бир нечта эмитентларнинг қимматли қоғозлар эгалари реестрини юритиши мумкин.

Регистраторларнинг хизматларидан қимматли қоғозларнинг эгалари билан бир қаторда ушбу қимматли қоғозларнинг эгаси ҳисобланмайдиган, унинг номиналини сақловчилар ҳам фойдаланиши мумкин. Номинал сақловчилар қимматли қоғозлар эгаларидан тегишли ваколат олган ҳоллардагина қимматли қоғозларда мустаҳкамланган ҳуқуқларни амалга оширишлари мумкин. Қимматли қоғозлар номиналини сақловчилар ҳақидаги маълумотлар, худди уларнинг эгалари сингари реестр юритиш тизимида киритилади.

Қимматли қоғозлар бозорида савдони ташкил этувчилар бевосита фуқаролик-ҳуқуқий битимларни тузишга ёрдам берадиган хизматлар кўрсатадилар. Улар ҳар бир қизиққан шахсга қуйидаги ахборотларни ошкор этишлари шарт: иштирокчилар ва қимматли қоғозларнинг савдоларда иштирок этиш, битимларни тузиш ва текшириш, битимларни рўйхатдан ўтказиш ва ижро этиш қоидалари, кўрсатиладиган хизматлар жадвали ва бошқалар. Шундай қилиб, савдонинг ташкилотчилари қимматли қоғозлар бозорининг ошкоралигига ёрдам беришлари керак.

Жобберлар – қимматли қоғозлар бозори конъюнктураси муаммолари бўйича маслаҳатчилар – дастлаб Лондонда пайдо бўлган. Қимматли қоғозлар бозори тузилиши ва кўламнинг доимий кенгайиши ҳамда бозордаги операцияларнинг мураккаблашиши туфайли уларнинг фаолиятига эҳтиёж сезилди. Депозитарийлар ва бошқа сақлаш жойларида турли эмитентлар томонидан турли вақтларда чиқарилган, бир-бирига ўхшамайдиган йирик миқдордаги қимматли қоғозлар сақланади.

Жобберлар нафақат чиқарилган қимматли қоғозларнинг инвестиция сифатларини аниқлаш учун, балки эмитентларга уларнинг янги эмиссияларни амалга оширишда ёрдам бериш учун ҳам керак. Улар нафақат бир марталик маслаҳатлар беради, балки қимматли қоғозлар бозоридаги мураккаб масалаларни ҳал этади (акциялар курсининг ўзгаришини олдиндан айтади, иқтисодиётнинг баъзи тармоқлари ривожланишининг истиқболларини белгилайди, солиқ сиёсатини таҳлил этади ва бошқалар). Бу учун улар таркибига иқтисодчилар, банк ходимлари ва бошқа соҳа мутахассислари кирадиган вақтинчалик тадқиқот жамоаларини ташкил этадилар.

Брокерлар, дилерлар, агар улар таваккалчиликни пасайтириш мақсадида қимматли қоғозлар бозорида йирик операцияларни амалга оширадиган бўлишса, қимматли қоғозларнинг алоҳида турларига ихтисослашган жобберлар хизматидан фойдаланишни афзал деб билади.

Назорат учун саволлар

1. "Қимматли қоғоз" нима? Унинг асосий белгилари қандай?
2. Қимматли қоғозларнинг таснифланиши ҳақида нималарни биласиз?
3. Акциялар нима?
4. Имтиёзли акциялар оддий акциялардан нимаси билан фарқ қилади?
5. Облигациялар нима? Корпоратив облигацияларнинг турлари.
6. Қимматли қоғозлар чиқариш ва уни рўйхатдан ўтказишнинг тартиби қандай?
7. Қимматли қоғоз сертификати нима? Унинг реквизитлари.
8. Эмитентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қандай?
9. Қимматли қоғозлар бозори нима ва молия бозорида унинг ўрни қандай?
10. Қимматли қоғозлар бозори профессионалларига кимлар киради? Уларнинг тавсифи.

VIII БОБ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

1-§. Корпоратив бошқарувнинг тамойиллари умумий қоидалари

Корпорация ўз эркини ифода этиш, бизнесни ташкил этиш ва уни назорат қилиш учун ўзининг ички органларига эга бўлиши керак. Бундай ички бошқарув "корпоратив бошқарув" дейилади. Лекин кўпчилик киши корпоратив бошқарувни бошқарувнинг алоҳида тури сифатида эмас, балки АЖ фаолияти ҳақидаги бир қатор ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинадиган бошқарув сифатида тушунишади. Ўзбекистонда корпоратив бошқарув янги ва долзарб институт бўлиб ҳисобланади, чунки замонавий корпорация тузилиши ва конценцияси режали иқтисодиёт даврида мавжуд бўлган юридик шахслардан жиддий фарқ қилади.

Айнан корпоратив бошқарувнинг табиати туфайли ҳозирги кунда акциядорлик жамиятлари ёки корпорациялар дунё мамлакатлари иқтисодиётида бошқа юридик шахсларга нисбатан харажатлар билан самарали жалб қилинган капитал ўртасида энг мақбул баланси таъминлаш орқали катта шуҳрат қозонди.

Корпоратив бошқарувнинг оддий моҳияти уни бошқарув ва эгалликка бўлишга асосланади. Юридик шахсларнинг классик шаклида уларни бошқариш ўша шахс ёки шахслар томонидан амалга оширилган, яъни улар бир вақтнинг ўзида юридик шахснинг эгаси ва бошқарувчиси бўлишган. Бунга мисол қилиб хўжалик ширкатларини келтириш мумкин. Лекин юридик шахсларнинг бу тури, улар сонининг кўп бўлишига қарамасдан, дунё иқтисодиётида устун мавқени эгалламайди. Ҳозирги кунда кўпгина иқтисодий ҳаракатлар йирик молмулкка эга бўлган корпорациялар томонидан амалга оширилади. Бошқа томондан инсоният тараққиётининг тез суръатлар билан ривожланиши сезиларли даражада молиявий ресурсларни жалб қилишни назарда тутувчи, йирик кўламдаги тадбиркорликни юритишни талаб этди, бу эса ўз навбатида ихтисослаштирилган бошқарувни ўрганишни талаб этадиган тадбиркорлик тузилишининг мураккаблашувига олиб келди.

Юридик шахснинг классик шаклидан фарқли равишда корпора-

циянинг эгалари ва бошқарувчилари мутлақо бир хил эмас. Бу ҳолатда инкорпорация жараёнини икки жиҳат орқали тушунтириш мумкин. Биринчидан, корпорация ўзининг инвесторларидан ажратилган ва инвестиция қилиш жараёнида мулк эгалари акция сотиб олиш орқали ўзларининг мол-мулкларини (кўпинча пул шаклида) киритиш йўли билан корпорациянинг акциядорларига айланади ва шундай қилиб, корпорация акциядорлар мулкининг мулкдори бўлиб қолади. Иккинчидан, бу мулк ҳуқуқининг бўлинишидир. Классик маънода мулк ҳуқуқи бу эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларидан иборат бўлган мутлақ ҳуқуқдир. Бу ҳар бир мулкдор ушбу учала ҳуқуқнинг ҳар бирига эга бўлишини билдиради. Ҳуқуқларнинг айнан шундай бирлашиши хўжалик ширкатларида мавжуд бўлади. Лекин корпорация учун мутлақ ҳуқуқ концепциясини қўллаб бўлмайди. Гарчи акциядорлар мулк эгалари бўлсаларда, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи акциядорлик жамиятига тегишли бўлади. Шундай қилиб, корпорацияларда мулк ҳуқуқининг таркибий қисмлари мулк эгалари сифатида акциядорлар томонидан ҳам ушбу мулкни бошқарувчилар сифатида бошқарувчилар томонидан ҳам амалга оширилади.

Корпорацияларда бошқарувчиларнинг роли вакиллик ёки агентлик хусусиятига эга бўлади (замонавий юриспруденцияда бу корпорацияга нисбатан шундай номланади). Бошқарувчилар акциядорларнинг мулкларини бошқарар экан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида мулк эгаларининг манфаатларини кўзлайди, чунки, акциядорлар корпорациянинг акциясини сотиб олаётган вақтда ўз мулкларини бошқарувчиларга ишониб топширадilar.

Лекин одамлар орасида бегона мулкни ўзининг мулкига нисбатан камроқ асрайди деган тушунча кенг тарқалган. Бундан ташқари, мулкнинг эгаси ва унинг вакили ёки агент турли манфаатларга эга бўлиши нормал ҳол сифатида қаралади. Мулк эгасининг манфаатини кўзлаган ҳолда агент юқори ойлик ва обрўга эришиш орқали ўзининг ҳам манфаатини кўзлайди ва бу билан қисман корпорацияга зарар етказилади деб тахмин қилинади. Бошқача қилиб айтганда, агентнинг манфаат ва мақсадлари корпорациянинг манфаат ва мақсадларидан фарқ қила бошлайди. Корпоратив ва агентлар манфаатлари ўртасидаги ушбу қарама-қаршилик одатда "манфаатлар тўқнашуви" деб номланади. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, "манфаатлар тўқна-

шуви" тушунчасининг ҳажми ўз ичига фақат акциядорлар ва бошқарувчилар ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилигини олмайди. Шундан келиб чиқиб, доим тўғри тушунилмайдиган бу тўқнашувнинг моҳияти "корпоратив манфаат" фактининг индивидуал ёки гуруҳ манфаатлари ҳисобига бузилишида эмас, балки корпорация манфаати билан бошқа манфаатлардан қайси бирини танлаш керак деган савол туғилиши мумкин бўлган ҳолатнинг вужудга келиш эҳтимоллигида кўринади.

Бошқарувчининг ўз касбий мажбуриятларига масъулиятсизлик билан қараши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун мулк эгалари манфаатларнинг жиддий ўзгариб кетишининг олдини олиш мақсадида кузатув ва назорат механизмларини кўллашлари керак. Бундай механизмларнинг вазифасини бозор, акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши (ёки ҳуқуқий тизимга қараб директорлар кенгаши) бажаради.

Шундай қилиб корпорацияларни бошқаришнинг 3 босқичини санаш мумкин: акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши (директорлар кенгаши) ва бошқарув. Бунда акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг ўрни бошқарувчилар ҳаракатининг виждонан амалга оширилишини назорат қилишдан иборат бўлади. Лекин акциядорларнинг умумий йиғилишидан фарқ қилган ҳолда кузатув кенгаши, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мустаҳкамланганидек, акциядорлик жамиятида доимий фаолият юритувчи орган ҳисобланади.

Албатта, акциядорлик жамиятида олий ҳокимият корпорациянинг мулкига нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган акциядорларнинг умумий йиғилишига тегишли бўлади. Юқорида таъкидланганидек, бу органнинг вазифаси бошқарувчилар фаолияти учтидан назорат қилиш, уларнинг акциядорлар манфаатларига қарши қаратилган ҳаракатларини тўхтатишдан иборат. Айнан шунинг учун бу орган ваколатларига акциядорлик жамиятининг тақдири учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этиш киритилган. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 65-моддасида кўрсатилишича, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатларига жамиятни қайта ташкил этиш; жамиятни тугатиш, жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ва бошқалар киритилган. Бундай масалаларни ҳал этиш ҳуқуқи бошқа-

рувчига берилиши мумкин эмас, чунки, виждонсизлик ҳолатларида уларнинг чиқарган қарорлари жамиятни тугатишгача бўлган кутилмаган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Айнан шунинг учун бундай масалаларни ҳал этиш умумий йиғилиш зиммасига юклатилган. Лекин кўпгина корпорациялар юзлаб, ҳатто минглаб акциядорлардан иборат бўлади ва ҳар қандай, ҳатто кичик масалани ҳам уларнинг ҳар бири ҳал этиши корпорацияни бошқаришда катта харажатларга ва албатта унинг фаолиятининг самарасизлигига олиб келади. Шунини инобатга олган ҳолда корпорациянинг бошқарув фаолияти устидан доимий равишда малакали назоратни амалга ошириш мақсадида кузатув кенгаши ташкил этилади.

Ўзбекистонда акциядорлик жамияти органларининг бўлиниши корпорацияларни бошқаришнинг немис моделига асосланган. Бундай бўлиниш Германияда XIX асрнинг 70 йилларидан бери амал қилади. У ерда акциядорлар йиғилиши (Hauptversammlung), кузатув кенгаши (Aufsichtsrat) ва ижро органи (Vorstand) корпорация органлари бўлиб ҳисобланади. Бунда кузатув кенгаши ва ижро органи корпорациянинг доимий фаолият юритувчи органи бўлиб ҳисобланади. Директорлар кенгашининг асосий вазифаси биринчидан, корпорация бошқарувчиларини тайинлаш; иккинчидан, барча жорий тадбиркорлик операцияларини назорат қилиш, барча жорий тадбиркорлик операцияларини назорат қилиш, акциядорларнинг умумий йиғилиши бу масалани фақат директорлар кенгашининг таклифига биноан ҳал этади. Лекин "назорат" термини бу ерда тўлиқ ҳажмда, бошқарувнинг ҳар кунлик фаолиятига бевосита аралаштириш сифатида тушунилмаслиги лозим. Фақатгина баъзи турдаги шартномалар олдиндан директорлар кенгаши томонидан тасдиқланиши мумкин.

Корпорацияларни бошқаришнинг ушбу моделини яратишда акциядорлар томонидан корпорацияга ҳақиқий эгаллик қилиш тамойили асос бўлди, чунки, корпорацияларга "ички" ёки "моддий" тарзда уларнинг эгаси ҳисобланган акциядорлар ўртасидаги ўзига хос шартнома сифатида қаралди. Корпорацияларга айнан мана шу нуқтаи назардан қараш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий макроиқтисодий ва ҳуқуқий назариялар бошқарувчиларни (шунингдек, кузатув кенгаши аъзоларини) "бошлик" ёки "хўжайин" сифатида мулкдорларнинг, яъни акциядорларнинг "агенти" сифатида қарайдилар. Ушбу барча назарияларнинг асосий мақсади

агентлар томонидан ўз мажбуриятларини амалга ошириш жараёнида хўжайинларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўлиб ҳисобланади. Шу ердан корпоратив бошқарувнинг бошқа барча муаммоларининг манбаи сифатида чиқувчи "агентлик муаммоси" тушунчаси келиб чиқади. Масалан, тўлиқ ширкатларда мулкдорлар уни бошқаришда бевосита иштирок этишади ва уларда бу муаммо мавжуд эмас, чунки мулкдан виждонсизларча фойдаланиш уларнинг ўзларига зарар бўлади. Корпорацияларда бошқарув билан боғлиқ қуйидаги муаммолар келиб чиқади:

– бошқарувчи ваколатининг сусайиши (ҳақиқий хатолар ва тўлиқ бўлмаган ҳисоб-китоблар), яъни бошқарувни амалга оширишдаги қасддан содир этилмаган хатолар;

– корпорациянинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи, бошқарувчилардан айримларининг қасддан содир этган ҳаракати оқибатида вужудга келувчи биргаликдаги фаолиятдаги нохушликлар (алдовлар, қалбакилаштириш, ўғрилиқ, ўзбошимча ҳаракатлар).

Ушбу масалани батафсил кўриб чиқамиз. Тадбиркор ёки бошқарувчи инвестор томонидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ёки тескари равишда ўз қўйилмаларини пул шаклида олиш мақсадида молиялаштирилади. Ўз қўйилмаларидан даромад олиш учун инвесторларга бошқарувчининг ихтисослаштирилган билими ва тажрибаси керак бўлади. Бошқарувчи ўз навбатида инвестиция учун етарли даражада молиявий воситаларга эга бўлмаганлиги сабабли, инвесторларнинг молиявий қўйилмаларига муҳтож бўлади. Лекин инвесторлар табиий равишда ўзлари киритган ресурслари ўзлаштирилмаслиги ёки истиқболсиз лойиҳаларга сарфланмаслигидан манфаатдор бўлади.

Асосан инвесторлар ва бошқарувчи ўртасида фондлардан қандай фойдаланиш ва даромадни улар ўртасида қандай тақсимлаш масалалари ҳал этилган шартнома тузилади. Лекин муаммо шундаки, келажакда бўлиши мумкин бўлган барча ҳолатларни олдиндан кўриб бўлмайди, демак, идеал равишдаги тўлиқ шартнома тузиш мумкин эмас (яъни тўлиқ бўлмаган шартномалар назарияси). Ҳатто бошқарувчи иложи борича кўп воситалар олиш ва тўлиқ шартнома тузишга кўп куч сарфласа ҳам муаммо ечилмайди. Бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги сабабли шартнома тузиш вақтида инвесторлар ва бошқарувчи назорат қилиш ҳуқуқини белгилашлари ёки шартномада назарда тутилмаган ҳолларни қарор қабул қилиш орқали ҳал этишни назар-

да тутишлари лозим. Назорат қилишга қолган ҳуқуқларни қандай самарали тақсимланишини таъминлаш керак деган саволга эгалик қилиш назарияси бир қатор жавоблар беради. Умумий ҳолатда инвесторлар бошқарувчиларга ресурсларни назорат қилиш ҳуқуқи уларда қолиши шарти билан бериш ва зарур ҳолларда тегишли қарорни чиқаришлари мумкин бўлган шартномани тузадилар. Лекин амалиётда бу қоидага ҳамма вақт ҳам эришилавермайди, инвесторлар зарур қарор қабул қилиш учун етарли даражада малака ва ахборотга эга бўлмаган ҳолда бошқарувчилар аллақачон бунга эга бўлади. Натижада бошқарувчида кенг бошқарув ҳуқуқлари қолади ва у ресурсларни ўзи хоҳлаганидек тақсимлайди. Гарчи шартномалар бундай ваколатларга нисбатан муайян чекловлар қўйсада, шунга қарамасдан, амалда бошқарувчилар кенг бошқарув ҳуқуқларига эга бўлишади.

Амалиётда бу ҳолат янада мураккаб тус олиши мумкин. Биринчидан, инвесторлар ва бошқарувчилар ўртасида тузиладиган шартномалар айниқса уларни ижро этиш судлар томонидан таъминланган ҳолларда тенг равишда шарҳлашни талаб этади. Иккинчидан, агар молиялаштириш кўпгина инвесторлардан ресурс олишни талаб этса, улар компанияни бошқариш юзасидан тўғри қарор қабул қилиш учун яхши хабардор қилинмаган бўлиши мумкин.

Бошқарувчилар инвесторларнинг ресурсларини тақсимлаш орқали сезиларли даражадаги назорат (ваколатни) қўлга киритишлари, ҳатто уларни эгасида тортиб ҳам олишлари мумкин. Турли мамлакатларда шундай ҳоллар ҳам бўлганки, ташкилотчилар инвесторлардан пулни олиб йўқолиб қолишган. Лекин, бошқарувчи томонидан ресурсларнинг ўзлаштирилиши пулни шундай олиб қолишга нисбатан бошқача шаклда бўлиши мумкин (масалан, нархдаги ўзгаришлар ёрдамида активларни олиб кетиш).

Масалан, бошқарувчилар ўзлари мустақил равишда эгалик қиладиган ва улар бошқараётган компаниянинг маҳсулотларини нисбатан арзон нархларда сотадиган, мустақил компания тузишлари мумкин. Россия нефть саноатида бундай ҳолатлар тез-тез учраб турадиган ҳодисага айланди. Бошқарувчилар томонидан ташкил этилган компаниянинг ўзи бошқарадиган компанияга тегишли активларни нисбатан арзон нархларда сотганлиги ҳолатлари маълум.

Виждонсиз бошқариш натижасида банкротликка учраган "ENRON" энергетика корпорация билан боғлиқ можаро хорижда ях-

ши маълум.

Ва ниҳоят, энг мураккаб муаммо шундаки, бошқарувчилар компанияни бошқариш учун зарур сифатларга эга бўлмасада, бунга ваколатлари бўлмаса ҳам, ўз позицияларини кучайтириш орқали акциядорларнинг ресурсларини ўзлаштиришлари мумкинлигидадир.

Буларнинг барчаси корпорациялар, уларнинг акциядорлари ва инвесторларга сезиларли даражада зарар етказди. Шунинг учун корпоратив бошқариш билан боғлиқ кўпгина масалалар бошқарувчилар учун чекловлар ишлаб чиқиш, уларнинг компания ресурсларини ўзлаштиришларига йўл қўймасликка қаратилади.

Агентлик муаммосини ҳал этиш учун мулк эгалари (корпорациянинг акциядорлари) акциядорлар томонидан юриш-туриш, кузатув ва жазолаш масалаларини ратификация қилиш билан боғлиқ турли чораларни кўрадилар. Ратификация қилишда дастлаб агентларнинг қарорлари ва ташаббуслари тасдиқланади, кузатув жараёнида эса улар ҳаракатининг самарадорлиги инобатга олинади. Ушбу механизмларни қўллаш бўйича жавобгарлик директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) зиммасига юклатилган бўлиб, у "фидуциар мажбурият" деб аталади.

Бу тушунча англо-американ ҳуқуқ тизими негизида пайдо бўлиб, прецедент ҳуқуқининг бир қисмига айланган. Директорлар/бошқарувчилар ва акциядорлар ўртасидаги низоларни ҳал этишга қаратилган бу ҳуқуқий концепция иккита асосий мажбуриятдан – ғамхўрлик мажбурияти ва содиқлик мажбуриятидан ташкил топади.

Ҳозирги вақтда бошқарув ва эгалик ўртасидаги муаммони ҳал этишга бир нечта назариялар бағишланган. Улардан бири – агентлик назарияси бўлиб, бу назария бошлиқлар ва бошқарувчилар ҳамда кузатув кенгаши (директорлар кенгаши) аъзолари манфаатлари тенглигини эътироф этади. Бошқарувчилар ёки директорлар доим ўзининг моддий фаровонлиги ва нуфузи ҳақида ғамхўрлик қилади, акциядорлар эса ўз даромадларини ошириш, мулкларининг ҳажми ва қийматини оширишга ҳаракат қилишади. Бошқарувчилар ёки директорлар мулк эгалари манфаатини кўзламасдан, қисман ўзининг ҳокимияти, нуфузи ва таъсирини оширишга интилишса, у ҳолда уларнинг ва акциядорларнинг ҳаракатлари ва мақсадлари мос келмай қолади. Бундай ҳолда кузатув кенгаши (директорлар кенгаши) вакиллари ҳам агентлар сифатида қаралади, чунки, директорлар кенгашининг ҳам, ижро органининг ҳам мажбурияти бу акциядорларнинг мулкый ман-

фаатларини ифода этиш бўлиб ҳисобланади.

Агентлик назариясига кўра ушуб муаммони ҳал этишнинг энг мақбул ечими бу шартнома бўлиб ҳисобланади, чунки, агентлик назарияси замонавий корпорацияга "шартномалар боғлами" сифатида қарайди. Бу шартномалар акциядорлар ва бошқарувчилар, акциядорлар ва кузатув кенгаши (директорлар кенгаши), муайян вазифаларни бажарувчи кенгашнинг турли қўмиталари ўртасидаги агентлик муносабатларининг аниқ чегараларини белгилайди. Бундай шартномалар оғзаки (билдирилган истаклар, маданий меъёрлар кабиларга асосланган бўлиши) ёки ёзма шаклда (меҳнат шартномалари, акциядорларнинг шартномалари каби) бўлиши мумкин. Шундай қилиб, агентлик назариясининг асосий мақсади фирма шартномаси тузилишидаги самарасизлик ва манфаатлар мос эмаслиги даражасини камайтирадиган тузилмавий ва юриш-туриш қоидаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, агентлик муаммоси марказида акциядорларда корпорация фаолияти ҳақидаги ахборотларнинг етишмаслиги масаласи туради. Айнан шунинг учун акциядорлар биринчидан, ўзларига тегишли агентларнинг ноқонуний ҳаракатларини тўхтата олмасалар, иккинчидан, корпорацияни бошқаришда бевосита иштирок этган тақдирларида (акциядорларнинг умумий йиғилишида) бир овоздан қарор қабул қила олмайдилар. Амалий жиҳатдан олиб қараганда бу корпоратив бошқариш тамойилларининг бузилиши ҳисобланади.

Назарий жиҳатдан корпоратив бошқариш тамойиллари деганда акциядорлар ва инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида корпорация фаолиятини ташкил этиш ва унинг устидан назорат қилишнинг асосий қоидалари тушунилади. Ҳозирги кунда турли институтлар томонидан корпоратив бошқарувнинг комплекс тамойиллари ишлаб чиқилган. Халқаро Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (Organization of International Cooperation and Development) корпоратив бошқаришнинг қуйидаги тамойилларини таклиф этади:

- 1) ҳал қилувчи ташкилий ўзгаришлар акциядорлар йиғилиши розилигини талаб қилади;
- 2) акционерлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади;
- 3) бир – акция бир – овоз қоидасига содиқлик;
- 4) институционал инвесторлар овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланишда вакиллар сифатида чиқишлари мумкин;

5) камчилик акциядорлар ва чет эл инвесторларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

6) директорлар (кузатув кенгаши аъзолари) акциядорлар билан амалий муносабатларни йўлга қўйишлари ва улар олдида ҳисобот беришлари керак;

7) айнан ўхшаш ахборотни ўз вақтида ошкор этиш;

8) қабул қилинган қарор натижалари ҳақидаги ахборотни ўз вақтида ошкор этиш;

9) акцияларга эгалик қилиш ва овоз беришдаги мақоми тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш;

10) директорлар тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш;

11) директорларни рағбатлантириш ва мукофотлаш сиёсати тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш;

12) давлат аудиторлари томонидан ўтказилган йиллик ҳисоботларнинг аудити тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш;

13) бошқарувнинг фаолиятдан қатъи назар директорлар ҳуққатворини баҳолаш;

14) аудит, компенсацияни ташкил этиш, шунингдек қўмиталар ва ташқи директорларни тайинлаш.

"Корпоратив бошқарув" ва "корпоратив назорат" тушунчалари ўртасидаги фарқ тўғрисидаги масала қизиқарли ҳисобланади. Корпоратив назоратга акциядорлик муносабатлари субъектларининг қабул қилинаётган стратегик қарорларга доимий таъсир кўрсатиш имконияти сифатида қаралади. Кенг маънода корпоратив назорат бу-"корпоратив манфаат" тушунчаси билан мустаҳкам боғлиқ бўлган, корпорация фаолиятдан даромад олиш мумкин бўлган имкониятлар йиғиндиси. Корпоратив бошқарув эса доимий ва изчиллик асосидаги корпоратив манфаатларни таъминлашни ўзида касб этиб, корпоратив назорат муносабатларида ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда, корпоратив бошқариш деганда корпорация эгаларининг манфаатларини максимал даражада қондириш мақсадида корпоратив назорат механизмларини шакллантириш ва киритиш тушунилади. Шундан келиб чиқиб, корпоратив назорат корпоратив бошқариш тизимидаги бир восита ҳисобланади. Корпоратив бошқариш техник жиҳатдан учта асосий йўналишдан ташкил топади:

1) капитал ва мол-мулкни бошқариш;

2) маҳсулотни сотиш билан биргаликда технологик жараённи

бошқариш;

3) пул оқимлари, айланма капитал ва пассивларни бошқариш.

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган хорижий мамлакатлар акциядорлик компаниялари барча акциядорлар, бошқарувчилар, ходимлар томонидан риоя қилинадиган келишилган қоидаларни ўзида акс эттирган ўзининг ўзига хос бошқариш фалсафасига эга. Самарали корпоратив назоратни амалга оширишнинг бир қанча механизмлари ишлаб чиқилган. Ташкил этилган маҳсулот бозорлари шундай назорат механизмларнинг биринчиси сифатида чиқади. Бунда доимий равишдаги банкротлик таҳдиди шароитида ёмон ишлаётган корпорация бошқарувчилари корпорациянинг бутун гуруҳи манфаатларини кўзлаган ҳолда самарали ишлай бошлайди. Назоратнинг иккинчи механизми бу молиявий бозор. Бу акциядорлик жамияти фаолиятига нисбатан қикзиқиши йўқолган мулк эгаларига ўз акцияларини сотиш ва шу орқали жамият капиталидан ўз улушини олиш имкониятини беради. Олдин компанияга ўз капиталларини киритган мулк эгаларининг оммавий кетиши таҳдиди капиталнинг бошқа манбаини қидиришга тўғри келадиган ва ўз иш жойларини йўқотиш билан таваккал қиладиган бошқарувчилар юриш-туришига таъсир кўрсатади.

Ушбу механизмлар – маҳсулот ва фонд бозорларининг бизнинг мамлакатимизда корпоратив бошқариш ва назоратни самарали таъминлаш даражасида ишлаши учун сезиларли даражада вақт керак. Ҳозирча биринчи ўринга корпоратив бошқаришни ташкил этишнинг бошқа усуллари: акциядорлик жамиятини бошқариш ҳамда давлат ва локал ҳуқуқий меъёрларни ўзида акс эттирувчи корпоратив ҳуқуқни ривожлантиришда акциядорларнинг онгли равишда иштирок этиши кабилар қўлланилмоқда.

Бу ерда компания инвесторларининг турли кўринишларига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Маълумки, акциядорлик жамияти дастлаб акциялар сотишдан келган воситалар ҳисобидан ўзининг капиталини шакллантиради. Бунда акциядорлар жамиятнинг биринчи кредиторлар бўлиб ҳисобланадилар. Корпорацияга ўз пулларини берар экан, улар корпорациядан бу пулларни (тугатиш ҳолларидан ташқари) қайтариб олишга умид қиладилар. Шундай қилиб, мулкдор сифатида компанияни бошқариш ҳуқуқини қўлга киритадиган акциядорларнинг воситалари ҳисобидан корпорациялар ўз "ҳаётини" бошлайди. Лекин кейинчалик, ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил субъекти си-

фатида корпорация бошқа шахслардан, банк сингари молиявий ташкилотлардан кредитлар олиши мумкин бўлади. Шу йўл билан банк ташкилотнинг кредиторига айланади. Лекин бунда у жамият акциядорларига ўхшаб бошқариш ҳуқуқларига эга бўлмайди.

Акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий табиати мулк муносабатлар билан таъминланган. Қимматли қоғозлар эгалари иқтисодий жиҳатдан алоҳида мулкдорлар сифатида бўлса-да, умумий иқтисодий ман-фаатнинг эгаси бўлиб қоладилар; акциядорларнинг юриш-туришининг янги иқтисодий мотиви пайдо бўлади: бирлашган ресурслар янги бо-зорларни забт этиш ва ҳамкорликда ҳаракатнинг натижаси сифатида юқори даромад олиш имконини беради. Капиталнинг бирлашмаси ҳи-собланган акциядорлик жамиятларида мулк ҳуқуқини амалга ошириш усуллари ўзгариб туради. Умумий йиғилиш орқали жамиятни бошқа-ришда бир қатор мутлақ ваколатларга эга бўлган жамият акциядорла-ри қайта ишлаб чиқариш жараёнига капитал киритишда иштирок эт-масликлари мумкин. Гарчи, бошқарув органлари назорати, акциядор-лик жамияти назорати ва бошқарув бўлса-да, акциядорлик мулкни бошқариш учун улар мустақил оператив-хўжалик фаолиятини ташкил этиш имкониятига эга бўлишади.

Акциядорлик жамиятини бошқариш деганда биз иштирокчиларнинг ўзаро ҳаракати механизми ёки тизими ҳамда уларнинг ўз ман-фаатларини амалга оширишда қўллайдиган усулларини тушунамиз.

Корпоратив бошқарув тизими ташкилий моделни ўз ичига олади-ки, унинг ёрдамида акциядорлик жамияти ўз инвесторлари манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади.

Акциядорлик жамиятлари кредиторларининг бошқарув ҳуқуқлари ўртасидаги бундай фарқлар биринчи навбатда уларнинг таваккалчилик даражалари билан изоҳланади. Акциядорларда қолдиқ талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлган бир вақтда, банклар ўз инвестицияларидан ўлчанадиган даромадни кутишади. Бунда банклар ҳам акциядорлар ҳам ўз инвестицияларининг муайян кафолатларига муҳтож бўлишади. Банк учун бу – акциядорлик жамияти билан белгиланган келишув. Қолдиқ талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядор эса ўз капиталининг аниқ белгиланган миқдорда қайтишини кута олмайди, чунки, унга "нима қолса" ўша тегади. Лекин акциядорлар ва бошқарувчилар ўртасида акциядорларга энг мақбул даромад келтириш мақсади-

даги бошқарувчининг мажбуриятларини белгиловчи шартноманинг мавжудлиги, шунингдек, шартнома "ҳаётнинг ҳар қандай ҳолатидаги" қоидани ўз ичига ола олмаслигини инобатга олиш натижасида компания бошқарувчилари деярли чекланмаган эркинликка эга бўлишади. Шунинг учун акциядорларнинг иштироқи бошқариш ва эгалик қилишни бўлиш қоидасига муқаррар қўшимча ҳисобланади, банклардан фарқ қилган ҳолда корпоратив бошқаришнинг фойдаси ҳам зарари ҳам акциядорлар бўйнида бўлади.

Сўзимиз сўнгида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мустақамланган корпоратив бошқариш органлари тизими ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 63-моддасида кўрсатилишича акциядорлик жамиятини акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради. Шундай қилиб, бизнинг қонунчилик билан уч босқичли бошқариш органлари тизими назарда тутилади. Дунё тажрибасига асосан акциядорлик жамияти органлари одатда акциядорларнинг умумий йиғилиши ва бошқарувни ўз ичига оладиган икки босқичли тизимга эга бўлишлари ҳам мумкин Фикримиз янада аниқ бўлиши учун романо-герман (континентал) ва англо-американ ҳуқуқ тизимида акциядорлик жамияти бошқарув органлари тизимидаги фарқларни санаб ўтамиз. Финляндия, Франция, Швеция ва бошқа мамлакатлар қонунчилиги акциядорлик жамиятлари органлари қурилишининг икки асосий турини назарда тутди. Улардан биринчиси ўз ичига олий орган (акциядорларнинг умумий йиғилиши) ва ижро органи (бошқарув, маъмурий кенгаш) олади. Бунда ижро органи бошлиғи шу қадар кенг ваколатларга эга бўладики, амалда унинг ўзи жамиятнинг учинчи ва бош органи ҳисобланади. Иккинчи тури олий орган, ижро (коллегиал ёки яккабошчилик асосидаги) ва назорат органидан (кузатув кенгаши) ташкил топади. Инглиз компаниялари органларининг ташкилий тузилишини икки босқичли турга киритиш мумкин. Чунки у умумий мажлис ва директор шахсидаги ижро органи ёки директорлар кенгашидан иборат бўлади. Бунда директорлар бошқарув ёки ижро органи таркибига кириш орқали ижро органи функциясига ўхшаш функцияни бажаради. Америка қонунчилиги эса ушбу масалада ўзининг диспозитив меъёрлари ва кўпгина масалаларни тартибга солишини таъсис ҳужжатлари ихтиёрига қолдириб (шу жумладан

корпорациянинг ташкилий тузилиши, ишларни юритиш тартиби ва органларнинг ваколатлари) акциядорлик жамиятларига максимал даражадаги эркинликни беради.

Бизнинг фикримизча, замонавий шароитларда Ўзбекистондаги акциядорлик жамиятлари учун қонунда белгиланган уч босқичли тизим нисбатан мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки кўпгина акциядорлик жамиятларида самарали тарзда тадбиркорлик фаолиятини юритиш таж-рибаси бўлмаганлиги сабабли кузатув кенгаши ўзининг фаол ҳаракати туфайли корпорация ва унинг акциядорлари учун муҳим бўлган маса-лаларни ҳал этишда катта ўрин тутиши мумкин ва лозим.

2-§. Акциядорларнинг умумий йиғилиши

Қонунга асосан акциядорларнинг умумий йиғилиши акциядорлик жамиятининг олий органи бўлиб ҳисобланади. Бу қуйидаги икки сабаб орқали юзага келган:

– биринчидан, бу акциядорлик жамияти эгалари ёки акциядорлар иштирок этадиган орган;

– иккинчидан, бу акциядорлар бевосита корпорацияни бошқариши ва ўзларининг манфаатларини амалга ошириши мумкин бўлган орган.

Фақат умумий мажлисигина жамиятни бошқариш тартибини белгилайди, уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, корпорациянинг мол-мулки ва умуман жамиятнинг тақдирини ҳал қилиш ваколатларига эга бўлади. Бу шу билан изоҳланадики, акциядорларнинг умумий йиғилиши бу – акциядорлик жамиятини бошқаришнинг анъанавий, тарихий, текширилган олий органидир. Бундай бошқарув органининг мавжудлиги акциядорлик капиталининг моҳияти ва жамият ишларини бошқаришда умумий мажлис орқали иштирок этувчи шахс сифатида акциядорларнинг мақоми билан белгиланган. Бунда акциядор учун муҳими акциядорлик жамиятининг муҳим масалалари, масалан, жамиятни тугатиш ёки қайта ташкил этиш, шунингдек вакиллик органини (кузатув кенгаши ёки директорлар кенгашини) танлаш бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиш ҳисобланади.

1996 йил 26 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида умумий мажлиснинг ваколатла-

ри, уни чақириш тартиби, қарорларни қабул қилиш тартиби каби қоидалар мустаҳкамланган.

Умумий мажлис қонун билан белгиланган мутлақ ваколатга эга бўлади. Унинг мутлақлиги шунда кўринадики, умумий мажлис ўзининг мутлақ ваколатлари доирасига кирган масалаларни бошқа бошқарув органларига бериш ҳуқуқига эга бўлмайди (қонуннинг 65-моддаси). Бунинг устига мутлақ ваколатлар таркибига жамиятнинг мавжуд бўлиши билан боғлиқ масалалар киритилган. Буларга: жамиятнинг тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш; жамият кузатув кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш; эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш; жамиятнинг устав фондини кўпайтириш; жамиятнинг устав фондини камайтириш; ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш; жамиятнинг аудиторини тасдиқлаш; жамиятнинг йиллик ҳисоботлари, баланслари, даромад ва харажат ҳисоб-китобларини тасдиқлаш; йирик битимлар тузиш ва бошқалар.

Лекин агар қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлса, умумий мажлиснинг мутлақ ваколатлари доирасига кирувчи баъзи масалалар кузатув кенгашига берилиши мумкин. Қонун қуйидаги масалаларни ҳал этишни кузатув кенгаши ихтиёрига берилиши мумкин:

1) акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акция чиқариш орқали жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги;

2) жамият уставига унинг устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги;

3) жамиятнинг ижро органини ташкил этиш ва унинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш.

Қонунда умумий мажлисларнинг икки тури мустаҳкамланган: йиллик (ҳисобот) ва акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилиши жамият уставига белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади.

Корпоратив бошқаришнинг молиявий жиҳатлари Қўмитасининг 1992 йилги ҳисоботида қайд этилишича, "директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) ва акциядорлар ўртасидаги расмий муносабатлар акциядорлар томонидан директорларнинг сайланиши, директорларнинг

бошқарувлари ҳақидаги ҳисоботи ва директорнинг молиявий ҳисоботларини текшириш учун аудиторларни тайинланишида кўринади".

Акциядорлар ва кузатув кенгаши ўртасидаги барча ўзаро муносабатлардан келиб чиққан ҳолда бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмасда, бу фикр акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишининг моҳиятини аниқ очиб беради. Шунинг учун акциядорларнинг йиллик йиғилиши бежиз ҳисобот йиғилиши деб аталмайди. Шундай қилиб акциядорларнинг йиллик (ҳисобот) йиғилишида жамиятнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, даромад ва харажатлар ҳисоб-китоби, даромад ва зарарларнинг тақсимланиши, жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш, жамиятнинг аудиторини тасдиқлаш масалалари мажбурий тартибда кўриб чиқилиши керак. Йиллик мажлисда киритилган баъзи масалалар, масалан, жамиятнинг кузатув кенгашини сайлаш ва аудиторини тасдиқлаш масаласи навбатдан ташқари мажлисларда ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Гарчи жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик йиғилишини ўтказишга мажбур бўлса-да, қонунда йиллик мажлисни ўтказиш муддатларини бузганлик ёки бир неча йил уни ўтказмаганлик учун жамият ёки унинг мансабдор шахсларининг жавобгарлиги масаласи белгиланмаган. Бундай жавобгарликни ўрнатиш балки мақсадга мувофиқ эмасдир, чунки, бундай мажлисларни ўтказиш ва уларда иштирок этиш акциядорларнинг ўзининг мулкий манфаатларига жавоб беради. Акциядорларнинг мунтазам мажлисларини ўтказмаслик ҳодисаси XX асрнинг ўрталарига қадар АҚШ, Буюк Британия каби ривожланган мамлакатларда ҳам кузатилган. Ўша вақтда акциядорларда уларга қонун билан берилган умумий мажлисда иштирок этиш орқали жамият-ни бошқариш ҳуқуқини амалга ошириш истаги бўлмаган деб қаралар-ди ва бу ўша даврнинг кўпгина ҳуқуқшунос ва иқтисодчиларининг илмий ишларида ўз аксини топган эди. Йирик компанияларнинг акциялари шу даражада майдаланиб сотилган эдики, кўпгина акциядорлар ушбу жамиятнинг сиёсатини ўзгартириш учун беҳуда вақт, ре-сурс ва куч сарфларди, чунки сиёсатни ўзгартиришга йўналтирилган уларнинг воситалари уларнинг унча катта бўлмаган қўйилмаларининг даромадларинидан ошиб кетиши мумкин эди деган нуқтаи назар билан ёндашилди эди. Ҳозирги кунчага кенг фойдаланилиб келаётган "акциядорларнинг фаоллиги" (shareholder activism). тушунчаси шу ердан келиб чиқди.

Лекин турли омиллар, шу жумладан институционал инвесторларнинг (пенсия жамғармалари ва бошқалар) акциядорлар сифатида фаоллашуви, шунингдек, акциядорлар ва акциядорлик жа-миятлари ўртасидаги воситачи сифатида молиявий институтларнинг иштирок этиши туфайли кейинги йилларда бу ҳолат анча ўзгарди.

Бошқа томондан, овоз бериш ҳуқуқи қийин амалга ошадиган ҳуқуқ бўлиб қолиши мумкин. Кўпгина мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, акциядорлар почта³⁴ орқали овоз бера олмайдилар, бу эса кўпгина ҳолларда кичик, айниқса мажлис ўтказиладиган жойдан анча узоқда яшовчи акциядорлар учун ўзининг овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш учун ҳар доим ҳам имконият яратмайди. Акциядорларнинг умумий йиғилишлари йиллик билан бир қаторда навбатдан ташқари тарзда ҳам ўтказилади. Бундай навбатдан ташқари йиғилишни чақириш ва ўтказиш учун жамиятнинг кузатув кенгаши масъул бўлади. Қонуннинг 72-моддасида кўрсатилишича, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарори билан унинг ўз ташаббусига биноан, жамият тафтиш комиссияси талабига кўра, шунингдек талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби билан ўтказилади.

Жамиятнинг кузатув кенгаши қуйидаги ҳолларда акциядорларнинг навбатдан ташқари мажлисини чақиришни рад этиши мумкин:

– акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) назарда тутилган миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

– жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан биронтаси ҳам унинг ваколатларига кирмаса;

– кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаса.

Жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш ҳақида қонунга зид қарор қабул қилган ёки Қонунда белгиланган муддат ичида қарор қабул қилмаган бўлса, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғи-

³⁴ Электрон алоқа воситаларини қўллаш орқали овоз бериш масаласи ҳалигача тартибга солилмаган.

лиши уни чақаришни талаб қилган шахслар томонидан чақарилиши мумкин.

Умумий йиғилишда акциядорлик жамиятини бошқариш бевосита овоз бериш орқали амалга оширилади. Бунда бир-акция бир-овоз тамо-йили амал қилади, яъни акциядорлик жамияти томонидан нечта оддий акция чиқарилган бўлса, шунча овозлар мавжуд бўлади, демак, шахсда қанча кўп акция бўлса, у шунча кўп овозга эга бўлади ва табиий ра-вишда мажлисда унинг ўз фикрини ўзказишига шунча кўп имконияти бўлади. Лекин қонуннинг 66-моддаси 2-қисмида назарда тутилган бир неча овозга эга бўлган имтиёзли акциялар ҳам чиқарилиши мумкин. Овоз беришда қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Одатда, акциядорларнинг умумий йиғилишида оддий акция эга-лари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Имтиёзли акциялар эгалари уларнинг бундай иштироки жамият уставида назарда тутилган ҳол-лардагина овоз беришда иштирок этади.

Имтиёзли акциялар кун тартибига қўйилган қуйидаги алоҳида масалалар бўйича доим овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади:

1) жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш масаласини ҳал этишда;

2) жамиятнинг уставига имтиёзли акция эгаларининг ҳуқуқлари-ни чеклаш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масала-сини ҳал этишда.

Овоз бериш юзма-юз ҳамда сиртдан ўтказилиши мумкин. Юзма-юз овоз бериш акциядорлар ёки уларнинг вакилларининг мажлисда бевосита иштирок этиши орқали, сиртдан овоз бериш эса акциядор-ларнинг ўзларининг фикрларини билдирадиган бюллетенлар сўрови орқали ўтказилади. Умумий мажлиснинг мутлақ ваколатлари доира-сига кирадиган масалалар фақат акциядорларнинг бевосита иштирок этиши орқали ҳал этилиши лозим.

Умумий мажлисни ўтказиш тартиби. Акциядорларнинг уму-мий мажлисини ўтказишни уч босқичга бўлиш мумкин:

1) умумий мажлисни ўтказишга тайёргарлик;

2) акциядорларнинг қарорларни қабул қилишда иштирок этиши;

3) овозларни ҳисоблаш ва мажлис баённомасини тузиш.

1. Акциядорларнинг умумий мажлисни ўтказишга тайёргар-лик жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади. Унинг асосий мақсади – акциядорлар томонидан уларнинг қонуний

ҳуқуқлари бўлган акциядорлик жамиятини бошқариш учун шароитларни таъминлашдан иборат. Тайёргарлик ўз ичига умумий мажлисни ўтказишнинг барча зарур шартларини, шу жумладан қуйидагиларни белгилашни ўз ичига олади:

1) акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, жой ва вақт;

2) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби;

3) акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати тузиладиган сана;

4) акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартиби;

5) акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхати;

б) бюллетень билан овоз бериладиган бўлса, овоз бериш бюллетенининг шакли ва матни (қонуннинг 71-моддаси).

Бунда мажлисни чақириш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Йиллик мажлисларнинг асосий мақсади асосан акциядорларга йиллик ҳисобот ва жамият фаолияти сифати ҳақидаги бошқа ахборотларни тақдим этиш бўлиб ҳисобланади. Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарор билан биргаликда йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш, акциядорлик жамияти устав капиталини ўзгартириш тўғрисидаги масалалар акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибининг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Улар бўйича чиқарилган қарорлар кўп жиҳатдан акциядорлик жамиятининг юридик шахс сифатидаги келгуси ривожланишини белгилаб беради ва жамиятнинг акциядорлари ва кредиторлари манфаатларига бевосита дахлдор бўлади. Бунда умумий мажлис молия йили тугагандан кейин кечи билан 6 ой ичида ўтказилиши керак.

Навбатдан ташқари мажлислар акциядорларнинг умумий йиғилиши мутлақ ваколатига кирадиган масалалар юзасидан акциядорларнинг эрки-иродасини аниқлаш мақсадида кузатув кенгашининг ташаббуси, тафтиш комиссияси ёки жамият аудиторининг талаби ёки талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби билан чақирилади.

Бошқа органларнинг ҳисоботларини қабул қилиш билан бир вақт-

да акциядорлик жамияти умумий мажлисида ҳам навбатдан ташқари мажлисида ҳам кун тартибига киритилган турли масалаларни ҳал этади. Йиллик мажлис кун тартибини ишлаб чиқишда жамиятнинг камида 1% овоз берувчи акциясига эга бўлган акциядорлар иштирок этишлари мумкин (Қонуннинг 69-моддаси).

Жамият акциядорлари (акциядори) жамиятнинг молия йили туганидан кейин узоғи билан 30 кун муддат ичида, башарти жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва жамият тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Кун тартибига масала уни қўйиш сабабларини, масалани таклиф этаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) номини, унга тегишли акцияларнинг сони ва турини кўрсатган ҳолда ёзма равишда киритилади. Жамият кун тартибига шунингдек, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиш, шу жумладан ўзининг номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф киритилганда номзоднинг исми, башарти номзод жамият акциядори бўлса, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури, шунингдек номзодни кўрсатган акциядорларнинг исми, уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

Жамият кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Бунда кузатув кенгаши масалани кун тартибига киритишни масаланинг қонунга зидлиги ёки кун тартибига киритишнинг белгиланган расмиятчилигига мос келмасагина рад этиши мумкин. Масала уни кун тартибига киритиш мақсадга мувофиқ эмас деган ваз билан рад этилиши мумкин эмас. Қонунда масала кун тартибига киритилмайдиган қуйидаги сабаб кўрсатилган:

- биринчидан, акциядор (акциядорлар) таклиф киритиш муддати-га риоя этмаган бўлса;
- иккинчидан, акциядор (акциядорлар) 1% миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- учинчидан, таклиф қонунчиликка мос бўлмаса;
- тўртинчидан, таклиф асослантирилмаган, киритилган таклиф-

ларда номзоднинг исми, башарти номзод жамият акциядори бўлса, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури, шунингдек таклиф киритаётган акциядорларнинг исми, уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилмаган бўлса.

Жамият кузатув кенгаши масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисида қарор қарор чиқарган тақдирда бу қарор нусхаси ушбу таклифни киритган шахсга юборилади ва ушбу қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Навбатдан ташқари мажлисда кун тартиби масалалари навбатдан ташқари мажлис ўтказиш талаби билан биргаликда киритилади. Чунки айнан мана шу киритилаётган масалага қараб навбатдан ташқари мажлис чақирилади. Бунда кун тартибига масалалар киритиш таклифи кузатув кенгаши, акциядорлар, тафтиш комиссияси ва аудитор томонидан киритилиши мумкин. Шундай қилиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари мажлисини ўтказиш, кун тартибини белгилаш, шу жумладан бошқарув ва назорат органларига номзодларни кўрсатиш фақат мажлисни чақириш ташаббускорлари томонидан амалга оширилади. Навбатдан ташқари мажлисни чақириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар (тафтиш комиссияси, жамиятнинг камида 10% овоз берувчи акциясига эга бўлган акциядорлар) мажлисни ўтказиш тўғрисидаги талабида кун тартибига киритилиш лозим бўлган масалаларни уларнинг асослари билан кўрсатади.

Бунда кузатув кенгаши навбатдан ташқари мажлис кун тартибига киритилган масалаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Таклиф келиб тушгандан кейин 10 кун муддат ичида кузатув кенгаши навбатдан ташқари мажлисни чақириш ёки уни чақиришни рад этиш тўғрисида қарор чиқариши керак. Навбатдан ташқари мажлис чақиришни таклиф киритган акциядорларнинг етарли миқдорда овоз берувчи акцияларга эга эмаслиги, таклиф этилаётган масалаларнинг умумий йиғилиш ваколатига кирмаслиги ёки таклиф этилаётган масалалар қонунчиликка мувофиқ эмаслиги сабабли навбатдан ташқари мажлисни чақириш таклифи рад этилиши мумкин. Бунда ушбу қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Акциядорлар томонидан киритилган таклифларга асосланган

ҳолда кузатув кенгаши йиллик мажлиснинг кун тартибини тасдиқлайди. У шунингдек, ўз ташаббусига кўра кун тартибига таклиф киритиши мумкин, бундай ҳолда кузатув кенгашининг таклиф киритиш ҳуқуқи акциядорлардан фарқ қилган ҳолда кун тартибига масала кириштишда бирор бир муддат билан чекланмайди.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларга уларнинг номига ёзма хабарнома юбориш ва матбуотда тегишли ахборот эълон қилиш орқали маълум қилинади. Хабар почта орқали ёки акциядорларнинг қўлига топшириш орқали (имзо қўйиш орқали) юборилиши мумкин. Умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида акциядорларга хабар қилиш муддати жамият уставида белгилаб қўйилади.

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда ўз ифодасини топиши лозим бўлган маълумотлар қонунда белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- 1) жамиятнинг номи ва жойлашган ери;
- 2) акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- 3) умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати тузилган сана;
- 4) умумий йиғилишнинг кун тартибига киритилган масалалар;
- 5) умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

Мажлис ҳамкорликда иштирок этиш шаклида ўтказиладиган ҳолларда акциядорлар мажлисда ва қарорлар қабул қилинишида иштирок этиши учун реал имконият билан таъминланиши керак. Мажлис бўлиб ўтадиган жой ҳақида акциядорларни олдиндан огоҳлантириш лозимлиги сабабли, мажлис ўтказиладиган кун мажлис ўтказиладиган жойни ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

2. Акциядорларнинг қарорларни қабул қилишда иштирок этиши. Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан ўрнатиладиган санага қадар акциядорлар реестрида рўйхатга олинган барча акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш акциядорлар реестрини

юритувчи шахснинг мажбурияти ҳисобланади. Агар жамият акциядорлари реестрини юритиш ихтисослаштирилган регистратор томонидан амалга оширилса, у эмитент ёки бошқа ваколатли шахсларнинг бўйруғига кўра бўйруқда кўрсатилган санада акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тақдим этиши керак. Агар жамият акциядорлари реестрини юритиш акциядорлик жамиятининг ўзи томонидан амалга оширилса, акциядорларнинг рўйхатини тузиш реестрдаги маълумотларга асосан жамиятнинг ижро органлари томонидан амалга оширилади.

Акционерлар умумий йиғилишда бевосита ўзлари ёки ёзма равишда ишончнома берган ҳолда ўз вакиллари орқали иштирок этишлари мумкин. Акциядорларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ўз вакиллари орқали иштирок этишлари институти нисбатан янги институт бўлиб, XX асрнинг 60-йилларигача кўпгина мамлакатларнинг қонунчилигида акциядорларнинг бевосита ўзлари иштирок этишлари мажбурияти мавжуд эди. Лекин, масалан, бошқа юридик шахслар сунъий шахс ҳисобланиши туфайли уларга корпорацияни ўзларининг вакиллари орқали бошқаришга тўғри келади; бунда ҳозирги кунда кўпгина йирик корпорацияларнинг катта миқдордаги акциялари эгалари юридик шахслар эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Бошқа томондан, замонавий дунё тажрибаси кўрсатишича, акциядорларнинг малакали воситачилар орқали иштирок этиши уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишда нисбатан самарали натижалар бермоқда. Бунда кредит ташкилотлари (молиявий институтлар) капитал эгасига корпорация устидан назоратни амалга ошириш учун ёрдам берувчи ишончли шахс функциясини бажармоқда.

Акциядорларнинг умумий мажлиси етарли миқдордаги овозлар, яъни қарор қабул қилиш учун акциялар сонини билдирувчи кворумга эга бўлган ҳолдагина ўз номидан қарор қабул қилишга ҳақли бўлади. Умумий мажлис ишида максимал даражадаги акциядорларнинг иштирок этиш имконияти қонунчиликда умумий мажлис ва овоз беришнинг кворумини белгилаш орқали таъминланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида юзма-юз овоз бериш учун камида 60% (қонуннинг 75-моддаси 1-қисми) ва сиртдан овоз бериш учун камида 75% (қонуннинг 67-моддаси 3-қисми) кворум белгиланган. Акциядорлар

умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Бу ерда қонунда умумий йиғилиш мажлиси неча марта сурункасига қолдирилиши мумкинлиги белгиланмаган. Шу билан бирга, ўтказилмай қолган йиғилиш ўрнига акциядорларнинг янги чақирилган умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами олтамиш фоиздан кам бўлмаган овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, бу умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади. Акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар у ўтказилишидан кечи билан 10 кун олдин тарқатилади.

Умумий йиғилишни раис бошқаради. У мажлисни ўтказишда техник ва ташкилий масалаларни амалга оширадиган ишчи органларига эга бўлади; улар қаторига: раёсат, санок комиссияси, котиб (котибият) киради. Умумий мажлиснинг раёсати ва раиси акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади. Бунда кузатув кенгаши раиси раёсат таркибига ўз лавозими бўйича киради. Акциядорлар умумий мажлиси раиси мажлис раёсатига бошчилик қилади, мажлиснинг ўтишини таъминлайди, ўз мажбуриятларини мақбул даражада ижро этиш учун барча ваколатларга эга бўлади.

Умумий мажлис раиси мажлиснинг боришига бошчилик қилади, умумий мажлис ишчи органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, нутқ сўзловчиларнинг нутқлари вақтини чеклайди, залда тартиб сақланишини назорат қилади, шунингдек умумий мажлис баённомаси ва қарорини имзолайди.

Умумий мажлис котибияти:

- умумий мажлис боришини қайд этиб боради;
- мажлис кун тартибига киритилган масалалар юзасидан муҳокамада иштирок этишни сўраб мурожаат этилган аризаларнинг рўйхатини юритади;
- умумий мажлис ёпилгандан кейин кечи билан 15 кун муддат ичида, икки нусхада, акциядорлар умумий мажлисининг баённомасини тузади.

Юқорида таъкидланганидек, овоз бериш "бир акция – бир овоз" тамойили асосида амалга оширилади. Бу ерда шуни эътиборга олиш

лозимки, албатта, жамиятнинг хоҳишига қараб аниқланадиган, имтиёзли акциялар битта акцияда бир неча овозларга эга бўлишлари мумкин. Лекин овоз беришда "овроз берувчи акциялар" деб номланадиган фақат оддий акциялар эгалари иштирок этишлари мумкин. Агар жамият уставида назарда тутилган бўлсагина, амалиётда унча кенг тарқалмаган, имтиёзли акциялар эгалари овоз беришда иштирок этишлари мумкин.

Овоз беришни амалга ошириш тартиби жамият уставида белгиланади. Бунда овоз бериш бюллетенларни жўнатиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бюллетенларни овоз бериш учун акциядорларга мажлис ўтказилгунга қадар жўнатиш фақатгина қонунда кўрсатилган ҳолларда мажбурий ҳисобланади. "акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 77-моддасида кўрсатилишича, жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмиш акциядорлар сони юздан ортиқ бўлган жамият акциядорларининг умумий йиғилишида кун тартиби бўйича овоз бериш фақат овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

Агар акциядорлар сони юзтадан кам бўлса, овоз бериш тартиби жамиятнинг ўзи томонидан белгиланади. Акциядорларга бюллетенларни жўнатиш тартиби худди уларга мажлис ўтказиш хабарини юбориш тартиби билан бир хил, тегишинча, бу тартиб жамият устави ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланган бўлиши мумкин. Бюллетенининг шакли ва матни жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Овоз бериш бюллетенлари умумий мажлисда иштирок этиш учун рўйхатга олинган акциядорларгагина берилади.

Бюллетенда овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича "ёқлайман", "қаршиман" ёки "бетарафман" деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари, овоз бериш бюллетени акциядор томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма акс эттирилган бўлиши лозим. Охирида бюллетен акциядор томонидан имзоланади. Агар акциядорлик жамиятининг қандайдир ўрнига номзод сайлаш учун овоз бериш ўтказилаётган бўлса, бюллетенда номзод ҳақида, шу жумладан унинг исми-шарифи ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Мажлисни ўтказиш жамият томонидан қабул қилинган регламент

асосида амалга оширилади. Амалиётда йирик йиғилишлар ўтказишдан олдин унинг боришини назорат қилиш имкониятини берадиган мажлис сценарийси ишлаб чиқилади. Одатда, кун тартибга қўйилган масалаларни муҳокама қилиш маърузачининг чиқиши билан бошланади, ундан кейин хоҳлаган шахслар чиқишади ва ўзларини қизиқтирган саволлар беришади, турли масалалар муҳокама қилинади. Чиқишларнинг сони ва вақти муайян мажлиснинг аний шартларига боғлиқ бўлади. кун тартибига қўйилган масала бўйича овоз беришни ўша масала муҳокама қилинган захотиёқ амалга ошириш лозим. Агар акциядорлар барча масалалар муҳокама қилингандан кейин, бир вақтда овоз берадиган бўлишса, нотенг овоз беришнинг эҳтимоллиги ошади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши мажлис кун тартибига киритилмаган масалалар юзасида қарор қабул қилишга ҳақли эмас (қонуннинг 66-моддаси 8-қисми). Ушбу тақим мажлис давомида кун тартибини ўзгартириш, шунингдек, кун тартибидан масалаларни чиқариб ташлаш, кун тартибидаги масалалар кўрилиши тартибини ўзгартириш кабиларга ҳам татбиқ этилади.

Сиртдан овоз бериш мумкинлиги назарда тутилади, лекин овоз беришнинг бундай тури фақат ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларига хос бўлиб ҳисобланади. Лекин, мутлақ ваколатга кирадиган масалалар сиртки овоз бериш орқали ҳал этилиши мумкин эмас. Сиртки овоз бериш бюллетенлардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Юқорида таъкидланганидек, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз бериш ўтказилган ҳоллардан ташқари, овоз бериш "бир акция – бир овоз" тамойили асосида амалга оширилади. Минг нафардан ортиқ оддий акциялар эгалари жамиятнинг директорлар кенгаши аъзоларини сайлаётганда кумулятив овоз беришни қўллаш мажбурий ҳисобланади. Бошқа барча ҳолларда кумулятив овоз беришни қўллаш жамият уставида назарда тутилиши мумкин. Кумулятив овоз беришни қўллаш директорлар кенгаши таркибига ҳеч бўлмаса бир нафар ўз номзодини сайлаш имкониятига эга бўладиган кичик акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Кумулятив овоз беришнинг моҳияти шундаки, бунда ҳар бир овоз берувчи акция директорлар кенгаши аъзоларининг умумий сонига тенг равишда биттадан овозга эга бўлади. Акциядор бундай ҳолатда ўзига тегишли бўлган акциялар бўйича барча овозларни бир номзодга бериши ёки

бир неча номзодлар ўртасида тақсимлаши мумкин. Нисбатан кўп овозни олган номзодлар жамиятнинг директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) таркибига сайланган ҳисобланади.

Қонунда кўрсатилишича, овоз берувчи акциялар эгаларининг со-ни юздан ортиқ бўлган жамиятда санок комиссияси тузилади, унинг миқдор ва шахсий таркиби жамият кузатув кенгашининг таклифига биноан акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Санок комиссияси зиммасига топширилган вазифаларни бажариш юзасидан мустақил фаолият юритувчи мажлиснинг доимий ишчи органи ҳисобланиб, кузатув кенгаши таклифига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади. Санок комиссиясининг ваколат муддати акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланган вақтдан бошланади ва акциядорларнинг тегишли (йиллий ёки навбатдан ташқари) умумий йиғилиши томонидан янги таркибдаги санок комиссияси сайлангунига қадар мажлисларни ўтказиш ва унинг натижаларни расмийлаштириш бўйича ишларни амалга оширади. Акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми мавжудлигини аниқлаш, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқларини амалга оширишда акциядорлар ва уларнинг вакиллари ўртасидаги алоқани аниқлаш, овоз беришга киритиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтириш, овоз беришнинг ўрнатилган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш овозларни ҳисоблаш ва овоз беришнинг яқунлари бўйича хулоса чиқариш, овоз бериш яқунлари бўйича баённома тузиш, овоз бериш бюллетенларини архивга топшириш кабилар санок комиссиясининг асосий функциялари бўлиб ҳисобланади.

Акциядорларнинг олдинги умумий йиғилиши томонидан сайланган санок комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишида қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- умумий йиғилишда иштирок этиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказди;
- улар томонидан берилаётган ишончномалар ва ҳуқуқларнинг ҳисобини юритади;
- овоз бериш учун бюллетенлар ва умумий мажлис ҳақидаги бошқа ахборотларни беради;
- акциядорлар умумий мажлисининг кворуми бор ёки йўқлигини аниқлайди.

Таркиби акциядорлар умумий йиғилишининг ўтаётган мажлисида тасдиқланган саноқ комиссияси қўйидагиларни амалга оширади:

- акциядорлар умумий мажлисининг кворуми бор ёки йўқлигини аниқлайди;

- акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан умумий мажлисида овоз бериш жараёнидаги ўз ҳуқуқларини амалга ошириш вақтида юзага келган масалаларни ҳал этади;

- овоз беришга қўйилган масалалар юзасидан овоз бериш тартибини тушунтиради;

- овоз беришнинг ўрнатилган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришдаги ҳуқуқларини таъминлайди;

- овозларни ҳисоблаш ва овоз беришнинг яқунлари бўйича хулоса чиқаради;

- овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

Саноқ комиссияси таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши керак. Саноқ комиссияси таркибига жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, коллегиял ижроия органи аъзолари, яккабошчилик асосидаги ижроия органи, шунингдек бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи, шу билан бирга ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар киритилиши мумкин эмас.

Лекин агар овоз берувчи акциялар эгаларининг сони беш юздан ортиқ бўлса, жамиятда саноқ комиссиясининг вазифаси жамиятнинг ихтисослаштирилган реестр сақловчиси зиммасига юкланиши мумкин.

Акциядорлар мажлиси ўтказиш вақтида меъёри ҳужжатларда белгиланмаган. Қонуннинг маъносидан келиб чиқиладиган бўлса, мажлиснинг давом этиш муддати фақат кун тартиби билан белгиланади. Бу ерда қонун мажлисни кейинги кунга қолдириш имкониятини назарда тутмайди.

Акциядорларнинг умумий мажлисини ўтказиш кузатув кенгаши раисининг умумий мажлис саноқ комиссияси, раёсат ва котибни (котибият йирик акциядорлик жамиятларида тавсия этилади) сайлашни таклиф қилишидан бошланади. Умумий мажлисни ўтказиш тартиби мажлиснинг бошланиш ва тугиш вақтини, сўзланадиган нутқлар ва танаффуслар давомийлиги, кун тартибидаги масалаларнинг кетмакетлиги, кун тартибидаги масалалар бўйича маърузачиларнинг фамилияси ва мансаби. Овоз беришни ўтказиш ва натижаларни эълон қилиш тартиби кабиларни назарда тутаяди. Мажлис ўтказилиши даво-

мида юзага келадиган жорий масалалар муҳокама қилинаётган масала юзасидан ҳар бир акциядор сўзга чиқиши мумкин деган тамойилдан келиб чиққан ҳолда раис томонидан яккабошчилик асосида ҳал этилади. Кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама этишда иштирок этишни хоҳловчилар иштирок этишни кўзлаётган масаласини кўрсатган ҳолда умумий мажлис котибиятига ёзма равишдаги ариза тақдим этади. Кун тартибидаги барча масалалар муҳокама қилиб бўлингандан кейин раис акциядорларнинг умумий мажлисини ёпиқ деб эълон қилади.

Акциядорларнинг умумий мажлиси ўз ишини тугатгандан кейин иккита баённома: овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси тузилади. Овоз бериш ўтказилгандан кейин санок комиссияси овоз бериш учун тарқатилган бюллетенларни текшириш ва овозларни санаш билан биргалликда йиғиб чиқади. Овоз бериш натижалари бўйича санок комиссияси овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома тузади. Овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённоманинг асосий мақсади овоз бериш натижаларини келгусида ижро этиш мақсадида расмий қайд этиш ҳисобланади. Овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома жамиятнинг санок комиссияси томонидан тузилади ва имзоланади.

Акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси ўз навбатида акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишининг жараёнини қайд этади. Акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси умумий йиғилиш котиби томонидан тузилади ва акциядорлар умумий йиғилиши раиси ва котиби томонидан имзоланади. Баённомада қуйидагилар кўрсатилади:

- акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилган жой ва вақт;
- жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эга бўлган акциядорлар овозларининг умумий сони;
- йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозлар сони;
- йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилишнинг кун тартиби кўрсатилади;
- нутқларнинг асосий мазмуни, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш натижалари, йиғилиш қабул қилган қарорлар.

Акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси имзолангандан ке-

йин санок комиссияси томонидан сўргичланади ва умумий йиғилишнинг регистрация рўйхати, муҳрланган овоз бериш бюллетенлари, санок комиссияси аъзолар томонидан имзоланган овоз бериш натижалари ҳақидаги баённомалар ва акциядорлар умумий йиғилиши баённомасини кўшган ҳолда, сақлаб қўйиш учун жамиятнинг архивига топширилади.

Акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш яқунлари ана шу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 45 кундан кеч бўлмаган муддатда акциядорлар эътиборига етказилади (қонуннинг 66-моддаси 9-қисми).

Агар қарорда ёки йиғилиш баённомасида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, акциядорлар умумий йиғилиши қарорининг ижро этилиши устидан назоратни жамиятнинг кузатув кенгаши амалга оширади. Акциядорлар умумий йиғилиши қарори умумий йиғилишда иштирок этган ёки этмаганлигидан қатъи назар барча акциядорлар учун қарорнинг уларга тегишли қисми бўйича мажбурий бўлиб ҳисобланади.

3-§. Кузатув кенгаши (директорлар кенгаши)

Юқорида инвесторларнинг акциядорлик жамияти устидан акциядорларнинг умумий мажлисида иштирок этиш ва овоз бериш орқали қандай қилиб назоратни амалга ошириши ҳақида гапирилган эди. Лекин акциядорларнинг умумий мажлиси акциядорлик жамиятини бошқарувчи иккита асосий органдан фақат биттаси ҳисобланади ва бунинг устига, компанияни бошқариш устидан ҳокимиятнинг асосий қисми акциядорларнинг умумий мажлисига эмас, балки жамиятнинг кузатув кенгашига тўғри келади. Бунда кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳокимиятларини бевосита ёки компаниянинг бошқарувчилари (ижро органи аъзолари) орқали амалга оширади. Кўп ҳолларда директорларнинг жамиятдаги мажбуриятлари уларнинг акциядорлик жамиятида ишончли шахс сифатида қабул қилиниши нуктаи назаридан тушунтирилади. Бунда уларнинг акциядорлар олдидаги мажбуриятлари "фидуциар" ёки ижтимоий ишончга асосланган мажбуриятлар деб аталади. Лекин ўзининг келиб чиқишига кўра ушбу концепция англо-американ корпоратив ҳуқуқидан кириб келган. Бунда фидуциар жавобгарликнинг асосий тамойилини ҳолислик тамойили ташкил этади.

Корпоратив ҳуқуқ тажрибаси ривожланган хорижий мамлакатларда корпоратив бошқариш боғлиқ низоларни кўриб чиқишда корпоратив бошқарув тизимига айнан мана шу нуқтаи назардан ёндашилади.

Ўз табиатига кўра кузатув кенгаши умуман олганда икки асосий функцияга эга бўлади: ижро органи аъзоларини тайинлаш ва лавозимидан олиб ташлаш ва ижро органи фаолияти устидан назоратни амалга ошириш. Акциядорлик жамияти органлари тизимидаги бу босқич герман моделидан олинган бўлиб, ўз моҳиятига кўра америка корпоратив бошқарув тизимидаги ташқи директорлар институтига ўхшайди. Унинг 81-моддасида кўрсатилишича, жамиятнинг кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этишни истисно этган ҳолда, жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади. Кўриниб турганидек, у умумий раҳбарликни амалга ошириш бўйича кенг ваколатларга эга бўлади. Шу билан биргаликда кузатув кенгаши жамиятнинг олий бошқарув органи ўрнига ўтмайди ва умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Юқорида таъкидланганидек, жамият ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар киритилади. Шундай қилиб, кенгашига нисбатан акциядорларни кузатув кенгаши аъзоларининг салбий ҳаракатларидан асровчи кузатув тўлиқ бўлмаган ишонч билдирилади. Лекин умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар ичида жамият устав капитали миқдорининг кўпайиши муносабати билан унинг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, жамиятнинг ваколатли ижро органларини ташкил этиш ва уставда назарда тутилган ҳолларда, муддатидан олдин тугатиш каби масалалар ҳам мавжуд. Умуман олганда жамиятда ҳокимият ваколатларини тақсимлашда оғирлик маркази асосан кузатув кенгашига тўғри келади. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида кузатув Кенгаши ваколатидаги қуйидаги масалалар кўрсатилган:

- 1) жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- 2) жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;
- 3) акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- 4) умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати тузиладиган санани белгилаш;

5) акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш:

а) жамиятни қайта ташкил этиш;

б) жамиятнинг йиллик ҳисоботлари, бухгалтерия баланслари, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

б) агар жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан кузатув кенгашига тегишли ҳуқуқ берилган бўлса, эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш ёки жамият томонидан кўшимча акциялар жойлаштириш орқали жамият устав фондини кўпайтириш;

7) жамият уставида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, облигациялар ва қимматли қоғозларни жойлаштириш;

8) мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш;

9) агар жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан кузатув кенгашига тегишли ҳуқуқ берилган бўлса, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни олиш;

10) агар жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш жамият уставида кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган бўлса ёки бу масалани ҳал этиш акциядорларнинг умумий йиғилишида кузатув кенгашига топширилган бўлса, шундай бизнес-режани тасдиқлаш;

11) жамият тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан ҳамда аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилашга доир тавсиялар бериш;

12) акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

13) жамиятнинг заҳира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

14) жамиятнинг бошқарув органлари фаолият тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш;

15) жамиятнинг ваколатхоналарини очиш ҳамда филиалларини ташкил этиш;

16) жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

17) Қонунда назарда тутилган ҳолларда мол-мулкни олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ йирик битимлар тузиш;

18) ушбу Қонун ва жамият уставига мувофиқ кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

Кўриниб турганидек, кенгаш жамият ҳаётининг кўпгина масалаларини ҳал этиш бўйича мутлақ ваколатларга эга. Бу ваколатлар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас. Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш масаласи кузатув кенгаши томонидан ҳал этиладиган масалаларнинг биринчилари қаторида турибди.

Қонуннинг 65-моддасида кўрсатилишича, жамият ижро органини ташкил этиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва бошқалар), унинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш масалалари кузатув кенгаши ваколатларига киритилиши мумкин. Ғарб мамлакатларида ваколатларни кузатув кенгашига юклаш амалиёти кузатув кенгаши таркибида ушбу масалаларни ҳал қилишга қодир бўлган мутахассислар ишлашлиги билан изоҳланади. Шу нуқтаи назардан, жамият кузатув кенгаши раиси ваколатлари қаторига жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро органи (директорлар), коллегиял ижро органи (бошқарув, дирекция) аъзолари, ташкилотнинг бошқарувчиси ёки бошқарувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи шартномани имзолаш ҳуқуқи киритилган.

Кўрсатиб ўтилган ваколатларни шартли равишда икки турга бўлиш мумкин. Биринчидан, бу – акциядорларнинг умумий йиғилишига ташкилий ёрдам бериш, иккинчидан эса акциядорлик жамиятини бевосита бошқариш билан боғлиқ бўлган ваколатлардан иборат. Шундан келиб чиқиб, акциядорларни чақириш санасини аниқлаш ёки кун тартибини тайёрлаш каби ваколатларни биринчи турга, устав фондини кўпайтириш ёки йирик битимлар тузиш каби ваколатларни эса иккинчи тур ваколатларига киритиш мумкин.

Кузатув кенгаши томонидан кўпгина масалалар, бусиз кузатув кенгаши ҳал этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, акциядорларнинг умумий йиғилишига таклиф киритиш орқали ҳал этилади. Бунга масалан, жамиятни қайта ташкил этиш, йиллик ҳисоботни тасдиқлаш, йиллик дивидендлар миқдорларини белгилаш каби ваколатлар киради.

Овоз берувчи акцияларга эга бўлган акциядорлар сони 30 нафардан кам бўлган акциядорлик жамиятларида кузатув кенгаши функ-

цияси акциядорларнинг умумий йиғилиши зиммасига юкланиши мумкин. Бунда қонун бундай шахслар тайинланиши мажбурий эмаслигини назарда тутди. Бунда ҳолда акциядорларнинг умумий мажлисини ўтказиш масаласини ҳал этиш ваколати юкланган шахс ёки орган жамият уставида назарда тутилган бўлиши керак. Қонунда кузатув кенгаши ваколатларини амалга ошириши мумкин бўлган шахсларни тайинлаш тартиби, шунингдек, улар фаолиятини тартибга солишнинг бошқа қоидалари назарда тутилмайди. Бу шунга ўхшаш масалалар жамият устави билан тартибга солинишидан далолат беради. Бундай ҳолда акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан кузатув кенгаши аъзолари вазифасини бажарган шахсларга нисбатан мукофот тўланиши ва (ёки) кузатув кенгаши аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда сарфланган харажатлар қопланиши мумкин. Бундай мукофотлар ва қопланадиган маблағлар миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари қонун ва жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланади. Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар бир неча марта қайта сайланиши мумкин. Қонунчиликда кузатув кенгаши таркибининг фаолият муддати белгиланмаганлиги учун бу муддат жамият уставида назарда тутилиши керак. Масалан, АҚШнинг кўпгина компанияларида кузатув кенгаши аъзоларининг ваколат муддати бир неча йилни ташкил этади, ҳар йили эса уларнинг маълум бир қисмигина қайта сайланади. "Директорлар кенгаши аъзоларининг ўзгарувчан ваколат муддати" ҳақидаги юқоридаги қоида жамият акцияларининг назорат пакетига эгалик қилишга қарши йўналтирилган ҳимоя чораси сифатида фойдаланилади, чунки узоқ муддат давомида директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) устидан назоратни амалга ошира олмайдиган инвесторда акцияларининг назорат пакетига эгалик қилишга бўлган хоҳиш пастроқ бўлади. Бу ўз навбатида акциядорлик жамиятининг бир инвестор кўлига ўтиб қолишига қарши йўналтирилган бўлиб, шу орқали кичик миқдордаги акция эгаларининг акциядорлик жамиятини бошқаришдаги ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Жамиятнинг коллегиял ва яккабошчилик асосидаги ижро органи аъзолари кузатув кенгашига сайланишлари мумкин эмас. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар устав ёки акциядорлар умумий йиғилиши билан тасдиқ-

ланган қарорда белгиланиши мумкин. Шундай қилиб, шахсларни ушбу органга сайлашдаги ягона чеклов бу уларнинг ижро органи, шунингдек тафтиш комиссияси аъзолари бўлмаслигидир ("Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 110-моддаси 7-қисми). Яъни ушбу шахслар четдан таклиф этилиш ёки акциядорлар таркибидан сайланиши мумкин.

Қонунда кузатув кенгаши аъзолари сифатида юридик шахсларнинг иштироки ҳақидаги қоидалар мавжуд эмас. Лекин, ҳуқуқий мантиққа кўра, агар юридик шахслар жамиятнинг инвесторлари сифатида ўз вакиллари орқали акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этадиган бўлса, у ҳолда уларнинг вакиллари кузатув кенгашига сайланиши мумкин деган тахминга келиш мумкин.

Жамиятнинг уставида муайян миқдордаги акцияларга, масалан, камида 10 фоиз овоз берувчи акцияларга эга бўлган акциядорлар директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) аъзолари бўлиши мумкинлигини назарда тутилган бўлиши мумкин. Бу 10 фоиз акцияга эга бўлган шахс 1 фоиз акция эгасига нисбатан кўпроқ таваккал қилишлигини билдиради, чунки, мулкдорнинг улуши қанча кўп бўлса, у акциядорлик жамиятининг фаровонлигидан шунча кўп манфаатдор бўлади.

Одатда, уставда бошқа акциядорлик жамиятларининг директорлар кенгаши (кузатув кенгашлари) ёки унинг коллегиял ижро органи таркибига кирувчи шахслар ёки бошқа шаклларда бошқа корхоналарнинг манфаатларини ифода этувчи шахслар учун чекловлар назарда тутилади.

Кузатув кенгаши (директорлар кенгаши) таркибига тафтиш комиссияси аъзолари кириши мумкин эмас ("Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 110-моддаси 7-қисми). Чунки ўз мажбуриятларини бажаришлари учун улар тўлиқ мустақил ва ҳолис бўлишлари лозим.

Кузатув кенгаши (директорлар кенгаши) таркибига нафақат акциядорлар, балки мазкур жамият ҳамкорлик қилаётган, акциядорлик жамияти сингари таваккалчилик қилишини назарда тутган ҳолда жамиятнинг фаолияти устидан ҳолис назоратни амалга ошира оладиган инвесторлар, банклар, корхоналарнинг вакиллари сингари компаниянинг ташқи инвесторлари ҳам сайланишига руҳсат этилади.

Баъзи Европа мамлакатлари қонунчилиги бўйича кузатув кенгашида корхонанинг бирор-бир органи аъзоси ҳисобланмаган корхона хизматчилари ҳам иштирок этиши мумкин. Бу орқали "саноат демократияси"нинг бир қисми ҳисобланган корхона хизматчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш амалга оширилади. Масалан, Германияда агар корхона ходимлари сони 500 нафардан ошса, кузатув кенгаши аъзоларининг учдан бир қисми улардан ташкил топиши ва ҳатто, акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг раиси лавозимига ушбу жамият ходимлари таркибидаги шахс сайланиши керак.

Ходимларнинг жамиятни бошқаришда иштирок этиши Швеция қонунчилигида ҳам назарда тутилади. Демак, агар корхона ходимлари сони 25 нафардан ортса, у ҳолда иш берувчи билан жамоа шартномасига эга бўлган савдо бирлашмаларининг маҳаллий бўлимлари касба уюшмалари кўмитасининг функциясига ўхшаш вазифаларни бажарган ҳолда ўзининг икки нафар вакилини директорлар кенгашига тайинлаш ҳуқуқига эга бўлади. агар корпорация ходимлари сони 1000 нафар ёки ундан ортиқ бўлганда, уларнинг вакиллари сони 3 нафаргача оширилади. Вакиллар кузатув кенгашига 4 йилдан ошмайдиган муайян муддатга тайинланадилар (ёки сайланадилар). Тўлиқ равишда ходимлар вакиллари функциясини бажариш ваколатига эга бўлган ходимлар вакилларининг ўринбосарлари ҳам тайинланиши мумкин. Ходимлар вакиллари кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан тенг ҳуқуқларга эга бўлади ва қарорлар қабул қилишда бошқа аъзолар билан тенг равишда иштирок этади. Корпорация ва савдо уюшмалари ўртасида низолар вужудга келишининг олдини олиш мақсадида улар жамоа шартномаларини тузиш, корпорация ҳақида жамоанинг фикрига таъсир этадиган диний, илмий ва бошқа ахборотни чоп этиш, сиёсий ва савдо уюшмалари билан бўладиган ўзаро муносабатлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдан четлаштирилишлари мумкин. Масалан, компания нашриётида ишловчи ходим ушбу нашриёт газетасини чоп этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда иштирок эта олмайди.

Россия Федерацияси қонунчилигида ҳам ходимларнинг (лекин фақат давлат корхоналари учун) иштирок этишлари назарда тутилган. Халқ корхонаси ходимларининг сони 100 нафардан ошганда ёки корхонада 2 фоиздан ортиқ акциядор бўлмаган ходимлар мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳолат кузатув кенгаши таркибига ушбу ходимлар вакил-

ларининг киришига асос бўлади ("Халқ корхоналари тўғрисида"ги РФ қонунининг 12-моддаси 7-банди).

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида акциядорлик жамияти хизматчиларининг кузатув кенгашида бундай иштирок этиши тўғридан-тўғри кўрсатилмайди. Лекин фақатгина коллегиял ва яккабошчилик асосидаги ижро органлари аъзолари кузатув кенгаши таркибига сайлана олмасликлари кўрсатилган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 83-моддаси 3-қисми маъносидан Ўзбекистонда ходимларнинг бундай иштироки қонун билан тақиқланмаган деган хулосага келиш мумкин. Лекин корхона ходимлари ўз манфаатларини энг мақбул даромад олиш борасидаги акциядорлар манфаатларига қарши тарзда ифода этиши мумкинлиги сабабли амалиётда акциядорлар ушбу компаниянинг ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимларни кузатув кенгаши таркибига сайламайдилар.

Устав фондидаги давлат улуши 25 фоиздан ошадиган жамиятларда давлатнинг ишончли вакили ўз лавозимида кўра акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши аъзоси ҳисобланади. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Комплекс таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан тайинланганлиги сабабли, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланиши (қайта сайланиши) мумкин эмас³⁵.

Жамият кузатув кенгаши таркибининг сони устав ёки акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Фақат оддий (одатдаги) ёки бошқа овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлари сони беш юздан ортиқ бўлган очик акциядорлик жамияти учун кузатув кенгашининг миқдор таркиби етти аъзодан кам бўлиши, оддий (одатдаги) ёки бошқа овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлари сони бир мингдан ортиқ бўлган жамият учун эса тўққиз аъзодан кам бўлиши мумкин эмас.

Акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни жамият кузатув кенгашининг битта номзодига тўлиқ беришга ёки бир нечта

³⁵ 2000 йил 5 июлда қабул қилинган "Давлат мулкни бошқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 257-сонли қарори, шунингдек 1998 йил 22 августда қабул қилинган "Давлат акция пакетларини ишончли бошқаришга бериш Тартиби тўғрисида"ги 361-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг 5-илоvasи.

номзод ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

Юқорида таъкидланганидек, кузатув кенгашига сайловларни кумулятив овоз бериш орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Бундай ҳолда битта овоз берувчи акцияга тўғри келадиган овозлар сони кузатув кенгаши аъзолари сонига тенг бўлади. Масалан, агар директорлар кенгаши таркибига 10 киши сайланаётган бўлса, бундай ҳолда ҳар бир акция 10 та овозга эга бўлади. Бунда акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича барча 10 та овозни бир номзодга тўлиқ беришга ёки бир нечта номзод ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Бу нисбатан кўп акциялар пакетига эга бўлган акциядорлар томондан киритилаётган номзодларнинг имкониятлари янада ошади. Кумулятив овоз беришда, бундай овоз беришнинг мантиғидан келиб чиққан ҳолда кузатув кенгашини қайта сайлаш фақат тўлиқ таркибдагина амалга оширилиши мумкин.

Кузатув кенгашининг ишини унинг раиси ташкиллаштиради. Агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, у кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади ёки қайта сайланади. Жамият уставида кузатув кенгаши раисини қайта сайлашга асос бўладиган ҳолатлар белгиланиши мумкин.

Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади. Қонуннинг 84-моддаси 3-қисмида назарда тутилган кузатув кенгашининг раиси мажбуриятларининг ушбу рўйхати қатъий бўлмасдан, жамият ташкилий ваколатлар доирасида ўз уставида уни кенгайтириши мумкин. Уставда раислик қилувчининг акциядорлар умумий йиғилишидаги функциялари масаласи бошқача ҳал этилиши ҳам мумкин.

Жамият кузатув кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифасини кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради. Қонун кузатув кенгашининг раиси ўринбосари лавозимини назарда тутмайди (лекин уни тақиқламайди ҳам). Амалиётда агар кузатув кенгаши таркиби 9 нафар аъзодан кўп бўлса, жамият уставида кузатув кенгаши раиси ўринбосари сайланиши мумкинлиги назарда тутилади.

Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг

раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан кузатув кенгашининг аъзоси, тафтиш комиссиясининг, жамият ижроия органининг, шунингдек жамият уставида белгилаб қўйилган бошқа шахсларнинг талабига биноан чақирилади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби уставда белгилаб қўйилади.

Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум жамият уставида белгилаб қўйилади, бироқ у кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлиб қолса, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг фавқулодда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг ана шундай фавқулодда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чақириш тўғрисидагина қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар кузатув кенгаши мажлисини чақириш ва ўтказиш тартибини белгилаб берувчи Қонун ёки жамият уставида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Жамият уставида кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлинган ҳолларда кузатув кенгашининг қарорини қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раисининг ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи назарда тутилиши мумкин.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисида мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузиладиган кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси юритилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган жой ва вақт;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда раислик қилган шахс томонидан имзоланади, у мажлиснинг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

Кузатувчи кенгаш аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кузатувчи кенгаш мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

Кузатувчи кенгаш қарорига кўра муайян даврда акциядорлик жамиятининг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида ахборот олиш;

Кузатувчи кенгашда ишлаганлик учун (агар тақдирлаш пули тўлаш жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши қарорида назарда тутилган бўлса), тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиш.

Кузатувчи кенгаш аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш
Кузатувчи кенгаш раиси томонидан Кузатувчи кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кузатувчи кенгашнинг ҳар бир аъзоси учун тақдирлаш пули миқдори фаолият самарадорлигига қараб Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

Кузатувчи кенгашнинг жамият битишув тузишидан манфаатдор бўлган аъзоси ўз манфаатдорлиги тўғрисида Кузатувчи кенгашга битишув тузилиши пайтигача маълум қилиши шарт, битишув тўғрисидаги қарор эса Кузатувчи кенгаш томонидан, қонунда назарда тутилган ҳолларда, тегишли равишда Кузатувчи кенгаш аъзолари ёки бундай манфаатдорлиги бўлмаган акциядорларнинг кўпчилик овози билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Кузатувчи кенгаш аъзолари, агар улар, уларнинг эр-хотинлари, ота-оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари, шунингдек уларнинг аффиляция қилинган барча шахслари:

- бундай битишувнинг томонлари ҳисоблансалар ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашсалар;

- битишувларнинг томони ҳисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахснинг йигирма ёки ундан кўп акциялари (улушлар, пайлари) фоизига эга бўлсалар:

- битишув томони ҳисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахснинг бошқарув органларида лавозимни эгаллаб турган бўлсалар, шахсий манфаатдорликка эга ҳисоб-

ланадилар³⁶.

Кузатувчи кенгаш аъзолари Кузатувчи кенгаш томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас. Улар акциядорлик жамияти имкониятлари (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, акциядорлик жамиятининг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Улар ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек акциядорлик жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

Жамият Кузатувчи кенгашининг аъзолари акциядорлик жамияти олдида қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ жавоб берадилар. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки жамиятга зарар етказувчи қарорга қарши овоз берган жамият Кузатувчи кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинади. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг умуман олганда камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида Кузатувчи кенгаш аъзосига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Шундай қилиб, акциядорлар ва бошқарувчилар ўртасида кузатув қандай амалга оширилиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг бир усули бу махсус тарзда шундай функцияларни амалга оширувчи кузатув кенгашига ўхшаш вакиллик органи тузиш ҳисобланади. Корпорациянинг инвесторлари (акциядорлари) бир вақтнинг ўзида бошқарувчилар фаолияти устидан кузатув ва назоратни амалга ошириш ҳамда шу орқали инвесторларнинг (акциядорларнинг) мулки ва манфаатларини ҳимоя қиладиган органга ўз вакиллариини сайлайдилар. Бундай шакл корпоратив бошқаришнинг амалдаги механизмларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ушбу тузилма доирасида хўжалик фаолиятни бошқариш функцияси ижро органига, кузатув функцияси эса корпорациянинг бирор-бир ижро органи аъзоси кирмайдиган мустақил кузатув кенгашига берилган.

³⁶ 2003 йил 19 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятининг Кузатувчи кенгаши тўғрисида"ги 189-сонли Намунавий Низом.

Вакиллик тўғри ва самарали ҳаракатлар ҳолатларида корпорация фаолиятида вужудга келадиган муаммоларни ижобий ҳал қила оладиган корпоратив бошқаришнинг шаклини ўз ичига олади. Лекин амалиётда жамиятни бошқариш механизмида бир қатор камчиликлар мавжуд. Биринчидан, ҳаракатланадиган хусусий манфаатлар билан (хусусан, ишни йўқотиб қўйиш хавфи остида) кузатув кенгаши аъзолари корпорация фаолиятини яхшилаш қарорларига қарши чиқишлари мумкин. Иккинчидан, вакиллик органининг бошқарувни назорат қилишнинг ягона қуролига айланиши, уни бошқарувнинг "гаров тариқасида ушланган шахси"га айлантириб қўйиши мумкин. Корпорацияни бошқариш устидан назорат қилиш функциясини рад этиш, вакиллик органи аъзоларига бошқарув манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳимоячилар сифатида чиқиш имкониятини яратади.

Кузатув кенгаши акциядорлар манфаатларини ҳар доим ҳам лозим даражада ифода этмайди ва ҳимоя қилмайди. Масалан, АҚШда айниқса кўпчилиги мустақил директорлар бўлган кенгашлар, бошқаришда тенглик бўлмаган баъзи ҳолларда директорларни алмаштирадилар, лекин кўпчилик ҳолларда, директорлар юзага келган ҳолатга жавоб бергунларига қадар иш бошқарувнинг батамом инқирози билан яқунланар эди. Шундай экан, кузатув кенгаши ва ижро органи фаолияти акциядорлар, инвесторлар ва кредиторлар томонидан доимий эътиборни талаб қилади.

4-§. Жамиятнинг ижро органи ва мансабдор шахслари

Кузатув кенгаши кўпинча бошқарувчиларни, яъни компаниянинг ижро органлари аъзоларини тайинлаш ваколатига эга бўлади. У шунингдек, ҳатто ходимлар нисбатан узоқ муддатга амал қилувчи шартномага бўлса-да, узрли ёки узрсиз сабабларга кўра компания бошқарувчиларини лавозимидан озод этиши мумкин. Албатта, бундай шартноманинг компания томонидан бекор қилиниши келгуси етказилган зарарларни ундириш бўйича жавобгарликка олиб келиши мумкин. Лекин кўп ҳолларда хоҳламаган бошқарувчисини ушлаб туришдан кўра, шартномани муддатидан олдин бекор қилиш ва тегишли компенсацияни тўлаш компания учун фойдали ҳисобланади.

Ғарбда президент ва вице-президент, хазиначи, муайян бўлим бошлиғи ва ҳоказолар, деб номланадиган компания мансабдор шахс-

лар одатда бошқарувчилар ҳисобланади. Лекин ҳуқуқий адабиётларда бошқарувчилар деганда кўпинча расмий тайинланган ижро органи аъзоси сингари қабул қилган қарорлари компания учун стратегик бошқарув аҳамиятига эга бўладиган нисбатан аҳамиятли шахслар доираси тушунилади.

Ижро органи жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарли қилади. Лекин Ғарбда, айниқса англо-американ ҳуқуқ тизимидаги мамлакатларда ижро органини бошқарув ёки "ижрочилар" (officers) деб аташ расм бўлган. Айнан мана шу орган корпорациянинг капиталини бевосита бошқаради ва айнан шунинг учун корпорациянинг гуллаб-яшнаши кўп маънода унинг ваколатлилиги ва виждонлилигига боғлиқ бўлади. Компанияни кундалик бошқариш жараёнида ижро органининг роли агентнинг роли билан деярли бир хил бўлади. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 86-моддаси 8-қисмидаги ушбу бобнинг биринчи параграфида кўриб чиқилган агентлик назариясининг моҳиятини акс эттирувчи ушбу органнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги шартнома тузилиши ҳақидаги кўрсатма ҳам бу ҳақда аниқ гувоҳлик беради.

Умумий қилиб айтганда, агент ёки вакил деганда бошқа шахс, яъни хўжайин номидан ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи шахс тушунилади. Гарчи унга етарли даражада эркин ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи берилса-да, лекин барибир у хўжайин назорати остида бўлади (бу ҳолатда хўжайин деганда юридик шахс сифатидаги корпорация назарда тутилмоқда, лекин амалда агент кузатув кенгашининг бевосита назорати остида бўлади). Ушбу тунча албатта шартли бўлса-да, ҳуқуқшуносларга корпорациянинг бошқа шахслар билан бўладиган муносабатлари моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида акциядорлик жамиятларида фаолият юритиши мумкин бўлган икки турдаги ижро органлари назарда тутилади:

- 1) яккабошчилик асосидаги ижро органи (директор);
- 2) жамиятнинг коллегиял асосдаги ижро органи (бошқарув, дирекция).

Бунда жамият уставида бир пайтнинг ўзида ҳам яккабошчилик асосидаги, ҳам коллегиял ижроия органлари бўлиши назарда тутили-

ши мумкин, лекин бундай ҳолда жамият уставида улардан ҳар бирининг ваколатлари белгилаб қўйилиши керак.

Бундай ҳолларда жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) вазифасини бажарувчи шахс коллегиял ижроия органи (бошқарув, дирекция) раиси вазифасини ҳам амалга оширади ("Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 86-моддаси).

Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан жамият ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (бошқарувчи ташкилотга) ёки якка тартибдаги тадбиркорга (бошқарувчига) берилиши мумкин. Ҳозирги кунда ижро органини ташкил этиш инвестиция фондлари учун назарда тутилган. Тузиладиган шартноманинг шартлари, башарти уставда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

Бошқарувчи ва бошқарув ташкилотига нисбатан яккабошчилик ва коллегиял асосдаги ижро органи ҳуқуқ ва мажбуриятларига тегишли қоидалар қўлланилади. Қолаверса, акциядорлик жамиятларини бошқарувчи (бошқарув ташкилоти) орқали бошқариш амалиёти кенг татбиқ этилмайди.

Акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг ҳал этилиши акциядорлар умумий йиғилиши (қонуннинг 65-м) ва кузатув кенгашининг (қонуннинг 82-моддаси) мутлақ ваколатлари доирасига киритилган қарорларидан ташқари қарорларини ижро этишни ташкил этиши нобатга олган ҳолда, жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш билан боғлиқ барча масалалар жамиятнинг ижро органи ваколатига киради.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро органи одатда корхонанинг бошлиғига тегишли бўладиган ваколатларга эга бўлади. У жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифода этади, жамият номидан битимлар тузади, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради. Коллегиял ижро органи мавжуд бўлган ҳолларда у ушбу органнинг мажлисларини бошқаради ва мажлис баённомаларини имзолайди.

Жамият ижроия органларини ташкил этиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғили-

шининг қарорига биноан амалга оширилади. Агар жамият уставида ушбу масалаларни ҳал этиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киритилмаган бўлса, ижро органи таркибининг сонини акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланган маъмурий-хўжалик харажатлари сметалари асосида аниқлаш жамият кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади. Акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи раҳбари ва унинг шахсий таркиби, агар жамият уставида ушбу масалаларни ҳал этиш жамият Кузатувчи кенгаши ваколатига тегишли деб топилмаган бўлса, жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан сайланади (тайинланади, ёлланади ва ҳоказо). Жамият уставига мувофиқ ёки тегишли равишда Акциядорлар умумий йиғилиши ёки жамият Кузатувчи кенгашининг қарорига кўра якка бошчилик қилувчи ижро этувчи орган, коллегиял ижро этувчи орган раҳбари танлов асосида тайинланиши мумкин.

Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатувчи кенгаш томонидан шахсий тартибда амалга оширилади. Ижро этувчи орган аъзолигига номзод жамиятга ўзи жиноий жавобгарликка тортилганлиги фактлари тўғрисида маълум қилиши шарт. Ижро этувчи орган аъзолигига номзодлар кўриб чиқилганда ва тасдиқланганда қарор оддий кўпчилик овоз билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки Кузатувчи кенгаш томонидан қабул қилинади.

Ижро этувчи орган таркибига у ёки бу номзодни тавсия этар экан Кузатувчи кенгаш раиси контракт тузиш шартлари, бошқарув фаолияти учун мукофотлаш миқдори ва номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиқланган контракт тузишга номзоднинг розилиги тўғрисида ахборот беради.

Яккабошчилик асосидаги ижро органи (директорлар), коллегиял ижро этувчи орган (бошқарув дирекция) аъзолари, корхона бошқаруви ёки бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан, шунингдек, жамият билан уларнинг ҳар бири ўртасида тузиладиган шартнома асосида белгиланади. Яккабошчилик асосидаги ижро органи ҳамда коллегиял ижро органининг раҳбари ва ҳар бир аъзоси билан тузиладиган тегишли мансаб бўйича мажбуриятларни бажариш

шартномаси ижро органи таркибига таклиф этилган номзодлар жамиятнинг акциядорлари умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши томонидан тасдиқлангандан кейин тузилади. Ўзининг ҳуқуқий табиати га кўра бу меҳнат шартномаси ҳисобланади; кўрсатилган мансабдор шахслар билан жамият ўртасидаги муносабатлар меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади. Лекин меҳнат қонунчилиги бу муносабатларга қисман, яъни Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунга зид бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Ҳар ким маъмурият розилигини олмасдан ўриндошлик асосида ишлаш ҳуқуқига эга деган умумий қоидага қарамасдан, жамият коллегиял ижро органининг директори, бош директори ва аъзолари фақат кузатув кенгашининг розилиги билангина бошқа ташкилотлар бошқарув органларида ишлашлари мумкин. Улар билан тузилган шартнома акциядорлар умумий йиғилишининг, агар жамият уставида назарда тутилган бўлса, кузатув кенгашининг қарорига кўра ҳам хоҳлаган вақтда бекор қилиниши мумкин.

Яккабошчилик асосидаги ижро органи ҳамда коллегиял ижро органининг раҳбари билан тузиладиган шартнома бир йил муддатга тузилиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Жамият номидан шартномани кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам кузатув кенгаши ижро органи тўғрисидаги низомни тасдиқлайди ва акциядорларнинг умумий йиғилиши мутлақ ваколатига киритилган масалалардан ташқари, жамият фаолияти устидан умумий раҳбарликни амалга ошириш орқали унинг фаолиятини назорат қилади.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директори) билан коллегиял ижроия органи (бошқарувчи, дирекцияси) раҳбари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузиладиган шартномада уларнинг акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши олдида жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан берадиган ҳисоботлари даврийлиги назарда тутилиши лозим.

Кузатув кенгаши жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан коллегиял ижроия органининг аъзолари, шунингдек бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартномани,

агар шартнома тузишда улар жамият уставини қўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга. Бу ҳақдаги қарор жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки агар уставда назарда тутилган бўлса, кузатув кенгаши томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Жамият уставида шартномани бекор қилишнинг намунавий асослари рўйхати келтирилиши мумкин.

Жамият ва яккабошчилик асосидаги ижро органи (директор) ўртасидаги муносабатлар қонунчилик билан тартибга солинади. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) вазифасини ҳамда бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозимларни ўриндошлик йўли билан бир шахснинг эгаллашига кузатув кенгаши розилиги билангина йўл қўйилади.

Жамиятнинг коллегиял ижро органи ушбу жамиятнинг устави асосида ҳаракат қилади. Ижро этувчи органнинг сон таркиби бошқарув вазифалари бир ходим томонидан имкони борича кўп бажарилиши, бошқарув аппаратини қисқартириш, ишлаб чиқаришни бошқаришда бир-бирини такрорловчи бўғинларнинг тугатилиши ва у билан боғлиқ бошқарув харажатларининг қисқариши принципларидан келиб чиқиб белгиланади. Акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органига:

- ижро этувчи орган раҳбари ўринбосари, бош ҳисобчи, бош муҳандис ва бошқа бош мутахассислар;

- асосий ишлаб чиқариш бўлинмаларнинг раҳбарлари бўлган бошқарувчилар;

- акциядорлик жамияти фаолиятининг муҳим йўналишларини таъминловчи бошқа мутахассислар кириши мумкин.

Ижро этувчи орган аъзолари лавозим йўриқномаси томонидан белгилаб берилган ваколатлар, улар билан тузилган меҳнат контракти шартлари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, жамият Кузатувчи кенгашининг, ижро этувчи органнинг қарорлари ва ижро этувчи орган раҳбарининг кўрсатмалари доирасида иш тутади.

Якка бошчилик қилувчи ижро этувчи органни, жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи раҳбари ва аъзоларини моддий рағбатлантириш жамият фаолияти самарадорлигига қараб амалга оширилади.

Ижро этувчи орган раҳбари Умумий йиғилиш ёки Кузатувчи кен-

гашнинг ваколатига киритилган масалалардан ташқари акциядорлик жамияти фаолиятининг барча масалаларини мустақил равишда ҳал қилади. Бунда у:

– акциядорлик жамияти номидан ишончномасиз иш юритиш, бошқа ташкилотлар ва органлар билан бўлган ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш;

– акциядорлик жамиятининг Устави ёки бошқа ҳужжатлари билан олдиндан келишган доираларда унинг мол-мулки ва пул-маблағларини тасарруф қилиш;

– шартномалар ва контрактлар, шу жумладан меҳнат шартнома (контракт)лари тузиш;

– ишончномалар бериш;

– банкларда ҳисоб-китоб счётлари ва бошқа счётлар очиш;

– ўзига бўйсунувчи барча ходимлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар ва кўрсатмалар бериш;

– ходимлар штатини тасдиқлаш, уни бутлаш ҳуқуқига эгадир.

Ижро этувчи орган раҳбарининг вазифалари:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатувчи кенгашнинг мутлақ ваколатига киритилган масалалардан ташқари;

- Акциядорлар умумий йиғилиши ва жамият Кузатувчи кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- ишлаб чиқариш бирликлари, цехлар ва жамиятнинг бошқа таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

- жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

- ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолатини таъминлаш, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилиши,

шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчи-ларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилиши. Ижро этувчи органнинг раҳбари йилнинг ҳар чорагида йиллик бизнес-режа бажарилишининг бориши тўғрисида Кузатувчи кенгашга ҳисобот беради;

- жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг Кузатувчи кенгаши, тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талабига кўра тўсиқларсиз тақдим этилиши;

- давлат статистика ҳисоботи тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

- жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларнинг сақланиши, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса, жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Кузатувчи кенгаш томонидан белгиланади;

- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлаш;

- жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи мажлислари ўтказилишини ташкил этиш, жамият номидан ҳужжатларни ва ижро этувчи орган мажлиси баёнларини имзолаш;

- жамиятни ихтисослашган ходимлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;

- меҳнат ва технология интизомига риоя қилиниши;

- ижтимоий қафолатларга риоя қилинишини таъминлаш ва жамият ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш;

- жамоа музокараларида ижро этувчи орган вакилларининг иштирокини таъминлаш. Жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида қатнашиш. Жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;

- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни Акциядорларнинг умумий йиғилишига ва жамиятнинг Кузатувчи кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ахборотлар улар томонидан олинishi, Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

- ички ҳужжатларга, амалдаги қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш.

Жамиятнинг коллегиял ижро органи мажлисини ўтказишни жамият номидан барча ҳужжатларни ва коллегиял ижро органи мажлиси баённомасини имзолайдиган, коллегиял ижро органи мажлиси томонидан ўз ваколатлари доирасида чиқарилган қарорларига асосан жамият номидан ишончномасиз ҳаракат қилувчи яккабошчилик асосидаги ижро органини амалга оширувчи шахс ташкиллаштиради. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади. Ижро этувчи орган томонидан Кузатувчи кенгаш ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда акциядорлик жамиятининг ижро этувчи органи мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг фикри ҳақида Кузатувчи кенгашда ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида ижро этувчи орган раҳбари ёки у томонидан ваколат берилган ижро этувчи орган аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг мажлисини ижро этувчи орган раҳбари ёхуд кўриб чиқиладиган масалалар тегишлилиги бўйича унинг ўринбосарларидан бири олиб боради. Ижро этувчи органи мажлисларида баённомалар юритилади. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи котиби акциядорлик жамияти ижро этувчи органи мажлислари баёнлари юритилишини ташкил этади. Ижро этувчи орган мажлислари баённомаларидан кўчирмалар:

- мажбурий тартибда Кузатувчи кенгаш раҳбарига ва тафтиш комиссияси раҳбарига;

- бошқа мансабдор шахслар ва аудиторларнинг талабига кўра фақат ижро этувчи орган раҳбарининг рухсати бўйича;

- амалдаги қонун ҳужжатлари томонидан назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларга ва органларга (шу жумладан давлат органларига) берилади.

Агар ижро этувчи орган аъзоси акциядорлик жамияти томонларидан бири ҳисобланган битишувдан молиявий манфаатдор бўлган тақдирда, у қарор қабул қилингунча ўзининг манфаатдорлиги тўғрисида хабар беришга мажбур ва овозга қўйилганда қатнашмайди.

Ижро этувчи орган аъзолари уларга хизмат мавқеи билан берилган ҳуқуқлардан ўзлари меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва

жисмоний шахсларнинг мақсадлари манфаатлари йўлида фойдаланмасликлари керак. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи аъзолари акциядорлик жамияти мол-мулкани тасарруф қилишдан шахсий фойда кўриш бўйича ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги керак. Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг аъзолари аъзолик даврида фаолияти акциядорлик жамияти маҳсулотларини сотиш ёки хизматлар такдим этишда қийинчилик туғдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмаслар. Ижро этувчи орган аъзоси акциядорлик жамиятида лавозимга тайинланганда худди шундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўхтатиш тўғрисида акциядорлик жамияти Кузатувчи кенгашини хабардор қилмоғи лозим.

Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи аъзолари ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида жамиятига етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва жамият Уставига мувофиқ акциядорлик жамиятига етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмида акциядорлик жамияти олдида жавоб берадилар. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки жамиятга зарар етказишга олиб келган қарорга қарши овоз берган ижро этувчи орган аъзолари жавоб бермайдилар. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида ижро этувчи орган аъзоларига ёки акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг айрим аъзоларига нисбатан даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

5-§. Тафтиш комиссияси ва аудит

Тафтиш комиссияси – акциядорлик жамиятидаги умумий йиғилиш, кузатув кенгаши, ижро органи каби бошқа органлари билан бир қаторда ташкил этиладиган мустақил бошқарув органи ҳисобланади. Бошқа органлардан мустақил ҳаракат қилган ҳолда тафтиш комиссияси қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, жамиятнинг ички (локал) ҳужжатлари талабларига кўра улар билан ўзаро алоқаларни ўрнатади. Уни фақат шартли равишдагина бошқарув органи деб аташ мумкин, чунки, у на ташкилий, на ижро-фармойиш фаолиятини бевожуб бажаради. Жамиятнинг хўжалик-молия фаолияти устидан назорат

қилиш, шунингдек акциядорларнинг навбатдан ташқари мажлиси чақирилишини талаб қилиш кабилар унинг ваколатига киради. Тафтиш комиссияси жамиятнинг хўжалик-молия фаолияти устидан назорат қилиш мақсадида ташкил этилар экан, унинг зиммасига бошқа функцияларни юклаш мумкин эмас. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас. Жамият кузатув кенгашининг аъзоларига ёки бошқарув органларидаги мансабдор шахсларга қарашли акциялар жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш чоғида овоз беришда иштирок этиши мумкин эмас.

Қонун тафтиш комиссиясига акциядорларнинг умумий мажлисини чақириш ваколатини беради. Тафтиш комиссиясининг функцияларидан келиб чиққан ҳолда шуни тушуниш мумкинки, тафтиш комиссия ўз фаолияти давомида учратган акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш мақсадида акциядорларнинг умумий мажлисини чақириши мумкин. Акциядорлар умумий мажлиси билан бундай бевосита алоқа тафтиш комиссиясига ўз фаолиятида мустақиллик ва фақат акциядорлар умумий йиғилишига ҳисобот беришни таъминлайди.

Шундай қилиб, тафтиш комиссияси ваколати АЖ тўғрисидаги қонун ва жамиятнинг устави билан белгиланади. Жамиятнинг тафтиш комиссияси фаолияти тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низом билан белгиланади. Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомни тайёрлаш вақтида қуйидагиларни инобатга олиш лозим: низомда тафтиш комиссиясининг ваколати эмас, балки ҳужжатларни расмийлаштириш ва юритишнинг тартиби ва унинг фаолияти (мажлисларни чақириш, ўтказиш, ҳужжатларни юритиш ва расмийлаштириш, материалларни олиш ва бошқалар) кўрсатилиши мумкин ва шарт; тафтиш комиссиясининг ваколатлари билан боғлиқ қонунда тартибга солинмаган масалалар акциядорлик жамияти уставида белгиланади. Хусусан, бу қуйидагиларга тааллуқли:

- тафтиш комиссиясининг таркиби;
- тафтиш комиссияси таркибига муайян шахсларни (масалан, директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) аъзолари ва жамиятнинг ижро органи мансабдор шахсларини) сайлашда чекловларнинг қўйилиши;
- тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколат муддати;

- унинг аъзоларини сайлашда овоз бериш тартиби;
- тафтиш комиссияси томонидан ўзининг навбатдан ташқари акциядорлар умумий мажлисини чақириш борасидаги ҳуқуқини амалга ошириш ва ўз ташаббусига кўра тафтиш ўтказиш шартлари;
- тафтиш комиссияси ва унинг алоҳида аъзоларининг ваколатини муддатидан олдин бекор қилиш шартлари ва тартиби.

Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомда куйидагилар белгиланади:

- тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тартиби;
- тафтиш комиссияси томонидан текширишлар ўтказиш тартиби, унинг жамиятнинг бошқа органлари билан текшириш учун керакли ҳужжатлар ва тушунтиришларни тақдим этиш билан боғлиқ ўзаро муносабатлари;
- текшириш далолатномаларини тасдиқлаш ва уларни бошқарув органларига тақдим этиш тартиби;

- тафтиш комиссиясининг аудитор билан ўзаро муносабати;

Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари доирасига киради, яъни бу масалани ҳал этиш жамиятнинг кузатув кенгаши ёки ижро органи ваколатига берилиши мумкин эмас. Бундай қарор мажлисда иштирок этаётган, овоз берувчи акцияларга эга бўлган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунинг устига жамиятнинг директорлар кенгаши (кузатув кенгаши) аъзолари ёки бошқарув органлари мансабдор шахсларига тегишли бўлган акциялар тафтиш комиссияси аъзоларини (жа-миятнинг тафтишчисини) сайлашда иштирок этиши мумкин эмас.

Акциядорларнинг сони кам бўлган ёки кам ҳажмдаги молия-хўжалик ҳужжатлари мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларида одатда тафтиш комиссияси тузиш учун зарурат бўлмайди. Бундай ҳолларда жамиятнинг тафтишчиси сайланади ва унинг ҳуқуқий мақоми тафтиш комиссияси ҳуқуқий мақомига тенг бўлади.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ташаббусига биноан, акциядорлар умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг қарорига ёки жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида ўн фоизига эгаллик қи-

лувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан амалга оширилади. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамиятнинг бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссисига тақдим этишлари шарт.

Аудит деганда профессионал шахс (аудитор ёки аудиторлик ташкилоти) томонидан амалга ошириладиган бухгалтерлик ҳисоботи, тўлов-ҳисоб ҳужжатлари, молиявий ҳисоботлар, солиқ Декларациялари, корхона, ташкилот, шунингдек юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларнинг мажбуриятлари ва талабларини мустақил, бўйсунувсиз текшириш тушунилади. АЖ тўғрисидаги қонунда кўрсатилишича, аудитор (фуқаро ёки аудиторлик ташкилоти) жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади. Аудиторлик текширувини ўтказишдан мақсад санаб ўтилган корхона, ташкилот ва фуқароларнинг тижорат фаолиятидаги бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботларнинг ҳақиқатга тўғрилиги, шунингдек, улар томонидан амалга оширилган молия-хўжалик фаолиятларининг амалдаги қонунчиликка мослигини аниқлаш бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга аудиторлар манфаатдор шахсларга комплекс тарздаги қуйидаги хизматларни ҳам кўрсатишлари мумкин: бухгалтерлик (молиявий) ҳисобини юритиш ва ҳисоботни тузиш; молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш; молия, солиқ, банк ва бошқа қонунчиликлар соҳасида маслаҳат бериш ва ҳоказолар. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кузатув кенгашининг таклифига биноан жамиятнинг аудиторини тасдиқлайди. Унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра тафтиш комиссияси (ёки аудитор) хулоса тайёрлайди, бу хулосада:

ҳисоботларда ва жамиятнинг бошқа молия ҳужжатларида акс этирилган маълумотлар қай даражада тўғрилигига баҳо берилади;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тақдим этиш тартиби, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида ахборот берилади.

Бухгалтерлик ҳисоботи тўғрисидаги аудитор хулосасида аудитор

(аудиторлик ташкилоти) ушбу ҳисоботнинг ҳақиқатга яқинлигини борасидаги бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солувчи қонунчилик талабларига асосан билдирилган фикри баён этилади. Шу билан аудитор хулосаси нисбатан кенг доирадаги масалалар, масалан, муайян хўжалик операцияларининг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги каби масалаларни қамраб олувчи тафтиш комиссияси хулосасидан фарқ қилади.

Ўтказилган текширишлар натижасида аудиторлик фирмаси (аудитор) ҳисоботларнинг тўғрилиги ҳақидаги ўзининг фикрини қуйидаги тўрт шаклларнинг бири орқали ифода этади: мутлақо ижобий, шартли ижобий, салбий ёки аудиторлик хулосасини беришни рад этиш. Жамиятнинг хоҳиши билан аудит текшируви ўтказилаётган вақтда унинг илтимосига кўра тузилган шартнома шартларига мувофиқ жамиятнинг ҳисоботи ва бошқа молиявий ҳужжатларида мавжуд бўлган молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган нисбатан кенг доирадаги саволлар ҳам қўйилиши мумкин.

Аудиторлик текширувининг натижалари жамият учун ҳуқуқий мажбурий оқибатлар касб этиши мумкин. Агар аудиторлик текшируви натижаларига кўра иккинчи ва ҳар бир кейинги йил якунида жамиятнинг соф активлари қиймати унинг устав капитали ёки энг кам устав капитали миқдоридан кам чиқса, у ҳолда жамият устав капиталини ўзининг соф активлари қийматидан ошмайдиган даражада камайтириш ёки ўзининг бекор бўлиши тўғрисида қарор чиқаришга мажбур бўлади.

Назорат учун саволлар

1. Корпоратив бошқарувнинг тамойиллари ва умумий қоидалари қандай?
2. Корпоратив бошқарув органлари тизимини тавсифланг.
3. АЖ умумий йиғилиши мақоми ва уни ўтказишни тартибга солувчи асосий меъёрлар қайси?
4. АЖ умумий йиғилишида акциядорларнинг ҳуқуқлари қандай?
5. Кузатув кенгашининг функциялари ва фаолият юритиш тартиби қандай?
6. Кимлар АЖнинг мансабдор шахслари ҳисобланади?
7. АЖнинг ижро органи мақоми ва фаолиятини тавсифланг.
8. Тафтиш комиссиясининг мақоми ва функциялари қандай?
9. АЖнинг аудити нима ва унинг тафтиш комиссиясидан фарқи

нимада?

IX БОБ

АКЦИЯДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

1-§. Акциядорлар ҳуқуқларининг таснифи, уларнинг қонунчиликда тартибга солиниши ва таъминлаш усуллари

Акциядорларнинг комплекс ҳуқуқларини аниқлаш, уларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш ва барча инвесторларнинг, шу жумладан, корпоратив институтлар ва акциядорлик жамиятларининг иштирокчилари, юридик ва жисмоний шахс бўлган йирик ва кичик акция эгаларининг қонуний манфаатларини максимал даражада ҳимоя қилиш корпоратив ҳуқуқнинг муҳим муаммо ва долзарб вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Акциядорнинг нисбатан муҳим ҳуқуқларидан бири бу компаниянинг муҳим масалалари, масалан, уни тугатиш ёки қайта ташкил этиш, шунингдек вакиллик органини (кузатув кенгаши ёки директорлар кенгаши) сайлаш бўйича овоз бериш ҳуқуқидир.

Овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш бир қатор ҳолатлар туфайли қийинлашиши мумкин. Кўпгина мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам акциядорлар почта орқали овоз бера олмайдилар ва овоз бериш учун акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этишлари керак бўлади. Бу талаб эса кўпинча кичик акциядорларни ўзларининг овоз бериш ҳуқуқларидан фойдаланмасликларига олиб келади. Ривожланган мамлакатларда овоз бериш жараёнини таъминлаш мажбурияти судларга юкланиши мумкин, лекин бу ҳолатда ҳам бошқарувчилар акциядорларга таъсир кўрсатиш, ўзларига нисбатан қулай шароит таъминлаш мақсадида рақиблардан ахборотни яшириш каби йўллар билан овоз бериш жараёнига халақит берадилар. Ҳуқуқ тизими суст бўлган мамлакатларда акциядорларнинг овоз бериш ҳуқуқи янада яққол тарзда бузилади. Масалан, Россияда бошқарувчилар овоз бериш жараёнига ўзларига "душман" акциядорларни қўймаслик мақсадида уларга акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида ахборот бермаган. Лекин шу билан бир вақтда Россия ва бошқа кўпгина мамлакатларда судлар акциядорларни акциядорлар реестридан уларни ўчириб ташлашдан ҳимоя қилишни таъминлайди.

Махсус вакиллик ўрнини ташкил этиш акциядорлар ҳуқуқларини, шу жумладан уларнинг овоз бериш ҳуқуқларини амалга оширишнинг

муҳим шарти бўлиб ҳисобланади. Акциядорларнинг мулк ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, бошқарувчилар фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи бу органга корпорациялар ўз вакилларини сайлайдилар.

Вакиллик корпоратив бошқаришнинг тўғри шакли бўлиб, самарали ҳаракат вақтида корпорация фаолияти жараёнида юзага келадиган масалаларни ҳал этиши мумкин.

Кўпгина мамлакатларда акциядорларнинг овоз бериш ҳуқуқи соддиқлик ва компаниянинг манфаатлари учун ҳаракат қилиш каби мажбуриятлар билан тўлдирилган³⁷. Бошқача қилиб айтганда, бошқарувчилар компаниянинг манфаатларига хизмат қилиши керак.

Агар назорат қилиш ҳуқуқи сезиларли даражада катта миқдордаги акцияларга эга бўлган бир неча акциядорлар қўлида тўпланиб қолса (эгалликнинг бирлашиши), назорат қилиш ҳуқуқи (овоз бериш ҳуқуқи) бир неча акциядорлар ўртасида бўлинган ҳолдан кўра ўз ҳуқуқларини амалга ошириш улар учун осон бўлади. Шундай қилиб эгалликнинг бирлашиши уларнинг ҳимоясини кучайтиради. Бу компанияда бир ёки бир неча акциядорлар етарли, масалан, 10 фоиздан 20 фоизгача улушларга эга деган маънони билдиради. Бундай акцияларнинг эгалари доимий равишда компания ҳақида ахборот олиш ва бошқарув шахсий таркибини кузатиш имкониятига эга бўладилар. Улар, шунингдек бошқарувчиларга таъсир кўрсатиш учун ишончнома олиш ёки бир бирига сингиб кетиш орқали етарли овозга ҳам эга бўлишади³⁸. Алоҳида ҳолларда йирик акциядорлар 51 фоиз ёки ундан кўп акцияларга эга бўлган ҳолда компания устидан тўғридан-тўғри назоратни амалга оширади. Шу билан йирик акциядорлар агентлик муаммосини муваффақиятли ҳал этадилар, чунки уларнинг манфаатларига риоя этилиши учун улар компания устидан етарли даражадаги назоратга эга бўлади.

АҚШда эгалликни бирлаштириш ва банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа институтларни назорат қилиш қонунчиликда чекланганлиги сабабли акцияларнинг йирик миқдорлари, айниқса, назорат пакетига

³⁷ Kaplan L. Top Executive Rewards and Firm Performance: A Comparison of Japan and the United States. прим.: 13.

³⁸ Shleifer F., Vishny R. Large Shareholders and Corporate Control // 94 Journal of Political Economy., 1995. P. 461-488.

эгаллик қилиш жуда кам учрайдиган ҳолат бўлиб ҳисобланади³⁹. Буюк Британияда эса худди шундай ҳолат қонунчиликдаги чекловларсиз кузатилади⁴⁰.

Қолган мамлакатларда акцияларнинг йирик миқдорларига эгаллик қилиш оддий ҳол бўлиб ҳисобланади. Масалан, Германияда тижорат банклари ишончнома орқали тузиладиган битимлар ёрдамида кўп ҳолларда асосий компаниялардаги 25 фоиз овозни назорат қиладилар, шунингдек тўғридан-тўғри акциядорлар ёки кредиторлар сифатида сезиларли даражада йирик миқдордаги акцияларга эгаллик қилади⁴¹. Унча катта бўлмаган немис компанияларида оилавий назорат ёки акцияларга пирамида усулида эгаллик қилиш орқали акция эгаларининг акцияларнинг 51 фоизини назорат қилиши меъёрий ҳол бўлиб ҳисобланади. Пирамидлар унинг охирида турга акция эгасига нисбатан кам ҳажмдаги капиталга эга бўлган активларни назорат қилиш имконини беради. Акцияларга бирлашиб эгаллик қилиш унча ривожланмаган Японияда ҳам худди Германиядагидек йирик кесишув эгалликлари, шунингдек, компания акцияларига банкларнинг эгаллик қилиши меъёрий ҳол ҳисобланади⁴². Бошқа мамлакатларда ҳам шунга ўхшаш ҳодисалар кузатилади⁴³. Шундай қилиб, А.Шлейфернинг фикрича, "акцияларга бирлашиб эгаллик қилиш ва назоратдаги эгалликка ҳукмронлик бутун дунёда ҳам меъёрий ҳол бўлса ажаб эмас... ва тадқиқотлар йирик акциядорларнинг корпоратив бошқарувда сезиларли ўрин эгаллашини кўрсатади"⁴⁴.

Йирик акциядорлар ўзларининг овоз бериш ҳуқуқларини амалга ошириш орқали бошқаришлари сабабли уларнинг кучи кўп жиҳатдан

³⁹ Бундай чеклашлар банклар, суғурта компаниялари ва бошқа алоҳида институтларнинг акциядорлик жамияти капиталида иштирок этишини тақиқловчи 1933 Glass-Stragal Act нинг қабул қилиниши натижасида киритилди. Қаранг: Scott H., Wellons P.: International Finance. Cambridge, Harvard University Press, 1998. P. 135; Mark R. Strong Managers, Weak Owners: The Political Roots of American Corporate Finance. Princeton, NJ, University Press., 1994. P. 215.

⁴⁰ Black B., Coffee Jr. J. Nail Britania?: Institutional Investor Behaviour under Limited Regulation // 92 Michigan Law Review. 1994. P. 1997–2087.

⁴¹ Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилоти (ИХРТ). ИХРТ мамлакатларида корпоратив бошқарув 1999.

⁴² Ўша жойда.

⁴³ Shleifer A. Surevy of Corporate Governance. См. прим.

⁴⁴ Ўша жойда.

улар овозининг ҳуқуқий ҳимояланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Йирик акцияларга эгалик қилиш компанияда қарорларга овоз беришнинг ҳақиқий механизми мавжуд бўлган ҳолларда ишлайди. Миноритар (кичик миқдордаги) акциядорлар билан боғлиқ ҳолат бундан муаммолироқдир, чунки назоратни таъминлаш учун улар бошқа акциядорларга бирлашишларига тўғри келади. Бунинг устига бошқарувчиларнинг улар ишларига аралашуш эҳтимоллиги жуда юқори бўлиб, судларда миноритар акциядорларни ҳимоя қилиш янада қийин кечади. Шунинг учун унча катта бўлмаган миқдордаги акцияларга эгалик қилиш корпоратив ҳуқуқнинг барча мураккаблиklarини инобатга оладиган ривожланган ҳуқуқий тизим мавжуд бўлган ҳолдагина самарали бўлиши мумкин.

Йирик акцияларга эгалик қилиш нисбатан кам учрайдиган ҳолат ҳисобланадиган Буюк Британия ва АҚШда эгаликнинг бирлашиши механизми бир неча кичик акциядорларнинг акцияларини сотиб олиш орқали компания устидан назоратни қўлга оладиган ва шу йўл билан бошқарувчиларни алмаштириш ёки назорат қилишга эришадиган сингиб кетиш шаклида намоён бўлган. Шундай қилиб, сингиб кетишга эгаликка бирлашишнинг тезда амалга ошадиган ва тегишли тарзда корпоратив бошқарувнинг амалдаги механизми сифатида қараш мумкин⁴⁵.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, сингиб кетиш одатда даромад ошиши кераклигини тасдиқланган ҳолда сотиб олувчи компаниянинг ҳам, сотувчи компаниянинг ҳам умумий қийматини оширади. Бундан ташқари, сингиб кетиш объектлари одатда хўжалик фаолиятини етарли даражада самарали юритмайдиган компаниялар ҳисобланиб, самарали сингиб кетиш натижасида уларнинг бошқарувчилари алмаштирилади. Шунинг учун АҚШда сингиб кетишга бошқарувчилар фаолияти устидан назорат таъминланган самарали корпоратив бошқарув механизми сифатида қаралади⁴⁶.

Банклар каби йирик кредиторлар ҳам фаол инвесторлар ҳисобланади. Йирик акциядорлар сингари улар ҳам компанияда катта мулкка эга бўлишади ва компания ўз мажбуриятларини бажармаган ёки уларни бузган ҳолларда унинг устидан назорат қилиш имкониятига эга бў-

⁴⁵ Sharfstein D. The Disciplinary Role of Takeovers // 55 Journal of Economic Studies. 6. P. 567–582. 1988.

⁴⁶ Easterbrook F., Fischel D. The Economic Structure of Corporate Law. прим. 24.

лади, бундан ташқари банклар одатда қисқа муддатли қарзлар берганликлари сабабли компаниялар уларга деярли мунтазам равишда мурожаат этиб туради. Натижада бир қатор назорат механизмларини қўлган киритган ҳолда йирик кредиторлар ўз қўйилмалари орқали компаниянинг муҳим ишларини ҳал этишда аралашуш имконияти билан биргаликда сезиларли даражадаги ҳуқуқларга эга бўладилар. Бундан ташқари, кўпгина мамлакатларда банклар компаниянинг акция капитали билан биргаликда ўзлари инвестиция қилган қарз капиталининг ҳам эгаси бўлиб қолишади ёки муқобил тарзда бошқа инвесторларнинг акциялари бўйича овоз бериш ҳуқуқни амалга оширади⁴⁷. Натижада банклар ва бошқа йирик кредиторлар кўп ҳолларда йирик акциядорлар сифатида ҳаракат қиладиган бўлди.

Германия ва Японияда компаниялардан фарқ қилган ҳолда банкларнинг имкониятлари анча юқори, чунки банклар акцияларнинг сезиларли миқдордаги пакетларига эгаллик қилади, корпоратив кенгашларда иштирок этади, кредит беришда етакчи ўрин тутди ва ўз фаолиятини кредиторлар учун қулай бўлган муҳитда амалга оширади. Бошқа мамлакатларда, айниқса назоратни банкларга бериш жараёнлари мукамал ишлаб чиқилмаган давлатларда банк томонидан бошқариш нисбатан самарасиз бўлиши мумкин.

Шу билан биргаликда белгиланган ҳуқуқий ҳимоянинг зарурлиги барча йирик инвесторлар томонидан тан олинади. Йирик акциядорларга ўз ҳуқуқлари таъминланишини ижро этиш учун судлар талаб этилади. Сингиш бозори иштирокчилари акцияларни сотиб олиш ва кенгашни ўзгартиришда ҳимояланган механизмларга, кредиторлар эса мулкни қайтарилишини таъминлаш учун судларга муҳтож. Йирик акциядорларнинг асосий имтиёзи (сингишни истисно этган ҳолда) уларнинг яхши хабардор этилмаган судлар мавжудлигида самарали ҳисобланган нисбатан оддий механизмларга таянишида кўринади.

Албатта, йирик инвесторлар бошқа акциядорларнинг, айниқса кичик акциядорларнинг манфаатлари билан мос келмайдиган ўз манфаатларини илгари суришлари мумкин. Ўз ҳолатини яхшилаш мақсадида йирик акциядор ўзининг бошқариш ҳуқуқни амалга ошириш жараёнида даромадларни ўзи учун самарали йўллар билан (бу йўл кичик акциядорларга зарар етказсада) қайта тақсимлайди.

⁴⁷ OECD. 1995

Агар йирик акциядорлар овоз бериш ёки пирамидали тузилиш орқали компанияни назорат қилиш бўйича нисбатан кенг ҳуқуқларга эга экан ёки бошқача қилиб айтганда "бир акция – бир овоз" тамойилидан чекинишлар мавжуд экан, улар ўзларига махсус дивидендлар тўланишига эришиши ёки ўзлари назорат қилаётган компаниялар билан бўладиган алоқаларга таянишлари мумкин. Шундай қилиб, йирик акциядорлар унча кўп бўлмаган акцияга эга бўлган акциядорларга нисбатан ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга яхшироқ тайёрланганлар. Лекин акциядорлар ҳуқуқи нисбатан яхши ҳимоя қилинадиган мамлакатларда инвесторлар йирик бўлишни хоҳламасликлари ҳам мумкин. Бунда компанияларда акциядорлар ўртасида тарқалиб кетган акцияларга эгаллик қилишга интилиш бўлади. Акциядорлар ҳуқуқлари барқарор ҳимоя қилинмаган давлатларда эса аксинча, бирлашиб эгаллик қилишдаги бу нуқсоннинг олдини олишга интилиш бўлади.

Умумий қилиб айтганда, турли мамлакатлардаги корпоратив бошқарув амалиёти акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ўзининг механизмларини ишлаб чиққан. Масалан:

- акциядорларнинг вакиллиги (кузатув кенгаши);
- ишончномалар (ишончномалар асосида овозлар олиш);
- сингиш;
- банкротлик.

Таъкидланганидек, турли мамлакатлардаги ажралиб турувчи хусусият шундаки, барча акциядорлар ва инвесторлар ҳуқуқларининг лозим даражадаги ҳимояси бўлиши, йирик акциядорлар кўринишидаги эгалликни бирлашиш даражасининг чекланиши ҳисобланади.

Шундай экан, йирик акциядорларнинг кенг имкониятларига қарамасдан кичик акциядорлар ҳуқуқларини таъминлашнинг чоралари кўрилмоқда. Шунинг учун фақат кичик акциядорлар ҳуқуқлари самарали таъминланган тизимдагина ҳар бир шахс унча қиммат бўлмаган бир дона акцияни унинг охириги эгаси ўзи бўлишлигини инобатга олиб сотиб олиши мумкин. Бундан ташқари, фонд бозорининг ривожланиши акцияларни бегоналаштиришнинг эркин имкониятини яратади ва улар кўпинча компания устидан назорат қилиш мақсадида эмас, балки даромад олиш мақсадида сотиб олинади. Ўзбекистон Республикасида ушбу омиллардан бири, яъни акцияларни эркин бегоналаштиришнинг таъминланиши қонунчиликда белгиланган ва натижада қим-

матли қоғозлар бозорида амал қилувчи ҳуқуқий тизимга ишонч ошмоқда, бу эса кичик акциядорлар томонидан инвестициялар киритилишига катта ёрдам бермоқда.

Шундай қилиб, бу ишда етакчи ўрин ҳуқуқий тизимга тегишли бўлиб, бу борадаги барча натижалар ушбу ҳуқуқ тизимининг барча акциядорларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилинишини қай даражада таъминлашига боғлиқ бўлади.

Корпоратив бошқарув тизимида қуйидагилар акциядорлар ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий элементлари ҳисобланади:

1. Акциядорларнинг қуйидагиларга бўлган асосий ҳуқуқларини белгилаш:

- мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишнинг ишончли усули;
- акцияларни бегоналаштириш ёки бериш;
- замонавий ва мунтазам асосда корпорация ҳақида зарур ахборотни олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш;
- бошқарувга бўладиган сайловларда иштирок этиш;
- корпорация даромадларида улуши;
- қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ва компанияда муҳим ўзгартиришларни амалга оширишга бағишланган қарорлар ҳақида етарли ахборотлар олиш.

2. Алоҳида акциядорларга уларга тегишли акциялар улуши асосида назорат даражасини олишга ёрдам берадиган капитал тузилиши ва механизмлари ошкоралик тамойилига асосланиши керак.

3. Корпоратив назорат мақсадлари учун бозорлар самарали ва очик тарзда фаолият юритиш имкониятига эга бўлиши керак.

4. Капитал бозорларида корпорация назоратини эгаллашни тартибга солувчи қоида ва жараёнлар, шунингдек, корпорация активларининг сезиларли қисмини қўшиб юбориш ёки сотиш каби фавқулодда характердаги битимлар инвесторлар ўз ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш воситаларини билишлари учун ошкоралик асосида аниқ ифодаланиши лозим. Битимлар ҳаммага маълум нархлар ва акциядорлар категорияларига қараб уларнинг барчасига тегишли бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилувчи адолатли шароитлар асосида тузилиши керак.

5. Компанияни сингишига тўсиқ бўлувчи механизмлардан маъмуриятни ҳисобдорликдан ҳимоя қилиш мақсадида фойдаланилмаслиги

керак. Институтционал инвесторлар институтини кўшган ҳолда акциядорлар ўзларининг овоз бериш ҳуқуқларидан фойдаланишлари уларга қанчалик фойда ёки зарар келтиришини билишлари керак.

6. Корпоратив бошқарув тузилиши кичик акциядорларни ҳам инобатга ҳолда акциядорларга нисбатан тенг муносабатни таъминлаши керак. Уларнинг барчаси ўзларининг ҳуқуқлари бузилган ҳолларда самарали ҳимоя олиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

7. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тартиби ва жараёни барча акциядорларга нисбатан тенг муносабатни таъминлаши керак. Компанияда қабул қилинган жараёнлар овоз беришда иштирок этишни ўта мураккаб ва қимматга тушадиган қилиб қўймаслиги керак.

8. Ўз манфаати йўлида ички ахборотдан фойдаланиб, амалга оширилган ва суиистеъмол кўринишдаги операциялар тақиқланиши керак.

9. Бошқарув аъзолари ва бошқарувчилар корпорацияга тегишли битим ва бошқа масалаларда ўзларининг моддий манфаатдорликлари тўғрисида хабар қилишлари лозим.

Шундай қилиб, барча акциядорлар ҳуқуқларини самарали амалга ошириш ва ҳимоя қилиш энг аввало ҳар бир мамлакатнинг қонунчилик меъёрларидан келиб чиқади.

Корпоратив бошқарув ва акциядорлар ҳуқуқларининг умумий тамойиллари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тартибга солинган. Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарув масалаларини тартибга солувчи қонунчилик бир-бири билан боғлиқ турли меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан (қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирлик ва давлат қўмиталарининг ҳужжатлари ва бошқалар) ташкил топади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарув тизими, шу жумладан акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий манбаларидан бири бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари "Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият юритиш механизмлари тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида"ги, "Аудит тўғрисида"ги,

"Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-1270-сонли "Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги, ПФ-1414-сонли "Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки қўмитаси ҳузурида Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказини ташкил этиш тўғрисида"ги фармонлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 361 ва 257-сонли "Акциядорлик жамиятларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва бошқа қарорлари кабилар ҳам Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарув тизими, шу жумладан акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг манбалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси юридик шахсларни ташкил этиш ва улар ҳаракатининг умумий асосларини шакллантиради. Хусусан, юридик шахслар ҳақидаги умумий қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 4-бобида ўз аксини топди. Кодекснинг 64-моддасида эса акциядорлик жамиятининг тushунчаси ва унинг асосий белгилари қуйидаги мазмунда бевосита ифода этилади: "Устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият акциядорлар жамияти ҳисобланади; акциядорлар жамиятининг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзларига қаршли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар".

Фуқаролик кодексининг акциядорлик жамиятларига тааллуқли бошқа асосий қоидалари акциядорлик жамиятларини очиқ акциядорлик жамиятлари ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари, шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари каби турларининг таърифланганлигида кўринади⁴⁸.

"Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (матнда кейинги ўринларда Инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун) бир вақтнинг ўзида бир нечта вазифаларни, шу жумладан инвесторлар ҳимоясини уларга тақдим этилаётган ахборотларнинг сифатлилиги ва ҳақиқатга яқинлигини ошириш ва ахборот тақдим этиш тизимини ривожлантириш орқали таъминлаш масала-

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 65–68 моддалари.

лари ҳал этилади.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (кейинги ўринларда Қонун) 1996 йил қабул қилинган бўлиб, у корпорация ва унинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини деярли тўлиқ очиб беради.

Акциядорларнинг асосий ҳуқуқлари қонуннинг ўзида кўрсатилган бўлса-да, ушбу қонун амалда бўлган ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистонда акциядорлар ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш борасида кенг қонунчилик базаси яратилди.

Қонуннинг акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий қоидаларидан бири бу унда оддий акцияга бир хил ҳажмдаги ҳуқуқ бериш тамойилининг қўлланишили бўлиб ҳисобланади⁴⁹. Бошқача қилиб айтганда, қонун акцияларнинг турлари ёки унинг эгалари бўйича ҳуқуқлар ҳажмини турлича фарқламайди ҳамда "акциядорларга нисбатан тенг ҳуқуқ" тамойилини тасдиқлайди⁵⁰.

Шу билан бирга қонуннинг 21-моддасида бу борада қуйидаги қоида назарда тутилган: "акциядорлар умумий йиғилишида жамият устав фондининг 25 фоиздан кўп овоз берувчи акциялари давлатга тегишли бўлган жамиятларнинг устав фондини қўшимча акциялар чиқариш орқали кўпайтириш Давлат Мулк қўмитасининг мутлақ ваколати ҳисобланади".

Акциядорларга акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқининг қонунда мустаҳкамланганлиги унинг муҳим ютуғи бўлиб ҳисобланади⁵¹. Маълумки, қонуннинг 64-моддасига кўра умумий йиғилиш акциядорлик жамиятининг олий бошқарув органи ҳисобланади ва оддий акцияларнинг эгаси бўлган акциядор (қонунда белгиланган ҳолатларда имтиёзли акциялар эгаси ҳам) умумий йиғилиш ваколатига кирувчи барча масалалар бўйича овоз

⁴⁹ 28-модда "Оддий акция эгаларининг ҳуқуқлари" ва 29-модда "Имтиёзли акция эгаларининг ҳуқуқлари".

⁵⁰ Бунга оддий акцияларнинг нисбатан юқори овоз ҳуқуқининг (superior voting rights) одатдаги овоз бериш ҳуқуқи билан бирикишини мисол қилиб келтириш мумкин.

⁵¹ Умумий йиғилиш ва бошқа бошқарув органлари ҳақида батафсил қаранг: Ионцев М. Акционерные общества. М., 2000. 100–177 б.; Осинковский Д. Корпоративные конфликты. М., 2002; Могилевский С.Д. Акционерные общества. М., 1999. 214 б.

бериш ҳуқуқи орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади⁵².

Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига тегишли рўйхатга киритилган шахслар эга бўлади. Бундай рўйхатлар рўйхатга олувчи шахсларда бўлади. Умумий йиғилишга келган рўйхатга олинади ва унга махсус тайёрланган материаллар, овоз бериш бюллетени кабилар тақдим этилади. Қонунчилик акциядорлар умумий йиғилишининг кворумини аниқлаш вазифаси юклатилган санок комиссиясини назарда тутган ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилишида рўйхатга олиш жараёнини тартибга солмайди⁵³, одатда санок комиссиясининг ишлаш тартиби жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланади, лекин амалиёт кўпгина акциядорлик жамиятларида бундай регламент ёки тартиб умуман мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Қонуннинг 68-моддасига кўра, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ҳамда унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили тегишли ишончнома асосида умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Лекин кўпинча акциядорлик жамиятларида маъмуриятлари акциядорларни умумий йиғилишда иштирок этиш учун ишончнома беришга мажбур қилиш ва кун тартибидаги барча масалалар бўйича муайян шахсларга (жамиятнинг кузатув кенгаши, бошқарув аъзолари ҳамда бош директорга) овоз беришга йўл қўйиш каби ҳолатлар кузатилади. Натижада маъмурият қонун талабларига мутлақо жавоб бермайдиган мажлисда қарор қабул қилиниш тартиби устидан назоратни ўз қўлига киритади.

Қонуннинг 74-моддасида ишончноманинг фақат овоз бериш учун берилиши мумкинлигининг мустаҳкамланганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Лекин акциядор вакили қарор қабул қилиш жараёнига таъсир этувчи бошқа имкониятлардан ҳам маҳрум этилиши мумкин, чунки унда ишончнома бўйича фақат овоз бериш ҳуқуқи мавжуд. Шу муносабат билан барча ҳуқуқларни бир ишончномада санаб ўтиш ёки овоз бериш ҳамда умумий йиғилишда бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳуқуқ берувчи иккита ишончнома расмийлаштири-

⁵² Бу ҳуқуқни таъминлашнинг тартибга солиниши умумий йиғилиш ваколатида ўз аксини топади; йиллик ва навбатдан ташқари умумий мажлисни ўтказишга тайёргарлик жараёнларида; бўлажак мажлис ҳақида акциядорларни ҳабдор қилиш тартиби ва мажлиснинг кун тартиби ва бошқа масалалар аниқлаш тартибида;

⁵³ "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддаси.

лиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Акциядорларнинг овоз бериш ҳуқуқини бевосита амалга ошириши умумий йиғилиш кворумини таъминлаш билан ҳам боғлиқ. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, жамиятнинг тарқатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами олтмиш фоиздан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворум тўплаган) ҳисобланади⁵⁴. Акциядорларга овоз беришда иштирок этиш учун жўнатилган бюллетенлар акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишидан кечи билан икки кун олдин жамият томонидан олинган бўлса, кворум ва овоз бериш натижаларини аниқлашда бюллетен орқали берилган овозлар ҳам инобатга олинади. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади ва унда ҳам кворумни олиш учун жамиятнинг тарқатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами олтмиш фоиздан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) иштирок этиши керак.

Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқини таъминлаш Қонуннинг 28-29-моддаларида назарда тутилади. Ўз эгасига жамият уставига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига қирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқини берувчи жамиятнинг оддий ва имтиёзли акциялари жамиятнинг овоз берувчи акцияси ҳисобланади. Агар имтиёзли акция ўзининг эгасига биртадан кўп овоз бериш ҳуқуқини берса, овоз берувчи акциялар сонини аниқлашда бундай акция бўйича берилган ҳар бир овоз алоҳида овоз берувчи акция сифатида инобатга олинади.

Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилган барча масалалар бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари ва уларсиз амалга оширилиши мумкин. Қонуннинг 77-моддасига асосан жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмиш акциядорлар сони юздан ортиқ бўлган жамият акциядорларининг умумий йиғилишида кун тартиби бўйича овоз бериш фақат овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Амалиётда баъзи ҳолларда акциядор томонидан

⁵⁴ "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 75-моддаси.

умумий йиғилишда билдирилган эрк-иродани тасдиқлаш муаммоси келиб чиқади. Муайян шароитларда акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланган овоз бериш бюллетени жиддий далил бўлиши мумкин. Албатта, сезиларли даражадаги акция пакети эгаси олдин жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида овоз бериб, кейин умумий мажлис қароридан норози бўлса, унинг имзоси билан бўлган овоз бериш бюллетенининг мавжудлиги муаммони тезда ҳал этади. Бошқа томондан, агар санок комиссияси овозларни "нотўғри" санаган бўлса, бундай ҳолда акциядор айнан шу ҳолатда у "қаршиман" деб овоз берганлигини исботлаши анча қийин бўлади. Кўришиб турганидек, ҳар қандай ҳолда ҳам овоз бериш бюллетенларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу бир томондан жамиятни алоҳида акциядорларнинг хужумларидан суғурта қилса, иккинчи томондан акциядорда у ҳақиқатда овоз бермаган ёки қарши овоз берган қарорнинг қабул қилинишида унинг берган овози "нотўғри" саналмаслигига қатъий ишонч бўлади. Овоз бериш бюллетенининг шакли ва матни жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

Овоз беришга қўйилган масала юзасидан акциядорлар умумий йиғилишининг қарори оддий ёки малакавий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. "Акциядорлик жамиятлари тўғрисида"ги қонуннинг таҳлили шуни кўрсатдики, малакавий кўпчиликнинг икки хил турлари мавжуд, булар умумий йиғилишда иштирок этувчи акциядорларнинг 2/3 ва 3/4 қисм овози. Қонуннинг 49-моддаси 2-банди жамият уставида овоз беришга қўйилган акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби юзасидан қарор қабул қилиниши учун кўп миқдордаги овоз зарурлиги назарда тутилган бўлиши мумкин. Қонуннинг 66-моддаси жамият овоз берувчи акция эгаларининг тўртдан уч қисм кўпчилик овози билан қуйидаги масалалар юзасидан қарор қабул қилинишини мустаҳкамлайди:

- жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки унинг уставини янги таҳрирда тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш, оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- жамият эълон қилинган акцияларининг миқдор чегарасини аниқлаш;
- қонуннинг 89-моддасига асосан йирик битимларни тузиш.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қонун жамият томонидан илгари жойлаштирилган оддий акцияларнинг йигирма беш фоизидан кўпроғини ташкил этадиган оддий акцияларни ёки оддий акцияларга айирбошланадиган имтиёзли акцияларни жойлаштириш билан боғлиқ бир ёки ўзаро боғланган бир неча битимни ҳам йирик битимлар қаторига киритади. Бундай битимлар ёки ўзаро боғланган бир неча битимларни тузиш жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари иштирок этган акциядорлар умумий йиғилишининг тўртдан уч қисми овози билан қабул қилиниши керак, чунки қонунда бу масала юзасидан кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилиниши мумкинлиги назарда тутилмайди. Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига қўйилган бошқа барча масалалар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Оддий ва имтиёзли акциялар эгалари жамият фойдасидан бир қисмини дивиденд шаклида олиш ҳуқуқига эга бўладилар⁵⁵.

Дивиденд тўлаш ва унинг миқдори билан боғлиқ масалалар жамиятнинг раҳбарий органлари томонидан ҳал этилиб, умумий йиғилиш кузатув кенгаши томонидан таклиф этилган миқдордан ошадиган миқдордаги дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас. Акциядорлик жамияти ҳар чоракда, ҳар ярим йилда бир марта ва ҳар йилда бир марта дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Кузатув кенгаши дивидендларнинг миқдори бўйича умумий йиғилишга тавсиялар киритади ва оралик дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор чиқаради.

Қуйидаги ҳолларда жамият дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли бўлмайди:

- 1) устав капитали тўлиқ тўланмаган тақдирда;
- 2) Қонуннинг 76-моддасига асосан тўлиқ сотиб олинниши керак бўлган акциялар тўлиқ сотиб олингунига қадар;
- 3) агар дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор чиқариш вақтида ёки дивидендлар тўлаш нитажасида жамиятда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари келиб чиқадиган бўлса;
- 4) агар жамиятнинг соф активлари қиймати унинг устав капитали ва заҳира фонди миқдоридан кам бўлса ёки имтиёзли акцияларнинг уставда белгиланган тугатиш қиймати номиналидан юқори бўлса ёхуд

⁵⁵ "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 27-моддаси.

дивидендлар тўлаш натижасида уларнинг қийматидан кам бўлиб қоладиган бўлса;

5) жамиятнинг тасарруфида бўлган акциялар бўйича.

Жамият томонидан дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорнинг чиқарилиши билан дивидендларнинг тўланиши эълон қилинган ҳисобланади. Акциядор эълон қилинган лекин тўланмаган дивидендларнинг тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳолда у ФКнинг 237-моддаси (мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмаслиги), шунингдек қонуннинг 56-моддасига асосланиши мумкин.

Якуний дивидендларни тўлаш санаси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан, оралиқ дивидендларнинг тўланиши санаси эса жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Дивидендларни тўлаш тўғрисидаги қарорда уларни тўлаш жойини кўрсатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки акс ҳолда Фуқаролик кодексининг мажбуриятларни бажариш жойи меъёрларига асосланишга тўғри келади. Қонун дивидендларни олиш учун бир муддат белгиламайди, турли хил низоларнинг олдини олиш мақсадида жамият уставида ушбу масалаларни тартибга солиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳар бир тўловда дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати тузилади. Ушбу рўйхатга киритиш учун дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс дивиденд тўлаш тўғрисидаги қарор чиқарилишидан олдин ўн кундан кечиктирмасдан ёки йиллик дивидендларни тўлаш ҳақидаги масала ҳал этиладиган акциядорларнинг йиллик йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати тузилаётган вақтда жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилган бўлиши керак.

"Акциядорлик жамиятлари тўғрисида"ги қонуннинг 27-моддасига асосан акциядорларнинг ҳуқуқлари қаторида тегишли акциядорлик жамиятининг акциядорлари реестрига киритилиш ва акциядорлик жамияти акциядорлари реестридан ўзлари ҳақида қимматли қоғоз ҳисобланмайдиган кўчирмалар олиш каби ҳуқуқлари киритилган. "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият юритиш механизми тўғрисида"ги қонуннинг 15-моддасида ушбу ҳуқуқнинг таъминлаши ўз аксини топган⁵⁶.

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк Қўмитасининг 1996 йил 16 августда тасдиқланган 274-сонли "Акциядорлик жамияти акциядорларининг реестри тўғрисида"ги Низом.

Мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш усулини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми кўп жиҳатдан етарли даражада тартибга солинган акциядорлар реестри ва уни юритиш қоида ҳамда жараёнларини ўз ичига олади. Биринчидан, акциядорлар реестри рўйхатга олинган акция эгаларининг уларга тегишли эгаси ёзилган қимматли қоғозлар сони, номинал қиймати ва тоифаси кўрсатилган, ҳар қандай белгиланган санадаги ҳолатга кўра тузилган ҳамда бу акция эгалари, уларга тегишли қимматли қоғозларнинг сони ва тоифалари айнан тўғрилигини аниқлаш имконини берадиган рўйхатидир⁵⁷. Иккинчидан, жамиятнинг ўзи ёки махсус рўйхатчи (реестр сақловчи) акциядорлар реестрини сақловчи бўлиши мумкин. Бунда қонун оддий акция эгалари бўлмиш акциядорлари 500 ва ундан ортиқ бўлган жамият реестр юритиш ва сақлашни ихтисослашган реестр сақловчига (рўйхатчига) шартнома асосида топшириши шартлигини мустаҳкамлайди. Учинчидан, қонунчилик реестр юритишнинг махсус шаклини (масалан, ҳужжатли ёки длектрон), ҳисоботларни юритиш ва тақдим этиш тартибини, реестр сақловчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек жавобгарлик масалаларини ўрнатади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги корпоратив бошқарув тамойилларига умуман мос келадиган мулк ҳуқуқини рўйхатга олишнинг етарли даражада батафсил тартибга солинган усулини ўзида намоён этади. Шу билан бирга шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мулк ҳуқуқини рўйхатга олишнинг мустаҳкамлиги айнан жамиятнинг реестрини сақловчисига (ташқи рўйхатчи бўлган ҳолларда), бу рўйхатдаги маълумотларнинг сифатли ва ишончли сақланиши эса кўп жиҳатдан акциядорларнинг (инвесторларнинг) мулк ҳуқуқини таъминлашнинг ушбу усулига бўлган муносабатига боғлиқ бўлади. Акциядорлик жамияти реестри жамиятнинг ўзи томонидан юритиладиган кўпгина ҳолларда ва юқори даражада реестрни назорат қилиш маъмурият қўлида бўлади ва натижада реестрдан акциядорларни ўчириш, акциядорларга тегишли жамиятдаги мулк улушини ўзгартириш ва мулк ҳуқуқининг бошқа бузилиши ҳолатлари рўй беради. Бундай ҳолда акциядорлар мулк ҳуқуқларини таъминлашнинг мустаҳкамлиги мулк ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қонунчилик ва шундай ҳимояни таъ-

⁵⁷ "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 47-моддаси.

минловчи давлат органлари тизими (судлар, Давлат Мулк Қўмитаси) зиммасига юклатилади.

Акциядорларнинг акцияларни бегоналаштириш ва бериш ҳуқуқи ҳам уларнинг муҳим ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Инвесторнинг асосий ҳуқуқи сифатида у масъулияти чекланган жамиятга нисбатан акциядорлик жамиятида улушларни бегоналаштириш эркинлиги жиҳатидан акциядорлик жамиятининг ўзига хослигини тавсифлайди. Ушбу ҳуқуқ Фуқаролик кодексининг 6-бобида мустаҳкамланган бўлиб, у ерда фуқаролик ҳуқуқи объектлари, шу жумладан қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши берилади. Бундан ташқари, қимматли қоғозларнинг (акцияларнинг) муомалада бўлиши уларнинг ҳуқуқий табиати ва эркин бегоналаштирилишидан келиб чиқади⁵⁸. Эркин бегоналаштиришга нисбатан баъзи чекловлар ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларида бўлиши мумкин, лекин бундай жамиятларда акция эгасининг акцияни умуман бегоналаштириши чекланмасдан, балки уни бошқа томонга сотиш ёки бошқача тарзда бегоналаштиришдан олдин жамиятнинг бошқа иштирокчилари томонидан уни сотиб олиш ҳуқуқи чекланади.

Эркин бегоналаштириш борасида қонунчиликда бошқа чекловлар назарда тутилмайди ва ушбу чекловлардан ташқари жамият устави ёки бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган чекловлар ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Қонуннинг 106-107-моддаларига асосан акциядорлар шунингдек, жамиятнинг устави ёки шунга ўхшаш бошқа ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, йирик битимлар тузилиши сингари корпорациядаги жиддий ўзгаришларга тааллуқли қарорлар ҳақида ахборотлар олиш ҳуқуқига ҳам эга.

Қонунчиликда акциядорларнинг ушбу ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг турли институтлари назарда тутилган. Қонуннинг 114-моддасига асосан "Акциядорларнинг ҳуқуқлари:

- ушбу Қонунда белгиланган ва уставда назарда тутилган мажбуриятларни бажариш орқали эмитент (акциядорлик жамияти бошқарув органлари);

- қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестиция институтлари ва

⁵⁸ Карагусов Ф. Ценные бумаги и деньги в системе объектов гражданских прав. Алматы, 2002. 271 б.

фонд биржалари;

- қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчиларининг кўнгилли бирлашмалари;

- суғурта ташкилотлари;

- давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган орган;

- аудиторлик ташкилотлари;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳимоя қилинади.

Акциядорлар ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа субъектлари ўртасида келиб чиқадиган низолар суд тартибида ҳал этилади".

Ушбу меъёрларга асосланган ҳолда акциядор ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида турли ҳуқуқий воситалардан фойдаланиши мумкин. Биринчидан, акцияларни сотиб олиш, жамият устав фондининг камида 10 фоиз акциясига эга бўлган ҳолда акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақиришни талаб қилиш, корпорациянинг бошқарув органларини шакллантиришда иштирок этиш каби ўзининг ташкилий ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин. Иккинчидан, ўзини ҳимоя қилишни сўраб ваколатли давлат органлари, айнан Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк Қўмитаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига мурожаат этиши мумкин.

Учинчидан, акциядорда суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд бўлади. Бу биринчи навбатда кичик акциядорларга нисбатан кўпроқ тегишли бўлади. Катта миқдордаги акциялар пакетига эгалик қилувчи йирик акциядорлар бошқарув органларига ўзлари сайлаган шахслар томонидан керакли қарор чиқарилиши орқали ўз ҳуқуқларининг самарали ҳимоясини амалга оширишлари мумкин. Лекин корпорация бошқарувининг ҳаракатлари акциядорларга зарар етказган ҳолларда хоҳлаган акциядор судга мурожаат этиши мумкин.

2-§. Акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги давлат органларининг ваколоти

Акциядорлар, инвесторлар ва корпорация ҳамда қимматли қоғозлар бозори фаолиятига жалб қилинган бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат

рат қилиш маркази ва суд каби ваколатли давлат органлари фаол иштирок этишади.

2.1. Акциядорлар ҳуқуқларини таъминлашда қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг ўрни

Ваколатли давлат органи сифатида мазкур Марказ қимматли қоғозлар бозори соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, унинг иштирокчилари фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби вазифаларни амалга оширади⁵⁹.

Марказ маълумотларига кўра⁶⁰, 2000 йил давомида эмитентлар томонидан қимматли қоғозлар ва ҳисоботлар тўғрисида маълумот чоп этмаганлик ёки ўз вақтида чоп этмаганлик учун шунингдек, давлат назорат органларига ҳисобот ёки маълумот бермаганлик учун 50 та қимматли қоғозлар бозори иштирокчисига нисбатан 11497, 5 минг сўмлик, қимматли қоғозлар чиқариш ва муомалада бўлишининг белгиланган тартибини бузганлиги учун 12 та акциядорлик жамиятига нисбатан 4900,0 минг сўмлик, Марказнинг кўрсатмаларини бажармаганлик учун эса 8 та қимматли қоғозлар бозори иштирокчисига 1680,0 минг сўмлик иқтисодий жазо чоралари қўлланилди.

Марказ томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликлар таҳлили шуни кўрсатадики, барча ҳуқуқбузарликларнинг 150 тасини эмиссия рисо-ласини чоп этмаслик, 158 тасини жамият акциядорлари умумий йиғилиши ва жамият йиллик ҳисоботининг ОАВда чоп этмаслик, 169 тасини акциядорлар реестрини юритиш талабларини бузиш, 187-тасини дивидендларни тўламаслик, 31 тасини назорат органларига йиллик ҳисоботни тақдим этмаслик, 36-тасини акцияларни сотиб олиш муддатларини бузиш, 22-умумий йиғилиш кворумига амал қилмаслик, 108 тасини дивидендлар тўланиши тўғрисидаги маълумотни ОАВда чоп этмаслик, 101 тасини овоз бериш бюллетенларининг мавжуд эмаслиги, 49 тасини акциядорлар реестрига киритишни рад этиш, 13 тасини сон ва шахсий таркиб жиҳатидан жамиятнинг бошқа-

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси қошидаги қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази тўғрисидаги Низом.

⁶⁰ Марказнинг 2001 йил архив маълумотлари.

рув органларини ташкил этиш қоидаларининг бузилиши, 49 тасини ўтказилаётган мажлисларнинг давомийлигига риоя этмаслик, 45 тасини мажлисда иштирок этиш учун ишончномаларнинг бўлмаслиги, 2804 тасини акциядорлар ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқларининг бошқа шаклдаги бузилишлари ташкил этади.

"Маҳсулот бозорларида монопол фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни меъёрларини бузиш ҳолларининг олдини олиш мақсадида Марказ томонидан қимматли қоғозлар бозорининг барча иштирокчиларига уларнинг бир эмитент устав фондидаги акцияларнинг 35 фоизидан кўп миқдорини сотиб олинишига йўл қўймасликлари тўғрисида кўрсатма берилди.

Марказ томонидан акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш амалиёти таҳлили акциядорлар ҳуқуқлари асосан акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш, акциядорларнинг реестрини юритиш ва дивидендлар тўлаш тартиблари масаласида бузилишлигини кўрсатди.

Масалан, Марказ томонидан "Маиший техсоз" ОАЖнинг йирик акциялар пакети акциядори ҳисобланган "Олмос" ЁАЖнинг акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши борасида акциядорларнинг бир қатор ҳуқуқлари бузилаётганлиги тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилди. Ўтказилган текширувлар натижаларига кўра "Маиший техсоз" ОАЖга ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан акциядорларнинг навбатдан ташқари мажлисини ўтказиш тўғрисида кўрсатма берилди.

"Нон Паста" ОАЖ акциядоридан ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг қонун талаблари бузилганлиги тўғрисидаги шундай ариза олинган. ОАЖга қимматли қоғозлар тўғрисидаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ҳуқуқбузарликни тўхтатиш тўғрисидаги кўрсатма юборилган. "Автотранс маркетинг" ОАЖнинг "Бахт хизмати" АЖга нисбатан мурожаатида 1999 йил яқунларига кўра "Бахт хизмати" АЖда акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилмаганлиги кўрсатилган. "Бахт хизмати" АЖ томонидан тақдим этилган материаллардан келиб чиқиладиган бўлса, гўёки 2000 йил 17 апрелда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган. Лекин, АЖ акциядорларининг аризасига кўра акциядорларнинг ушбу йиғилиши ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар қалбакилаштирилган. Ушбу фактга

аниқлик киритиш мақсадида Марказ тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширди.

"Фойкон" ХИФи хатида уни "Зангори экран" АЖ акциядорлар реестрига акциядор сифатида киритиш рад этилганлиги тўғрисида баён этилган. Материалларни ўрганиш давомида ушбу рад этишнинг асоссиз эканлиги маълум бўлди. Марказ томонидан "Фойкон" ХИФини "Зангори экран" АЖ акциядорлар реестрига қонунда белгиланган тартибда киритиш тўғрисидаги кўрсатма берилди.

2000 йил ноябр ойида Марказга "Ўзбекгазсувқурилиш" АЖ кузатув кенгаши аъзоси томонидан кузатув кенгаши мажлиси ноқонуний тарздаги ўтказилганлиги ҳақидаги хат билан мурожаат этилди. Тегишли ҳужжатларнинг ўрганилиши кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш жараёнида кворум мавжуд бўлмаганлигини ва шу билан жорий қонунчилик талаблари бузилганлиги аниқланди. Натижада Марказ томонидан ўтказилган кузатув кенгаши мажлисининг қарорини бекор қилиш ва кузатув кенгашининг янги мажлисини чақириш тўғрисида кўрсатма берилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Улар содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги Марказнинг ўрнини яққол кўрсатиб туради.

2.2. Суд ҳимояси

Акциядорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд орқали ҳимоя қилиш воситаси ҳақида гапирганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу биринчи навбатда нисбатан кўпроқ кичик (миноритар) акциядорларга тааллуқли бўлади. Етарли миқдордаги акцияларга эга бўлган акциядорлар умумий йиғилишда тегишли қарорлар чиқаришда иштирок этиш, шунингдек, улар томонидан бошқарув органларига сайланган шахслар орқали ўз ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишлари мумкин. Лекин агар акциядорларга зарар етказувчи бошқарувчиларнинг манфаатлари кесилиши ҳақида сўз кетган ҳолларда битимларни ҳақиқий эмас деб топишни сўраб хоҳлаган акциядор, шу жумладан назорат пакети бошқарувчиси ҳам судга мурожаат этиши мумкин.

Ҳозирча Ўзбекистонда акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд амалиёти энди шакллана бошлади, шунинг учун у бу борада-

ги қонунчиликнинг мураккаб ёки низолари ҳолатларини шарҳлаш учун етарли материал билан таъминлай олмайди. Кўпгина низоли ҳолатлар ҳали етилмаган ва судда кўрилмаган, унинг барча босқичларидан ўтмаган.

Акциядорлар ҳуқуқ ва манфаатларининг суд ҳимояси механизми амалиётда ишлаши учун акциядорларнинг ҳам фаол ҳаракатлари, уларнинг қонунда мустаҳкамланган ўз ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш борасидаги интилишлари талаб этилади. Лекин ҳозирча акциядорлар оммаси томонидан бундай фаолликлар кузатилмаяпти. Акциядорлар орасида жисмоний шахслар сезиларли миқдорни ташкил этиши ва уларнинг кўпчилиги хусусийлаштириш натижасида ўзлари учун кутилмаган ҳолда акциядор бўлганларини ҳам инобатга олиш лозим.

Тадбиркор мақомига эга бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хўжалик судлари томонидан эмас, балки умумий юрисдикция судлари томонидан амалга оширилади. Лекин, молиявий пирамидалар ҳақидаги ишларни ҳисобга олмаган ҳолда у ерда бундай ишлар нисбатан кам учрайди. "Икки юрисдикциялилиқ" муаммосининг ўзи ҳам алоҳида эътиборни талаб этади. Умумий юрисдикцияли судлар ва хўжалик судлари ўртасида тааллуқлилиқ масаласи ушбу муносабат субъектлари таркибидан келиб чиқиб ҳал этилади. Икки суд амалиёти борасидаги бу тартиб кўп ҳолларда амалий муаммоларга ва судлар томонидан акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилинишининг рад этилишига олиб келади. Юридик шахс ҳисобланган акциядорларнинг аризасига асосан қўзғатилган ишлар жисмоний шахс бўлган акциядорлар ҳуқуқларига ҳам тегишли бўлганлиги сабабли нафақат биринчи инстанция судлари, балки кассация инстанцияси судлари ҳам кўп ҳолларда ишни хўжалик судига тааллуқли эмас деб тан олади.

Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунда акциядорлар томонидан ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун қўллайдиган бир қатор қоидалар назарда тутилган. Бу ерда акциядорлар, биринчи навбатда миноритар акциядорлар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг қуйидаги асосий воситаларини кўрсатиш мумкин:

1) акциядорлар умумий йиғилиши ва бошқа акциядорлик жамиятининг бошқа бошқарув органлари қарори устидан шикоят қилиш;

2) қонун асосида акциядорда акцияларни сотиб олиш ҳуқуқи пайдо бўлган ҳолларда жамиятни акцияларини қайтариб олишга мажбур қилиш тўғрисида даъво қўзғатиш;

3) жамиятга унинг раҳбарлари, бошқа хўжалик ширкати ёки жамияти шунингдек унинг фаолиятини назорат қилувчи орган томонидан етказилган зарарларни қоплаш;

4) белгиланган тартибни бузган ҳолда тузилган йирик битимларнинг ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қўзғатиш;

5) жамиятни бошқаришга таъсир этиши мумкин бўлган шахсларнинг манфаатдорлиги мавжуд бўлган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қўзғатиш;

6) жамиятдан дивидендлар суммасини ундириш;

7) акциядорнинг қонунда белгиланган ахборотга эга бўлиш ҳуқуқининг бузилиши юзасидан даъволар қўзғатиш.

Кўриб турганимиздек, санаб ўтилган акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситалари жамиятга ёки жамият ҳимоясига даъво билан мурожаат этишни назарда тутлади. Бундан ташқари, агар жамият реестрини сақловчи ўз вазифаларини қонунни бузиш орқали амалга ошириш вақтида акциядорлар ҳуқуқларига зарар етказса, акциядорлар жамият реестрини сақловчисига нисбатан ҳам даъво билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Акциядорлар ҳуқуқлари тўғрисида таъкидлаб ўтилган даъволарнинг кўпчилиги бўйича уларни суд орқали ҳимоя қилиш амалиёти ҳали тўлиқ шаклланмаганлиги сабабли бу масалалар қуйида меъёрий тартибга солиш жиҳатидан кўриб чиқилади.

2.2.1. Акциядорлар умумий йиғилиши ва жамиятнинг бошқа бошқарув органлари қарорлари устидан шикоят қилиши

Юқорида таъкидланганидек, акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядорларнинг муҳим ҳуқуқларидан бири бўлиб, бу ҳуқуқ ёрдамида акциядор ўзининг акциядорлик жамиятида иштирок этиши билан боғлиқ мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкин. Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун бузилиши умумий йиғилиш қарорини суд тартибида ҳақиқий эмас деб топишга олиб келадиган умумий йиғилишни чақириш ва ўтказиш тартиблари тўғриси-

да етарли даражада батафсил тартибга солинган қоидаларга эга. Қонуннинг 66-моддаси 10-қисмига асосан акциядор қонун талаблари бузилган ҳолда чиқарилган умумий йиғилиш қарори ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар устидан агар у акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган ва шу қарор орқали унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилган бўлса, судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Демак, акциядорлар умумий йиғилиши қарори биринчидан, мажлисни чақириш ва ўтказиш жараёнини бузиш билан боғлиқ (масалан, мажлисни ўтказиш тўғрисидаги қонуннинг 52-моддаси талабларига жавоб берадиган хабарнинг мавжуд эмаслиги, мажлисда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузишда ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилганлиги, йиғилиш қарори зарур кворум мавжуд бўлмасдан қабул қилинганлиги ва ҳоказолар) расмий асослар, иккинчидан, умумий йиғилиш томонидан унинг акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунда белгиланган ваколатларидан четга чиқиб қарор чиқарилган ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Устидан шикоят қилинаётган умумий йиғилиш қарори акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ва жамиятнинг устави меъёрларини жиддий равишда бузмасдан қабул қилинган ҳолдагина суд томонидан ўз кучида қолдирилиши мумкин. Қонунчилик меъёрларини жиддий равишда бузиш акциядорлар томонидан шикоят қилинган ёки қилинмаганлигидан қатъи назар, умумий йиғилиш қарорини тўлиқ ёки қисман равишда ҳуқуқий кучдан маҳрум этади. Умумий йиғилиш ваколатини бузган, кворум мавжуд бўлмаган ҳолда, шунингдек, кун тартибига киритилмаган ёки бевосита мажлис томонидан кун тартибига киритилган масала юзасидан қарор қабул қилиш кабилар юқори суд инстанциялари томонидан жиддий ҳуқуқбузарликлар деб топилиши мумкин.

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш билан боғлиқ жуда кенг тарқалган ҳуқуқбузарликлардан бири бу умумий йиғилиш тўғрисида акциядорга хабар бермаслик бўлиб, бунда одатда хабар қилинмаган акциядорнинг ҳуқуқларини бузувчи қарорлар чиқарилади.

Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари устидан шикоят қилиш қоидаларидан ташқари акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун жамиятнинг кузатув кенгаши қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги меъёрларни ҳам ўзида акс эттиради. Қонуннинг 70-

моддаси 6-бандига асосан кузатув кенгашининг акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига масала ёки жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси номзодлари рўйхатига номзодни киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят берилиши мумкин. Бундан ташқари, жамиятнинг камида 10 фоиз овоз берувчи акцияларига эга бўлган акциядорлар томонидан кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Жамиятнинг коллегиял ва яккабошчилик асосидаги ижро органлари қарори устидан ҳам агар улар акциядорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб бермаса, уларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қилиш орқали судга мурожаат этилиши мумкин. Бундай иш бўйича жавобгар акциядорлик жамияти бўлади.

2.2.2. Жамиятни акцияларни қайтариб олишга мажбур қилиш тўғрисидаги даъволар

Миноритар акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатларидан бири бу қонунда уларга ўзлари қўшган улушни қайтариш орқали жамиятда иштирок этишини бекор қилиш имкониятининг берилганлигидир. Кўриниб турганидек, акциядорлик жамиятида иштирокни тугатишнинг мақбул йўли бу ўзининг эгалигидаги акцияларни эркин бозорда бошқа акциядорларга сотиш бўлиб ҳисобланади. Лекин, бу йўл акциядорга очиқ бўлмаган ҳамда акциядорга боғлиқ бўлган ҳолатларга кўра унинг келгусида жамиятда иштирок этиши фойдали бўлмаган ҳолатлар ҳам келиб чиқади.

Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун акциядорнинг ўзига тегишли овоз берувчи акцияларнинг барчасини ёки бир қисмини жамият томонидан қайтариб олинишининг қуйидаги икки ҳолатини назарда тутди:

1) жамият қайта ташкил этилаётганда ёки умумий йиғилиш томонидан йирик битим тузиш тўғрисида қарор чиқарилган вақтда, агар акциядор бундай қарорни қабул қилишдаги овоз беришда иштирок этмаган ёки қарши овоз берган бўлса;

2) жамият уставига акциядорнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш, агар акциядор бундай қарорни қа-

бул қилишдаги овоз беришда иштирок этмаган ёки қарши овоз берган бўлса.

Бундай низоларни кўриб чиқиш пайтида қонуннинг 75-моддасида назарда тутилган, акциядорга акцияларни қайтариб олишни талаб қилиш ҳуқуқини берувчи асослар рўйхати қатъий ҳисобланади. Агар қонуннинг 32-моддаси 3-5-бандлари ҳамда 49-моддаси 1-бандига асосан имтиёзли акция эгалари умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлса, улар ҳам бундай турдаги даъволар билан мурожаат этишлари мумкин.

Жамиятга унинг раҳбарлари, бошқа хўжалик ширкати ёки жамияти, шунингдек унинг фаолиятини назорат қилувчи орган томонидан етказилган зарарларни қоплаш.

Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонуннинг 88-моддаси 5-қисми мажмуа сифатида жамиятнинг камида 1 фоиз оддий акцияларига эга бўлган акциядорлар, кузатув кенгаши ва коллегиял ижро органи аъзоси ёки бошқарувчи томонидан етказилган зарарни ундиришни сўраб судга даъво аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқига эгалигини назарда тутди.

Шўъба жамияти иштирокчилари ҳам тенг равишда унинг асосий жамияти ёки ширкати томонидан етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бунда қонун асосий жамиятга талаб қўйишда шўъба жамияти акциядорлари бирор фоиз акцияга эга бўлиши лозимлигини назарда тутмайди. Шундан келиб чиқиб, шўъба жамиятнинг хоҳлаган акциядори томонидан бундай талаб қўйилиши мумкин.

2.2.3. Йирик битимларнинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги даъволар

Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунда "йирик битимлар" деб номланадиган битимларни тузишнинг алоҳида тартиби назарда тутилган. Қонуннинг 90-моддасига асосан акциядорлик жамияти томонидан йирик битимларнинг тузилишига қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг йигирма беш фоизидан эллик фоизгачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида бўлган, кузатув кенгаши томонидан яқдиллик билан қабул қилинган қарор ёки бундай мулкнинг қиймати жуда

юқори бўлган ҳолларда акциядорлар умумий йиғилиши қарори мавжуд бўлган ёхуд кузутув кенгаши томонидан шундай битимни тузишга нисбатан яқдилликка эришилмаган ҳоллардагина йўл қўйилади. Бундай битимларни тузиш вақтида алоҳида акциядорларнинг, айниқса миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши мумкин. Шунинг учун улар бундай битимларни ҳақиқий эмас деб топишни сўраб судга мурожаат этишлари мумкин.

2.2.4. Жамиятни бошқаришга таъсир этиши мумкин бўлган шахсларнинг манфаатдорлиги мавжуд бўлган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар

Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунда жамиятнинг корпоратив эркини шакллантиришда таъсир этиши мумкин бўлган шахсларнинг манфаатдорлиги мавжуд бўлган битимларни тузишнинг алоҳида тартиби назарда тутилади. Бундай шахслар доираси қонуннинг 91-моддасида белгиланган.

Қонунда назарда тутилган шахслардан бирининг манфаатдорлиги мавжуд бўлган битимларни тузиш тўғрисидаги қарор жамиятнинг кузутув кенгаши томонидан "манфаатдор директорлар" иштирок этмаган ҳолда қабул қилинади. Қуйидаги икки ҳолатда бундай қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилиниши керак: 1) битим предмети суммаси ва мулк қиёмати жамият активларининг 2 фоизи миқдоридан ошиб кетса; 2) агар битим ва (ёки) ўзаро бир бири билан боғлиқ бир неча битимлар миқдори жамият томонидан олдин жойлаштирилган овоз берувчи акциялар миқдорининг 2 фоизидин ошувчи жамиятнинг овоз берувчи акциялари ёки акцияларга айирбошланадиган бошқа қимматли қоғозларининг жойлаштирилиши ҳисобланса.

Йирик битимлардан фарқли равишда Қонунда манфаатдорлик билан тузилган битимларни тузиш тартибига риоя этмаслик оқибатлари кўрсатилади. Қонуннинг 94-моддасига асосан бундай битим ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин, яъни унинг устидан шикоят қилиш мумкин. Кўп ҳолларда даъволар акциядорлар томонидан эмас, балки шубҳали битимга жалб этилган акциядорлик жамиятининг ўзи томонидан тақдим этилади. Бу битимдаги манфаатдор шахс даъвогарнинг индивидуал органи ҳисобланмаган ҳолларда бўлиши мумкин.

Битим тузилиши натижасида акциядорлик жамиятига келадиган

мулкий оқибатларни баҳолаш манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Айнан мана шу мулкий оқибатлар омилигина низоли ҳуқуқий муносабатларни ҳал этишда судлар томонидан қўлланилади.

2.2.5. Жамиятдан дивидендлар суммасини ундириш тўғрисидаги даъволар

Оддий ва имтиёзли акцияларга нисбатан миқдори уставда белгиланмаган дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш жамиятнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланиб, бундай қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб акциядорда дивиденд олиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Бу ҳуқуқ шунингдек эълон қилинган дивидендлар тўланиши кечиктирилган ва бошқа ҳолларда суд орқали ҳимоя қилиниши мумкин. Бунда акциядор судга жамиятдан дивидендлар суммасини ундириш тўғрисидаги даъво билан мурожаат этади.

Қонуннинг 29-моддаси 8-бандига асосан умумий йиғилиш имтиёзли акциялар бўйича миқдори уставда белгиланмаган дивидендлар тўламаслик ёки қисман тўламаслик тўғрисида қарор чиқарган ҳолларда бундай дивидендларни суд тартибида ундириш мумкин эмас (13-банди). Дивиденд миқдори жамият уставида белгиланган имтиёзли акциялар эгаларига нисбатан Қонун ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бошқа имкониятини яратади, яъни дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки қисман дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда акциядор унинг ҳуқуқларини бузувчи қарор чиқарилган акциядорлар умумий йиғилишининг кейинги йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

2.2.6. Акциядорлар реестрини сақловчисининг жавобгарлиги ва реестр сақловчи томонидан бузилган акциядорлар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш

Қонуннинг 47-моддасига асосан акциядорлик жамиятининг реестри ҳар бир рўйхатга олинган шахс (акциядор ёки акцияларнинг номинал сақловчиси), рўйхатга олинган шахс номига ёзилган акцияларнинг сони ва тури ҳақида маълумотларни ўзида акс эттиради. Акциядорлик жамиятининг ўзи ёки махсус рўйхатчи реестр сақловчиси

бўлиши мумкин. Акцияларнинг асосий қисм ҳужжат бўлмаган шаклда чиқарилса, реестрнинг ўрни янада ошади, чунки қимматли қоғозлар бозори ишлаши механизми тўғрисидаги қонуннинг 32-моддасига асосан реестрда қайд этилган шахсий ҳисоблардаги маълумотлар акциядор ҳуқуқларини тасдиқловчи ягона ҳужжат (ҳуқуқ депо ҳисобларидаги маълумотларга асосан тан олинадиган қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни депозитарийда ҳисобга олиш бундан мустасно) бўлиб ҳисобланади. Мазкур қонуннинг 29-моддасига асосан эса, эмиссиявий қимматли қоғозларга нисбатан мулк ҳуқуқи ўтиши реестр сақловчисини хабар қилган ҳолда амалга оширилиши керак.

Шу муносабат билан акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги Қонуннинг 45-моддаси акциядорлар реестрига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиш мумкинлигини ўрнатади. Рад этиш ёки реестрга ёзув киритишдан бош тортиш асоссиз равишда амалга оширилган ҳолларда суд акциядор талабига кўра реестрни сақловчисини зарур ёзувни у қайси санадан киритилиши керак бўлса, ўша санадан киритишга мажбур қилади.

Эгаси ёзилган қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини юритиш тўғрисидаги амалдаги Низом реестр сақловчисининг жавобгарлиги масаласини умумий шаклда, қонунчиликка ҳавола қилиш орқали тартибга солади. Низомга асосан реестрни сақлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, шу жумладан, реестр маълумотларининг сир сақланишини таъминламаслик ва тўлиқ бўлмаган ҳамда ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг берилиши бундай жавобгарликни келтириб чиқаради. Шу билан биргаликда Низом реестр сақловчисини рўйхатга олинган шахслар томонидан рўйхатга олинган шахс сўровномасига киритилган масалалар юзасидан ўзгарган маълумотларнинг тақдим этилмаслиги ёки тўлиқ бўлмаган ҳамда ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг берилиши натижасида етказилган зарарни тўлашдан озод этади. Бу қоида жавобгарликдан озод қилувчи бундай ҳолат бўлмаган тақдирда реестр сақловчи етказилган зарарларни қоплашга мажбур бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Реестр сақловчисининг мулкӣ жавобгарлиги масаласи катта амалий аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади, чунки, баъзи ҳолларда у акциядорга етказилган зарарни қоплаши мумкин бўлган ягона реал субъект ҳисобланади.

Акциялар улар эгаларининг розилигисиз бир ҳисобдан бошқа ҳисобга ёзилган ҳолларда реестрдаги ёзувларни ҳақиқий эмас деб топиш талаби ҳам қўйилиши мумкин. Агар бундай ҳимоя қилиш усули давлат органи актида бундай ёзув битим деб тан олинмаслиги кўрсатилган ҳамда акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги Қонунда ҳимоя қилишнинг бундай усули назарда тутилмаган бўлса, судлар шу асосда ёзувни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишни тугатиши мумкин. Лекин қимматли қоғозлари бозорининг фаолияти механизмлари тўғрисидаги қонуннинг 29-моддасига асосан акциядорлар реестридаги ёзув шахснинг тегишли миқдордаги акцияга нисбатан мулк ҳуқуқини қайд этади. Ушбу ёзувга акциядорни хабардор этмаган тарзда ёки унинг кўрсатмаларисиз ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш акциядор мулк ҳуқуқининг бузилиши бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун олдинги ёзувни қайта тиклаш орқали акциядорлар реестридаги бундай ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар ўз моҳиятига кўра бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи даъво бўлиши мумкин.

Реестр сақловчи акциядорлар олдидаги жавобгарлик билан бир қаторда реестрга киритишни ноқонуний рад этганлик ёки бош тортганлик, унга ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни киритганлик, реестрдан кўчирмалар бериш муддатларини бузганлик ва қонунчилик ва шахснинг бошқа қонуний талабларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун давлат олдида маъмурий жавобгарликка тортилади. Бундай жавобгарлик инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун билан киритилган бўлиб, мансабдор шахслар ва якка тарихдаги тадбиркорларга нисбатан жарима солишни назарда тутди.

3-§. Акциядорлар ҳуқуқлари

Бу ҳуқуқларни шартли равишда икки турга бўлиш мумкин. Биринчиси бу – акциядорнинг жамият ишлари ҳақида зарур ахборотга эга бўлиш, унинг таъсис ҳужжатлари билан танишиш, акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш учун зарур бўлган ахборотларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда олиш ҳуқуқи. Иккинчиси бу – жамият томонидан эмиссия амалга оширилаётган вақтда акциядорнинг ахборотга бўлган ҳуқуқи. Бу ерда акциядорларнинг ҳуқуқлари билан биргаликда

ҳар бир инвесторнинг жамиятга янги инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлиги борасидаги ахборотга эгаллиги сифатида акциядор эмиссия жараёнида унинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда қонун билан таъминланган ҳимоя воситаларидан фойдаланиш мақсадида эмиссия ўтказилишининг асосий босқичлари тўғрисида ўз вақтида маълумот олиш ҳуқуқига эга.

3.1. Акциядорнинг жамият ишлари ҳақидаги ахборотга бўлган ҳуқуқлари

Акциядорлик жамияти акциядорларга акциядорлик жамияти тўғрисидаги Қонунда санаб ўтилган ҳужжатлар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиши лозим. Бундай ҳужжатларга биринчи навбатда жамият устави ва уни ташкил этиш тўғрисидаги қарор, жамиятда ва унинг органларида ишни ташкил этишни тартибга солувчи ички ҳужжатлар, йиллик молиявий ҳисобот, жамият акциядорлари умумий йиғилиши баённомалари, акцияларнинг эмиссия рисоалари кабилар киреди. Шуниси муҳимки, ушбу маълумотлар рўйхатига жамиятнинг устави, акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ёки жамиятнинг бошқарув органлари қарорларига асосан қўшимча маълумотлар киритилиши мумкин.

Акциядорларни бевосита ахборот билан таъминлаш билан бир қаторда барча очик турдаги акциядорлик жамиятлари ҳар йили йиллик ҳисобот ва қонунда назарда тутилган бошқа маълумотларни чоп этишлари шарт. Бундай чоп этишнинг моҳияти биринчи навбатда ахборотни акциядорларгача етказиш бўлиб ҳисобланади, чунки, Қонуннинг 92-моддаси 1-банди ахборотларни ушбу жамиятнинг барча акциядорлари учун қулай бўлган оммавий ахборот воситасида чоп этишни назарда тутди.

Жамият томонидан акциядорнинг талабига кўра тақдим этиладиган, шунингдек чоп этиладиган ҳужжатлар ичида Қонун жамиятнинг аффилиланган шахслари (уларнинг эгаллигидаги акциялар тури ва сонини кўрсатган ҳолда) рўйхатини ҳам келтириб ўтади.

Жамиятнинг қарорларини қабул қилишда самарали иштирок этиш учун акциядор яна ким акциядор ҳисобланиши ва унда қанча миқдорда акция мавжудлигини билиши лозим. Қонун акциядорлар умумий йиғилишида 10 фоиз овоз берувчи акцияларга эга бўлган ак-

циядорларга акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати билан танишиб чиқиш ҳуқуқини беради. Бу меъёр бир томондан эгалик қилаётган акцияси миқдори умумий йиғилишда қарор қабул қилишга таъсир этиши мумкин бўлган акциядорларга бошқа акциядорлар ҳақида маълумот олиш имконини берса, иккинчи томондан, акциядорлар ўртасида акцияларнинг тақсимланиши тўғрисидаги ахборот ўз-ўзидан рақобатчилар учун тижорат қимматига эга бўлишини ҳам инобатга олиш лозим.

Шунга қарамасдан, қимматли қоғозлар бозорининг фаолият юртиш механизмлари тўғрисидаги Қонундан шундай хулосага келиш мумкинки, акциядор, ҳатто номинал сақловчи ҳам хоҳлаган вақтда реестр сақловчисидан рўйхатга олинган барча қимматли қоғозлар эгалари ва улар эгалигидаги қимматли қоғозлар сони, тури ва номинал қиймати ҳақидаги маълумотларни олиши мумкин. Бунда фақат бир шарт, у ҳам бўлса, акциядор ёки номинал сақловчининг овоз берувчи акцияларнинг 1 фоизидан кўп қисмига эга бўлиши кераклиги белгиланган.

3.2. Акциядорлик жамияти томонидан акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар чиқарилганда акциядорнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқи

Амалдаги қонунчилик жамият томонидан қимматли қоғозлар эмиссияси амалга оширилаётган вақтда жамият энг кенг аудиторияга тақдим этиши керак бўлган ахборотга нисбатан қаттиқроқ талаблар қўяди. Бундай ҳолда маълумотни ошкор этиш инвесторларга қулай инвестициявий қарорлар чиқариш имкониятини яратган ҳолда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг воситаси бўлиб ҳисобланади.

Акциядорлар учун эмиссия ҳақида унинг дастлабки босқичларидан бошлаб хабардор бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги Қонуннинг 52-моддаси 4-банди кун тартибига акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар ёки акцияларни жойлаштириш масаласи киритилган акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик босқичидаёқ акциядорларга бошқа материаллар билан бир қаторда кўрсатилган қимматли қоғозларнинг бозор қийматини аниқлаш тўғрисидаги кузатув кенгаши қарори, кворум ва овоз бериш натижаларини ўз ичига олган куза-

тув кенгаши мажлисининг баённомаси тақдим этилиши керак.

Қимматли қоғозлар очик обуна йўли орқали жойлаштирилган ҳолларда эмитент қимматли қоғозлар чиқариш яқунларининг рўйхатга олинганлиги тўғрисида ушбу ҳисобот билан қаерда танишиш мумкинлигини кўрсатган ҳолда маълумот чоп этиши шарт. Қимматли қоғозлар чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш билан бирга эмиссияси рисоласи ҳам рўйхатдан ўтказилган бўлса, эмитент чиқариш яқунлари тўғрисидаги ҳисоботдаги маълумотлар ҳақида ахборот чоп этиши керак. Бу қоида қимматли қоғозларнинг нархи тўлиқ тўланмагунча ва қимматли қоғозлар чиқариш яқунлари тўғрисидаги ҳисобот рўйхатдан ўтказилмагунча унинг эгаси томонидан қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимлар тузилишининг тақиқланиши муносабати билан янада муҳим бўлиб қолди. Эмитент томонидан ҳисоботни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотни чоп этиш мажбуриятининг лозим даражада бажарилганлиги акциядорга акциялар қайси вақтдан бошлаб қонуний тарзда бегоналаштирилиши тўғрисида ўз вақтида ахборот олиш имконини беради.

Демак, эмиссия жараёнида маълумотни ошкор этиш тизими ҳар бир акциядор у ҳақда етарли маълумот олиши мумкин бўлган тарзда қурилган ва агар унинг фикрича, эмиссия натижасида унинг ҳуқуқлари бузилган ёки бузилиши мумкин бўлган бўлса, у ваколатли давлат органи ёки судга шикоят билан мурожаат этиши мумкин.

Инвесторнинг ахборотга бўлган ҳуқуқларининг аниқ бузилиши қандай бўлиши мумкинлиги инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунда белгиланган. Бу – эмитент рисоласини имзолаган эмитентнинг мансабдор шахслари, унда кўрсатилган маълумотларни тасдиқлаган баҳоловчилар ва аудиторларнинг эмиссия рисоласидаги ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёки чалғитувчи ахборотларни кўрсатиш натижасида инвесторларга етказилган зарар учун жавобгарлигидир (Қонуннинг 8-моддаси). Зарарни ундириш тўғрисидаги масаласини қўйиш билан биргаликда уларнинг миқдорини исботлаш ҳам лозим. Шунини ҳам инобатга олиш лозимки, бундай даъволар бўйича қимматли қоғозлар жойлаштирилган кундан бошлаб 3 йил доирасида қисқартирилган – 1 йиллик даъво муддати ўрнатилган (Қонуннинг 5-моддаси 5-банди).

3.3. Акциялар ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар чиқариш жараёнида акциядорларнинг ҳуқуқлари

Юқорида таъкидланганидек, акциядорлик жамияти жойлаштирилган акцияларнинг номинал қийматини ошириш ва қўшимча акциялар жойлаштириш орқали ўз устав фондини кўпайтиради. Бунинг учун жамиятнинг уставига асосан қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисида акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг қарори чиқарилиши керак. Агар бундай қарор акциядорларнинг қонунда назарда тутилган ҳуқуқларини бузган ҳолда чиқарилган бўлса, қарорни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қўзғатилиши мумкин.

Умумий қоидага кўра, қўшимча акцияларни жойлаштириш натижасида акциядорларга тегишли акциялар миқдори номутаносиб тарзда ўзгариши мумкин. Лекин, акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги Қонуннинг 40-моддасига асосан жамият уставида ҳақи тўланадиган очик турдаги обуна ўтказилган ҳолларда овоз берувчи акциялар эгаларининг акциялар ёки акцияларга эркин айирбошланадиган қимматли қоғозларни ўз улушларига мутаносиб тарзда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқлари жамият уставида назарда тутилиши мумкин. Бундай ёзувлар акциядорлик жамиятлари уставларида кўп учратилади. Лекин уставда тегишли ёзув бўлган тақдирда ҳам ҳар бир алоҳида ҳолда акциядорлар умумий йиғилиши имтиёзли ҳуқуқни бир йилгача муддатга қўллаш тўғрисида қарор чиқариш имкониятига эга бўлади (Қонуннинг 40-моддаси 2-банди).

Агар акциядорлик жамиятининг уставида имтиёзли ҳуқуқ ҳақида ёзув бўлмаса ёки акциядорлар умумий йиғилиши имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарор чиқарган бўлса, акциядор қўшимча чиқарилаётган қимматли қоғозларга нисбатан худди оддий инвестор каби ҳуқуқларга эга бўлади.

Эмиссия жараёни қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Қонун ва уларни ижро этиш мақсадида чиқарилган Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг ҳужжатлари асосида батафсил тартибга солинади. Қимматли қоғозлар эмиссияси билан боғлиқ баъзи қўшимча чекловлар қимматли қоғозлар бозорининг фаолият юритиш механизми тўғрисидаги қонунда ҳам ўз аксини топган. Эмиссия бир неча рўйхатга олиш – қимматли

қоғозлар чиқарилишини рўйхатга олиш, эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш (агар бу қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонуннинг 19-моддасига асосан талаб этилса) каби жараёнларни ўзида акс эттиради.

Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг маълумотларига кўра, эмиссия рисоласида зарур маълумотларнинг бўлмаслиги ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг мавжудлиги рўйхатдан ўтказишни рад этишнинг нисбатан кўп тарқалган асоси бўлиб ҳисобланади. Қимматли қоғозлар чиқариш ва эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин ва шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази жавобгар сифатида иштирок этадиган кўпгина суд жараёнлари айнан қимматли қоғозлар чиқаришни рўйхатдан ўтказишни рад этиш билан боғлиқ.

Қимматли қоғозларни жойлаштириш тугаши билан жамиятда тасдиқланган ҳисобот ҳам рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади. Агар шу пайтга қадар эмиссия жараёнида эмитент томонидан қонунчилик талабларининг бузилиш ҳоллари ёки қимматли қоғозлар чиқариш рўйхатга олинган ҳужжатларда ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотнинг мавжудлиги аниқланса, ҳисоботни рўйхатдан ўтказиш рад этилиши мумкин, бу эса қимматли қоғозларни чиқарилмаган деб топиш учун асос бўлади.

Қимматли қоғозларни чиқариш бўйича қонун талабларига риоя этилмаганлиги ҳисоботни рўйхатга ўтказгандан кейин маълум бўлса, қимматли қоғозларни чиқариш суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Агар қимматли қоғозлар чиқарилганлиги ҳақиқий эмас ёки чиқарилмаган деб топилган бўлса, эмитент бундай қимматли қоғозларни сотиш орқали олган пул воситалари ва бошқа мол-мулкни ўз эгаларига қайтариши лозим. Қайтариш қоидалари биринчи навбатда чиқарилмаган деб топилган қимматли қоғозлар эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунга асосан бундай қайтариш тўғрисида Низом ишлаб чиқилган. Лекин у чиқарилмаган деб топилган қимматли қоғозлар эгаларининг ҳуқуқларини етарли даражада ҳимоя қилмайди. Биринчидан, Низомнинг 4.1-бандига асосан инвестиция қилинган барча воситалар уларнинг қандай шаклда мол-

мулк ёки пул шаклда киритилганлигидан қатъи назар, пул шаклида, валютада киритилган воситалар эса сўмда қайтарилиши керак. Иккинчидан, Низомнинг 4.2-бандига асосан инвестиция воситалари нархи уларга тўланган ҳақ миқдори асосида қайтарилади, шунга қарамадан, улар бир вақтда тўланмасдан, Низомда беш ой муддат белгиланган бир қатор ҳаракатлар қилинганидан кейингина амалга оширилади. Бундай қоидалар Фуқаролик кодексининг асоссиз бойлик орттириш ҳақидаги меъёрларига қарши бўлади. Қимматли қоғоз эгаси ҳақиқатдан ҳам ўзи тўлаган ҳақни олиш ҳуқуқига эга бўлади, лекин бу ҳақ қимматли қоғозлар чиқариш ҳақиқий эмас ёки чиқарилмаган деб топилган санадан бошлаб тўланган воситалар қайтарилган санага қадар Фуқаролик кодексининг 419-моддаси 3-қисми қоидаларига асосан ўзганинг мулкидан фойдаланганлик учун фоизни ҳисобга олган ҳолда қайтарилиши керак. Мол-мулкка келганда эса у Фуқаролик кодексининг 114-моддасига асосан натура тарзида қайтарилиши керак. Қайтарилаётган воситаларнинг миқдори борасида келишмовчилик чиққан ҳолларда қимматли қоғоз эгаси судга мурожаат этиши мумкин.

Шундай қилиб, амалдаги қонунчилик акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида давлат органларининг, айниқса суднинг фаол ўрнини назарда тутди.

4-§. Корпоратив низолар: уларнинг турлари, ҳал этиш усуллари ва шакллари

"Корпоратив низолар" атамаси кўпгина бошқа мамлакатлар сингари бизда ҳам борган сари нисбатан кенг қўлланилиб, асосан қонун меъёрларининг бузилиши ва нафақат миноритар, балки барча акциядорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг чекланишидан келиб чиқмоқда. Ишда бу турли хилдаги низолар, акциядорлар ва инвесторларнинг тўқнашувлари, юридик шахс сифатида акциядорлик жамиятига нисбатан даъволар каби кўринишларда намоён бўлади. Бу низоларнинг асосида одатда томонларнинг иқтисодий манфаатлари ётади, кўп ҳолларда эса миллий қонунчиликдаги бўшлиқлар ва ҳар хилликлар ёки уларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ ёхуд чет эл давлатлари қонун меъёрлари билан мос келмаслиги туфайли жиддий қарама-қаршиликлар вужудга келади.

Фонд бозорининг ривожланмаганлиги, фонд биржалари фао-

лиятини ташкил этиш ва юритиш борасида турли хил нуқсонларнинг мавжудлиги кўпгина низоларни келтириб чиқарувчи объектив омиллар бўлмоқда. Акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ва қонуннинг ҳақиқий ёки эҳтимолий бузилишлари тўғрисидаги ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш механизмида бир қатор камчиликлар мавжуд. Уйдирма ёзиб, олдиндан билган ҳолда ёлғон маълумотлар асосида асоссиз шикоят қиладиган шахсларга нисбатан қонунчиликда ҳаракатда бўлувчи жазоларни (айниқса маъмурий тартибдаги жарималарни) қўллаш назарда тутилса, ўйлаб топилган ва асоссиз шикоятларнинг сони камайган бўлармиди. Бунда бундай ариза ва шикоятларни текшириш ваколатли давлат органларининг кўп эътибори, вақти ва воситаларини жалб қилишини ҳам инобатга олиш лозим.

Бошқа томондан, акциядорларнинг ва корпоратив фаолиятнинг бошқа иштирокчилари ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари борасидаги қонун талабларини бузганлик учун жазо чораларини кучайтириш талаб этилади. Бу нафақат жарималар, балки акциядорлик жамиятлари мансабдор шахсларини эгаллаб турган лавозимидан озод этиш, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини қимматли қоғозлар бозорида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этиш кабилардан иборат бўлиши лозим.

Реал корпоратив низоларнинг нисбатан муҳим сабаблари бўлиб қуйидагиларга тааллуқли қонунчилик меъёрларининг бузилиши бўлиб ҳисобланади:

- жамиятнинг таъсис ҳужжатлари (уставлар, таъсис шартномалари каби);
- акциядорлар умумий йиғилишлари ва уларнинг бошқарув органларига сайловларни ўтказишга тайёргарлик ва уни ўтказиш;
- устав капитали;
- қимматли қоғозлар эмиссияси;
- қимматли қоғоз эгалари реестри;
- қимматли қоғозлар муомаласи;
- акцияларнинг бир қанча турлари бўйича дивидендларни аниқлаш ва уларни тўлаш тартиби;
- маълумотни ошкор этиш;
- йирик ва манфаатли битимларни тузиш;
- корпоратив ташкилотларнинг фаолияти юзасидан бошқарув органлари ваколатлари;

- монополияга қарши тадбирлар;
- хорижий акциядорлар ва инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари;
- қимматли қоғозлар, дивиденд кабиларга нисбатан мерос.

4.1. Таъсис ҳужжатларидаги камчиликлар билан боғлиқ низолар

Акциядорлик жамиятларининг таъсис ҳужжатларидаги жиддий камчиликлар, бўшлиқлар ва бошқа нуқсонлар билан боғлиқ кўпгина низолар ушбу ҳужжатлар қоидаларининг Фуқаролик кодекси, акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги билан боғлиқ бўлади.

Жамиятларнинг уставларида кўп ҳолларда акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш, унинг бошқарув органларига сайлов ва уларнинг ваколатлари, умумий йиғилишлар, акциялар чиқаришни ўтказиш, дивидендларни тақсимлаш, акциядорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бошқарув каби масалаларга тегишли қоидалар аниқ, равшан баён этилмайди. Баъзида уставларда акцияларни олиш ва сотишга нисбатан қонунга зид бўлган турли хил чекловлар назарда тутилади. Акциядорларнинг умумий йиғилиш ва овоз беришда иштирок этиш, акциялар чиқарилганлиги ҳақида хабардор бўлиш борасидаги ва бошқа ҳуқуқлари чекланади.

Акциядорлик жамиятини ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномалари акцияларнинг ҳақини тўлаш миқдори ва тартиби, жамият таъсисчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби бир қатор мажбурий қоидаларни ўзида акс эттирмайди. Натижада АЖнинг турли таъсисчилари ўртасида одатда устав капиталини тўлиқ тўланмаслигига олиб келувчи низо келиб чиқиши мумкин.

Қимматли қоғозлар чиқаришни рўйхатдан ўтказиш борасидаги қонун меъёрларининг бузилиши, ушбу қимматли қоғозлар асосида тузилган битимларнинг бекор бўлиши ва акциядорларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, кўп ҳолларда улар шикоят қилишга мажбур бўладилар.

Умуман олганда акциядорлар жамиятнинг таъсис ҳужжатлари, устав фонди ҳолати, қимматли қоғозлар эмиссияси ва АЖ устави ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ахборотлар билан танишиш ҳуқуқига эга бўлади.

4.2. Акциядорлар реестрини юритиш билан боғлиқ низолар

Жамият ёки қонунда белгиланган ҳолларда махсус рўйхатчи томонидан акциядорлар реестрини юритиш борасидаги қонун талабларининг бузилиши ҳам кам низоларни келтириб чиқармайди. Акциядорлар реестрини юритиш тартиби борасидаги камчиликлар акциядорнинг умумий йиғилишда иштирок этиши, акцияларга нисбатан мулк ҳуқуқи, дивиденд олишга бўлган ҳуқуқи каби низоларни келтириб чиқаради. Бундай тўқнашувлар АЖ қимматли қоғозига нисбатан мулк ҳуқуқининг ўтиши ҳақидаги ёзувнинг реестрда мавжуд бўлмаслиги, тегишли ҳужжатлар тўпламининг мавжуд эмаслиги ёки уларнинг тегишли тартибда сақланмаслиги каби ҳолатлар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Реестрни юритишдаги ҳар қандай камчилик манфаатларнинг кескин тўқнашувига, шунингдек, акциядорларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, шу жумладан тегишли инстанцияларга шикоятлар қилиш ёки суд органларига даъво билан мурожаат этиш йўли билан интилишларига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатлар акциядорларнинг турли гуруҳлари ўртасида ҳамда акциядорлар ва АЖ бошқарув органлари орасида низолар келиб чиқишига сабаб бўлади.

4.3. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш билан боғлиқ корпоратив низолар

Корпоратив низоларнинг кўпгина қисми акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш, овоз бериш жараёни ҳамда умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларни расмийлаштиришдаги камчиликларга тўғри келади. Бундай низолар қуйидагилар асосида келиб чиқади:

– алоҳида раҳбарларнинг (бошқарувчилар, директорлар) акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишини бузиш, уни қонунчиликда белгиланган муддат ва қоидаларни бузган ҳолда ўтказиш, олдиндан тасдиқланган йиғилиш кун тартибига ўзгартириш киритиш, унга йиғилиш давомида янги масалаларни киритиш, зарур кворумни таъминламасликка ҳаракат қилишлари;

– акциядорларни йиғилиш ўтказилиши тўғрисида хабардор эт-

маслик ва (ёки) акциядорлар рўйхатига киритмаслик каби йўллар орқали у ёки бу акциядорларнинг умумий йиғилишда иштирок этишига рухсат бермаслик;

– акциядорларнинг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан овоз бериш ҳуқуқини бузиш; "бир акция-бир овоз" тамойилини бузиш; АЖ бошқарув органларини қонуннинг тегишли меъёрларини бузган ҳолда шакллантириш; "керакли" қарорларни олиш мақсадида жараён тадбирларини ўтказишда найранг ишлатиш;

– кузатув кенгаши, ижро органига (бош директор ва бошқалар) сайланган аъзоларнинг ваколатларини қонун ва АЖ устави талабларига зид равишда тақсимлаш;

– ноқонуний тарзда янги (навбатдан ташқари) акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш;

– умумий йиғилишдан акциядорлик жамияти, айниқса миноритар акциядорлар зарарига ўзининг ғараз мақсадини кўзловчи йирик акциядорлар, акциядорлар гуруҳларидан бири, бош директор ёки бошқарувчилар учун фойдали бўлган қарорларни қабул қилиш учун фойдаланиш.

Одатда умумий йиғилишни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек у томонидан қарорлар қабул қилиш жараёнларида қонун ва АЖ устави қоидаларининг бузилиши улар устидан шикоят беришга сабаб бўлади.

Масалан, қонунда акциядорнинг кун тартибига киритган масаласи ҳамда жамият органларини сайлашда у томонидан овоз бериш рўйхатига таклиф этилган номзодни рад этишнинг қатъий рўйхати келтирилган. Ассосиз рад этишлар устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатини ўз вақтида тузмаслик; йиғилишни чақириш ва унинг кун тартиби ҳақида акциядорларни ўз вақтида хабардор этмаслик ёки йиғилиш ўтказиладиган сана ва жойни кўрсатмасдан хабардор этиш; овоз бериш бюллетенларини жўнатмаслик ёки ўз вақтида жўнатмаслик; йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олиш тартибини бузиш; акциядор ворисини (ёки вакилини) умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этиш; овозларни санашда йўл қўйилган қонунбузилишлари; умумий йиғилиш ва овоз бериш натижалари баённомаларини тузиш, уларнинг мазмуни ва расмийлаштирилиши тўғрисидаги

қонун талабларининг бузилиши кабилар устидан шикоят қилинади.

Умумий йиғилиш томонидан мажбурий тарзда кўриб чиқилиши лозим бўлган масалаларнинг кўриб чиқилмаганлиги ва (ёки) улар юзасидан тегишли қарорларнинг чиқарилмаганлиги шикоят предмети бўлиши мумкин. Акциядорлар умумий йиғилиш ўтказилиши муносабати билан қонун бўйича эга бўлишлари лозим бўлган ахборотлар уларга тақдим этилмаганлиги факти юзасидан ҳам шикоятлар беришлари мумкин. Бунда ушбу ёки бошқа сабабларга кўра йиғилиш ўтказилганлигини ноқонуний, унинг қарорини эса ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд томонидан амалга оширилиши мумкинлигини инобатга олиш лозим.

4.4. Акцияларни куч ишлатиш билан сотиб олиш ва дўстона бўлмаган сингишлар

Бу корпоратив низолар у ёки бу инвесторнинг (инвесторларнинг) бошқа акциядорлардан (одатда миноритар акциядорлардан) бошқарувчилар розилигисиз акцияларнинг назорат пакетини сотиб олиш ҳаракатларидан келиб чиқиб, унинг натижасида нафақат акциядорлар, балки акциядорлик жамияти ҳам каттагина зарар кўриши ёки акциядорлар таркиби, АЖ бошқарув органлари, дивиденд сиёсати ва умуман ушбу акциядорлик жамиятининг фаолият йўналишлари ўзгаришига олиб келиши мумкин. Бунда акциядорлар ва умуман акциядорлик жамиятига нисбатан куч ишлатиш ва уларни кўрқитишнинг турли усуллари қўлланилиши мумкин. Бу ерда акцияларни қарши сотиб олиш, АЖ баланси ёки шўъба корхонасига унинг ўзига тегишли бўлган акцияларни сотиб олиш, кўшимча тарзда қимматли қоғозлар чиқариш, бир шахс эгалигида бўлиши мумкин бўлган овоз берувчи акциялар сонига нисбатан уставда чекловларнинг ўрнатилганлиги кабилар юқоридаги ҳолатларга нисбатан ҳимоя воситалари ҳисобланади. Агар дўстона бўлмаган сингишларга ҳаракат қилишнинг усул ва воситалари қонунга тўғридан-тўғри мос келмаса, у ҳолда улар устидан тегишли органлар, шу жумладан судга шикоят қилиш лозим. Қонун акциядорларни инсофсиз банкротликка олиб келиш ҳаракатларидан ҳам ҳимоя қилади.

4.5. Дивиденд сиёсатининг нуқсонлари

Кўпгина корпоратив низолар дивиденд сиёсатининг нуқсонлари, айниқса унинг очиқ эмаслиги ва мувозанатлашмаганлиги туфайли келиб чиқади.

Қонун ва устав талабларига асосланган ҳолда оғишмай, ошқора, босқичма-босқич, яхши мувозанатлаштирилган ва ўйланган ҳолда амалга ошириладиган дивиденд сиёсати кўпгина корпоратив низоларнинг олдини олишнинг ҳаракатдаги, муҳим омилдир, чунки корпоратив фаолият иштирокчилари табиий равишда ушбу фаолиятдан энг кўп миқдордаги фойда, айниқса улар томонидан сотиб олинган акциялардан дивидендлар олишдан манфаатдор бўлади. Лекин бунда дивиденд "орқасидан ўта тезлик билан қувиш" корпоратив ташкилотга ҳам, акциядорнинг ўзига ҳам катта зарар етказиши, шунингдек, акциядорлик жамиятининг молиявий базасини барбод этиши, ҳатто уни техник-иқтисодий жиҳатдан банкротликка олиб келиши ҳам мумкин.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, кўпгина корпоратив низолар нафақат акциядорларнинг дивидендлар миқдоридан норозилигидан, балки уларни тўлашнинг мунтазамлиги тамойили бузилишидан ҳам келиб чиқади. Акциядорлик жамиятининг уставига асосан унинг умумий йиғилиши ва бошқарув органлари қарори асосида дивидендларнинг мунтазам равишда тўлаб борилиши ушбу корпорациянинг обрўсини оширади, унинг қимматли қоғозлари жалб этилиш доирасини кенгайтиради, уларнинг қўшимча эмиссия қилиниши имкониятларини оширади ва бозор қийматларининг кўтарилишига олиб келади, турли ташқи инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторлардан тижорат қарзлари ва капитал қўйилмаларининг олинишини енгиллаштиради. Миқдори ушбу жамият даромадига боғлиқ бўладиган дивидендларнинг мунтазам равишда тўланиши акциядорлик жамиятининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш манфаатлари ҳамда акциядорларнинг узок муддатли манфаатларига жавоб беради. Бунинг устига унинг меъёрий ҳужжатларида одатда аниқ белгиланган муддатларда тўланадиган дивидендларнинг муайян энг кам миқдори белгиланган бўлиши керак. Шунингдек, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби ва миқдорлари ҳам аниқ белгиланган бўлиши лозим. Акс ҳолда ўзларига дивиденд тўланишини суд тартибида талаб қили-

ши мумкин бўлган имтиёзли акциялар эгалари билан бўлиши мумкин бўлган тўқнашувларнинг олдини олиш қийин бўлиб қолади.

Дивидендлар тўлаш ҳақидаги қарорни ҳам оддий ҳам имтиёзли акцияларга эга бўлган акциядорларнинг малакавий кўпчилик овози асосида умумий йиғилишда қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу қонданинг бузилиши кескин корпоратив низоларга сабаб бўлиши мумкин.

Лекин барча ҳолларда ҳам акциядорларнинг дивиденд тўлаш билан боғлиқ талаблари асосли бўлмайди, чунки корпоратив фаолият таваккалчилик, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдаги турли қийинчиликлар ҳамда турли кўринишдаги ташқи тартиб ҳолатлари (бозор конъюнктураси, солиқ, божхона ва бошқа соҳалардаги сиёсатларда юз берган жиддий ўзгаришлар) билан бевосита боғлиқ бўлади.

Бир қатор ҳолларда (масалан, агар жамиятда банкротлик аломатлари пайдо бўлган бўлса, устав капитали тўлиқ тўлангунга қадар ва бошқалар) қонун дивидендлар тўлашни тақиқаб қўяди. Ушбу масалалар бўйича ҳам амалиётда алоҳида акциядорлар, айниқса имтиёзли акциялар эгаларининг дивиденд тўлаш ҳақидаги талабларини учратиш мумкин, лекин бу талаблар шубҳасиз тегишли асослардан маҳрум этилган ва улар қонунда белгиланган меъёрларга мос келмайди.

Дивидендлар тўлаш тартиби ва миқдорлари, акциядорлик жамиятининг молиявий-иқтисодий аҳволи, унинг даромадлари, харажатлари, қимматли қоғозлар эмиссияси ва бошқа ҳолатлари ҳақидаги ахборотларнинг ошкоралиги дивиденд масалалари бўйича низоларнинг олдини олишнинг муҳим шарти бўлиб ҳисобланади.

Ушбу кўрсаткичлар устидан умумий йиғилиш, АЖ бошқарув органлари, тафтиш комиссияси ва аудит назоратининг мавжудлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Акциядорлар ушбу масалалар бўйича уларнинг ҳужжатлари билан ҳам танишиб чиқиш имкониятига эга бўлишлари лозим. Кўп ҳолларда айниқса миноритар акциядорлар томонидан ушбу масалалар юзасидан уларнинг хабардор этилмаганликлари, ҳатто уларга бундай маълумотларни тақдим этиш рад этилганлиги мазмунидаги шикоятлар берилади.

Дивидендларни нақд пулсиз, яъни қандайдир мулк (АЖнинг маҳсулоти ёки янги акцияси) билан тўланган ҳолларда ҳам, агар бундай шаклда тўлаш АЖ устави ёки умумий йиғилиш қарорида назарда тутилмаган бўлса, низолар келиб чиқишига сабаб бўлади. Агар акциядор

шундай тўлов шаклини қўллашга розилик билдириб овоз бериб кейинчалик бунга эътироз билдирган бўлса, унинг шикоят асосиз деб топилади. Дивидендлар тўлаш масаласидаги акциядорларнинг ҳуқуқлари бузилиши бўйича етарли даражада асосланган шикоятлар асосидагина суд ҳимоясидан фойдаланиш мумкин.

4.6. Корпоратив низоларни вужудга келтирувчи омил сифатида акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш

Акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш бу умуман олганда бир юридик шахс ҳуқуқ ва мажбуриятларининг иккинчисига ворислик тартибида ўтиши билан боғлиқ АЖ ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгаришидир. Бу каттагина амалий тажриба, аниқ ҳолатлар мажмуи ва албатта акциядорлар манфаатларини ҳисобга олишни талаб этадиган, амалдаги қонунчилик асосида амалга ошириладиган узоқ ва мураккаб тадбирдир.

Шунинг учун акциядорлар биринчи навбатда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли бўлган ушбу акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш, унинг сабаблари, вазифалари ва оқибатлари ҳақида хабардор бўлишлари лозим. Акс ҳолда акциядорлик жамиятининг қонун, биринчи навбатда Фуқаролик кодекси ва акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун меъёрларига мос бўлмаган тарзда қўшилиши, бирлашиши ёки бўлиниши, ажралиши ҳолларида ёппасига кескин тусдаги корпоратив низолар келиб чиқиши мумкин. Бундай тадбирлар акциядорлар умумий йиғилиши ёки суднинг қарори асосида амалга оширилади.

Бундай ҳолларда акциядорлар жамият очик ёки ёпик акциядорлик жамияти бўлишидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқий мақомини инобатга олган ҳолда, жамиятдан уларнинг эгалигидаги акцияларни бозор нархида сотиб олиш ёки бошқа қимматли қоғозларга алмаштиришни талаб қилишлари, шунингдек, акцияларни қайта ташкил этилаётган АЖнинг акциядорлари ҳисобланмаган бошқа шахслар орасида жойлаштиришга эътироз билдиришлари мумкин. Акс ҳолда бу бир қанча низоларнинг келиб чиқиши ва жамият фаолиятининг тўхташига олиб келиши мумкин.

АЖ қайта ташкил этилган ҳар қандай шаклда акциядорлар томо-

нидан уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши, уларнинг манфаатларига зарар етказилишига, энг аввало жамиятга қўйилган ўз воситаларини йўқолишига йўл қўймасликка интилишлари низолар келиб чиқишининг манбаи бўлиб ҳисобланади. Лекин турли акциядорлар, йирик қимматли қоғозлар пакети эгалари, миноритарийлар, оддий ва имтиёзли акциялар эгаларининг манфаатларини "умумий махражга" келтириш жуда қийин, бунда айниқса, амалиётда кўп учрайдиганидек миноритар акциядорлар қайта ташкил этиш, унинг моҳияти, мақсадлари ва оқибатлари хусусида, маълумотга эга бўлмасалар, жуда катта жабр кўрадилар, акциядорлар сонининг кўплиги ва уларнинг узоқ жойларда жойлашганлиги бу жараёни янада қийинлаштиради. Кўпгина низо ва шикоятлар шундан келиб чиқади. Миноритар акциядорлар умумий йиғилишга тегишли расмийлаштирилган ҳужжатлар билан бирга ўз вакилларини жўнатишлари мумкин, лекин ҳатто кичик акциядорлар манфаатларини гап сўзсиз ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳам бошқарув ёки кузатув кенгаши аъзолари томонидан ўз ҳуқуқларининг чекланиши ва уларга нисбатан турли босимларнинг амалга оширилишини бошларидан кечирадилар.

4.7. Корпоратив низоларнинг бошқа турлари

Қонунда белгиланган тартибни бузган ҳолда акциядорлик жамияти бошқарув органларининг аъзолари ва (ёки) аффилиланган шахслар томонидан тузилган **манфаатдорлик мавжуд бўлган битимлар** ҳам акциядорларни шикоят беришга мажбур қилиши мумкин. Бундай битимлар турли акциядорларнинг айниқса, бундай масалаларни муҳокама қилиш жараёнида умумий йиғилишда иштирок этмаган ва бунинг натижасида ўз эътирозларини билдириш ҳамда "қаршиман" деб овоз бериш имкониятига эга бўлмаган кичик акциядорларнинг манфаатларини жиддий тарзда чеклаб қўйиши мумкин. Бундай ҳолларда улар ўз акцияларини сотиб олиш учун жамиятга тақдим этишлари, уларнинг ҳуқуқлари бузилган ҳолларда эса судга мурожаат этишлари мумкин.

Низоли ҳолатларнинг бир қисми қимматли қоғозлар эгалари реестрини сақловчи **рўйхатчиларнинг** ҳаракатлари туфайли юзага келади. Рўйхатчилар акциядорларга ушбу акциядорлик жамиятининг акциядорлари таркиби, уларга тегишли акциялар сони, умумий йиғи-

лишда иштирок этувчи шахслар ҳақидаги маълумотларни тақдим этишга мажбурдирлар. Баъзи ҳолларда, айниқса маълумотларни акциядор илтимосига кўра унинг вакили талаб қилган ҳолларда акциядорларга бундай маълумотларни олиш осон кечмайди. Бунда рад этиш тегишли ишончноманинг расмийлаштирилишидаги камчиликлар ёки акциядорнинг жамият раҳбариятига АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни сўраб мурожаат этмаганлиги кабилар баҳона қилинади. Акциядорга бошқа акциядорларнинг рўйхатларини беришдаги кечиктиришлар ҳам акциядорлар ва рўйхатчилар ўртасида корпоратив низоларнинг келиб чиқишида муҳим ўрин тутди. Бу низоларни ҳал этиш учун акциядор қимматли қоғозлар бозорини назорат қилувчи тегишли органга бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш талаби билан мурожаат этиши мумкин. Албатта бундай турдаги шикоят ва даъволар тегишли асосларга (шу жумладан ҳужжатда акс этган) эга бўлиши лозим. Лекин, афсуски, амалиётда ваколатли органларнинг фақат вақти ва эътиборини оладиган, ўйлаб топилган асоссиз шикоятлар ҳам анчагинани ташкил этади.

Суд амалиётида акциядорларнинг корпоратив қонунчилик талаблари, АЖ устави ва бошқа ҳужжатлари билан таниш эмасликлари асосида келиб чиққан асоссиз шикоят ва даъволари билан бир қаторда уларнинг ноқонуний ҳаракат ва талаблари ва ҳатто акциядорлар томонидан ғараз мақсадларда раҳбарий органлар ва акциядорларнинг алоҳида гуруҳларини кўрқитиш орқали низолар келтириб чиқариши ҳоллари кузатилади. Бундай ҳаракатлар кўп ҳолларда акциядорлик жамиятини ўзларида мавжуд бўлган акцияларни сотиб олишга мажбур қилиш, улар учун қулай бўлмаган умумий йиғилиш қарорини бекор қилишга эришиш, "кучлар нисбатининг" ўзгаришига эришиш ва бошқа мақсадларда миноритар акциядорлар томонидан содир этилади. Ушбу мақсадларда қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш, фактларни бузиб кўрсатиш ҳоллари кабилардан фойдаланиш мумкин.

Судларга ҳар бир алоҳида ҳолатда берилган шикоятларни батафсил ўрганиш, ҳар қандай акциядорнинг ҳақиқатда бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шу билан бирга ўйлаб топилган шикоят ва даъволарни рад этишга тўғри келади. Бундай ишлар

ишнинг хусусияти ва тааллуқлилигига қараб, умумий юрисдикцияли судлар томонидан ҳам, хўжалик судлари томонидан ҳам кўрилиши мумкин. Корпоратив низоларни Ўзбекистон Республикасида ҳозирча фақат Тошкент шаҳрида мавжуд бўлган ҳакамлик судларида ҳам ҳал этиш мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Акциядорларнинг асосий ҳуқуқлари нималардан иборат?
2. Ушбу қонунлар қонунда қандай мустаҳкамланган?
3. Ушбу ҳуқуқлар ҳимоясини амалга оширишнинг усуллари қандай?
4. Акциядорлар ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлашда қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг ўрни қандай?
5. Акциядорлар ҳуқуқларининг суд ҳимояси қандай амалга оширилади?
6. Акциядорнинг акциядорлик жамияти ишларининг ҳолати ҳақида маълумот олиш ҳуқуқи нимани ўзида акс эттиради?
7. Корпоратив низоларни келтириб чиқарувчи асосий сабаблар нималардан иборат?
8. Низоларнинг турлари ва уларни ҳал этиш йўллари.

Х БОБ АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ (ҲИСОБДОРЛИК)

1-§. Ахборотни ошкор этиш тушунчаси, зарурияти, турлари ва шакллари

Акциядорлар ўзларининг акцияларни сотиш, овоз бериш ҳуқуқларини муваффақиятли амалга оширишлари, шунингдек, агар уларда корпорация, унинг фаолияти ҳолати тўғрисида маълумот бўлса, ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишлари мумкин. Шунинг учун ахборотга бўлган ҳуқуқ ҳар бир акциядорларнинг (шунингдек кредиторларнинг) асосий ҳуқуқларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Умуман ахборотни ошкор этиш деганда, ошкор этилмаслиги бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклайдиган маълумотни ошкор этаётган шахснинг фаолияти ёки ҳуқуқий ҳолатига доир ахборотни (маълумотлар мажмуасини) муайян шахслар доирасига етказиш тушунилади.

"Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларнинг ошкор этилиши тўғрисида"ги Низомда қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларнинг ошкор этишнинг қуйидаги турлари кўрсатилади:

- 1) эмитентлар томонидан ахборотни ошкор қилиш;
- 2) инвестиция институтлари томонидан ахборотни ошкор этиш;
- 3) қимматли қоғозлар бозорида савдони ташкиллаштирувчилар томонидан ахборотни ошкор этиш;
- 4) қимматли қоғоз эгалари томонидан ахборотни ошкор этиш;
- 5) ваколатли давлат органи томонидан ахборотни ошкор этиш.

Гарчи ушбу бобда асосан корпорация томонидан ахборотни ошкор этиш ҳақида сўз борсада, юқорида санаб ўтилган ахборотни ошкор этишнинг турлари корпорациялар фаолиятини тартибга солиш, акциядорларнинг манфаатлари билан тўғри ёки эгри боғлиқлиги ва бошқа ҳолатларни инобатга олиб, қуйида уларнинг ҳар бир турига қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Эмитентлар томонидан ахборотни ошкор этиш. Эмитентлар деганда инвестиция жалб этиш мақсадида сотиш учун қимматли қоғоз чиқарадиган шахслар тушунилади. Уларга асосан акция, облига-

ция ва бошқа қимматли қоғозлар чиқарадиган акциядорлик жамиятлари киради. Эмитентлар қуйидаги йўллар орқали ўзининг молиявий-хўжалик фаолияти ҳақидаги ахборотларни ошкор этади:

- акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларга тегишли ахборотларни тақдим этиш;
- тегишли ахборотни чоп этиш;
- ваколатли давлат органи – қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказига йиллик ҳисоботни тақдим этиш.

Низом ҳақида бошқа бобларда батафсил маълумот берилган.

2. Инвестиция институтлари томонидан ахборотларни ошкор этиш. "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизмлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига асосан инвестиция институтлари қимматли қоғозлар бозорини савдони ташкиллаштиради, воситачилик, маслаҳат бериш ва бошқа фаолият билан шуғулланади. Инвестиция институтларининг инвестиция воситачиси (молия брокери ва дилери); инвестиция маслаҳатчиси; инвестиция компанияси; инвестиция фонди; бошқарувчи компания; депозитарий; ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (ташкilotи); қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини сақловчи; қимматли қоғозларни номинал сақловчиси каби турлари фаолият кўрсатиши мумкин. Масалан, бошқа инвестиция институтлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг инвестиция активларини бошқариш бўйича фаолият юритувчи, шунингдек, қимматли қоғозлар олди-сотдисини амалга оширувчи инвестиция институтлари компаниянинг бошқарувчилари деб номланади.

Инвестиция институтлари икки субъект – давлат ва инвесторлар олдида ахборотларни ошкор қилишга мажбур. Улар давлат олдида ахборотларни мунтазам равишда ва уларнинг фаолиятидаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, масалан, агар улар бир чорак давомида бир эмитентнинг фақат бир турдаги қимматли қоғозлари билан операцияларни амалга оширган ҳолларда ошкор этишга мажбурдирлар. Инвесторнинг талабига кўра инвестиция институти қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси, инвестиция институтининг юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, устав капитали, ундаги ўзининг воситалари миқдори ҳақидаги маълумотлар, унинг заҳира фонди ҳақидаги ва бошқа маълумотлар.

мотларни тақдим этиши шарт.

3. Қимматли қоғозлар бозорида савдони ташкиллаштирувчилар томонидан ахборотни ошкор этиш. Савдони ташкиллаштирувчилар, яъни фонд биржалари, инвестиция институтлари, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдосини ташкил этиш учун тузилган инвестиция институтларининг бўлинмалари ҳар бир манфаатдор шахсга қимматли қоғозлар бозори иштирокчисининг савдода иштирок этиш, битимларни тузиш ва солиштириш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва ижро этиш қоидалари ҳақидаги ахборотларни ошкор этишга мажбурдирлар.

4. Қимматли қоғозлар эгалари томонидан ахборотларни ошкор этиш. Қимматли қоғозлар эгаси эмитент қимматли қоғози хоҳлаган турининг 35 ёки ундан кўп фоизига эгалик қилиши тўғрисидаги ахборотни битим тузилган кундан бошлаб 3 кун муддат ичида ваколатли давлат органига ошкор этиши керак. 1998 йил 22 майда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги Монополияга қарши кураш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси томонидан 1998 йил 22 майда тасдиқланган "Хўжалик субъектининг 35 фоиздан кўп акцияларини сотиб олиш устидан назорат тўғрисида"ги Йўриқномада ошкор этишнинг бундай тури батафсил тартибга солинган. Бу ҳолда ахборот ушбу бобнинг 3-параграфида батафсил тўхтаниладиган монополияга қарши кураш мақсадларида ошкор этилади.

5. Ваколатли давлат органи томонидан ахборотни ошкор этиш. Унинг мажбуриятларига қонунда белгиланган маълумотлар, шунингдек, қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари, шу жумладан акциядорлик жамиятлари томонидан ахборотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ошкор этилиши устидан назорат қилиш кабилар киради. Мазкур орган ахборотларни уларни чоп этиш шаклида ошкор этади. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчисининг савдода иштирок этиш, битимларни тузиш ва солиштириш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва ижро этиш қоидалари билан боғлиқ ахборотлар чоп этилади.

Демак, акциядорлик жамияти давлат ва акциядорлар олдида ўз фаолияти ҳақидаги ахборотни ошкор этишга мажбур. Уни ошкор этишдан асосий мақсад акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш бўлиб ҳисобланади, чунки, бундай ҳолда давлат, биринчи навбатда ўзининг ваколатли органи – қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази шахсида акциядорлар

манфаатлари ҳимоячиси сифатида чиқади. Шундан келиб чиқиб, акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларга тегишли ахборотни тақдим этиш, тегишли ахборотни чоп этиш, ваколатли органга йиллик ҳисоботни топшириш кабилар акциядорлик жамиятлари томонидан ахборотларни ошкор этиш шакллари ҳисобланади.

2-§. Корпорациянинг ҳисобдорлиги, тижорат сири ва корпорацияларда ахборотни ошкор этиш

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 105-моддасида кўрсатилишича, жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиши ва молия ҳисоботини тақдим этиши шарт. Жамиятда бухгалтерия ҳисоб-китобини ташкил этиш, унинг ҳолати ва тўғри юритилиши, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботлари, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларига жамият фаолиятига доир маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроия органи зиммасида бўлади.

Бухгалтерлик ҳисоб-китоби корхонанинг мол-мулки, мажбуриятлари ва ҳужжатларда ҳисоб-китоб қилинадиган бошқа барча хўжалик операциялари ҳақидаги пулда ифодаланган маълумотларни йиғиш, рўйхатдан ўтказиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимини ўзида акс эттиради. Корхоналарнинг мол-мулки, уларнинг мажбуриятлари ва фаолиятлари давомида амалга оширадиган хўжалик операциялари бухгалтерилик ҳисоб-китобининг объектлари ҳисоб-ланади.

Бухгалтерлик ҳисоб-китобини юритиш жамиятни оператив бошқарув ва унга раҳбарлик қилиш; хўжалик операцияларини амалга ошириш вақтида қонунчиликка риоя қилиш ва уларнинг мақсадга мувофиқлиги, белгиланган меъёрлар ва сметаларга кўра мол-мулк ва мажбуриятларнинг ҳаракати, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланишнинг мавжудлиги устидан назорат қилиш учун зарур бўлган, жамият хўжалик фаолиятининг салбий натижаларини олдини олиш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ички хўжалик захираларини аниқлаган ҳолда жамиятнинг хўжалик фаолияти ва мол-мулки ҳолати ҳақида тўлиқ ва ҳақиқатга тўғри келади-

ган ахборот билан таъминлайди.

Жамиятнинг бухгалтерлик баланси ҳамда даромад ва харажатлар ҳисоб-китоби таркибида унинг бухгалтерлик ҳисоб-китоби жамият ижро органининг йиллик ҳисоботи билан бирга олиб борилади. Йиллик ҳисобот – ҳисобот даври давомида жамият ижро органи фаолияти ва жамиятнинг молиявий – хўжалик фаолияти натижаларига таъсир этувчи асосий омилларни характерловчи умумлаштирилган ҳужжатни ўзида акс эттиради. Йиллик ҳисоботда қуйидагилар кўрсатилади:

- ўтган йилдаги АЖ хўжалик фаолияти натижалари (даромадлар ва харажатлар ҳисоб-китоби) ҳақида ахборот;
- аудиторлар томонидан тасдиқланган жамиятнинг ўтган йилдаги молиявий ҳолати ҳақида маълумот ва аудиторнинг ҳисоботи;
- қўшимча чиқарилган қимматли қоғозлар ҳақида асосий маълумотлар;
- мансабдор шахслар шахсий таркибидаги ўзгаришлар асослари.

Жамиятнинг зарар кўриш эҳтимолини пасайтириш, молиявий ва ва бошқа таваккалчиликлар, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган суиистеъмолчиликларни чеклаш, акциядорларнинг капитал қўйилмалари ва жамият активларини ҳимоя қилишга қаратилган жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш тизими муҳим аҳамиятга эга. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш тизими асосан аудитор ва жамиятнинг тафтиш комиссиясидан ташкил топади.

Демак, жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этадиган йиллик ҳисоботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги жамиятнинг тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим (Қонуннинг 105-моддаси 3-қисми).

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни матбуотда эълон қилишдан олдин жамият йиллик молия ҳисоботини ҳар йилги текшириш ва тасдиқлаш учун жамият ёки акциядорлар билан мулкый манфаатлар негизида боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилотини жалб этиши шарт (Қонуннинг 105-моддаси 4-қисми). Аудиторлик хулосасида жамият молиявий ҳисоботининг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторнинг фикри ёзма шаклда ифодаланган бўлади. Юридик ёки жисмоний шахслар аудитор бўлиши мумкин. Улар ўз-

лари билан тузилган шартнома асосида жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширадилар.

Тафтиш комиссияси жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш ваколатига эга бўлади. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) йиллик ёки тафтиш комиссияси ташаббуси билан бошқа муддат давомидаги фаолият якунлари бўйича, акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши қарори ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида 10 фоиз миқдорига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра амалга оширилади.

Жамият тафтиш комиссиясининг талабига кўра жамиятнинг бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молиявий – хўжалик фаолият ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этишга мажбурдирлар.

Акциядорлик жамияти фаолияти давомида тафтиш комиссиясининг функциялари қуйидагилардан иборат бўлади:

– молиявий-хўжалик операцияларининг молиявий-хўжалик режаси асосида амалга оширилганлигини текшириш;

– у ёки бу молиявий-хўжалик операциялари масалалари бўйича қарор чиқаришда жамиятда ўрнатилган жараёнларга риоя қилинишини назорат қилиш;

– аниқланган қоида бузилиш ҳолларининг ҳисобини олиб бориш;

– молиявий-хўжалик режасида назарда тутилмаган ностандарт операцияларни амалга оширишдан олдин уларни баҳолаш.

Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 30 кун олдин кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

Жамият одатда жамият фаолияти ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттирган ҳужжатларни сақлашга мажбур. Улар турли сабабларга кўра ҳар қандай вақтда керак бўлиши мумкин. Бундай уларни сақлашдан асосий мақсад акциядорлар ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган жамиятнинг ҳуқуққа хилоф ҳаракатларининг (масалан, солиқ тўлашдан бош тортиш, акциядорларнинг розилигини талаб этадиган йирик битимлар тузиш каби муҳим маълумотларни акциядорлардан яшириш ва бошқалар) олдини олиш бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳужжатларга қуйидагилар киради:

– жамиятнинг устави, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчалар, жамиятни тузиш

тўғрисидаги қарор, жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

– жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар;

– акциядорлар умумий йиғилиши ва жамиятни бошқаришнинг бошқа органлари тасдиқлайдиган ҳужжатлар;

– жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низом;

– йиллик молия ҳисоботи;

– акциялар эмиссияси маълумотномаси;

– бухгалтерия ҳисоб-китобига доир ҳужжатлар;

– тегишли органларга тақдим этиладиган молия ҳисоботига доир ҳужжатлар;

– акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва коллегиял ижроия органи (бошқарув, дирекция) мажлисларининг баённомалари;

– жамият аффилиланган шахсларининг уларга қарашли акциялар сони ва турларини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхатлари;

– тафтиш комиссиясининг, аудиторнинг, давлат молия назорати органларининг хулосалари;

– жамият уставида, жамият бошқарув органларининг қарорларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатлар.

Жамият бухгалтерия ҳисоб-китобига доир ҳужжатлар ва жамиятнинг коллегиял ижроия органи мажлисларининг баённомаларидан ташқари юқорида санаб ўтилган барча ҳужжатлардан акциядорлар фойдалана олишлари учун имконият таъминлаб беришга мажбур. Жамият акциядорнинг талабига биноан унга ушбу ҳужжатларнинг нусхасини ҳақ эвазига бериши шарт. Ҳақ миқдори жамият томонидан белгиланади ҳамда ҳужжатларнинг нусхаларини тайёрлашга кетадиган харажатлар қийматидан ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш харажатларидан ортиб кетмаслиги керак.

Бухгалтерия ҳисоб-китобига доир ҳужжатлар ва жамиятнинг коллегиял ижроия органи мажлисларининг баённомаларини тақдим этмасликнинг сабаби шундаки, бу ҳужжатларда жамиятнинг жорий хўжалик фаолиятига доир ахборотлар акс эттирилган бўлиб, бу ахборотларнинг бир қисми жамият тадбиркорлик фаолиятининг тижорат ёки

хизмат сиридан иборат бўлади. Тижорат сири мавжуд бўлганлигининг ўзиёқ бу ҳужжатларни тақдим этиш имкониятини бермайди.

Тижорат сири нима ўзи? 1996 йил 24 апрелда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида кўрсатилишича, хизматда фойдаланиладиган ахборот дейилганда эмитент ва унинг чиқарган қимматли қоғозлари тўғрисидаги ҳамма ҳам фойдалана олмайдиган, ўз хизмат мавқеи, меҳнат вазифалари ёки эмитент билан тузилган шартномага биноан бундай маълумотга эга бўлган шахсларга қимматли қоғозлар бозорининг бошқа субъектларига нисбатан устунлик берадиган ҳар қандай ахборот тушунилади.

ФКнинг 98-моддасида (хизмат ва тижорат сири) фуқаролик қонун ҳужжатлари хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотни, башарти бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳолларда ҳимоя этилиши кўрсатилади. 1095-моддасида (ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш ҳуқуқи) учинчи шахсларга маълум бўлмаган техникавий, ташкилий ёки тижорат ахборотига, шу жумладан ишлаб чиқариш сирларига (ноу-хау) қонунан эга бўлиб турган шахс уни (ошкор этилмаган ахборотни), башарти Фуқаролик кодексининг 98-моддасида белгилаб қўйилган шартларга риоя этилган бўлса, ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эгаллиги кўрсатилади.

Шундай қилиб, ФКга асосан қуйидаги шартларга амалга қилинган бўлса, ахборот тижорат сири ҳисобланади ва ҳуқуқий ҳимоя олади:

1) ахборот унинг учинчи шахсларга маълум бўлмаганлиги сабабли ҳақиқий ёки имконият даражасидаги тижорат қимматига эга бўлиши керак;

2) ахборот билан танишишнинг қонуний асоси мавжуд бўлмаслиги керак;

3) ушбу ахборотнинг эгаси унинг сирлигини сақлаш юзасидан чоралар кўриши керак.

ФКда белгиланган тижорат сири шартлари уларнинг ўзига хос ҳуқуқий мақомини кўрсатган ҳолда интеллектуал мулк ҳуқуқининг бу объектларини кескин фарқлайди.

Биринчи шарт бўйича ҳар қандай ошкор этилмаган ахборот объекти фақат тадбиркорликда фойдаланишилини алоҳида кўрсатиш мумкин. Ушбу омилнинг мавжудлиги тижорат сирининг қуйидаги сифатлари билан асослантирилган.

Биринчидан, тижорат қиммати деганда адабиётларда ахборотнинг бозор муомаласи объекти бўлиш қобилияти тушунилади.

Иккинчидан, тижорат сирига рақобатчилар бундай ахборотга эга бўлмаганликлари туфайли фойдаланиш унинг эгасига муайян иқтисодий афзалликлар келтирадиган ахборот киради. Бундай ҳолда тижорат қиммати сотиш бозорини кенгайтириш мақсадида сирли технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишдан дорамад олиш шаклида ифодаланади. Агар ахборот унинг эгаси учун ҳеч қандай иқтисодий қимматга эга бўлмаса, у тижорат сирини бўлиши мумкин эмас.

Учинчидан, тижорат сирига шундай маълумотлар кирадики, бундай маълумотларга учинчи шахслар эга бўлганларида муайян дорамад олишлари мумкин бўлади. Бу ерда учинчи шахслар дейилганда фақат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларни тушуниш лозим, чунки биринчидан, айнан улар тижорат сирига нисбатан ҳуқуқ субъекти ҳисобланишса, иккинчидан, улар бундай ахборотни олиш ёки ундан фойдаланиш натижасида иқтисодий фойда олишлари мумкин бўлади. Лекин, бу шарт ҳамма вақт ҳам бажарилмаслиги мумкин. Масалан, қандайдир технология шу даражада мураккаб ва шу даражада ноёб шароитларни талаб этадики, бунинг натижасида технология эгаси ундан фойдалана олмайди, демак бу технология у учун ҳеч қандай қимматга эга бўлмайди. Лекин бундай технологияга нисбатан тижорат сирини мақомини тан олишни рад этиш нотўғри бўлади, чунки у унинг эгаси учун шак-шубҳасиз иқтисодий қимматга эга бўлади ва унинг рақобатчилари учун тижорат қимматига эга бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, тижорат сирини ташкил этадиган ахборот нафақат ҳақиқий, балки муайян имкониятли тижорат қимматига эга бўлиши мумкин. Шунинг учун тижорат сирига нафақат тадбиркорлик фаолиятида фаол фойдаланилаётган, балки айни пайтда фойдаланилмасдан келажакда фойдаланилиши мумкин бўлган билим ва маълумотлар ҳам киради. Интеллектуал мулкнинг бошқа объектларига нисбатан бундай шарт мавжуд эмас. Масалан, муаллифлик ҳуқуқи объектлари

фақат тадбиркорлик қимматига эга бўлсагина ҳуқуқий ҳимоя олади деб кўрсатилмайди. Улар пайдо бўлиш фактининг ўзи уларни ҳимоя қилиш учун етарли бўлиб ҳисобланади.

Иккинчи шарт бўйича ошкор этилмаган ахборот билан бошқа шахсларнинг эркин танишиб чиқиш имконияти бўлмаслиги керак. Лекин бу қандай даражада бўлиши керак деган савол туғилади? Ахборотнинг бу тури ўзининг тижорат қимматини йўқотмаслиги учун фақат муайян шахслар доирасигагина маълум бўлади. Масалан, ушбу кўрсатилган шахслар доирасига тижорат сирининг эгаси ҳисобланган акциядорлик жамиятининг ходимлари шак-шубҳасиз киради. Акциядорлик жамиятининг одатдаги фаолияти ҳолатида шахсларнинг бу доираси жамиятнинг ижро органи томонидан чекланади. "Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"ги Қонунда хизматда фойдаланиладиган ахборотга эга бўлган шахслар жумласига қуйидагилар киритилади:

1) эмитентнинг ёки у билан шартномалар орқали боғланган инвестиция институтининг бошқарув органлари аъзолари;

2) қимматли қоғозлар бозорида фаолият кўрсатувчи жисмоний шахслар;

3) эмитентнинг ёки у билан шартномалар орқали боғланган инвестиция институтининг аудиторлари;

4) давлат органларининг, фонд биржалари (биржалар фонд бўлимлари)нинг назорат қилиш, текшириш ёки бошқа ваколатлари туфайли мазкур ахборотдан фойдаланиш имкониятига эга бўлган мансабдор шахслари кирадилар.

Қонунда мустаҳкамланганидек акциядорлар билан бир қаторда рақобатчилар ҳам бу доирага кирмайди. Агар тижорат сирига нисбатан барча акциядорлар, ҳатто чиқарилган мингта акциялардан бир дона акция сотиб олган акциядорнинг ҳам танишиб чиқиш имконияти таъминланган бўлса, бошқа акциядорлик жамияти ушбу жамиятнинг бир дона акциясини сотиб олиб, бир акциянинг баҳосига ўз рақобатчисининг бутун тижорат сири билан танишиб чиқиш имкониятига эга бўлади. Айнан мана шунинг учун акциядорларга акциядорлик жамиятининг муайян фаолиятлари ҳақида ахборот олиш, алоҳида ҳолларни (масалан, банкротлик) истино қилган ҳолда мумкин бўлмайди.

Иккинчи шартда шунингдек, тижорат сири билан қонуний асосда ҳам танишиб чиқиш мумкин бўлмаслиги керак дейилади. ФКда бу

ҳолда нима қонуний асос ҳисобланиши кўрсатилмаган. АҚШнинг савдо сирлари ҳақидаги қонунида эса "ахборот қонуний воситалар асосида осонгина қўлган киритилиши мумкин эмас" деб кўрсатилади. Бу ерда ахборот олишнинг қонуний воситалари сифатида ахборотни мустақил олиш (independent derivation), "қайта лойиҳалаш" ёки "тескари муҳандислик" (reverse engineering) кабилар кўрсатилган. "Тескари муҳандислик"нинг моҳияти шундаки, рақобатчи томонидан ишлаб чиқарилган қандайдир маҳсулот сотиб олинади ва унинг таркиби, тавсифи ва бошқа параметрларини аниқлаш ҳамда шунга ўхшаш маҳсулот яратиш мақсадида у турли тадқиқотлар ҳамда тестлардан ўтказилади. Маълумотлар қонуний манбадан, яъни кенг сотувда бўлган маҳсулотдан олинганлиги сабабли улардан келажакда фойдаланиш биринчи ишлаб чиқарувчи тижорат сирининг бузилиши деб топилмайди. Шунинг учун хориждаги кўпгина компаниялар ўз маҳсулотларидаги савдо сирларининг учинчи шахлар томонидан "тескари муҳандислик" йўли билан билиб олиниши хавфсизлигини таъминлаш учун сотиб олувчилар билан шартномалар тузаётганда бундай ҳолдаги операцияларни амалга оширишни тақиқлайдилар. Барча билиши мумкин бўлган манбалардан (реклама, даврий нашрлардаги нашрлар, илмий чиқишлар каби) маълумотлар олиш ҳам қонуний ҳисобланади.

Учинчи шарт ушбу ахборотнинг эгаси унинг сирлигини сақлаш чораларини кўриши шартлигини назарда тутаяди. Бу тижорат сирининг ҳимояси (масалан, ихтирога патент бериш йўли билан) бевосита давлат томонидан амалга оширилмайди, бундай ҳимоя акциядорлик жамиятининг ўзи томонидан таъминланиши керак.

"Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"ги қонунда кўрсатилишича, хизматда фойдаланиладиган ахборотга эга шахслар бу ахборотдан битимлар тузиш учун фойдаланиш, шунингдек хизматда фойдаланиладиган ахборотни битимлар тузиш учун учинчи шахсларга бериш ҳуқуқига эга эмаслар.

Жамиятнинг фаолияти ҳақидаги ҳужжатларни сақлаб қўйиш ва уларни акциядорларга тақдим этишдан ташқари акциядорлик жамияти қуйидагини ҳар йили оммавий ахборот воситаларида чоп этиши керак:

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар ҳисобварағини;
- жамият акциялари эмиссияси маълумотномасини;

- қонунда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарни;
- жамият аффилиланган шахсларининг уларга қарашли акциялар сони ва турларини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхатларини;
- ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ҳар йили эълон қилиши шарт.

Бу қоида фақат очик турдаги акциядорлик жамиятлари учун мажбурий ҳисобланади. Бу ушбу турдаги сони одатда чекланмайдиган акциядорларнинг кўплиги билан изоҳланади ва бундай усул уларни ахборотга қулай тарзда эга бўлишларини таъминлайди.

Қонунчилик ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари учун акциядорларнинг сонини чеклаб қўйган. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасида кўрсатилишича, ёпиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг сони эллик нафардан зиёд бўлиши мумкин эмас. Кўриниб турганидек, фақатгина эллик нафат акциядорларга нисбатан ахборотни таъминлаш минг нафар акциядорларга таъминлашга қараганда анча осон. Лекин бу қоида ёпиқ акциядорлик жамиятларига улар ўз қимматли қоғозларига нисбатан очик обуна ўтказмаган ҳоллардагина қўлланилади. Очик турдаги акциядорлик жамиятлари ҳам ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари ҳам агар улар томондан облигация ёки қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган бўлса, ваколатли давлат органига (қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази) белгиланган ҳажм ва тартибда йиллик ҳисоботни тақдим этишлари шарт.

Жамият ўзининг молиявий-хўжалик фаолияти ва қоғоз шаклидаги қимматли қоғозлари ҳақидаги маълумотларни республика миқёсидаги даврий нашрларда чоп этиш ёки миллий ва халқаро ахборот тизимларида электрон саҳифа сифатида жойлаштириши керак. Оммавий ахборот воситалари томонидан акциядорлик жамиятининг қонунда кўрсатилган маълумотларини чоп этишни асоссиз равишда рад этишга йўл қўйилмайди.

Акциядорлик жамияти шунингдек, ўз фаолияти тўғрисида ваколатли давлат органига қуйидаги маълумотларни мунтазам равишда тақдим этиши керак:

- чиқариладиган қимматли қоғозлар ҳақида;

- қимматли қоғозлар жойлаштирилишининг олиб борилиши ва унинг яқунлари тўғрисида;
- ўзининг ва фаолият натижалари (йиллик ҳисобот) ҳақида;
- жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатувчи жиддий фактлар (воқеа, ҳодисалар) ҳақида;
- ваколатли орган томонидан унинг ваколатлари доирасида талаб этиладиган бошқа ахборотни.

Бунда қуйидагилар жиддий фактлар деб топилади:

1) жамият, унинг шўъба ёки қарам жамиятлари ва ташкилотларининг қайта ташкил этилиши ҳақидаги ахборот. Қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарда қайта ташкил этилаётган (қайта ташкил этишда иштирок этаётган) юридик шахсларнинг тўлиқ номи, манзили (почта манзили), қайта ташкил этиш усули (қўшилиш, қўшиб олиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш, қайта ташкил бўлиш) қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган ваколатли орган, қарор қабул қилинган сана, қайта ташкил этиш вақтида қимматли қоғозларни жойлаштириш усули ва тартиби, қайта ташкил этиш санаси (қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказиш санаси, қўшиб олинган ташкилотнинг реестрдан ўчирилган санаси) каби маълумотлар кўрсатилади;

2) жамиятнинг 10 фоиздан ортиқ активлари миқдорининг бир марта ўсиши ёки камайишига олиб келган фактлар. Улар ҳақидаги хабарларда жамиятнинг 10 фоиздан ортиқ активлари миқдорининг бир марта ўсиши ёки камайишига олиб келган фактлар, ушбу фактлар содир бўлган сана, ушбу факт содир бўлишидан олдинги ой чораги охиридаги жамият активларининг миқдори, ушбу факт содир бўлишидан олдинги ой чораги охиридаги жамият активлари миқдоридаги мутлақ фоиз кўринишидаги ўзгаришлар, жамиятнинг 10 фоиздан ортиқ активлари миқдорининг бир марта ўсиши ёки камайишига олиб келган фактлар содир бўлишидан олдинги чорак активлари билан фоизларда солиштирилган маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак;

3) жамиятнинг 10 фоиздан ортиқ соф фойдаси ёки соф зарари миқдорининг бир марта ўсиши ёки камайишига олиб келган фактлар. Улар ҳақидаги хабарларда жамиятнинг 10 фоиздан ортиқ соф фойдаси ёки соф зарари миқдорининг бир марта ўсиши ёки камайишига олиб келган факт (фактлар), ушбу факт содир бўлган сана, тегишли факт содир бўлгандан олдинги ой чорагидаги жамиятнинг соф фойда (соф

зарари) қиймати; ушбу факт содир бўлишидан олдинги ой чораги охиридаги жамиятнинг соф фойда (соф зарари) миқдоридаги мутлақ фоиз кўринишидаги ўзгаришлари кўрсатилган бўлиши керак;

4) суммаси битим тузилган санада жамиятнинг 10 фоиз активлари миқдоридан ортиқ бўлган жамиятнинг бир марталик битимлари факти. Улар ҳақидаги харбарларда битим томони ва битим бўйича фойда олувчининг тўлиқ номи, манзили (почта манзили), битим тузилган сана, битимнинг тавсифига доир маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак;

5) жамиятнинг қимматли қоғозлари бўйича даромадларни ҳисоблаш ва (ёки) тўлаш. Ушбу фактлар ҳақидаги хабарларда даромад ҳисобланган ёки тўланиши тўланиши керак бўлган қимматли қоғозларнинг тури, акциялар учун уларнинг тури, серияси, облигациялар учун уларнинг транш серияси; жамият томонидан акциялар бўйича дивиденд тўлаш тўғрисидаги қарор чиқарилган сана; облигациялар бўйича даромадларнинг ҳисобланиш санаси ва (ёки) акциялар бўйича дивидендларнинг тўланиш муддати; облигациялар бўйича даромадларни тўлаш муддатлари, акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланган ҳолларда эса жамиятнинг дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган органи; бир дона акция тури, серияси ёки облигация тури ва транш сериясига тўланадиган дивидендлар ёки бошқа даромад миқдори; бир турдаги акциялар ва бир сериядаги (транш сериядаги) облигацияларнинг умумий сони ва даромадлар тўланган бир турдаги акциялар ва бир сериядаги (транш сериядаги) облигацияларнинг умумий сони; қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган даромадларни тўлаш шакли (пул воситалари, бошқа мол-мулк) кабилар кўрсатилиши керак;

6) жамият реестрида жамиятнинг хоҳлаган қимматли қоғозининг 35 фоизи ва ундан кўп миқдорига эга шахснинг пайдо бўлиши. Бундай фактлар ҳақидаги хабарларда кўрсатилган миқдордаги қимматли қоғозларга эга бўлган шахснинг тўлиқ номи, манзили (почта манзили), кўрсатилган ўзгаришлар содир бўлган сана, кўрсатилган ўзгаришларга асос бўлган ҳолатлар каби маълумотлар кўрсатилиши керак;

7) жамиятнинг қимматли қоғозлар эгалари олдидаги мажбуриятларини бажариш муддатининг келганлиги. Ушбу фактлар ҳақидаги хабарларда қимматли қоғозлар эгалари олдидаги жамиятнинг мажбу-

риятлари ва ушбу мажбуриятларни ижро этиш муддатлари каби маълумотлар кўрсатилади;

8) жамият устав фонди ёки асосий ва айланма воситалари миқдорининг 50 фоизидан ошадиган миқдордаги кредит олинishi ёки қимматли қоғозлар чиқарилиши. Бундай фактлар ҳақидаги хабарларда жамият устав фонди ёки асосий ва айланма воситалари миқдорининг 50 фоизидан ошадиган миқдордаги кредит олинган ёки қимматли қоғозлар чиқарилган сана, ушбу кредит ёки қимматли қоғозларни қайтариш муддати каби маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

***3-§. Корпорациянинг битимлари. Аффилланган шахслар билан тузиладиган ва манфаатдорлик асосидаги битимлар.
Йурик битимларни тузиш жараёнлари***

Корпорациянинг фаолияти давомида акциядорларнинг манфаатини кузатув кенгаши ва ижро органи ифода этишади. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 88-моддасида кўрсатилишича, жамият кузатув кенгашининг аъзолари, яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) ва (ёки) коллегиял ижроия органи (бошқарув, дирекция) аъзолари, шунингдек бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим. Шундай қилиб кузатув кенгаши ҳам, ижро органи ҳам вакил вазифасини бажаради.

Жамиятнинг кундалик фаолиятига яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) ва (ёки) коллегиял ижроия органи (бошқарув, дирекция) раҳбарлик қилиши мумкин. Бунда яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) ишончномасиз жамият номидан иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифода этади ва жамият номидан битимлар тузади. Бундай битимларга акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш комплексининг бир қисмини сотиш ҳақидаги битимни мисол келтириш мумкин.

Жамиятнинг кундалик фаолиятини ташкил этиш вазифаси фақат ижро органига юклатилганлиги сабабли жамиятнинг самарали фаолияти айнан шу органга боғлиқ бўлади. Жамиятнинг манфаатларини ифода этган ҳолда ижро органи даромадни энг юқори нуктага кўтариш мақсадида юқори миқдордаги дивидендларни

таъминлаш шарти билан акциядорларнинг мулкларидан фойдаланган ҳолда ҳаракат қи-лади. Лекин бунинг учун биринчидан, ушбу орган етарли даражада малакали бўлиши, иккинчидан эса, жамиятга нисбатан ҳалол ниятда бўлиши керак. Акс ҳолда жамият инқирозга юз тутиши ва акциядор-лар ўзларининг мулкларидан айрилиб қолишлари мумкин. Масалан, жамият директори жамият номидан бошқа юридик шахс билан кела-жакда шу шахс капиталининг иштирокчиси бўлиш учун қандайдир битим тузиши мумкин. Бундай ҳолда директор ўзи раҳбарлик қилаёт-ган акциядорлик жамиятига зарар етказган ҳолда бошқа юридик шахснинг манфаатларига хизмат қилиш эҳтимоли мавжуд бўлади. Бундай битимда ўзининг шахсий манфаатларида ҳаракат қилувчи манфаатдор шахс бўлиб қолади ва албатта битим суммаси қанча йи-рик бўлса, жамиятга шунча кўп миқдорда зарар етади. Айнан шунинг учун Қонун манфаатдорлик мавжуд бўлган битимлар тузилишини тақиқлайди ва жамият номидан йирик битимлар тузилиш устидан алоҳида назорат ўрнатилишни назарда тутаяди. Муайян битимлар ту-зишда кузатув кенгаши аъзолари, баъзи акциядорлар (бошқа акция-дорларга зарар етказган тарзда) ва қуйида сўзланадиган бошқа шахс-ларнинг ҳам манфаатдорлик ҳолатлари бўлиши мумкин.

Албатта, кенг маънодаги манфаатдорлик ҳар бир битим тузилиш ҳолатида мавжуд бўлади. Томонлар шартнома тузилишидан манфаат-дор бўлмаган бирор-бир битим тузилмайди. Лекин, акциядорлик қонунчилигида сўз бирор-бир шартноманинг тузилишида акциядор-лик жамиятининг манфаати ҳақида эмас, балки АЖ ва унинг акция-дорлари зарарига бундай битимлар тузилишидан унинг мансабдор шахсларининг манфаатдорлиги ҳақида кетяпти.

Масалан, одатда жойлаштирилган акциялар бир қанча асосларга кўра (улар сотиб олинган, акциядорлардан қайта сотиб олинган ёки улушини тўлиқ тўламаганлиги учун таъсисчилардан олиб қўйилган бўлиши мумкин) жамият тасарруфида қолиши мумкин.

Агар жамият муваффақиятли фаолият юритса, бу акциялар АЖдаги ўз ҳолатини мустаҳкамлашни хоҳловчи айниқса бошқарув гуруҳида реал қизиқиш уйғотади.

Жамият ўз тасарруфига келиб тушган акцияларни улар келиб туш-ган вақтдан бошлаб бир йил ичида реализация қилиши керак. Албатта, сотиб олувчилар орасида жамиятнинг раҳбари ва кузатув кенгаши

аъзолари ҳам бўлади. Шундай қилиб, бу шахслар битимда қонунда белгиланган тартибда тасдиқланиши керак бўлган томонлар сифатида иштирок этади. Сотиб олувчилар сифатида бошқа раҳбарлар ўзларининг "қариндошларини" олиб келишлари мумкин. Лекин, агар кузатув кенгаши аъзолари акцияларни сотиб олмоқчи бўлишса, уларнинг мутлақо барчаси бу битимларда манфаатдор бўлиб қолади. Кўриниб турганидек, бундай ҳолда кузатув кенгаши аъзолари ўз манфаатлари сари ҳаракат қиладилар.

Ёки бошқа бир мисол. Акциядорлик жамияти оғир молиявий аҳволда қолди, шунинг учун банка кредитни ўз вақтида қайтара олмайди. "Ўриндошлик" асосида ушбу банкнинг 30 фоиз акцияларига эгалик қилувчи кузатув кенгаши аъзоларидан бири кредит ўрнига банкка қандайдир кўчмас мулкни, бунинг устига бозор нархи барча фоизларни инобатга олган ҳолда кредит миқдоридан бир неча марта юқори бўлган кўчмас мулкни беришни таклиф этади. Бундай ҳолда албатта кузатув кенгаши аъзоларидан бири 30 фоиз акцияларига эгалик қилувчи ва унинг манфаатларига жавоб берувчи банк ютиб чиқади.

Қонуннинг 91-моддасига асосан жамият кузатув кенгаши аъзоси, жамиятнинг ўзга бошқарув органларидаги мансабдор шахс, ўзининг тобе (аффилиланган) шахси билан биргаликда жамият овоз берувчи акцияларининг йигирма ва ундан кўпроқ фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар), агар мазкур шахслар, уларнинг эрлари (хотинлари), ота-оналари, фарзандлари, ака-укалари, опа-сингиллари, шунингдек уларнинг барча аффилиланган шахслари жамиятнинг битим тузишидан манфаатдор шахслар деб ҳисобланадилар.

"Бошқа бошқарув органлари"га қайси огранлар киради – деган табиий равишда савол туғилади. Қонуннинг 63-моддасига асосан акциядорлик жамияти қуйидаги бошқарув органларига эга бўлиши мумкин: акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижро органи.

Акциядорлар умумий йиғилиши ўзининг хусусиятларига кўра ҳеч қандай доимий равишдаги мансабларга эга бўлмайди. Манфаатдор шахсларнинг биринчи турини аниқлашда номлангани учун кузатув кенгаши "бошқа бошқарув органлари"га тўғри келмайди. Шунга кўра фақат ижро органларида ишловчи шахслар иккинчи турга киритилиши мумкин. Бундай органлардаги мансабдор шахсларга директор, бош директор ёки бошқарувчи (яъни яккабошчилик асосидаги

ижро органининг вазифасини бажарувчи жисмоний шахс), бошқарув ёки дирекциянинг барча аъзолари, агар ижро органининг ваколатлари бошқарувчи ташкилотга берилган бўлса, унда тегишли функцияларни амалга оширувчи кузатув кенгашининг барча аъзолари ҳам киради.

Санаб ўтилган шахслар агар:

- жамият тузадиган битимнинг томонларидан бири бўлса ёки унда вакил ёхуд воситачи сифатида қатнашаётган бўлса;
- битимнинг томонларидан бири бўлган ёки унда вакил ёхуд воситачи сифатида қатнашаётган юридик шахс акцияларининг (улушлари, пайларининг) йигирма ёки ундан ҳам кўпроқ фоизига эга бўлса;
- битимнинг томонларидан бири бўлган ёки унда вакил ёхуд воситачи сифатида қатнашаётган юридик шахс бошқарув органларининг мансабдор шахси бўлса, жамиятнинг битим тузишидан манфаатдор шахслари деб ҳисобланадилар.

Аффилиланган шахслар деганда юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар воситасида ёхуд бирор-бир фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар асосида бир-бирининг фаолиятига таъсир кўрсатишга қодир бўлган юридик ва жисмоний шахслар тушунилади. "Аффилиланган шахс" тушунчаси "акциядорлик жамияти билан битим тузишдан манфаатдорлик" тушунчаси билан мустаҳкам боғлиқ. Аффилиланган сўзи инглизча "to affiliate" сўзларидан олинган бўлиб, кўшилиш, шўъба компанияси тузиш каби маъноларни беради. Бу билан биргаликда "affiliation" (фр. affiliation) – компанияга (ассоциацияга) кўшилиш, шўъба компанияси ёки корхонаси тузиш, "affiliated" (фр. affilie) – назорат остидаги, шўъба, "affiliated company, affiliate" (фр. affilee) – аффилиланган компания, сингган компания, шўъба компания каби тушунчалар ҳам ишлатилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кумитаси қошидаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2002 йил 14-сонли, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 131-сонли, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг 7-сонли, Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 20 ноябр қарори билан тасдиқланган 2003 йил 29 январдаги 1212-сон билан рўйхатга олинган "Акциядорлик жамиятларида аффилиланган шахслар, уларнинг ҳисобини олиб бориш ва ахборотларни ошкор қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан қуйидагилар акциядорлик жамиятларининг аффилиланган шахслари деб топилади:1) мазкур акциядорлик жамиятининг 20 ва ундан ортиқ

фоиздаги овоз берувчи акциялари эгаси бўлган юридик шахс (шу жумладан ваколатли бошқарувчи, вакил);

2) мазкур акциядорлик жамиятининг 20 ва ундан ортиқ фоиздаги овоз берувчи акциялари эгаси бўлган яқин қариндошлари билан биргаликдаги шахс. Бу ерда акциядорнинг яқин қариндошлари деганда унинг ота-онаси, ака-укалари ва опа-сингиллари, турмуш ўртоғи, болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, неваралари, шунингдек турмуш ўртоғининг ота-онаси, ака-укалари ва опа-сингиллари тушунилади;

3) мазкур акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши аъзоси, якка ижроия органининг ваколатларини амалга ошираётган шахс, ушбу акциядорлик жамияти коллегиял ижроия органининг аъзоси;

4) ушбу акциядорлик жамияти унинг устав фондида 20 ва ундан ортиқ (шу жумладан ваколатли бошқарувчи ёки вакил) ёхуд олий бошқарув органида 20 ва ундан ортиқ овозга эга бўлган юридик шахс (шу жумладан ваколатли бошқарувчи ёки вакил), шунингдек ушбу акциядорлик жамияти унинг қарорларини битимлар, шартномалар, топшириқлар воситасида аниқлаш имкониятига эга бўлган юридик шахс;

5) ушбу акциядорлик жамияти шуъба жамияти бўлган худди ўша жамиятнинг шуъба жамияти ҳисобланган юридик шахс;

6) ушбу акциядорлик жамиятининг 20 ва ундан ортиқ фоиздаги овоз берувчи акциялари эгаси бўлган шахс (шу жумладан ваколатли бошқарувчи, вакил ёки яқин қариндошлар билан биргаликда) сингари олий бошқарув органида ўша шахс 20 ва ундан ортиқ овозга эга бўлган юридик шахс (шу жумладан ваколатли бошқарувчи, вакил ёки турмуш ўртоғи, ота-онаси, бошқа яқин қариндошлари билан биргаликдаги каби);

7) ушбу акциядорлик жамияти кузатув кенгаши таркибининг камида учдан бирини ташкил қиладиган шахслар, уларнинг турмуш ўртоқлари, ота-оналари, бошқа яқин қариндошлари сингари айнан ўша шахслар ҳамда уларнинг турмуш ўртоғи, ота-оналари, бошқа яқин қариндошлари кузатув кенгаши таркибининг камида учдан бирини ташкил этадиган юридик шахс;

8) ушбу акциядорлик жамиятининг якка ижроия органи, коллегиял ижроия органи аъзоси ҳисобланган шахслар (уларнинг турмуш ўртоғи, ота-онаси, бошқа яқин қариндошлари) сингари якка ижроия

органи вазифаларини айнан ўша шахс ёки унинг турмуш ўртоғи, ота-онаси, бошқа яқин қариндошлари амалга оширадиган юридик шахс;

9) турмуш ўртоғи, ота-онаси, бошқа яқин қариндошлари билан биргаликда ушбу акциядорлик жамияти кузатув кенгаши таркибининг камида учдан бирини ташкил этадиган шахс коллегиял ижроия органининг аъзоси ҳисобланган ёки яқка ижроия органи вазифаларини амалга оширадиган юридик шахс;

10) ушбу акциядорлик жамиятининг коллегиял ижроия органи аъзоси ҳисобланган ёки яқка ижроия органи вазифаларини амалга оширадиган шахс ўз турмуш ўртоғи, ота-онаси, бошқа яқин қариндошлари билан биргаликда кузатув кенгаши таркибининг камида учдан бирини ташкил этадиган юридик шахс;

11) юридик шахс – ушбу акциядорлик жамияти билан битта молия-саноат гуруҳи иштирокчиси.

Акциядорлик жамияти акциядорлик жамиятининг аффилиланган шахслари рўйхатини тузиш ва юритиш йўли билан унинг аффилиланган шахслари ҳисобини юритиши шарт. Бунда акциядорлик жамияти аффилиланган шахслар ҳисобини юритиш шартномаси бўйича акциядорлик жамиятининг аффилиланган шахслари ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг рўйхатини тузишни мазкур акциядорлик жамиятининг акциядорлари реестрини юритадиган ва сақлайдиган ихтисослашган реестр тутувчига топширишга ҳақли.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 91-моддасида кўрсатилган шахслар томонидан суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш мақсадида бу шахслар зиммасига акциядорлик жамиятига ўзлари манфаатдор бўлиши мумкин бўлган битимлар, айниқса, қуйидаги:

– юридик шахсларга қарашли овоз берувчи акциялар (улушлар, пайлар)нинг йигирма ёки ундан ортиқ фоизига мустақил тарзда ёки ўзларининг аффилиланган шахси (шахслари) билан биргаликда эга бўлсалар, шу юридик шахслар тўғрисидаги;

– юридик шахсларнинг бошқарув органларида лавозим эгаллаб турган бўлсалар, шу юридик шахслар тўғрисидаги;

– тузилаётган ёки тузилиши кутилаётган битимларда манфаатдор шахслар деб топилиши мумкинлиги тўғрисидаги ахборотни жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчиси) эътиборига етказишлари шарт.

Ахборот акциядорлик жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ва аудитори эътиборига ҳавола этилади. Акциядорлик жамияти юқорида кўрсатилган маълумотлардан ташқари қўшимча маълумотларни талаб қилишга ҳақли эмас. Қонунчилик зарур ахборотни бериши лозим бўлган инсофсиз манфаатдор шахс бундай ахборот беришдан тортган ҳолларда унга нисбатан акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий чоралар кўришини назарда тутмайди.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 93-моддаси талабларига кўра тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимлар алоҳида тартибда тузилади.

Тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимнинг жамият томонидан тузилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилиш кузатув кенгашининг мутлақ ваколатларига киритилган бўлиб, бу ваколат акциядорлик жамияти ижро органига берилиши мумкин эмас. Тегишли қарор уни тузишдан манфаатдор бўлмаган кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилади.

Тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимнинг жамият томонидан тузилиши тўғрисидаги қарорни овоз берувчи акциялар эгалари бўлмиш акциядорларнинг умумий йиғилиши битимни тузишдан манфаатдор бўлмаган акциядорларнинг кўпчилик овози билан қуйидаги ҳолларда қабул қилади:

– агар битим бўйича тўланадиган ҳақ суммаси ва битимга сабаб бўлган мол-мулк қиймати жамият активлари қийматининг беш фоизидан ортиқ бўлса;

– агар битта битим ва (ёки) ўзаро боғлиқ бўлган бир неча битим жамиятнинг овоз берувчи акцияларини ёки овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган бошқа қимматли қоғозларини илгари жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг беш фоизидан ортиқ миқдорда жойлаштиришдан иборат бўлса. Агар бу битим тури бўйича манфаатдор шахс жамиятга қарз бераётган бўлса, бундай битимни тузиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори талаб этилмайди.

Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари манфаатдор шахслар деб топилган тақдирда, битимдан манфаатдор бўлмаган акциядорлар кўпчилик овози билан қабул қилинган акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан битим тузилиши мумкин. Лекин, масалани кузатув кенгаши таклифи билан акциядорлар умумий йиғили-

шида ҳал этиш биров шубҳали туюлсада, қонун бундай жараён ҳақида сукут сақлайди. Ахир қонун бўйича умумий йиғилиш кун тартибини аниқлаш ваколати кузатув кенгашига юкланган-ку.

Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамият билан бошқа томон ўртасидаги хўжалик муносабатларини давом эттириш юзасидан тузиладиган, тузилишидан келажакда манфаатдорлик пайдо бўлиши мумкин бўлган битимларни акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилган санада аниқлашнинг иложи бўлмаган тақдирда, акциядорлар умумий йиғилиши жамият билан ўзга шахс ўртасида тузилиши мумкин бўлган битимларнинг хусусияти ва улар суммасининг энг кўп миқдорини кўрсатиб, шартнома муносабатлари ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Юқорида санаб ўтилган битимларни тузиш борасидаги қонун талабларини бузиш уларнинг ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келиши мумкин. Зарар етказилган ҳолларда эса манфаатдор шахс ушбу етказилган зарарлар миқдорида жамият олдида жавобгар бўлади. Агар бир неча шахслар зарар етказган бўлса, улар жамият солидар тартибда (биргаликда) жавобгар бўладилар.

Йирик битим тушунчаси бундай битимларнинг қуйидаги туралри кўрсатилган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 89-моддасида берилади:

1) битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг йиғирма беш фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши ёки тасарруфидан чиқариши билан боғлиқ ёхуд жамият бевосита ёки билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир неча битим, оддий хўжалик фаолиятини юритиш асносида содир этиладиган битимлар бундан мустасно;

2) жамият томонидан илгари жойлаштирилган оддий (одатдаги) акцияларнинг йиғирма беш фоизидан кўпроғини ташкил этадиган оддий (одатдаги) акцияларни ёки оддий (одатдаги) акцияларга айирбошладиган имтиёзли акцияларни жойлаштириш билан боғлиқ бир ёки ўзаро боғланган бир неча битим.

Бир сўз билан айтганда, жамиятда ҳуқуқий ҳокимиятни ифодалайдиган, овоз берувчи акцияларни тақсимлаш ва мол-мулкни тасарруф қилиш билан боғлиқ битимлар акциядорлик жамиятининг мулкӣ ва ташкилий (бошқарув) жиҳатлари, мазмуни ва шакли

фарқланади.

Йирик битимларнинг биринчи гуруҳи учун қуйидаги уч асосий омил муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади:

а) битимнинг предмети ҳисобланган мол-мулк қиймати. У битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг йигирма беш фоизидан ортиқ бўлиши керак;

б) битимларнинг йўналтирилганлиги, унинг оқибатлари: мол-мулкни олиш ёки тасарруфидан чиқариш, шу жумладан тўғри ёки эгри тарзда;

в) битимнинг хусусияти. Қонунда оддий хўжалик фаолиятини юритиш асносида содир этиладиган битимлар йирик битимларга кирмаслиги кўрсатилади. Бошқача қилиб айтганда, хўжалик фаолиятида узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган, кўчмас мулк, бино, ускуна бошқа мол-мулкларни сотиб олиш ёки тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ битимлар йирик битим ҳисобланади.

Бунга қарши равишда акциядорлик жамиятининг хўжалик ишлаб чиқариш жараёни учун муҳим бўлган маҳсулот, хом-ашёни етказиб бериш ёки сотиб олиш битимлари юқорида таъкидланган йирик битимлар доирасига кирмайди. Бундай шартномалар оддий хўжалик фаолиятини юритиш асносида содир этиладиган битимлар ҳисобланади.

Жамият активлари баланс қиймати деганда баланснинг "Асосий воситалар ва бошқа муомаладан ташқари активлар", "Заҳиралар ва харажатлар", "Пул воситалари, ҳисоб-китоблар ва бошқа активлар" бўлимлари бўйича уларнинг жамланган қиймати тушунилади.

Йирик битимларнинг бошқа турига жамият томонидан илгари жойлаштирилган оддий акцияларнинг 25 фоизидан кўпроғини ташкил этадиган оддий акцияларни ёки оддий акцияларга айирбошланган имтиёзли акцияларни жойлаштириш билан боғлиқ бир ёки ўзаро боғланган бир неча битимлар киради. Тегишинча, бунда йирик миқдордаги акцияларни жойлаштириш (сотиш) ҳақида сўз кетмоқда. Акцияларни жойлаштириш деганда уларни тарқатиш, бериш, акцияларнинг бирламчи бозорда сотилиши орқали бир эмитентдан уларнинг биринчи эгаси қўлига ўтиши тушунилади.

Йирик битим предмети ҳисобланувчи мол-мулкнинг, шу жумладан акцияларнинг қийматини белгилаш жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади. Мол-мулкнинг бозор қиймати тушун-

часи "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 46-моддасида берилади. У ерда мол-мулкнинг бозор қиймати, шу жумладан жамиятга қарашли акциялар ёки бошқа қимматли қоғозларнинг қиймати шундай баҳодирки, мол-мулкнинг қиймати тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлган ва уни сотишга мажбур бўлмаган сотувчи уни шу баҳода сотишга рози бўлиши мумкин, мол-мулкнинг қиймати тўғрисида тўлиқ ахборотга эга бўлган ва уни сотиб олишга мажбур бўлмаган олувчи эса уни шу баҳода сотиб олишга рози бўлиши мумкин. Мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун холис баҳоловчи (аудитор) жалб этилиши мумкин.

Лекин агар фонд биржасида акциялар муомалада бўлса ва уларнинг нархи мунтазам равишда даврайи нащрларда чоп этилса, уларнинг бозор қийматини аниқлаш учун холис баҳоловчи (аудитор) жалб этиш шарт эмас. Бунда чоп этилаётган тегишли мақола эътиборда бўлиши лозим.

Амалиётда, қандай битимларга нисбатан манфаатдорлик мавжудлигини аниқлаш, уларнинг тўлиқ рўйхатини бериш албатта қийин бўлиб ҳисобланади. Лекин, бизни қизиқтираётган битимларда бир томондан алоҳида субъектнинг мавжудлиги ва иккинчи томондан қонунда санаб ўтилган шахслар ушбу битимларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлишлари орқали бу битимларнинг тузилишидан бевосита манфаатдор бўлишини инобатга олиш лозим.

Қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг йигирма беш фоизидан эллик фоизгачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида бўлган йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор кузатув кенгаши томонидан яқдиллик билан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашининг таркибдан чиқиб кетган аъзолари овози ҳисобга олинмайди.

Агар йирик битим тузиш масаласида жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган ҳолларда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгаши қарорига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин.

Битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият активлари баланс қийматининг эллик фоизидан ортиқ қийматни ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан йиғилишда қатнашаётган

овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмдан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Агар манфаатдорлик мавжуд бўлган битим бир вақтнинг ўзида йирик битим ҳисобланаса, унга нисбатан қонуннинг йирик битимларни тузиш қоидалари қўлланилади.

"Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини сотиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқномада⁶¹ 35 фоиз ва ундан ортиқ акцияларини сотиб олиш билан боғлиқ битимларни тузишнинг алоҳида қоидалари назарда тутилган. Алоҳида тартибнинг ўрнатилишидан мақсад – рақобатчи корхонага тегишли таъсир кўрсатувчи акциялар пакетини сотиб олиш орқали акциядорнинг бозорда иқтисодий устун мавқени эгалланишининг олдини олиш бўлиб ҳисобланади. Бунда бозорга муайян турдаги маҳсулот олиб келадиган бир шахс худди ўша турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи бошқа шахснинг акциясини сотиб олиши мумкин. Шу йўл билан акция эгаси ўз рақибининг эгасига айланади ва бундай маҳсулот ишлаб чиқарувчи бошқа ишлаб чиқарувчилар бўлмаган ҳолларда у бозорда бундай маҳсулотларни етказиб берувчи деярли ягона субъектга айланади.

Йўриқномага асосан устун мавқе деганда – хўжалик юритувчи субъект (шахслар гуруҳи)нинг ўриндошга эга бўлмаган товар бозорида ёки бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар бозорида танҳо мавқеи тушунилади. Бу ҳол унга рақобатни чеклашга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, бозорга бошқа хўжалик юритувчи субъектлар киришини қийинлаштириш ёки уларнинг иқтисодий фаолияти эркинлигини бошқача тарзда чеклаш имконини беради. Унинг ҳиссаси бозорда 65 фоиз ва ундан ортиқни ташкил этса, хўжалик юритувчи субъект (шахслар гуруҳи)нинг мавқеи устун мавқе деб тан олинади.

Ушбу ҳужжатга асосан 35 фоиздан ортиқ акцияларни сотиб олиш деганда – инвесторга хўжалик юритувчи субъект акцияларининг жами 35 фоиздан ортиғига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этиш имкониятини берадиган олди-сотди, айирбошлаш, совға қилиш, ишончли бошқариш ва бошқа битимлар (шартномалар

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2001 йил 24 сентябрдаги 5, 2001-12-сон қарори билан тасдиқланган.

ёки келишувлар)ни тузиш тушунилади.

Шахс томонидан хўжалик юритувчи субъект акцияларининг 35 фоиздан ортиғини харид қилиш олдиндан Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари (бундан кейин – монополияга қарши давлат органи) розилигини олиш йўли билан амалга оширилади, акс ҳолда инвестор қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортилади.

Монополияга қарши курашнинг бу чораси барча тадбиркорларнинг эркин рақобатли фаолиятини таъминлашга қаратилган.

Назорат учун саволлар

1. Ахборотни ошкор этиш нимани билдиради, унинг турлари ва шакллари қандай?
2. Акциядорлик жамияти ахборотларининг ҳисобдорлиги масаласидаги Қонун талаблари қандай?
3. АЖ томонидан давлат органларига ахборот тақдим этиш тартиби қандай?
4. Тижорат сири тушунчасига нималар киради?
5. "Аффилланган шахслар" кимлар?
6. Манфаатдорлик асосидаги битимларни тавсифланг.
7. Йирик битимлар тузишнинг жараёнлари қандай?

XI БОБ КОРПОРАЦИЯЛАРНИНГ ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИГИ, БАНКРОТЛИГИ, ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ

1-§. Тўловга қобилиятсизлик ва банкротлик тўғрисидаги асосий қоидалар

Банкротлик институти бозор хўжалигининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. У ҳуқуқий тартибга солишнинг миллий қонунчилик тизими ва тадбиркорлик муносабатлари амалиётида нисбатан янги институт бўлиб ҳисобланади. Дунё тажрибаси кўрсатишича, мазкур институт бир вақтнинг ўзида кредиторлар, шунингдек бозорнинг умумий тартибга солувчиси сифатида давлатнинг иқтисодий манфаатларини кафолатлаган ҳолда тадбиркорлик тузилмаларининг самарали ишлаши учун кучли рағбат вазифасини ўтайди. Корпоратив ҳуқуқнинг таркибий қисми сифатида банкротлик тўғрисидаги қонунчилик ўз олдида биринчи навбатда корпорациянинг кредиторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, молиявий интизомни таъминлаш учун раҳбарий бўғиннинг ўрнини кучайтириш, активлардан самарасиз фойдаланишга чек қўйиш каби мақсадларни қўйган.

Дунё тажрибасининг гувоҳлик беришича, банкротлик – капитални қайта тақсимлашнинг бозор қуроли сифатида тўловга қобилиятсизликдан фойдаланадиган ҳар бир замонавий бозорнинг муқаррар ҳодисаси бўлиб, иқтисодни тузилмавий қайта қуришнинг объектив жараёнларини ўзида акс эттиради. Бозор муносабатларининг муҳим унсурларидан бири ва ривожланган фуқаролик ва савдо ҳуқуқининг институти ҳисобланган банкротлик инқирозлардан омон қолиш ва воситалардан фойдаланиш имкониятини берадиган механизм сифатида чиқади.

Шундай қилиб, банкротлик доим натижанинг аниқ эмаслиги ва таваккалчилик билан бирга бўладиган тадбиркорликнинг моҳиятида олдиндан белгиланган бўлади. Албатта, агар корхона барбод бўлса, бу унинг раҳбари учун ҳам, қолаверса бу корхонага ўзининг мулкани тиккан шахслар учун ҳам, корхонанинг ходимлари учун ҳам фожеали ҳолатдир. Лекин тўловга қобилиятсизлик жараёни улар учун ноқулай

бўлган инқироз оқибатларини энг кам даражага келтирган ҳолда уларни енгиллаштиради.

Иқтисоднинг барбод бўлишига олиб келадиган тадбиркорлар тўловга қобилиятсизлигининг (банкротлигининг) аянчли оқибатлари, улар нима деб номланишидан (судхўр, савдогар, банкир, фермер ва хоказо) қатъи назар, бозор муносабатларининг шаклланиши давридаёқ кескин намоён бўлган. Дастлабки вақтлардан бошлаб ҳам бунда давлат фаол ўрин тутиб келган. Тадбиркорларнинг тўловга қобилиятсизлиги (банкротлиги) масалаларини тартибга солишдаги унинг ўсиб бораётган ўрнини ҳозир ҳам кузатиш мумкин.

Бу соҳада давлатнинг таъсири зарурлиги шундаки, биринчидан, тадбиркорларнинг тўловга қобилиятсизлиги ва хонавайрон бўлиши иқтисоднинг меъёрий даражада ривожланишига тўсқинлик қилади, ижтимоий-сиёсий барқарорликни бузади ва давлатга ўзининг функцияларини тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қиладиган, жамиятда турли хил ёмон оқибатларни келтириб чиқарадиган кескинликни вужудга келтиради. Иккинчидан, кўп ҳолларда кредиторларнинг тўловга қобилиятсиз бўлган қарздорлар устидан ўзбошимчалик билан қабул қилган қарорлари ва қарздорларнинг бундай кредиторлардан қутилиш учун ҳаракат қилиш билан яқунланадиган ҳолларда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкин бўлмай қолган ҳолда бозор муносабатлари иштирокчиларининг бошқалар аралашувисиз ўз ишларини йўлга қўйишга интилишлари.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича банкротлик деганда – хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги тушунилади⁶². Бошқача қилиб айтганда банкротликнинг (тўловга қобилиятсизликнинг) ҳуқуқий моҳияти хўжалик юритувчи субъектнинг вужудга келган ҳолатлар туфайли ўз иродасига кўра олган мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмай қолишида кўринади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги "банкротлик" ва "тўловга қобилиятсизлик" атамалари ўртасида

⁶² Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги 05.05.1994 йилги қонунининг 3-моддаси, 1-қисми (қонуннинг 24.04.2003 йилда тасдиқланган янги таҳрири).

қатъий фарқни белгиламаган бўлса-да, кўп ҳолларда бу атамалар наза-рияда ҳам, амалиётда ҳам бир маънода қўлланилмайди. Буюк Брита-ния қонунчилигида "банкротлик" (bankruptcy) атамаси тадбиркорлик субъектларига, "тўловга қобилиятсизлик" (insolvency) атамаси эса тадбиркор бўлмаган субъектларга нисбатан қўлланилади. Британия қонунчилигидаги бундай бўлиниш XIX асрнинг бошларида тўловга қобилиятсизликнинг савдо ва носавдо турларга бўлиниши билан тасдиқланган.

Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам қарзини тўлай олмаслик, банкротлик ва тўловга қобилиятсизлик тадбиркорларнинг бозор муносабатларида иштирок этишининг муваффақиятсиз натижаси сифатида хўжалик юри-тувчи субъектнинг ночор аҳволдан дарак берувчи бир тартиб ходи-сасини билдиради.

Банкротлик тўғрисидаги дунё қонунчилиги ўз ривожланишида бир қатор жиддий ўзгаришларни бошида кечирди. Рим ҳуқуқида қарзни қайтармаслик қарздорнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли ҳи-собланиб, унинг мол-мулкани эгаллашга олиб борар эди. Эрамизнинг II асрига қадар қарздорларнинг оддий ёки тўловга қобилиятсиз бўли-шидан қатъи назар, қарзларни тўламаслик ноқонуний ҳисобланган. Кейинчалик тижорат фаолиятига ёрдам берувчи ходиса сифатида банкротлик ажратила бошланди. Тўловга қобилиятсизлик ҳақидаги қонунчиликнинг пайдо бўлиши XVI асрнинг ўрталарига тўғри кела-ди. Дастлабки мавжуд бўлган ҳужжатлар жинойий характердаги қатъий меъёрларни назарда тутган бўлса-да, янги банкротликларнинг олдини ола олмаган. Бунинг устига жазодан қўрққан қарздор фақат-гина ҳолатини ёмонлаштирувчи, қарзлари ва кредиторлар сони ҳамда улар кўрадиган зарарлар миқдорини кўпайтирувчи ўзининг тижорат фаолиятини давом эттирарди.

Бундай ҳолат банкротлик тўғрисидаги қонун меъёрларини тако-миллаштиришни рағбатлантирарди. XIX асрнинг биринчи ярмига ке-либ тўловга қобилиятсиз тўғрисидаги қонунчиликнинг асосий мақса-ди виждонли қарздорнинг мулкани кредиторлар ўртасида адолатли тақсимлаш, қарздорни қарзлардан озод этиш ва унга ўзининг тадбир-корлик фаолиятини қайта тиклаш имкониятини бериш бўлиб қолди. Банкротлик тўғрисидаги замонавий қонунчилик турли мамлакатлар-даги ҳар хил ҳуқуқий-техник усуллардан фойдаланган ҳолда, қуйида-ги муҳим амалий масалаларни ҳал этади: 1) кредитор манфаатларини

қарздорнинг виждонсиз ҳаракатларидан муҳофаза этиш; 2) бир кредиторлар манфаатларини бошқа кредиторларнинг виждонсиз ҳаракатларидан муҳофаза этиш; 3) қарздор манфаатларини кредиторларнинг виждонсиз ҳаракатларидан муҳофаза этиш⁶³.

Банкротлик тўғрисидаги замонавий дунё қонунчилиги асосан икки йўналиш асосида ривожланган. Булардан бири британ модели тамоийлларига асосланган бўлиб, унда банкротликка банкрот бўлиб қолган қарздорни тугатиш йўли билан кредиторларнинг қарзларини қайтариш усули сифатида қаралади. Иккинчи йўналиш эса асосий мақсади компанияни қайта тиклаш, унинг тўловга қобилиятлилигини қайтаришдан иборат бўлган америка модели бўлиб ҳисобланади. Натижада турли мамлакатлар қонунчилигида қарздорнинг ёки кредиторнинг манфаатларини кўпроқ ҳимоя қилишга қаратилган йўналиш пайдо бўлади. Шундан банкротлик тўғрисидаги қонунчиликнинг қуйидаги иккита эҳтимолий йўналишлари келиб чиқади:

1. Ҳуқуқий меъёрлар қарздор молиявий қийинчиликларининг дастлабки вақтидан (масалан, икки ҳафта мобайнида қарзини тўламаслик ёки бир ой мобайнида учтадан кўп мажбуриятларини ўз вақтида бажармаслик каби) бошлаб мажбуриятларни бажармаслик сабабларини аниқламасдан ва қарздорнинг имкониятларини инобатга олмасдан туриб, унинг фаолиятини тугатишга қаратилган йўналиш (бу йўналиш прокредитор йўналиш деб ҳам аталади). Мазкур йўналишнинг моҳияти шундаки, бунда қарздор виждонсиз ва тегишли равишда унинг раҳбарияти вужудга келган молиявий қийинчиликлар учун жавобгар деб топилади. Ушбу тизимнинг асосий мақсади қарздорни қутқариш эмас, балки иложи борича тўлиқ ва тезроқ кредиторлар талабларини қондириш бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун прокредиторлик қонунчилиги қарздор бизнесини сотишнинг (бу ҳатто унинг муқаррар тугатилишига олиб келсада) нисбатан енгил жараёнини амалга оширишга йўл қўяди. Қарздор ишларни юрита олмайди деб ҳисобланиши туфайли, банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилган вақтдан бошлаб унинг раҳбариятига қатъий чекловлар қўйилади ва молмулки устидан назорат ўрнатилади. Қайта тиклаш жараёнлари эса қарздорнинг хоҳишига қараб эмас, балки кредиторнинг ташаббуси

⁶³ Васильев Е.А. Гражданское и торговое право капиталистических государств. М., 1992. 442 б.

билан амалга оширилиши мумкин. Бундай ташаббус бўлмаган тақдирда, қисқа муддатли тугатиш ўтказилади. Шундай қилиб, прокредиторлик тизими одатда қарздорни тезлик билан тугатиш ёки унга тегишли мол-мулк (шу жумладан унинг бизнеси) камаймаслигидан олдин, унинг бизнесини сотиш орқали амалга ошириладиган фақатгина кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Буюк Британияда прокредиторлик тизими нисбатан яққол намоён бўлади.

2. Ҳуқуқий меъёрлари молиявий қийинчиликларни бошидан кечираётган қарздорнинг тўловга қобилиятлилигини тиклаш учун барча усулларни қўллашни мақсад қилиб қўйувчи реабилитациявий ёки қарздорни қайта тиклашга қаратилган йўналиш. Бунда қарздорнинг хўжалик фаолиятини юритишга қодир эмаслиги тўлиқ исботланган, яъни қўлланилган қайта тиклаш усуллари кутилган натижаларни бермаган ҳоллардагина уни тугатишга йўл қўйилади. Бу тизимдаги қонунчилик қарздор бошидан кечираётган молиявий қийинчиликлар вақтинча, тасо-дифий характерга эга бўлиши нуқтаи назаридан келиб чиқиб қурилади ва шу сабабли тез киритиладиган ва етарли даражада узок вақтга чўзиладиган тегишли равишдаги қайта тиклаш жараёнларига кўп эътибор қаратилади. Ҳатто, барча кредиторлар талабларини тўлиқ қондириш мумкин бўлмаган ҳолларда ҳам реабилитациявий жараёнлар тугатиш билан яқунланмаслиги, яъни мол-мулкни реализация қилиш ва креди-торлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин қарздорга олдин-ги қарзларидан мустақил ҳолда бизнесни бошлаш имконияти берилиши мумкин. Бундан ташқари, қарздорлар манфаатлари ҳимоя қилинадиган йўналиши қонунчилиги шартларида келишув битими тузиш-да қарздорга нисбатан бир қатор имтиёзлар назарда тутилади. Буларнинг ҳаммаси кўп ҳолларда кредиторларни ноқулай аҳволга солиб қўяди ва қарздор корхонанинг бизнесини қутқариб қолиш эҳтимолини пасайти-ради. Мазкур йўналиш Франция ва АҚШ қонунчилигида нисбатан кўп учрайди.

Замонавий шароитларда бозор муносабатлари ривожланган мам-лакатлар қонунчилигида санаб ўтилган моделларни аралашган шакли кузатилади, яъни банкротлик тўғрисидаги қонунчилик олдида бир вақтнинг ўзида кредиторлар манфаатларини қаноатлантириш ва қарздорнинг тўлов қобилиятини қайта тиклашга имконият бериш билан боғлиқ иккита масала қўйилади. Бу банкротликнинг бетараф тизими

пайдо бўлишига олиб келди.

Бетараф тизимнинг моҳияти шундаки, бунда банкротлик бўйича танлов қонунчилиги меъёрлари кредитор ва қарздор манфаатларини бир мувозанатга келтириш қаратилган, яъни бу ҳолда қонун бир томонга иккинчи томоннинг манфаатларига зарар етказувчи яққол имтиёзли бермайди; бундан ташқари, хўжалик суди сезиларли даражадаги ваколатлара эга бўлади. Қонун бир вақтнинг ўзида ҳам қарздор ва ҳам кредиторлар манфаатларини инобатга олиши туфайли, улар деярли тенг ҳолатда бўлади. Қарздорнинг виждонлилиги борасида ҳеч қандай қоидалар ўрнатилмасда, лекин қарздор бошидан кечираётган молиявий қийинчиликлар сабабини аниқлашга қаратилган механизмлар киритилади. Агар бу қийинчиликларнинг олдини олиш мумкин бўлса, суд ҳатто кредиторларнинг иродасига қарши бўлса ҳам, реабилитациявий жараёнларни қўллаши мумкин. Бетараф тизимда қарздорни қутқариш билан бизнесни қутқариш ўртасида танловнинг мавжуд эмаслиги хос. Бу шуни билдирадики, қонун қайта тиклаш имкониятини беради ва фақат қайта тиклаш жараёнлари доирасидагина бизнесни сотишга (албатта, муайян ҳолларда бу бизнеснинг жозибадорлиги ва қийматининг пасайишига олиб келиши мумкин) йўл қўяди. Шубҳасиз, ўз табиатига кўра бир-бирига қарши бўлган субъектлар манфаатларида бир мувозанатга келиш жуда қийин вазифа бўлиб ҳисобланади. Уни тезда ва хатоларсиз ҳал этиш амалий жиҳатдан мумкин эмас (ундан кўра бир томоннинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган аниқ, бир-бири билан боғланган мантиқий меъёрларни тузиш нисбатан осон бўлиб ҳисобланади).

Юқорида таъкидланганидек, банкротлик деганда қарздорнинг (субъектнинг) кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича талабларини тўлиқ қондира олмасликлари тушунилади. Шу ердан кўриниб турибдики, айнан қарздорнинг кредитор талабларини белгиланган муддатда қаноатлантира олмаслиги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг банкротлиги белгиси сифатида қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги қонунининг 4-моддасида кўрсатилишича, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор

томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади. Ушбу қоида 1999 йил 10 сентябрда қабул қилинган "Кичик ва ўрта корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги белгиларини аниқлаш" Тартибида⁶⁴ янада аниқлаштирилган. Бу ҳужжатда корхоналар уларнинг иқтисодий ҳолатига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- қарзларни улар тўланадиган пайтга қадар 60 кунгача реализация тушумлари билан узганда – корхоналар "молиявий барқарор корхоналар" гуруҳига киритилади;

- улар тўланадиган пайтга қадар 180 кунгача пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган кредиторлик қарзлари мавжуд бўлганда – корхоналар "иқтисодий таваккалчиликли корхоналар" гуруҳига киритилади;

- улар тўланадиган пайтга қадар олти ойгача пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган кредиторлик қарзлари мавжуд бўлганда – корхоналар "иқтисодий ночор корхоналар" гуруҳига киритилади.

Бу ерда корхоналар тўловга қобилиятсизлигини аниқлашнинг асосий мезони бўлиб, уларнинг иқтисодий ҳолати ҳисобланади. Пассивлар (ҳаражатлар) активлар (даромадлар) суммасидан ошиб кетган бюджет ёки бухгалтерлик балансининг ҳолати банкротлик белгиси сифатида тан олинади. Натижада корхона ўзининг навбатдаги ҳаражатларини қоплаш, шу жумладан, қарзларини қайтаришга қодир бўлмай қолади ва ниҳоят банкротлик келиб чиқади.

Адабиётларда муайян вақт давомида қарздор ўз қарзларини тўламаганлигидан иборат бўлган тўловга қобилиятсизликнинг иқтисодий белгисини ташқи белги деб, акциядорлик жамиятининг пассивлари унинг активларидан ошиб кетиши билан боғлиқ баланс белгини эса ички белги деб аташ қабул қилинган.

Акциядорлик жамияти банкротлик жараёнининг асосий иштирокчилари бўлиб қарздорнинг ўзи, яъни юридик шахс сифатида акциядорлик жамияти ва кредиторлар ҳисобланади, чунки, банкротлик жараёнининг ўзи ушбу икки томоннинг муносабатлари натижаси сифа-

⁶⁴ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 09.10.1999 йил 829-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги қошидаги иқтисодий ночор корхоналар ишлари Кўмитаси томонидан тасдиқланган.

тида бошланади.

"Банкротлик тўғрисида"ги қонунда кўрсатилишича, қарздор бу пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркордир. Бунда пул мажбурияти деганда қарздорнинг фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси бўйича ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра кредиторга муайян пул суммасини тўлаш мажбурияти тушунилади. Мажбурий тўловлар деганда давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тушунилади.

Кредитор бу – қарздор пул мажбуриятлари бўйича ва (ёки) мажбурий тўловлар мажбуриятини бажариш бўйича қайси юридик ёки жисмоний шахс олдида жавобгар бўлган юридик ёки жисмоний шахсдир.

Қуйидаги шахслар, гарчи акциядорлик жамияти уларга нисбатан пул мажбуриятларига эга бўлса-да, акциядорлик жамиятининг кредиторлари ҳисобланмайди:

1) қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун жавобгар бўлса;

2) айти шу фуқаро, шунингдек ўз иштирокидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича қарздор акциядорлик жамиятининг иштирокчилари (акциядорлари).

Хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритиш учун қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини қондириш мақсадида якка тартибда мурожаат этишга ҳақли эмас. Бунинг учун барча кредиторларнинг манфаатларини кўзловчи махсус органлар-кредиторлар йиғилишлари ва кредиторлар кўмиталари ташкил этилади. Кредиторлар одатда ҳудудий ва ташкилий жиҳатдан бир-биридан ажралган бўлади ва банкротлик жараёнида бир-бирига мос келмайдиган, кўп ҳолларда эса бир-бирига қарама-қарши бўлган манфаатларни кўзлайди. Шунинг учун улар ўртасидаги қарама-қаршилиқларга барҳам беришга, барча иштирокчиларни қаноатлантирадиган ижобий натижаларга эришиш мақсадида жараённинг бошқа иштирокчиларини жалб этган ҳолда уларнинг кучларини бирлаштиришга эришиш муҳим бўлиб ҳисобланади. "Банкротлик тўғрисида"ги қонун кредиторлар манфаатларини ифода

этиш ва ҳимоя қилишга қаратилган шакллар тизимини мустаҳкамлади. Кредиторлар йиғилиши энг яхши ва нисбатан демократик шакллардан бири бўлиб ҳисобланади. У банкротликнинг барча жараёнлари – кузатиш, ташқи бошқарув, танлов, келишув битими ва қонунда белгиланган бошқа ҳолатларда қўлланилади.

Ушбу органлар ёки мол-мулкни тартибсиз тақсимламасдан туриб кредиторлар талабларини қондириш учун уларнинг талабларини ташкилий тақсимлашга ёки банкротликнинг олдини олиш мақсадида қарздор томонидан тузилиши мумкин бўлган таваккалчиликка асосланган битимларнинг олдини олишга йўл қўяди, Мазкур органлар воситасида кредиторлар суд бошқарувчиси ва бошқа бошқарув органларини сайлаш, банкротлик жараёнининг турини аниқлаш, ташқи бошқарув режаси ва унинг ижро этилиши тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш, назорат функцияларини амалга ошириш орқали қарздор ишларини, умуман олганда унинг мулкни бошқариш ҳуқуқига эга бўладилар. Кредиторлар йиғилиши ваколатига банкротлик жараёнида вужудга келадиган муҳим масалалар киритилган. Хусусан, кредиторлар кенгаши банкротликнинг у ёки бу жараёнини (кузатувдан ташқари) киритиш ва тегишли илтимос билан хўжалик судига мурожаат этиш юзасидан қарор чиқариш ваколатига эга бўлади.

Шундай қилиб, банкротлик жараёнида кредиторлар манфаатлари уларнинг икки босқичли органлари, яъни кредиторлар кенгаши ва кредиторлар қўмитаси воситасида ифода этилади. Кредиторлар ушбу органларда овоз бериш орқали иштирок этишади.

Кредиторлар йиғилишида ҳар бир кредитор кредиторлар йиғилишини ўтказиш санасида умумий кредиторлик қарзидаги улушига мутаносиб равишда овозлар сонига эга бўлади. Кредиторлар кенгаши Кредиторлар йиғилиши, агар унда қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари умумий суммасининг камида учдан икки қисми миқдорида талаблар билдираётган, овоз бериш ҳуқуқи бор кредиторлар ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Кредиторлар йиғилиши суд бошқарувчисининг ташаббуси билан кредиторлар қўмитасининг, пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблар умумий суммасининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи кредиторларнинг талабига биноан ёхуд кредиторлар умумий сонининг учдан бир

қисми ташаббуси билан чақирилади.

Кредиторлар йиғилишининг мутлақ ваколатига қуйидаги қарорларни қабул қилиш киради:

- келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор;
- кредиторлар қўмитаси аъзоларини сайлаш, унинг миқдорий таркибини белгилаш ва бундай қўмита аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги қарор;
- суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ва уларнинг муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги қарор;
- қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юришни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор;
- суд санацияси режасини тасдиқлаш ҳамда қарзларни узиш жадвалини маъқуллаш тўғрисидаги қарор;
- ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор.

Кредиторлар органи аъзоси бўлиш, яъни банкротлик жараёнини бошқаришда иштирок этиш учун кредиторлар ушбу жамиятнинг кредиторлари сифатида тан олинислари керак. Бунинг учун кредитор ўзи ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан фирманинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили), паспортга оид маълумотлари (жисмоний шахслар учун), шунингдек банк реквизитлари (агар улар бўлса), шунинг унинг талабларини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилган ариза билан мурожаат этиши керак. Шундан кейин ушбу кредитор ҳақидаги маълумотлар кредиторлар талаблари реестрига киритилади ва кредитор расмий равишда мазкур акциядорлик жамиятининг кредитори ҳисобланади.

Кредиторларнинг талаблари реестрида ҳар бир кредитор ҳақидаги, пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредитор талабларининг аниқланган миқдори, ҳар бир талабнинг қондирилиш навбати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Бунда кредиторларга кредиторлар талаблари реестри билан танишиб чиқиш имконияти таъминланган бўлиши керак.

Кредиторлар қўмитаси кредиторларнинг манфаатларини ифода этади ҳамда суд бошқарувчиларининг ҳаракатлари устидан назорат олиб боради. Кредиторлар манфаатларини ифода этувчи орган сифатида кредиторлар қўмитаси кредиторларнинг ўзидан ташкил топа-

ди. Кредиторлар қўмитаси аъзоларини сайлаш ва уларнинг сонини белгилаш тўғрисидаги қарор кредиторлар йиғилиши томонидан қабул қилинади. Кредиторлар қўмитасининг аъзолари, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш амалга ошириладиган даврга сайланади.

Агар қарздорнинг кредиторлари сони йигирматадан кам бўлса, кредиторлар қўмитасининг вазифаларини кредиторлар йиғилишининг қарори билан кредиторлар йиғилиши зиммасига юклаш назарда тутилиши мумкин; бунда, тегишли равишда раис сайланиши керак бўлади. Қарор қабул қилиш вақтида ҳар бир аъзо битта овозга эга бўлади. Қарор кредиторлар қўмитаси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Ўз зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда кредиторлар қўмитаси қуйидагиларга ҳақли:

- суд бошқарувчисидан қарздорнинг молиявий аҳволи ва банкротлик таомилининг бориши тўғрисида ахборот тақдим этишни талаб қилиш;

- суд бошқарувчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан хўжалик судига шикоят бериш;

- банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этиш учун ўз вакилини сайлаш;

- қонучилик ва суд санацияси ёки ташқи бошқарув режасида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

Кредиторлар қўмитаси қуйидаги қарорларни қабул қилишга ҳақли:

- кредиторлар йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарор;

- суд бошқарувчисининг тайинланиши, алмаштирилиши ёки вазифасидан озод қилиниши тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этишни кредиторлар йиғилишига тавсия қилиш ҳақидаги қарор;

- қарздорнинг йирик битимларини ҳамда амалга оширилишидан қарздор манфаатдор бўлган битимларини тасдиқлаш ёки уларни тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги қарор.

Кредиторлар қўмитасининг аъзолари кредиторлар йиғилиши томонидан суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш амалга ошириладиган даврга сайланади. Агар кредиторлар қўмитасида аъзолар беш кишидан ортиқ бўлса, кредиторлар қўмитаси раиси сайланиши шарт.

Кредиторлар йиғилишининг қарорига биноан кредиторлар қўми-

таси барча аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Бундай қарор бир пайтнинг ўзида фақат кредиторлар қўмитасининг барча аъзоларига нисбатан қабул қилиниши мумкин.

Суд бошқарувчиси банкротлик жараёнида учинчи, бетараф томон бўлиб ҳисобланади. У бошидан охиригача банкротликка дахлдор бўлган шахсларнинг фаолиятини, шу жумладан уларнинг хўжалик судидаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш маркази вазифасини бажаради. Бу банкротлик жараёнларини амалга ошириш учун хўжалик суди томонидан тайинланадиган шахс. У банкротлик ишини юритишда ҳакам вазифасини бажаради ва шунинг учун кредиторлар ва қарздорга нисбатан бетараф бўлиб, бирор-бир тарзда томонлардан бирининг манфаатларини кўзлаши мумкин эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда суд бошқарувчилари:

– қонун ҳужжатларига мувофиқ қарздорга нисбатан бош ёки тобе ҳисобланувчи юридик шахс;

– қарздорнинг раҳбари, шунингдек кузатув кенгаши, коллегиял ижроия органи таркибига кирувчи шахслар, бош ҳисобчи (бухгалтер), шу жумладан улар билан тузилган меҳнат шартномаси банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилмасидан олдинги бир йил давомида бекор қилинган ҳолларда ҳам;

– юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) бўлмасликлари керак.

Суд бошқарувчилари банкротликнинг турли босқичларида турлича номланади. Масалан, кузатувни амалга оширишда у "муваққат бошқарувчи", санация ўтказиш жараёнида "санация қилувчи бошқарувчи", қайта тиклашни амалга ошираётган вақтда "ташқи бошқарувчи", тугатиш жараёнида эса "тугатиш бошқарувчиси" деб аталади.

Қонунда суд бошқарувчиси бўлмоқчи бўлган шахслар эга бўлиши лозим бўлган сифатлар кўрсатилган. Буларга олий маълумотга ҳамда камида икки йиллик иш стажига эга бўлиш, шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органида аттестациядан ўтиш кабилар киради. Бунга қарши равишда қуйидаги шахслар суд бошқарувчилари этиб тайинланиши мумкин эмас:

– қарздор ёки кредиторларга нисбатан манфаатдор шахслар;

– судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар;

– яқка тартибдаги тадбиркорлар, агар уларга нисбатан банкрот-

лик таомили жорий этилган бўлса;

– илгари суд бошқарувчиси вазифасини бажараётган пайтда қарздорга, кредиторларга зарар етказган ва бу зарарнинг ўрнини қоплаган шахслар;

– бошқа шахсларнинг ишларини ва (ёки) мол-мулкни бошқариш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишига чеклов белгиланган шахслар (бундай фаолият билан шуғулланишдан маҳрум этилган ёки бундай фаолиятга нолайиқ деб топилган шахслар).

Қуйидагилар суд бошқарувчисининг касбий мажбуриятлари доирасига киради:

– қарздорнинг мол-мулки бут сақланиши юзасидан чоралар кўриш;

– кредиторларнинг талаблари реестрини юритиш;

– қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиш;

– хўжалик суди томонидан белгиланган вазифаларни бажариш;

– зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда қарздорга, кредиторларга ва учинчи шахсларга зарар етказилган бўлса, уларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича банкротлик жараёни умуман олганда қуйидаги босқичлардан ташкил топади.

1. Қарздорнинг ишига суд органлари аралашмайдиган, лекин бу хоҳлаган вақтда содир бўлиши мумкин бўлган дастлабки (суддан ташқари) босқич. Мазкур босқичда қарздор банкрот бўлиш арафасида, яъни унинг молиявий аҳволи заифлашган бўлса-да, суд жараёнларини қўллашга ҳали етарли асослар бўлмаган ҳолатда бўлади. Бу босқичда банкротликнинг олдини олиш мақсадида судгача бўлган санация қўлланилади. Бунда акциядорлар, қарздорнинг бошқарув органлари ёки мол-мулк мулкдори қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига топширилгунгача бўлган даврда қарздорни молиявий соғломлаштириш юзасидан чоралар кўради. Бундай чоралар қарздор билан келишилган ҳолда кредиторлар ёки бошқа шахслар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. "Банкротлик тўғрисида"ги қонунда кўрсатилишича, судгача санация қилишнинг асосий чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

– тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўла ёки қисман сотиб олиш;

- ишлаб чиқаришни рақобатбардош маҳсулот чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш;
- четдан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш;
- ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ҳамда фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши;
- қарздорнинг фаолиятни давом эттириши учун қарздор билан кредиторлар ўртасида кредиторларга тўланадиган тўловлар муддатини кечиктириш ва (ёки) уни бўлиб-бўлиб тўлаш ёхуд қарзлардан сийлов бериш тўғрисида ахдлашувга эришишга қаратилган битим;
- мажбурий тўлов мажбуриятини бажаришни ва кредитларни қайтаришни судгача санация қилиш муддатига кечиктириш;
- қарздор юридик шахсни қайта ташкил этиш.

2. Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида хўжалик судига ариза бериш. Бу босқич ариза бериш вақтидан бошлаб, унинг суд томонидан қабул қилинишигача бўлган вақтни ўз ичига олади. Мазкур босқичда субъектлари, яъни ариза ким томонидан кимга нисбатан берилаяпти, улар танлов жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эгами, агар эга бўлса, қанда шартлар асосида бу ҳуқуқдан фойдаланади, қарздорда банкротлик белгилари мавжудми, ушбу ҳолда қўлланиладиган қонунчилик кабилар ҳақидаги масалалар ҳал этилади.

3. Кузатув. Бу босқич суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган вақтдан бошланиб, ушбу иш бўйича хўжалик судининг биринчи йиғилиши ўтказилишигача давом этади. Кузатув жараёни барча қарздорлар учун бўлмаса-да, лекин уларнинг кўпчилиги учун қўлланилади. Кузатувни киритиш бир томондан қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги етарли даражада маълум (бўлажак суд мажлиси бўлиши эса аниқ маълум) бўлган ва иккинчи томондан белгиланган суд тадбирлари ҳали бошланмаган вақтда қарздор ва кредиторлар манфаатлари ўртасидаги мувозанатга эришиш мақсадини кўзлайди. Кузатув – пассив жараён бўлиб ҳисобланади, чунки, ушбу давр мобайнида қарздор корхона одатий хўжалик фаолиятини давом эттиради, унинг раҳбарияти эса олдин қандай ҳаракат қилган бўлса, шундай ҳаракат қилаверади. Ташқи субъектнинг – муваққат бошқарувчининг аралашувининг моҳияти шундаки, у раҳбарият ҳаракатлари кредиторлар учун зарар етказмаслигини ку-

затади, шу мақсадда муайян битимларни тузишда муваққат бошқарувчининг розилигини олиш талаб этилади. Бошқарувчи қарздор номидан бирор-бир ҳаракатлар қилиш ёки битимлар тузиш, шунингдек унинг хўжалик фаолиятига арлашиш ваколатига эа эмас. Муваққат бошқарувчи фаолиятининг яна бир мақсади кузатув якунида молиявий аҳволни қайта тиклашнинг ҳақиқий ҳолатлари мавжуд ёки мавжуд эмас деган хулоса чиқариш учун қарздорнинг молиявий аҳволини ўрганиш бўлиб ҳисобланади. Кузатув сўнгида қарздорнинг тақдирини борасида, яъни ёки уни реабилитация қилиш учун муайян куч сарфлашнинг мақсадга мувофиқлиги ёки юридик шахсни тугатиш зарурати тўғрисида хулоса чиқарилади. Биринчи ҳолатда муайян шароитлар мавжуд бўлган тақдирда, танлов муносабатлари ривожланишининг тўртинчи босқичига ўтилса, иккинчи ҳолатда бешинчи босқичга ўтилади.

4. Реабилитация. Бу босқич икки шаклда, яъни ташқи бошқарув ёки суд санацияси шаклида амалга оширилиши мумкин. Мазкур босқич тўла равишда қарздорнинг молиявий аҳволини қайта тиклашга қаратилади.

Ташқи бошқарув қарздорни, унинг яшаш қобилиятини қайта тиклаш эҳтимоли асослантирилган ҳоллардагина қўлланилади. Кузатувдан фарқли равишда ташқи бошқарув қарздорга нисбатан фаол ҳаракатлар босқичи бўлиб ҳисобланади. Ушбу ҳаракатларни корхонани бошқариш юзасидан барча ваколатларга эга бўлган мустақил субъект – ташқи бошқарувчи амалга оширади (қарздорнинг раҳбарияти ўз мажбуриятларини бажаришдан озод этилади). Ташқи бошқарув босқичида қарздор бир қатор имтиёзларга эга бўлади, хусусан бу вақтда кредиторлар талабларини қаноатлантиришга нисбатан мораторий ўрнатилади; буларнинг барчаси унинг фаолиятини қайта тиклаш мақсадини кўзлайди. Ташқи бошқарув одатда 12 ойдан 24 ойгача бўлган муддатда тайинланади; ушбу муддат тугаши билан ташқи бошқарув мақсадларига эришилганлиги, яъни қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги ва унинг меъёрий фаолияти таъминланганлиги масаласи ҳал этилади (бу борадаги хулоса барча кредиторлар талабларини қондириш ва меъёрий фаолият юритиш учун учун қарздорнинг етарли воситалари мавжудлигидан келиб чиқиб чиқарилади). Агар қарздорнинг тўлов қобилияти тикланган бўлса, у ҳолда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) тўғрисидаги иш тугатилиб, қарздор ўзининг хў-

жалик фаолиятини, бу фаолият хусусияти ташқи бошқарув даврида сезиларли даражада ўзгарган бўлса-да амалга ошираверади. Агар ташқи бошқарув жараёнида қарздорни молиявий жиҳатдан қайта тиклаш-га эришилмаган бўлса, у ҳолда бешинчи босқичга ўтилади.

"Банкротлик тўғрисида"ги қонунда кўрсатилишича, суд санацияси бу – хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидаги қарзини узиш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомилидир. Шундай қилиб, ташқи бошқарувдан фарқли равишда суд санацияси таомилида суд бошқарувчиси акциядорлик жамиятини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмайди. Суд санациясини ўтказиш вақтида қарздорнинг бошқарув органлари қонунчиликда белгиланган чекловларга амал қилган ҳолда ўз ваколатларини амалга оширадилар.

5. Тугатишга доир иш юритиш. Мазкур босқичда акциядорлик жамияти тугатилади; бунда барча чора-тадбирлар қарздор мол-мулкни реализация қилишга қаратилади. Тугатишга доир иш юритиш даври хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб тан олиш тўғрисидаги қарорнинг чиқарилиши билан бошланади (бундай қарор кузатув ёки ташқи бошқарув ёхуд суд санацияси яқунларига асосан чиқарилади). Шунини таъкидлаш жоизки, фақатгина шу вақтдан бошлаб, яъни тугатишга доир иш юритиш бошланган вақтдан бошлаб, қарздор банкрот деб аталиши мумкин; қарздорга нисбатан бу атама кўп ҳолларда бўлгани каби, анча олдинги босқичларда қўлланилиши жуда катта миқдордаги шартли равишда амалга оширилади ва унчалик ҳам тўғри бўлиб ҳисобланмайди. Тугатишга доир иш юритиш босқичида мустақил субъект – тугатиш бошқарувчиси ҳаракат қилади; унинг фаолияти қарздор мол-мулкни тезроқ реализация қилиш, тугатиш массасини шакллантириш ва уни талаблар навбатига мос равишда кредиторлар ўртасида тақсимлашга қаратилади. Тугатишга доир иш юритиш юридик шахсни юридик шахсларнинг давлат реестридан чиқаришга асос бўладиган хўжалик суди томонидан тегишли ажримнинг чиқарилиши билан яқунланади. Лекин тугатишга доир иш юритишнинг яқунланиши билан юридик шахсни юридик шахсларнинг давлат реестридан чиқарилиши ўртасида қандайдир вақт ўтади. Ушбу вақт мобайнида юридик шахс ҳеч қандай мол-мулкка эга бўлмаган

ҳолда расмий равишда фаолият юритади, бу эса бир қатор муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун бевосита тугатиш, яъни юридик шахсни давлат реестридан чиқаришни алоҳида босқич сифатида ажратиш муҳим бўлиб ҳисобланади.

б. Келишув битими. Келишув битими – банкротлик муносабатлари ривожланишининг алоҳида босқичи бўлиб ҳисобланади; Ушбу босқичга танловнинг ҳар қандай суд босқичида (кузатув, ташқи бошқарув, тугатишга доир иш юритиш) ўтишга йўл қўйилади. Келишув битими қарздор (ёки бошқарувчи) томонидан кредиторлар билан тузилади ва унинг тузилиши банкротлик ҳақидаги ишни тугатишга олиб келади. Ўз моҳиятига кўра келишув битими бир иштирокчиларнинг иродаси бошқалариникига боғлиқ бўлган кўптомонлама шартнома ҳисобланади.

Қарздор ва кредиторлар хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида келишув битими тузишга ҳақли. Келишув битими тузиш тўғрисидаги қарорни кредиторлар номидан кредиторлар йиғилиши қабул қилади. Кредиторлар йиғилишининг келишув битими тузиш тўғрисидаги қарори кредиторлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади ва қарор, башарти қарздорнинг гаров билан таъминланган мол-мулки мажбуриятлари бўйича барча кредиторлар уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади. Келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор қарздор номидан тегишинча қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки қарздорнинг раҳбари, у ўз вазифасини бажаришдан озод этилган ҳолларда – суд бошқарувчиси, ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчиси томонидан қабул қилинади.

Келишув битими ёзма шаклда тузилади. Қарздор номидан келишув битимини тегишинча қарздор юридик шахсининг раҳбари ёки ташқи бошқарувчи ёки танлов бошқарувчиси, кредиторлар номидан эса кредиторлар йиғилиши томонидан ваколат берилган шахсининг ўзи имзолайди. Агар келишув битимида учинчи шахслар иштирок этаётган бўлса, улар номидан келишув битимини шу шахсларнинг ўзи ёки уларнинг вакиллари имзолайди.

Келишув битимида қарздор пул мажбуриятларининг миқдори, уларни бажариш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ва (ёки) воз кечиш ҳақини бериш, мажбуриятларни янгилаш, қарзни кечиш йўли билан ёхуд қарздорнинг пул мажбуриятларини қонун ҳужжатларида

назарда тутилган ўзга усуллар билан тугатиш тўғрисидаги қоидалар бўлиши керак.

Келишув битими нафақат харажатлар ва кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин, балки иш ҳақини тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов хужжатлари бўйича талаблар қондирилганидан кейин хўжалик суди томонидан шу ҳақидаги ажрим чиқариш орқали тасдиқланиши мумкин. Хўжалик суди томонидан келишув битимининг тасдиқланиши банкротлик тўғрисидаги иш юритишнинг тугатилишига асос бўлади. Агар келишув битими тугатишга доир иш юритиш жараёнида тузилса, хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни ижро этмаслик кўрсатиладиган келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим чиқаради.

Харажатлар ва кредиторлар талаблари, шунингдек, иш ҳақини тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов хужжатлари бўйича талаблар билан боғлиқ харажатларни қоплаш ва талабларни қондиришга доир мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда ёки келишув битими тузишнинг банкротлик тўғрисидаги қонунда белгиланган тартиби, шаклига риоя этилмаган, учинчи шахслар ҳуқуқлари бузилган ва келишув битими шартлари қонунчиликка зид бўлган ҳолларда хўжалик суди келишув битимини тасдиқлашни рад этади.

2-§. Банкротлик

Акциядорлик жамиятининг кредиторлар талабларини қондира олмаслиги аниқ бўлган ва унинг молиявий аҳволини қайта тиклашнинг имкони бўлмаган ҳолларда, у банкрот деб тан олинади ва бу ҳол тугатишга доир иш юритишни бошлаб беради. Тугатишга доир иш юритишнинг тадбирлари қарздорнинг мол-мулкни қидириш ва тўплаш, ушбу мол-мулкни реализация қилиш, уни кредиторлар ўртасида тақсимлаш ва қарздор юридик шахсни тугатишга қаратилган. "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган банкротлик белгиларининг мавжудлиги, хўжалик суди томонидан тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорни чиқаришга асос бўлади. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун қонун зарур ҳолларда суд томонидан узайтирилиши мумкин бўлган, бир йиллик муддатни

белгилайди.

Тугатишга доир иш юритишнинг пировард мақсади ташқи бошқарув мақсадидек қарздор корхонанинг мавжуд бўлишини таъминлаш эмас, балки уни тугатиш билан бирга кредиторлар талабларини мутаносиб равишда қондириш бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришишни қарздор, кредиторлар ва банкротликка дахлдор бошқа шахсларни уларнинг бир-бирларига нисбатан ноқонуний ҳаракатларидан қўриқлаш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тугатишга доир иш юритишнинг бошланиши бир қатор оқибатларни келтириб чиқаради. Улардан бири қарздорнинг мол-мулкини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ ёки унинг мол-мулкини учинчи шахслар фойдаланиши учун топширишга сабаб бўлувчи битимлар тузишга қонунда белгиланган тартибда йўл қўйилиши бўлиб ҳисобланади. Масалан, қарздор мол-мулкини сотиш фақат кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан тасдиқланган тартиб ва муддатларда амалга оширилади.

Тугатишга доир иш юритишнинг бошланишининг бошқа оқибатлари қаторига қарздорнинг барча пул мажбуриятларини бажариш муддати, шунингдек кечиктирилган мажбурий тўловларни тўлаш муддати бошланган деб ҳисобланиши киради. Ҳатто, агар муайян шартномаларда муддатнинг бошланиши нисбатан кеч кўрсатилган бўлса-да, тугатишга доир иш юритишнинг бошланиши билан улар муддатидан олдин бошланади. Қарздорнинг барча турдаги қарзлари бўйича неустойка (жарима, пеня) ва фоизларни ҳисоблаш тугатилади, ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратишга доир барча чекловлар олиб ташланади, ижро ҳужжатларини ижро этиш тугатилади.

Тугатишга доир иш юритишнинг мақсадларига эришишга биринчи навбатда унинг ошқора ўтказилганлиги хизмат қилади. Кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида шу вақтдан бошлаб қарздорнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар (шу жумладан тижорат сири) махфий маълумотлар ҳисобланмайди. Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб тан олиш тўғрисидаги ахборот хўжалик судининг расмий нашрида чоп этилади. Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида эълон қилинаётган маълумотларда қуйидагилар бўлиши керак:

- 1) банкрот деб топилган қарздорнинг номи (фамилияси, исми,

отасининг исми) ва бошқа реквизитлари;

2) банкротлик тўғрисидаги иш юритаётган хўжалик судининг номи ва ишнинг тартиб рақами;

3) қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида хўжалик суди қарор қабул қилган сана;

4) кредиторлар талабларини қўйишнинг белгиланган муддати, бу муддат мазкур эълон чиққан санадан эътиборан камида икки ой бўлиши шарт;

5) қарздорга ўз талабларини билдиришлари учун кредиторларнинг почта манзили;

б) тугатиш бошқарувчиси тўғрисидаги маълумотлар.

Пул мажбуриятлари, мажбурий тўловлар бўйича барча талаблар, бошқа мулкый талаблар фақат тугатишга доир иш юритиш доирасида қарздорга тақдим этилиши мумкин, мулк ҳуқуқини эътироф этиш, маънавий зиённи компенсация қилиш, мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш, асоссиз орттирилган бойликни қайтариш, битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва уларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талаблар, шунингдек жорий тўловлар бўйича талаблар бундан мустасно.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида барча кредиторлар манфаатларини "Банкротлик тўғрисида"ги қонунга асосан ташкил этиладиган кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) ифода этади. Кредиторлар йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш (биринчисидан ташқари) тугатиш бошқарувчиси томонидан амалга оширилади. Кредиторлар йиғилиши тугатиш бошқарувчиси ташаббуси ёки кредиторлар талабларига кўра чақирилади.

Тугатиш бошқарувчиси (ишончли шахс) тугатишга доир иш юритиш жараёнининг мувофиқлаштирувчи шахси бўлиб ҳисобланади. У хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб тан олиш тўғрисидаги қарор чиқарилаётган вақтда тайинланади. Кредиторлар йиғилиши хўжалик судига кредиторларнинг нисбатан кўп овозини олган тугатиш бошқарувчисининг номзодини таклиф этади. Тугатиш бошқарувчисининг номзоди хоҳлаган кредиторлар, солиқ ва бошқа ваколатли орган қарздор ёки қарздор мулки мулкдори томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин. Агар акциядорлик жамияти устав фондида давлат улуши мавжуд бўлса, тугатиш бошқарувчиси номзоди Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ночор корхоналар ишлари Қўмитаси томонидан

тақдим этилади.

Тугатиш бошқарувчиси тугатишга доир ишни юритувчи тугатиш комиссиясини бошқаради.

Тугатиш бошқарувчиси тайинланган вақтдан бошлаб қарздор ишларини бошқариш билан боғлиқ ваколатлар, шу жумладан, кредиторлар томонидан қарздор мол-мулки таланишининг олдини олишни таъминловчи, қарздорнинг мол-мулкини тасарруф этиш билан боғлиқ ваколатлар ҳам тугатиш бошқарувчисига ўтади. Тугатиш бошқарувчиси тайинланган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида қарздорнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатлари, муҳр ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликларини қабул қилиб олади.

Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан акциядорлик жамиятининг бошқарув органи қарздорнинг мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш вазифаларини бажаришдан, агар илгари четлаштирилмаган бўлса, четлаштирилади, жамият раҳбарининг ваколатлари тугатилади (жамиятнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади), қарздорнинг ишларини бошқариш тугатиш бошқарувчисига юклатилади, шунингдек қарздорнинг мол-мулкини бошқариш ва тасарруф этиш бўйича мулкдорнинг ваколатлари тугатилади. Тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки мазкур раҳбарни бошқа ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқаради. Жамият акциядорлари жамиятни бошқаришда кредиторлар йиғилишлари орқали иштирок этади.

Тугатиш бошқарувчиси тайинланган вақтдан бошлаб икки кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказига акциядорлик жамияти бошқарув органи фаолиятининг тугатилганлиги ва эмитентнинг ишлаб чиқариш фаолияти тўхтатилганлиги ҳақида ахборот юбориши керак. Агар эмитент акциялари фонд биржасида муомалада бўлса, тугатиш бошқарувчиси икки кун муддат ичида биржага ҳам шундай ахборотни тақдим этиши керак.

Тугатишга доир иш юритиш жараёнида тугатиш бошқарувчиси:

– қарздорнинг мол-мулкини ўз тасарруфига қабул қилиши, уни инвентаризация қилиши ва баҳолашдан ўтказиши, унинг бут сақлани-

ши чораларини кўриши;

- қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиши;
- кредиторлар йиғилишини ва кредиторлар кўмитасини чақириши;
- қарздор олдидаги қарзларни ундириш чораларини кўриши;
- қарздор тугатилганда унинг ходимлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши ҳамда улар билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинажаги тўғрисида уларни хабардор этиши;
- кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши ва уларнинг талабларини кўриб чиқиши. Кредиторларнинг талаблари реестрида ҳар бир кредитор ҳақидаги, пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредитор талабларининг аниқланган миқдори, ҳар бир талабнинг қондирилиш навбати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади кредиторларга талаблар реестри билан танишиш имконияти таъминланиши лозим;
- қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкни қидириш, аниқлаш ва қайтаришга қаратилган чораларни кўриши;
- қарздорнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ сақланиши лозим бўлган ҳужжатларини сақлашга топшириши шарт.

Тугатиш бошқарувчиси ҳар ойда камида бир марта кредиторлар йиғилишига ёки кредиторлар кўмитасига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот, қарздорнинг молиявий аҳволи ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошланган пайтдаги ва иш юритиш жараёнидаги мол-мулки тўғрисида ахборот, шунингдек, бошқа ахборот тақдим этади. Тугатиш бошқарувчиси ҳисоботида шакллантирилган тугатиш массаси тўғрисидаги, шу жумладан қарздорнинг мол-мулкни инвентаризация қилиш жараёни ва яқунлари тўғрисидаги, қарздорнинг мол-мулкни баҳолаш жараёни ва натижалари тўғрисидаги, қарздорнинг ягона ҳисобварағига тушган пул маблағларининг суммаси, мазкур тушумларнинг манбаи тўғрисидаги, қарздорнинг мол-мулкни реализация қилиш жараёни ҳақидаги маълумотлар, мол-мулкни реализация қилишдан тушган суммалар кўрсатилган ҳолда, учинчи шахсларга нисбатан қарзни ундириш ҳақида тугатиш бошқарувчиси томонидан қўйилган талаблар, шу жумладан суд тартибида қўйилган талаблар миқдори ва суммаси тўғрисидаги, қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш, шунингдек қарздорнинг учинчи шахслар эгаллигида турган мол-мулкни аниқлаш ва талаб қилиб олиш чора-тадбирлари тўғ-

рисадаги маълумотлар, шунингдек, "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 139-моддасида назарда тутилган бошқа мажбурий ахборотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Тугатиш бошқарувчиси тугатиш жараёнига тагтиш бошқарувчиси ёки кредиторлар томонидан ишлаб чиқиладиган режа асосида раҳбарлик қилади. Банкрот юридик шахсни тугатиш режасида банкротнинг молиявий аҳволи, кредиторларнинг талабларини қондириш шартлари, тартиби, навбати ва нисбати, банкрот мол-мулки эгасининг, меҳнат жамоасининг манфаатлари ҳисобга олинганлиги, сотилиши лозим бўлган мол-мулк рўйхати, мол-мулкни сотиш санаси, вақти, жойи ва усули, суд харажатларини тўлаш, тугатиш бошқарувчисига, экспертлар ва бошқа шахсларнинг фаолиятига ҳақ тўлаш шартлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Акциядорлик жамиятини тугатиш режаси кредиторлар йиғилиши билан келишиб олинishi керак ва режа, агар талаблар жами суммасининг камида учдан икки қисмини ифода этувчи кредиторлар томонидан қўллаб-қувватланса, маъқулланган деб ҳисобланади. Агар қарздорнинг ўзи банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ташаббускори бўлса, у ўз тугатиш режасини тақдим этишга ҳақли.

Кредиторларнинг мулкий талабларини қондиришни икки босқичга, яъни тугатиш массасини шакллантириш ва тўпланган воситаларни кредиторлар ўртасида тақсимлашга бўлиш мумкин.

Банкрот юридик шахсининг барча активлари, балансларда кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, тугатиш массасини шакллантирувчи асосни ташкил этади, шундай қилиб, тугатиш массасида қарздорнинг барча мол-мулки йиғилади.

Тугатиш массасига ягона мулкий комплекс сифатида корхона, ишлаб чиқариш, цехлар, участкалар ва белгиланган тартибда ажратилиши мумкин бўлган корхонанинг бошқа бўлинмалари, бино, иншоот, ускуна, автотранспорт воситалари, тугатилмаган қурилиш объектлари, айланма активлари, бошқа юридик шахсларнинг қимматли қоғозлари ва бошқа мол-мулклар киради.

Умуман олганда тугатиш массаси иккита нисбатан алоҳида қисмлардан ташкил топади. Биринчиси тугатишга доир иш юритиш бошланганида қарздорнинг эгалиги, фойдаланиши ва тасарруфида бўлган мол-мулк. Иккинчи қисми тугатишга доир иш юритиш жараёнида аниқланган мол-мулкдан иборат бўлади. Қарздорнинг учинчи шахс-

ларда бўлган мол-мулкни, тугатишга доир иш юритиш бошланган вақтда қарздор қўлида бўлмаган акцияларни қидириш, аниқлаш ва қайтариш ҳисобидан тугатиш массаси миқдорини ошириш, тугатиш бошқарувчисидан сезиларли даражадаги фаоллик ва ижодни талаб этади. Бунда банкротлик қарздорлар учун тўла даражадаги тасодиф эмаслигини ҳам инобатга олиш лозим. Шунинг учун бўлажак "тиғиз вақт"га тайёрланиш мақсадида тузилиши мумкин бўлган барча битимлар орқали тугатиш массасига кириши мумкин бўлган мол-мулкни олдиндан яшириш ҳоллари ҳам учратилади.

Тугатиш массасига қуйидагилар кирмайди:

- қарздор ходимларининг хусусий мулкидаги мол-мулк;
- ишончли бошқарувдаги, қарздор ижара ҳуқуқи асосида фойдаланаётган мол-мулк;
- гаров нарса (кредиторларнинг гаров билан таъминланган гаровга қўйилган мол-мулки бундан мустасно);
- қарздорга жавобгарлик асосида сақлаш учун берилган товарлар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ қарздорнинг мулки бўлмаган бошқа мол-мулк.

Шунингдек ҳудуднинг ижтимоий ва коммунал инфратузилмаси учун зарур объектлар ва болаларнинг мактабга муассасалари ҳам тугатиш массасига киритилмайди.

Тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг мол-мулки асоссиз камаймаслиги ва унинг бут сақланиши чораларини кўради. Белгиланган тартибда кредиторларнинг қарздорга билдирган талабларига эътирозлар билдиради ва қарздорнинг фойдасиз шартномаларини ижро этишни рад этади, қарздор учун зарар келтирадиган шартномаларни тугатиш тўғрисида даъволар кўзғатади.

Шундан кейин тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг мол-мулкни инвентаризация қилади ва қийматини белгилайди. Тугатиш бошқарувчиси мазкур фаолиятни амалга ошириш учун баҳоловчилар ва бошқа мутахассисларни, уларнинг хизматлари учун ҳақни, агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан ҳақ тўлашнинг бошқа манбаи белгиланган бўлмаса, қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан тўлаган ҳолда, жалб этишга ҳақли. Устав фондида давлат улуши бўлган корхона мол-мулки баҳоланаётганда баҳоловчилар жалб этилиши шарт. Қарздорнинг кредиторлари йиғилиши ёки кре-

диторлар қўмитаси кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш мажбурияти юкланадиган, қилган харажатлари кейинчалик қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан навбатдан ташқари қопланадиган шахсни, агар унинг ўзи рози бўлса, тайинлашга ҳақли.

Тугатиш массасини ташкил этиш якунида тугатиш бошқарувчиси инвентаризация ва банкрот акциядорлик жамияти мол-мулкининг баланс (қолдиқ) қийматини аниқлаш натижалари бўйича йиғма далолатнома ва оралиқ тугатиш балансини тузади.

Қарздор мол-мулкини сотиш тугатиш жараёнининг муҳим босқичи бўлиб ҳисобланади. Кўриб чиқиладиган банкротликнинг барча таомиллари натижалари ушбу босқичнинг қандай ўтганлигидан келиб чиқади. Қарздорнинг мол-мулки инвентаризация қилинганидан ва баҳоланганидан кейин тугатиш бошқарувчиси, агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан қарздорнинг мол-мулкини сотишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлмаса, ушбу мол-мулкни очик ким ошди савдосида сотишга киришади.

У ушбу мол-мулкни ўзбошимчалик билан сотиб юборишга ҳақли эмас. Сотиш кредиторларнинг қатъий назорати остида ўтказилади, қарздорнинг мол-мулкини сотиш тартиби ва муддатлари (жадвали) кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан маъқулланган бўлиши керак. Агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан қарздорнинг мол-мулкини сотишнинг бошқача тартиби белгиланган бўлмаса, қарздор мол-мулки очик ким ошди савдосида сотилади. Қарздорнинг муомала қобилияти чекланган мол-мулки фақат ёпиқ ким ошди савдосида сотилиши мумкин. Тугатиш бошқарувчиси ким ошди савдосининг ташкилотчиси сифатида иш кўриши ёки ким ошди савдосини ўтказишни ихтисослаштирилган ташкилотга шартнома асосида топшириши мумкин. Ким ошди савдосини ўтказувчи ихтисослаштирилган ташкилот қарздорга ва тугатиш бошқарувчисига нисбатан манфаатдор шахс бўлиши мумкин эмас.

Сотиб олувчи ва ташкилотчи (сотувчи) ўртасидаги савдолар якунлангандан кейин агар бошқача қоидалар келишилмаган бўлса, шартнома кучига эга бўлган баённома имзоланади. Баённомада савдони ташкил этувчи (ёки сотувчи) ва сотиб олувчи ҳақидаги маълумотлар, мол-мулкнинг номи, охириги нархи каби маълумотлар кўрсатилади. Агар баённомада олди-сотди шартномасининг тузилиши назарда тутилган бўлса, у ҳолда савдони ташкил этувчи (ёки сотувчи) ва

сотиб олувчи ўртасида олди-сотди шартномаси имзоланади.

Пул воситаларини сақлаш учун тугатиш массасини ташкил этадиган сўмда иш юритадиган ягона ва валютада иш юритадиган ягона ҳисобварақлари мавжуд бўлиши керак. Сўмда ва валюта иш юритадиган бир қанча ҳисобварақларнинг бўлишига йўл қўйилмайди.

Қарздорнинг банкдаги тугатишга доир иш юритиш бошланаётган пайтда маълум бўлган, шунингдек тугатишга доир иш юритиш жараёнида аниқланган бошқа ҳисобварақлари аниқланиши биланоқ тугатиш бошқарувчиси томонидан уларнинг аниқланиш даражасига қараб ёпилиши лозим. Қарздорнинг ана шу ҳисобварақлардаги пул маблағлари қолдиғи тугатишга доир иш юритиш жараёнида келиб тушган пул маблағлари сингари қарздорнинг ягона ҳисобварақларига ўтказилиши лозим.

Тугатилаётган корхонанинг мол-мулкини реализация қилиш натижасида тушган маблағ кейинчалик кредиторларнинг манфаатларини қондириш учун қарздорнинг тугатиш ҳисобварағига йўналтирилади.

Қарздорнинг ягона ҳисобварақларидан кредиторларга тўловлар, шунингдек, тугатиш бошқарувчисига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар, қарздорнинг коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатларига оид жорий тўловлари, банкротлик таомиллари жараёнида юзага келган маълумотларни эълон қилиш, шунингдек қарздорнинг кредиторларини хабардор қилиш билан боғлиқ харажатлар, тугатишга доир иш юритишни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатлар тўланади.

Агар тугатиш бошқарувчиси охириги оммавий савдолар ўтказилгандан кейин уч ой муддат ичида мол-мулкни олди-сотди шартномаси асосида реализация қила олмаса, мол-мулк қарзларни узиш ҳисобига кредиторларга таклиф этилади.

Тугатиш массаси шакллантирилишида тугатиш кредиторлари доирасини аниқлаш ва қарздор мол-мулкини сотиш якунлангандан кейин энг масъулиятли иш кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш бўлиб ҳисобланади. Тугатиш бошқарувчиси уни кредиторлар талаблари реестрига асосан амалга оширади.

Қонун кредиторлар талабларини қондиришнинг қуйидаги тартибини ўрнатади.

Биринчи навбатда (навбатдан ташқари) – суд харажатлари, суд

бошқарувчиларига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар, коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатларига оид жорий тўловлар, қарздорнинг мол-мулкини суғурта қилиш харажатлари, шунингдек қарздорнинг банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганидан кейин юзага келган мажбуриятларига доир талаблари ҳамда қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлса, ана шу фуқаронинг талаблари қондирилади. Одатда бундай талабларни қондириш қарздор томонидан жабрланувчи шахсга ҳар ойлик тўловлар тўланишини ўзида акс эттиради.

Иккинчи навбатда мажбурий тўловлар ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов (ижро) ҳужжатлари бўйича, алиментларни ундириш тўғрисидаги талабларни қондириш учун ҳисобварақдан пул маблағларини ўтказиш ёки беришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича, муаллифлик шартномалари юзасидан ҳақ тўлаш бўйича, қарздорнинг меҳнатга оид муносабатлар ва уларга тенглаштирилган ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи мажбурий тўловлар ҳамда талаблар бўйича мажбуриятлари бир хил – тенг даражада бажарилишини таъминлайдиган, шунингдек жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида фуқароларнинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга доир талаблари қондирилади. Худди биринчи навбатда қондириладиган талаблар сингари бу талаблар мораторий таъсири остига тушмайди ва шунинг учун тугатишга доир иш юритиш бошланиши вақтида улар қарздор томонидан қондирилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Агар у қондирилмаган бўлса (ёки ташқи бошқарув ўтказилмаган бўлса), ушбу кредиторларнинг талаблари биринчи навбатдаги кредиторларнинг талаблари тўлиқ қондирилгандан кейин қондирилади. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, ходимларга ҳақ тўлаётган иш берувчи иш ҳақи миқдоридан муайян суммаларни (масалан, алиментлар, суғурта бадаллари каби) ушлаб қолиши керак. Агар тўловлар ташқи бошқарув босқичида амалга оширилган бўлса, ушбу вазифа тугатиш бошқарувчиси ёки ташқи бошқарувчи зиммасига юклатилади.

Учинчи навбатда мажбурий суғурта бўйича талаблар, шунингдек банкларнинг кредитлари ва банк кредитлари суғуртаси бўйича талаблар қондирилади. Кредиторларнинг гаров билан таъминланган талаблари ҳам учинчи навбатда қондирилади. Маълумки, ушлаб қолиш

мажбуриятларни таъминлашнинг шундай усулики, унга кўра тадбиркорлик муносабатларидаги мажбуриятлар қарздор томонидан муддатда бажарилмаган тақдирда кредитор қарздорга тегишли нарсани унга бермасликка ҳақли бўлади. Шунга кўра, тугатишга доир иш юритишда қарздорга тегишли хоҳлаган мол-мулк сингари учинчи шахсларда бўлган ушлаб қолинадиган нарса ҳам тугатиш массасига киритилиши керак.

Тўртинчи навбатда кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари қондирилади. Бешинчи навбатда акциялар эгаларининг талаблари, олтинчи навбатда эса қолган барча талаблар қондирилади. Акция эгалари талабларини қондириш вақтида, агар жамиятининг уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, биринчи навбатда имтиёзли акция эгалари ундан кейин оддий акция эгаларининг талаблари қондирилади. Мол-мулк қийматининг кредиторлар талаблари қондирилганидан ва банкротлик тўғрисидаги иш юритиш харажатлари тўланганидан кейин қолган қолдиғини, шунингдек тугатиш жараёнида сотилмай қолган мол-мулкни тугатилаётган қарздорнинг муассислари (иштирокчилари) ёки тугатилаётган қарздор мол-мулкнинг эгаси олади.

Кредиторлар талабларининг барча навбатини тўлиқ қондириш — тугатишга доир иш юритишда жуда кам учрайдиган ҳолат бўлиб ҳисобланади. Шундай бўлса-да бу ҳолат бўлиши мумкин. Бунга сабаблар турлича бўлиши мумкин, масалан, тугатишга доир иш юритиш бошлангандан кейин қарздор мол-мулки бозор нархининг бирданига кўтарилиши ва ҳоказолар.

Ҳар қайси навбат бўйича талаблар олдинги навбат талаблари тўла қаноатлантирилганидан кейин қондирилади. Ундириб олинаётган сумма бир навбатнинг барча талабларини тўла қондиришга етарли бўлмаса, бу талаблар ҳар бир ундирувчи олиши лозим бўлган суммага мутаносиб равишда қондирилади. Охириги тўлов тўланганлиги тўғрисида расмий нашрда махсус хабар эълон қилинади.

Кредитор хўжалик судига мурожаат этмаган ёки талаблар хўжалик суди томонидан асосиз деб топилган ҳолларда унинг талаблари тугатиш бошқарувчиси томонидан тан олинмаганлиги сингари мол-мулк етмаганлиги учун қондирилмаган кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилган мажбуриятлар деб ҳисобланади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомланганидан кейин туга-

тиш бошқарувчиси хўжалик судига тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳақида ҳисобот тақдим этиши шарт. Тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳақидаги ҳисоботга қуйидагилар илова қилинади: қарздорнинг мол-мулки сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар; кредиторларнинг талаблари реестри, кредиторлар талабларининг қаноатлантирилган миқдорини кўрсатган ҳолда; кредиторлар талаблари қаноатлантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

Ушбу ҳисобот кўриб чиқилганидан кейин хўжалик суди тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги ҳақида ажрим чиқаради ва тугатиш бошқарувчиси зиммасига мазкур ажримни юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга 10 кун муддат ичида тақдим этиш мажбуриятини юклайди.

Хўжалик судининг ажрими юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритилиши учун асос бўлади. Реестрга тегишли ёзув хўжалик судининг мазкур ажрими тақдим этилган пайтдан эътиборан уч кундан кечиктирмай киритилиши лозим. Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув киритилган пайтдан бошлаб, тугатиш бошқарувчисининг ваколатлари тугатилган, тугатишга доир иш юритиш тамомланган, қарздор эса тугатилган деб ҳисобланади.

3-§. Реабилитация

Реабилитациянинг асосий мақсади тўловга қобилиятсиз шахсга ўзининг тўлов қобилиятини тиклаш ва "соғлом тадбиркорлик ҳаётини" давом эттириш учун имконият беришдан иборат. "Реабилитация" атамаси лотинча "rehabilitation" сўзидан олинган бўлиб, "қайта тикланиш" маъносини билдиради.

"Банкротлик тўғрисида"ги қонунга асосан қуйидагилар реабилитация воситалари ҳисобланади:

- 1) судгача санация қилиш;
- 2) суд санацияси;
- 3) ташқи бошқарув.

Санация деганда қарздорга нисбатан қўлланиладиган соғломлаштириш чора-тадбирлари тушунилиб, унга асосан ташқи боқарувда фарқ қилган ҳолда акциядорлик жамиятини бошқариш муайян чек-

ловларга риоя этган ҳолда жамиятнинг органлари томонидан амалга оширилади.

Судгача санация қилиш деганда қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) ёки унинг мол-мулки эгалари, кредиторлар ва бошқа шахслар томонидан қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда банкротлигининг олдини олиш мақсадида кўриладиган чора-тадбирлар тушунилади.

Судгача санация қилиш қарздор раҳбари томонидан белгиланган муддатларда акциядорлик жамияти томонидан тўлов мажбуриятлари, шунингдек, мажбурий тўловларнинг бажармаслик ва корхона пассивларининг унинг активларидан ошиб кетиши каби банкротлик белгиларининг аниқланиши билан бошланади. Ушбу белгилар аниқланган тақдирда қарздор раҳбари бу ҳақда акциядорларга, қарздорнинг бошқарув органларига ва қарздор мулкнинг мулкдорига хабар қилиши шарт.

Банкротликнинг олдини олиш мақсадида қарздорнинг таъсисчилари (иштирокчилари), бошқарув органлари ёки мулкнинг мулкдори қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига берилгунигача қарздорнинг молиявий аҳволини тиклаш юзасидан чора – тадбирлар кўрадилар. Қуйидагилар молиявий соғломлаштиришнинг чоралари бўлиши мумкин:

– тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўла ёки қисман сотиб олиш;

– ишлаб чиқаришни рақобатбардош маҳсулот чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш;

– четдан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш;

– ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

– қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ҳамда фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши;

– қарздорнинг фаолиятни давом эттириши учун қарздор билан кредиторлар ўртасида кредиторларга тўланадиган тўловлар муддатини кечиктириш ва (ёки) уни бўлиб-бўлиб тўлаш ёхуд қарзлардан сийлов бериш тўғрисида аҳдлашувга эришишга қаратилган битим;

– мажбурий тўлов мажбуриятини бажаришни ва кредитларни қайтаришни судгача санация қилиш муддатига кечиктириш;

– қарздор юридик шахсни қайта ташкил этиш.

Судгача санация қилиш қарздор билан тузилган келишувга асосан кредиторлар ва бошқа шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Лекин реабилитациянинг бошқа иккита туридан фарқли равишда судгача санация қилиш босқичида акциядорлик жамияти бошқарув нуқтаи назаридан кредиторлардан мустақил бўлади ва ҳали банкротлик жараёнига жалб этилмаган ҳолда қайта тиклаш бўйича барча чора-тадбирларни мустақил амалга оширади.

Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққан хўжалик суди суд санацияси ёки ташқи бошқарувни киритиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин. Ҳар иккала таомил ҳам реабилитациявий ҳисобланади.

Суд санацияси хўжалик суди томонидан қарздор – акциядорлик жамиятига нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидаги қарзини узиш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомилини билдиради. Ташқи бошқарувдан фарқли равишда суд санациясида бошқарув органлари ўзларининг ваколатларини муайян чекловларга риоя қилган ҳолда амалга оширишни давом эттирадилар ва кредиторлар йиғилишининг ёхуд кредиторлар кўмитасининг розилигисиз қарздорни қайта ташкил этиш (кўшиб юбориш, кўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ва тугатиш ҳақида қарор қабул қилишга, шунингдек, қуйидаги битимларни тузишга ҳақли бўлмайди:

– кўчмас мол-мулкни ижарага, гаровга бериш, мазкур мол-мулкни хўжалик ширкатлари ҳамда масъулияти чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятларнинг устав фондига (устав капиталига) улуш сифатида кўшиш ёки бундай мол-мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш билан боғлиқ битимлар;

– қарздорнинг баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлар;

– заёмлар (кредитлар) олиш ва бериш, кафиллик ва кафолатлар бериш, талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш, қарзни бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек қарздорнинг мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини тузиш билан боғлиқ битимлар;

– агар муайян битимларни тузишдан санация қилувчи бошқарувчи ёки кредиторлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор бўладиган бўлса, айна ана шундай битимлар.

Суд санацияси шахсни банкрот деб топиш тўғрисида ариза берилганидан кейин кузатув жараёнида киритилади. Қуйидагилар суд санациясини киритишни сўраб мурожаат этиш ҳуқуқига эга:

1) қарздор, яъни ваколатли органлари шахсида акциядорлик жамияти;

2) қарздорнинг акциядорлари ёки мулкининг мулкдори, шу жумладан давлат улуши мавжуд бўлган жамиятларда давлат;

3) санация ўтказилишидан манфаатдор бўлган учинчи шахслар.

Ушбу шахслар суд санациясини жорий этиш ҳақида хўжалик судига мурожаат қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан кредиторларнинг биринчи йиғилишига ёхуд суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома билан бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

Суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимосномага суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узиш жадвали кўрсатилган ҳолда қарздорнинг суд санацияси режаси илова қилинмоғи лозим.

Суд санацияси режасида қарзни узиш жадвалига мувофиқ кредиторларнинг талабларини қондириш учун зарур бўлган маблағларни суд санацияси жараёнида қарздор томонидан олиш усуллари назарда тутилиши ва кредиторлар йиғилиши томонидан тасдиқланиши керак. Қарзни узиш жадвали барча кредиторлар олдидаги қарзнинг узилишини назарда тутиши ва хўжалик суди томонидан тасдиқланиши керак.

Илтимосномага акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси унинг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома билан кредиторлар йиғилишига мурожаат этиш учун овоз берган акциядорлар рўйхати; қарздор томонидан ижро этилишини таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатлар; учинчи шахснинг (шахсларнинг) суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимосномасига қарзни узиш жадвали ва қарздорнинг қарзни узиш жадвалини бажариши учинчи шахс (шахслар) томонидан таъминланишига оид далиллар илова қилинмоғи лозим. Мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар томонидан шу таъминотдан келиб чиқадиган мажбуриятлар кредиторларнинг талабларини қондириш учун хўжалик суди белгилаган муддат ичида бажарилмаганлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шахсларнинг қарздорнинг кредиторлар олдидаги мажбуриятлари юзасидан солидар

ёки субсидиар жавобгарлигига сабаб бўлади.

Суд санациясини ўтказиш жараёнида санация қилувчи бошқарувчи тайинланади. Ташқи бошқарувчидан фарқли равишда у компанияни бошқариш билан шуғулланмасдан, кредиторлар ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида қарздор – акциядорлик жамияти фаолиятини назорат қилиш билан чекланади. Санация қилувчи бошқарувчиликка номзод кредиторлар йиғилиши ёки мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар томонидан хўжалик судига тақдим этилади. Санация қилувчи бошқарувчи:

- кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши;

- кредиторлар йиғилиши суд бошқарувчисининг ташаббуси билан кредиторлар кўмитасининг, пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблари кредиторларнинг талаблари реестрига киритилган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблар умумий суммасининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи кредиторларнинг талабига биноан ёхуд кредиторлар умумий сонининг учдан бир қисми ташаббуси билан кредиторларнинг йиғилишини чақириши;

- қарздор томонидан тақдим этилаётган суд санацияси режаси ва қарзни узиш жадвали бажарилиши жараёни ҳақидаги ҳисоботларни кўриб чиқиши ҳамда кредиторларнинг йиғилишига тегишли хулосаларни тақдим этиши;

- суд санацияси режаси амалга оширилишининг бориши ҳақида кредиторлар йиғилишига ва кредиторлар кўмитасига, шунингдек агар корхона устав фондида давлат улуши бўлса, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига ахборот тақдим этиши шарт.

- шунингдек, у қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажаради.

Санация қилувчи бошқарувчи қуйидагиларга ҳақли:

- қарздорнинг раҳбаридан қарздорнинг жорий фаолияти тўғрисида ва суд санацияси режасида назарда тутилган тадбирлар амалга оширилиши ҳамда қарзни узиш жадвали бажарилиши жараёни ҳақида ахборот талаб қилиш;

- қарздорнинг раҳбаридан кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун пул маблағлари ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини талаб қилиш;

- қарздор томонидан мол-мулкнинг инвентаризацияси ўтказил-

ган тақдирда унда иштирок этиш;

– кредиторлар жорий талабларини қарздор ўз вақтида бажариши устидан назоратни амалга ошириш;

– қарздорнинг битимлари ва қарорларини келишиб олиш ҳамда мазкур битимлар ва қарорлар ҳақида кредиторларга ахборот тақдим этиш;

– "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 59 ва 70-моддаларида белгиланган ҳолларда ва тартибда қарздорнинг кредиторлар талабларини тан олиш ёки бундай талабларни аниқланган деб топиш учун асосларни тасдиқлаш бўйича ҳаракатлари ёхуд қарздорнинг кредиторлар талабларини кўриб чиқиш борасидаги ҳаракатсизлиги устидан хўжалик судига шикоят бериш;

– қарздорнинг раҳбари суд санацияси режасини бажармаганлиги ёхуд лозим даражада бажармаганлиги ҳақидаги ёки қарздорнинг раҳбари қарздорнинг, кредиторларнинг, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этган ҳолларда қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш;

– қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш ҳақидаги, шу жумладан мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга ўтказиш, шунингдек бундай чораларни бекор қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш.

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш.

Суд санацияси режасида назарда тутилган суд санацияси чоралари қуйидагилар бўлиши мумкин: ўзаро қарзларни ҳисобланишини ташкил этиш, акциядорлик жамиятининг тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўла ёки қисман сотиб олиш, ишлаб чиқаришни рақобатбардош маҳсулот чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш, четдан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш; ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ҳамда фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши ва бошқалар.

Суд санацияси таомили қуйидаги натижаларда тўхташи мумкин:

1) суд санациясини муддатидан илгари тамомлаш;

2) суд санациясини муддатидан илгари тугатиш;

3) суд санациясини тугатиш окончания.

Суд санацияси кредиторларнинг қарзни узиш жадвалида назарда тутилган барча талаблари суд санациясининг хўжалик суди томонидан белгиланган муддати ўтишидан олдин қарздор томонидан қаноатлантирилган тақдирда муддатидан илгари тамомланади. Бунда акциядорлик жамиятининг ижро органи раҳбари суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақида хўжалик судига ҳисобот тақдим этади. Кредиторларнинг талабларини қондириш масаласи бўйича шикоятлар бўлмаган тақдирда ушбу ҳисобот хўжалик суди томонидан тасдиқланади ва у билан банкротлик иши тугатилади. Лекин агар қарзлар тўлиқ узилмаган ва бу борадаги кредиторларнинг шикоятлари асосли бўлса, ҳисобот тасдиқланмайди ва санация таомили давом этаверади.

Қуйидаги асослар мавжуд бўлган тақдирда суд санацияси муддатидан илгари тугатилади:

– кредиторлар талабларини қаноатлантиришнинг қарзни узиш жадвалида белгиланган муддатлари суд санацияси жараёнида қарздор томонидан бир неча марта ёки бир марта жиддий равишда (бир ойдан ортиқ муддатга) бузилганлиги;

– қарздор қарзни узиш жадвалини бажаришга қодир эмаслигидан аниқ-равшан далолат берувчи ҳолатларнинг мавжудлиги.

Суд санацияси муддатидан илгари тугатилган ҳолларда қарздорнинг раҳбари кредиторлар йиғилишига қарзни узиш жадвали ва суд санацияси режаси бажарилишининг яқунлари тўғрисида ҳисобот тақдим этиши шарт. Кредиторлар йиғилиши қарздор раҳбарининг ҳисоботини, шунингдек санация қилувчи бошқарувчининг мазкур ҳисобот бўйича хулосасини кўриб чиқиш яқунларига кўра ташқи бошқарувни жорий этиш ҳақида ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Хўжалик суди кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси асосида ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим чиқаради ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Суд санацияси санациянинг белгиланган муддати тугаши муносабати билан тўхтатилади. Бунда белгиланган муддат тугашига камида

ўн беш кун қолганида қарздорнинг раҳбари ўтказилган суд санацияси натижалари тўғрисида хўжалик судига ҳисобот тақдим этиши шарт. Ушбу ҳисобот, шунингдек кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди мажлисида кўриб чиқилади ва кўриб чиқиш яқунлари асосида хўжалик суди агар узилмаган қарз қолмаганлиги аниқланган, кредиторларнинг шикоятлари эса асоссиз деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлайди ва банкротлик тўғрисидаги иш юриштишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради, агар узилмаган қарз борлиги аниқланган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади. Хўжалик суди қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этган тақдирда ташқи бошқарувни жорий этиш тўғрисида ажрим ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юриштишни бошлаш тўғрисида қарор чиқаради.

Реабилитациянинг учинчи таомили **ташқи бошқарув** ҳисобланади. Бу қонунда тартибга солинган банкротлик таомиллари доирасида банкротликнинг олдини олишнинг жуда муҳим шакли бўлиб ҳисобланади. Қарздор-тадбиркорнинг ўз фаолиятини давом эттириши учун ўзининг молиявий аҳволини қайта тиклаш борасида реал имкониятга эгаллиги ташқи бошқарувни тайинлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу таомилнинг пировард мақсади ҳам қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш бўлиб ҳисобланади.

Ташқи бошқарув ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади, лекин суд санацияси ва ташқи бошқарувнинг жами муддати ўттиз олти ойдан ошмаслиги лозим. Ташқи бошқарувни киритиш тўғрисидаги кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарори ташқи бошқарувнинг назарда тутилаётган муддатини ўзида акс эттирган бўлиши керак. Ташқи бошқарув учун белгиланган муддат кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг қарорига ёки ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган муддатлар доирасида қисқартирилиши ёки узайтирилиши мумкин.

Ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари кўрилган чора-тадбирлар бекор қилинади, қарздорнинг мол-мулкни хатлаш ва қарздорга нисбатан унинг ўзига тегишли мол-мулкни тасарруф этиш бо-

расидаги ваколатларини бошқача тарзда чекловлар эса фақат банкротлик таомили доирасида қўлланилади.

Қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан кредиторлар талабларининг қондирилишига нисбатан мораторий жорий этилиши ташқи бошқарув киритилишининг муҳим оқибатларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ташқи бошқарувнинг киритилиши билан бир вақтда акциядорлик жамиятини бошқариш ҳам тўлиқ равишда хўжалик суди томонидан тайинланган ташқи бошқарувчи зиммасига юклатилади. Бунда қарздор акциядорлик жамиятининг раҳбари ташқи бошқарувчининг буйруғига асосан ўз вазифаларини бажаришдан четлаштирилади ва у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади ёки у бошқа ишга ўтказилади. Ташқи бошқарувчи тайинланган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида қарздорнинг бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлари, муҳрлари ва штамплари, моддий ва бошқа қимматликлари ташқи бошқарувчига топширилишини таъминлаши шарт бўлган акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари ҳам тугатилади.

Ташқи бошқарув киритиш тўғрисидаги илтимос билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисида қарор қабул қилган кредиторлар йиғилиши хоҳлаган кредитор ёки банкротлик ишлари бўйича давлат органи томонидан таклиф этилган ташқи бошқарувчи номзодини тасдиқлайди. Шундан кейин кредиторларнинг нисбатан кўп оловзини олган номзод хўжалик судига таклиф этилади. Ташқи бошқарувчиликка номзод кредиторлар йиғилиши томонидан тақдим этилмаган тақдирда, хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи томонидан таклиф этилган номзодлар орасидан ташқи бошқарувчини тайинлайди.

Ташқи бошқарувчини ташқи бошқарувни жорий этиш билан бир пайтда тайинлашнинг имкони бўлмаса, хўжалик суди ташқи бошқарувчини ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида тайинлайди. Ташқи бошқарувчини тайинлаш тўғрисида хўжалик суди ажрим чиқаради.

Ташқи бошқарувчининг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- қарздорнинг мол-мулкини ўз тасарруфига қабул қилиш ва уни инвентаризациядан ўтказиш;
- қарздорнинг учинчи шахсларда турган мол-мулкини қидириш,

аниқлаш ва қайтаришга қаратилган чора-тадбирлар кўриш;

– ташқи бошқарувни ўтказиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар қилиш учун махсус ҳисобварақ очиш;

– ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиш ва кредиторлар йиғилиши тасдиқлаши учун тақдим этиш;

– бухгалтерия, статистика ҳисоби ва ҳисобдорлигини юритиш;

– кредиторларнинг қарздорга нисбатан талаблари юзасидан белгиланган тартибда эътирозлар билдириш;

– қарздор олдидаги қарзни ундириш чораларини кўриш;

– кредиторларнинг талаблари реестрини юритиш;

– кредиторлар йиғилишига ташқи бошқарув режаси бажарилишининг бориши ва яқунлари ҳақида ҳисоботлар тақдим этиш;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

Қарздорнинг мол-мулкини ташқи бошқариш ташқи бошқариш режаси асосида амалга оширилади. Бу ташқи бошқарувнинг боришини назарда тутувчи, барча шахслар билан келишилган ҳолда тузилган бош ички ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Ташқи бошқарувчи бу ишга тайинланганидан кейин бир ойлик муддат ичида ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиши керак. Режанинг моҳияти шундаки, унда қарздорнинг тўлов қобилиятини қайта тиклаш бўйича аниқ чоралар ва уларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилган бўлиши керак.

Ташқи бошқарув режаси кредиторларнинг йиғилиши томонидан кўриб чиқилади, йиғилиш ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан икки ойдан кечиктирмай ташқи бошқарувчи томонидан чақирилади. Танлов кредиторлари кредиторлар йиғилишининг овоз берувчи иштирокчилари ҳисобланишади. Кредиторлар йиғилишида ташқи бошқарувчи ва қарздор ходимлари вакиллари овоз бериш ҳуқуқсиз иштирок этишлари мумкин.

Қонун қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш учун қуйидаги чораларни назарда тутаяди:

1) ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш;

2) норентабел ишлаб чиқаришларни ёпиш;

3) дебиторлик қарзларини ундириш;

4) қарздор мол-мулкининг бир қисмини сотиш;

5) қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиш;

б) қарздор мулки мулкдори – унитар корхона ёки бошқа шахслар томонидан қарздор мажбуриятларининг ижро этилиши;

7) қарздор корхонасини сотиш;

8) иштирокчилар ва учинчи шахслар ҳисобидан қарздор устав фондини кўпайтириш;

9) активлар киритиш ва бошқа чора-тадбирлар.

Қонунда назарда тутилган қарздорнинг шартномавий мажбуриятлари ва битимларини кўриб чиқиш ҳам ўз моҳиятига кўра қарздорнинг тўлов қобилиятини қайта тиклашнинг чоралари бўлиб ҳисобланади. Юқорида келтирилган чора-тадбирлар рўйхати қатъий эмас, ташқи бошқарувчи қонунга зид бўлмаган бошқа чораларни ҳам қўллаши мумкин. Қарздорнинг шартномавий мажбуриятлари ва битимларини кўриб чиқишдан ташқари барча чоралар ташқи бошқарувнинг тасдиқланган режасида назарда тутилиши керак.

Ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш. Қарздор корxonанинг фаолият соҳасини ўзгартириш корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, кўрсатаётган хизматларни яна бир бор кўриб чиқиш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтишни назарда тутди. Ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштиришнинг стратегияси ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш ва корхонада янги, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ишлаб чиқариш технологияларини янгилаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бунинг учун зарур ускуналарни сотиб олиш, бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларини талаб этиладиган малакага тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ўзида акс эттиради.

Ташқи бошқарув таомилини амалга ошириш жараёнида ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ва қайта ихтисослаштириш мақсадида ускуна ва бошқа техник воситаларни сотиб олиш заруратини камайтирадиган, корxonанинг молиявий ресурслари чекланганлигини инобатга олиб турли шаклдаги лизингни ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Норентабел ишлаб чиқаришларни ёпиш. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳар бир турининг молиявий ва маркетинг таҳлили натижалари норентабел ишлаб чиқаришларни ёпиш тўғрисида қарор чиқариш учун асос бўлади. Корхона қайси турдаги маҳсулотларни қандай ҳажмда ишлаб чиқаришни аниқ белгилаб олиши керак. Шундан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари ва

ишлаб чиқариш бўлинмаларининг энг мақбул тузилмалари аниқлаштирилади.

Мазкур масалани ҳал этиш чоғида қуйидаги талабларга риоя этиш зарур: корхонада фақат рентабелли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқараётган тузилмалар сақлаб қолиниши, қолганлари эса, қандай салбий оқибатларга олиб келмасин (ходимлар сонининг қисқариши, капиталнинг туриб қолиши ва ҳоказолар), ёпилиши лозим. Бунда рентабелли ва истиқболли ишлаб чиқаришларни алоҳида шўъба ва қарам корхоналарга ажратиш мумкин.

Дебиторлик қарзини тугатиш. Кўпинча дебитор корхоналарнинг ўзлари банкротлик ҳолатига тушиб қоладилар. Шунинг учун корхона фаолияти давомида дебиторлик қарзлари пайдо бўлган ва йиғила бошлаган вақтдан бошлаб унинг қайтарилиши устидан назоратни кучайтириш лозим. Баъзи ҳолларда ўтказиб юборилган дебиторлик қарзини муайян (одатда катта миқдордаги) сийлов (қарийб 50%) билан сотишга эришилади.

Қарздор мулкнинг бир қисмини сотиш. Корхона мол-мулкнинг фойдаланилмаётган бир қисмини сотиш ушбу мол-мулк инвентаризация қилиниб, баҳоланганидан кейин амалга оширилади. Қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса у ким ошди савдоларида реализация қилинади. Мол-мулкнинг алоҳида турлари, масалан, эркин муомаласи чекланган мол-мулкларни қонунчилик ушбу мол-мулкларга эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар иштирокида ёпиқ савдоларда сотишга рухсат беради.

Ташқи бошқарувчи савдоларни мустақил тарзда ўтказди ёки уларни ўтказишни махсус ташкилотга топширади. Бундай ташкилот қарздорга нисбатан ҳам, ташқи бошқарувчига нисбатан ҳам манфаатдор бўлган шахслар доирасига кирмаслиги керак. Қуйидагилар юридик шахсга нисбатан манфаатдор шахслар бўлиб ҳисобланади: асосий ёки шўъба юридик шахс; қарздорнинг раҳбари, кузатув кенгаши ёки коллегиял ижро органи аъзолари, бош ҳисобчи (ўз мажбуриятларини ижро этиш даврида ва уларни ижро этгандан кейин 1 йил мобайнида).

Қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш. Қарздорнинг талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш (ёки цессия) дебиторлар, уларнинг топширувчилари ва қонун ундиришни рухсат этган бошқа шахсларнинг дебиторлик қарзи, уни ундиришнинг қайта куриш шакли бўлиб ҳисобланади.

Агар бундай ундирув муваффақиятсиз бўлса ёки узоқ жараёнга олиб борса (масалан, дебиторни банкрот деб топиш тўғрисида иш қўзғатиш заруратида) талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш, яъни у ёки бу дебиторнинг қарзини сотиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Қарздорлик ким ошди савдоларида, кредиторлар йиғилиши (кредиторлар кўмитаси) билан келишилган ҳолда мустақил баҳоловчи томонидан аниқланган бозор нархи бўйича сотилади. Талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзганинг фойдасига воз кечиш цессия фуқаролик-ҳуқуқий ашртномаси орқали расмийлаштирилади.

Қарздор корхонасини сотиш. Бу корхона тўлов қобилиятини қайта тиклашнинг нисбатан ўзига хос шакли бўлиб ҳисобланади. Бу ерда корхона субъект сифатида эмас, балки муайян тижорат фаолияти учун мўлжалланган, комплекс мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларни ўзида мужассам этган фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида тушунилади. Корхонани сотишда ер участкаси, бино, иншоот, инвентарь, хом ашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, шунингдек, қарздор, унинг маҳсулоти, иши ва хизматларига тегишли бўлган белгилар (фирма номи, маҳсулот белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси) ва бошқа шахсларга берилиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан (масалан, муайян фаолият билан шуғулланиш учун олинган лицензия) ташқари қарздорга тегишли бўлган бошқа мутлақ ҳуқуқларини инобатга олган ҳолда қарздорнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишига мўлжалланган барча турдаги мол-мулки бегоналаштирилади. Ходимларга нисбатан иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари меҳнат қонунчилигини инобатга олган ҳолда, сотиб олувчига ўтади. Банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза суд томонидан қабул қилинган вақтдан бошлаб қарздорнинг пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлари сотилаётган корхона қийматига киритилмайди. Сотилган келган воситалар кредиторлар талабларини тўлиқ равишда қондиришга етарли деб фараз қилинади. Бундай ҳолда банкротлик иши тугатилиши лозим. Агар келиб тушган воситалар етарли бўлмаса, ташқи бошқарувчи кредиторларга келишув битими тузишни таклиф этиши мумкин. Келишув битими тузишга эришилмаган тақдирда ташқи бошқарувчининг аризасига кўра хўжалик суди қарздорни банкрот деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилади ва танловнинг бошланганлигини эълон қилади.

Кредиторлар йиғилишига бу борада анча кенг ваколатлар берил-

ган. У ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш; ташқи бошқарув режасини рад этиш ва хўжалик судига қарздорни банкрот деб топиш ва танловни очишни сўраб мурожаат этиш; ташқи бошқарув режасини рад этиш, ташқи бошқарувчини четлаштириш ва янги ташқи бошқарувчининг номзодини хўжалик судига тақдим этиш тўғрисидаги қарорлардан бирини қабул қилиш ҳуқуқига эга. Кўрсатилган қарор ташқи бошқарувнинг янги режасини кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилишининг кейинги чақириғи муддатини ўзида акс эттирган бўлиши керак. Ушбу йиғилишни чақириш муддати кредиторлар йиғилиши томонидан шундай қарор чиқарилган кундан бошлаб бир ойдан ошмаслиги лозим.

Йиғилишда иштирок этган кредиторларнинг ярмидан кўпи овоз берган тақдирда ташқи бошқарув режаси тасдиқланган ҳисобланади. Ташқи бошқарув режаси кредиторлар йиғилишида тасдиқланган ҳолларда ташқи бошқарув режаси ва кредиторлар йиғилишининг баённомаси кредиторлар йиғилиши ўтказилган санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай ташқи бошқарувчи томонидан хўжалик судига тақдим этилади. Акс ҳолда хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Кредиторлар қўмитаси ва кредиторлар йиғилиши хоҳлаган вақтда ташқи бошқарувчидан ташқи бошқарув қандай олиб борилаётганлиги ҳақидаги ҳисоботни тақдим этишни талаб қилиши мумкин. Ташқи бошқарувнинг белгиланган муддатлари ўтиши ёки уни муддатидан илгари тугатиш учун етарли асослар бўлган ҳолларда, шунингдек, барча кредиторлар талаблари реестрига асосан кредиторларнинг талабларини тўлиқ қондириш учун етарли даражадаги воситалар йиғилган тақдирда ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилишига якуний ҳисоботни тақдим этади. Ҳисоботни қабул қилгандан кейин кредиторлар йиғилиши белгиланган навбатда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилса, ташқи бошқарувчи ҳисоботни хўжалик судига тақдим этишга мажбур бўлади. Ҳисобот қуйидагиларни ўзида акс эттирган бўлиши керак:

- қарздорнинг сўнгги ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси;
- пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- қарздорнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот;

– қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга қаратилиши мумкин бўлган бўш пул маблағлари бор-йўқлиги тўғрисидаги маълумотлар;

– қарздорнинг дебиторлик қарзи тафсилоти ҳамда қарздорнинг амалга оширилмай қолган талаб қилиш ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотлар;

– қарздорнинг кредиторлик қарзини узиш имконияти тўғрисидаги бошқа маълумотлар.

Ташқи бошқарувчининг ҳисоботида кредиторларнинг талаблари реестри илова қилинган бўлиши керак. Кредиторлар йиғилиши ҳисоботни кўриб чиқиш натижалари бўйича ва унда билдирилган таклифлардан таклифлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади: қарздорнинг тўлов қобилияти тикланганлиги муносабати билан ташқи бошқарувни тугатиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишга ўтиш тўғрисидаги; келишув битими тузиш тўғрисидаги; ташқи бошқарувнинг муддатини узайтириш тўғрисидаги; ташқи бошқарувни тугатиш ҳамда қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш ва келишув битими тузиш тўғрисидаги қарор.

Хўжалик суди ташқи бошқарувчининг ҳисоботи ва бошқа материалларни кўриб чиқиб, ташқи бошқарувнинг натижаларини умумлаштирган ҳолда баҳолаб, кредиторлар йиғилиши позициясига тўғри келадиган ёки бошқа қарор чиқаради. Хўжалик суди қабул қилиши мумкин бўлган қарорлардан бири бу қарздорни банкрот деб топиш ва танлов иш юритишини очик деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор бўлиб ҳисобланади. Бундай қарор кредиторлар йиғилиши ҳеч қандай қарорга кела олмаган ёки унинг қарори хўжалик судига ўз вақтида етказиб берилмаган ҳолларда ҳам қабул қилинади.

Хўжалик суди томонидан муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш тўғрисида ажрим чиқарилиши кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш учун асос бўлади. Ушбу ажримда қуйидагилар ўрнатилади:

– талаблари қондирилиши бошланадиган кредиторлар талабларини қондириш навбати;

– навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни тугаллаш

навбатининг мазкур ажрим чиқарилган санадан эътиборан икки ойдан ошмаслиги шарт бўлган муддати;

– бундай навбатдаги кредиторлар талабларини қондириш нисбатлари.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар хўжалик суди томонидан кредиторлар билан ҳисоб-китобларга ўтиш тўғрисидаги ажрим ёки муайян навбатдаги кредиторлар билан ҳисоб-китобларни бошлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан ташқи бошқарувчи томонидан кредиторларнинг талаблари реестрига мувофиқ амалга оширилади.

Банкротлик тўғрисидаги иш юритишнинг тугатилиши ёки хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва қарздорга нисбатан тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиниши ташқи бошқарувчининг ваколатлари тугашига олиб келади. Агар ташқи бошқарув келишув битими тузилиши ёки кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилиши билан тамомланса, ташқи бошқарувчи янги раҳбар сайлангунга (тайинлангунга) қадар акциядорлик жамиятининг раҳбари вазифасини бажаришни давом эттириб туради. Агар хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳамда тугатиш бошқарувчиси этиб бошқа шахс тайинланган бўлса, ташқи бошқарувчи тугатиш бошқарувчисига ишларни топширгунга қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттириб туради.

4-§. Ташқи бошқарув ва кредиторларнинг ҳуқуқларини таъминлаш

Хўжалик судига ариза беришдан бошлаб кредиторларнинг тўловга қобилиятсиз қарздор мулкига нисбатан ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар кўрилади. Таъминлаш асосан икки мақсадда амалга оширилади:

– биринчидан, қарздорнинг мулкани хавфсизлантириш мақсадида унинг ўз мулкидан оқилона фойдаланмаслигининг, шу жумладан, у томонидан эгалик ҳуқуқи кредиторга тегишли бўлган мулкка нисбатан тузиладиган таваккалчиликка асосланган битимлар бўйича ҳаракатларнинг олдини олиш;

– иккинчидан, кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақса-

дида мол-мулкни қарздорнинг тўловга қоблиятсизлиги ҳақида хабардор этилган кредиторлар томонидан тартибсиз равишда таланишининг олдини олиш.

Бунда банкротликнинг ҳар бир босқичида кредиторлар ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий усули қарздорлар ва кредиторлардан мол-мулкнинг бутлигини таъминловчи суд бошқарувчисини тайинлаш бўлиб ҳисобланади. Амалиёт ушбу ҳолатни рад этиш банкротлик тўғрисидаги суд қарорини ижро этиш вақтига келиб қарздорда ҳеч қандай қимматликлар қолмаслигини кўрсатади, бунда қарздор ўзининг банкротлиги олдиндан кўриб бу мол-мулкларни яширади ва бошқаларга бериб юборади.

Суд томонидан кредиторлар ҳуқуқларини таъминлаш қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза суда берилгандан кейин кузатув киритилгандан кейин амалга оширилади. Кузатувнинг асосий мақсади суд томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза кўриб чиқиладиган вақтда қарздор мол-мулкнинг бутлигини сақлаш бўлиб ҳисобланади. Кузатув қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда қўлланилмайди.

Кузатувни киритиш юридик факти бир қатор оқибатларга олиб келади. Шу вақтдан бир томондан бошлаб хўжалик суди ва иккинчи томондан банкротликка алоқадор шахслар кузатув жараёнида эришилиши ктилаётган умумий мақсад сари, мувофиқлашган ҳолда ўзаро паралел равишда ҳаракат қила бошлайдилар. Пировард мақсад яғона, у ҳам бўлса қабул қилинган ариза бўйича хўжалик суди томонидан қонуний ва асосли ҳужжатни чиқариш учун барча шарт-шароитларни яратиш. Кузатув жорий этилган пайтдан эътиборан:

– мулкий ундирувлар бўйича ижро ҳужжатларини ижро этиш тўхтатиб турилади, иш ҳақи бўйича, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақларни, алиментларни тўлаш бўйича қарздорликни ундириш ҳақидаги, шунингдек ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш ҳақидаги, хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги ариза иш юритишга қабул қилинган пайтга қадар қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари асосида берилган ижро ҳужжатларини ижро этиш бундан мустасно. Хўжалик судининг аризани иш юритишга қабул қилиш ва банкротлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ажрим ижро ҳужжатларини ижро этишни тўхтатиб туриш учун асос бўлади;

– қарздор юридик шахс муассисларининг (иштирокчиларининг) унинг таркибидан муассислари (иштирокчилари) чиқиб кетиши муносабати билан қарздорнинг мол-мулкидан улушни (пайни) ажратиш ҳақидаги талабларини қондириш тақиқланади;

– эмиссия қимматли қоғозлари бўйича дивидендлар ва бошқа тўловларни тўлаш тақиқланади;

– муқобил бир хилдаги талабни ҳисобга олиш йўли билан қарздорнинг пул мажбуриятларини тугатишга, башарти бунда "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 134 ва 169-моддаларида назарда тутилган кредиторларнинг талабларини қондириш навбати бузилса, йўл қўйилмайди.

Кузатувни юритиш учун муваққат бошқарувчи тайинланади. Унинг тайинланиши тўғрисида хўжалик судининг аризани қабул қилиш тўғрисидаги ажримида тегишли равишда кузатув жорий этиш билан бирга кўрсатилади. Агар қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш чоғида муваққат бошқарувчининг номзодини аниқлаш мумкин бўлмаса, бундай ариза қабул қилинган вақтдан бошлаб ўн кун муддат ичида хўжалик суди муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисидаги ажримни чиқаради.

Кузатувнинг жорий этилиши қарздорнинг раҳбарини ҳамда қарздорнинг ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида белгиланган чекловлар билан ўз ваколатларини амалга оширишни давом эттираётган бошқа бошқарув органларини четлаштириш учун асос ҳисобланмайди. Қарздорнинг бошқарув органлари:

– кўчмас мол-мулкни ижарага, гаровга бериш билан ёки шу мол-мулкни бошқа усулда тасарруф этиш билан боғлиқ битимларни;

– қарздорнинг баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроғини ташкил этадиган мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битимларни;

– заёмлар (кредитлар) олиш ва бериш, кафолат хатлари ва кафолатлар бериш, талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзга шахс фойдасига воз кечиш, қарзни бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек қарздорнинг мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини тузиш билан боғлиқ битимларни фақат муваққат бошқарувчининг ёзма розилигига биноан тузишлари мумкин.

Қарздорнинг бошқарув органлари шу вақтдан бошлаб қуйидаги қарорларни қабул қилишга ҳақли бўлмайдилар:

– қарздорни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) ва тугатиш тўғрисидаги қарор;

– юридик шахсларни тузиш ҳақидаги ёки бошқа юридик шахсларнинг иштироки тўғрисидаги қарор;

– ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш тўғрисидаги қарор;

– дивидендлар тўлаш ёки қарздорнинг даромадини (фойдасини) унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги қарор;

– қарздор томонидан облигациялар ва бошқа эмиссия қоғозларини жойлаштириш тўғрисидаги қарор, акциялар чиқариш ҳақидаги қарор бундан мустасно;

– илгари чиқарилган акцияларни акциядорлардан сотиб олиш тўғрисидаги қарор.

Муваққат бошқарувчи қуйидагиларга ҳақли:

– битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида, шунингдек қарздор томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилган ҳолда тузилган ёки ижро этилган ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларининг қўлланилиши ҳақида хўжалик судига ўз номидан талаблар қўйиш;

– "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 63-моддасида назарда тутилган ҳолларда кузатув даврида кредиторларнинг талабларини бажаришга эътироз билдириш;

– кредиторларнинг талаблари бўйича қарздорнинг тақдим этилган эътирозлари асослилиги судья томонидан текширилишида иштирок этиш;

– қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш ҳақидаги, шу жумладан муваққат бошқарувчининг розилигисиз "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг 64-моддасида назарда тутилмаган битимлар тузишни тақиқлаш ҳақидаги, мол-мулкни сақлаш учун учинчи шахсларга бериш ҳақидаги, шунингдек бундай чораларни бекор қилиш ҳақидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш;

– қарздорнинг раҳбарини вазифасини бажаришдан четлаштириш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат этиш;

– қарздорнинг фаолиятига тааллуқли ҳар қандай ахборот ва хуж-

жатларни олиш.

Хўжалик суди томонидан қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган ёки суд санацияси ёхуд ташқи бошқарув жорий этилган ёки келишув битими тасдиқланган пайтдан эътиборан кузатув тугатилади.

Реабилитация ва банкротлик босқичларида суд бошқарувчиси кредиторларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ташқи бошқарув жараёнида кредиторларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида мораторий, яъни қарздор юридик шахс томонидан пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар мажбурияти бажарилишини тўхтатиб туриш ўрнатилади. Кредиторларнинг талабларини қондиришга нисбатан мораторий ташқи бошқарув жорий этилгунга қадар бажарилиш муддати келган пул мажбуриятларига ва (ёки) мажбурий тўловларга татбиқ этилади, қарздорга нисбатан кузатув ва (ёки) суд санацияси жорий этилганидан кейин юзага келган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бундан мустасно.

Мораторийнинг амал қилиш муддати мобайнида:

– ундирув сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар бўйича ундирувга йўл қўйилмайди;

– пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун неустойка (жарима, пеня) ва бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар қўлланилмайди, қарздорга нисбатан кузатув ва (ёки) суд санацияси жорий этилганидан кейин юзага келган пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар, шунингдек тўланиши лозим бўлган фоизлар бундан мустасно.

Мораторийнинг амал қилиши фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларига, алиментлар ундиришга ҳамда муаллифлик шартномалари асосида ҳақ тўлашга доир талабларига, шунингдек қарздор қайси фуқаронинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлса, ана шу фуқаронинг талабларига татбиқ этилмайди.

Кузатув ва суд санацияси таомилларидан фарқ қилган ҳолда ташқи бошқарувда акциядорлик жамияти директори ўз вазифаларини бажаришдан тўлиқ четлаштирилади ва қарздорнинг ишларини бошқа-

риш ташқи бошқарувчи зиммасига юкланади. Шунингдек қарздорнинг бошқарув органи ваколати ҳам тугатилади. Жамият раҳбари ва бошқа органларининг ваколати ташқи бошқарувчига ўтади. Мол-мулкни таъминлаш мақсадида ташқи бошқарувчи қарздорнинг мол-мулкни қабул қилиб олиши, уни инвентаризация қилиши ва қарздорнинг учинчи шахсларда бўлган мол-мулкни қидириш, аниқлаш ҳамда қайтариш юзасидан чора-тадбирлар кўриши лозим. Бунда акциядорлар ёки таъсис шартномасига кўра ваколатли ҳисобланган органлар мол-мулкни тасарруф қилиш юзасидан қарор қабул қилишга ёки бошқача тарзда ташқи бошқарувчининг қонунда кўрсатилган ваколатларини бошқача тарзда чеклашга ҳақли эмас.

Агар қонунда ёки ташқи бошқарув режасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, йирик битимлар ва манфаатдорлик назарда тутилган битимлар ташқи бошқарувчи томонидан фақат кредиторлар йиғилишининг ёки кредиторлар кўмитасининг розилиги билан тузилади. Йирик битимларга баланс қиймати қарздорнинг кўчмас мол-мулкни ёки битим тузиш пайтидаги активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпроғини ташкил этувчи бошқа мол-мулкни тасарруф этишга олиб келувчи битимлар киради.

Акциядорлик жамияти тузган битим, шу жумладан унинг ташқи бошқарув жорий этилгунга қадар тузган битими қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундан ташқари, қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинганидан кейин қарздор билан муайян кредитор ёки ўзга шахс ўртасида тузилган битим, агар мазкур битим қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича айрим кредиторларнинг талаблари бошқа кредиторларнинг талабларига нисбатан афзалроқ қондирилишига олиб келса, ташқи бошқарувчининг ёки кредиторнинг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Қарздорнинг истеъмолга, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашга сарфланадиган харажатларининг кўпайишига олиб келувчи қарорлар ташқи бошқарувчи томонидан фақат кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитаси розилиги билан қабул қилиниши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тугатишга доир иш юритиш босқичида қарздорнинг мол-мулкни бегоналаштириш ёки унинг мол-мулкни учинчи шахсларга фой-

даланишга беришни назарда тутувчи битимлар тузилишини чеклаш каби ҳуқуқий оқибатларнинг киритилиши кредиторлар ҳуқуқларини таъминлашнинг усули бўлиб ҳисобланади. Бунда қарздорнинг мол-мулкни фақат тугатиш бошқарувчиси тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлади. Мол-мулкни таъминлаш мақсадида бошқарувчи қарздорнинг шартномаларини бажаришни рад этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлиб ҳисобланади.

5-§. Қайта ташкил этиш ва тугатиш

Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш, шунингдек тугатиш комиссиясини тайинлаш ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш масалалари акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари доирасига киради ва тегишли равишда бу масалалар акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши ёки ижро органи томонидан ҳал этилиши мумкин эмас.

Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор агар жамиятнинг уставида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан умумий йиғилишда иштирок этган овоз берувчи акция эгаларининг кўпчилик тўртдан уч қисми овози билан қабул қилинади.

Ушбу ваколатларни жамиятининг олий органига берилиши шу билан изоҳланадики, акциядорлик жамиятлари ташкил этилганда, қайта ташкил этилганда ёки тугатилганда уларнинг мавжудлиги билан боғлиқ масала ҳал этилади. Ташкил этиш вақтида акциядорлик жамияти ҳуқуқ субъекти сифатида пайдо бўлади, тугатиш вақтида ўз фаолиятини тугатади, қайта ташкил этишда эса ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартиради, олдин фаолият юритган жамиятлар ўз фаолиятини тугатиб, янгилари пайдо бўлади.

Жамиятни қайта ташкил этишнинг **моҳияти** шундаки, бунда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари универсал ворислик тартибида бошқа жамиятларга ўтади. Ворисларга қайта ташкил этилаётган жамиятнинг бутун ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёки уларнинг бир қисми ўтиши мумкин. Кўпгина ҳолларда қайта ташкил этиш эркин равишда, жамиятнинг қарорига асосан амалга оширилади. Мажбурий қайта ташкил этиш рақобат тўғрисидаги қонунда назарда тутилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин. Акциядорлик жамиятлари қўшиб юбориш, бир-

лаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш тарзида амалга оширилиши мумкин. Жамиятнинг қайта ташкил этилганлиги ҳуқуқий тан олиними керак. Янги тузилган юридик шахслар давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади. Бу қоида жамият бошқа жамиятга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилган ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди, бундай ҳолларда давлат рўйхатга олиш органи қўшилиб юборилган жамият ўз фаолиятини тўхтатгани ҳақидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритган пайтдан эътиборан қўшиб юборилган жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади ("Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги қонуннинг 95-моддаси).

Шундай қилиб, жамиятни қайта ташкил этиш жараёни умумий йиғилиш томонидан тегишли қарор чиқарилишидан бошланади ва жамиятнинг қайта ташкил этилиши унинг кредиторларини ноқулай аҳволга солиб қўймаслиги керак. Масалан, бўлиш ва ажралиб чиқишда кредиторларга энди битта эмас, балки икки ва ундан кўп қарздор қарши туради. Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан жамият 30 кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор этади. Кредитор жамиятдан мажбуриятларни тўхтатиш ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарнинг ўрнини қоплашни қуйидаги муддатларда ёзма равишда хабар бериш йўли билан талаб қилишга ҳақлидир:

– қўшиб юбориш, бирлаштириш ёки қайта тузиш тарзида қайта ташкил этиш ҳақидаги хабарни жамият кредиторга юборган санадан бошлаб узоғи билан 30 кун муддат ичида;

– бўлиш ёки ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарни жамият кредиторга юборган санадан бошлаб узоғи билан 60 кун муддат ичида.

Бўлиш ёки ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этишда нисбатан узоқ муддатнинг ўрнатилиши қайта ташкил этишнинг ушбу шакллариининг мураккаблиги билан изоҳланади. Бундай ҳолларда бўлиниш балансини тузиш қўшиб юбориш, бирлаштириш ёки қайта тузиш шаклида қўлланиладиган ўтказиш далолатномасини тузишга нисбатан кўпроқ вақтни олади.

Агар бўлиниш баланси қайта ташкил этилаётган жамиятнинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янги вужудга келган

юримдик шахслар қайта ташкил этилган жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан унинг кредиторлари олдида солидар жавобгар бўладилар.

Ўз фаолиятини тугатган икки ёки бир неча жамиятнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш йўли билан янги жамиятни вужудга келтириш **жамиятларнинг қўшиб юборилиши** деб ҳисобланади. Қўшиб юборишда иштирок этаётган жамият қўшиб юбориш ҳақида шартнома тузади, унда бирлашишнинг тартиби ва шартлари, шунингдек бирлаштирилаётган жамиятнинг акцияларини бирлаштириб олаётган жамиятнинг акциялари ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби белгилаб қўйилади.

Қўшиб юбориш шаклидаги қайта ташкил этишни амалга ошириш қўйидаги асосий босқичлардан ўтиш муҳим бўлиб ҳисобланади:

1. Қўшиб юборишда иштирок этаётган жамиятлар ўртасида қўшилиш тўғрисида шартнома тузиш.

2. Қўшилиш тўғрисида шартнома ва ўтказиш далолатномасининг қўшиб юборишда иштирок этаётган жамиятлар ҳар бирининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланганлиги тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши.

3. Қўшиб юборишда иштирок жамиятлар акциядорларининг биргаликдаги умумий йиғилишида янги пайдо бўлган акциядорлик жамиятининг уставини тасдиқлаш ва кузатув кенгашига сайлов ўтказиш.

4. Қўшиб юбориш даврида жойлаштириладиган қимматли қоғозлар эмиссияси ва қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги ҳисоботни давлат рўйхатидан ўтказиш.

Ушбу босқичларнинг ҳар бири учун меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган мажбурий қоидалар мавжуд.

Қўшиб юборилаётган жамиятнинг акцияларини қўшиб олаётган жамиятнинг акциялари ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартибининг белгиланиши шартноманинг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қўшиб юборилаётган жамиятнинг акцияларини қўшиб олаётган жамиятнинг акциялари ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг ҳуқуқларини чекловчи талабларни ўзида акс эттириши мумкин эмас. Бунда бир турдаги акцияга нисбатан барча эгаларга бериладиган ҳуқуқлар тенг бўлиши керак.

Бундан ташқари, тижорат ташкилотлари да уларнинг акциялари

ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби аниқланаётган вақтда тузиладиган шартномада айирбошлашнинг тури, шакли, номинал қиймати ва нисбати кўрсатилиши керак.

Шартномани тайёрлаш қўшиб юборилаётган ҳар бир жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тайёрланади. Келишилган матн қўшиб юборишда иштирок этаётган ҳар бир жамият акциядорларининг умумий йиғилишига тақдим этилади. Ҳар бир жамиятнинг кузатув кенгаши қўшиб юборишда иштирок этаётган ҳар бир жамият акциядорларининг умумий йиғилиши эътиборига қўшиб юбориш шаклидаги қайта ташкил этиш, қўшиб юбориш ҳақидаги шартнома ва ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш каби масалаларни ҳал этишни ҳавола этади.

Иккинчи босқичда қўшиб юборишда иштирок этаётган ҳар бир жамият акциядорлари умумий йиғилишининг қайта ташкил этиш ва бирлашиш тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш ҳамда ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори фақатгина кузатув кенгашининг таклифи билан қабул қилинади. Бунда жамият акциядорларининг умумий йиғилишининг ушбу қарори умумий йиғилишда иштирок этган овоз берувчи акция эгаларининг кўпчилик тўртдан уч қисми овози билан қабул қилинади.

Янги пайдо бўлган жамиятнинг уставини тасдиқлаш ва унинг кузатув кенгашига сайлов ўтказиш қўшиб юборишда иштирок этаётган жамиятлар акциядорларининг қўшма умумий йиғилишида амалга оширилади. Қўшма умумий йиғилишда акциядорларнинг овоз бериш тартиби, шунингдек, ушбу йиғилишни ўтказиш тартиби жамиятларнинг қўшиб юбориши тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлиши мумкин. Жамиятлар қўшиб юборилганда уларнинг ҳар бирига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўтказиш далолатномасига асосан янги ташкил этилган жамиятга ўтади.

Тўртинчи босқичда қўшиб юбориш натижасида пайдо бўлган жамият жамиятларни қайта ташйил этишнинг ҳуқуқий тартибга солинишидаги баъзи ҳолатларни истисно этган ҳолда қонунчиликда белгиланган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир умумий қоидаларга асосан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Рўйхатдан ўтказиш учун биринчи учта босқичда тўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар (барча шартлар кўрсатилган ҳолда қўшиб юбориш тўғрисидаги шартнома, ўтказиш далолатномалари, жамиятлар умумий йиғилишининг тегишли баённомалари кабилар) мавжуд бў-

лиши лозим.

Бир ёки бир нечта жамият фаолиятини тўхтатиб, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа жамиятга ўтказиш – **жамиятни бирлаштириш** деб ҳисобланади. Қайта ташкил этишнинг бу шаклини ўтказиш жараёни "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 97-моддасига белгиланган. У қўшиб олишда қўлланиладиган жараённи эслатади, лекин бу ерда қўшиб олиш тўғрисида эмас, балки бирлашиш тўғрисидаги шартнома имзоланади. Бундай шартнома ҳам кузатув кенгаши томонидан ишлаб чиқилиб, қайта ташкил этилаётган жамиятлар акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Жараён қўшиб олишда бўлгани каби қуйидагилардан иборат бўлади:

- 1) бирлашиш тўғрисидаги шартноманинг тузилиши;
- 2) унинг акциядорлар умумий йиғилишларида тасдиқланиши;
- 3) ўтказиш далолатномасининг тасдиқланиши;
- 4) қимматли қоғозлар айирбошланиши масаласини ҳал этиш;
- 5) содир бўлган ўзгаришларни давлат рўйхатидан ўтказиш.

Бирлаштиришда янги субъект вужудга келмаслиги сабабли бундай шаклдаги қайта ташкил этишда янги уставни тасдиқлашнинг зарурати бўлмайди. Бунда қайта ташкил этилаётган жамиятлар акциядорларининг биргаликдаги умумий йиғилиши сақлаб қолинадиган жамиятнинг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарорни чиқаради холос.

Бирлаштириш тўғрисидаги шартномада бирлашишнинг тартиби ва шартлари, шунингдек бирлаштирилаётган жамиятнинг акцияларини бирлаштириб олаётган жамиятнинг акциялари ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби белгилаб қўйилади. Ҳар бир жамиятнинг кузатув кенгаши бирлашишда иштирок этаётган ўз жамиятининг умумий йиғилиши ҳукмига бирлашиш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги ва бирлашиш шартномасини тасдиқлаш ҳақидаги масалани киритади. Бирлаштирилаётган жамият кузатув кенгаши ўтказиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳам акциядорлар умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этади. Акциядорларнинг қўшма умумий йиғилишида овоз бериш тартиби бирлашиш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Бир жамият бошқа жамиятга бирлашганда ўтказиш далолатномасига мувофиқ бирлаштирилаётган жамиятнинг барча ҳуқуқ ва мажбу-

риятлари қўшиб олган жамиятга ўтади.

Жамият фаолиятини тўхтатиб, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янги тузилаётган жамиятларга ўтказиш – **жамиятни бўлиш** деб ҳисобланади. Бунда мавжуд жамиятдан икки ёки бир нечта жамиятлар ташкил этилиб, жамиятнинг ўзи тугатилади.

Бўлишнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Жамиятни бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан жамиятни бўлиш шаклида қайта ташкил этиш, ушбу қайта ташкил этилишнинг тартиби ва шартлари, янги жамиятлар ташкил этиш ва қайта ташкил этилаётган жамият қимматли қоғозларининг айирбошланиши тартиби тўғрисидаги қарор қабул қилиниши.

2. Жамиятни бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган ҳар бир жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан унинг уставини тасдиқлаш ва кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши.

3. Бўлиш натижасида пайдо бўлган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш.

4. Бўлиш натижасида пайдо бўлган юридик шахсларнинг қимматли қоғозлар эмиссиясини давлат рўйхатидан ўтказиш.

Жамиятни бўлиш ҳақидаги таклиф кузатув кенгаши томонидан акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига қўйилади. Таклифда бўлишнинг тартиби ва шартлари кўрсатилган бўлиши керак. Унда жамият акцияларини тузилаётган жамиятлар акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби белгиланади. Шундан кейин тарзида қайта ташкил этилаётган жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлиш тарзида жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисидаги, бу қайта ташкил этишнинг тартиби ва шартлари хусусидаги, янги жамиятлар тузиш ҳамда қайта ташкил этилаётган жамият акцияларини тузилаётган жамиятлар акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш тартиби тўғрисидаги қарор қабул қилади. Янги тузилаётган ҳар бир жамият акциядорларининг умумий йиғилиши унинг уставини тасдиқлаш ҳамда кузатув кенгашини сайлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Бунда кўрсатилган қарор акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан умумий йиғилишда иштирок этган овоз берувчи акция эгаларининг кўпчилик тўртдан уч қисми овози билан қабул қилинади.

Учинчи босқичда бўлиниш натижасида пайдо бўлган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилади. Шунини таъкидлаш жоизки, жамият айнан давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ташкил этилган ҳисобланади.

Жамият бўлинганда унинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўлиш балансига мувофиқ янги ташкил этилаётган икки ёки бир неча жамиятга ўтади. Акцияларнинг айирбошланиши масаласи ҳал этилгандан кейин бўлиниш натижасида пайдо бўлган акциядорлик жамиятларининг акциядорлар умумий йиғилишлари уларнинг уставларини тасдиқлайди ва кузатув кенгашини сайлайди.

Қайта ташкил этилаётган жамиятнинг фаолиятини тўхтатмаган ҳолда, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бир қисмини ўтказиб бир ёки бир неча жамият тузиш **жамиятни ажратиб чиқариш** деб ҳисобланади. Кўриниб турганидек, ажратиб чиқаришда қайта ташкил этилаётган жамият сақланиб қолиниб, унинг таркибидан бир ёки бир неча янги жамиятлар ажралиб чиқади.

Жамият таркибидан бир ёки бир неча жамият ажралиб чиққанда ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилган жамият ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бир қисми бўлиш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

Ажратиб чиқаришнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан жамиятни ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этиш, ажратиб чиқаришнинг тартиби ва шартлари, янги жамиятни тузиш, жамиятнинг акцияларини ажралиб чиқаётган жамиятнинг акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қозғаларига айирбошлаш имкониятлари ва бундай айирбошлашни ўтказиш тартиби, бўлиш балансини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилиниши.

2. Ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан янги ташкил этилаётган жамиятнинг уставини тасдиқлаш ва унинг кузатув кенгаши сайлш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши.

3. Ажратиб чиқариш натижасида янги тузилган жамиятни ва қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг (акциядорлик жамиятининг) таъсис ҳужжатларига киритилган тегишли ўзгартириш ва қўшимча-

ларни давлат рўйхатидан ўтказиш.

4. Ажратиб чиқариш натижасида пайдо бўлган юридик шахснинг қимматли қоғозлар эмиссиясини давлат рўйхатидан ўтказиш.

Қайта ташкил этишнинг юқорида санаб ўтилган усуллари сингари бунда ҳам ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳукмига ажратиб чиқариш тарзида жамиятни қайта ташкил этиш, ажратиб чиқаришни амалга оширишнинг тартиби ва шартлари, янги жамиятни тузиш, ажралиб чиқаётган жамиятнинг акция ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларини айирбошлаш имкониятлари ва бундай айирбошлаш тартиби, бўлиш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани ҳавола этади. Ушбу масала юзасидан қарор қабул қилар экан, умумий йиғилиш таъсисчи функциясини бажаради ва кузатув кенгаши томонидан қўйилган барча масалаларга жавоб беради. Бунда қайта ташкил этилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этиш, ажратиб чиқаришнинг тартиби ва шартлари, янги жамиятни тузиш, жамиятнинг акцияларини ажралиб чиқаётган жамиятнинг акцияларига ва (ёки) бошқа қимматли қоғозларига айирбошлаш имкониятлари ва бундай айирбошлашни ўтказиш тартиби, бўлиш балансини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилади. Жамият таркибидан бир ёки бир нечта жамият ажралиб чиққанда ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилган жамият ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бир қисми бўлиш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

Қайта ташкил этиш ҳам бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс тузиладиган қайтат ташкил этишнинг бир тури ҳисобланади. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этган ҳолда бошқа ҳар қандай хўжалик жамияти ёки ширкати (масъулияти чекланган жамият ёки хўжалик ширкати) айланишга ҳақли.

Қайта ташкил этишнинг асосий босқичлари:

1. Қайта тузилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қайта тузиш тўғрисида, қайта тузишни амалга оширишнинг тартиби ва шартлари, жамиятнинг акцияларини масъулияти чекланган жамият иштирокчилари улушлари ёки ишлаб чиқариш кооперативи аъзоларининг пайларига айирбошлаш тартиби ҳақидаги қарорнинг қабул қилиниши.

2. Қайта тузиш жараёнида вужудга келтирилаётган янги юридик шахснинг қатнашчилари томонидан уларнинг қўшма мажлисларида унинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бошқарув органларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши.

3. Қайта тузиш натижасида янги тузилган жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш.

4. Агар қайта ташкил этиш жараёнида қимматли қоғозлар чиқарилган бўлса, қайта тузиш натижасида пайдо бўлган юридик шахснинг қимматли қоғозлар эмиссиясини давлат рўйхатидан ўтказиш.

Акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб акциядорлар умумий йиғилиши иштирокчилари янги юридик шахснинг (масъулияти чекланган жамият ёки хўжалик ширкати) иштирокчилари – таъсисчиларига айланадилар. Бунда жамиятнинг акцияларини масъулияти чекланган жамият иштирокчилари улушлари ёки ишлаб чиқариш кооперативи аъзоларининг пайларига айирбошлаш тартиби масаласини ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Қайта тузиш жараёнида вужудга келтирилаётган янги юридик шахснинг қатнашчилари ўзларининг қўшма мажлисларида унинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бошқарув органларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Жамият қайта тузилганида қайта ташкил этилган жамиятнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўтказиш далолатномасига мувофиқ янги вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Қайта ташкил этишдан фарқли равишда **жамиятни тугатиш** унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда жамият фаолиятининг тўхтатилишига олиб келади. Тугатиш жамиятнинг иродасига кўра ёки мажбурий тарзда суд қарорига асосан амалга оширилиши мумкин. Мажбурий тугатишнинг асослари турлича бўлиши мумкин. Масалан, жамият лицензия талаб қилинадиган фаолиятни шундай лицензияга эга бўлмай амалга ошираётган бўлса ёки жамият томонидан амалга оширилаётган фаолият қонун билан тақиқланган ёхуд жамият бир неча маротаба қонунчиликни кўпол равишда бузаётган бўлса ва ҳоказолар.

Ўз олдига қўйилган мақсадга эришиши муносабати билан фаолиятини тугатишда акциядорлар умумий йиғилишининг қарори зарур

бўлади, чунки бу ерда қўйилган мақсадга эришилганлигини аниқлаш лозим бўлади. Жамият фаолиятини келажақда амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги, хусусан уни ташкил этиш вақтида қўйилган мақсадга эришиб бўлмаслиқнинг аён бўлиши кабилар жамият-ни ихтиёрий тугатишнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилишининг ҳукмига жамиятни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳавола этади. Ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши тугатиш тўғрисида ва рўйхатга олишни амалга оширувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

Тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин умумий мажлис юридик шахсларни рўйхатга олувчи органни ёзма равишда хабардор этади ва шундан кейин бу орган эса юридик шахсларнинг Ягона давлат реестрига ушбу юридик шахс тугатилиш арафасида турганилиги ҳақидаги ёзувни киритиб қўяди.

Шундан кейин акциядорлик жамияти рўйхатга олувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди. Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар тугатиш комиссиясига ўтади. Тугатиш комиссияси тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади. Агар давлат тугатилаётган жамиятнинг акциядори бўлса, тугатиш комиссияси таркибига давлат мол-мулкани тасарруф этиш ваколоти берилган орган вакили киритилади. Бу талаб бажарилмаган тақдирда, жамиятни давлат рўйхатидан ўтказган орган тугатиш комиссияси тайинланишига розилик беришга ҳақли эмас. Акциядорлик жамияти суднинг қарори билан тугатилганда тугатиш комиссиясини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тугатиш комиссияси юридик шахсларни рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинадиган матбуот органларида жамиятнинг тугатилиши, унинг кредиторларининг талаб қўйиш тартиби ва муддатлари тўғрисида хабар эълон қилади. Кредиторларнинг талаб қўйиш муддати жамият тугатилиши тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим. Кейинги навбатда тугатилаётган жамиятнинг мол-мулкани тақсимлаш масаласи ҳал этилади. Тугатиш комиссияси кредиторларни аниқлаш ва деби-

торлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторлар ўзларининг мулкларига нисбатан талабларини билдиришлари учун уларни жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади. Агар тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтга келиб, жамият ўз кредиторлари олдида мажбуриятларга эга бўлмаса, гарчи бундай ҳолат жуда кам учрасада, унинг мол-мулки акциядорлар ўртасида тақсимланади.

Кредиторларнинг талаб қўйиш муддати тугаганидан кейин тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш балансини тузади. Мазкур балансда тугатилаётган жамият мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар, шунингдек уларни қараб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар бўлади. Оралиқ тугатиш баланси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тугатилаётган жамиятни давлат рўйхатидан ўтказган орган билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Агар тугатилаётган жамиятнинг мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, тугатиш комиссияси жамиятнинг бошқа мол-мулкини ким ошди савдосида сотишни амалга оширади.

Тугатилаётган жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатиш комиссияси томонидан оралиқ тугатиш балансига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида мазкур баланс тасдиқланган кундан эътиборан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан биринчи навбатда фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган, алиментларни ундиришдан ва муаллифлик шартномалари бўйича мукофот тўлаш ҳақидаги талаблари, шунингдек ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказганлиги учун тугатилаётган юридик шахс жавобгар бўлган фуқароларнинг талаблари ҳам тегишли вақтбай тўловларни капиталлаштириш йўли билан қаноатлантирилади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин тугатиш комиссияси тугатиш балансини тузади. Бу баланс акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тугатилаётган жамиятни давлат рўйхатидан ўтказган орган билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин тугатилаётган жамиятнинг қолган мол-мулки тугатиш комиссияси томонидан акциядорлар ўртасида қуйидаги навбат бўйича тақсимланади:

– биринчи навбатда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар-

нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 44-моддасига мувофиқ қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади;

– иккинчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича ёзилган, бироқ тўланмаган дивидендларни ва жамият уставида имтиёзли акциялар бўйича белгиланган тугатиш қийматини тўлаш амалга оширилади;

– учинчи навбатда тугатилаётган жамиятнинг мол-мулкни оддий (одатдаги) акциялар ва барча турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади. Бунда агар жамият уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, биринчи навбатда имтиёзли акциялар эгаларининг, ундан кейин оддий акция эгаларининг талаблари қондирилади.

Тугатилаётган жамиятнинг мол-мулки имтиёзли акциялар эгалари ўртасида ҳам жамият уставида белгиланган навбат асосида тақсимланади. Мол-мулк имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш барча акциядорларга тўлаш учун етарли бўлмаса, мол-мулк ана шундай турдаги имтиёзли акциялар эгалари бўлмиш акциядорлар ўртасида уларга қарашли шу турдаги акцияларнинг сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

Мол-мулкни ҳар бир навбат тартиби бўйича тақсимлаш аввалги навбат тартиби бўйича мол-мулк тўлиқ тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади. Агар жамиятнинг мавжуд мол-мулки ёзилган, бироқ тўланмаган дивидендлар ва жамият уставида белгиланган тугатиш қийматини бир турдаги имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлмиш барча акциядорларга тўлаш учун етарли бўлмаса, мол-мулк ана шундай турдаги имтиёзли акциялар эгалари бўлмиш акциядорлар ўртасида уларга қарашли шу турдаги акцияларнинг сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувларни киритиб қўйган пайтдан эътиборан жамиятни тугатиш тамомланган, жамият эса фаолиятини тугатган ҳисобланади.

Назорат учун саволлар

1. "Банкротлик тўғрисида"ги қонуннинг асосий қоидаларини тавсифланг.
2. Банкротлик нима?
3. Банкротлик таомилларини амалга ошириш тартиби қандай?
4. Акциядорлик жамиятини реабилитация қилиш нимани билдиради?
5. Санация (судгача ва суд санацияси) нима?
6. Ташқи бошқарувни тавсифланг.
7. АЖ банкрот бўлиб қолганда кредиторларнинг ҳуқуқлари қандай қилиб таъминланади?
8. АЖ банкрот бўлиб қолганда акциядорларнинг ҳуқуқлари қандай қилиб таъминланади?
9. Акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш қандай амалга оширилади?
10. Акциядорлик жамиятини тугатиш тартиби қандай?

КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ БЎЙИЧА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАНБАЛАР, АДАБИЁТЛАР ВА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: "Ўзбекистон", 1996. -364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. –Т.: "Ўзбекистон", 1996. -380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: "Ўзбекистон", 1996. -366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкор йўлидан. Т.4. –Т.: "Ўзбекистон", 1996. -348 б.
5. Каримов И.А. Янгича ишлаш ва фикрлаш давр талаби. Т.5. –Т.: "Ўзбекистон", 1997. -385 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: "Ўзбекистон", 1998. -429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т.: "Ўзбекистон", 1999. -410 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: "Ўзбекистон", 2000. -529 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. –Т.: "Ўзбекистон", 2001. -432 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: "Ўзбекистон", 2002. -432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: "Ўзбекистон", 2003. -320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимизга ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т.12. –Т.: "Ўзбекистон", 2004. -400 б.

Махсус адабиётлар

1. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации Части первой (постатейный). – М.: Изд. дом "ИНФРА-М", 1999.
2. Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации Части второй (постатейный). – М.: Изд. дом "ИНФРА-М", 1999.
3. Комментарий к Федеральному Закону об акционерных обществах/Под ред. Г.С.Шапкиной. – М., 1996.
4. Блэк Б., Крэкман Р., Тарасова А. Комментарий Федерального Закона об акционерных обществах. – М.: Colpi, 1999.
5. Постатейный комментарий к Федеральному Закону "Об акционерных обществах": Изд. второе, доп. и перераб. – М.: Изд. дом "ИНФРА-М", 2001.
6. Постатейный комментарий к Федеральному Закону от 19 июля 1998г. № 115-ФЗ "Об особенностях правового положения работников акционерного общества (народных предприятий)" /Под ред. О.М. Крапивина, В.И. Власова. – М.: Фонд "Правовая культура", 1999.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалари

1. Бусыгин А.В. Предпринимательство: Основной курс: Учебник. – В 2 кн. – М.: Интерпрамс, 1994.
2. Гражданское право: Учебник. – Т.1/Под ред. М.М.Агаркова и Д.М. Генкина. – М., 1944.
3. Гражданское право: Учебник. – В 2 т. 2-е изд./Под ред. Е.А.Суханова. – М.: Изд. "БЕК", 1998.
4. Гражданское право: Учебник. – Ч. I. Изд. 3-е, перераб. и доп./Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. – М.: Проспект, 1999.
5. Гражданское право: Общая часть: Учебное пособие/ В.А.Витушко и др. Под ред. В.А.Витушко. – Мн.: БГЭУ, 1998.
6. Гражданское право: Учебник. – В 2 т. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: "БЕК", 2002.
7. Долинская В.В. Акционерное право: Учебник. – М.: "Юридическая литература", 1997.

8. Ивасенко А.Г. Основные понятия фондового рынка: Учебное пособие. – Новосибирск. – М.: "Вузовская книга", 1997.
9. Кашанина Т.В. Корпоративное право: Учебник. – М.: "ИНФРА-М.", 1999.
10. Килячков А.А., Чалдаева Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело: Учебное пособие. – М.: "Юрист", 2000.
11. Крупко С.И. Инвестиционные споры между государством и иностранным инвестором: Учебно-практическое пособие. – М.: "БЕК", 2002.
12. Рахманов Аъзамжон, Рахманов Абдумухтар. Исламское право: Учебник. – Т.: ТГЮИ, 2003.
13. Рынок ценных бумаг: Учебник. – М.: "Финансы и статистика", 1996.
14. Свердлык Г.А., Страунинг Э.Л. Защита и самозащита гражданских прав: Учебное пособие. – М.: "Лекс-Книга", 2002.
15. Семенкова Е.В. Операции с ценными бумагами: Российская практика: Учебник. – М.: "Перспектива", 1997.
16. Тынель А., Функ Я., Хвалей В. Курс международного торгового права: Учебник. 2-е изд. – Мн.: "Амалфея", 2000.
17. Управление и корпоративный контроль в акционерном обществе: Практическое пособие. – М.: "Юристь", 1999.
18. Ценные бумаги: Учебник. Изд. второе, перераб. и доп. – М.: "Финансы и статистика", 2000.
19. Шершеневич Г.Ф. Учебник торгового права (по изд. 1914 г.). – М.: Фирма "Спарк", 1994.
20. Жамен С., Лакур Л. Торговое право: Учебное пособие/Пер. с франц. – М.: "Международные отношения", 1993.
21. Эннекцерус Л. Курс германского гражданского права. – Т.1. Полутом 1. – М., 1949.
22. Гавриленко В.Г., Ялевич Н.И. Объекты гражданских прав: Юридический справочник. – Мн., 1999.

Монографиялар

1. Агарков М.М. Учение о ценных бумагах. – М.: "Финстатинформ", 1993.
2. Алексеев Г.В. и др. Корпоративные конфликты: причины возникновения и способы преодоления. – М.: УРСЕ, 2002.
3. Андреев В.К. Основы предпринимательского права России. – М., 1992.
4. Бандурин А.В., Зинатулин Л.Ф. Экономико-правовое регулирование деятельности корпораций в России. – М., 1999.
5. Баринов Э.А., Хмыз О.В. Рынки: валютные и ценных бумаг. – М.: "Экзамен", 2001.
6. Белов В.А. Рынок ценных бумаг. – М.: "ИНФРА-М", 1996.
7. Белов В.А. Ценные бумаги в российском гражданском праве. – М.: "Юринформ", 1996.
8. Белов В.А., Пестерова Е.В. Хозяйственные общества. – М.: "Юринформ", 2002.
9. Богатых Е.А. Гражданское и торговое право. – М.: "ИНФРА-М", 1996.
10. Братусь С.Н. Юридические лица в советском гражданском праве. – М., 1947.
11. Грибанов В.П. Осуществление и защита гражданских прав. – М.: "Статут", 2000.
12. Губана Е.Л. Управление и корпоративный контроль в АО. – М.: "Юристь", 1999.
13. Евтеева М.С. Международные двусторонние инвестиционные отношения. – М.: "Международные отношения", 2002.
14. Жузжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги. – Т.: Тошкент Ислом университети, 2002.
15. Ионцев М.Г. Акционерные общества. – М.: "Ось-89", 2002.
16. Карагусов Ф.С. Правовое положение акционерного общества в Казахстане. – Алматы, 2000.
17. Карагусов Ф.С. Ценные бумаги и деньги в системе объектов гражданских прав. – Алматы, 2002.

18. Козлова Н.В. Учредительный договор о создании коммерческих обществ и товариществ. – М., 1994.
19. Корпоративное управление: владельцы, директора и наемные работники/ Пер. с англ. Фордхемский ун-т./Под ред. М. Хесселя. – М.: Джон Уайли энд Санз, 1996.
20. Кулагин М.И. Избранные труды. – М.: "Статут", 1997.
21. Лаптев В.В. Акционерное право. – М.: "Контракт", 1999.
22. Ломакин Д.В. Акционерное правоотношение. – М., 1997.
23. Материалы к истории советского государства и права Узбекистана/Отв. ред. акад. АН УзССР Х.Сулайманова и д-р. юрид. наук А.И.Ишанов. – Т.: Изд-во АН УзССР, 1958.
24. Нерсесов Н.О. Избранные труды по представительству и ценным бумагам в гражданском праве. – М.: "Статут", 1998.
25. Николаева С.А., Шебек С.В. Корпоративные стандарты: от концепции до инструкции. Практика разработки. – М.: "Книжный мир", 2003.
26. Осинковский А.Д. Акционер против. – М.: Изд-во ДНК, 2003.
27. Павлова Л.Н. Корпоративные ценные бумаги: эмиссия и операции предприятий и банков. – М.: ЗАО "Бухгалтерский бюллетень", 1998.
28. Писемский П.А. Акционерные компании с точки зрения гражданского права. – М., 1876.
29. Полковников Г.В. Английское право о компаниях: закон и практика. – М.: НИМП, 2002.
30. Правовое обеспечение деятельности акционерного общества /Под ред. Шиткиной И.С. – М.: Фонд "Правовая культура", 1997.
31. Руднева Е.В. Эмиссия корпоративных ценных бумаг: теория и практика. – М.: "Экзамен", 2001.
32. Саидов А.Х. Основы мусульманского права. – Т.: Академия МВД, 1994.
33. Семенов А.С., Сизов Ю.С. Корпоративные конфликты. – М.: "Едиториал – УРСС", 2002.

34. Сыродоева О.Н. Акционерное право США и России (сравнительный анализ). – М., 1996.
35. Сюкияйнен Л.Р. Мусульманское право в правовых системах Арабского Востока: Государство и право в развивающихся странах. – М., 1976.
36. Тарасов И.Т. Учение об акционерных компаниях. – М.: "Статут", 2000.
37. Чечерин Б.Н. Собственность и государство. – М., 1883.
38. Юлдашбаева Л.Р. Правовое регулирование оборота эмиссионных ценных бумаг (акций, облигаций). – М.: "Статут", 1999.
39. Ал-Марашдех Маджет Ахмед Халар. Хозяйственное товарищество по законодательству Иордании: Автореф. дис... канд.юр.наук. – Т., 1999.
40. Степанов П.В. Корпоративные отношения в коммерческих организациях как составная часть предмета гражданского права: Автореф. дис... канд.юр.наук. – М., 1999.

Мақолалар

1. Андреев Ю. Имущественные споры с участием акционеров //Российская юстиция. – 1998. – № 4.
2. Власов В.И., Крапивин О.М. Защита прав при продаже акций акционерного общества//Гражданин и право. – Май, июнь 2001г. – №№ 5, 6.
3. Зинченко С.А., Галлов В.В. Правовая природа имущественной основы корпоративных коммерческих организаций//Северо-Кавказский юридический вестник. – 2002. – № 3.
4. Зинченко С., Казаченский С., Зинченко О. Акционерное законодательство: испытание практикой//Хозяйство и право. – 1998. – № 10.
5. Кондратов Н. О некоторых особенностях практического применения Федерального Закона "Об акционерных обществах" //Хозяйство и право. – 1998. – № 9–10.
6. Ломакин Д.В. Право акционера на дивиденд: понятие, порядок осуществления//Законодательство. – 1998. – № 8.

7. Корман В.И. О согласовании правовых норм, регулирующих хозяйственные отношения//Антология уральской цивилистики. – М.: "Статут". 2001.
8. Корпоративное управление в России//Вестник 2001г. – М., 2001.
9. Лысихин И. Как защитить свои права: Корпоративная борьба//Рынок ценных бумаг. – 1999. – №4.
10. Макаров Д.А. О некоторых правовых вопросах, связанных с проведением общих собраний акционеров//Журнал российского права. – Сентябрь 2001г. – № 9.
11. Метелева Ю. Право акционера на дивиденд//Хозяйство и право. – 1998. – № 7.
12. Носов С.И. Вопросы совершенствования российского акционерного законодательства//Журнал российского права. – Январь 2001г. – №1.
13. Плахин А.А. Управление в акционерных обществах: Российское законодательство и зарубежная корпоративная практика //Законодательство. – 1997. – № 3.
14. Степанов П.В. Принципы регулирования корпоративных отношений//Хозяйство и право. – 2002. – № 4.
15. Суханов Е.А. О российском акционерном законодательстве// Законодательство. – 1998. – № 12.
16. Толстой Ю.К. Собственность и оперативное управление //Проблемы гражданского права. – Л., 1987.
17. Торкановский Е. Управление акционерным обществом //Хозяйство и право. – 1997. – № 6–7.
18. Шиткина И.С. Создание холдинговых компаний в России в условиях рыночной экономики//Гражданин и право. – Декабрь 2000г. – № 6; январь 2001г. – № 1.
19. Эрделевский А. О защите личных неимущественных прав акционеров//Хозяйство и право. – 1997. – № 6.
20. Ярков В. Защита прав акционеров по законодательству "Об акционерных обществах" с помощью косвенных исков //Хозяйство и право. – 1997. – № 12.

Хорижий адабиётлар

1. Alan R. Palmiter. Toward Disclosure Choice in Securities Offerings. 1999. Colum. Bus. L. Rev. 1 P. 96–97.
2. American Law Institute, Principles of Corporate Governance. St. Paul, MI, American Law Institute Publishers, 1994.
3. Arsht, Samuel S. A History of Delaware Corporation Law //Delaware Journal of Corporate Law. 1976.1 (1). P. 1–22.
4. Baird, D. and T.H. Jackson. The Uneasy Case for Corporate Reorganizations//Journal of Legal Studies. 1986. 127 p.
5. Bebchuk, L. A. A New Approach to Corporate Reorganizations // Harvard Law Review. 101. 1988. P.775–804.
6. Berle, Adolf A., and Gardiner C. Means. The Modern Corporation and Private Property. Macmillan, New York, 1932.
7. Black, Bernad S. Shareholder Activism and Corporate Governance in the United States//Peter Newman (ed). The New Palgrave Dictionary of Economics and the Law. Vol. I. Basingstoke, Macmillan, 1998. 459 p.
8. Black, Bernard S. The Core Institutions that Support Strong Securities Markets//55 Business Lawyer. 2000. 1565 p.
9. Black, Bernard S., Reinier Kraakman, and Anna S. Tarassova. Guide to the Russian Law on Joint Stock Companies. The Hague, London, Boston: Kluwer Law International, 1998.
10. Botosan C.A. Disclosure Level and the Cost of Equity Capital//The Accounting Review (July 1997). P. 323–349.
11. Bradley, Michael, et al. The Purposes and Accountability of the Corporation in Contemporary Society: Corporate Governance at a Crossroads//62 Law & Contemporary Problems. 1999. № 9.
12. Cheffins, Brian R. Minority Shareholders and Corporate Governance //21 Company Lawyer. 2000. 41 p.
13. Coffee, John C. The Rise of Dispersed Ownership: The Role of Law in the Separation of Ownership and Control//Columbia Center for Law and Economic Studies. Working Paper No. 182. 2001.
14. Clarc R. Ch. Corporative Law.

15. Davies, Paul L. *Gower's Principles of Modern Company Law*. 6th ed. London, Sweet & Maxwell, 1997.
16. Eisenberg, Melvin Aron. *Corporations and other Business Organizations*. 8 ed. New York. Foundation Press, 2000.
17. Farrar, J.H., and Hannigan B.M. *Farrar's Company Law*. London, Butterworths. 1998.
18. Fletcher, Ian F. *The Law of Insolvency*. 2 nd ed. London, Sweet & Maxwel, 1996.
19. Goode, Roy M. *Principles of Corporate Insolvency Law*. 2nd ed. London, Sweet & Maxwell, 1997.
20. Gower, L.C.B. *The Principles of Modern Company Law*. London, Stevens, 1954.
21. Hansmann, Henry, and Kraakman. Reinier The End of History for Corporate Law//89 *Georgetown Law Journal*. 2001. 439 p.
22. Hessen, Robert. A New Concept of Corporations: A Contractual and Private Property Model//30 *Hastings Law Journal*. 1979. 1327 p.
23. Hoffman, Leonard H. H. Foreword to: Hollington, Robin. *Minority Shareholders' Rights*. London, Sweet and Maxwell, 1999.
24. Jackson, Thomas H. *The Logic and Limits of Bankruptcy*. Cambridge, MA, Harvard University Press, 1986.
25. Klein, William, and Coffee. John C. *Business Organization and Finance*. 6th ed. Westbury, NY, Foundation Press, 1996.
26. Paull D.A. *Principles of Modern Company Law*. London, 1997.
27. Roe, Mark J. Some Differences in Corporate Structure in Germany, Japan, and the United States//*Yale Law Journal*. 1993. № 102. P. 1927–2003.
28. Roe, Mark J. The Shareholder Wealth Maximization Norm and Industrial Organization//149 *University of Pennsylvania Law Review*. 2001. 2063 p.
29. Stigler, George J. Public Regulation of the Securities Markets //*Journal of Business*. 1964. XXVII (2). 117–142 p.
30. Schwabe, Walter S., and Branson G. A. H. *A Tratisse on the Laws of the Stock Exchange*. London, Butterworth and Co. 1913 p.

КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АСОСИЙ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

1. *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.* – Т.: Адолат, 2003.
2. *Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.* – Т.: Адолат, 1996.
3. *Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси.* – Т.: Адолат, 1997.
4. *Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси* Республики Узбекистан. – Т.: Адолат, 1997.
5. *"Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"*ги Ўзбекистон Республикасининг 19.11.1991 йилги қонуни.
6. *"Қимматли қозғалар ва фонд биржаси тўғрисида"*ги Ўзбекистон Республикасининг 02.09.1993 йилги қонуни.
7. *"Банкротлик тўғрисида"*ги Ўзбекистон Республикасининг 05.05.1994 йилги қонуни (2003 йилги янги таҳрири билан).
8. *"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"*ги Ўзбекистон Республикасининг 26.04.1996 йилги қонуни.
9. *"Қимматли қозғалар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида"*ги Ўзбекистон Республикасининг 25.04.1996 йилги қонуни.
10. *"Қимматли қозғалар бозорида инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"*ги Ўзбекистон Республикасининг 30.08.2001 йилги қонуни.
11. *"Қимматли қозғалар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида"*ги Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилги қонуни.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг *"Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"*ги 21.01.1994 ПФ-745 сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг *"Ўзбекистон республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусий-*

- лаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида*"ги 15.03.1994 ПФ-789 сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг *"Давлат мулки бўлган корхоналарни акциялаштиришни жадаллаштириш ва қимматли қозғозлар бозорини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*"ги 12.06.1995 йилги ПФ-1164 сонли Фармони.
 15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг *"Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги бўлинмаларини давлат ҳиссадорлик компанияларига айлантириш тўғрисида*"ги 14.08.1995 йилги ПФ-1212 сонли Фармони.
 16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг *"Қимматли қозғозлар бозорини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*" 07.09.1995 йилги ПФ-1270 сонли Фармони.
 17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг *"Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизда ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида*"ги 04.03.1998 йилги ПФ-1939 сонли Фармони.
 18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг *"Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*"ги 24.01.2003 йилги ПФ-3202 сонли Фармони.
 19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг *"Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссияси тўғрисида*"ги 31.01.2003 йилги ПФ-3204 сонли Фармони.
 20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Тошкент" республика фонд биржасининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва қимматли қозғозлар бозори инфраструктурасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*"ги 08.06.1994 йилги 285-сонли қарори.
 21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Мулкчилик ва хўжалик юртишнинг барча шакллардаги корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат реестри тўғрисида*"ги 17.11.1994 йилги 555-сонли қарори.
 22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Давлат корхоналарини очиқ турдаги акционерлик жамиятларига ай-*

- лантиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 15.06.1995 йилги 221-сонли қарори.
23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, ассоциациялар ва бирлашмаларининг бошқаруви ҳамда ишчи таъминоти бўлимларини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида"ги* 30.06.1995 йилги 247-сонли қарори.
 24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Республикада қимматли қозғозлар бозорининг фаолият кўрсатишини тартибга солиш ва уни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги* 07.09.1995 йилги 351-сонли қарори.
 25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Ўзбекистон Республикаси давлат мулки қўмитаси ҳузурида қимматли қозғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказини ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги*
 26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Акциялар пакетларини жойлаштиришни такомиллаштириш ҳамда давлат мулки негизда ташкил этилган акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги* 18.08.1997 йилги 404-сонли қарори.
 27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Ўзбекистон республикаси давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қозғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг қимматли қозғозлар комиссиялари халқаро ташкилоти (iosco)га кириши тўғрисида"ги* 12.01.1998 йилги 16-сонли қарори.
 28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Давлат корхоналари негизда ташкил этилган акциядорлик жамиятларида акцияларни жойлаштиришнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисида"ги* 05.03.1998
 29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Хусусийлаштириладиган корхоналарнинг жисмоний шахслар томонидан текин олинган акцияларига солиқ солиш механизми тўғрисида"ги* 29.06.1998 йилги 270-сонли қарори.
 30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида*

ташкил этилган акциядорлик жамиятлари устав жамгармасидаги давлат улуши тўғрисида"ги 30.06.1998 йилги 270-сонли қарори.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Акциядорлик жамиятларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида*"ги 22.08.1998/
32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Қимматли қозғозларнинг марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида*"ги 21.05.1999 йилги 263-сонли қарори.
33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида*"ги 26.07.1999 йилги 362-сонли қарори.
34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлари амалга оширилишини, хорижий инвестицияларни жалб этиш фаоллаштирилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*"ги 26.03.2002 йилги 97-сонли қарори.
35. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида*"ги 17.04.2003 йилги 185-сонли қарори.
36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*"ги 18.04.2003 йилги 185-сонли қарори.
37. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*"ги 19.04.2003 йилги 189-сонли қарори.
38. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Қимматли қозғозлар иккиламчи бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*"ги 29.04.2003 йилги 196-сонли қарори.
39. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат*

- комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*"ги 30.06.2003 йилги 294-сонли қарори.
40. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Корпоратив бошқарув марказини ташкил этиш тўғрисида*"ги 04.07.2003 йилги 304-сонли қарори.
41. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни (инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини) лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*"ги 09.07.2003 йилги 308-сонли қарорининг 1-иловаси.
42. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*"ги 13.11.2003 йилги 506-сонли қарори.
43. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 июндаги 285-сон қарорига 1-Иловаси билан тасдиқланган *"Давлат корхоналарини қайта ўзгартириш натижасида ташкил этилган очиқ турдаги акционерлик жамиятларининг акцияларини рўйхатдан ўтказиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисида*" Низом.
44. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 13.10.1995 йилда 182-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича комиссия томонидан 19.09.1995 йилда 08-03-02/1553А-сон билан ва 13.10.1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан 00-365-сон билан тасдиқланган *"Асосий воситаларни қайта ҳисоблаш орқали акциядорлик жамиятининг устав капиталини ошириш тўғрисида*"ги Низом.
45. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 01.07.1997 йилда 351-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан 18.06.1997 йилда тасдиқланган *"Айирбошладиган қимматли қоғозларни жойлаштириш ва тақсимлаш тартиби тўғрисида*"ги Низом.
46. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 10.07.1998 йилда 453-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси қошидаги қимматли қоғозлар бозори фаолияти устидан назорат қилиш ва мувофиқлаштириш Маркази томонидан 28.12.1998 йилда тасдиқланган *"Ўзбекистон Республикасида қим-*

матли қоғозларни чиқариш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга 1-сонли қўшимча.

47. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 03.03.1999 йилда 660-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси қошидаги қимматли қоғозлар бозори фаолияти устидан назорат қилиш ва мувофиқлаштириш Маркази томонидан 01.03.1999 йилда 42-сон билан тасдиқланган *"Қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиш учун жисмоний шахсларни аттестация (қайта аттестация) қилиш тўғрисида*"ги Низом.
48. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 27.04.1999 йилда 710-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан 24.04.1999 йилда, Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 25.04.1999 йилда тасдиқланган *"Қимматли қоғозлар бўйича ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тўғрисида*"ги Низом.
49. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 28.12.1999 йилда 860-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси қошидаги қимматли қоғозлар бозори фаолияти устидан назорат қилиш ва мувофиқлаштириш Маркази томонидан 21.12.1999 йилда тасдиқланган *"Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисида*"ги Низом.
50. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматбаҳо қоғозлар бозорининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази бош директорининг 2002 йил 13 мартдаги 2002-03-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 15.04.2002 йил 1125-сон билан рўйхатга олинган *"Нақд қимматбаҳо қоғозларни йўқ қилиш бўйича*" Йўриқнома.
51. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг 2002 йил 13 мартдаги 2002-4-сонли Буйруғи билан тасдиқланган *"Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида*"ги *"Ўзбекистон Республикасининг Қонунини бузганлик учун ишларни кўриб чиқиш ва санкцияларни қўллаш тартиби тўғрисида*"ги Низом.

52. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 17.02.2004 йил 1312-сон билан рўйхатга олинб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқарувининг 27.12.2003 йилги 555-сонли қарори билан тасдиқланган **"Қимматли қозғозлар бланкаларига қўйиладиган техник талаблар тўғрисида"**ги Низом.
53. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 17.02.2004 йил 1312-сон билан рўйхатга олинган **"Қимматли қозғозлар бланкаларига қўйиладиган техник талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"**ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқарувининг 27.12.2003 йилги 555-сонли қарори.
54. **"Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси қошидаги Қимматли қозғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази тўғрисида"**ги Низом.
55. **"Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қозғозлар билан боғлиқ битимларни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида"**ги Низом.
56. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 02.04.1997 йилда 320-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан 31.03.1997 йилда тасдиқланган **Ҳосила қимматли қозғозларни чиқариш ва улар билан муомала қилиш Тартиби**.
57. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 21.09.1999 й. 820-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки қўмитаси томонидан 25.06.1999 й. 4/103 –сон билан тасдиқланган **"Қимматли қозғозлар бозорида манипуляция қилишларнинг олдини олиш қоидалари"**.

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

1. АКЦИЯДОР АХБОРОТНОМАСИ.
Корпоратив ҳуқуқ муаммоларини ўрганиш Институти
<http://www.vestnikao.ru/>
2. КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ
<http://sibucom.ru/>
3. КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ.
<http://www.biznes-advokat.ru/>
4. "ЧЕЛТЕР". КОМПАНИЯСИ ГУРУҲИ.
Корпоратив ҳуқуқ бўйича консалтинг.
<http://www.chalter.ru/>
5. ЕВРОПА КОМИССИЯСИ (ТАСИС).
Ғарбий европа мамлакатлари ва Россия Федерациясидаги
корпоратив ҳуқуқ.
<http://law.pp.ru/>
6. "АКЦИОНЕРНЫЙ ВЕСТНИК" ЖУРНАЛИ.
Корпоратив ҳуқуқ соҳасидаги муаммоларни ҳал этишнинг амалий
қўлланмаси.
<http://www.iile.ru/>
7. КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.
Эмитентлар ва акциядорларнинг корпоратив ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш.
<http://www.praga.kiev.ua/>
8. КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ.
Хусусий ташаббуслар ва корпоратив бошқарув ҳамда инвесторлар
ҳуқуқларини ривожлантириш чораларига кўмак бериш вазифалари
ҳақида. РФ корпоратив ҳуқуқи, рейтингларни тузиш усуллари ва
категориялари ҳақидаги ахборот. Бошқарув атамалри луғати.
<http://www.islg.ru/>
9. КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИ.
<http://www.e-xecutive.ru/>
10. КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИ.
<http://distance-learning.ru/>
11. КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛА-
ҲАТЛАР.

<http://www.preiskurant.ru/>

12. "КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ" КОНФЕРЕНЦИЯСИ.

Корпоратив ҳуқуқ. Россия ҳуқуқ тизимида корпоратив ҳуқуқ.

<http://www.fdp.ru/>

13. "ЮРКЛУБ" КОНФЕРЕНЦИЯСИ.

Корпоратив ҳуқуқ.

<http://forum.yurclub.ru/>

14. КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ.

<http://www.uis-mos.ru/>

15. КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ.

<http://aipet.kz/>

16. КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ.

<http://www.artlex.ru/>

17. ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚИ.

Корпоратив ҳуқуқ ва корпоратив бошқарув масалаларига бағишланган китоблар, диссертациялар каталоги. Библиография. Акциядорлар ҳуқуқларини суд тартибида ва суддан ташқари ҳимоя қилиш (АҚШнинг корпоратив қонунчилиги).

<http://www.lin.ru/>

18. КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ "ЯНГИЛИКЛАР".

Машғулот компаниялари. КБРА компанияси (Кадрлар Бошқаруви ва Рекрутинг Агентлиги).

<http://www.hrm.ru/>

19. КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ.

Россияда қабул қилинган янги Корпоратив бошқарув Кодекси.

<http://www.rci.org.uk/>

20. "БИЗНЕС РЕЖАЛАШТИРИШ ВА КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ" КУРСИ.

Жамият иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

<http://www.mibif.ru/>

21. ҲУҚУҚШУНОСЛАР УЧУН "КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ" КУРСИ.

<http://www.lawkiso.narod.ru>

22. КУРС ИШЛАРИ ВА РЕФЕРАТЛАР.

Курс ишлари ва рефератлар: Корпоратив ҳуқуқ (юримдик шахслар).

<http://www.tarasei.narod.ru/>

23. "ЛЮДИ ДЕЛА".

Россия таҳлилий журнали.

<http://www.ludidela.ru/>

24. "ХАЛҚАРО ВА КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ".

<http://www.virtualuk.ru/>

25. РЕФЕРАТЛАР ТЎПЛАМИ

Корпоратив ҳуқуқ. Фуқаролик ҳуқуқи. Ҳуқуқий фанлар.

<http://www.monax.ru/>

26. "НОВЫЙ КАНАЛ".

<http://www.novy.tv/>

27. "ОЛЕНА КИБЕНКО".

ЕИ корпоратив ҳуқуқининг оламшумул ислоҳоти.

<http://www.eclc.gov.ua/>

28. КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ ПАРАДОКЛАРИ.

<http://www.exclub.ru/>

29. "ПРАВО И ПОЛИТИКА".

РФнинг халқаро илмий журнали. Хорижий корпоратив ҳуқуқ тизимида ҳосила даъволар. РФ корпоратив ҳуқуқ тизимида ҳосила даъволар. Улар шаклининг корпоратив ҳуқуқ тизимида боғлиқлиги.

<http://www.law-and-politics.com/>

30. ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗ.

Корпоратив ҳуқуқ – юриспруденциядаги янги оқим.

<http://www.2m.ru/>

31. ЎҚУВ ДАСТУРИ.

Акциядорлик жамиятларидаги корпоратив ҳуқуқ ва бошқарув.

<http://www.e-ducate.ru/>

32. КАСБИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРИ

Акциядорлик жамиятларидаги корпоратив ҳуқуқ ва бошқарув.

<http://www.akdi.ru/>

33. "ПРОФКОЛСАНТ".

Сиз корпоратив ҳуқуқ бўйича ўзингизни қизиқтирган саволларни беришингиз мумкин.

<http://www.profconsalt.ru/>

34. РФ ПРЕЗИДЕНТИ ҚОШИДАГИ ДАВЛАТ ХИЗМАТИ РОССИЯ АКАДЕМИЯСИ.

Акциядорлик жамиятларидаги корпоратив ҳуқуқ ва бошқарув. Корпоратив битимлар турлари. Корпоратив ҳаракатларни амалга

ошириш ва РФнинг янги қонуничилигига асосан акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалий масалалари.

<http://www.cdipravo.ru/>

35. КОНФЕРЕНЦИЯЛАРДА МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИГАН МАВЗУЛАР.

Корпоратив ҳуқуқ. Россия ҳуқуқ тизимида корпоратив ҳуқуқ.

<http://yedelkin.annkiar.ru/>

36. МЕҲНАТ КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚИ.

Ўқув-услубий қўлланма (Крапивин О.М., Власов В.И.).

<http://www.auditcenter.ru/>

37. "УАЙТ ЭНД КЕЙС".

Шарқий Европада корпоратив ҳуқуқ, бирлашиш ва қўшиб олиш соҳасида "йил фирмаси" деб тан олинган. "Chambers Global" нашриёти.

<http://whitecase.ru/>

38. ФОРУМ.

Корпоратив ҳуқуқ. Улуш ҳуқуқига ўтиш. Ҳуқуқий масалалар.

<http://www.mosur.ru/>

39. КОРПОРАТИВ РИВОЖЛАНИШ МАРКАЗИ.

"Корпоратив ҳуқуқ ва амалиёт" курси. Корпоратив меъёрлар.

<http://company.cbs-mba.ru/>

40. "ОТКРЫТАЯ ЭКОНОМИКА" ЭКСПЕРТ КАНАЛИ.

Корпоратив ҳуқуқ институти РФда россиядаги корхоналар учун корпоратив бошқарув рейтинг сифати ҳисобидан бошланди.

<http://www.opec.ru/>

41. ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ.

<http://www.yurpractika.com/>

42. "ЛИНИЯ ПРАВА" ҲУҚУҚИЙ ФИРМАСИ.

Корпоратив ҳуқуқ масалалари бўйича маслаҳат.

<http://www.lprava.ru/>

43. "ПАРСУ ЗАКОНА". ҲУҚУҚИЙ ФИРМАСИ.

Корпоратив ҳуқуқ.

<http://www.paruszakona.ru/>

44. ҲУҚУҚИЙ СЕМИНАР.

Корпоратив ҳуқуқ компанияни бошқариш қуроли сифатида.

<http://www.yurclub.ru/>

45. ҲУҚУҚИЙ СЕМИНАР.

Корпоратив ҳуқуқ усулларини қўллаган ҳолда корпоратив бошқарув бўйича муаллифлик семинари.

<http://www.lawportal.ru/>

46. АНХ ЮРИДИК ФАКУЛЬТЕТИ.

Семинарлар ва консалтинг. Корпоратив ҳуқуқ. Бошқарув муаммоларини ҳал қилиш қуроли сифатида корпоратив ҳуқуқ усуллари.

<http://www.lawfaculty.ru/>

47. "СО@LIBRI".

Меҳнат корпоратив ҳуқуқи.

<http://www.colibri.ru/>

48. "ECONOMICS.EDU.RU".

Халқаро ва хорижий, молиявий, савдо ва корпоратив ҳуқуқ.

<http://www.economics.edu.ru/>

49. "ГАММАРЕСТИЖЕ" – КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ.

Компания тузилишини режалаштириш.

<http://www.gammaprestige.ru/>

50. "КВАНТЕХ" – КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ.

Корпоратив ҳуқуқ. Тижорат ҳуқуқи. Имтиёз ҳуқуқи.

<http://www.kvantex.ru/>

51. "WWW.BRANDCOUNT.RU".

Корпоратив ҳуқуқдан савол ва жавоблар.

<http://www.brandcount.ru/>

52. "WWW.SIA.RU".

Китобхонлар саволларига РФ корпоратив ҳуқуқ муаммоларини ўрганиш Институти юридик бўлими мутахассислари жавоб беришади.

<http://www.sia.ru/>

53. WWW.SOVETNIK.ORG.RU.

"Акциядорлик жамияти: корпоратив бошқариш масалалари": журнал-маълумотнома.

<http://www.sovetnik.org.ru/>

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ	8
1-§. Корпоратив ҳуқуқ тушунчаси ва унинг хусусий ҳуқуқ тизимидаги ўрни	8
2-§. Корпоратив ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқининг тармоғи сифатида	14
3-§. Корпоратив ҳуқуқнинг предмети ва тартибга солиш усули	19
4-§. Корпоратив ҳуқуқнинг асосий тамойиллари	25
II БОБ. КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ҚИЁСИЙ ВА ТАРИХИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	36
1-§. Корпоратив ҳуқуқнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи.....	36
2-§. Континентал ва англосаксон ҳуқуқ тизимида корпорациялар	44
3-§. Туркистондаги корпорациялар	49
4-§. Ўзбекистондаги корпорациялар	63
III БОБ. МУСУЛМОН МАМЛАКАТЛАРИДАГИ КОРПОРАТИВ ТАШКИЛОТЛАР	71
1-§. Мусулмон давлатлари корпоратив ташкилотларининг ҳуқуқий асослари ҳақида	71
2-§. Араб мамлакатлари корпоратив ташкилотларининг баъзи ўзига хос хусусиятлари	78
3-§. Тўлиқ ширкат	81
4-§. Тўлиқ ширкат ишларини бошқариш	85
5-§. Коммандит ширкат.....	89
6-§. Ширкат фаолиятини тўхтатиш	92
7-§. Ширкат фаолиятини тугатиш	95
8-§. Тугатилаётган ширкатнинг мол-мулкини тақсимлаш.....	97

IV БОБ. КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ	102
1-§. Корпоратив ҳуқуқнинг субъектлари. Уларнинг умумий тавсифи	102
2-§. Хўжалик жамиятлари.....	104
3-§. Хўжалик ширкатлари.....	109
4-§. Корпоратив ҳуқуқ объектлари. Уларнинг умумий тавсифи	111
5-§. Тадбиркорлик фаолияти турлари корпоратив ҳуқуқ объекти сифатида	114
6-§. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун лицензия тушунчаси, турлари ва ҳаракати.....	118
V БОБ. КОРПОРАЦИЯЛАРНИ ТАЪСИС ЭТИШ ВА РЎЙ-ХАТДАН ЎТКАЗИШ	122
1-§. Корпорацияларни таъсис этиш: иштирокчилар ва таъсисчилар, таъсис ҳужжатлари	122
2-§. Корпорациянинг устав фонди, уни ташкил этиш ва миқдорини ўзгартириш	128
3-§. Корпорация мол-мулкнинг ҳуқуқий ҳолати	141
4-§. Давлат рўйхатидан ўтказиш.....	146
VI БОБ. КОРПОРАТИВ МОЛИЯЛАР	158
1-§. Корпорациянинг молиялари: тушунчаси ва тасниф-ланиши	158
1.1. Молиялар тушунчаси ва турлари.....	158
1.2. Корпорациянинг устав капитали	160
1.3. Корпорациянинг жамғармалари ва захиралари	171
2-§. Даромадни бошқариш ва тақсимлаш	175
2.1. Корхонанинг молияларини бошқариш	175
2.2. Қимматли қоғозлар портфелини бошқариш	181
2.3. Молиявий бошқарувчи: унинг ҳуқуқий мақоми ва функциялари.....	186
2.4. Даромадларни тақсимлаш	194
3-§. Дивидендлар: тушунчаси, турлари, сиёсати	199

VII БОБ. КОРПОРАТИВ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ	210
1-§. Корпоратив қимматли қоғозларнинг ҳуқуқий табиати ва таснифланиши	210
1.1. Қимматли қоғозларнинг таснифланиши.....	214
1.2. Корпоратив қимматли қоғозлар турлари	217
1.2.1. Акциялар	218
1.2.2. Облигациялар.....	225
2-§. Қимматли қоғозлар эмиссияси ва уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	230
3-§. Қимматли қоғозлар бозори: унинг иштирокчилари, турлари ва тартибга солишнинг асосий тамойиллари	245
3.1. Қимматли қоғозлар бозори: унинг моҳияти ва тутган ўрни.....	245
3.2. Бозор иштирокчилари	248
3.3. Бозор профессионаллари	251
VIII БОБ. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ	260
1-§. Корпоратив бошқарувнинг тамойиллари умумий қоидалари	260
2-§. Акциядорларнинг умумий йиғилиши	272
3-§. Кузатув кенгаши (директорлар кенгаши).....	288
4-§. Жамиятнинг ижро органи ва мансабдор шахслари	300
5-§. Тафтиш комиссияси ва аудит.....	309
IX БОБ. АКЦИЯДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ	315
1-§. Акциядорлар ҳуқуқларининг таснифи, уларнинг қонунчиликда тартибга солиниши ва таъминлаш усуллари.....	315
2-§. Акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги давлат органларининг ваколати.....	332
2.1. Акциядорлар ҳуқуқларини таъминлашда қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг ўрни	333
2.2. Суд ҳимояси	335

2.2.1. Акциядорлар умумий йиғилиши ва жамиятнинг бошқа бошқарув органлари қарорлари устидан шикоят қилиши	337
2.2.2. Жамиятни акцияларни қайтариб олишга мажбур қилиш тўғрисидаги даъволар	339
2.2.3. Йирик битимларнинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги даъволар	340
2.2.4. Жамиятни бошқаришга таъсир этиши мумкин бўлган шахсларнинг манфаатдорлиги мавжуд бўлган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъволар	341
2.2.5. Жамиятдан дивидендлар суммасини ундириш тўғрисидаги даъволар	342
2.2.6. Акциядорлар реестрини сақловчисининг жавобгарлиги ва реестр сақловчи томонидан бузилган акциядорлар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш	342
3-§. Акциядорлар ҳуқуқлари	344
3.1. Акциядорнинг жамият ишлари ҳақидаги ахборотга бўлган ҳуқуқлари	345
3.2. Акциядорлик жамияти томонидан акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар чиқарилганда акциядорнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқи	346
3.3. Акциялар ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар чиқариш жараёнида акциядорларнинг ҳуқуқлари	348
4-§. Корпоратив низолар: уларнинг турлари, ҳал этиш усуллари ва шакллари	350
4.1. Таъсис ҳужжатларидаги камчиликлар билан боғлиқ низолар	352
4.2. Акциядорлар реестрини юритиш билан боғлиқ низолар.....	353
4.3. Акциядорлар умумий йиғилишни ўтказиш билан боғлиқ корпоратив низолар	353
4.4. Акцияларни куч ишлатиш билан сотиб олиш ва дўстона бўлмаган сингишлар.....	355

4.5. Дивиденд сиёсатининг нуқсонлари	356
4.6. Корпоратив низоларни вужудга келтирувчи омил сифатида акциядорлик жамиятини қайта ташқил этиш.....	358
4.7. Корпоратив низоларнинг бошқа турлари	359

X БОБ. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ (ҲИСОБДОРЛИК) 362

1-§. Ахборотни ошқор этиш тушунчаси, зарурияти, тур- лари ва шакллари	362
2-§. Корпорациянинг ҳисобдорлиги, тижорат сири ва корпорацияларда ахборотни ошқор этиш.....	365
3-§. Корпорациянинг битимлари. Аффилланган шахслар билан тузиладиган ва манфаатдорлик асосидаги битимлар. Йирик битимларни тузиш жараёнлари.....	376

**XI БОБ. КОРПОРАЦИЯЛАРНИНГ ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТ-
СИЗЛИГИ, БАНКРОТЛИГИ, ҚАЙТА ТАШКИЛ
ЭТИЛИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ 388**

1-§. Тўловга қобилиятсизлик ва банкротлик тўғрисидаги асосий қоидалар	388
2-§. Банкротлик	405
3-§. Реабилитация	416
4-§. Ташқи бошқарув ва кредиторларнинг ҳуқуқларини таъминлаш	431
5-§. Қайта ташқил этиш ва тугатиш	437

**КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ БЎЙИЧА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН
МАНБАЛАР, АДАБИЁТЛАР ВА ИНТЕРНЕТ ТАР-
МОҒИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР 450**

**КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБ-
ЛИКАСИНING АСОСИЙ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ .459**

Ҳ.Р.Раҳмонқулов С.С.Гулямов

КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ

Дарслик

Муаллифлар таҳрири остида

Техник муҳаррир – Ж.Ж.Ходжимухаммедов

Компьютерда саҳифаловчи – Ф.Нурлибоев

Компьютерда терувчи ва таржимон – О.С.Нарзиев

Босишга рухсат этилди: **01.04.2005 й.** Ҳажми: **29,6 б.т.**
Адади: **5000** нусха. Буюртма: №_____. Нархи шартнома асосида.

Тошкент Давлат юридик институти босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Сайилгоҳ 35, ТДЮИ, 700047



"LEGAL DEFENSE ADVISORY"

Адвокатлик фирмаси

ФИРМА ҲАҚИДА

Сўнги йилларда ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан акциядорлик жамиятлари тарзида бир қатор хўжалик юритувчи субъектлар ташкил қилинди. Амалий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бундай тизимдаги корхоналарни ташкил қилиш пайтида муассислар акцияларнинг бўлиниши, устав капиталининг миқдори, жамиятнинг бошқарув органлари ваколатлари, акциядорларнинг ҳуқуқлари каби бир қатор жиддий масалаларга эътибор қаратмайдилар.

"Legal Defense Advisory" Адвокатлик Фирмаси корпоратив муносабатлар соҳасида ўз фаолиятини доимо ривожлантириб бормоқда ва бугунги кунда, ўз миқозларига мазкур соҳада кенг юридик хизматларни таклиф этиш имкониятига эга.

Бизнинг Фирма миқозларга нисбатан уларнинг барча муаммолари, давлат рўйхатидан ўтказишдан бошлаб, улар фаолиятини ҳар томонлама ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб қувватлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда индивидуал ёндашишни таъминлайди.

Биз миқознинг хўжалик фаолиятидаги мулкий йўқотишлар ва ички корпоратив низолар вужудга келишининг олдини олишга ёрдам берувчи миқознинг бизнеси учун индивидуал корпоратив сиёсатни шакллантириш схемаси, конфеденциаллик ва ҳуқуқий ҳимояланганликни таклиф этамиз.

Фирма корпоратив ҳуқуқий муносабатлар ва чет эл инвестициялари, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритиш каби соҳаларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга ихтисослашган.

Биз замонавий бизнесда яхши натижаларга эришиш учун адвокат билан ҳуқуқий хизмат кўрсатишни сўраб мурожаат қилган шахс ўртасида

алоҳида даражадаги муносабат ўрнатиш лозимлигидан келиб чиқиб иш юритамиз.

Адвокатлик Фирмасининг алоҳида ўзига хос жиҳатлари: қўйилган вазифаларни бир жамоа бўлиб ҳал этиш, миждозлар билан ўзаро муносабатларнинг тўлиқ махфийлиги, универсаллик, шу билан бирга ишнинг сифат жиҳатидан мутлақо янгича ташкил этилганлиги ҳисобланиб, булар миждозга максимал даражада тез ва сифатли ҳуқуқий хизмат кўрсатишни таъминлайди.

ХИЗМАТЛАР

Фирманинг асосий фаолият сохалари қўидагилардан иборат:

● *акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши жараёнини ҳуқуқий таъминлаш:*

- акциядорларга тақдим этиладиган ҳисоботлар ва маълумотларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш;
- умумий йиғилишда акциядорлар номидан вакиллик қилиш;
- йирик битимлар тузилишини ҳуқуқий баҳолаш;
- кузатув кенгаши аъзолари, яккабошчилик асосидаги ижро органи, коллегиял ижроия органи, бошқарувчи билан тузилган шартномани, муддатидан илгари тугатиш бўйича тузиладиган хулосани ҳуқуқий расмийлаштириш;
- акциядорлик жамиятлари Уставларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар бериш;
- акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш жараёни, мазкур орган фаолияти, шунингдек акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш жараёнида акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳуқуқий таъминлаш.

● *кузатув кенгаши фаолиятини ҳуқуқий тарзда шакллантириш:*

- корпоратив конфликтлар (зиддиятлар)ни ҳал этиш;
- акциядорлик жамиятининг бизнес режаси ва ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- акциядорлар умумий йиғилиши олдидан кузатув кенгаши фаолияти хусусидаги ҳисоботни ҳуқуқий расмийлаштириш ва бошқалар.

● *ижро органи фаолиятини ҳуқуқий шакллантириш;*

● *юридик шахсларнинг таъсис ва бошқа ҳужжатларини тайёрлаш:*

- акциядорлик жамиятининг дирекцияси, тафтиш комиссияси ва бошқа таркибий бўлинмаларининг низомларини тайёрлаш;
- меҳнат шартномаларини тайёрлаш;
- ходимлар учун мансаб йўриқномаларини ишлаб чиқиш.

● *корпоратив бошқарув кодексларини ишлаб чиқиш;*

● *компанияларда корпоратив бошқарувни жорий этишнинг ижобий жиҳатлари бўйича таклифлар бериш;*

● *юридик шахснинг тизимини режаслаштириш ва ҳуқуқий шакллантириш:*

- юридик шахслар бирлашишининг шаклларини ишлаб чиқиш;
- юридик шахс ичидаги гуруҳларнинг тизимли муносабатларини шакллантириш;
- юридик шахслар ўртасида шартномавий муносабатларни шакллантириш;
- юридик шахслар ўртасида молиявий маблағлар ва мол-мулкнинг тақсимланишини ҳуқуқий шакллантириш.

● *узоқ муддатли шартномалар бўйича доимий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;*

● *учинчи шахслар билан бўладиган шартномавий муносабатларда ҳуқуқий кўмаклашиш;*

● *интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича мутлоқ ҳуқуқларни қўлга кiritиш ишларида кўмаклашиш:*

- товар белгисини;
- хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказишда ҳуқуқий кўмаклашиш;
- интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича бошқа ҳуқуқий ёрдам ишларини кўрсатиш.

● *юридик шахсларни қайта ташкил этиш ишларини амалга ошириш;*

● *компания фаолиятини тугатиш:*

- ихтиёрий тугатиш;
- банкротлик.

● *халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида хизмат кўрсатиш;*

● *миллий қонунчилик бўйича мижоз танлаган соҳадаги таҳлилий ишларни бажариш;*

● *мижоз шартномаларини чет эллик ҳамкорлар билан тузишда кўмаклашиш;*

● *иқтисодий низоларнинг ҳал бўлишида кўмаклашиш;*

● *чет эл юридик ва жисмоний шахслари, шу жумладан фуқаролиги бўлмаган шахсларга солиқ солишида ҳуқуқий маслаҳатлар бериш.*

Шу билан бир қаторда Фирма қуйидаги хизматларни таклиф этади:

● *корпорациялар бошқарувига информацион технологияларни жорий этиш:*

– корпоратив сайтларнинг моделини қонун талабларига мувофиқ ишлаб чиқиш;

– маълумотлар базасини яратиш.

● *ҳуқуқнинг илгор соҳалари бўйича конференция, семинар, презентация ва трейнинглар ўтказиш;*

● *илмий-амалий ва таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш.*

АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН СЕМИНАРЛАР

№1 Семинар

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

I Босқич. Маърузалар:

1. Корпоратив бошқарув (КБ) тушунчаси, унинг корпоратив назорат билан муносабати;
2. Корпоратив бошқарув иштирокчилари ва унинг моделлари;
3. КБ бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги;
4. Акциядорлар умумий йиҳилиши;
5. Кузатув кенгаши;
6. Ижро органи;
7. Тафтиш комиссияси ва ички аудит;
8. КБ Кодекси;
9. Акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
10. Низолар ва уларни ҳал қилиш усуллари.

II Босқич. Амалий машғулотлар:

1. №1 семинар. 1 – 3 мавзулар;

2. №2 семинар. 4 – 7 мавзулар;
3. №3 семинар. 8 – 10 мавзулар;
4. Шахсий КБ Кодекси модели бўйича коллоквиум.
5. Тестлар.

№2 Семинар

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА АХБОРОТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ

I Босқич. Маърузалар.

1. Ахборотларни ошкор қилиш (АОҚ) тушунчаси;
2. АОҚ турлари;
3. АОҚ шакллари;
4. Халқаро стандартлар;
5. Жамоат бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш;
6. АОҚ нинг биржада ўзини ўзи бошқариши;
7. Инсайдер маълумотлари;
8. АОҚни бошқариш бўйича халқаро тажриба;
9. АЖ да АОҚ тўғрисида Низом ишлаб чиқиш;
10. АЖ да самарали ахборот сиёсатини шакллантириш.

II Босқич. Амалий машғулотлар.

1. №1 семинар. 1 – 3 мавзулар;
2. №2 семинар. 4 – 6 мавзулар;
3. №3 семинар. 7, 9 – 10 мавзулар;
4. "Компаниянинг информацион сиёсати" презентацияси;
5. Тестлар.

№3 Семинар

КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИДА ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

I Босқич. Маърузалар:

1. Интернет тизимининг ривожини ва информацион жамиятни шакллантириш;
2. Интернет тизимида тадбиркорлик муносабатларини шакллантириш;
3. Электрон коммерция ва В2В (business-to-business) сектори фаолияти;

4. АЖда электрон ҳужжат алмашинуви;
5. Интернет тизимида корпоратив ахборотларни ошкор қилиш;
6. Электрон трейдинг (савдо).
7. Интернет-банкинг;
8. Интернет тизимида АЖ реклама фаолиятини шакллантириш;
9. Корпоратив сайтни режалаштириш;
10. ЎзР Интернет-қонунчилигининг истиқболлари.

II Босқич. Амалий машғулотлар:

1. №1 семинар. 1 – 2, 10 мавзулар;
2. №2 семинар. 3 – 7 мавзулар;
3. №3 семинар. 8 – 9 мавзулар;
4. "Корпоратив сайт модели" презентацияси;
5. Тестлар.

М А Н З И Л :

Ўзбекистон кўчаси, 49-уй
(ТГИУ Маданият маркази)
Тошкент ш., 700063
Тел./факс: 132-64-23.
E-mail: Lda_Advocacy@Mail.Ru